

ISSN 0131 – 1832

R-440



# Sharq yulduzi

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK



6 / 2014



*Зулфия*

*Ўзбекистон халқ шоири*

100

2 440

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Мухаммад Али	Абдулла Орипов
Эркин Воҳидов	Умарали Норматов
Кенгесбой Каримов	Хайриддин Султонов
Наим Каримов	Сирождин Саййид
Тўра Мирзаев	Тўра Саидов
Икбол Мирзо	Энахон Сиддикова
Минхожиддин Мирзо	Йўлдош Солижонов
Абдуваҳоб Нурматов	Шухрат Маткаримов
Баҳамдулло Нурабуллаев	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам

Назм бўлими мудири — Икром Отамурад

Масъул котиб — Саъдулло Қуронов

Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова

Адабиётшунослик бўлими мудири — Раъно Ҳакимжонова



Экз  
№ 2

*Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ***НАСР****ИЛДИЗИМ ВА ЎЗИМ***Роман-эссе*

Том тўла қип-қизил лопазору кўм-кўк бугдойзор, лекин булар аралаш, мисли атлас. Капалаклар учиб, кўниб юрибди. Шохларининг уч-учи том буготига тегай-тегай деб қолган, чаппар уриб гуллаган нок дарахтининг усти гуж-гуж асалари. Улар тинмай гўнғиллашади, буям ўзига хос бир куй, айтиш мумкинки, бир ажойиб симфония! ...Менинг биринчи ижодий хаёлим ўшанда – қирқ саккизинчи йилнинг Тошкент кўкламида – том бошида ўйтонган бўлса, ажаб эмас.

**НАЗМ***Одил ОҒА***ҚАЙЛАРГАДИР ҚЕЯМОҚ  
ИСПАЙДИ ҚУНҒИМ***Шеърлар*

*Яхшиларга ёндашдим, ишим йўқ ёмонларда,  
Эзгу сўз голиб бўлган ҳар қайси замонларда,  
Бобуришоҳ деган зот бор Андижон томонларда,  
Мактубин ўқиб ўзин кўрмаган Навоийман.*

*Хосият РУСТАМОВА***ДРАМАТУРГИЯ****ОСМОНГА СИГМАГАН ҚУШ***Муסיқали драма*

Бу ерда дунёга келаётган ҳар бир норасидани ўзимнинг зурриёдим каби қабул қиламан. Уларни бағримга босиб овунаман. Сизнинг қисматингиздаги каби ҳолатларни кўриш менга осон деб уйлайсизми, Умидахон?! Сиз бу ердан кетасиз, аммо йиллар давомида бу дард меники бўлиб қолаверади.

**J****Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK****ТИЛИМИЗ — ХАЗИНАМИЗ***Абдулҳамид НУРМОҲОВ***СЎЗ МУЛКИГА САЙР**

Алишер Навоий “туркийда гўзал асарлар ёзиш мумкин эмас”, деган ақидага ўзининг “Хазойин ул-маоний”, “Хамса” сингари асарлари билан чек қўйган бўлса, Эркин Воҳидов “ғазал ўз умрини ўтаб бўлди, ҳозирги воқелигимизни бу жанр орқали ифода-далаб бўлмайди”, деган ақидани ўзининг девони билан чиппакка чиқарган эди.

**ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ****ХАЗИНА ҚАЛБНИНГ  
ЎЗИДИР***Йўлдош Эшбек ва Абдумурод  
Тиливов суҳбати***ЖАҲОН АДАБИЁТИ***Томрис УЯР***ХИЛВАТДА КЕЧГАН УМРИМ****Ҳикоя**

Айвончага чиққанимда қўшни айвончалардаги қарияларга кўзим тушади. Бу пайтда улар ҳам уйғоқ бўлишади. Яширинча кулишамиз. Чунки баланд овозда ҳол сўраш айб ҳисобланади. Маҳаллани хавотирга солиш яхши эмас-да! Биз кексалар кам куламыз, тонгни қарши оламыз, айвончаларнинг бир четида ийманибгина ўтирамыз, ҳеч кимга юк бўлмаймыз.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

## МУНДАРИЖА

### ПУБЛИЦИСТИКА

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида ..... 5

### НАЗМ

Зулфия. Халққа дилим бериб кетаман. Шеърлар. ....	6
Абдулла Шер. Кўнглим менинг тоғларда. Туркум. ....	26
Абдумажид Азим. Вақт шамоли. Шеърлар. ....	30
Одил ога. Виждоним оплоқ сочик. Шеърлар. ....	63
Аҳмад Хўжа. Хаёл – рангин дунё. Шеърлар. ....	67
Одил Ҳотамов. Суратлар шакли. Шеърлар. ....	89
Хуршида. Уйғониш айёми уйғотар умид. Шеърлар. ....	91
Асрор Мўмин. Губор кўндирмагин тоза туйғуга. Шеърлар. ....	126
Умида Хушвақтова. Мезонлар борлиққа тортилган сўроқ. Шеърлар. ....	128

### НАСР

Абдуқаҳор Иброҳимов. Илдизим ва ўзим. Тарихий-ҳужжатли роман. ...	10
Умид Холлиев. Тириклик изтироблари. Қисса. ....	70
Бахтиёр Нуриддинов. Унутилган хотира. Ҳикоя. ....	110
Гулчохра Асронува. Дардисар. Ҳикоя. ....	130
Матлуба Улканбоева. Олволли. Ҳикоя. ....	141

### ДРАМАТУРГИЯ

Хосият Рустамова. Осмонга сифмаган куш. Муסיқали драма. ....	50
Чоршаъм. Исмоил Сомоний. Тарихий драма. ....	78

### БАРҲАЁТ МЕРОС

Гегель. Эстетика. Охири. ....	94
-------------------------------	----

### БАҲС

"Муаллиф ўлими"га сиз ҳам овоз берасизми?	
Умарали Норматов. Рисолат Ҳайдарова. ....	113

### МУАЗЗАМ ШАРҚ ХАЗИНАСИДАН

Имом Ғаззолий. Кимийи саодат туркий. Учинчи рукн. ....	38
МУЛОҲАЗА. МУҲОКАМА. МУНОЗАРА	
Нусратулло Жумахўжа. Танқид – бадий адабиётнинг ҳимоя имунитети. ....	33

### МУШОИРА

Эзгуликка йўғрилган ҳаёт. Шеърлар. ....	144
---	-----

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Томрис Уяр. Хилватда кечган умрим. Ҳикоя. ....	149
--	-----

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Тозагул Матёқубова. Ғафур Ғулум ҳажвийети. ....	152
Ақром Дехқонов. "Ҳайрат ул-аброр" да сўз таърифи. ....	155
Нигора Шарипова. "Ҳайрат ул-аброр" дostonида тўғрилиқ васфи. ....	158

### БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Эъзоза Обиджонова. Соғинч тўла саломим. Шеърлар. ....	162
Моҳинур Қодирова. Гуллар ёмиргга айлайди таъзим. Шеърлар. ....	172

### ТИЛИМИЗ – ХАЗИНАМИЗ

Абдулҳамид Нурмонов. Сўз мулкига сайр. ....	133
---	-----

### БУ БЎСТОН САҲНИДА

Ғулум Шомуродов. Хабар йўқдир нозик таъбдин. Мухаммас. ...	181
--	-----

### ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ

Йўлдош Эшбек. Абдумурод Тилатов. ....	174
Хазина қалбнинг ўзидир. Сўхбат. ....	

### УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Чўлпон Эргаш. Йўлинда зориктирма. Шеърлар. ....	188
---	-----

### МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Комилжон Раҳимов. Ишқ ва муҳаббат таърифи. ....	164
Абдукамол Абдужалилов. Утқирбек Йўлдошев. ....	
"Рисолаи тийри андохтан" Навоийга тегишлими? ....	184

### ЁДНОМА

Ҳамиджон Ҳомидий. Форсий тилдаги адабиётнинг забардаст таржimoni. ....	190
Ҳамдам Абдуллаев. Бекпошша Раҳимова. Уч устоз эътирофи. ....	200
Нилуфар Умарова. Туйғулар тилмочи. Эссе. ....	203

### ТАҲЛИЛ

Абдураҳмон Пиримқулов. Кирма ағёр базмиға. ....	194
---	-----

### БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Оллоберган Пўлат. Мунаввар этди китоб. Шеърлар. ....	198
--	-----

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ МАНЗАРАСИ

Ошиқ Баёний. Сел янглиғдир бу ҳаётнинг оқиши. Шеърлар. ....	206
---	-----

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2014

6-сон

## Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.  
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиғи бўйича рўйхатиغا киритилган.

\* Обунага монелик кўрсатилса,  
Тошкент – 100000,  
Амир Темуր тор кўчаси, 2. Республика "Матбуот таркатувчи" акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.  
Обуна индекси – 911

### Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,  
"Ўзбекистон" кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
www.sharqyulduzi.uz  
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Боснига рухсат этилди  
02.12.2014 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16.  
Офсет босма усулида тип.  
№ 1-қоғозга босилди.  
Босма тобоғи 11.  
Шартли босма тобоғи 15,4.  
Наширёт ҳисоб тобоғи 17,2.  
Алади 2330 нусха.  
Буюртма № 239-14

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 03.04.2009 й.  
0562 – рақам

билан рўйхатга олинган.  
Ўқитувчи НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

### Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани,  
Янги шаҳар кўчаси, 1-уй.  
Журнал икки ойда бир марта чоп этилади.

### Мусахҳчи:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Ҳуришд Иброҳимов

Copyright © "Шарқ юлдузи"

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бетақорор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита бир ой муддатда Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

– шоиранинг ўзбек тилида “Сайланма” асарларини, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърӣ тўпламларини;

– “Зулфия замондошлари хотирасида” китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

– шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

– Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоӣ номидаги Тил ва адабиёт институтида “Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти” мавзусида илмий конференция ўтказиш;

– мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

– 2015 йил март ойида Тошкент шаҳридаги “Туркистон” саройида зиёлилар, фаол хотин-қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида шоира хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов

Тошкент шаҳри, 2014 йил 31 октябрь



## НАЗМ



### ЗУЛФИЯ

Ўзбекистон халқ шоири, Халқаро Жавоҳарлаъл Неру ва “Нилуфар” мукофотлари совриндори. 1915 йилда туғилган. “Хайт варақлари”, “Қизлар кўшиги”, “Ҳижрон кунларида”, “Хулқар”, “Ўйлар”, “Висол”, “Йиллар, йиллар” каби шеърый тўпламлар, “Кўёшли қалам”, “Хотира синиқлари” сингари достонлар муаллифи. А.Пушкин, Ю.Лермонтов, Н.Некрасов, Л.Украинка, В.Инбер ва бошқа кўплаб шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. 1996 йилда вафот этган.

## ХАЛҚҚА ДИЛИМ БЕРИБ КЕПЛАМАН

### Қалбим қолган эди бу ерда

Қалбим қолган эди, бир чоғ бу ерда,  
Сизнинг дилингиз-ла жўнаб кетгандим.  
Аждодим, авлодим қибласи – эда  
Қалбимни соғиниб шеърлар битгандим,  
Қани бунда ташлаб кетган у қалбим?

Кезиб, сою қоя кўрмаган жондек,  
Тоққа тирмаиғандим толиб тизларим.  
Сочилганди шодлик ёқут маржондек,  
Лекин тун сел ювгач кунлик изларим  
Сирқираб чиққанди толган тизларим.

Аммо яна тонгда тушгандим йўлга,  
Соя кўтарилмас чўққига дадил.  
Конларга тушганда олгандим қўлга  
Юракни кончининг фонуси шакл,  
Шуъладай қолганди у ерда ҳам дил.

Эсимда, чорлашди юлдузларсимон:  
Чақмоқ ва бижилдоқ бир давра гўдак.  
Мен бўлсам, айланиб гўдакка шу он  
Хар бири кўзидан гўё бойчечак,  
Гилосдай боққанди мен берган юрак.

Не яқин-йироққа йўлдош бўлмадим,  
Бу қутлуғ умримнинг измида эркин.  
Ҳеч ерда ҳеч-кимнинг бахтин юлмадим,  
Туйғумни изларга отмадим, лекин  
Писанд ҳам қилмадим раиқлилар кекин.

Ҳар ерда денгизга тушган томчидай  
Қалбим зарраларга кетди бўлиниб.  
Аммо дилга кирган ҳар дўст севинчдай,  
Илҳом, куч, ҳаётдай жонимга иниб,  
Яшадим, дарёдай тўлиб, тўлиниб.

Қолган дил изидан яна келдиму  
Мингларча нигоҳлар сеҳрида қолдим.  
Ҳар салом, ҳар иссиқ табассум, қулғу,  
Мавжсида у қолган дилим кўролдим.

Удумдай, меросдай қон-ла ўтдими,  
Бу беҳад кўзларда мавж урган меҳр?  
Зарра-зарра қолган қалбим ўtimi,  
Бизни яқин қилган муаззам сеҳр?

Мен олган диллар ҳам ҳамон қалбимда  
Ҳаётим безағи, шеърим жасранги.  
Ичган сувларимнинг нами лабимда,  
Сочларимда ҳатто йўлларнинг чанги.

Ўша ўт ёшликка мен содиқ қолиб,  
Бутун халққа дилим бериб кетаман.  
Сўнг бу гул диёрни қўмсаб, соғиниб,  
Қуёшдай дўстликни куйлаб ўтаман.

### Дарахт

Бир дарахт турарди йўл чеккасида,  
Шамол урар эди уни муттасил.  
Аввал кўк, сўнг заъфар-хазон тусида  
Кўркини йўқотди... Ҳамон урар ел.

Қўрғади, букчайди қураида танҳо,  
Зилол қонларидан қолмади зарра.  
Шамол, шамол саваб қўймади, аммо  
Илдиз-ла йиқилди охир бир зарбдан.

Энди ел бўшликда кезар дарбадар,  
Танҳо қурбонининг қақшашин излаб.  
Биламан, дарахтдай қуласам агар  
Менинг ҳаёт боғим қолмас ҳувиллаб.

### Хаёллар

Эй хаёллар, елдай сездирмай  
Келасизу чулгайсиз ўйим.  
Ҳатто безган чоғда ҳам гоят  
Кўксингизга ташлайман ўзим.

Зотан, сизсиз бўм-бўишдай ҳаёт,  
Дил қанотсиз қуш билан тенгдир.  
Ҳатто икков зўрга жойлашган  
Хонам сиз-ла осмондай кенгдир.

Тун ухлайди ширин уйқуда,  
Ой-юлдузда оқади ҳаёт.  
Сиз-чи, мени этасиз мафтун  
Ўйим чулғаб елтийсиз қанот.

Бодом тоғларига чирмашиб  
Излашасиз бирга оҳуни.  
Оққуш каби енгил ва кўркам,  
Мен-ла кечиб ўтасиз сувни.

Кўзёшидай тиниқ ҳар булоқ  
Табиатга тутар ойина,  
Мағрур бошин қорга ўраб тоғ  
Акс этади бир оптоқ сийна.

Сиз тиклайсиз севги ва шҳом  
Ўйи бўлмиш оппоқ ўтовни  
Ва эсимга солиб қўясиз  
Ўзи эсдан чиқмас бировни.

Шунда сизга янги ном бериб  
Ҳаяжонда атайман севги.  
Юксалтирар дилмни тоғдай:  
Шу янги ҳис, шу янги сезги.

Маст назар-ла атрофга боқиб,  
Табиатда кўраман чирой.  
Кун шуъласин қамраб тўлқинга  
Шўх кўпириб оқар дарё, сой.

Олтин рангга кириб кўринар  
Дала йўлдан кўтарилган чанг.  
Чўл чечагин менга тутқизар  
Қирғоқдаги ҳар тош, ҳар харсанг.

Сеҳргарсиз, тирик хаёллар,  
Сеҳрингизга этасиз мафтун.  
Йўқса, чўлда қийғоч гулишанни  
Тикандан гул ундирмак нечун?

Оқшом гунча атаб кетганим  
Хандон кулиб боқса эрталаб,  
Салқин кеча камол топтирган  
Соҳил мендан қилса шеър талаб –

*Шунда сизни чечакка ўраб,  
Номингизни атайман илҳом.  
Мук тушаман шеър машқига,  
Севинчига, дардига дил ром.*

*Оптоқ қозоғ, кичик бир қалам,  
Изланишда ўтиб кетар тун.  
Гоҳ севги деб сарлавҳа қўйиб  
Изтиробда ёнаман бутун.*

*Гўзал оқишом қаби сездирмай  
Келасизу чулғайсиз бошим,  
Гоҳ қийнайсиз, гоҳ яйратасиз,  
Туни бўйи бўлиб йўлдошим.*

### Шафақ


*Шафақ нури гўзал, дейдилар,  
Мен шафаққа келдим юзма-юз.  
Жилвалари зарҳал, дейдилар,  
Тонг мисоли тиндирмайди кўз.*

*Шафақ нури олис, дейдилар,  
Қўл узатсам, тутар қўлимдан.  
Ҳароратдан холис, дейдилар,  
Оташ ўсар менинг йўлимдан.*

*Шафақ умри қисқа, дейдилар,  
Чўккан жондай ботар уфққа.  
Қолдиргани гусса, дейдилар,  
Менинг жоним тўла қўшиққа.*

*Юрак заиф, идрок ҳукмдор  
Ўтган йўлга боқаман лоқайд:  
Қанча тошлоқ, жар, тепа, гулзор  
Ўтилганин билмабман кўп пайт.*

*Фақат битта ўкинч: қаламга  
Ўтган кунлар ўтказар ҳукм.  
Чап бергандай кўп лаззат менга,  
Ўтган қолиб, иқболга юргум...*



# НАСР



## Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

1939 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)ни, Москвадаги Олий адабиёт курсини тамомлаган. “Зўлдир”, “Олқиш”, “Сенга бир гап айтаман”, “Пуч” каби ўндан ортиқ пьесалари мамлакатимиз театрлари сахнасида ҳамда чет элларда намоён этилган. “Уйқу келмас кечалар” романи, “Миллат овози”, “Ёруғдуг”, “Рухий озиқ маҳзани”, “Муфтийлар сулоласи”, “Бизким, ўзбеклар...” каби элликдан ортиқ китоблари нашр этилган.

## ИЛДИЗИМ ВА ЎЗИМ

Тарихий-ҳужжатли, биографик романдан боблар

### Том бошида

Бир қаламкашни биламан. Туғилиб ўсган шахри ҳақида шеъри бор. Қайси шаҳарга борса, минбарлардан туриб шу шеърини ўқийди, лекин охириги мисрасини ўзгартириб, “Агар у шаҳарда туғилмаган бўлганимда, албатта, шу шаҳарда туғилишни истардим”, дейди: залда олқиш янграйди – тингловчилар гўё мамнун бўлгандек бўлишади. Бироқ масала моҳиятига чуқур ёндашсак, шундаймикин?

Мен асли тошкентлик бўлганим билан фахрланаман, таги-тахти тошкентлик бўлган бошқа ҳамшаҳарларимни ҳам шу туйғу билан фахрланишга даъват этаман. Умуман, ҳар бир киши киндик қони тўкилган, ота-боболарининг хоки-туроби ётган шаҳар ёки қишлоқнинг энг яхши томонлари билан фахрланишга ҳақли деб биламан ва шундай қилишга чорлайман.

Мен ўзбекдан бошқа миллат фарзанди бўлишни, Ўзбекистондан бошқа мамлакатнинг фуқароси бўлишни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайман. Тошкентнинг қадим руҳоний маркази бўлмиш Ҳастимом – Ҳазрати Имомда ўсиб-улғайганлигимдан фахрланаман. Бундай дейиш менинг фарзандлик ва фуқаролик бурчимдир.

Отам Иккинчи жаҳон урушида 1945 йил кўкламида дараксиз кетганликлари сабабли она томондан бобом Миролим ота 1947 йил охирида бизларни (онам, мен, синглим ва укамни) ўз паноҳларига – Ҳазрати Имом мавзесининг Ҳалимқўп маҳалласидаги ҳовлиларига кўчириб олиб кетган эди, лекин тут пишиғидан бошлаб, то кеч кузга қадар Кўкча мавзесининг Оқилон маҳалласидаги дала ҳовлимиз – ёзлогимизда яшардик.

Қирқ саккизинчи йилнинг эрта кўклами эди. Мен Қўштут маҳалласидаги 24-ўрта мактабнинг биринчи синфига қатнардим. Бобом ҳовлилари ички-ташқили бўлиб, иморатлари икки қаватли эди, томларнинг кўп қисми тунукали бўлса, илгари солинган бир иморатнинг томи тупроқли эди (қишнинг охирлари ва эрта кўкламда унинг бўғотларида

осилиб турадиган узун-қисқа сумалаклар худди новвотга ўхшаш сарғимтир бўларди, эсласам, улар ҳамон аниқ кўз олдимга келади), бу иморатлар эндиликда қисман сақланиб қолган. Тоғаларимнинг ёши мендан катта ўғиллари синфдошлари билан ана шу тупроқли томда дарс тайёрлашар, ёзги имтиҳонларга тайёргарлик кўришарди. Бир куни мен ҳам улар билан бирга ана шу баланд томга чиқдим. Чикдим-у, кўзим тушган манзараларга маҳлиё бўлиб қолдим. (Ана шу лаҳзада келажак тақдирим, касбим, ким бўлишим узил-кесил ҳал қилиб қўйилган бўлса керак, деб ҳисоблайман). Том тўла қип-қизил лозазору кўм-кўк буғдойор, лекин булар аралаш, мисли атлас. Тиззага уради, ёнбошласангиз сизни кўмиб юборади. Капалаклар учиб, қўниб юрибди. Шохларининг уч-учи том бўғотига тегай-тегай деб қолган, чаппар уриб гуллаган нок дарахтининг усти гўж-гўж асалари. Улар тинмай гўнгиллашади, буям ўзига хос бир куй, айтиш мумкинки, бир аjoyиб симфония!

Мен теварак-атрофимни томоша қила бошладим.

Маҳалла масжидининг томи ҳам, гарчи баланд бўлса-да, тупроқли – узоқда яхлит, кўкимтир-қизил катта гилами, унинг ёнгинасидаги мезанаси худди типпа-тик қилиб ўрнатиб қўйилган эски харини эслатади. Мезана гарчи тўртбурчакли пишиқ гиштдан ишланган бўлса-да, тепасида ўт-ўлан унар, лолақизғалдоқлар қийғос очилиб ётарди.

Томимиздан қўшни маҳаллалар, узоқ-узоқлар ҳам кўринарди. Тупроқ томли иморатлар орасида масжид ва мадрасаларнинг, хонақоҳ ва мақбараларнинг пештоқ ва гумбазлари, миноралари салобатли ва сирли, ҳаттоки ваҳимали бўлиб гавдаланарди. Кейинчалик билсам, шимол томондаги улуг гумбаз Х асрда ўтган Абу Бакр Қафзол Шойининг мақбараси бўлса, кунчиқар тарафдаги улкан пештоқ Бароҳон мадрасасининг пештоқи экан, жанубда – ҳу олисда – ўнлаб гумбазлар орасида ажралиб кўзга ташланган гумбаз Улугбекнинг кичик замондоши Хожа Аҳрорга нисбат берилган жоме масжидига тегишли экан...

Эртасига ҳам томга чиқдим. Ундан кейинги кун ҳам. Том яхши-да. Гўзал манзара, ҳаво тоза – гир-гир кўклам шамоли эсади, оппоқ-оппоқ капалаклар гулдан-гулга кўниб юради, осмонда юпқа-юпқа булутлар сузади, хаёл олис-олисларга кетади, маза қилиб ўй сурасиз, айтиш мумкинки, менинг биринчи ижодий хаёлим ўшанда – қирқ саккизинчи йилнинг Тошкент кўкламида – том бошида уйғонган бўлса, ажаб эмас. Насриддин Афандига нисбат бериладиган халқ кўшиқларидан бири "Том бошида..." деб аталиши ҳам бежиз бўлмаса керак, деб ўйлайман. Муболаға эмас, томма-том ошиб, бир неча чақирим юриш мумкин эди, кўчалар тор бўлганидан, у томдан бу томга чолиб келиб, сакраб ўтиларди, баъзи томларора кичик нарвонлар ҳам ташлаб қўйиларди. Орадан бир неча йил ўтгач, биз тенкурлар – тўртинчи-бешинчи синф ўқувчилари элгигинчи йилларнинг кўклам кезлари томма-том ошиб Ҳалимқўп маҳалласидан то ҳозирги Эски Жўва деҳқон бозорининг шимол томонида жойлашган карвонсаройгача келганимизни эслайман. Ўшанда ўртоқларимдан бири қўшни иморатни кўрсатиб, "Ана у ўлик музей" дегани ҳам ҳамон ёдимда. Бу – Табиат музейи бўлиб, эски шаҳарда, айниқса, мактаб ўқувчилари ўртасида жуда машҳур эди, ўқитувчилар бўш қолди дегунча, ўқувчиларни дарҳол шу музейга етаклаб келишарди, музей экспонатлари орасида ёввойи ва хонаки ҳайвонлару паррандаларнинг тулумлари жуда кўп бўлгани учун халқ унга "ўлик музей" деб ном қўйиб юборган эди. Лекин бу сира ҳам камситиш маъносини англамас, балки музей экспонатларининг бойлиги бир ишора эди. Эндиликда ўша биноларнинг ўрни бозор ҳудудига қўшилиб кетган.

Ҳадеб томда юравермай, пастга тушай. Халқимиз асрлар давомида яшаб келган тупроқ томли, сомон сувоқли уй-жойларни камситувчилар ҳам учраб туради. Лекин бунга қўшилмайман, чунки турмуш тарзи, экологик муҳит шуни тақозо этган. Қолаверса, тупроқ томли иморатлар иложи борича кунгай томонда бир уй, бир айвон тарзида қурилган, токи қишли-қировли кунларда яшовчилар уйдан тўғридан-тўғри ҳовлига чиқиб, совуқ ҳавога дарҳол дуч келмасинлар, аввал айвондаги нисбатан мўътадил ҳаводан нафас олиб, бироз совуққа кўниқиб, кейин совуқ ҳаводан нафас олсинлар. Иморатлар синчор бўлгани учун ҳатто тўққиз балли зилзилалар (масалан, 1966 йилги Тошкент зилзиласи)га чидамли бўлишидан ташқари уй-жойларнинг деворлари қўш синчли бўлиши худди термос каби ёзда иссиққа, қишда совуққа тўсик бўлган. Ҳа, аждодларимиз иморатсозликда ҳам моҳир бўлишган. Шуни ифтихор билан таъкидлаймики, тупроқ томли ўша иморатларнинг етти, тўққиз, ўн бир ёгочли хоналари тоқчаларида даста-даста қўлёмза китоблар, тошбосма ва босма нашрлар ҳам бўлган.

Ана шу китобларга катта ҳурмат билан қаралган, муқаддас деб ҳисобланган, нондек улуғланган, оддий қоғоз парчаси ҳам ерга тушса, олиб юқорига қўйилган. Боболаримиз удумига кўра ёстиқ устига учта азиз нарсани қўйиш мумкин эди: инсоннинг боши, нон ва китоб. Дадил айтиш мумкин: ҳозиргига қараганда бундан олтимши йил аввал нисбатан кўп китоб ўқиларди, бунга радионинг унчалик кенг томир отмагани, телевидение халқимиз турмушига энди-энди кириб келаётгани сабаб бўлса керак.

Шўролар даврида Тошкентнинг эски шаҳар кўчалари ҳақида сўз кетганда уларнинг торлиги, боши берк кўчаларнинг кўплиги тилга олинчи ҳам камситиларди. Ваҳоланки, кўчаларнинг бундай жойлашганининг ўз ҳикмати бор. Биринчидан, бир текис қурилган иморатлар зилзила пайтида бири қуласа, икки ёнидаги иморатга урилиб, унинг ҳам қулашига сабаб бўлади. Иморатлар тизими эгри-бугрироқ бўлса, бир-бирига ён тиргак вазифасини ўтайди. Бунга мисол тариқасида 1966 йилги Тошкент зилзиласини келтириш мумкин. Эски шаҳардаги синчор иморатларнинг аксарияти унчалик шикаст топмади, Янги шаҳар – Городдаги бир чизиқда хом ғишдан қурилган иморатлар зилзила пайтида бир-бирини "туртиб" ағдарилди.

Иккинчидан, кўчаларнинг нисбатан тор бўлиши, боши берк кўчаларнинг кўп бўлиши мудофаа жиҳатидан аҳамиятли бўлган. Ўтмишда Тошкентга душман ҳужум қилганда ҳимоя жанглари, асосан, шаҳар ташқарисида, дарвозалар олдида бўлган. Мабодо ёв шаҳар ичкарисига бостириб киришга эришса, кўча жанглари давом этган. Дарвозалардан бошланувчи катта кўчалар ҳам душман қўлига ўтса, боши берк кўчалар ҳимояси бошланган. Боши берк кўчаларнинг боши қум ёки тупроқ тўлдирилган қоплар билан тўсилган, душман боши берк кўчага киролмаган. Мабодо, ёв бунга ҳам эришса, томдан туриб, унинг устига қайноқ сув қўйилган, бетига қум сочиб, жазоси берилган. Бундай ҳимояда эркакларга аёллар ва бола-бақралар қўмақлашган.

Шаҳар маркази ҳисобланган, ҳозир Эски Жўва бозори, илгари Пастбозор (пастликда жойлашгани учун шундай аталган) деб юритилган бозор атрофидан шаҳар дарвозалари – Чигатой, Сағон, Қорасарой, Тахтапул, Лабзак, Ўқчи, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд дарвозаларига олиб борувчи, ўртасига қайроқтош, йўлкаларига харсанг ётқизилган катта кўчалар бошланган. XIX асрнинг ўрталарида, Анҳорнинг ўн соҳили томонида қурилган Қошғар, Қўқон ва Қўймас дарвозаларига Катта кўча (ҳозирги Навоий кўчаси) орқали Ўрда кўпригидан ўтиб борилган. Марказий бозор ёнидан бошланган, шаҳар дарвозаларига олиб борувчи кўчаларда бора-боргунча кўчанинг икки томонида, кетма-кет боши берк кўчалар бўлган. Бу боши берк кўчаларнинг ўзида – ичкарисида яна боши берк кичик кўчалар бўлган. Ҳар бир боши берк кўчада камида ўн-ўн бештадан то бир юз-бир юз элликтага ҳовли бўлган. Масалан, ҳозир Зарқайда деб аталаётган кўчада Эски Жўва майдонидан то Ҳастимомгача бўлган қисмида ўн тўртта боши берк кўча бўлган, ўн тўртинчиси Тиккўча деб аталиб, муфтийлар хонадони шу кўчанинг ичкарироғида эди. Ёки бўлмаса, марказий бозорнинг шимолидан бошланувчи, Ачаобод мавзейига олиб борувчи Сағон кўчасида қирққа яқин боши берк кўча тарқалган бўлиб, буларнинг аксарияти ҳамон сақланиб келмоқда.

Тошкент ҳудуди деярли доира шаклида бўлиб, диаметри тахминан олти-етти километрча эди, яъни шимолдаги Сағон дарвозасидан жанубдаги Самарқанд ёки Камолон дарвозасигача шунча масофани босиб ўтиларди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, турар жойлар уч, беш, етти, тўққиз ва ўн бир ёғочли (яъни шифтдаги тўсинлари шунча бўлган) хоналарнинг тўққиз ёки ўн бир ёғочлиларининг айвондан қириладиган эшиклари ичкарисида, остонанинг нариги томонида гиштин даҳлизлари бўлган, даҳлизларнинг ярмидан кавшандоз (оёқ кийими ечиладиган жой) сифатида фойдаланилган; ярми ҳаник бўлган. Ҳаникда бет-қўл ювилган, қишли-қировли кунларда таҳорат янгиланган, гусл қилинган. Ҳаникнинг ўрта ерида тешикча бўлиб, ишлатилган сув шу орқали пастга тушиб кетган. Лекин сув кўп ишлатилмаган. Бир Ҳадиси шарифда айтилишича, Ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васаллам бир қадоқ сув билан таҳорат янгилар эканлар.

Ҳар бир хонада ҳам, унинг ёнидаги айвонда ҳам танча бўлган, ундан исинишдан ташқари, овқат иситиш, ювиниладиган сувни иситиш, чақалоқларнинг кийим-кечакларини, бешик асбобларини иситиш ва қуритиб олиш мақсадида ҳам фойдаланилган. Шундай тежамкорлик қилинганки, қиш кунлари овқат пиширилганидан кейин ўчоқда қолган кўрни танчага олиб келиб солинган.

Таъбир жоиз бўлса, ҳаник ўз даври учун душхона бўлса, танча бир печка эди, деб

айтиш мумкин. Қаффоли Шошийлар яшаб ўтган Ҳастимомдаги турмуш тарзи ҳақида бироз бўлса-да тасаввур ҳосил қилиш учун юқоридаги ҳаётий лавҳаларни ҳикоя қилиб ўтдик.

\*\*\*

Бувиларимни “Ойи” деганим учун, туққан онамларни тошкентликларга хос “Она” деб атардим. Мирориф тоғамнинг рафиқаларини менга кўп оналик меҳнатлари сингани учун “Она” дегин, сенинг ҳақиқий онанг шу”, деб ўргатишган эди. Мен Зухрабиби исмли ўқимишли, меҳнаткаш, чевар, ширинсўз, ёқимли бу аёлни маънавий онам ва биринчи устозим, деб биламан. Тошкентнинг Юқори Охунгузар маҳалласида таваллуд топган, шу маҳалладаги отиноий қўлида илк хат-саводини чиқарган, ўн еттига тўлар-тўлмас Ҳалимкўп маҳалласида яшовчи Руқиябиби исмли ўртанча аммасига келин бўлиб тушган бу меҳрибон инсон хотираси олдида доимо таъзимдаман. Узоқ қиш кечалари деярли ҳар куни барча оила аъзоларимизга, баъзан эса ҳатто фақат бир менинг ўзимга ҳам то уйку элтиб мудраб кетгунимга қадар китоб ўқиб берарди.

### Туркистонлик туб зиёлининг хотиралари

Мен жуда ёш эдим, ҳар нарсага ажабланиб қарардим. Икки қир ўртасидаги сойликда Чоға деган кичкинагина қишлоқда яшардик. Узан суви оқиб келадиған Қайнарбулоқ томонида ҳамиша Қоратоғнинг ёнбағрию чўққилари кўзга ташланиб турарди. Уйимиз қишлоқнинг ўртасида, жума масжидининг рўпарасида эди. Ҳар куни эрталабки чойдан сўнг оғам, тўтиларим (опаларим) юмушларига кетгач, отам ёнида ёлғиз қолиб, сўзларини тинглаганим-тинглаган эди.

Отам одати бўйича тоқчадаги китоблардан бирини оларди-да, менга ўқиб беришга тушарди. Баъзида хат қандай ёзилиб, қандай ўқилишини ўйлаб, анграйиб қолардим. Шундай вақтларда падарим раҳматли:

— Каттароқ бўл, ўзим сени муллоликка бераман, — деб қувонтирарди. У киши Чоғада ягона саводхон бўлиб, Боймат элликбоши, деб аташарди.

Ҳали кўз ўнгимда, у киши аксари китобни уй саҳнида, кигиз устида тик туриб ўқирди. Ўқир экан, ҳар замон рўмолча олиб, кўзёшларини артарди. Ҳайрон бўлардим у сўролмасдим. Вақт-вақти билан эса таъсирлангандан овози ҳам қалтираб кетарди. Кейин:

— Бу китоб Ҳазрат Султон бовоннинг ҳикматлари, — деб тушунтирарди. — Қантга (яъни шаҳарга) борганимизда авлиё бобонга зиёратга олиб кираман.

Авлиё бобом мозорати-мақбарасини узоқдан кўп кўрганман. У қишлоғимиздан ярим кунлик йўлда бўлса ҳам Култела, Қоровултепа, Оқтақирдан яққол кўзга ташланиб турарди. Бир сафар шаҳарга боришда атайлаб кирғий йўлга бурилдик. Бу йўлдан аввалдаям юрганмиз. У тўғри ва яқин бўлиб, Қантнинг юқориси бўйлаб Тошлоқ маҳалласидан ўтади. Бу манзилга яқинлашганда отам ўйга чўмиб, секин ҳикоя қила бошлади. Шаҳарда турган чоғларимизда шу атрофда, Суйри ариғидан сув олиб қовун эккан, ўғирликка келган подшо саллотларини казармасигача қувиб борганларини — барча-барчасини айтиб берди. Ўшанда Тошлоқнинг кунчиқаридаги ялангликда ҳали ҳам бутун турган казарма иморатлари кўзга ташланарди. (Чор Россияси аскарларининг қовун ўғирлашлари Лев Толстойнинг “Тирилиш” романидаги қаҳрамонлардан бири бўлмиш Нехлюдовга доир бир ҳолатни эсга солади. У қилмишлари туйғайли жамиятнинг чиқтига айланиб қолади, киборлар орасида яшай олмайди. Тошкентни забт этиш учун йиғилаётган аскарлар сафига бориб ёзилади. Бу деган сўз шуки, Ватанимизни босиб олишга келган босқинчилар ана ўшандай жамиятдан чиқариб ташланган, ахлоқан ҳаман турган кимсалардан иборат эди. Шунинг учун ҳам ўша саллотлар қовун ўғирлашдан ҳам қайтмайдилар). Мен бу воқеалардан ҳаяжонланиб, жим бўлиб қолгандим. Отамнинг:

— Мана, Яссига ҳам келдик, нарёғи Туркистон бир қадам, — деганидан сесканиб кетдим.

Шундан кейин билдимки, Ясси деган илгариги шаҳар Тошлоқ мавзеининг кунботиш томонида бўлиб, замонлар ўтиши билан Туркистонга қўшилиб кетган экан. Демак, Ясси ва Туркистон дастлаб бошқа-бошқа шаҳарлар, Ясси қадимийроқ бўлиб, Туркистон эса Яссининг ўрнида эмас, ёнида қурилган нисбатан ёшроқ шаҳар бўлган. Тарихчи, сайёҳ олим Фозуллоҳ Рўзбехон Исфажонийнинг XV аср бошида форсча бит-

ган "Меҳмонномаи Бухоро" китобида шундай таъриф бор: "...Ясси шаҳри Туркистон элининг маркази, боғларга бурканган, хуш ҳаволи жой экан. У ўзбеклар сарҳадида бўлиб, бундан Андижон, Хитойга қаровон йўли ўтаркан. Соброндан (Саврон) мусулмон оламининг иккинчи қаъбаси – Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси авлиёликни зиёрат қилгани Яссига келди. ...Яссига бизга Хожа Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан бўлмиш Шайхул Ислом Шамсиддин Муҳаммад Шайхулшайх имом Муққий ассунна ал-Бағавийнинг "Шамчироқ" китобидан боғлар ўқиб эшиттирди", деб ёзади.

Қангта борганимизнинг иккинчи куни отам мени етаклаб, Ҳазрат бобомни зиёрат қилгани олиб кетди. Ички қаъбадан ўтиб, авлиёлик олдига етганимизда мақбара шундай кўриндики, тепа учи худди осмонга тегиб тургандек эди. Буни улуғ бобомиз Амир Темур қурдирган экан. Авлиёлик олди ва теварагидаги майдон зиёратчилар билан тўла, ичкарига кириб-чиқувчиларнинг кети узилмас эди. Одамлар орасида юрган новвойлар, сомсапазлар, шираворлар, мевафурушлар саватларга, лаълиларга солинган неъматларини келганларга тўғридан-тўғри инъом қилардилар. Булар ичида, айниқса, Арабистон хурмоси қадрли эди. Бундай лаълиларга кўп кўл чўзилиб, бировлар қоғоз пул, бировлар қумуш, қақа тангалар ташлаб, битта-биттадан хурмо олардилар. Баъзилар пулсиз олса ҳам эгаси рози эди, индамасди.

Отам авлиёга аталган кўйни катта эшик олдидаги чироқчига топшириб, фотиҳа олди. Биз у кишининг кетидан юриб, Ҳазрат кўйилган даҳма пойгагидаги гиламга бориб ўтирдик. Қийғоч турган эшикнинг бир табақаси очилган, устига қат-қат гиламлар ёпирилган улуғвор қабр ва унинг оёқ тарафида кўрпача устида ўтирган имом-шайх кўринди. Отамнинг салом-алигидан сўнг, имом Шайхул Исломининг арвоҳларига Қуръон ўқиб, фотиҳа қилди. Дафъатан мени қабрхона салобати босиб, ўзимни кўкка кўтарилгандек ҳис қилдим. Ҳазратнинг бош ёнларига кўйилган катта, тилларига чироқдонлар, чўғдек ловуллаб турган гиламлар, деворлардаги, эшик табақаларидаги гул сингари ёзувлардан хайратга тушгандим.

Авлиё бобомни тавоф қилиб чиққандан кейин, мақбара ичидаги табарруқ даргоҳларни ҳам зиёрат этдик. Мачит, катта ва кичик оқсарой, маслаҳатхона, китобхона, ҳалимхона, қудуқхона, мазорхона, қозонлик сарой, Қўчқор ота, Йўлбарсхон, Абулхайрхон, Илёсхон, Ҳуқрохон ёдгорликлари олдида тўхтаб, фотиҳа ўқилди... Қудуқхонада қовғода тортилган сувдан ичдик, мазорхонада ота-онамиз, ака-укамиз, опа-сингилларимиз номини айтиб, уларга кичик-кичик мазорлар ясадик. Бу охиратга аталган бандалик экан. Ҳалимхонадаги икки катта қозонни кўрдик. Унда ҳафтасига бир мартадан ҳалим пишириб, юртга тарқатилар экан. Бу "Ҳикмат"да шундай зикр қилинган:

Қул Хожа Аҳмад банда бўлсанг, сахий бўлгил,  
Сахий бўлуб, мискинларга таом бергил.  
Тонгла борсанг, жаннат ичра гуллар тергил,  
Воллоҳ, сахий Ҳақ дийдорин кўрар эрмиш.

Сўнгра қалин девор орасидаги зиналардан кўтарилиб, иккинчи ошёнга чиқдик. Қозонсарой ён камаридаги айланма йўлдан ўтиб, юқори, пастни, яна "қирқ қулқоқлик" қозонни кўрдик. Одатга кўра қозон ичига қумуш тангалар ташладик. Қозон ердан бир қулқоқ бандлиқда турарди.

Ташқарига чиқиб, "Хилватхона", "Хилватқудуқ"ларни зиёрат қилдик. Кейинчалик, мактабда ўқиб юрганимда Хилват тушганларга таом келтириб, ичкариларни ҳам кўрдим. Ер остида гиштдан солинган бинолар бор эди. Тадқиқотчи олимлар қадимда Хилватхонада тўрт мачит, тўрт ётоқхона ва бошқа бинолар бўлганини ёзганлар. Кексаларнинг айтишича, Хилватхонадан Қумшуқ (қумчук эмас) авлиёгача ер остидан йўл бўлган. Бу авлиё Яссавий маконидан 2-2,5 чақирим шарқда жойлашган бўлиб, харобаси ҳозир ҳам мавжуд. Яссавий ер ости қулбасини шундай тасвирлаган:

Ер остида ўлмас бурун тирик ўлдим,  
Олтмиш учда суннат деди, ерга кирдим.  
Ер остида жоним билан қуллуқ қилдим  
Эшитиб, ўқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад  
Юз ийгирма ёшга кирдим, билолмадим,  
Ҳақ, Мустафо суннатларин қилолмадим.

Хилватхона зиёратидан кейин шу ердаги қадимий чойхонага кирдик. У авлиёлик олди-дан ўтиб, эски бозорга борадиган йўл бўйида экан. Самоварда (чойхонада демоқчи) доимо одам гавжум бўларкан. Отам ҳар сафар шаҳарга келганида шу ерда чой ичиб, машк (куй-кўшиқ демоқчи) тинглаб кетаркан. Балки, бу кулбага шаҳарда турганимизда ўргангандир. Чунки бу жой Қантадаги уйимизга анча яқин. Хилватқудуқ олдиндан жанубга, Етти отага борадиган йўлдаги Олтинжилов маҳалласида турган эканмиз.

Чор подшоси Туркистон ўлкасига юриш қилганида Худоёрхоннинг лашкарбоши-си Олимқул (Олимбек) бир неча даста йигитлари билан хонлиқнинг чегараси бўлган Туркистон шаҳрига келиб, олти ой турган. Қалъаларни, дарвозаларни мустақамлаш, аскар тайёрлигини кучайтириш, халқ таъминотини назорат қилиш билан шуғулланган. Шунда лашкарбоши Яссавий мақбараси ёнидаги Олтинжилов маҳалласида, бизнинг сиртқи меҳмонхонамизда истиқомат қилган экан.

Бобом Бозорбой тижорат ишлари билан машғул бўлганидан меҳмонхона алоҳида ҳовли, алоҳида дарвозали бўлган. Меҳмонхона нақшинкорли, шинам оромгоҳ экан. Шу вақтларда бобом Олимқул билан дўстлашган. Рус саллотлари ҳаракати ҳолатини би-лиш учун Олимқул менинг бобомни ва бир-икки даста йигитларини олиб, бир неча бор Оқмачит (Қизил Урда)га бориб кузатиб келган. Лашкарбоши бизникида турган чоғларида дастурхон солинган безакли хонтахта кейинги йилларгача Туркистон шаҳридаги жи-янимникида эди. Фанимлар келгач, кўп вайроналик бўлиб, Яссавий мақбарасининг қалъаси бузиб ташланган, мақбара деворлари, гумбазлари қаттиқ шикастланган. Мақбара ичидаги қимматли ашёлар таланган. Худоёрхон лашкарбошиси Олимқул Тур-кистонда уларга қарши шиддатли жанглар олиб борган. Саврон, Сувноқ, Туркистонда қаттиқ урушлар бўлган. Сувноқлик Жонтибой деган киши қалъанинг ғарбий дарвозаси-ни очиб беради ва Олимқул газабидан қочиб яширинади. Рус ҳокимияти вақтида унга бўлис амали берилган. Чимкент остонасидаги тўқнашувларда душманни чекинишга мажбур этиб, Туркистонгача таъқиб этиб келганлар. Россиядан келган мадад кўшини ёрдамида руслар яна ҳужумга ўтганлар. Иқон ёнидаги жангларда рус саркардалари-дан бир полковник ўлдирилган. Яқинларгача унинг мозори, қабр тоши бор эди.

Чор подшоси Худоёрхонни эркин сургун қилганда оиласи, хос навкарлари билан Туркистонда турган, шаҳар халқи, усталари шиддат билан 200 уйдан иборат, уч кўчали махсус “Хонқўча” маҳалласини куриб берган. Худоёрхон Ўрунбург орқали ҳаж сафарига кетиб, қайтишда йўлда фожиали ўлим топгандан кейин ҳам аёли Оғача ойма фар-зандлари Ўрмонбек, Фансуруллобеклар билан Туркистонда бир неча йил яшаган. Ёз фасллари Хонтоғда, махсус қурилган чорбоғли кошонада истиқомат қилган. Туркистон шаҳри вақти-вақти билан гоҳ обод бўлиб, гоҳ таназзулга учраб, бизнинг давримизгача етиб келган. Амир Темур, Абулхайрхон, Муҳаммад Шайбонийхон даврларида, XIX аср-да эса Кўқон хонларидан Олимхон, Умархон, Муҳаммад Алихон ва ниҳоят Худоёрхон даврида обод бўлган. Шунинг учун ҳам гарчи тахтдан мажбуран туширилган бўлса-да, Туркистон аҳли Худоёрхонни, унинг оила аъзоларини илиқ кутиб олади, оқибат кўрсатади. Орадан йиллар ўтгач, хонзодалар Ўрмонбек ва Фансуруллобеклар Тош-кентга кўчиб келиб, Қашқар маҳалласида яшайдилар.

Руслар шаҳарнинг шимол тарафида бинолар, казармалар қуришган. Дастлаб ҳарбийлар, бойлар ўрнашган. Кейин кўллаб оилалар кўчириб келтирилган. Темир йўл бекатида фақат руслар яшаган. Бундай босқинчиликдан норози бўлган халқ бошқа шаҳарларга кўча бошлаган. Октябрь инқилобидан кейин, айниқса, ўттинчи йил-лар – колхозлаштириш даврида шаҳар деярлик харобага айланди. Бой, муштумзўр, рухонийсан, деб қамаш, бадарга қилиш натижасида қишлоқлардаги ўртаҳол деҳқонлар ҳам еру ватанларидан жудо бўлди.

Энди Яссавий умр кечирган шаҳарнинг тарихи ва ҳолатига келсак, бурунги Турки-стон шаҳри Ҳазрат мақбарасига туташ ҳолда, шимолдан жанубга қараб чўзилиб кетган, тахминан ўн беш-йигирма мурабба чакирим ердаги баланд тепалик устида эди. Ҳозир харобалари бор, Бинолари бир-бирига девордош бўлиб, кўчалари тор эди. Кўчаларда осма қудуқларнинг ёғочлари қатор-қатор бўлиб турарди. Шаҳарда аҳоли зич жой-лашганидан чорбоғ, экин ери бўлмади, фақат қудуқлар ёнида ва баъзи ҳовлиларда садақайрағочлар қатта, кўк чодирдек бўлиб кўринарди. Узоқроқдан қараганда, шаҳар ҳаво устида қалқиб турган каби туюларди. Ўша даврдаги Туркистон қадимий Араби-стон шаҳарларига ўхшаб кетарди.

Мен шахримизнинг бу тарихий қиёфасинининг сўнги даврларини кўришга муяссар

бўлганман. Биз шаҳарни ўраб олган иккинчи қалъанинг ичкарасида, тепаликнинг шарқ томонидаги чеккада яшардик. Қўрғоннинг баланд муюлишидаги кичкина ҳовлида уйда турардик. Бу туғушқонимиз Абиш қоровул деганнинг уйи бўлиб, шаҳардаги мактабга ўқишга келган йилларим эди. Эски шаҳарнинг сатҳи шундай баланд эдики, пастдаги кўчага фақат айланма йўллар билан тушиларди. Алоҳида ўрнашган расталардаги қатор-қатор дўконлар кечагидек ёдимда. Бўлмаса, Ашрафхўжа деган табибнинг янги шаҳарга кўчирилаётган дорухоналарнинг биридан бир тангага бош оғриғи ва йўтал доираларини олганимиз ҳам мана етмиш йилга яқинлашиб қолибди. Буюм-ашёларнинг расталари алоҳида-алоҳида эди. Боғлар, ҳовузлар, гулзорлар шаҳарнинг шимоли тарафида, Яссавий мақбарасига боравериш ёқда эди.

Шу жойдан шаҳар маҳаллалари бошланиб, мачит-мадрасалар, карвонсаройлар, чойхона-емақоналар, қимизхоналар, савдо расталари, бозорлар манзиллари давом этарди. Сарупо, мато, пойафзал, заргарлик, пичоқ, қурол-яроғ, эгар-жабдуқ, темирчилик ва бошқа хунар расталари алоҳида-алоҳида жойлашган эди. Булар тепаликдаги шаҳар қалъасининг ичида бўлиб, бу қалъа “Султон қалъаси” деб аталиб, Яссавий мақбараси қалъасини ҳам ўз ичига оларди. Иккала қалъа руслар келганида емирилган. Ички қалъанинг шимоли-шарқ тарафидаги қолдиқларини, иккинчи қалъанинг жануб томони – Етти ота дарвозасидаги харобаларини кўрганман. Шу ердаги каттакон қўра (ҳовли) ичида мадрасанинг бузилган ҳужралари, бир четда, дарвоза яқинида ҳаммом бор эди. Қалъанинг атрофини ўраб олган хандақнинг ўт босган изи кўриниб турарди.

Шаҳарнинг иккинчи қалъаси билан учинчи қалъаси оралиғи саккиз-ун чақиримча бўлиб, боғ-роғлар, экин-ткинлар, хонаки ва подали моллар асраган аҳоли яшаган яшил водий эди.

Учинчи қалъанинг етти дарвозаси бўлган. Бу қалъа бурунги замонлардаги урушларда қулатилиб, текисланиб кетганидан, шаҳарнинг чегаралари яқиндаги қишлоқ ерлари билан тутшиб, билинмай қолган. Бу мўғуллар ҳужумидаги асорат бўлса керак. Ҳозир “Султон қалъа” унда-бунда кўриниб турибди, холос.

Руслар Туркистонни олишлари биланоқ (1876 йил август) жадаллаб қурилган темир йўл бекати теварагига ва Яссавий мақбараси қалъасининг ёнига ҳамда шаҳарнинг шимолидаги Тошлоқ мавзеининг яланглигига ҳарбий казармалар солинган. Эски шаҳар юқорисидаги анҳорнинг икки тарафига турар жойлар барпо этилган. Қадимги шаҳар таназзулга учраган, шаҳарнинг тарихи сўнган. Қарияларнинг гувоҳлик беришларича, кўҳна шаҳарда охириги йилларда 42 маҳалла, 42 мачит, 9 мадраса, 4 қаландархона мавжуд бўлган. Яссавий мақбарасининг олдида уч юз хонадон ҳўжалар яшаган. Расталарда 120 дўкон, 50 новвойхона, 30 қасоблик, 25 чойхона бўлиб, шаҳар атрофидаги қишлоқларга 12 ариқдан сув келиб турган.

Туркистон ерининг яна бир хосияти – ероти сувининг кўплигидир. Қоратоғдан ероти билан Сирдарёга оққан сув худди Туркистон шаҳри тагидан ўтган. Сув ва сув босимининг кўплигидан тепалар, қирлар ва қишлоқларда қозлаб булоқлар кўз очиб, неча асрлар сув оқиб турган. Қирлар ёнбағрига экилган полиз экинлари сувсиз ҳам ҳосил берарверган. Бизнинг кичкинагина Чоға қишлоғимизда йигирманчи йилларда 12 булоқдан сув чиқар эди. Яссавий мақбараси ёнидаги Хилватқудуқ тепасига бориб, ичига қараб турсангиз, сувнинг шовуллаб оқиб ўтаётгани эшитиларди. Чор подшолиги ва Шўрлар ҳукумати тоғларни ва маъдан чиққан қир, сойларни қовлатаверганидан сув йўллари бекилиб, баъзилари бошқа йўналишга бурилиб кетганди, кўпчилик булоқлар қуриб, сувлар камайиб қолганди.

Одамлар кўчиб, Эски шаҳардан файз кетиб, харобага айлана бошлагач, аҳолининг қолган қисми пастликка, иккинчи қалъа билан учинчи қалъа оралиғига кўчиб ўта бошлади. Иккинчи шаҳар марказининг жануби-ғарб томонида, баландликда Яссавий мақбараси салобат билан кўриниб турарди. Ўртада руслар, татарлар ва яхудийлар макон қурганликлари туфайли янги шаҳарчага борадиган йўл ҳамда илгари сувга тўлиб турадиган Ўр ҳавзаси ва унинг теварагидаги дўконлар гавжум бўлган. Кўлнинг суви қуриб қолгач, унинг ичи текисланиб, бир чети Отўйин – цирк-томоша кўрсатадиган жойга айланган.

Иккинчи шаҳарнинг ўртасида машҳур бозори бор эди. Бозорга яқин ерда наққош усталар томонидан дид билан қурилган Жавдар мачит, Заргар мачит, бир ёнда икки ошёналик чиройли чойхона, карвонсаройлар, хунармандлар расталари тизилишиб кетганди. Бироқ кенгайиб бораётган шаҳарга бу бозорлар, ҳовли-жой майдонлари

торлик қилди. Ўнинчи йилларнинг охирида асосий бозор ва фуқаронинг бир қисми шимолга, учинчи жойга кўчиб жойлашди.

Бу ерда аввал рус подшолиги маҳкамалари қарор топган эди. Инқилобдан кейин шўролар муассасалари ўрнашди. Яссавий мақбараси ва унинг теварагидаги авлиё ёдгорликлари қаровсиз қолаверди. Шу ердаги уч юз уйлик хўжалардан 25-30 хонадон қолди. Зиёрат қилиш ҳам маън этилиб, ислом намояндалари таъқиб остига олинди.

Мусулмон оламининг бир қисми мана, саккиз юз йилдан бери бу табаррук манзил – Туркистонга зиёратга келади. “Маққада бор Муҳаммад, Туркистонда Хўжа Аҳмад” нақли халқларнинг қон-қонига сингиб кетган. Подшоми, саркардами, авом халқми, ким ният қилиб, сиғиниб келса, албатта муроди ҳосил бўлади. Қадимдан қолган эътиқодга кўра, Туркистонга келган ва маҳаллий халқдан бўлган зиёратчилар Яссавий мақбараси олдидан улов устида ўтмайдилар. Отдан тушиб, пиёда ўтадилар. Машинада борганлар машинасини ярим чақирим нарида қолдириб яёв юриб келадилар. Шаҳар ва атроф қишлоқларда кишилар ўтирган, ётган чоғларида мақбара томон оёқ узатмайдилар. Бундай одат мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида бор. Қўблага ва Туркистон томонга оёқ узатиб ётилмайди, бу томонларга қараб таҳорат ушатилмайди ва янгиланмайди. Қариялар, майиб, узрли одамлар узоқдан очиқ майдонга, сал баландроқ ерга чиқиб, тавоф учун фотиҳа қилса ҳам қабул бўлади, дейилган. Ҳар қандай мушкул иш, юмуш бошига тушган одам “Ё пирим, Ҳазрат Султон” деб сиғинса, мушкули осон бўлиб, иши битиб кета берган. Бунга авлиёнинг руҳий қуввати мадад беради, дейдилар. Яна бир гап. Мачит, мадраса, жамоат жойларда, меҳмонхоналарда Яссавий ҳикматлари ўқиладиган бўшласа, “Қул Хожа Аҳмад” жумласи эшитилиши билан тингловчилар ўринларидан турадилар ва шу сатр ўқилиб тугагач ўтирадилар. Бу Аҳмад Яссавийга бўлган эътиқод, эҳтиром аломатидир”.

*(Абул Бозоровнинг “Яссавий юрти” асаридан қисқартириб олинди)*

### 1957 йилги сафарим

Ҳаётим давомида кўпгина сафарларда бўлдим. Уларнинг ҳар бири онгим ва қалбимда ўз изини қолдириб ўтди. Улардан айримларини, яъни “ўзим ва илдизим” мавзуга алоқадорларини эслаб ўтаман, холос.

1957 йилги сафарим бу – юртимиздан биринчи марта четга чиқишим эди.

Отамнинг акалари – Аҳмаджон ва Абдумажид амакиларим Германияда – Берлин университетига 1922-1927 йилларда таълим олишиб, ватанга қайтолмай, Туркияда яшаб қолишгани ёшлиқдан миямга ўрнашиб қолганди. Мен ҳам чет элларда таълим олиб, катта одам бўлишни дилимга тугиб қўйгандим. Бироқ у пайтларда Совет Иттифоқидан ташқарига чиқиш хомхаёл эди. Шу сабабли мен Москва Давлат университетининг журналистика факультетида ўқишни аҳд қилдим. Нима учун айнан Москва? У катта пойтахт бўлгани учунми? Йўқ, бундай эмас. Болохонамизда қиш кечалари бўлган китобхонликларда “Амир Темур Москвани олгани-йўқми?” деган тортишувлар бўларди, бир тараф “Амир Темур то Қундузча шахригача борган”, деса, иккинчи тараф “Амир Темур Москвани олган”, дерди. Шу масалани аниқлаш нияти миямда қаттиқ ўрнашиб қолганди: “Москвада ўқисам, кутубхоналарда бўламан, бу гапнинг тагига етман”, деб ўйлардим.

Мақтабдан етуклик аттестатини олишим биланоқ унга керакли ҳужжатларни қўшиб, почта орқали Москвага юбордим. Тез орада жавоб хати келди. Унда 14 июлда ёзма ишдан имтиҳон бўлиши, мен кумуш медалли абитуриент эканим, миллий мактабни битирганим сабабли фақат рус тили бўйича диктант топширишим кераклиги айтилганди. Шунингдек, хатда менга университетнинг Москва шаҳар, Строминко кўчаси, 32-уйда жойлашган ётоқхонасидан жой ажратилгани айтилганди. (Бу жавоб мактуби ҳамон шахсий архивимда сақланмоқда).

10 июлда эрталаб “Москва қаёқдасан”, деб йўлга отландим. Ўшанда мен юзини ҳуснбузар қоплаган, ҳали 18 га ҳам тўлмаган бир йигитча эдим. У пайтлари Тошкент аэропортининг биноси ҳозиргисидан анча берироқда, бораверишда чап томонда, шундоқ кўча ёқасида жойлашган бир қаватли иморат эди. Буни қарангки, мени ёшу қари анча одам кузатгани чиқибди, шунда билдимки, қариндош-уруғларим кўп экан, ҳам оқибатли экан. Самолётга чиқиш эълон қилиниб, хайрлашув онлари келганда онам

мени меҳр билан бағрига босиб, "Ой бориб, омон келгин, ўғлим, отанг қайтгунларигача ёлғиз суйанчигимсан, ўғлим", дея сассиз-садосиз йиглаб юборди.

Ўшанда онам 41 ёшда эди. Отам Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетганида онам 28 ёшда экан. То умрининг охиригача отамни тирик ҳисоблади. 54 йил муштоқ бўлиб кутиб, 82 ёшда вафот этди. Васиятларига биноан аввал отамга ғойибона жаноза намози ўқилди. Онам ана шундай вафодор, садоқатли аёл эди. Илдизим шундай инсонга бориб туташгани билан фахрланаман.

Менинг ҳам кўзларимда ёш ҳалқаланди. Хўнграб юбормай деб, трап томон, оркамга қарамай, тез одимладим. Отадан 5 ёшида етим қолган мен учун онам ҳам она, ҳам ота ўрнида суйанчигим эди.

У пайтлар Москвага 24 йўловчилик АН-24 самолёти қатнар, 4 жойда: Аральск, Жусали, Куйбишев ва Пенза аэропортларида қўнар, ёнилғи олар экан. Шундай силкинар эканки, деярли ҳамманинг кўнгли беҳузур бўлиб, қайт қилди, стюардессалар йўловчиларга кетма-кет сап-сарик пакетчалар тутишди. 12 соат деганда Москва яқинидаги Биково деган аэропортга кўндик, йўловчилар ҳолдан тойган эди, ўриндан туришга мажולי йўқ эди. (У пайтлари ҳали Домодево аэропорти очилмаганди, "Ил-86" самолёти учмасди).

Тўрт киши бўлиб таксига ўтирдик. Шаҳар ичига киргач, уч йўловчи йўл-йўлакай тушиб қолди. Мен борар манзилимни "Моховая, 9" деб айтган эдим. Кекса таксичи Москвани беш қўлдек яхши билар экан. Мени айтган манзилимга олиб бориб қўйди, "Ана у Кремль, қаршида "Москва" меҳмонхонаси, ёнимиздаги бино "Манеж" дейилади, чап томондаги подшолар замонида қурилган эски биноларга университетнинг бир неча гуманитар факультетлари жойлашган", деди. Йўлқира берсам, таксичи олмади. "Уч йўловчидан тегишли кира ҳақини олдим, шу етади, сиз абитуриент экансиз, сизга ҳали пул кўп керак бўлади, йигитча..." Мен барибир саҳий таксичини қуруқ қолдирмадим, тугунимни очиб, онам йўлга ёпиб берган кичик патирилардан бирини унга тутқаздим, олмаганига қўймадим...

Университетнинг журналистика факультети шифтлари баланд, йўлақлари кенг шу биноларнинг бирига жойлашган экан. Масъул котибага университетдан менга юборилган жавоб хатини кўрсатдим. У аёл менга ётоқхонага яшашим учун рухсатнома берди, ётоқхонага қандай боришим, қайси транспортларга чиқишим кераклигини узоқ тушунтирди. Шу сабабли ётоқхонага адашиб-нетиб ўтирмай, тезда етиб бордим. "Строминко, 32" шаҳар марказидан анча узоқда экан. Ётоқхона ҳовлисида ва комендант олдида асосан қора танли одамларни учратдим. Маълум бўлишича, бу ётоқхонада асосан чет эллик талабалар ва абитуриентлар яшар экан. Бахтимга тўрт кишилик хонадаги уч нафар ҳамхонам хитойлик уйғур абитуриентлар экан. Гулжа томонлардан Тошкентга келиб яшаётган мантипаз ва лағмончи уйғурларнинг талаффузлари сал бошқачароқ эди, ўзаро ёки тез-тез гаплашишганда мен уларни тушунмай қолардим, аста ёки мен билан сўзлашганда уларни аниқ-тиниқ тушунардим. Хуллас, бир хонада тўртовлон то-тув яшай бошладик, нонушта ва кечки овқатни бирга қилдик.

Белгиланган куни диктант ёздим. Ўқитувчи кекса аёл – Нина Петровна неча бор таламга келиб, ёзганларимга кўз ташлаб, менга бўла сўзларни дона-дона қилиб шо-шилламай айтди, менинг ижобий баҳо олишимга хайрихоҳлиги шундай билиниб турарди. Шундай бўлди ҳам диктантдан "4" баҳо олибман. Натижада, ўқишга қабул қилиндим. Қувончим бир олам! Ҳали ўқишлар бошланишига бир ярим ойча вақт бор. Бўш вақтим кўп. Ленин кутубхонасига аъзо бўлдим. Лекин ноёб, нодир ва қўлёзма асарлар билан танишиш учун махсус рухсат олиш керак экан, бунинг учун бирор ташкилот, масалан, мен учун университет маъмурияти хат ёзиши керак экан. Маъмуриятга учрашган эдим, бундай масалалар ўқишлар бошлангач, талабалик ҳужжати берилгач, ҳал қилинади, дейишди. Шу тариқа Амир Темурнинг Москвани олгани-олмаганини ўрганиш нияти орқага сурилди, лекин ҳар куни тушгача Ленин кутубхонасининг катта ўқув залида кундалик матбуот билан таниша бордим. Тушликни кутубхона буфетидида қилардим. Бу ерда овқатлар бошқа жойлардагига қараганда анча арзон-да, ҳам сифатли...

Бир куни уйғур ҳамхоналарим билан Сокольники деган паррка бордик. Бу ерда АҚШнинг Миллий кўрғазмаси ўтказилаётганди. Америкалик бойларнинг портретлари қўйилган стендларнинг олдида ўтаётиб, кўрдимки, миллионерларнинг бир нечаси қора танли кишилар эди. Ваҳоланки, бизга қоратанли америкаликлар қашшоқ ва ҳуқуқсиз деб таълим беришганди. Таажжуб!

— Москваликлар паркка ёлпасига кўчиб боргандек ҳаммаёқ одам билан тирбанд. Маълум бўлишича, бир неча кундан бери кўргазмага келувчиларга бир шиша кока-кола, бир шиша пиво ва бир дона балиқли бутерброд бепул улашилаётган экан. Бунинг дарагини эшитган москваликлардан ташқари меҳмонлар ҳам келишаётган экан. Хуллас, биз тўртовлон ҳамхоналар америкаликларнинг ҳимматидан баҳраманд бўлдик. Парк катта, павильонлар кўп эди, кучимиз етганча томоша қилдик. Кечга томон ҳориб-толиб ётоқхонамизга қайтдик. Дарвозахонадан ўтаётганимизда, вахтёр “Кто из вас Ибрагимов, из Ташкента?” деб қолди. “Я!” дея унга яқин бордим. “Вам повестка из центрального телеграфа, Вас вызывают на переговоры с Ташкентом”, деб қўлимга чақириқнома тутқазди. Хонамга кирмай, шу ердан тўғри Горький (ҳозирги ва илгариги Тверь) кўчасига йўл олдим. Белгиланган вақтга зўрға етиб бордим. Залга қирганимдан кейин икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас радиодан шундай эълон қилинди: “Ташкент! 26-кабина”. Шоша-пиша 26-кабинага кириб, эшигини ичкаридан ёпган, телефон гўшагини кулоғимга тутдим. Мирориф тоғамнинг овози эшитилди: “Жиян, опанг қаттиқ бетоб. Сенга ичкиби қолган. Опангни соғлигини ўйласанг, агар ҳақиқий жияним бўлсанг, тезда Тошкентга етиб келасан. Гап тамом, вассалом”. Телефондан “ту ту...” деган товуш келарди, демак алоқа узилган...

Ҳар тугул пулим ёнимда эди, ётоқхонага қайтиб бормай, тўғри шу кўчадаги энг яқин аэрокассага бордим. Июль ойи эмасми, меҳнат таътилига чиққанлар икки-уч ҳафта олдин, ҳатто бир-икки ой аввал июнь, июль ва август ойлари учун билетларни харид қилиб қўйишар экан. Бу эрда тарвумиз қўлтиғимдан тушиб, тўғри Қозон вокзалига бордим. Кассага яқинлашиш у ёқда турсин, ҳатто вокзал биноларига кириш ҳам амри маҳол эди. Бир амаллаб, перронга ўтдим, “Москва – Тошкент”, “Тошкент – Москва” поездлари турадиган платформани қидира-қидира топдим. Бир қариндошимиз шу поездда вагон-ресторан директори бўлиб ишларди, қўлида электрфонар тутган проводникдан ўша қариндошимдан сўз очдим. “Исломжон бу сафар биз билан бирга эмас. Бу гал Тоҳир ака бошлиқ бригада йўлга чиққан. Улар ҳозир озиқ-овқат олгани омборхонага кетишган. Ҳали замон келиб қолишади... Белига “Вагон-ресторан” деб йирик ҳарфлар билан ёзилган вагон яқинига бориб тилга олинган Тоҳир акани кута бошладим. Орадан кўп ўтмай, Тоҳир ака келди. Узоқданок уни танидим. Қариндошим Ислом аканинг тўй ва маъракаларида бу одамни кўп учратган эдим. Мени сал-пал танигандай бўлди. Воқеани тушунтирдим, телеграф қоғозини кўрсатдим. “Майли, ҳамкасбим Исломжоннинг ҳурмати сизни ўзимиз билан ола кетамиз. Ресторанда картошка артишми, пиёз тўғрашда бизга кўмаклашиб кетасиз-да?” “Хўп бўлади, раҳмат!” дедим қўлимни кўксимга қўйиб. Кейин бундай дедим илтимос охангида: “Самолётда эмас, поездда кетаётганим ҳақида Тошкентга бир телеграмма юборсам...” “Поездимиз жилишига оз вақт қолди. Бу ерда почта биносига яқин йўлай олмайсиз. Пензада анча тўхтаб турамиз. Ўша ерда биргаликда Тошкентга телеграмма юборамиз. Шуниси маъқул, ука...”

Тоҳир ака илтимосимга кўра, Туркистонга яқинлашаётганимизда мени беш-ўн дақиқа аввал хабардор қилди. Вагон деразасини очиб юборган ҳолда шимол томонга синчиклаб қараб кела бошладим. Аср билан шом оралиғи эди. Куёш шимоли гарб томонда – уфқда мис баркашдек бўлиб ёғду сочарди. Бир пайт – шимол томонда улкан бир бино кўзга ташлана бошлади – бу Хожа Аҳмад Яссавий мақбаралари эди, илгари бу бинонинг суратини кўргандим. Поездимиз чамаси йигирма километрча узоқлашгач, мақбара кўринмай қолди. Атроф белоён саҳродан иборат эди.

Аҳмад Яссавийга биринчи зиёратим шу тариқа узоқдан, гоёибона бўлган эди.

Уч ярим кун деганда Тошкентга кириб келдик. Яхшиямки, Пензадан телеграмма юборганим, мен келгунимча шу телеграмма онамга даво – суянчиқ бўлиб турибди, ёстиғининг остига қўйиб ётибди. Ичкиби, озиб-тўзиб, юзларидан қон қочиб, кўзлари киртайиб, анчагина ҳолсизланиб қолибди. Бир ҳафта-ўн кун деганда оёққа туриб кетди. Энди бундан бу ёлга узоққа кетмаслигим учун мёндан сўз олди, шундан сўнггина кўнгли жойига тушди.

### Киносанъаткорлар билан сафарларим

1967 йилнинг март ойида Чимкент вилоятида ўзбек фильмлари фестивали бўлди. Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмасининг котиби, шоир ва драматург Туроб Тўла раҳбарлигида “Ўтган кунлар” ва “Йигирма олтинчиси отилмасин” бадий фильмларини

олиб бордик. Давраимизда “Ўтган кунлар” фильмининг режиссёри Йўлдош Аъзамов, Отабек образини яратган актёр Ўлмас Алихўжаев, “Иигирма олтинчиси отилмасин” фильмида бош қаҳрамон – Саид Ислонбек образини яратган Тўғон Режаматов, Шодия ролини ижро этган Ойдин Норбоева, ҳужжатли ва хроникал фильмлар студиясининг бош муҳаррири Ҳожимурод Авазовлар бор эди. Йўл усти суҳбатимиздан маълум бўлдики, кўпчилигимиз шўролар сийсати туфайли кўшни республикага ўтиб қолган шу заминда туғилган эканмиз. Туроб Тўла Турбатда туғилган, Тўғон Режаматов Чимкентда таваллуд топган, Ҳожимурод ака ҳам ўша ерлик, Йўлдош Аъзамов Чимкентга куёв бўлган, қолаверса, каминанинг туб илдизи Сайрамга бориб туташади, тўққизинчи аждодим Ёвқоч бобо ҳам Сайрамдан бўлиб Тошкентда яшаган экан, XX асрнинг бошларида бобом Иброҳимхожи Каримбой ўғлининг ғаллазорлари Сайрам атрофида бўлган экан.

Биз борган кезларда Чимкент шаҳрининг қоқ марказида кўргошин заводи ишлаб турар экан. Шамол эсганда ҳаммаёқни кўргошин кукуни ва ҳиди босиб кетарди, шу сабабли аҳоли эшик ва деразаларини зич ёпиб ётарди. “Кўргошин заводида шаҳардан ташқарига кўчириш мумкин эмасмикин?” деган саволимизга мезбонлар маъюсланиб бундай дейишди:

– Бу завод Иттифоқ аҳамиятига эга, унга катта марказ хўжайинлик қилади, неча марта заводни кўчириш талаби билан Олмаотага мурожаат қилганмиз, лекин сира фойдаси бўлмади. Ихтиёринг ўзингда бўлмагандан кейин шу-да.

Меҳмонхонанинг эшик ва деразаларини зич ёпиб, димиқиб бир кечани қийналиб ўтказдик-да, эртаси куни нонуштадан кейин Туркистон томон йўл олдик.

Аҳмад Яссавий мақбараси ёпиқ экан. Қоровулга одам юбордик, то у келгунча мақбара атрофини айландик. Ҳаммаёқни эркак супургилар қоплаб ётарди, сигир таппилари ва кўй қумалоқлари ҳам кўзга ташланарди.

Каламинкадан китель-шим кийган, бошида ҳам шу матодан тикилган шапка, оёғида қизил брезент этик кийган бир маъмур ва мақбара қоровули тез-тез юриб, ҳансираб етиб келишди, ҳаммамиз билан икки қўллаб сўрашдилар. Қоровул қийнала-қийнала мақбара дарвозасини очди, афтидан, кўпдан бери мақбара ёпиқ бўлган, зиёратчилар эса мақбарага яқин келишга чўчишган, чунки “рўйхат”га тушиб қолишдан қўрқибган.

Биз айланма зиналарни босиб, мақбара пештоқининг томигача чиқиб, атрофни кузатдик, теварак кўз илғамас даражада бепоён қир ва саҳролар. Ўртада Хожа Аҳмад Яссавий мақбаралари салобат ва виқор билан кўкрак кериб турибди.

Бизлар мақбара ичидан чиққаннимизда бир гуруҳ ёшлар ўроқ билан эркак супургиларни ўра бошлашган эди. Уларнинг биридан кимсизлар? – деб сўраган эдим, “Техникумда ўқиймиз, директоримиз бизларни шу ёққа юборди”, деб жавоб берди. Чамаси, кўшни республикадан казо-казо санъаткорлар келган, деган хабар шаҳар маъмуриятига етиб борган-у, дарҳол отни қамчилаб қолишган.

Аҳмад Яссавий зиёратидан кейин бизни Туркистонга яқин жойлашган Кентов деган шаҳарчага олиб боришди, бу ерда асосан ўзбеклар яшар экан, ягона ўрта мактаб ҳам ўзбек мактаби экан. Мактабнинг каттагина залида ўқувчилар билан киносанъаткорларнинг учрашуви бўлди, учрашув кизгин ўтди, охирида ўқувчилар томонидан тайёрланган совғалар улашилди. Менга ўзбек ёзувчиси Ёқубжон Шукуровнинг “Қасос” деган китоби теғди. Бу китоб ҳамон шахсий кутубхонамда сақланмоқда.

## 1972 йилги сафарим

1972 йил сентябрь ойининг бошлари эди. Шундай суҳбатлар бўладики, бир умр ёдингда қолади, суҳбатдошинг сиймоси эса кўз олдинда... Қозоғистонда ўтган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги даврида кўп ажойиб кишилар билан суҳбатлашиш шарафига ноил бўлдим. Буларнинг биринчиси бундай содир бўлди: Қозоқ адиблари ўзбек ҳамкасбларини Олмаота яқинидаги жамоа хўжалигига олиб боришди. Бу хўжалик “Олмаота” навли олмаси билан дунёга донғи кетган экан.

Олмазор ораляб, бу таърифнинг ростлигига шохид бўлдик. Еру кўк олма. Ҳар бири пиёладай, косадай қип-қизил, тарам-тарам, ярми оқ, ярми тўқ қизил олмалар. Бу олмаларда мен қозоқ қизларининг олов ёноғини, камалақдек товланувчи ўзбек атласининг жилосини кўрдим. Собит Муқонов ва Комил Яшин, Ғабит Мусрепов ва Уйғун, Ғабиддин Мустафин ва Назир Сафаров, Сирбой Мавленов ва Мирмуҳсин, Муҳаммаджон

Қоратоев ва Лазиз Қаюмов, Абдужамил Нурпеисов ва Асқад Мухтор, Туманбой Молдағалиев ва Ҳамид Фулом, Абдулла Тожибоев ва Туроб Тўла, Фафур Қайирбеков ва Иброҳим Раҳим, Улжас Сулаймонов ва Абдулла Орипов олмазор оралаб суҳбатлашиб юришганда бир китобнинг қўш саҳифасини кўргандек бўлдим. Зулфия опаимиз қозоқ дугоналари билан қизгин гурунглашарди. Суҳбат мавзуси адабиёт бўлиши турган гап. Бош мезбон Анвар Олимжон гоҳ у гуруҳ билан, гоҳ бу гуруҳ билан отамлашади. Унинг нијати барчанинг кўнглини олиш. Бош мезбонлик бурчи шунини тақозо этади.

Тўкин-сочин қозоқ еридаги ижодий суҳбат узоқ давом этди. Оқшом кўниши олдида Олмаота томон отланди. Иттифоқо, Собит оға Муқонов ва халқ артисти Ришат Абдуллин билан бирга енгил машинага тушиб қолдим. "Волга" кўзғалиши билан гап бошладим:

– Собит оға, бугунги ижодий гурунг ҳақидаги таассуротингиз қандай?

– Чироғим, чўнг яхши. Бугун улкан адабиёт маърақаси бўлди, – деди-да, Собит оға кутилмаганда маъюсланиб қолди. Мен савол назари билан Ришат Абдуллинга қарадим. У бир оз сўз қотмай турайлик, деган ишора қилди. Орадан бир оз ўтгач, Собит оға бизга ярим ўгирилиб ўтириб олди, у олдинги ўриндикда ўтирарди.

– Ҳаммаси яхши бўлди-ю, бироқ, бовурларим, улкан дўстларим – Фафур Фулом билан Мусо Ойбекнинг ўрни жуда билинди.

– Улар ҳам бу боққа келишганмиди?

– Ҳа, келишган эди. Ўзбек ҳамкасбларим бир келишганда кўклам чоғи эди, олмалар кийғос гуллаб ётарди. Мана бугун эса олтин куз. Гул мевага айланган. Адабиётда ҳам шундай, – Собит оғанинг чеҳраси ёришиб кетди, – бугунги ёш талант мисоли бир ниҳол. Ўзбек адабиётида Фафур Фулом, Мусо Ойбеклар эстафетасини олиб келаётган истеъдодли қаламкашларни кўриб қувонмоқдаман. Буни биз қозоқлар "от босмаган жойни той босар", деймиз.

Энди нуроний адибни ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари билан учрашуви хотиралари бутунлай ўзига жалб қилиб олган эди.

– Ўзбекларда ҳам шундай дейишади, – суҳбатга аралашди Ришат оға.

– Гапинг тўғри, Ришат! – деди Собит оға. – Чунки ўзбек билан қозоқ туғишган, қадрдон халқ, кўшюррак. Ҳозир эсимга бир хотира келди. Айтмай туролмайман. Мен эллика тўлганимда Ойбек тўйимга келди. Тўйдан кейин мен уни Олмаота яқинидаги саёҳат базасига олиб бордим. База Медео яқинида эди. Сайр қилиб юрганимизда Ойбекнинг кўзи бир тошга тушди-да, узоқ тикилиб қолди. Мен кўшюрракни эслатувчи, табиатнинг ажойиб санъат асари бўлмиш бу тош Ойбекни мафтун этганини аниқ билгач:

– Бу тошни сенга сийлов этдим, – дедим.

Ойбек совғамни дарҳол "қабул қилиб олди". Тош чамаси ўн тонна келарди. Мана, орадан анча йил ўтди. Мен ҳар йили Медео яқинидаги дам олиш уйида ёз кезлари дам оламан. Шундай пайтлари бовурум Ойбек назари тушган тошни бир неча бор зиёрат қиламан. Кўз олдимда Ойбекнинг нурли, салобатли сиймоси гавдаланади, тошлардан бирлашиб, улкан тошга айланган табиат ажойиботи ўзбек билан қозоқнинг монолит бирлигини кўрсатгандек бўлади...

Машинадаги суҳбатимиз йўл-йўлакай узлуксиз давом этди, жудаям кўнгилли ўтди, улкан қозоқ адибнинг самимиёлигига, хотирасининг теранлигига, камтарин ва соддалигига қойил қолдим. Бизлар ҳурматлаб аввал Собит оғани уйғача кузатиб қўйдик.

Қозоқ диеври белоён. Қозоқ бағри эса ундан ҳам! Қозоқ тупроғи бой. Қозоқ қалби эса янада бойроқ! Биз ўн кунлик қатнашчилари бунинг шоҳиди бўлдик, ўз кўзимиз билан кўрдик, яна бир бор комил ишонч ҳосил қилдик. Дўстлар даврасидаги ўн кун кўнгилли ва тез ўтиб кетди. Лекин унинг таассуротлари қалбларда бир умрга сақланиб қолди, самаралари эса азалий ва абадий дўстлигимизни янада мустаҳкамлади. Ниҳоят, кутилмаганда хайрлашув онлари етиб келди. "Кутилмаганда", деяпман. Чунки меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам хайрлашишни истамасдилар. Хайрлашаётиб, "яна кўришгунча!" дер эдилар. Олмаотанинг ҳаво дарвозаси. Оркестр марш чалади. Қозоқ сулувлари гулдасталар тутиб туришибди. Юқорида зикр этиб ўтилган қозоқ ва ўзбек адибларининг гурунги авжида. Шоир Туроб Тўла шеър ўқийди:

Айрилиқ оғирдир, лекин оғирроқ,

Айрилар ҳеч киминг бўлмаса бироқ.

Адиблар давраси энди анча кенгайган. Улар даврасида китобхонлар ҳам бор. Бу

эса ёзувчилар билан китобхонларнинг яқинлигини кўрсатади, албатта.

Ёшлигимда кексалар “Олмаота” деб эмас, “Олмоту” деб айтардилар. Бундай аталишни кейин “Бобурнома”да ҳам учратгандим. Бу сафаримда ёшлар “Алмата” (“Олмаота”), кексалар “Олмоту” (“Алмату”), дейишганини эшитдим. Бу ҳолатни шарҳлаб биз деймизки, Олмаота дейиш нотўғри, бу жойнинг ота (ато)ларга (Зангиота, Қўйлиқ ота, Қўшчи ота ва бошқалар)га тегишли ери йўқ. Олмоту (Алмату, Алмати) дейиш тўғри ва асосли. Бу ибора олмазор деган маънони билдиради. Чоризм истилосидан кейин, уларнинг “зиёли” (“Алмату”), дейишганини эшитдим. Бу ҳолатни шарҳлаб ўтирмасдан Алма-Атага айлантириб юборишган. Умуман, жой номларини ўзгартириб ташлаш, ҳеч бўлмаганда ўз талаффузларига мослаб айтиш мустамлакачиларга хос одатдир. Шу пайтда мустамлакачиларнинг яна бир ғаламислик одатларидан бири эсимга келиб қолди. Улар Иттифоқда яшовчи халқлар бир ёқадан бош чиқармасинлар, бизларга қарши бирлашмасинлар, бир-бирини ёмон кўрсинлар, гўё “улуғ ота”сиз яшай олмаймиз”, деган фикрда бўлсинлар каби шум ниятда бир халқнинг вакили орқали иккинчи бир халқнинг вакилига зимдан тош отиб қўйишарди-да, ўзлари четда туришарди.

Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги қатнашчилари Қозоғистон Фанлар академиясининг президенти, машҳур геолог олим, яъни қозоқларнинг Ҳабиб Абдуллаеви Сатбаев қабулида ҳам бўлдик. Бизларни академия биноси олдида турли миллатга мансуб бир гуруҳ қозоғистонлик олимлар кутиб олишди. Азиз Қажумов бошлиқ олимларимиз мезбонлардан бири билан сўрашмай, унинг узатган қўлини олмадилар. Мен бунга ҳайрон бўлдим, кейин бунинг сабабини суриштириб билсам, ўша олим шайтонсифат бўлиб, бир халққа аниқ тегишли бўлган сиймо ва маънавий мулкни иккинчи бир қардош халқники деб ёзиб, ўртага совуқчилик туширар экан. Масалан, Алишер Навоийни бошқа бир халққа мансуб деб ёзиб ва шундай “илмий” ишлари орқали ҳатто Қозоғистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти директори лавозимига эришган экан. Орадан маълум муддат ўтгач, унинг қилмишлари фош этилгач, қозоқ қардошларимиз уни Олмотудан қувиб юборишди... У Тошкентдан кўним топди. Султон суягини хорламас деганларидек, Марказ жонига яна оро кирди, бу ердаги илмий-текшириш институтларидан бирига директор этиб тайинланди. Лекин Алишер Навоийдек улуғ аждодларимизнинг арвоҳи урди шекилли, кўп яшамади.

### 1979 йилги сафарим

1979 йилнинг 23 июни эди. Ўткир Холиқов деган дўстим “Ҳорманг, бор бўлинг”, дея йўқлаб кириб келди. У билан ўтган йили Иссиққўлда танишиб қолган эдим. Санаторий (кейин курортга айланган)га борган куним кечки овқат пайтида у билан танишиб қолган эдик. Ўткир Тошкент шаҳар Ленин райони (ҳозирги Миробод тумани)да умумий овқатланиш трестига директор ўринбосари бўлиб ишларкан, бутун Иссиққўл қирғоқларида жойлашган, Ўзбекистонга қарашли, мавсумий ишлайдиган барча санаторий, пансионат ва дам олиш уйлари (булар йигирмага яқин экан)нинг озиқ-овқат билан таъминланишини уюштириш ва назорат қилиб туриш ҳар йили ёзда унинг зиммасига юкланар экан...

Кетар олдида Ўткир мендан сўраб қолди:

– Меҳнат таътилингиздан яна қанча кун қолди?

– Энди беш куни ўтди.

– Ундай бўлса, жудаям яхши. Иссиққўл томонга водий орқали менинг машинамда кетамиз. Божам Музаффарни ҳам ҳамроҳ қиламиз. Рулда бир кун мен бўламан, бир кун Музаффар бўлади, сиз эса орқа ўриндиқда суяниб кетаверасиз. Музаффар ҳам чаққон ҳайдовчи, Совминда раис ўринбосарини олиб юради. Икки-уч кун бўлди, у ҳам меҳнат таътилида.

– Менинг сира тайёргарлигим йўқ-ку.

– Ҳеч қандай тайёргарлик керак эмас. Индинга эр талаб соат бешларда ўзим келиб сизни олиб кетаман, йўл усти Музаффарни ҳам ола кетамиз.

Шундай бўлди ҳам. Ўткир йўл усти Қўйлиқ бозоридан бир неча кило гўшт, яна у-бу сотиб олди. Тўйтепага боргач, қишлоқ ичкарасига кирдик. Бир амакиси шу ерда яшаркан, Тўйтепа бозорида сартарошлик қиларкан. Ўткирнинг барча эркак қариндошлари – ёшидан қарисигача сартарошлик қилишаркан. Фақат биргина унинг ўзи бошқа соҳадан кетган экан.

Тўйтепада кўп бўлмадик. Қамчиқ довони орқали водий томон кетдик. Девонга етмасдан, унинг яқинидаги, Тошкент вилояти ҳудудидаги ошхонада кабоб еб олдик. Кабобни, кабобпаздан рухсат сўраб, Ўтқирнинг ўзи пиширди, у овқат тайёрлашни яхши кўрар, шундан завқ олар, ҳордиқ чиқарар экан.

Пунгандан ўтиб, тўғри Шоҳанд қишлоғига кириб бордик, Ўтқирнинг яна бир амалкиси шу қишлоқда яшар, қишлоқ марказида сартарошлик қиларкан. Ўтқир ҳар йили Иссиққўлга кетаётиб, иккала амалкисини йўқлаб ўтаркан. Шоҳанднинг бозорини айландик, Сирдарё бўйига бордик. Бобурнинг отаси Умаршайх дарё ёқасига қурилган шийпонда каптар учириб, завқ билан томоша қилаётганда, тўсатдан кучли зилзила бўлиб, шийпон билан бирга жарга қулаб кетган. Ана шу жойини ҳам бизга кўрсатишди. Орадан беш асрдан ортиқ вақт ўтди, Сирдарё қирғоқдан анча нари кетган, икки томонда ҳам янги ва эски ўпирилган қирғоқларга кўзингиз тушади.

Шоҳанддан тўғри Асакага кириб бордик. Марказий боғдаги катта чойхонада пича ҳордиқ чиқардик. Ўтқирнинг ўзи кўлбола ош дамлади.

Ошни егач, Андижон орқали Ўшга кириб бордик. "Турбаза" (сайёҳлар базаси)да тунадик. Тонгда уйғониб, Жалолобод томон йўл олдик. Эрталаб соат олтида Жалолободда эдик. Шаҳар бозори ҳудудидаги чойхонада нонушта қилдик. Ўтқирнинг таклифига кўра, бир неча килограмм девзира гуруч, бир неча қовун ва тарвуз олдик, Иссиққўл томонларда бундай нарсалар тансиқ бўларкан.

Тоғ йўли билан, бир неча доvonлар оша Иссиққўлнинг жанубий қирғоғига жойлашган Тамга шахрига чиқиб бордик. Ўтқир бу ердаги таъминот ва тафтиш ишларини битиргач, унинг тамғалик ҳамкасабалари бизларни Еттихўкиз (Жеттиўкиз)ни кўрсатишга олиб боришди. Нима учун тоғ ёнбағридаги ёнма-ён жойлашган еттита қоя бундай аталади? Чунки бу қоялар гўё сизни сузишга шайланиб келаётган еттита ҳўкизни эслатади. Ҳа, туркийлар жойларга ном беришда ҳам ниҳоятда моҳир бўлишган.

Иссиққўлнинг ғарбий қирғоғига жойлашган Балиқчи шаҳарчасига бордик. Сўнгра Иссиққўлнинг шимолий қирғоғига жойлашган, Тошкентдаги йирик корхоналар, масалан, 84-завод, Ташсельмаш, Трактор заводи ва бошқаларга қарашли пансионат, дам олиш уйларида бўлдик. Меҳмондорчиликлардан чарчагач, уч-тўрт кун Чўлпонотадаги "Кўкимтир Иссиққўл" санаторийсида, алоҳида-алоҳида палаталарда ҳордиқ чиқардик.

Ҳа-хув демай, уч ҳафта ўтиб кетди. Сафаримиз қариди, Тошкент томон тонг саҳарда йўлга тушдик. Тонг саҳарда уйқудан туриш, эрта йўлга тушиш Ўтқирга одат экан.

Йўлга тушмасданок, Жамбулда тўхтаб ўтишни режалаштирган эдик. Шундай бўлди ҳам. Ўтқир Жамбулда кўп марта бўлган экан. Ош қилиш учун чойхонага эмас, катта бозор орқасидаги каттагина ҳовлига кириб бордик. Ўтқир ҳовли эгаси билан эски қадрдон экан, кучоқлашиб кўришди. Кейин Музаффар ва мен билан кўшқўллаб кўришди-да, ҳовли четидаги тахта каравотга таклиф этди. Атрофга назар солсам, ҳовли сатҳида дошқозонлар, уларда, ҳамаси водийлик кишилар ёғ эритишмоқда, устиларида яхтак, бошларида чуст, марғилон ва андижон дўппилари, белларида кўша-кўша қизил, сариқ, кўк ва оқ тусли белбоғлар. Ҳайрон бўлаётганимни сезиб, Ўтқир тушунтириш берди: улар водийлик ҳамюртларимиз, Жамбулга мева-чева, майиз ва туршак олиб келиб, сотишади-да, пулига асосан эритилган думба ёғини елим қопларга солиб олиб кетишади. Жиззасини чала пишириб, алоҳида алоҳида солиб олиб кетишади. Думба ёғи паловга, жиззаси нонга: палов ҳам зўр бўлади, нон ҳам тўйимли чиқади, нон хамирига пиёз, ҳатто қалампир ҳам қўшилади.

Ўтқир уй эгасини даврамизга таклиф қилди. Биргалашиб паловхўрлик қилдик. Ош устида ва ундан кейинги чой устида уй соҳибини гапга солдим. У туб тошкентлик эканлигини билгач, бундай деб қолди:

– Шаҳримизда тошкентлик Отабек деган мард йигит шаҳид бўлган экан, Қодирий шундай деб ёзган эканлар...

Аслида, гап бундай...

### Отабекнинг қабри қаерда?

Бизким, ўзбекларнинг тарихий илдиэларидан бири қадимий Тароз шахрига бориб туташади. Бу шаҳар Талас деб ҳам, Авлиёота деб ҳам, Жамбул деб ҳам аталган. У Талас дарёси ёқасида жойлашган. Араб ва форс манбаларида VIII-XVIII асрларда Талас, Тароз, Янги номлари билан тилга олинган. 1810 йилларда Умархон даврида Қўқон

хонлиги томонидан бу ерда Авлиёота қалъаси қурилиб ободонлаштирилган. Шундан бошлаб, бу шаҳар Авлиёота деб аталган. 1864 йили Авлиёота Чор Россияси томонидан босиб олинган. Қўқон кўшини (улар орасида ватанпарвар тошкентлик йигитлар ҳам бўлган) ва авлиёталиклар қаттиқ қаршилиқ кўрсатишган, кўп қон тўкилган. Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар" романининг "Хотима" қисмида шундай ёзади:

"1277 йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатшодан бир хат олди. Қаноатшо Авлиё отадан ёзар эди.

"Ўглингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмота устидаги ўрус билан тўқунишмаишда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қахрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз кўлим билан иккисини дафн этдим".

Юсуфбек ҳожи хатми Қуръон қилиб юртка ош берди. Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди".

Демак, Отабекнинг қабри Алматида, хоризмнинг босқинчи қўшинига қарши Қўқон хонлигининг мудофаачи аскарлари курашиб, шаҳид бўлган майдондадир. Абдулла Қодирийнинг мухлислари бир кунмас бир кун ўша жойни аниқлаб, Отабек қабрига мармартош қўйишларини умид қилардик.

Худоёрхон давридаги Отабек эса 1876 йили ўлдирилган ва Қўқондаги "Катта қабристон"да дафн этилган. Биз "Ўткан кунлар" романининг "Хотима" бобида тилга олинган бош қахрамон Отабекнинг қабри ҳақида сўз юритдик.

Шўро даврида ёзилганидек, юртимиз Чор Россияси томонидан қўшиб эмас, босиб олингани аниқ. Буни қарангки, Россиядек улкан ва тиш-тирноғигача замонавий қурул-ярғок билан таъминланган катта армияга эга бўлган давлат нисбатан кичик Қўқон хонлигини босиб олиш учун 1851 йилдан 1876 йилгача, яъни чорак аср уруш олиб борган!

## Тарозийлар

Бизким, ўзбеклар тарихида ўчмас из қолдирган тарозликлар кўп. Биз шулардан 3 нафар Тарозий ҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз.

**Шайх Аҳмад ибн Худойёдо Тарозий** шoir ва адабиётшунос бўлиб, XIV асрнинг охири XV асрнинг биринчи ярмида яшаб, Улуғбек ҳукмронлиги даврида ижод қилган. У ўша даврнинг машҳур шoirлари Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Саккокийларга замондош бўлган. У ўзбек (туркий) тилида ижод қилган. Шу билан бирга, араб ва форс тилларидаги асарларни ҳам ўрганган. Адабиёт назарияси билан ҳам шугулланган. Бобур "Мухтасар" асарида унинг шеърларидан мисоллар келтирган.

Тарозийнинг алоҳида шеърлар девони борлиги номаълум. Унинг "Фунун ул-балоға" ("Бадиийлик илмлари") асари маълум бўлиб, бу асар дастлаб "Латойифи Тарозий" ("Тарозий совғалари") номи билан ёзилган (1436-1437 йиллар) ва Мирзо Улуғбекка бағишланган. Тарозийнинг алоҳида шеърлар девони борлиги номаълум. Унинг "Фунун ул-балоға" асари Алишер Навоийнинг шу мавзудаги "Мезон ул-авзон"идан 60 йилча аввал, эндиликда мамлакатимиз ҳудудидан ташқари бўлиб қолган Тарозда яратилган экан. У 5 қисмдан иборат: 1-қисмда шеърнинг газал, қасида, қитъа, рубоий, маснавий, мусаммаат, мустаозод, фард ва бошқа турларига кенг илмий изоҳ берилади; 2-қисмда қофия ва радиф масалалари ўрганилиб, қофия шеърнинг асоси эканлиги, қофиясиз шеър бўлиши мумкин эмаслиги таъкидланган; 3-қисмда бадиий тасвирнинг тарсеъ, ташбеҳ, ийҳом, ирсол ул-масал, таъмин, истиора, лаффу нашр, радд ул-матла сингари 97 (!) тури туркий (ўзбек) ва форсийзабон шoirлар асарларидан олинган парчалар асосида тушунтириб берилган; 4-қисм ҳажм жиҳатидан асарнинг асосини ташкил этиб, у аруз вази таҳлилига бағишланган. Тарозий арузни ўзбек тилидаги шеърят билан боғлаб, бахрлар сонини 40 тага, унинг тармоқлари сонини 366 (!) тага етказди. Арузнинг 120 (!) тадан ортққ турини изоҳлаган; охириги, 5-қисм Шарқ шеърятининг муаммо жанрига бағишланган. Бу асар яна шуниси билан аҳамиятлики, унда шу пайтгача номлари бугунги китобхонга номаълум бўлиб келган туркий (ўзбек) тилида ижод қилган Муҳаммад Темур Буго, Ҳожи Ақча Киндий, Бу Насақ, Қутбиддин Сароий, Бу Сиёқа, Жалолий, Шамс Кисорий ҳамда форсчада ёзган Сайфуддин Исфарангий, Мавлоно Сайфуддин, Имом Умид Камолӣ, Имом Зиёвуддин Форсий, Жалол Самарқандий каби шoirлар эслатилиб, уларнинг асарларидан парчалар келтирилган.

Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асаридан деярли 60 йилча аввал ёзилган "Фунун ул-балога"нинг ягона кўлёзма нусхаси Англиянинг Бодлеан кутубхонасида сақланади. Ана шу нусханинг факсимилеси асосида "Фунун ул-балога" кирилл алифбосидаги ёзувимизда "Ўзбек тили ва адабиёти" журнаlining 2002 йилги 1-6-сонларида ва 2003 йилги 1-3-сонларида нашр этилди. Бу шарафли ва савобли ишда атоқли адабиётшунос раҳматли Абдуқодир Ҳайитметовнинг ҳиссаси катта бўлди.

**Сайид Абу Наср Мубашшир Тарозий** – 1896 йили Авлиёотада туғилиб, 1977 йили Қоҳирада вафот этган уламо, адиб. Тошкентдаги Абулқосим эшон ва Бухородаги Мир Араб мадрасаларида ўқиган. Тошкентда фаолият кўрсатган таниқли илоҳиётчи шайх Муҳаммад ал-Асалий аш-Шомий (Шомий домла)дан сабоқ олган. "Қуръон ва нубувват" ("Қуръон ва пайгамбарлик") китобини ёзган. "Уламои Туркистон" жамоасининг журнали "Изоҳ ул-Маром"нинг таҳририятида ишлади. Тароз шаҳри диний идорасига раҳбарлик қилди, мактаблар очиб ислом динини тарғиб қилди. 1930 йили оиласи билан ватанин тарк этишга мажбур бўлди. Афғонистон ва Мисрда муҳожирликда яшаб, илмий-ижодий иш билан шуғулланди. Тарозийнинг ислом илоҳиётига оид 47 (!) та асари бор, унинг диний мавзудаги мақолалари Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Ироқ, Ливан, Ҳиндистон, Япония, Покистон, Индонезия, Афғонистонда чоп этилган. Катта ўғли унинг фаолиятини муваффақият билан давом эттирган.

**Насруллоҳ Мубашшир Тарозий** 1922 йили Авлиёота (Тароз)да туғилиб, 2002 йилда Қоҳирада вафот этган. Йирик ислом уламоси, тарихчи, адиб. Сайид Мубашшир Тарозийнинг катта ўғли, амир Саид Олимхоннинг кўеви. Қоҳирадаги "Дар ул-кутуб" ("Китоблар уйи") кутубхонаси нодир кўлёмалар бўлимида 1951 йилдан 1984 йилгача ишлаган. 36 (!) жилдли кўлёмза китоблар каталогини нашр қилдирган. Айн уш-Шамс ва ал-Азҳар университетларида турк ва форс тиллари ва адабиётларидан дарс берган. "Амир Темура ва темурийлар ҳақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манба ва қўлланмалар фихрести" (1996, 450-бет) (!)ни нашр қилдирган. 1996-1999 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган халқаро конференцияларда қатнашиб, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темура ва Жалололдин Мангуберди фаолиятлари ҳақида маърузалар қилган, камина ана шу анжуманларда у киши билан суҳбатлашганман. Тарозийнинг шеърий девони ҳам бор. Анқарадаги Отатурк Тил, тарих ва маданият академияси аъзоси, Истанбулдаги Мармара университети томонидан Тарозийга турк тили ва адабиёти доктори фахрий унвони берилган. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти томонидан фалсафа фанлари доктори фахрий унвони берилган.

Юқорида тилга олинган уч нафар аждодимиз – Тарозийлар фаолияти маданий, тарихий томирларимиз нақадар чуқур ва кенг қамровли эканини кўрсатиб турибди.

XX асрнинг йигирманчи йилларида ҳам Тошкент йирик исломий шаҳар эди. Унда 349 та (Эски шаҳарда 333 та, янги шаҳарда 16 та) масжид ишлаб турарди. 26 та мадраса фаолият кўрсатарди, шулардан бири Абулқосим эшон мадрасасида илоҳиёт олими Шайх Муҳаммад ибн Саид ибн Абдулвоҳид ал-Асалий аш-Шомий ат-Тароблисий ҳадис илмидан сабоқ берар эдилар. Юртдошларимиз у кишини ҳурматлаб Шомий домла деб аташарди. Шомий домла раҳбарлигида буюк ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратларининг кенг ижодий меросларини чуқур ўрганиш анъанаси қайта тикланди. Асосан, ул зотнинг шоҳ асари саналмиш "Ас-Жомеъ ас-Саҳиҳ" китоблари ўрганила бошланди. Бу мажлис аҳлини жуда ўринли қилиб "Аҳли ҳадис", деб аташган экан. Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон бу мажлисларнинг мохир ташкилотчиси, Сайид Абу Наср Мубашшир Тарозий эса фаол иштирокчи эди. Ҳа, 2007 йили 57 та давлат аъзо бўлган Ислам ташкилоти қошидаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислам ташкилоти – АЙСЕКО томонидан Тошкент шаҳри "Ислам маданиятининг пойтахти" деб аталиши бежиз эмас, албатта. Тошкентимиз милодий IX-X асрлардан, ҳазрати Имом Абу Бакр Қафқол Шоший (903-976) замонларидан бошлабқ диний билимларнинг марказларидан бири бўлиб келган.

## Давоми бор



## НАЗМ



**Абдулла ШЕР**

1943 йил туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида ўқиган. Ижодкорнинг “Кўклам табассуми”, “Гул йиллар, булбул йиллар” каби ўн бешга яқин шеърий тўпламлари, “Асрларнинг асраганлари” номли насрий китоби ҳамда “Ахлоқиунослик”, “Эстетика” қўланма ва дарсликлари нашр этилган.

## КҲНҒЛИМ МЕННИНГ ШОҒЛАРДА

Туркум

**Муқаддима**

Ёмғирдан сўнг кўм-кўк майсалар  
Мисра сўраб силкинар, бироқ  
Келавермай шеърим пайсаллар,  
Ҳис – қуёшу сўз эса – чироқ.

Шунда тутиб кўклам баридан,  
Илҳом кетар тоғларга чоғиб.  
Равочларнинг ораларидан  
Ташибеҳларни олади тоғиб.

Мовий кўкка келиб ҳаваси  
Бир шиёҳдек шеър ўса бошлар.  
Тевадиро ёмғир нафаси,  
Ярақлайди ювинган тошлар.

Жаранглайди осмон, қуёш ҳам  
Оҳанг бўлиб туроқларимда.  
Қанот пайдо қилару қалам,  
Қушман дейди бармоқларимда.

Дафтаримда унган лолага  
Сукланади уйғонган тоғлар.  
Айланару юрак болага,  
Она юртни маҳкам қучоқлар.

1

Тогларнинг улугвор сукути аро  
Беркинган суронни сузуриб дарё  
Ўзанга солару учар ҳайқириб,  
Абадий қудратдан қуйлар айқириб.

Ўнғирлар оралаб кўчган бу сурон  
Буюк тоғларингнинг сўзими, Турон?  
Мен бугун ул эзгу сўзни танидим,  
Тоглар виқориди ўзни танидим!

2

Рухимдек баланддир мен севган тоғлар,  
Кўнглимдек яшайди осмон оралаб,  
Бошимга сочилар тунда ялтираб  
Юлдуз деб аталган мангу мунчоқлар.

Уятчан келиндек тоғда қучоқлар  
Чўққилар қуёшининг кокилин тараб,  
Юксак-юксаклардан адирга қараб  
Тошларни қулдириб тушар булоқлар.

Ўлтирсанг бир лаҳза арчага ёндош,  
Юз йил умр сўрар ўзига эшонинг.  
Бағрида гўлларни ўстиролган тош.

Шудринга чўмилиб боқади юввош  
Ва тоғлар бут бўлсин дея иймонинг –  
Ўргатар настликка эгмасликни бош.

3

Менга дарсдир тоғлар ҳаёти,  
Минг саволга топаман жавоб.  
Бургутларнинг ёйиқ қаноти –  
Осмонларда ўқилган китоб.

Ярим очиқ сийнаси билан  
Кўксин тутиб гўзал ҳилолга,  
Арчаларнинг нинаси билан  
Санчилади тоғлар шамолга.

Жой талашар мавжлар билан тош,  
Сувга кўчар тоғнинг оҳанги;  
Тегиб кетиб чўққига қуёш  
Кўкни тутар нурнинг жараңги.

Қояларнинг салобатини  
Ҳис этаман қалбан қишу ёз.  
Бузиб чўққи ҳаловатини  
Оққан дарё умримга қиё.

Мен юксакда ястанган қордан  
Ўрганаман оқликни ерда.  
Тоққа чиқиб кетган баҳордан  
Гул мисралар қолади шеърда.

4

Буюк тоғлар бўлди устозим,  
Юксакликка мени чорлади.  
Қояларга теккан овозим  
Чақмоқ бўлиб кўкда порлади.

Йўл бермадим намард томоққа,  
Пастга отдим мунофиқ сўзни.  
Тогдан қараб йироқ-йироққа,  
Бир чўққидек ҳис қилдим ўзни...

Буюк тоғлар бўлди устозим...

5

Тошқинлар тошади тошлоққа: тош, тош,  
Тошларни оралаб ярақлайди сув;  
Гувулар бетийиқ бу мангу гўлув,  
Абадий бу шиддат бўлмайти одош.

Ирмоқлик пайтданоқ тоғ дарёси, боқ,  
Йўлтўсар харсанглр билан курашиб,  
Шарқни Фарбга элтар асрлар ошиб,  
Қуёшни қувалаб, билмайди чарчоқ,

Қирғоқдан қараймиз замон икковлон –  
Вақтни кесиб ўтиб гувулар дарё:  
Минг йиллик тик қоя, жсарликлар аро  
Адашиб қолгандек қадимий сурон.

6

Чўққиларда сояпарвар ёнбағирларга  
Бир зумгина зар тўкади ўткинчи қуёш.  
Сўнра дарҳол тан бергандек кумуш  
залварга  
Бир юмалаб Мағриб томон олиб кетар  
бош.

Ёмғирлардан тилаб олиб юпқагина муз,  
Жилга бўлай деб кутади саратонни қор.  
Зарра обрў тополмайди бу жойларда куз,  
Бу жойларда уйғотолмас қорларни  
баҳор –

Бунда қорлар қиш ва ёзни танийди, холос,  
Гоҳ сал очиб тош манлайини шамоллар  
қашлар.

Бу жойларда келин каби кийиб оқ либос  
Чўққиларни забт этолган гўзаллик яшар.

7

Неки бошга тўшса ҳам  
Тоғлар пинак бузмайди.  
Лекин сал тегса қалам  
Тилсимлардан сўзлайди.

Чалқанча ётган бургут  
Тумшугидек чўққилар –  
Кўрдим мен – юмшоқ вужуд  
Булутларни чўқилар.

Ёлбағирда қулф урган  
Хилтир-хилтир лолалар  
Гүё тоққа югурган  
Қизил күйлак болалар.

Гулдуракли оташга  
Боқдим шундоқ яқиндан:  
Тог улкан чақмоқтошга  
Ухшаб кетди чақиндан.

Кўпни кўрган шамоллар  
Менга сирлар сўйлади.  
Юксак-юксак хаёллар  
Пастлашишига қўймади.

Кўк қўйнига қўл солиб,  
Тошлардан топдим овоз.  
Арчадан нина олиб,  
Тўқидим шеърга либос.

## 8

Тогдан тушган улкан шаршара –  
Зарраланган харсангдан нидо.  
Ётар дара тубида, қара,  
Қайтолмаган минглаб акс-садо.

Дарё бўлиб мавжланади ой,  
Дарахтман деб сувиллар шамол...  
Қара, дунё қандай гўзал, бой,  
Боқ, нақадар рангиндир хаёл.

## 9

Тушган каби сирғалиб гўё  
Паҳлавонинг белидан белбоғ,  
Пастга энар адиргача то  
Тогни ўраб юксалган сўқмоқ.

Чиқиб борсанг агар бу тор йўл  
Юрагингга солар ваҳима.  
Гўё тутар кўринмаган қўл,  
Пастга тортар гўё бир нима.

Бамисоли лангарсиз дорбоз  
Одимлайсан, айланади бош.  
Сирпантирмоқ бўлади бехос  
Гўё сени атай майда тош.

Қўл узатиб ҳаттоки хасга,  
Хавотирда кутасан мадад.  
Бир амаллаб тушасан пастга,  
Биру борга шукур беадад!

Сўнг сўқмоққа ташлайсан назар  
Тогликлардан ҳайратга тўлиб:  
Кўринади кўзингга улар  
Осмондаги фаршита бўлиб.

## 10

Шаршарадан учган зарралар  
Етимчадек кучади тошини.  
Иккимиздан совуқ таралар  
Музлатгудек ҳатто куёшини.

Шартми эди алвидо айтмоқ  
Гувоҳ қилиб тоғу тошларни.  
Шамол тўла иккала кучоқ  
Сигдирилмас энди бошларни.

Бир кун улар қайси кўкракка  
Эгилишин билмаймиз бизлар:  
Дунё тўла, ахир, эркакка,  
Ахир, кўп-кў, дунёда қизлар.

Тилларни ҳам қоплаб борар тош,  
Тақлид қилиб турамиз тоққа.  
Қўш илондек буралади қош,  
Юракда ҳам жой йўқ титроққа.

Энди ортга қайтмасмиз, ҳайҳот,  
Шаршарадан учган заррамиз.  
Кеча – ошиқ, бугун – икки ёт  
Жим сўқмоқдан тушиб борамиз.

Узоқ эмас энди йўлимиз –  
Бўлинади пастда иккига:  
Чидолмади икки йигит-қиз  
Биттагина севги юкига.

## 11

Кўмак бергин, эй тоғ гиёҳи,  
Даво топсин дарди бедаво:  
Қандай ойки, севгимнинг моҳи –  
Ҳар иккала ўн беши қаро.

Алиштириб тушга ўнгимни  
Ёруғ дунё изладим тундан.  
Тог қизига бериб кўнглимни  
Гулим бўл деб тиландим ундан.

Лекин гул деб кучдим арчани –  
Чуқур ботди жуда нинаси.  
Қордан экан қизнинг оқ тани,  
Мармар тошдан экан сийнаси.

Чиқолмасдан қўзга ёш бўлиб  
Жоним ичра йиғлар муҳаббат.  
Тогдан кўчган харсангтош бўлиб  
Эзиб қўйди мени бу қисмат.

Боқ, чиқдию дилдан лабга оҳ,  
Найни ёриб юборди наво –  
Кўмак бергин, раҳмдил гиёҳ,  
Даво топсин дарди бедаво.

12

Баҳайбат тоғ ёнида  
Бор кичик қадим қишлоқ,  
Унинг ўнг томонида  
Тошлар узра ўсар боғ.

Дарахтлар яшар ўраб  
Томир билан харсангни.  
Келдим шу боғдан сўраб  
Мен йўқотган нарсамни.

Ялт этар ноғоҳ ёлқин  
Богнинг, ҳув, этагида.  
Илк севги деган олтин  
Ёнар дарахт тагида.

Уни топиб олдим мен,  
Титкилаб ҳассам билан.  
Сўнг тун бўйи қолдим мен,  
Сўзлашиб харсанг билан.

13

### Раҳматли дадам, уста Шермуҳаммад Миришукур ўғли хотирасига

“Бир кун, ўғлим икков олиб бош  
Тоғ-тошларга чиқиб кетамиз.  
Ота-бола чўққига ёндош  
Харсанглардан каклик тутамиз.

Ҳамроҳ бўлар итимиз “Лочин”,  
Милтигимиз доим қўлда шай...”  
Эркинликнинг олис қувончин  
Қутардингиз, дадажон, шундай.

У кунларга, минг афсус, бироқ  
Етолмадик иккимиз бирга.  
(Ҳайрон эдим тушунмай у чоқ  
Сизга орзу бўлган бу сирга.)

Сиз тилаган каби у замон –  
Тошдан бўлиб мана шу бошим –  
Мен тоғларга чиқдим, дадажон,  
Сизникидан ошганда ёшим.

Сукунату виқорга гўша  
Тоғлар мени буткул этди ром;  
Сиз кўришни истаган ўша  
Арчаларга етказдим салом.

Сўқмоқларда синадим ўзни,  
Гиёҳларга мен солдим қулоқ.  
Бургутларга тикканча кўзни  
Қанотларга бўлдим чин ўртоқ.

Мен танишиб шамоллар билан,  
Юлдузларни бошимда кўрдим.  
Юксак-юксак хаёллар билан  
Тоғ ёнида тоғ бўлиб турдим.

Шунда, дада, эсладим тақрор,  
Ёдга тушиди болалик пайтим.  
Сизни йўқлаб йиғлади бедор  
Дафтарларга сизмаган байтим.

Шундай экан дунё, кўзда ёш –  
Ҳар орзудан қолар бир армон:  
Мен тоғлардан олиб келиб тош  
Қабрингизга қўйдим, дадажон.

### Хотима

Кўнглим менинг тоғларда,  
кўнглим менинг бундамас.  
Роберт БЁРНС

Тоғлар менга сўйлади эртак  
Шаршаранинг тиллари билан.  
Ҳамдард бўлди неча кун юрак  
Бу тош юртининг эллари билан.

Улғуворлик не эканини  
Шу тоғларда англадим, дўстим.  
Ҳидлаб ҳар гул, ҳар тиканини  
Осмон қадар кенгайди кўксим.

Бунда бужур, яйдоқ қоянинг  
Тирқишидан мўралаган гул  
Муруватли ушбу доянинг  
Гўзаллигин куйлайди нуқул.

Бунда жилга жилдирашида  
Жимирлайди юлдузлар рози,  
Тоғтеракнинг шилдирашида  
Товланади ойнинг овози.

Гўзалликни ҳис этиб бедор  
Бир қоядек сақладим сукут.  
Кўк сиридан қилди хабардор  
Қулоғимга энгашган булут.

Бунда бари эзгу ҳақиқат,  
Ёлгон билмас азалий дунё.  
Пастда эса ўткинчи хилқат  
Абадийлик қилади даъво.

Мен, начора, қайтгайман пастга,  
Таъзим қилиб ҳимматингизга  
Ва юксакка бўлиб вобаста  
Қолдираман кўнглимни сизга!



## НАЗМ

### Абдумажид АЗИМ



1957 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. Кўп йиллар мобайнида мамлакатимиздаги турли даврий нашрларда ишлаб келган. Айни пайтда, “Хуррият” газетасида масъул котиб лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Муаллифнинг “Ўтаётган йиллар”, “Қалбимнинг Ватани”, “Қуёш боласи”, “Руҳи равоним” каби шеърӣй тўпламлари чоп этилган. “Дўстлик” ордени ва “Шухрат” медали билан мукофотланган.

## ВАҚҲТ ШАМОЛИ

### Ватан асли

Ватан дедим, шу тупроққа бериб бағир,  
Илдизларим унга чуқур сингиб кетган.  
Ҳар гардини кўзларимга суртдим, ахир,  
Бу заминда, ахир, етти пушитим ўтган.

Номим ўзбек, Одам Ато наслданман,  
Жайҳун, Сайхун орасини тутдим макон.  
Куброларнинг зурёдидан, аслида, мен,  
Ватан учун жангоҳларда берганман жон.

Румо, Париж, Қоҳираю Афшалар,  
Ким-кимларнинг оширади ихлосини.  
Кезиб, кўриб бу дунёда мадиналар,  
Тополмадим Ватанимнинг қиёсини.

Икки олам узра сенинг таърифинг йўқ,  
Яғонам деб, сени суйсам, хато бўлмас.  
Келажагинг бугунингдан азиз, буюқ,  
Кўнглимдагин айтаверсам, адо бўлмас.

Онам каби меҳрибоним, суянч тоғим,  
Курраи арз ичра танҳо, яғонамсан.  
Обиҳаёт кўкартирган меҳр боғим,  
Ўзбекистон – тақдиримсан, пешонамсан.

Азиздир бу саҳроларим, тоғу далам,  
 Меҳнаткаш эл, қадрдонлар, ёр-жўралар.  
 Ватан асли, фарзандларим, гулу лолам,  
 Кўпайишар йилдан-йилга набиралар.

Ватан дедим, кўзим очган бу кўрғонни,  
 Болаликда униб-ўсган кенг сайхонни,  
 Ўзбекистон, гуллар очган бoғ-бўстонни,  
 Неки бўстон, балки менга эсон-жаҳонни.

Менга Ватан киндик қоним томган макон,  
 Ҳовлидаги райхонларнинг ажиб бўйи.  
 Лойсувоқ уй, ўчоқ, тандир, қора қумғон,  
 Ватан асли, мени қутган ота уйим.

Ўша азиз масканларни соғинаман,  
 Чоғим келар кўчаларга солиб сурон.  
 Бу дунёда битта сенга сизинаман,  
 Онажоним, меҳрибоним – Ўзбекистон!

### Болалик армонлари

Болаликнинг шўхликлари баҳорларда  
 Зувиллатиб чиллик ўйнар ангорларда.  
 Балиқ каби сувда сузиб анҳорларда,  
 Улайибман меҳрлару озорлардан.  
 Бола эдим, пишиққина зуваласи,  
 Юғурардим эжилгалар-ла қувалашиб.  
 Кўкка тўташ дарахтларни кўзга илмай  
 Шохдан-шоҳга сакрар эдим ҳадик билмай.  
 Гўдакликнинг ифорлари ўткир исли,  
 Онам – будут, отам – шамол эди мисли.  
 Хаёлимни ўғирлама, ай, қизгалдоқ,  
 Ўйнашайин кўёш билан қувлашмачоқ,  
 Вақт шамоли олис-олис кетди бошлаб,  
 Энди Сурхон боғларига бегонамиз.  
 Ёбонларга болаликни етим ташлаб,  
 Сулувларнинг тушларида афсонамиз.  
 Тамлар узра ял-ял ёнган қизгалдогим,  
 Олов каби ловулдаган ёшлик чоғим.  
 Бир зум яшнаб, очилиб у кулган лола,  
 Қумқўрғонда қолиб кетган ўша бола.  
 Хазонларни бир-бир босиб афтодаҳол,  
 Кўзги боғда тентирайман хазон мисол.  
 Болаликнинг шўхликлари келар эсга,  
 “Севдим” дея, хат битганим кўшини қизга.  
 Ёшлик – ларзон. Севги – армон. Умр – ҳайрон,  
 Мени қутиб саргайдингим Сурхондарё?  
 Қайлардасан, болалигим, зангор осмон,  
 Ўксик кўнглим улгайтирган армон дунё?  
 Чанг тупроқли кўчаларим тунлар уйгоқ,  
 Келарми деб, йўлим пойлар неча замон.  
 Утмишидаги қайсар бола – пок, беғуноҳ,  
 Араз ила тутқич бермас менга ҳамон.

*Ой юзингни*

Ой юзингни кўрсат ой, десам,  
 Кўкда ойга шиора қилдинг.  
 Юлдуз кўзинг соғиндим, десам,  
 Юлдуздайин чарақлаб қулдинг.

Ҳузуримга чорласам, келсанг,  
 Таъзим этиб, энкайса осмон.  
 Яногинга хол бўлиб кўнсам,  
 Менда асло қолмасди армон.

Дилим этмоқ илинжида сайд,  
 Қошларингни камон айладинг.  
 Не бераҳм жаллоддирсан, айт,  
 Аҳволимни ёмон айладинг?

Куйиб кетдим дун гавгосидан,  
 Ишиқ аҳлига қайда нажот бор?  
 Сочларингнинг тун дарёсига  
 Чўксам эди шоду бахтиёр!

Богда гуллар айтади сано,  
 Кўриб сенинг қадду камолинг.  
 Сўзларингда не ажиб маъно,  
 Новвотмидур лаблари болинг?

Узоқдаман, соғинч на илож,  
 Кўкайларим тинмай тилади.  
 Сен ёқларга мисли қалдирғоч,  
 Учиб-учиб кетгим келади.

*Ошиқ дилим*

Ошиқ дилим аҳд қани,  
 Излаганим бахт қани,  
 Ёшлик – тилло тахт қани,  
 Юракдаги шахт қани?

Ҳей, умримнинг қарвони,  
 Қай томонга йўртарсан?  
 Қовлаб дилда армоним,  
 Жону таним ўртарсан.


Ошиқ дилим яродур,  
 Умрим кетиб бородур.  
 Қувончиму гамимни,  
 Ҳақ тақдири қородур.

Гул очилиб сўлгунча,  
 Булбулда ишиқ савдоси.  
 Жоним қийнади бунча  
 Тақдиримнинг гавгоси?

Толе излаб бир чимдим,  
 Куйиб-қуйиб бўлдим кул.  
 Қим эдиму бўлдим ким,  
 Ўзинг айт, ай, тозагул?

Умрим кетиб бородур,  
 Ошиқ дилим яродур.  
 Қарвонига етолмай,  
 Кўнгил бўзлаб бородур.





## МУЛОҲАЗА. МУҲОҶАМА. МУНОЗАРА

### Нусратулло ЖУМАХЎЖА

1953 йилда тугилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тахсил олган. Филология фанлари доктори. Олимнинг “Поэтик тасвирда пейзажнинг роли”, “Турди назми бадийяти”, “Муноси газалиёти” каби илмий монографиялари ҳамда 500 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинган.



## ТАНҚИД – БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ ҲИМОЯ ИММУНИТЕТИ

Ўтган 2013 ҳисобот йилида танқид ва адабиётшунослик соҳасида ўнлаб китоблар ва кўплаб мақолалар нашр этилди. ЎЗРФА Тил ва адабиёт институти Адабиёт назарияси бўлими томонидан тайёрланиб, чоп этилган “Ўзбек адабиёти: таъсир ва типология”, филология фанлари доктори Наим Каримовнинг “Адабиёт ва тарихий жараён”, филология фанлари доктори Дилмурод Қуроновнинг “Мутолаа ва идрок машқлари”, профессор Охунжон Сафаровнинг “Туйғуларда тарих жилоси”, филология фанлари номзоди Исломжон Ёқубовнинг “Бидий матн ва эстетик талқин” номли монографияси, Абдулла Қаҳҳор уй музейи томонидан тайёрланиб чоп этилган “Абдулла Қаҳҳор: шахс ва ижодкор”, ёш тадқиқотчи Саъдулло Қуроновнинг “Ифода ва ифодавийлик” каби китоблари шулар жумласидандир. Соҳадаги барча китобларни кўлга киритиш ва бир мақола доирасида таҳлилга тортиш имконсиз. Лекин асосий тадқиқотлар танқид ва адабиётшунослик томонидан матбуотда таҳлил этилмоғи ва баҳоланмоғи лозим.

Танқид ва адабиётшунослик йўналишининг умумий манзарасига қараб, бу соҳа жадал, самарали ва тизимли ривожланыпти, дейиш қийин. Жараён суст ва палапартиш давом этмоқда. Адабий танқидга нисбатан адабиётшунослик илмининг маҳсулдорлиги салмоқлироқдир. Босилиб қиқаётган материалларда, айниқса, адабий танқиднинг қиёфаси яққол ажралиб турмайди. Бу вазиятга нисбатан “Танқид ўладими?” деган кескин саволни қўйиб бўлмайди, албатта.

Яқин ўтмишда “Адабиёт ўладими?” деган савол кўндаланг қўйилган ва унга узил-кесил жавоб ҳам берилган эди. Адабиёт ўлмас экан, унинг бир таркибий қисми бўлган танқид ҳам ўлмайди. Танқид, ҳарқалай, яшаяпти. Танқид яшаётган экан, демак, адабиёт ҳам тирик. Аммо танқид қандай яшаяпти? Том маъноси билан яшаяптими ёки жон сақлаяптими? Ўйлаймизки, 2013 йилда бошланган ва давом этаётган мунозаралар бунга аниқлик киритяпти. Бу борада “Шарқ юлдузи” журналининг ташаббуси эътибор тортади.

Журнал 2013 йилда мутахассисларга ўнта савол билан мурожаат қилиб, йил мобайнида қизгин суҳбат-мунозара ўтказди. Суҳбатлар ниҳоясида, сўнгги сонда “Янги авлод овози” сарлавҳаси остида яқунловчи туркум мақолалар берилган. Яқунловчи мақолалар орасида, айниқса, Иброҳим Гафуровнинг “Жараён таассуротлари” сарлавҳали суҳбати фикр-

мулоҳазаларининг ўзига хослиги, пишиқ-пухталиги, донишмандлик билан сугорилган хикмат-хулосаларга бойлиги билан диққатга сазовордир. Ушбу мақолани танқид ва адабиётшунослик соҳасида йилнинг энг яхши мақоласи, дея баҳолаш ҳам мумкин.

Сухбатларда “Танқиднинг ўзи нима, унинг моҳияти нимадан иборат?” деган савол ўртага қўндаланг қўйилиб, танқидга янгича таъриф бериш, уни қайтадан баҳолаш, меъёр ва тамойилларини белгилаш етакчилик қилади. И.Ғафуров танқиднинг ўтмиши, бугуни ва истиқболни ҳақида мана бундай мулоҳаза юртади: “Келинг, тан олайлик. Ҳозирги даврга келиб танқиднинг моҳияти ўзгарди. Эски танқид тугайди. Янгиси бошлангани йўқ. Адабий танқид – адабий ижоднинг бир тури”. Жуда мароқли, қизиқарли гаплар. Лекин адабий танқид – адабий ижоднинг бир тури экан, адабиёт узлуксиз давом этаётган жараён бўлса, қандай қилиб эски танқид тугаб, янгиси бошланмаган бўлади? Адабий танқид ҳануз “ўтиш даври”дами ёки турғунликдами? Афсуски, адабий танқид жараёнининг ҳозирги кўриниши ва маҳсуллари бу фикрларни инкор этолмайди.

Адабий танқиднинг моҳияти ва истиқболни ҳақида мана қандай ишонтирувчи ҳам ачинтирувчи ва баҳсга чорловчи фикрларни ўқиймиз: “Ҳозир “танқидчи” деган касб-ихтисос йўқ. Ҳеч қайси олий ўқув даргоҳи танқидчи тайёрламайди. Лекин “танқидчилик” инерцияси давом этиб келади. Танқидчиликнинг таназзули инсон ҳуқуқларининг устувор бўлиши, адабиёт чин эркинликка чиқиши билан ҳам боғлиқ бўлса, эҳтимол. Танқидчи мутахассис бўлмагач, ундан нимани талаб қилиш мумкин ва бу қайси мантиққа сиғади? Ҳозир танқидчи сифатида чиқиб турганларга эътибор беринг: уларнинг кўпчилиги олий ўқув юрти даргоҳларининг ўқитувчилари, яъни адабиёт, филология мутахассислари. Уларнинг дипломлари бор. Кейинги пайтларда танқидчиликнинг ўрнини аста-секин тадқиқотчилик эгаллаб келяпти. Университетлар, илм даргоҳлари адабиёт мутахассислари, тадқиқотчиларни етиштирадilar. Янги замонда танқид ўрнини тадқиқотчи эгаллайди. Эволюция шуни тақозо қилади. Иختисослар кенг тармоқ отаётган замонда бу табиий ҳам. Дипломсиз танқидчининг фикрдан дипломли тадқиқотчининг фикри эътиборлироқ, фикрлари, таҳлиллари, талқинлари анча юксакроқ савияда ва анча ишонарлироқ ва адабиёт ривожини, жараёнларини жонлилиги учун фойдалироқдир. Тақризлар ҳам, тадқиқотлар ҳам тадқиқотчи томонидан ёзилгани маъқулроқдир. Танқид эса тадқиқотнинг ичиди ва замирида бўлади. Тадқиқотчи – мунаққид. Менимча, мутахассис тадқиқотчилар замони бошланиши олдида тургандекмиз. Интеллектуал салоҳиятлар қувватга кирадиган даврда мутахассис тадқиқотчининг ўрни катта... Шунинг учун эски “бурунги” танқид ўрнини тадқиқотчиликка бўшатиб беради. “Бурунги” мақомидаги танқидчилик энди адабиёт тарихидагина қолади” (И.Ғафуров). Бир қарашда, бу гаплар башоратга ўхшаб кўринади. Агар улар ҳақиқатан ҳам башорат бўлса, катта маънавий неъматдан ажралишимиз аниқ экан. Дарвоқе, адабий танқид ҳозир таназзулда эканлигига ишонши мумкин. Бироқ, наҳотки, энди адабий танқид йўқолса, ўз ўрнини тадқиқотчиликка, адабиётшуносликка бўшатиб берса ва унинг замирида яшай бошласа? Бизнингча, танқидчилик ва тадқиқотчилик фарқли ҳамда муштарак хусусиятларга, ҳар бири ўз ўрнига эгаки, бу адабий танқидчиликнинг бундан кейин ҳам алоҳида соҳа сифатида мавжуд бўлишини тақозо этади. Адабий танқид адабий ижоднинг тезкор ва ҳозиржавоб соҳаси. Тадқиқотчилик эса оғир қарвон, адабиётнинг ривожланиш қонуниятларини чуқур ўрганувчи ва ёритувчи фундаментал назарий соҳа. Адабиётшуносликдан тезкорлик ва ҳозиржавобликни талаб қилиб бўлмайди. У ҳозиржавоб ва тезкор бўла олмайди ҳам. Ўз навбатида, адабий танқидчиликдан ҳам фундаментал чуқур назарийликни талаб қилиш ўринсиз. Адабий танқид жараён билан баравар юриши зарур. У ҳозир жараёндан орқада қолгани учун ҳам, унинг таназзули ҳақида фикр юритилмоқда. Тадқиқотчилик характеридаги адабиётшунослик бўлса, жараён билан баравар юролмайди, баравар юрса – адашади. У жараён маҳсуллари, натижаларини таҳлил ва тадқиқ этади. Шунингдек, адабий танқидчилик тадқиқотчилик хусусиятидан холи, дейиш ҳам ўринли эмас.

Танқидчилик ихтисосига, адабий танқидчи кадрлар масаласига келадиган бўлсак, бунда ҳам вазият бошқароқ. Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Норбой Худойбергенов, Иброҳим Ғафуровнинг ўзлари – булар профессионал адабий танқидчилар. Уларнинг деярли ҳаммалари олий ўқув юрти ўқитувчилари эдилар. Буларнинг ижодий фаолиятлари маҳсуллари сарҳисоб қиладиган бўлсак, кўз ўнгимизда адабий танқидчи салоҳияти ва сиймоси гавдаланади. Буларнинг ҳаммалари диссертация ёзиб ёқлаганлар, лекин академик услубдаги назарийтечи адабиётшуносга айланмаганлар. Бу уларнинг камчиликлари эмас, балки улар эга бўлган салоҳият ва ихтисослашган соҳанинг специфик хусусиятидир. Ака-

демек М. Қўшжонов узоқ йиллар Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти-да директорлик қилди. Академик илмий тадқиқотларнинг ташкилотчиси бўлди. Аммо унинг биринчи ихтисослашган соҳаси танқидчилик, у танқидчидан ўсиб чиққан академик тадқиқотчи эди. XX аср ўзбек танқидчилигининг жанговар намояндаси бўлган Н. Худойберганов, ҳатто умрининг кейинги даврларида Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтида ишлади, аммо адабий танқидчилигича қолди. И.Ғафуров сўнгги даврда бадиий ижод ва таржима санъати билан фаол машғул. Лекин унинг асл ва биринчи истеъдоди адабий танқидчилик эканлигини мазкур адабий суҳбат ҳам тасдиқлаб турибди. Лекин ким айтади бу атоқли танқидчилар салоҳиятида тадқиқотчилик йўқ деб. Улар ҳам мунаққид – тадқиқотчи эдилар. Адабий танқид замирида тадқиқотчилик ҳам бўлади. Аммо, шуниси ҳам борки, ҳар қандай адабиётшуно танқидчи бўла олмайди. Яъни танқидчилик ҳам ўзига хос нодир истеъдоддир.

Адабий танқидчи кадрларнинг кўзга ташланмаётгани, танқидчилик бўшаётганининг сабаби, И.Ғафуров сўзро айтиб ўтганидек, Республикада бирорта олий ўқув юрти танқидчи кадрлар тайёрламаётганида. Устоз У.Норматов ҳам “Тафаккур” журнаlining 2014 йил 1-сонида “Олим адашса – олам адашар” сарлавҳали суҳбатида бонг урадики: “Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов номи билан боғлиқ, мамлакатда ягона ўзбек адабий танқидчилиги мактаби учун махсус кафедра очиб орзулигича қолаётир”. Бу гоё “Шарқ қолдузи”даги суҳбатда тақлиф сифатида айтилган эди. Мамлакатда битта адабий танқид кафедраси бўлмаса, бу соҳанинг ва у билан боғлиқ равишда адабиётнинг истиқболли қандай тасаввур қилиш мумкин? Ҳозир ҳам ҳартугул мазкур мактабнинг издошлари фаолиятда. Сувон Мелиев, Баҳодир Каримов, Улуғбек Ҳамдам, Абдулла Улуғов, Узоқ Жўрақуловларнинг чиқишларида тадқиқотчилик билан бирга адабий танқиднинг руҳи уфуриб туради. Бироқ улар ҳам ўрта ёшдан ўтиб бормоқдалар. Адабий танқид кафедраси бўлмагач, табиийки, у билан боғлиқ фан соатлари ҳам қисқартирилади. Бизнинг авлодимизнинг бахти шундаки, юқорида саналган танқидчи алломаларнинг ҳаммалари бизга дарс беришган. XX асрнинг мана шу танқидчилар жўшқин ижодий-маърифий фаолият кўрсатган даврини ўзбек адабий танқидчилигининг гуллаб-яшнаган даври эди дея белгиласак, балки тўри бўлар. Дипломли ва дипломсиз танқидчи деган иборалар ҳам мунозарали. Ўтмишдаги бирорта катта танқидчининг дипломига “адабий танқидчи” ихтисоси ёзилганмикин? Эндиликда ҳам, дипломларда адабий танқидчилик ихтисоси расман қайд этилмаса ҳам, ҳаттоки, адабий танқид кафедраси очилмаса ҳам, адабий танқидчилар табиий равишда истеъдод сифатида етишиб чиқаверади. Аммо, хавотир шундаки, жуда кам етишиб чиқиши мумкин.

Биз ўқиган 70-йилларда адабий танқиднинг амалий мактаби ҳам бўларди. Бу шундан иборат эдики, университетда А.Мухторнинг “Чинор” романи, П.Қодировнинг “Эрк” қиссаси, О.Ёқубовнинг “Диёнат” романи, Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романи, Мирмуҳсиннинг “Меъмор” романининг мухлислар ва мунаққидлар иштирокида кенг миқёсдаги қизгин муҳокамалари иштирокчиси бўлганмиз. Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева ва уларнинг издошлари Усмон Азим, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Тилак Жўра, Йўлдош Эшбек каби бир қатор ёш шоирларнинг мушоираларида қатнашганмиз. Шоир, ёзувчи ва мунаққидларнинг залворли нутқларидан университет ларзага келарди. Айтмоқчимизки, адабий танқиднинг ўз яшовчан муҳити бўлади. Қани энди бундай муҳит, бундай ташкилотчилик? Бор, бироқ у жуда сийрак, ўта сиқик, тор доирадаги расмий тадбирлар тусин олган. Негадир, бу соҳада Истиқлол берган неъмат ва имкониятлардан етарли фойдаланилмаяпти. Биз эслаган муҳокамаларда баъзан биргина микрофон топиш амри маҳол бўларди. Умуммамлакат селекторлари, видеоконференциялари ўтказилиб турган бугунги замонда нега энди бутун мамлакат адабий жамоатчилигини қамраб оладиган янги адабий асарларга бағишланган видео муҳокамалар, интернет муҳокамалари ташкил этиб бўлмас экан? Ахир, бу ёшлар ва омма онгидаги мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, тобора томир ёзиб бораётган оммавий маданиятнинг пайини қирқишда энг муҳим омиллардан бири бўларди-ку! Адабий танқиднинг яшовчан муҳити йўқолиб бораётганини адабий жараёни доимий ёритиб бориши лозим бўлган биргина газета – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да кейинги йиллар “Баҳс”, “Танқидни танқид”, “Бир асар ҳақида икки фикр” каби рунқлар тўхтатиб қўйилганида ҳам кўриш мумкин. “Такриз” рунқи ҳам суस्ताшиб қолган. Аксарият адабий нашрлар жанговарлик билан ёзилган мақолаларни чиқаришмайди, заиф ва савиясиз ёзилганларини чиқаргилари келмайди, бир асар ҳақидаги иккинчи фикрни топишолмайди, ёзадиган одам йўқ, дейди. Жанговарликни жангарилик деб талқин этиш, объектив танқиддан субъектив майл-

лар ахтариш камчиликка айланди бугун тахририятларда. Гўёки уларга кимдир адабий танқидни қаттиқ живовлаш тўғрисида кўрсатма бериб қўйгандек.

И.Ғафуров танқиднинг мақсад-моҳияти ҳақида жуда ажойиб фикрларни изҳор этади: "Танқид асло "саралаш" (классификация)гина эмас. "Саралаш" унинг фақат бир қирраси. Бошқа жуда муҳим қирраси – эстетик билимларга таянган ҳолда тушунтириш, муҳокама юрийтиш (лекин асло ҳукм чиқариш эмас), қизиқарли мулоҳазаларни ўртага қўйиш, ҳолисона баҳо бериш ва теран ҳулосалар чиқариш, ўқувчиларда бадийи дидни тарбиялаш. Ўқиш, китобхонликка қизиқиш ("қизиқтириш" бўлса керак – Н.Ж.), иштиёқ уйғотиш. Буларни фақат чуқур билимлар, комил дид-фаросатга эга мутахассисларгина бажара оладилар". Мана шу фикрларнинг ўзиёқ адабий танқиднинг мавжудлиги ва бундан кейин ҳам мавжуд ҳамда фаол бўлиши зарурлигини кўрсатиб турибди. Қайд этилган бу вазифаларни адабиётшунослик илми эмас, балки айнан адабий танқид бажаради. Демак, адабий танқид адабий жараённинг тириклигини, яшовчанлигини таъминловчи қайноқ шахобчаси, адабий жараённи янгилаб турувчи, тиндирувчи, саралаб тозаловчи, филтёрловчи фаол механизм. Агар шу механизм султалашса, заифлашса, фаолиятсизлик касб этса, билингки, адабий жараён лойқаланади, ўртамиёначилик авж олади, савиясизлик хуруж қилади. Вазиятдан фойдаланиб, истеъдодсизлик маҳсуллари, сохта адабиёт ижод майдонини забт этади, ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Таъбир жоиз бўлса, адабий танқиднинг султалашини – адабий иммунитетнинг заифлашишига ўхшатиш мумкин. Танқидни бадийи адабиётнинг ҳимоя иммунитетети, дейиш мумкин. Бунинг маъноси шукки, адабиётнинг ҳимоя иммунитетети пасайса, адабиёт организмга ўртамиёначилик, бадийи савиясизлик, дидсизлик, кўчирмақашлик, бадийи тил нафосатсизлиги каби қатор "вирус"лар хуруж қилади ва уни емира бошлайди. Ҳозирги адабий жараёнда шундай хавф бор. И.Ғафуров таъбири билан айтганда: "Танқиднинг заифлиги бадийи тафаккурда танқидий йўналишнинг сўнишига, талантларни пайқаш, намоён бўлишида ҳафсаласизликларга сабаб бўлади. Нима деманг, танқид ижтимоий фикрнинг таъсирчан тури-да!" Айтмоқчимизки, танқиднинг фаол ёки фаолиятсизлиги фақат адабиёт оламига эмас, балки "ижтимоий фикрнинг таъсирчан тури" сифатида кенг халқ оммасининг тафаккури ва савиясига ё ижобий ёки салбий таъсир этиб боради. Шунинг учун ҳам, Президент И.А. Каримов ҳар йили матбуот ва оммавий ахборот воситалари кўни олдидан эълон этиладиган нутқларида изчил равишда танқидий фикрга кенг йўл бериш, танқидий тафаккурни ривожлантириш ҳақида алоҳида тўхталадилар.


Янги адабий авлод ҳамда адабий танқид ҳақида Қ.Йўлдошев баён этган фикрлар жуда зиддиятли ҳамда мунозарали. И.Ғафуров: "Ҳар қандай яқраглик ичида ранг-баранглик ётади" деса, Қ.Йўлдошевнинг фикрича: "Ҳар қандай бир хиллик адабиёт учун ўлим экани аниқ!" Янги адабий авлоднинг ижодий ўзига хослиги ҳақида мана бундай ўзаро кескин қарама-қарши нуқтаи назар тўқнашади. Р.Қўчқоровнинг нуқтаи назари: "... ижодкорни шу мақомага лойиқ қиладиган энг асосий мезон айнан ҳеч кимни-кига ўхшамайдиган дунёқараш, бадийи идрок, эстетик диди эмасми?" Қ.Йўлдошев эса: "Олдинлари ўз услубига эга бўлиш ижодий марра ҳисобланган бўлса, ҳозирда кўпчилик ёзувчи-шоирлар атай услуби шаклланиб қолмаслигига интилишмоқда", деган фикрни илгари сурмоқда. Назаримизда, бундай қараш табиийликдан йироқ. Ижодкор борки, ўзига хослига интилади, ўз услубини кашф этишга, ўзлигини намоён этишга ҳаракат қилади. Аммо бу жуда мураккаб ва мушкул жараён. Айрим ижодкорлар, ҳатто, умрбод ўзлигини тополмай ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун биз янги авлод ёзувчиларини услубидан таниб ололмаямиз. Ўйлаб кўринг, Тоғай Мурод ўз янги услубини тўлиқ шакллантирмагунича "Юлдузлар мангу ёнади", "От кишнаган оқшом", "Ойдинда юрган одамлар", "Отамдан қолган далалар" асарларини эълон қилмаган. Ушбу асарларини эълон қилганида у неча ёшда эди? Ўз бадийи услубини, адабий қиёфасини кашф этиш учун у кўп йиллар сарфлаб халқ ҳаётини, халқ тилини ўрганди, курашчилар билан бирга қишлоқма-қишлоқ юриб кураш майдонларини кузатди, улар билан кечалари тонготаргача гурунглашиб, руҳиятини, характер, тил ва терминларини ўрганди, улоқчи полвонлар билан бирга юриб кўпқариларда чавандоз сифатида қатнашди, полвонликнинг азоб-укубатини, завқ-шавқини ўз танасида ҳис қилди, Москвага бориб давлат архивларини титқилади, фольклор архивларида ўтириб ишлаб, илмий тадқиқотчилардек заҳмат чеқди. Чумолидек меҳнат қилди. Бироқ унинг меҳнатлари ҳам И.Ғафуровнинг "Тўқсон тўққиз фоиз ўқиш, бир фоиз ёзиш", деган "жуда самарали меъёр"ига тўғри келиши даргумон. Хўш, ҳозир қайси ёзувчимиз шундай меҳнат қиляптики, биз унинг ижодий қиёфасини таниб олсак.

Бу ҳақда янги авлод вакилларининг ўзлари нима деркинлар?

Бир киши бутун авлоднинг фикрини ифодалаёлмас-да, мана, ёш эмас, жисмонан ва ақлан айна кучга тўлган 30 яшар ёзувчи Дилмурод Содиқ "ЎзАС"да 2014 йил 31 январда эълон қилинган "Эркинлик масъулият демак" сарлавҳали суҳбатиди қандай мардлик ва тантилик билан тан олиб айтади: "Бугунги ижод жараёнида ёш ёзувчи ва шоирларнинг овози баралла эшитилиб турибди, дега олмайман. Бу шахсан ўзимга ва тенгдошларимга тегишли гап. Биз ўзимизга яратилган имкониятлардан самарали фойдалана олаётганимиз йўқ. Вақт ва имкониятларни ғанимат билиб, тер тўки ишлаётганлар кам. Кўпчилигимиз ўттиз ёшни қоралаб қўйдиг-у, бироқ тилга тушадиган асарни ўқувчиға тақдим этолганимиз йўқ. Назаримда, дангасалик кучлироқ бизда. Ёшлик, аслида, умрнинг қизғин ижод палласи. Улуғларимиз машхур асарларини айна навқирон пайтларида яратишган. Энг эътиборлиси, улар бугунгидай шароитни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Минг шукурки, юртимизда ёш ижодкорларга барча шароитлар яратиб берилган. Устозларимизнинг қўмағи, хилма-хил адабиётлар – барча-барчаси етарли. Гап фақатгина орқаниликни енгил ва иқтидорни ишга солишда".

Қ.Йўлдошевнинг қарашларида: "Адабиёт ҳам, аслида, худди бадий гимнастика, фигурали учш ёки синхрон сузиш каби бир ўйин... Ўйин – кўркем адабиётнинг ўз хусусияти... Аслида, ўйин – адабиётнинг ўз хоссаси. Адабиётда ўйин кўлайиб бораётгани жамиятнинг соғломлашаётганидан далолатдир..." каби галати, мантиқсиз гаплар жуда кўп. Шундай фикрларига Навоийдан асос келтиришга уриниши дард устига кўндаланг: "Агар адабиёт ҳоқиятан бирор "изм" измида юриши шарт бўлганда, ҳазрат Навоий бу ҳақда айтган бўларди. Тўғри, оламда Навоий қайд этмаган нарсалар ҳам жуда кўп, аммо бадий ижод борасида ҳазрат тўхталмаган нарсаларнинг кўпчилиги шунчаки ўйлаб топилган ўткинчи гаплар". Ахир, ҳеч бир далил ва асоссиз "Навоий қайд этмаган нарсалар ҳам жуда кўп", "ҳазрат тўхталмаган нарсаларнинг кўпчилиги", дега дангалчилик қилиш Навоий даҳосига нисбатан ҳурматсизлик эмасми? Суҳбат маромига Навоийни томдан тараша тушгандай тортиш, умуман, бундай услуб танқид ва адабиётшуносликнинг этикасига ҳам, эстетикасига ҳам тўғри келмайди. Унинг модерн ва постмодерн адабиёт ҳақидиға мулақо ишонтирмайдиган ва илмий асосланмаган фикрлари ҳам "Ёшлик" журналининг 2012 йил 1-сонидиға "Холис эътироф эҳтиёжи" сарлавҳали мулоқоти ва бошқа мақолаларидағи фикрларининг узвий давомидир.

Баён этилган фикр-мулоҳазалар ҳамда танқид ва адабиётшунослик жараёнининг мавжуд аҳволдан келиб чиқиб, шундай тақлиф, хулосаларни баён этиш мумкин: журналнинг танқид ва адабиётшунослик йўналишини йил давомида изчил, тизимли равишда ёритиб бориш, жараёни жонлантириш ташаббусини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, "Янги авлод овози" рукнида эълон қилинган суҳбат-мақолаларни тўплаб "Ижод" фонди ҳисобидан чоп этиш мақсадиға мувофиқ бўларди; Бошқа матбуот органлари, хусусан, "Ўзбек тили ва адабиёти", "Тафаккур", "Жаҳон адабиёти", "Ёшлик" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида ҳам ҳозирги адабий жараёни кенгроқ ёритиш, танқид ва адабиётшуносликнинг долзарб масалалари тўғрисида давра суҳбатлари, алоҳида рукнлар ташкил этиш зарур; Бу соҳада, айниқса, "ЎзАС"нинг фаолияти бўшашганлиги, 2013-14-йилларда жиддий давра суҳбатлари ўтказмаганлиги, "Баҳс", "Бир асар ҳақидиға икки фикр", "Танқидни танқид" каби рукнларни давом эттирмаётганлиги адабий жараён учун ўнганмас йўқотишдир; Олий ўқув юртаринининг филология факультетларида ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ, танқид ва адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларини ёритувчи, танқидий тафаккурни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи тадбирларни кенгроқ миқёсда, кўпроқ, жонли тарзда ташкил этиш лозим; Танқид ва адабиётшунослик кенгаши бошқа кенгашлар билан ҳамкорлиқда илмий-танқидий, бадий асарлар муҳокамасини тез-тез ўтказиб туриш тажрибасининг янги шаклларини излаб топади, адабий танқид тўғариға фаолиятиги ривож беради, деган умиддамыз.



## МУЪЗЗАМ ШАРҚ ХАЗИНАСИДАН

### **Имом ҒАЗЗОЛИЙ**

*1058 йилда Тус шаҳрида туғилган. Ислом оламида “Хужжат ул-ислом” дея улуғланган олимнинг “Файласуфлар ихтилофлари”, “Кимиёи саодат”, “Иҳё ал-улум ад-дин”, “Мукошафат ул-қулуб” каби асарларида фалсафий масалалар ислом илоҳиёти нуқтаи назаридан маълум бир тизимга солинган. Ғаззолий 1111 йилда вафот этган.*

## **КИМИЁИ САОДАТ ТУРКИЙ**

Учинчи рукн

Муҳликот

(Инсон руҳини ҳалок этувчи иллатлар)

ФАСЛ

Етуклик даражалари

Билгилки, ҳалойиқ мақтагонидин шод бўлиб, ёмонлашидин хафа бўлмоқда тўрт даража бордур.

Авалги даража оммаи халқдурки, мақтов эшитса шод бўлиб, шукр қилур. Ва мазаммат (танқид) қилганларни душман тутиб, ўч олишга қасд қилур. Бу ҳамма даражаларнинг ёмонроғидур.

Иккинчи даража – порсоларки, мақтов эшитса шод бўлмас, мазаммат қилганлардан аламнок бўлмас, (улар) ҳар икки тоифани баравар тутарлар. Ва лекин ботинларида бирини дўст, бирини душман тутарлар. Аммо мукофотиға (чора кўришга) машғул бўлмаслар. Ва бу даража яхшироқдур.

Учинчи – муттақийлар даражаси, зоҳир ва ботинларида ҳар иккени (мақтаганлар ва танқид қилганларни) баробар кўрурлар, мақтовдан масрур ва танқиддан дилғир бўлмаслар. Ва бу улуғ даражадурки, ҳар киши муяссар бўлмас.

Баъзи обидлар (ибодат қилувчилар) биз бу даражаға етибдурмиз деб хаёл қилибдурлар. Бу хатодир. Бас, бу даражаға етканнинг нишонаси (аломати) улдурки, агар танқид қилгувчи билан бир ерда ўлтирса, кўнглида мунинг суҳбатини мақтов айт-

### **Тахририятдан**

*Муҳтарам журналхон, ўтган сондан эълон қилина бошланган Имом Ғаззолийнинг “Кимиёи саодат туркий” асари таржимонининг номи муайян техник сабаблар билан хато ёзилгани учун тахририят сиздан узр сўрайди. Ушбу асар Муҳаммад Исо таржимаси асосида Маҳкам Маҳмуд ва Мамлакат Содиқова томонидан нашрга тайёрлаган.*

гувчилар суҳбатидан оғир билмагай. Агар бир ишда дўстлик, хайрихоҳлик талаб қилса, анга ёрдам бермакни, ситойиш (мадҳ) қилувчига ёрдам бермакдин қийин билмагай. Ва агар ўлса, анинг андуҳ ва мусибати мақтов айтганнинг ғам ва мусибатидан кам бўлмагай. Бас, обидлардан аксари танқид қилгувчини душман тутар ва айтурки, муни душман тутмагим фосиқлиги жиҳатидан ва ё дини (иймони) сустилиги жиҳатидан деб сўз қилур. Бу айби талбис ва шайтанатдур. Обидким, жоқилдур, бу дақиқлар (нозикликлар)ни билмагай, тоат-ибодатда тортган ранжини зое қилур.

Тўртинчи – сиддиқлар даражаси – ўзини мақтовчиларни душман тутар ва танқид қилгувчиларни дўст тутарларки, мунингдин уч фойда топибдурлар. Аввалги фойда: ўз айбларидин оғоҳ бўлурлар. Иккинчи фойда: танқид қилгувчилар ўз яши амалини бу кишига туҳфа қилган бўлур. Учинчи фойда улки: ўз айбларини билиб, айб ва риёдан халосликни талаб қилур.

Агар киши ҳамма умрида жаҳд қилса, ситойиш ва мадҳ қилгувчи бирла танқид қилгувчини кўнглида тенг тутмоғи мушкулдир.

## ФАСЛ

### Риёнинг даражалари баёнида

Билгилки, риёнинг даражалари турличадур.

Баъзиси азимдики, риё қилгувчининг мақсади ва ниятидан маълум бўлур. Чунончи, намоз ўтагувчи ва рўза тутгувчининг нияти савоб ҳосил қилмоқ бўлиб, танҳоликда риё қилмас, аммо кишини кўрса, риё қилур. Бас, бу (риё) агарчи даражаи аълога етмас, аммо Ҳақ таолонинг ҳашм ва ғазабидан халос этмас. Умиддурки, бу қисм риёдан ул кишининг илми ботил ва савоби ҳабата бўлмагай, риёсининг миқдорича азоб-уқубат тортгай.

Иккинчи тафовут. Мақсади ва нияти ҳаммаси риё қилмоқ бўлмай, асл нияти тоат ва ибодат бўлмагай. Аввалги даража улки, иймонда риё қилур. Бу – мунофиқларнинг иймонидурки, кофирдан кўра бу тоифанинг ҳоли қийинроқдур, ботин ва зоҳирда иблис макри бирла ўзини тутадур. Ва ул тоифаки, ўзини шаърий тутиб, охиратга ва баъзи аҳкоми шариатга мункирдур, ани мулҳид дерлар. Ул ҳам мунофиқлар жумласидандурки, абадан дўзахда бўлгусидир.

Иккинчи даража улки, ибодатда риё қилур. Чунончи, бир киши халқ орасига кирса, намозини бетаҳорат ўтар, ўзини рўза тутгандек кўрсатар. Бу ҳам даражаи риёи азимдур. Ва лекин асл риё қилганча эрмас. Агар бу ишларни ҳалол билмаса, кофир бўлмас. Ва лекин, тавба қилмаса, ўлар вақтида хатари куфрдир.

Учинчи даража улки, иймонда ва ибодатда риё қилмас ва лекин маълум сабаб бирла риё қилур. Чунончи, намоз ва рўзани уdda қилур. Кечаларда намоз ўтар ва садақа берур. Ва арафаи ашур кунлари, душанба ва пайшанбада рўза тутар. Аммо нияти буки, халқ ани фосиқ деб маломат қилмагай. Солиҳ ва обид деб мақташи учун. Ва лекин айтурки, Худой таоло учун тоат-ибодат қилурман, халқ учун эмас деб. Бу навъ тоат-ибодат мақбул бўлмас. Ҳақ таоло ибодатида ғайрини шерик қилмоқ гуноҳдур. Ушбу сабабдан азоб-уқубатга гирифтор бўлур. Учинчи тур риё қилмоқ бир ғараз, мақсад жиҳатидан бўлурки, ул ғаразлар уч даража билрадур.

Аввалги даража риё қилгувчининг мақсуди жоҳ (амал, обрў) ва иззат топмоқдур. Бас, бу ғараз дин маъсияти ва фисққа гирифтор бўлур. Чунончи, имом бўлмоқ ва мутавалли бўлмоқ. Ва мунга ўхшаш, миршаблик ишларидин риё бирла ўзини тўхтатур, бу ғараз бирлаки, халқ ани порсо ва соҳиби диёнат (деб) ақида қилиб, мол ва дарахтини анга топширгайлар ва омонат қўйгайлар ва етимлар молига васий қилгайлар ва мундин ўзга ишларнинг ҳам тасарруфини бергайлар деб ният қилгай. Бас, бу навъ риё қилмоқ ҳамма (риё)дан улғудирки, Ҳақ таолонинг ибодатини гуноҳ ва маъсиятга васила қилмоқ тамали жаҳолат ва шақоватдур.

Иккинчи даража улки, мубоҳ ишларини қилмоқ ғаразида риё қилур. Чунончи, ўзини халққа риё бирла порсо кўрсатар, бу ғараз бирлаки, халқ ани парҳезкор ва муттақий деб, ишониб, хотун олиб бергай ва (ёки бошқа) дунё манфаати еткургай. Бас, бу навъ риё қилмоқ ҳам ёмон ва шумликдурки, Ҳақ таоло ибодатини дунё ишига васила қилганидур. Ва лекин ёмонликда аввалги даражага етмас.

Учинчи даража улки, ҳеч кишидан нимарса талаб қилмас ва лекин ўзини зоҳид ва порсо одам деб ишонтирмоқ учун кишини кўрса, мувоқабат қилган бўлиб, бошини ту-

бан солур. Агар йўл юрса шоҳона юрар, то халқ айтгайки, ҳеч вақт ғофил эрмас деб. Ва агар киши ҳазил, мазаҳ сўзин айтса "Астағфируллоҳ! Субҳаналлоҳ!" дер, бу ғараз бирлаки, халқнинг ғофиллигидан таажуб қилгай.

Мунга ўхшаш чандон ишларни шайтон жуда мақбул қилиб, риё қилдирур. Ва анинг ботинида палидлик ва нахслик жамулжамдур. Ва ул бечора андин ғофилдурки, бу риёси анинг ибодатини, беҳи бунёдини барбод қилур.

### ФАСЛ

#### Обиднинг шодлиги сабаблари

Баъзилар, халққа яхши кўриниш учун, иззат-обрўйим ошсин деб, ибодат қиладиларки, албатта, риёдин ҳоли бўлмас. Бу тўрт даражадур.

Аввалги даража улки, биров ибодатини пинҳон қилади. Ва лекин, анингда ихтиёр бўлмаса, Ҳақ таоло унинг ибодатини ошкора қилур. Бас, обиднинг шод бўлмоғи бу сабабдан бўлурки, мунча кўп гуноҳ ва қусуримни Худой таоло яшириб, озгина ибодатимни ошкора қиладур. Ҳақ таолонинг менга фазлу караמידурки, гуноҳимни ёпиб, (яхшилигим)ни хувайдо қилур, деб ўйлар. Бу шодлик, дарҳақиқат, Ҳақ таолонинг фазлу караמידан бўлур, Ҳақ таолонинг уни яхши деб билганидан эрмас.

Иккинчи даража улки, амали ошкора бўлганидан шод бўлиб, айтурки: "Мунча гуноҳларимни Ҳақ таоло яшириб, бир навъ яхшилигимни ошкора қилмоғига далолат қилурки, охиратда ҳам гуноҳимни пўшида тутиб, шарманда қилмагай".

Ҳадисда келибдурки, "Ҳақ таоло андоғ каримдурки, бу оламда бандаси гуноҳини яшириб, шарманда қилмабдур, охиратда ҳам ошкора қилиб, расво қилмас".

Учинчи даража обиднинг шод бўлмоғи бу сабабдан бўлурки, халқ анинг парсолигини (поклигини) билиб, иқтидо қилмоқ (эргашмоқ) бирла савоб ишлар қилгайлар. Ҳам ўзининг ибодати, ҳам халқ ибодати боис савобини топгай.

Тўртинчи даража обиднинг шодлиги бу ваҳҳдин бўлурки, Ҳақ таолога қуллуқ қилгани жиҳатидан яхшилик топишга инонур. Агар ибодатимни зиёда қилсам, Ҳақ даргоҳида ҳам яхшилик бўлгай деб, ибодатини орттирур. Ва бу ниятининг ростлигига далил улки, яна бировнинг ибодат қилганини кўрса ҳам, ўзи қилгандек шод бўлур.

### ФАСЛ

#### Гуноҳни яширмоқ баёнида

Билгилки, гуноҳ-маъсиятини пинҳон тутмоқ бир неча узрли сабаб бирла раводур. Аввалги узр Худой таоло ва таборак фикс маъсиятини пинҳон тутмоққа фармон қилибдур. Ҳазрати Расул (а.с.) айтибдурлар: "Кишига бировнинг гуноҳ-маъсияти маълум бўлса, пинҳон тутгай".

Иккинчи узр улки, бу жаҳонда яширинлиги охиратда ҳам яширилмоқ умидига башоратдур. Учинчи узр улки, халқнинг маломатидан кўрқмоқ ва дилнинг пароканда бўлмагидан эмин бўлмоқ. Тўртинчи узр – халқнинг ёмонлиги ва маломатидан ҳазар қилмоқ. Бешинчи узр – халқнинг анга қасд қилмоғи ва озор бермоғидан кўрқиш. Токи гуноҳ қилганини яширса, тавбага мушарраф бўлгай. Олтинчи – халқдан шарм тутмоқ (уялмоқ)ки, шарм мақтовлидур ва иймоннинг қувватидур.

### ФАСЛ

Баъзилар халқ ичида бўлганида ибодат қилмоқнинг завқи ва шодлиги пайдо бўлур. Бу шодлик дурустдурки, риё бўлмас. Зотан, мўъмин ҳамиша ибодат қилишга қизиқар. Ва лекин (қандайдир) монъелик жиҳатидан ибодати зое бўлур. Вақтики, халқ орасида бўлса, ул монъелик (тўсқинлик) бартараф бўлиб, ибодатнинг завқи ва шодлиги пайдо бўлур. Чунончи, киши уйида бўлганида оғир келиб ва ё ахли аёли бирла ўлтирганидан уйғониши қийин бўлиб, намози таҳажжуд қазо бўлса, халқ орасида бўлганида намознинг завқи пайдо бўлса, андоқким, халқ анинг таҳажжудга машғуллигини кўриб, савоб умидида ўзлари ҳам таҳажжудга машғул бўлур. Агар рўзадор халқ орасида бўлса, рўза савобини топмоқ учун рўза тутар. Мунга ўхшаш, қайси тоат (ибодат) қилгувчиларни кўрса, уларга мувофиқат қилиш савобдир.

Билгилки, ҳар тоатда, чунончи, намоз, рӯза ва ҳаж ва зикр фарзларида ихлос бўлсин, риё билан тоат қилмоқ ҳаромдур. Ул тоатки, мустаҳаб ва мубоҳдур, агар савоб топмоқни хоҳласа, ихлос вожибдур. Масалан, бир мусулмон савоб таъмаида амали хайр қилса, ҳеч кишидан анинг учун мақтов эшитишни умид қилмаса, яхшидур.

Чунончи, муаллим шогирдига илм ўргатса, шогирдидан ҳеч нимарса таъма қилмасин. Уламолардан бирлари ўтуб бораётганида, билмасдан чоҳга тушиб кетди, шогирдлари тортиб олмоқни хоҳиш қилдилар. Қабул қилмади. Бул ғараз (ният) бирлаки, ўргатган илмига музд олган бўлиб, савобдан маҳрум қолмағай. (Уни бошқалар чиқариб олдилар).

Бир киши Суфён Саврий (р.а.)га ўн дирам олиб келиб, (назр) ниёз қўйди. "Отам сенинг дўстинг, ҳалол, ҳур киши эрди, қабул қилгил", деди. Ул киши кетгандан кейин Суфён ўғлига айтдики: "Эй фарзанд, бу дирамни эгасига қайтариб бергил".

Ўғли: "Эй падар, аёлманддурсан, фарзандларинг гурусна ва танглигини билурсан. Бу нечук саҳтдиллик (тошбағирликдур)ки фарзандларнинг ҳолига раҳм қилмай, ҳалолдан келганни қабул қилмай, қайтарурсан?".

Суфён айтдики: "Эй ўғлум, сизлар емакка хуш бўлурсизлар ва мен Худой таолодан кўрқарманки, ул кишининг отасига дўстлигим ўғли берган дирамлар жиҳатидин бўлғай, Худой таоло ризолиги учун бўлмағай. Бас, яхшиликни қилғувчи Худо ризолиги учун қилғай, ғараз билан қилмағайки, охират савобидан маҳрум бўлмағай.

### ФАСЛ

#### Кибр ва ужб (манманлик) иллатининг давоси

Билгилки, кибр – ўзини улуғ тутмоқ ёмон ва шум хислатдурки, кибриё ва азимат (буюклик) Холиқнинг сифатидур, махлуқнинг сифати эмас. Бу сабабдан Ҳақ субҳонаху ва таоло Каломи мажидда нечанд ерда зolim ва мутакаббирларни мазаммат қилибдур (қоралабдур).

Ҳазрати Расул (а.с.) айтибдурлар: "Беҳиштга кирмас ул киши анинг кўнглида (тариқча) кибри бўлса. Агар киши мутакаббир бўлса, анинг отини жабборлар (жабирловчилар) дафтарига битурлар. Қиёмат кунини уларга қилган азобини, бунга ҳам қилурлар".

Ҳазрати Сулаймон (а.с.) айтибдурлар: "Ҳеч тоат-ибодат билан ювилмас гуноҳ кибрдур". Ҳазрати Расул (а.с.) айтибдурлар: "Ким этаги узун тўн кийиб (бошқалардан ўзини аъло кўрсатиш учун), такаббурлик бирла хиром қилур, Ҳақ таоло анга раҳмат назари бирла қарамас".

Муҳаммад ибн Восеъ (р.а.) бир ўғлини кўрдиларки, мутакаббирона хиром қилиб борадур. Ҳазаб бирла қичқирдиларки: "Ўзингни ҳеч танирмисан, отанг ва онанг кимдур?" Кимки мусулмонлар орасида ўзини камтарроқ тутибдур, беҳроғи улдур.

### ФАСЛ

#### Тавозеъ (камтарлик) фазилатлари баёнида

Ҳазрати Расул (а.с.) айтибдурлар: "Ҳар киши бу дунёга келганида икки фаришта уни назорат қилиб юрар. Вақтики, ул киши тавозеъ (камтарлик) қилса, фаришталар юганини юқори тортиб, айтурларким: "Эй бори Худоё, бу кишини ҳаммадан сарафроз қилгил". Абу Салама Аббосдин ривоят қилурларким: "Бир кун Расул (а.с.) менга меҳмон бўлди. Бир коса сувга асал қўшиб келтирдим. Тотиб боқиб, сўрадиларки: "Бу нимадур?" Айтдиларки: "Сувга асал қўшиб эрдим". (Расулulloҳ) ичмай, косани ерга қўйиб, айтдиларки: "Муни ҳаром демасман. Ва лекин ҳар кишики, Худой таолога тавозеъ (камтарлик) қилибдур, анинг мартабасини баланд қилур. Ва агар такаббурлик қилур, (Ҳақ таоло) ани хор ва ҳақир қилур. Ва кимки нафсини тийибдур, Худой таоло уни ҳаммадин бениёз қилур. Ва ким, қиёматни ўйлаб, қайғу чекса, Худой таоло ул кишини севиб, дарвеш ва фақир қилур. Кишиким, Худой таолони тўла (кўп) ёд қилибдур, Ҳақ таоло ани дўст тутар".

Расул (а.с.) даргоҳларида дарवेशи дилафғор: "Оллоҳ йўлига бир нима беринг!" деб қичқирди. Ҳазрати Расул (а.с.) саҳобалар бирла таом еб ўлтириб эрдилар. Дарवेशни ёнларига чорлаб, яқин ўтирғизиб, таомга таклиф қилдилар. Саҳобалар анинг бирла

таом емақдан номус қилдилар. Яна бирлари ҳақорат назари бирла қарадилар. Ҳазрати Расул (а.с.) айтдиларки: Худой азза ва жалла меҳр-шафқатлидир: Ҳақ таоло хитоб қилдики: Сенга икки неъмат ато қилади, бирини танла пайгамбар бўлиб, менга банда бўлурмисан ва ё подшоҳ бўлмоқни ихтиёр қилурмисан? Подшоҳ бўлсанг, ҳаммани сенга банда қилиб бергайман. Ва мен (Расулulloх) сал ўйлашиб қолган эдим, биродарим Жаброил (а.с.) айтдиларки: "Худойимга тавозеъ ва шикасталикни лозим тутгил!" Бас, мен (расулulloх) айтдимки: "Эй бори Худоё, сенга банда ва пайгамбар бўлмоқни ихтиёр қилурман".

Ҳақ таоло Мусо (а.с.)га ваҳий юборди: "Эй Мусо, менинг яқинларим ул тоифадурки, менинг улуғлигим ва азиматимга тавозеъ ва шикасталик қилгай. Ва бандамга улуғлик қилмагай ва кўнгли газабимдан қайғуда ва кўркувда бўлгай. Ва кеча-кундуз менинг фикрим бирла яшагай. Мансаб ва шуҳратни тарк қилгай".

Ҳазрати Расул (а.с.) айтибдурлар: "Саодатманд ул бандаларки, уларнинг кўнгли дунё алоийқинд покдур ва анинг музди (ҳақи) Ҳақ таолонинг дийдоридур".

Бир кишига жароҳат (яра) чиқиб эрди. Ҳар кишининг ёнига борса, ундан қочар эдилар. Ҳазрати Расул (а.с.) ул кишини ўзларига яқин ўтиргиздилар. Айтдилар: "Дўст тугарман ул кишиники, ҳожатини (ҳеч) кишига изҳор қилмагай, бемор ва ранжларга мухлислик қилгай, бу икки ишдан уйда баракот пайдо бўлур ва ботинидан (кўнглидин) кибрни зойил қилур (йўқотур).

Ҳазрати Оиша (р.а.) айтибдурлар: "Ғофилдурсизлар ибодатнинг фозилроғиданки, ул тавозеъдур. Фузайл айтур: "Ҳақ гапни ким айтса ҳам қабул қилиш одоб, тавозеъдур. Кичик боладан ва омиёлардан зоҳир бўлса ҳам".

(Абдуллох) Ибн ал-Муборак (р.а.) айтур: "Тавозеъ улдурки, ким дунёда ҳаммадан камроғдур, ўзингни ундан ҳам пастроқ тутгил. Мол-дунёнинг зиёда бўлмоғи бирла ўзингни баланд тутмагил". (Навоий "Лисон-ут-тайр"да Баҳовуддин Нақшбанднинг ўзини итдан ҳам паст тутишини кўрсатди – М.М.)

Ҳазрати Исога Ҳақ таоло ваҳий юбордики: "Агар дунёда берган неъматимга тавозеъ бирла шуқр адо қилсанг, ул неъматни сенга камоли бирла тамомига еткарурман".

Ибн Самак раҳматуллоху алайҳ Хорун ар-Рашидга айтди: "Ё амирал-мўминин, сенинг тавозеъ қилмоғинг ҳамма шарофатлардан шарифроқдур".

Хорун ар-Рашид айтди: "Сўз дединг, энди ҳаммасини дегайсан". Ибн Самак айтди: "Ё амирал-мўминин, кишига Ҳақ таоло мол-дунё ва ҳашамат ва жамол берибдур, мол-дунёси кўпайганида садақа, нафақани кўп қилгай ва ҳашаматда тавозеъ қилгай. Ва жамолни порсолик (покизалик) бирла тутгайки, Ҳақ таоло ул кишининг отини бандаи хослар (яқинлари) девонига битур".

Хорун ар-Рашид дават (сиёҳдон), қалам, қоғоз келтириб, бу сўзларни ёздириб олди.

Ҳасан Басрий (р.а.) айтур: "Тавозеъ улдурки, инсон халқ орасида ўзини ҳеч кимдан зиёда кўрмагай".

Молик Динор (р.а.) айтур: "Агар масжид эшигида туриб, мунодий қилсаки, ҳаммадин паст ва хорроқ киши борму деса, аввал мен югуриб чиқарман".

Ибн Муборак (р.а.) бу сўзни эшитиб эдики, Молик Динорнинг улуғлиги ва баланд мартабалиги ушбу жиҳатдин (камтарлигидан)дур, деди.

Бузруклардан бири ҳазрати Али карамаллоху ваҳҳаҳуни тушида кўрди, айтдики: "Менга насиҳат қилинг". Ҳазрат Али айтдиларки: "Тавонгирлар (бой ва мансабдорлар тавозеъли, камтарин бўлса, Ҳақ таолонинг унга фазли ва карами бўлгай".

Ибн Ҳолид (р.а.) айтур: "Ҳамма халқдан ўзини паст кўрмаган одам такаббурдур".

Ва Жунайд (Бағдодий) айтурким: "Охир замонда қавмининг нокасроғи ўзини улуғ тугар. Агар бу хабарни эшитмасам эди, сизларга етакчи бўлиб ваъз этмоқни раво кўрмас эдим". Жунайд айтур: "Тавозеъ аҳли тавҳиднинг наздида улуғдур, тавозеъ ўзини паст тутмоқдур. Бас, ўзини паст тутмоққа ҳожат бўлгани, ўзида қадр ва манзилат (азизлик) бор эканига далолатдур".

Атоъ Сулабий (р.а.) айтур: "Бўрон турса ва ё ҳаво гурқираса (осмон гўмбирласа) сийнамга уриб, айтурманки: "Оҳ, бу менинг шумлигимдин халққа (бало, офат) етар"

## ФАСЛ

### Такаббурликнинг даражалари баёнида

Такаббурлик баъзиси баъзисидан тафовутли ва гуноҳи азимроқдур. Чунончи, Ҳақ таолога такаббурлик қилмоқ фиръавн Намруд ва Иблисининг такаббурлигидурки, улар Ҳақ таолога бандачилик қилишга бўйни ёр бермади.

Иккинчи – ҳазрати Расул (а.с.)га такаббурлик қилмоқ. Чунончи, Қурайш кофирлари айтур эдилар: “Бизларга Худо пайғамбар юборса, фаришталардан юборур эди. Агар бани одамдан (пайғамбар) юборса, улуғ ва мухташам (савлатли) кишини юборур эди, етим болани юбормас эди”, деб каттазанглик қилур эдилар.

Учинчи даража – ўзга бандаларга такаббурлик қилмоқдур. Андоқким, ўзгаларга ҳақорат назари билан қараш, ўзини улуғ тутиш. Бас, бундай такаббурлик аввалги даражалардан пастроқдур. Ва лекин, бу ҳам икки сабабдин гуноҳи азимдур. Бири буки, азимат ва улуғлик Худой аzza ва жалланинг сифатидур. Бандаи заиф ва ожизким, унда даража чоғлиқ кўдрат бўлмас, ўзини бузург ва улуғ чоғлаб, Ҳақ таолонинг бандаларига такаббурлик қилмоқ Ҳақ таолога бу сифатда шериклик (ширк) дағдағасини қилмоқдур. Анинг мисоли улки, подшоҳнинг қули подшоҳлик тожини бошига кўйиб, тахтга чиқиб ўтирган каби. Кўргуликки, ул гулом нечук укубатларга сазовор бўлур?

Ҳақ таоло хабар берибдур: “Азимат ва кибриё менинг хос сифатимдур”. Ҳақ таолонинг бандаларига такаббурлик қилиши ярашиқлидур. Подшоҳнинг хизматига буюрадиган хос ходимини оддий киши хизматга буюрганга ўхшашдурки, лойиқи сиёсатидур.

Иккинчи сабаб улки, такаббурлик ҳақиқатни қабул қилмоққа монё бўлур. Андоқки, такаббур одам кўпинча мунозара ва мужодалага толиб бўлур. Бир-бирини инкор қилмоқ ва ҳақиқатни яширишга уста бўлур. Бас, бу мунофиқларнинг сифатидур.

## ФАСЛ

### Кибрнинг сабаблари ва унинг иложи баёнида

Билгилки, киши такаббурлик қилибдур, ул сабабдин кибри зиёда бўлурки, ўзини (одам деб), ўзгаларни ҳайвонот қаторида кўрар. Ва кибр ғолиблигининг аломати улдурки, халқ анга таъзим ва хизмат қилмоғини ва ўзи ҳаммадан юқорида ўтиришни хоҳлар. Ва агар бу ишлардан баъзини халқ бажармаса, у таажжуб билан масҳара қилур. Такаббур агар мажлис ва маърақада ҳозир бўлса, ўзининг илми ва донишидан халққа миннат қилур. Ҳақ таолонинг фазлу қарамига ҳаммадан ўзини лойиқ ва сазовор билур. Гўё айтурки, халқнинг нажотлиги ва халослиги менинг дуо ва иршодим бирладур (деб ўйлар). Дарҳақиқат, бу нав кишини олим деб бўлмас, балки жоҳил омийдур.

Бас, олим улдурки, охират ишини, йўл хатарини билгай ва роҳи ростни (ҳақ йўлни) танигай. Ким ҳақиқатни билибдур, ҳамиша ўзини шубҳали ишлардан йироқ тутар. Ва илмига ҳижоб (тўсиқ, парда) бўлур нарсалардан қочар.

Чунончи, Абу Дардо (р.а.) айтур: “Илм зиёда бўлгунича илм талаби зиёда бўлгай”. Илми дин, илми маърифат ўргангайки, бу нав илмлар ўзини танитур ва охират йўли хатарини илмларини (бошқаларга ҳам) ўргатиб, билдирагй. Ва Ҳақ таолони танишга тўсиқ бўлувчи (кибру ҳаво каби) иллатларни халққа билдириб, огоҳ қилгай. Чин олимнинг камтаринлиги ва Ҳақ таолога муҳаббати зиёда бўлур. У ўзидаги кибр ва ғафлатни йўқ қилур. Аммо (баъзиларга) илми ҳисоб ва илми луғат ва илми жадал (мунозара илми) ўрганмоқдан кибрдан ўзга нарса ҳосил бўлмас, кўнглида ҳасад ва адоват уруғини ундирур.

Бошқа бир тўсиқ улки, баъзи кишилар илми дин, маърифатни ўрганур, тафсирини билур ва лекин такаббурлик қилур. Унинг ботинидаги ёмон сифатлар кўплигидан уларни йўқотишга сабр-тоқати етмас. Чунончи, меъдасида зарарли хилтлари кўп киши оз дору еса, аввалги дорулар ҳам хилтга айланар.

Ҳазрати Умар (р.а.) айтур: “Уламулар орасида бўлмангларки, сизларга фойдали илми билдирмагай”. Ҳазрати рисолатпаноҳ Расул (а.с.)га тавозеъда бўлишга Ҳақ таоло фармон қилибдур.

Шул сабабдан саҳобалар ҳамиша кибрдан узоқ эрдилар. Хузайфа бир навбат имом бўлдилар. Намоздан фориг бўлгач, айтдиларки: “Эй ёронлар, яна бир имомга боқиб намозингларни адо қилинглар, намозда туриб, кўнглимга бу васваса етдики, “Ҳаммаларингиздан мен беҳроқдурман”. Бас, муқаддамайинлар аҳволи шу тариқа

бўлсаким, кўнгилга етган ҳаёлдин кўрқарлар. Бу замона аҳлининг ҳоли нечук бўлгусидур?

Учинчи табақа улки, кибрни тилида изҳор қилур, фахри мубоҳат бирла каромат изҳори дуосин қилур ва айтурки: “Мен обид ва парҳезкордурман ва фалоний кимдур ва анинг ибодати нимадур? Ва мен ҳамisha рўзадор ва кечалари бедордурман. Ва ҳар киши, менга қасд қилур ва озор берур, албатта ҳалок бўлур. Фалоний менга озор берди, моли ва фарзандлари ҳалок бўлди”. Бу нав бемаъни сўзларни айтур, аммо (чала) олим бўлса айтурки: “Мен бир неча илми билурман ва фалоний нимани биладур ва анинг устоди кимдур?” Ва агар мунозара бўлса, жаҳд қилурки, рақибни мот қилгай ва дағдағаки, ноёб сўз ва фасих ибораларни мажлис ва маҳфил (йиғин)ларда сўзлагай, токи халқ ани олим дегайлар. Бас, буларни нечук олим ва обид дегани бўлур?

Расул (а.с.) айтибдурларки: “Киши кўнглида тариқча кибри бўлса, баҳслашув анга ҳаромдур. Расул (а.с.)нинг бу хабарлари ғам ва андуҳни зиёда қилмас. Ва ҳар бир инсон дин ва ойин (феъл, одат) ҳақиқатини фаҳм қилмабдур, ани олим демоқдан кўра жоҳил демоқ авлодур.

Учинчи сабаб – сайидлик ва хожалик даъво қилгучи, ҳамма халқни ғулум ва хизматкор билур ва ҳамма кишига ҳақорат назари бирла қарар ва менсимай гаплашар. Расул (а.с.) айтибдурлар: “Ҳеч кимнинг оқ суяк ва қора суякликда зиёдалиги йўқдур”.

Икки киши, ҳазрати Расул (а.с.) хузурларида фахрландилар. Айтдики: “Мен фалонийнинг ўғли фалонийдурман. Сен ким бўлдинг?”

Расул (а.с.) айтдилар: “Икки киши биродарим Мусо (а.с.) қошида насабларига кибр қилиб, “Мен фалоний ибн фалонийман” деб тўққизинчи бобосигача фахр қилди. Ҳамма ул қавмнинг улуғларидан эрдилар. Мусо (а.с.)га ваҳий келдики: “Айтгил ул кишигаки, тўққуз бобонг ҳаммаси дўзахдадур, сен ўнинчисидурсан”.

Тўртинчи сабаб – ҳусн ва жамол жиҳатидан кибр қилмоқдурким, хотунлар орасида бисёрдур. Чунончи, ҳазрати Ойиша (р.а.) бир хотун ҳақида: “Ул хотун калта бўйли”, дедилар. Расул (а.с.) “Ғийбат қилдинг”, деб ман қилдилар. Бу ваҳжданки, ҳазрати Ойиша ўзлари паст қадли бўлсалар эди, ани ҳам калта демас эдилар.

Бешинчи сабаб – бадавлатликдур. Айтурки: “Мол ва неъматим бисёрдур ва сен гадоӣ, муфлисидурсан. Агар хоҳласам, сендек неча ғулум сотиб олурман”. (Бу такаббурилик ва калтафаҳмлиқдур).

Олтинчи сабаб – бақувват одам заифга такаббурилик этар.

Еттинчи сабаб – устознинг шогирд, ғулум ва чокар ва муридлари кўплигига кибрланишидур. Ҳақ таоло ҳар кишига неъмат ато қилибдур, ул неъматга фахрланиб, бошқаларни хор кўриш такаббуриликдур. Бас, билдингки, кибрнинг сабабларини баён қилдим ва анинг иложини ҳам билгайсанки, ҳар иллатнинг иложи кибр сабабларини йўқотмоқ керак.

## ФАСЛ

### Ужб (худбинлик) шумлиги ва унинг офатлари баёнида

Билгилки, ужб, яъни худбинлик ахлоқи мазмума жумласидандир. Ҳазрати Расул (а.с.) айтибдурларки, уч нимарса ҳалокатлидир: “Бири – баҳиллик, яна бири – ҳавоӣи ҳавас, учинчиси – ужб, яъни худбинликдир”. Айтибдурлар: “Ҳеч гуноҳ қилмасанглар ҳам, кўрқарманки, ҳамма гуноҳдин қаттиғроғин қилурсизлар, ул ужбдур”.

Ҳазрати Умар (р.а.) айтибдурлар: “Кимки, ўзини бошқалардан яхши деб гумон қилибдур, у бадкирдордур. Ужб ушбуди”. Мутриф (р.а.) айтурки, “Кечанинг ҳаммасида уйкулаб, шикастадил турмоқни кечанинг ҳаммасида намоз ўқиб, эртаси ужб қилмоқдан яхшироқ деб билурман”.

Билгилки, ужб не-не офатларни туғдиради. Бири, кибрдурки, ўзини ўзгалардин беҳроқ билур. Иккинчиси – қилган гуноҳларини ёд қилмас, балки ҳамма тоатлари кўзига кўринур. Ўзини мағфират қилинган (кечирилган) гумон қилур. Ва Ҳақ таоло газабидан ўзини эмин чоғлар ва Ҳақ таоло даргоҳида ўзини қурби манзилатлик деб билур. Агар олим маъжуб (ужбли) бўлса, билмаганини биров сўрамас. Ва агар ҳеч кишидан насиҳатни қабул қилмас.

Бас, Ҳақ таоло бандасига илм фазилати ва ё зуҳд, тоат ва мунга ўхшаш неъматлар ато қилибдур, ул неъматларга шукр қилгай. Ва ул неъматларнинг зойил (йўқ) бўлишидан ҳам андиша қилгай.

### ФАСЛ

#### Худбинлик иложи баёнида

Билгилки, ул иллат ва маразки, уни келтириб чиқарувчи сабаби, манбаъи бордур. Бас, бунинг давоси ва иложи илму маърифатдан ўзга эмасдур. Кимгаки Ҳақ таоло илм, маърифат ва зуҳд, тоат ва ё дунёвий давлат ва ё ўзга неъматлар ато қилибдур, айтур-ким: бу неъмат ва давлатни ўзим топдим (деб). Бас, бу гумондан кунглида ужб ва ғурур пайдо бўлур. Бу ужбдан такаббурлик ва худнамолик ва анвойи, турли-туман замима (ёмон феъллар) келиб чиқади. Бас, бу камоли жаҳолат ва ҳамоқатдурки, бу давлат ва неъматлар агар ҳалол бўлса, Ҳақ таолонинг фазли карамидан ҳосил бўлур.

Довуд (а.с.) бир куни айтдики: “Эй бори Худоё, ҳеч кеча келмаски, ани намоз бирла субҳга еткурмасам. Ва ҳеч кундуз бўлмаски, ани рўза бирла тамомига еткурмасам”. Ваҳий келдики: “Ё Довуд, агар менинг тавфиқим ва раҳматим бўлмаса, бу ишларни нечү қилур эдинг? Бас, сени бир соат ихтиёрингга кўйдим. Шу пайт ўз билганингча, бу тоатларни қилгайсан”.

Бас, ул соатда Довуд (а.с.) лашкарбоши Уриёнинг хотинига кўзи тушди, гуноҳга гирифтор бўлиб, ул хатоликнинг ҳасрати ва надомати бирла умр ўтказди. (Изоҳ: Довуд (а.с.) ўша пайт қаср ортидаги боғда чўмилаётган соҳибжамолга ошиқу беқарор бўлиб, ўзининг хотинлари бўла туриб, у аёл (Сабиха)нинг эрини ўлимга юбориб, ўзи уйланди. Бу гуноҳи учун Довуд (а.с.) умр бўйи тавба-тазарру қилди – М.М.)

Айюб (а.с.) айтди: “Эй бори Худоё, не-не балоларки, менга юбординг, ўз хоҳишимча иш қилмадим, сенинг муродинг ва ихтиёрингга сабр қилдим”. Шул соат ҳавода бир булут пайдо бўлди. Баланд овоз бирла қичқирдики: “Эй Айюб, сенга ул сабрни ким берди?” Айюб (а.с.) билдики, хато қилибдур, дарҳол бошига кул сочиб, айтдики: “Ҳаммаси сенинг фазлу карамингдан эди, хато қилдим”, деб тавба қилди.

Кимки буларнинг ҳолидан воқиф бўлибдур, ужбдан ўзини йироқ қилур.

### ФАСЛ

#### Насабдан фахрланиш иллатининг иложи

Билгилки, баъзилар жаҳл ва ҳамоқатликнинг жойига еткирибдурларки, ўзининг қудрати етмас нимарсага ужб ва ғурур қилурлар. Чунончи, қувват ва жамол ва насабки, булар бандани ихтиёри билан бўлмас. Буларда ужб қилмоқ жаҳолатдур. Билгилки, ҳеч насаб ҳазрати Расул (а.с.)нинг насабларидан шарифроқ эмасдир. Бас, сайидлар насабига эътимоқ қилмоқ билан чандон гуноҳ ва маъсият қилурлар. Билмасларки, Расул (а.с.) ужб ва ғурурни ҳаром қилибдурлар. Тақво ва тавозеъ уларнинг тарийқларидур. Ва айтибдурларки: “Ҳақ таоло ҳаммани тупроқдан бино қилган”.

Ҳазрати Расул (а.с.) авваллари Билол (р.а.) бирла намоз ўқимас эдилар. Қурайшликлар таъна-маломат қилмасин деб. Бас, бу оят нозил бўлди: “Албатта, Оллоҳ олдида бандалар тақвоси билан ҳурматлидир”.

Ҳазрати Расул (а.с.) ва ҳазрати Фотима (р.а.) тақво ранжини тортмас эдилар (охираддан кўрқиб яшардилар – М.М.).

Шафоат умидида гуноҳ қилмоқ ҳам хатодур. Бу бемор одам ўзига фойда ва зарар қилувчи таомни фарқламай, тановул қилур, айтурки: “Одам табиби хозиқдур. Агар касал бўлсам, даволар”. Бас, табиб ҳарчанд хозиқдур, иложназир касалга дуо қилур. Агар иложсиз касал бўлса, дуо ҳам қилолмас.

Ҳазрати Абу Бакр бу дуони ихтиёр қилур эдилар:

“Эй бори Худоё, кўрсатгил бизларга ҳақни ҳақ ҳолатида, ботилнинг алоийшидан ҳоли бўлган ҳолатида ва насиб қилгил бизларга ҳақни собит қилмоқни, яъни қувват ва қудрат ато қилгилки, ҳақ ишнинг чорасини қилгаймиз. Ва кўрсатгил бизларга ботиллик нималигини ва рўзи қилгил бизларга анингдан (яъни ботилликдан) йироқ бўлмоқни.

### ФАСЛ

#### Ғафлат ва нотавонлик (ожизлик) баёнида

Билгилки, аксар халқнинг чиройли оқибатни билмаслиги ғафлат жиҳатидандур. Бас, бу ғафлатнинг сабаби охирад йўлидан беҳабарлигидир. Ва хабардор бўлса, ал-

батта нопок ишлардан хазар қилурларки, одамийнинг вужудида хатардан хазар қилмоқ хислати бордир. Агарчи, кўп машаққатга учраса ҳам. Лекин бу хабарни нури нубувват билан билиш мумкин. Ва анбиёлар вориси – уламолар бўлдилар. Бас, кимки сафар вақтида ғафлат билан ухлаб қолса иложи улки, уйғоқ дўсти уни вақтида уйғотгай. Бу уйғоқ дўст – Пайғамбар (с.а.в.)дурлар. Ва ё уларнинг ворисидан олимларидурки, буларни Ҳақ таоло ғофилларни уйғотиш учун юборибдур. Тамоми халқ беҳишт ва дўзах орасидадур.

Агар инсон ҳавасни тарк қилса, унинг макони беҳиштдур. Бас, иймонли уламолари кам миллат орасида ғафлат кўпроқдур. Ва уламоларга ҳам лозимдурки, ғофилларни (зўрлаб эмас) панд-насихат билан ғафлат уйқусидан уйғотгай.

Уламолар Ҳақ таолонинг тамоми афву мағфиратини баён қилмасин, чунки халқни гуноҳ ишларга тарғиб қилган бўлур. Балки, ҳавф ва ражо (қўрқув ва умид) билан яшашга ва тавбага ўргатсин.

Уламо ваъз айтганда, тили ва дили бир бўлсин. Тилида охират қайғуси, дилида дунё хирси бўлмасинки, унда ваъзнинг таъсири бўлмас. Бу замонада (X-XI аср – М.М.) ул нав илмлар азиз ва ноёбдир. Баъзилар, ваъз айтса, тиллари учидан айтурлар, ботинлари мол-дунёнинг хирсига тўла (очкўз). Мундоғ воизнинг ваъзи ҳеч манфаат қилмас.

## ФАСЛ

### Залолат таҳқиқи ва унинг иложи баёнида

Билгилки, баъзи тоифалар бордур, охиратдан ғофил эмас, лекин эътиқоди ва ақидаси заифлиги, илми камлиги боис охират йўлидан озибдурлар.

Баъзилар охиратга ишонмай мункиб бўлиб, (инкор қилиб): “Одам ўлмаса майса, сабзалар қуриган каби йўқ бўлур. Ва ё равшан чироқ ўчгандай. Беҳишт неъматини, беҳишт ва дўзах азоби йўқдур”, деган ақидаи фосид билан андоғ залолат ва гуноҳ, нопок ишлар қиладилар. Бас, бу тоифа ваъз айтмоқда беҳишт ороми ва дўзах азоб-уқубатларини батафсил баён қилиш билан воизлар халқни инсоф тавфиққа чақирсинлар.

Иккинчи мисол. Бундай тоифалар охиратга мункирдур, қиёматга ишонмайди, лекин ҳайратдадурлар. Ва айтурларки: “Қиёмат бўлур, бўлмаслигини ҳеч киши билмас”. Бас, шайтон буларга бу далилни ўргатурки, бу дунё равшан ва яқиндурки, ани кўз бирла кўрармиз. Аммо охират шак-шубҳалидурки, уни ҳеч киши кўргани йўқ. Бас, бу далили ботил бўлурки, охират ростлигидан Ҳақ таоло, анбиё пайғамбар алайҳиссаломлар хабар берибдурлар. Уламо, воъизлар бу тоифага айтгайки, бўлмаса, бемор шифо топмайди. Дору ва шифога ишонмаслик дору йўқлигини билдирмайди.

Учинчи мисол. Баъзилар охиратга иймонлари бордур, лекин заиф. Улар фикрича, дунё нақд, охират насиядур. Бас, бу нақд ва насиядан беҳабардур, муни билмасларки, агарчи дунё нақддур, тез фурсатда фоний бўлур. Агар охират насиядур, қўлга келганидан кейин ҳаргиз фоний бўлмас, ҳамиша боқийдур.

Тўртинчи мисол. Яна баъзилар охиратга иймонлари бордур ва лекин бу олам неъматларидан баҳраманд бўлсалар, гумон қилурки, Ҳақ таоло бизларни яхши кўрди, бу олам неъматини берди, охират давлатидан ҳам сарафроз қилур деб, ўзини гуноҳ-маъсиятдин пок тутмаслар. Бас, ахлоқларки, бу тариқа панд-насихат қилгайлар: кимнинг фарзанди, чўрилари ва ғуломлари бўлса, фарзандини мактабга бермай, муаллимнинг зарби ва мактабнинг ранжу машаққатини қўлларига раво кўрар. Бу одамни фарзандларидан кўра ғуломига дўст ва меҳрибон деб билмак ахлоқлик. Ҳақ йўли андоғ жорий бўлибдурким, ўзининг авлиё дўстларини дунё неъматларидан баҳраманд қилмас ва душманларига берур.

Бешинчи мисол. Баъзилар айтурларки, Худой таоло ва таборак карамлидур, беҳиштни бандасидин дариг тутмас. Бу аблаҳлар билмасларки, бундин зиёда карами ва раҳмати бўлурмуки, беҳиштга кирмоқ сабабларини одамнинг ўз вужудида (ва руҳида) пайдо қилибдур. Агар Ҳақ таоло фармонини тутса, беҳиштга киритишга ваъда берибдур. Ҳақ таоло фармонини тутмай (бўйсунмай), беҳиштни таъма қилмоқ, қариндош ва дўстларига бадфезъллик, улар ранжиса шод бўлиб, улар шод бўлса, бахиллиги келгай. Ва кўплар бу ҳадисдан беҳабардурлар.

Айтибдурларки, ибодатда озгина риё ҳам ширқдур. Кимнинг кўнглида озгина кибру ҳаво бўлса беҳиштга кирмас. Ҳасад иймонни андоғ нобуд қилурки, ўтинни олов но-

буд қилгандай. Бас, бу нав пиндорнинг тафсили дароздурки, китоби "Ихё ал-улум ад-дин"да келтирдим.

## ФАСЛ

### Гурур ва пиндор (каттачилик) таҳқиқи ва унинг иложи баёнида

Билгилки, аҳли пиндор мағурдурлар. Бас, бу андоғ тоифадурким ўзларини ҳаммадин хўб (яхши) ва илмларини ҳаммадан мақбул гумон қилурлар. Аммо холисни риёдан яхши деб билмаслар. Ҳазрати Расул (а.с.) айтибдурларки: Қиёмат куни Одам (а.с.)га (фаришталар) фармон қилур. "Ё Одам, авлодиндан аҳли дўзахларни айтгил". Бас, гафлат ва гуруҳе аҳли гурур, яна аҳли ужб, гуруҳе аҳли нафс ва шахват илгида асирдурлар. Ва аҳли пиндор бисёрдурки, анинг турлари кўпдир.

Ва лекин тўрт тариқадан ташқари эмасдур: 1. Уламо. 2. Обидлар. 3. Сўфийлар. 4. Аҳли дунё ва пиндорга (мансуб) одамлардир. Булардан баъзилари ҳамма умрларини илм талабида сарф қилур ва илм ҳосил қилганидан сўнг шарият аҳкомида тақсир (қусур) қилур, қўли ва тилларини, кўз ва кулоқларини гуноҳ ва маъсиятдан ман қилмаслар. Гумон қилурларки, илм ва фазилатдан юксак даражага етибдурларки, гўё буларга азоб бўлмагай.

Бас, буларнинг ҳоли бемор ҳолига ўхшарким, ўзининг касали илмини ўқиғай ва кеча-кундуз ул илмини такрор қилгай. Ул касалга фойдали шарбат-дорини билгай. Ва лекин дору-шарбатни ичмагай. Бас, у касалга фойдали маъжун ва шарбат фойда бергай.

Ким ўзини гуноҳдан покласа, наҳот топар. Беҳиштга ул киши кирарки, нафс талабига зид иш қилгай. Ҳақ таоло айтибдурки, ўзини пок тутмоқ илмини билган киши наҳот топгай. Ва ҳавои нафсга берилмаган инсон беҳиштга киргай.

Бас, олими беамални андоғ дўзахга ташлайдурларки, зарбидан бели ва бўйни синар. Ҳамма бу аҳли дўзах қошига келиб сўрарлар:

"Киши мундоғ қаттиғ азобга қолмоғи не сабабдандур?" Дўзахдаги киши айтур: "Халққа айтган сўзимга ўзум амал қилмадим". Сабаби илмига амал қилмаганидир.

Ҳазрати Расул (а.с.) айтибдурлар: "Вой ул киши ҳолигаки, (яхши ва ёмонни) билгай ва амал қилмагай". Бу сўзни етти марта такрор қилдилар.

Баъзилар илм ва амалда тақсир қилмаслар, ҳамма амални бажо келтирурлар ва лекин дил таҳоратидан ғофилдурлар. Ва ахлоқи замималарини кўнглидан чиқармагандурлар. Чунончи, кибр ва ҳасад, риё ва бошлиқ бўлмоқ орзуси ва қариндошу дўстларига бадфевъллик, улар ранжиса шод бўлиб, улар шод бўлса, баҳиллиги келгай. Ва кўплар бу ҳадисдан беҳабардур.

Иккинчи табақа – обидлар ва зоҳидлардурки, буларнинг кўпчилиги аҳли пиндордур. Баъзилар савоб ва фазилат таъмасида парҳездан маҳрум қолурлар.

Ва баъзи зоҳидлар зуҳд ва тақво қилурлар, эски либослар кюрлар ва оз таом ерлар ва мол-дунё изламаслар ва лек жоҳ ва ҳашаматни яхши кўрурлар. Ва халқ таъзим қилмоғиу табаррук билмоғидан шод бўлурлар.

Учинчи табақа – сўфийлардурки, ҳеч табақа булардек аҳли пиндор эмасдур.

Бас, қанча йўл нозикроқ, мақсуд анча ноёброқдур. Билгилки, тасаввуфнинг нечанд даражалари бордур. Аввало, нафсни зери даст қилгай. Ҳазаб ва орзу ҳавасларни зойил – йўқ қилгай, нафсни ҳалок қилгай. Ва лекин ақлнинг илкида асир ва мағлуб қолгай. Ва шаръи шариф фармонидан ташқари чиқмагай.

Иккинчи даража. Баъзи сўфийлар бу оламдин батамом узилгай. Бу маънодаким, дунёнинг ҳислари ва хаёлини мутлақо кўнглидан чиқаргай. Ҳис ва хаёл инсон ва ҳайвон орасида муштарак сифатдур. Агар сўфий кўнглида ҳис ва хаёлдан ҳеч зарра боқий қолмаса, ҳайвонот сифатидан узилмаганидур.

Учинчи даража. Ҳақ таоло жамоли ва жалолидан ўзга ҳеч нимарса сўфийнинг зоҳири ва ботинига йўл топмас.

Бас, бу уч даражага мувофиқлик тасаввуфнинг аввалиги мартабасидур. Бу мартабалардан ўтганидан кейин ҳеч сўз бирла ўзгартирилгали бўлмас.

Бас, тасавуфни бундан зиёда нишона бергали бўлмас. Энди бу тоифанинг гурури ва пиндорини кўргил. Пири комил мулозаматида бўлмай, мураққаъ (ямоқ либос) ва сажжодани танимай, суратларини либоси сўфиёна ва сийратларини макр бирла ораса айлалб, жойнамозда ўлтириб, бошини тубан солиб, чандон васваса ва фикри фосид-

лар қилурлар ва ўзини аҳлуллоҳ (Оллоҳ аҳли)дан билурлар.

Бас, бу тоифанинг аҳволи ул кампир ҳолига ўхшарки, баҳодирлар салоҳини (совут) кийгай, яроғ-аслаҳаларни осгай, баҳодирлик лофини ургаи. Аслида, баҳодирлик тариқидан хабарсиз бўлгай. Бас, бу кампир ҳолидан подшоҳ воқида бўлса, уни тошбўрон қилмоқ ва фил оёғи остига ташламоқдан ўзга иш бўлмас. Бундай риёкор сўфийнамолар ҳоли қиёмат куни азоб уқубатдан ўзга тасаввур қилинмас.

Билгилки, мураққаъ (қуроқ либос, хирқа)ни энг аввал ҳазрати Умар (р.а.) кийибдур. Либослари 14 пора эди. Баъзи пораси латтадан ва тева (туя) жунидан ва баъзи хурмо япроғидан эди.

Ва баъзи уламолар на фарз, на вожиботни адо қилишга тоқатлари бўлмас, на гуноҳ ва маъсиятни тарк қилмас. Шайтон илкида лаззат ва шаҳватга асир эрурлар. Бас, (бу олимлар) айтурки, "Иш кўнгулни рост тутмоқдадур, Ҳақ таоло суратга назар қилмас, агар зоҳиримиз гуноҳ бирла олуца бўлса ҳам, кўнглимиз ҳамиша намоз ва тазарруъдадур. Зоҳир халқ, ботин Ҳақ (билан)дурмиз". Ва балки айтурлар: "Тоат ва ибодатни ул тоифага буюрубдурларки, нафслари илкида асир бўлгайлар. Ва бизлар нафсимизни ўлдургандурмиз. Ва бизнинг динимиз икки тоғ мисликдур..." Бу тоифалар агар обидларни кўрсалар, айтурларки: "Булар муздирдурлар, булар бу оламда ибодат қилиб, охиратда анинг муздига беҳишт талаб қилурлар". Ва уламоларни кўриб айтурларки: "Булар оят, ҳадис қайдига гирифтор бўлган, ҳақиқати аввалдан беҳабардурлар".

Бас, бундай гумроҳларнинг сўзлари куфр ва заллатга сабабдур. (Бу ерда, М.Ғаззолий сохта ринд, дарвешларни айтгандир – М.М.)

Тўртинчи даража. Тавонгир ва аҳли дунёларки, булардан аксари аҳли пиндордур. Бундай бойлар ҳаромдан топган мол-дунёларни масжидлар, работ ва кўприкларга сарф қилурлар, ғурур ва пиндор қилурларки: "Мен бу тариқа хайрият ишларни қилдим".

Авлоси улки, ул молни ўзларига қайтариб бергайлар. Гарчи бу ишлардан савоб ҳосил қилсалар ҳам куфрдур.

Баъзи тоифа аҳллари ҳалол молларини харж қилиб, масжид, мадраса бино қилурлар ва лекин бу ният бирлаки, халқ аро яхши ном ва овоза кўтаргай ва исмларини тарих қилиб, гиштларга битурларки, бу риёнинг аломат ва нишонасидур. Аслида, бу кишининг қариндош-уруғлари ва қўшни-ҳамсоялардан чандон кишилар борки, бир дирамга муҳтож, кўнглилари ярим ва оч, либос толмаганидан яланғочдурлар. Аслида, ул моли ҳалолни буларнинг ҳожатига сарф қилсалар, дунё ва охират савобини олар эдилар.

Баъзилар моли ҳалолни савоби холис ниятида сарфлаб, масжид бино қилурлар ва ул масжидни нақшинкор қилурлар ва савобни зиёда таъма қилурлар. Билки, бу қилганларидан икки турли фасод ҳосил бўлур. Бири буки, намоз ўтагувчи масжид нақшинкорлиги томошасига машғул бўлиб, хушў ва хузуъдан маҳрум қолур. Яна бири улки, ўзининг уйида бу нав нақшинкор қилмоқ ҳаваси кўнглига тушар.

Ҳазрати Расул (с.а.в.) айтибдур: "Кишики масжид ва мусхафга олтин кумуш бирла зеб ва оройиш берибдур, ани хароб қилмоққа икки аждарни келтирибдурлар: яъни намоз ва тиловатнинг мақбуллиги хушў ва хузуъ бирладур. Бас, ул масжидким, нақшинкори хушў ва хузуридан маҳрум қилса, ул масжиднинг вайрон бўлгандур.

Ва баъзи тоифа бордурки, дарвеш ва мискинлар ўз эшигида жам бўлмоғини дўст тутар, бу ният бирлаки, халқ ани саҳий дегайлар. Ва хайр, садақа қилсалар, жамяят орасида қилур, бу гараз бирлаки, халққа саховати ошқора бўлгай. Бас, бу нав хайриятдан ҳеч савоб ҳосил бўлмас. (Агар бошқалар ҳам хайр-саховатни ҳавас ўргансин деса, зарари йўқ – М.М.)

Бир киши Бишр Хофий бирла маслаҳат қилдиким: "Икки минг ҳалол дирҳамим бордур, ҳажга бормоқни истарман, токи йўлда икки фуқарога нафақа қилгайман". Шайх айтдики: "Томоша қилиш учун борурмусан ва ё Ҳақ таоло ризолиги учун борурмусан?" Ул киши айтди: "Худой таоло ризолиги учун борурман". Шайх айтди: "Боргилки, аввал молингни қарздор муслмонларга бергил, токи муслмонлар гардонини қарздан халос қилгил ва ё дарвешларга садақа бергил ва ё фарзандларингга нафақа бергилки, муслмонларнинг кўнглини шод қилганнинг савобидан фозилроқ савоб йўқдур". Ул киши айтди: "Ҳажга бормоқнинг завқи ва рағбати кўнглимда голибдур".

Бишр Ҳофий айтди: “Маълум бўлдики, бу молларинг ваҳжи ҳалолдан эмас экан, муҳтожларга харж қилмоқни хоҳламассан”.

Баъзилар зиқналик қилиб ушр ва закотдан бошқа ҳеч нима бермаслар. Агар ушр ва закот берсалар ҳам ўзининг хизматкорлари ва шогирдларига берурки, улар хизматларини зиёда қилгайлар.

Ва мундин ўзга ҳам чандон ғаразлар бирла қилган садақанинг савоби бўлмас. Ва баъзи хасислар поклик-порсолик даъво қилур, кечалари намоз ўқир, кундузи рўза тутар. Бу кишиларнинг мисоли ул кишининг ҳолига ўхшарки, боши оғригай ва лекин рўмолни товонига танғиғай. Бу палидлар билмаски, бахлнинг давоси (шифоси) харажат қилмоқдур, оч қолмоқ ва намоз ўқимоқ эмас.

Бас, аҳли дунёнинг चुнон ғараз ва пиндорлари бордурки, баён қилмоқ бирла тугамас. Магар аҳли дунё олим бўлса, ғурурнинг офати ва шайтонларнинг макрини билса ва Худой таолонинг дўстлиги ғолиб бўлса, дунёни ҳожатидан зиёдасини ихтиёр қилмаса ва ўлимни ҳозир билса ва у халқни роҳи ростга бошласа, гумроҳлиқдин ўзини асраса – Ҳақ таолонинг фазлу карами бирла гурур ва пиндорларидан халос бўлғай. Валлоҳи аълам.

Нашрга тайёрловчилар:  
Маҳкам Маҳмуд ва Мамлакат Содиқова

*Ҳар тонг уйғониб, ўз-ўзимга шундай сўз бераман:  
дунёда виждонимдан бўлак ҳеч нарсадан  
кўрқмайман ҳеч қандай ҳақсизликка бўйин  
эзмайман, адолатсизликни адолат билан енгаман.*

**Маҳатма Ганди**



## ДРАМАТУРГИЯ



### Хосият РУСТАМОВА

1971 йилда тугилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Осмондаги уй”, “Нажот”, “Ридо”, “Девор”, “Август”, “Ишғол”, “40:0” китоблари чоп этилган. “Шухрат” медали билан тақдирланган.

## ОСМОНГА СИФМАГАН ҚУШ

Муסיқали драма

Қатнашувчилар:

Қурбоний  
Раъно Алиевна  
Марзия  
Аъло  
Наима опа  
Намуна  
Доно  
Зарина  
Умида  
Умиданинг қайнонаси  
Икки миршаб

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳнанинг томошабинга кўришиб турган томони қоп-қоронғи, орқа томонида эса чироқлар ёниб, катта машинанинг кескин тўхтаган овози эшитилади. Унга аёл кишининг чинқириғи қўшилиб кетади.

Саҳна ортидан аёл кишининг дард тутаётгандаги аччиқ чинқириғи ва ваҳимали шақир-шуқур овозлар ичида икки миршаб ҳомиладор маҳкума аёлни қўллари кишанланган ҳолда олиб келади. Дард тутаётган маҳкума аёл гоҳ ўзини икки ёнга, гоҳ ерга ташламоқчи бўлади. Аммо унинг кишанланган қўллари бунга халақит беради. Миршаблар саҳнадан жуда секин юриб, парданинг орқасига ўтиб кетади. Саҳна ортида эса сайроқи қушларнинг овози ва баҳор эканлигини тасвирловчи бир манзара

ичида туғруқхонага кириб келадиған йўлак акс эттирилади... Қўлларида елим халталар, гуллар кўтарған ёш оталар, хавотир ичида елиб бораётган оналар сиймоси гавдаланади...

Баҳорда тўсатдан ёғиб қолған жала каби маҳқума аёлнинг кириб келиши кўрган кишини қаттиқ қўрқувага солади.

Туғруқ зали. Врач ва ҳамширалар у ёқдан бу ёққа чолиб ўтишади. Қўлларида томчи укол қўйиш учун ишлатиладиган жиҳозлар, дорилар сақланадиган (аптечка) қутидан тортиб, иссиқ сув қўйиб ишлатиладиган (грелка) елим идишгача бор.

Парда билан тўсиб қўйилган эшик ёнида тунд қиёфадаги икки миршаб тик қотиб турибди. Маҳқума аёлнинг жон аччигидаги чинқириги эшитилади.

**МАҲҚУМА:** Онажон, ўлдим. Она-а-а-ж-о-он!

**ВРАЧ:** Нафас ол! Чуқур-чуқур нафас ол. Гапимга қулоқ солиб, айтганларимни қилсанг, бирпасда қутулиб оласан. (*Шифокорнинг овози кескин, аммо ҳамдард, далдаомуз янграйди*) Ҳа, боланг келиб турибди, синглим! Бунақада боланг ўлиб қолади, ахир. (*Бироздан кейин*) Озгина сабр қилиб, чидасанг, ҳаммаси ўтиб кетади... қани... нафас...

**МАҲҚУМА:** Опажон, жон опа, боламни сақлаб қолинг. Жон опа, менга раҳмингиз келсин. Унинг вужудимда борлигига, тепинишларига, эркаланишларига ўрганиб қолган эдим. Қорнимга қўлимни қўйсам, қимирлаб жавоб қайтарар эди... (*Яна тўлғоқ бошланиб, аёлнинг сўзи узилиб қолади. Сўнгга инграш ва алаҳсирашга ўхшаш узук-юлуқ сўзлар эшитилади*) Онажоним! Қаердасиз? Сизни кўргим келяпти... Сизни кўргим келяпти, онажон. Мен ҳозир ташқаридаман. Онажон, эшитяпсизми? Сизнинг набирангиз туғилмоқда. Онажон! Онажон... Эсингиздами...

**ВРАЧ:** Кўп гапирма. Кучан, йўқса, кучингни йўқотиб қўясан. Ҳали сенга куч керак бўлади.

**МАҲҚУМА:** Опажон, опа... (*Аёл нималарнидир айтишга уринади*).

**ВРАЧ:** (*Сўзини бўлиб*) Олдин эсон-омон қутулиб ол, кейин қанча гапиг бўлса, гаплашаверамиз, хўпми? Энди менинг айтганларимга қулоқ сол, чуқур-чуқур нафас ол. Ҳа, баракалла.

*Аммо озгина ўтмай маҳқуманинг овози жимиб қолади. Яна залда югур-югур бошланади. Врач саросимада.*

**ВРАЧ:** Тез нашатир спиртини узатинг. Аъло, қон босимини ўлча. Марзия, оёгининг остига иссиқ грелка қўйинг.

**АЪЛО:** Қон босими 170 га 80. Папаверин-дибазол тайёрлайми?

**ВРАЧ:** Тез. (*Врачнинг овози хавотирли эшитилади*) Боланинг юрак уриши яхши. Фақат онанинг қон босими баланд. Агар туширмасак, бола ўлиб қолиши мумкин.

**ВРАЧ:** Кўзингни оч. (*Врач аёлнинг юзига шапатилаб, ўзига келтиришга уринади*). Ўзингни қўлга ол. Кўп сув йўқотгансан, боланг қуруқда қолган, тушуняпсанми? Марзия, оти нимайди, касаллик варақасига қаранг-чи.

*Марзия столнинг устидаги касаллик варақасини қўлига олади.*

**МАРЗИЯ:** Қурбоний экан. 23 ёшда.

**ВРАЧ:** Эссизгина, шунча ёш эканми? Қурбоний, Қурбоний, қара, мени эшитяпсанми? Ўзинг ҳаракат қил, озгина чидасанг, ҳаммаси яхши бўлади. Ҳа, яхши, яхши. Ўзига келяпти. Аъло, окситацин ула. Тўлғоқ суст. Бола қийналиб кетди. Қурбоний, қани яна бир уриниб кўрайлик.

**МАҲҚУМА:** (*Паст овозда*) Опа, бошқа кучим қолмади. Озгина нафас ростлаб олай, опа-ж-о-он... Она-а-а-а... Онажон-о-о-о-н!..

**ВРАЧ:** Бунақа қилаверсанг, боланг нобуд бўлади. Намунча ўзингни ўйламансанг, бақирма кучингни кетказиб. Чуқур-чуқур нафас ол, қани... Қаттиқроқ! Ҳа, яхши. Яна...

**МАҲҚУМА:** О, қандай яхши. Менинг болам! Менинг болам туғилди. Мен она бўламан. Опажон, мен жиноятчи эмасман. Мен жиноят қилганим йўқ. Мен бор-йўғи ўзимни ҳимоя қилдим. Ўзимни ҳимоя қилганим учун қамалдим. Мен шаънимни... (*нафас олиши оғирлашади*). Мен шаънимни... а-а-а-а-а...

**АЪЛО:** *(Хавотирли оҳангда)* Раъно Алиевна, онанинг юраги уришдан тўхтапти-и-и!

**ВРАЧ:** *(Саросимада)* Сунъий нафас, электрошок! *(Сўнг баланд овозда)* Йўқ, йўқ, бўлди. Юраги ура бошлади. Фақат нега... нега бола йиғламапти?

*Бирдан бутун сахнани чақалоқнинг йиғиси тугтиб кетади.*

**ВРАЧ:** Ўғил туғилди! Беш ярим кило! *(Раъно Алиевна пешонасидаги терни артиб, оғир хўрсинади ва стулга ўтириб, нималарнидир ёза бошлайди)*

*Қурбоний бу пайтда анча ҳолдан тойган, мадорсиз, сочлари тўзгиган кўйи ёнида икки миршаб билан парда ортидан чиқиб келади. Чақалоқ ҳамширанинг кўлида чинқириб йиғлайди ва Қурбоний ҳар томонга аланглаганча чақалоққа талпиниб, алла айта бошлайди.*

Очилмасдан сўлган болам, аллаё алла,  
Тирик етим бўлган болам, аллаё алла.  
Онажони ўлган болам, аллаё алла,  
Жоним болам, жаҳоним болам, аллаё алла.  
Қаерларга бордик, болам, аллаё алла,  
Не кунларга қолдик, болам, аллаё алла.  
Худойимга солдик болам, аллаё алла,  
Жоним болам, жаҳоним болам, аллаё алла.  
Нима қилай – етмас ҳаво, аллаё алла,  
Ҳолим забун, аҳволим танг, аллаё алла.  
Болажоним, ҳатто Худо, аллаё алла,  
Кечиради сен кечирсанг, аллаё алла.

*Саҳна қоронғилашади.*

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*Саҳна ёришади. Тугруқ зали. Маҳкума аёл қорнини ушлаган кўйи зўр-базўр врачга юзланади.*

**ҚУРБОНОЙ:** Опажон, боламни қолдириб кетмоқчиман.

**ВРАЧ:** Нима? Тўққиз ой қорнингда кўтариб юриб, қийналиб топган болангни ташлаб кетишга кўзинг қандай қияди? *(Бирдан эсига нимадир тушгандай Қурбонийга илқис қарайди)* Балки, эрингга хабар қилсак, олиб кетар?

**ҚУРБОНОЙ:** *(Кескин)* Йўқ! *(Унинг овозида нимадир портлагандай, врач бир чўчиб тушгандай бўлади)* Йўқ, у уйланган. Менинг боламга кўзи учиб тургани йўқ. *(Секингина)* Кундошнинг кўлига топширгандан кўра, болалар уйига топширганим яхши.

**ВРАЧ:** Демокчи эдимки... Демокчи эдимки, яқин кунларда озодликка чиқсанг, шу бола сенга эрмак бўлармиди?

*Шу пайт ҳамшира чақалоқни онасининг олдига олиб келади. Она боласига талпиниб, чақалоқни кўлига оларкан, кўзларидан дув-дув ёш тўкилади ва боласини бағрига қаттиқ босиб, врачга юзланади.*

**ҚУРБОНОЙ:** Мени ўйлаганингиз учун раҳмат, опа! Ҳали-бери чиқмайман. Яна 9 йилу 4 ойим турибди. Мен ҳаётини яшаб бўлган одамман. Энди буёғининг фарқи йўқ. Чиқдим нима-ю, чиқмадим нима? Ҳаётим эрим мен билан боламдан воз кечган куни тугаган. Қолаверса, болам маҳкума онаси борлигини билмагани яхши. *(Эзилиб йиғлаган кўйи боласини ўлади)* Болам кўз очиб қамоқхонани кўрмасин, опажон. *(Худди эсига бир нима тушгандай врачга юзланади)* Опажон, нима дейсиз, ҳозирча болалар уйига топшириб турсангиз. *(Шошиб)* Мен, албатта, уни топаман. Бу ердан узоқ-узоқларга олиб кетаман. Шундай яхши тарбия бераманки, опажон, шундай яхши тарбия бераманки... *(Ўзига ўзи гапирган каби)* Отасига ўхшаб номард бўлмайди. Боласини, покиза жуфти ҳалолини

кўчага ташлаб қўймайди. Эраклик шаънини оёқ ости қилмайди.

**ВРАЧ:** (*Хўрсиниб*) Уни эртага тополмай қолишинг мумкин. Сен буни ўйламаяпсан. Битта бургача аччиқ қилиб, бутун дунёга ўт қўйяпсан, сингилжоним. Қаерда бўлса ҳам, кўзининг олдида бўлгани яхши эмасми? Эртага пушаймон бўласан, аммо унда кеч бўлади.

**ҚУРБОНОЙ:** Қарорим қатъий, опа. Жуда узо-о-қ ўйладим. Менга осон деб ўйлайсизми боламни ташлаб кетиш?..

*Болани бағрига қаттиқ босиб, ерга чўккалаб қолади. Ҳамшира учиб келиб, болани аёлнинг қўлидан олади.*

**ВРАЧ:** Унда мана бу аризага қўл қўй.

*Аёл жуда аянчли аҳволда столга яқинлашиб, врач кўрсатган бир қозоғга имзо чекади (кўзларини қаттиқ юмиб, қўлларида кучли титроқ акс этади) ва столдан узоқлаша бошлайди. Бирдан тўхтаб, Враща ўғурилади:*

**ҚУРБОНОЙ:** Опажон, боламни яна бир бор бағримга бос-а-ай?

**ВРАЧ:** (*Эзilib*) Синглим, сен ҳужжатга қўл қўйиб бўлдинг, бола энди сеники эмас. Уни кўрсатишга ҳақим йўқ.

*Қурбоний ўзини врачнинг оёғига ташлаб ария айта бошлайди.*

Опажон, билмайман, тушми-унгимми —  
Худо ҳам эшитмас, ёлборай кимга?  
Алпомиш ўғлимни, полвон ўғлимни  
Бир марта бўлса ҳам босай бағримга.

Нозик қўлчаларин ушлаб кўраин,  
Кўзимнинг ўнгида қолсин бир умр.  
О, менга нимадир бўлмоқда тайин,  
Кўксимдан қуйилиб кетди нимадир.

Бағримни куйдириб бормоқда бир чўғ,  
Уйингиз бахтиёр болага тўлсин.  
Қўлимдан ҳеч нима келмаяпти, йўқ,  
Худо манглайини силаган бўлсин.

*Икки миршабнинг орасида маҳкума чорасиз ортига қарай-қарай кета бошлайди. Шу пайт чақалоқнинг чинқириб йиғлагани эшитилади. Маҳкума жон талвасасида ҳар томонга ўзини ташлаб яна ария айтади.*

Йиғламагин, йиғлама, болам,  
Юрак-бағрим тиглама, болам.  
Сени ташлаб кетишга ҳам  
Бу дунёдан кўрқаман, болам.  
Ана, кўкда ялтирайди ой,  
Йиғламагин, йиғлама, болам.  
Мени кечир, мен турган у жой  
Сенга раво эмасдир, болам.  
Куйиб борар жону жаҳоним,  
Товонимга ботади тикан.  
Айтиб кетай, жон болажоним —  
Бу дунёси қон, қонхўр экан.

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Яна бир гумбурлаган, ваҳималар ичида оғир-оғир қадам босиб бораётган, кўкси ҳўл, сочлари тўзиб кетган аёлни миршаблар олиб чиқиб кетишади. Ва яна саҳна ортида катта машинанинг жойидан силжиётган овози билан аёл чинқирғи кўшилиб кетади. Бу чинқирғи аввалгиларидан фарқли, ҳамма нарасини йўқотган, охириги умидларидан ҳам мосуво бўлган аёлнинг аламли чинқирғи эди...

Туғруқхона йўлакчаси. Ҳамширалар у ёқдан бу ёққа ўтиб юришибди. Ҳатто иккита чақалоқ кўтарган ҳамшира ҳам саҳнадан икки марта ўтади. Маҳқумани олиб чиқиб кетишганини кўрган тўрт аёл дераза ёнида галати бир ҳолатда туришибди.

**НАМУНА:** Опажонлар, кўрқиб кетяпман. Маҳқума аёлни биринчи марта кўришим. Лекин ҳечам маҳқумага ўхшамайди-я, бирам чиройли.

**ДОНО:** Намунахон, намунча ўзиззи гўлликка соласини. Аёл кишининг бу дунёга келишини ўзи маҳқумалик эмасми?

**НАМУНА:** Вой, Доно опа... Нималар деяпсиз... Мен жуда бахтиёрман... Сиздай журналист шунақа десангиз...

**НАИМА ОПА:** Намунахон. Сиз буларга эътибор берманг. Журналист синглимиз ҳаётни юбкалари узунлиги билан ўлчаяптилар. (Доно зарда билан четга чиқиб кетади). Қанча қийинчиликларни бошдан кечирганимга қарамай, мен ҳам ўзимни бахтсиз ҳисобламайман. Тўғри, ўқийман, дедим. Ундан кейин каттароқ иш билан банд бўлдим: илмий иш қилдим. Қарабсизки, ёшим бир жойга бориб қолганда, Оллоҳнинг менга атагани ҳам бор экан, турмушга чиқдим. Кўзим кўкарганда ўғиллик бўлдим. Аммо ҳечам норози бўлганим йўқ. Турмуш ўртоғимни яримта сўзларидан тушунаман. Бир-биримизни яхши кўрагим.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё,

Иллат излаганга иллатдир дунё.

(Оғир хўрсинади ва маҳқума кетган томонга қараб) Бу бечоранинг ёзиғига нелар ёзилибди эканки, бу аҳволга тушибди, шўрлик. Тўлғоқ оғир кечди, тонггача қийналди бояқиш. Ичим ачиб чиқди тун бўйи.

**УМИДА:** Ҳаёт ҳар кимни ҳар кўйга солар экан, Наима опа. Мен тирноққа зор бўлиб ўтирибман, у бўлса, боласини ташлаб кетяпти.

**ДОНО:** Эҳ... Менга яна бир мавзу топилди. Бу туғруқхона деганлари ғиж-ғиж мавзу экан. Айтгандай, шу болани сиз олсангиз-чи, Умидахон опа, бир врачлар билан гаплашиб кўринг? Ёки... мен гаплашиб берайми?

**УМИДА:** Йўқ, йўқ! Уйдагилар, барибир, рози бўлишмайди. Боламнинг ўлик туғилганини ҳали қайнонам эшитгани йўқ. Лекин эримнинг ҳафсаласи пир бўлган шекилли, мана бугун ҳам хабар олишга келмади.

**НАИМА:** Зарур иши чиқиб қолгандир-да, Умидахон. Кўрасиз, ҳали замон келиб қолади.

**УМИДА:** Опажон, ахир бу менинг тўртинчи болам. Бир йил аввал бизга охириги муҳлат берилган эди. Мана, ҳаммаси тугади... Мен ҳам сизга ўхшаб катта-катта ўқишларда ўқишни, сизга ўхшаган олима бўлишни ният қилардим. Аммо ота-онам мактабни битиришим билан турмушга беришди. О, менинг қанчалар ялиниб-ёлворганларим зое кетди. Аммо севиб турмуш қурмаган бўлсак ҳам, тўйдан кейин бир-биримизни яхши кўриб қолдик.

Шу пайт кўлида тиббиёт аравачасини судраб олган Марзия аёлларга яқинлашиб келади. Аравача дори-укол, шприцлар билан тўла.

**МАРЗИЯ:** Ҳа, бу ерда мажлис бўляптими? Бош врач "ҳайфсан" берган ҳамшираларга ўхшаб бош эгиб ўтирибсиз. Ҳаммангиз палатангизга тарқалинг. (Бирдан Намунага кўзи тушиб) Ия, Намунахон, сиз нима қиляпсиз? Бировларнинг гапини пойлаб ўтиргунча, сутингизни кўпайтириш йўллариини ўйласангиз-чи, овқат енг, иссиқ-иссиқ чой ичинг.

**ДОНО:** (Аския қилиб) Опа, сизам жа ошириб юборасиз-да. Бечорани уялтириб юбордингиз. Биринчи боламда мендаям шунақа бўлган. Кўп овқат есам, болага сут бўларкан, деб еяверибман, еяверибман. Кейин нима бўлди, денг? Ошқозонимни касал

қилиб олдим. Мана ахволимни қаранг. Ундан кўра, Марзия опа, анув аёл нима билан қамалганини гапириб беринг, мен мазза қилиб ёзай. Эртага газетада ўқиб, сиз ҳам бир мазза қилинг.

**МАРЗИЯ:** Биринчидан, бизга бу ҳақда айтишмайди. Иккинчидан, сизнинг ўша “Бозорчи” газетангиз кўп ёлгонларни ёзади.

**ДОНО:** Вой, вой, бу нима деганингиз?

**МАРЗИЯ:** Бу деганим, қайсидир йили машҳур бир ҳофизнинг ўғли билан боғлиқ машмашасини ўқигандим. Ҳайрон қолдим, рости гап: Чунки биз ўша ҳофизнинг қанчалаб кўшигини ёддан биламиз. Шунақа ғийбатсифат гапларнинг нима кераги бор?

*Шу пайт ичкаридан ўзига ярашган кийимлар кийиб, тақинчоқлар билан безанган Зарина чиқиб келади.*

**ЗАРИНА:** Кўшиқ, дегандай бўлдийларми? Шу сўз бирам қулоғимга ёқадики... Кўшиқ айтмаганимга ҳам қанча бўлиб кетди.

**МАРЗИЯ:** Сизга нима ёқишини билмадим-у, аммо ҳозир ҳамма палатасига кирсин. Ярим соатдан кейин муолажа бошлаймиз. Сиз эса фонограммангизни бу ердан кетганингиздан кейин вангиллатиб қўяверасиз.

Марзия кетади.

**ЗАРИНА:** Вой, буни қўполлигини, бульдозернинг ўзи! Афсус, қўлидаман-да. Бошқа жой бўлганда, сочини битталаб юлардим.

**НАИМА:** Тўйда бўлганда, демоқчисиз-да.

**ЗАРИНА:** *(Тутоқиб)* Сиз нимага шаъма қилаяпсиз? Нима, мени фақат тўйларда юради деб ўйлаяпсизми? Унда туғруқхонада нима қилиб ўтирибман? Худога шукр, эрим бор... эди. 3-4 ой аҳил яшадик. Тақдир экан, гапими гапимизга тўғри келмагандан кейин ажрашиб қўя қолдик. Ундан қолган мана бу *(қўлини чақалоқ кўтаргандай қилиб кўрсатади)* матоҳ умр бўйи менга етади. Олдириб ташламоқчи ҳам бўлдим, аммо дўхтирлар бола катта бўлиб қолган деб кўрқитишди. Сиз бўлса, менга тўйни рўкач қиласиз. Ахир, мен концертлар бердим, дисклар чиқардим, булар ҳам меҳнат-ку.

**ДОНО:** Ўзи бугун жа галати кун бўлди. Ярим тундан анув маҳкума аёл... Ундан сўнг телефонда эрим билан уришиб қолдик, болага исм қўйишда ҳеч келишолмаяпмиз. Бироз олдин Марзия. Ҳозир эса сизлар... Хуллас, ҳалиги аёлнинг туғруқхонага келиши яхши бўлмади.

**ЗАРИНА:** Мен у аёлни яхши танийман. *(Ҳамма сергак тортиб, Заринага қарайди)* Шунинг учун кўзига кўринмай қўя қолдим. Биз у аёл билан бир маҳаллада катта бўлганмиз. Эри билан севишиб турмуш қуриб, яхшигина яшаётганди. Мактабда мусикадан дарс берарди. Поччасининг хурмати, тўйида бир жуфт кўшиқ ҳам айтганман... Тўйидан кейин бир кун бозорда кўргандим. Эри билан қўйлак танлаётган экан. Кўрмаганга олиб кетгандим...

**ДОНО:** Ёзишга арзийдиган нимадир чиқиб қолади, шекилли... Хўш-хўш, гапиринг, гапиринг...

**ЗАРИНА:** Гапирганда қандоқ, как раз газетабоп статья. Фақат менинг номимни қўшмайсиз, чунки шаънимга тўғри кемийди. *(У ёқдан бу ёққа юра бошлайди)* Одамларга ҳам ҳайронсан, барибни поклигинга эринг ишонмади, поччангни ўлдириб нима қилардинг? Ўзинг ҳам кўзингни сузгандирсанки, поччанг ипини узгандир. Аммо поччаси *(бошбармоғи билан кўрсатиб)* зўр эди. Катта амалдор эди. Пул дегани мана бундоқ *(бўйинини кўрсатиб)* эди... Юравермайсанми, опанг билан эрингни кўзини шамғалат қилиб. Энди нима бўлди? Ҳали суди тугамасидан эри уйланди, ўзи ўн йилдан кўпга қамалди. Опаси, қариндошлари, ҳаммаси ундан юз ўгирди. Чунки ўша почча қариндошуруғларни ишга жойлаб, иссиқ-совуғига кўндаланг эди-да. Хуллас, гулдай умри хазон бўлиб, ер билан яқсон бўлди.

**НАМУНА:** Вой... Бечора-а-а-а... Ҳомиладор экан-да-а-а...

**ЗАРИНА:** Ҳа. Қорни билиниб қолганди.

**НАИМА:** Бу дейман, Заринахон, почча билан сизнинг ҳам “борди-келди”нги з бўлганми, нима бало... “Почча” деганингизда оғзингиздан боп томяпти-я?

**ЗАРИНА:** Опа, олимлигингизни ҳурмат қиляпман-да. Бўлмаса... *(Бирдан эсига нимадир тушгандай хохлаб кула бошлайди)* Сөзгирлигингизга эса гап йўқ. Ерни тагида илон қимирласа билар экансиз, қойил! Почча ҳатто "туғилган кун бор", деса "казо-казо" тўйларимни ҳам йиғиштириб қўярдим. Мард одам эди, айтганимни берарди. Ҳозир мен бу аёлдан қочганим, ўша почча ўлган куни ҳам, биз бирга эдик. Почча Қурбононинг эрини ўзига ҳайдовчи қилиб ишга олганди. Ўша куни тоғ бағридаги дачасида зиёфатда эдик. Бу аёл идиш-товоқларни ювиб юрганди туппа-тузук. Гапирсанг, ерга қараб турадиган, қўй оғзидан чўп олмаган, ювошгина аёл поччасини озгина шилқимлик қилганига чидай олмай, ўлдириб қўйса-й! Хуллас, шу аёлни деб, биз бир яхши спонсордан айрилдик.

**УМИДА:** *(Жуда қаттиқ ҳаяжонда)* Сизлар... Сизлар кўпчиликмисизлар?

**ДОНО:** Ҳозир нима кўп, ашулачи бўламан, деган кўп! Поччани топсанг бўлди, финишга етасан-қўясан.

**НАИМА:** Ҳа, ашулачилар ҳам, енгил-елпи кўшиқлар кўпайиб кетди. Уларнинг эрта-гача яшаб қолишига ўзлари ҳам ишонилмайди. Эссизгина, буларни ёшлар тинглаётгани ачинарли. Бу ҳақда ўйлаб кўриш учун ҳам одамда билим, истеъдод бўлиши керак экан.

*Зарина зарда билан кўшиқ айтади.*

**ЗАРИНА:**

Енгил-елпи деб ўйламанг,  
Енгил-елпи,  
Бизга ҳам бир замон кепти,  
Замон кепти,  
Ерга боқиб нималарни ўйладингиз?  
Бизсиз, ахир, ўтармиди тўйларингиз?  
Кулиб кутиб олишда қайда бўлса,  
Катта-кичик поччалару ака, тўра,  
Номусини сотса-сотар, яшайверса  
Яхшимасми, одам ўлдиргандан кўра.

**НАИМА:**

Сиз номусни биласизми, сингилгинам,  
Шону шухрат сизни қайга қўйди элтиб?  
Сиз ҳар куни алжанг-балжанг кўшиқ билан,  
Турибсиз-ку, қанча-қанча бошга етиб.

**ДУЭТ:**

Бормоқда у аёл деган юкни ортиб,  
Аدل туриб, ориятни маҳкам ушлаб,  
Кўринганга муҳаббату виждон сотиб —  
Яшагиси келмагандир сизга ўхшаб.

*Иккинчисида Заринадан бошқа ҳамма қўшилиб айтади.*

**ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ**

*Қоп-қоронги тун. Панжара ортида сочлари тўзғиб кетган маҳкума аёл. Узоқ-узоқлардан чақалоқнинг чинқириб йиғлагани эшитилиб турибди. Ҳавода йўрғакланган чақалоқлар учайди. Аёл аввалгидан ҳам кексайиб кетгандек кўринади.*

Бағри-дилим бормоқда куйиб,  
Бағри-дилим бормоқда куйиб,  
Ҳаёт, бунча эрта отилдим,  
Мен ўзимни ҳимоя қилиб,  
Мен ўзимни ҳимоя қилиб —

Қўлларимни қонга ботирдим.  
 Бир йигитнинг аёли эдим,  
 Ҳам муниса, вафоли эдим.  
 Қайда пойлаб турган эдинг сен –  
 Қўлларимни қонга ботирдим.  
 Энди жону дилимда фарёд,  
 "Болам", деган тилимда фарёд.  
 Сенинг исминг нимадир, ҳаёт?  
 Қўлларимни қонга ботирдим.

*Қўлида дубинка кўтарган миршаб аёл томошабинлар томонга аланлаган кўйи  
 у ёқдан бу ёққа юра бошлайди. Ҳам ачинаётган, ҳам асабийлашаётган каби таассурот  
 қолдиради.*

**МИРШАБ:** Бўлди, энди. Бунча ўзингни ўлдиргудай куйиб ёнмасанг?

**МАҲКУМА:** Ҳақиқат йўқ экан, опа! Мен ноҳақликнинг қурбони бўлдим.

**МИРШАБ:** Оғзинга қараб гапир. Сен ҳақиқат борлиги учун ҳам шу ерда ўтирибсан. Сен одам ўлдирдинг, лекин сени ҳеч ким ўлдириб юборгани йўқ-ку. Жазо муддатини ўтаб, яна озодликка чиқасан. Ўлган эса ўлиб кетди.

**МАҲКУМА:** Мен одам ўлдирган бўлсам, бир ифлосни ўлдирдим. Бу дунёни бир нопокдан тозаладим.

**МИРШАБ:** Аммо сенинг қўлларинг қонга ботди. Бу қўлларнинг қонлари ювилиши керак эмасми, ахир?!

**МАҲКУМА:** *(Тишлари гичирлаб, ўзига-ўзи гапиргандай)* Аммо менинг қўлларим қонга ботди. *(Қўлларини панжарадан чиқариб туриб)* Бу қўлларнинг қонлари ювилиши керак. Ҳа, ҳа! Ювилиши керак...

**МИРШАБ:** Ҳа, банда пешонасига ёзилганини кўради, дейишади. Энди сиқилаверма. Бу кетишда ўз оловингда ўзинг ёниб кетасан. Ҳали бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетасан. Бағринг тўла бола бўлади.

**МАҲКУМА:** Бола?! *(Чинқириб юборади)* Бо-ла-ам! *(Қўлларини ҳавода чўзиб, йиғлаганча ария айта бошлайди.)*

Томиримда қолганми жон?  
 Кўксим уриб турган билан.  
 Қўлларимдан кетарми қон  
 Қўлни қанча ювган билан.

Болажоним, отанг билса,  
 Сени излаб бормасмикан?  
 Овозингни бирор кимса  
 Эшитмасдан қолмасмикан?

Эсаётган шамол йўлин  
 Мендан буриб кетди, болам.  
 Қалтирайди икки қўлим,  
 Кўзим куриб кетди, болам.

Оёғимда дармоним йўқ,  
 Юрак-бағрим тўлди, болам.  
 Сени кўрсам, армоним йўқ,  
 Сени кўрсам бўлди, болам.

## БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

*Туғруқхона йўлакчаси. Йўлак четида стол. Врач қоғозларга нималардир ёзиш билан банд. Йиғидан кўзлари шишиб кетган Умида кўринади.*

**УМИДА:** Раъно опо-в... *(Ишига берилган врач Умиданинг овозини эшитмайди. Умида орқасига қайтмоқчи ҳам бўлади. Аммо ўз ёғида қовурилаётган, қовжираб бораётган аёл ортига қайтгиси келмайди).* Раъно опо-о-ов... *(Раъно Алиевна бошини ишидан кўтариб, ҳам меҳр, ҳам ачиниш билан жилмаяди).* Раъно опо-о-ов, илтимо-о-ос, мана шу болани менга беринг. Илтимо-о-ос...

**ВРАЧ:** Мен сизга айтдим-ку, Умидахон, чақалоқни болалар уйига жўнатиб бўлдик. Жўнатмаган тақдиримизда ҳам бу ишни биз қилолмаймиз. Қонунан ҳақимиз йўқ. Бу ишнинг ўз тартиб-қоидаси бор. Болани фарзандликка бериш билан шуғулланадиган махсус идора бор.

**УМИДА:** Тўғри-ку-я. Уйга қандай кетишни билмаяпман, Раъно опа *(йўғлаб)*. Оловга ташланган хасга ўхшайман. Билмайман, менга кимнинг қарғиши теккан, кимнинг дилини оғритганман? Худонинг ҳам раҳми келмаяпти, опажон. Тўртта фарзанд кўрдим, лекин бирортасининг ҳам юзини кўрганим йўқ. Ҳар сафар мен туғруқхонадан чиқиб боргунимча уларни қабристонга қўйиб келган бўлишади.

**ВРАЧ:** Ҳали ёшсиз, ҳали ҳаммаси олдинда, ноумид бўлмагн. Мен ҳам яшаяпман-ку, бир тирноққа зор бўлиб! Фарзанд илинжида турмуш ўртоғим билан ўн етти йил яшадик. Бормаган жойимиз, кўрсатмаган доктору табибимиз қолмади. Аммо нима қилайликки, Худо бизга фарзанд бермади.

*Вазиятни бундай тус олишини кутмаган Умиданинг кўзлари уйкудан чўчиб уйғонган каби катта-катта очилиб кетади. Врач унинг ҳолатидан беҳабар ҳолда сўзида давом этади.*

**ВРАЧ:** Аммо... Тақдир мени чақалоқлар ичига ташлаб қўйди. *(Кўзидан ёш қуйилиб кетади ва ўрнидан туриб, эзилган қўйи ария айта бошлайди).*

Кексайган чоғимда оғрир гоҳо қалб,  
Дарахтман. Жон ҳалак япроқларимда.  
Менинг туғилмаган болам эркалаб,  
Сочимни ўйнайди бармоқларида.

Ё Тангрим, кўлимда, оҳ, қанча гўдак,  
Дояман. Бир куни, балким танийди.  
Мен ҳам бир гўдакнинг тутиб кўлидан,  
Боғлардан етаклаб ўтсам, қанийди...

Бу ерда дунёга келаётган ҳар бир норасидани ўзимнинг зурриёдим каби қабул қиламан. Уларни бағримга босиб овунаман. *(Врач ўрнидан туриб, Умиданинг олдига келади)* Сизнинг қисматингиздаги каби ҳолатларни кўриш менга осон деб ўйлайсизми, Умидахон?! Сиз билмайсиз. Сиз бу ердан кетасиз, аммо йиллар давомида бу дард меники бўлиб қолаверади. *(Умида ўзини Раъно Алиевнанинг кучоғига отади. Шифокор ўзини мажбурлаб жилмаяди ва Умиданинг бошини силайди)* Қаратган қараб қолмайди, дейдилар-ку, а, Умидахон. Астойдил сўрасангиз, албатта, беради. Сизнинг ҳали имкониятингиз бор. Жуда бўлмаса, эрингиз билан гўдаклар уйига мурожаат қиларсиз.

**УМИДА:** Қайнонам ўлса ҳам рози бўлмайди. *(Йўғлаб)* Яқинда эримга: "Буни кўнглига қараб, умрингни ўтказдинг", деяётганларини эшитиб қолдим. Ҳеч қаттиқ гапирмаган қайнонам: "Умидахон, бу сафар туғруқхонадан кўлингизда бола билан келмасангиз, тўғри уйингизга кетаверинг", деди. Тўғри-да, қайнонамнинг ҳам сабр косалари синиб бўлган. Хўжайинимнинг кўзларига қарашга эса юрагим бетламай қолди.

*Шу пайт ҳовлиқиб ўзига ярашган кийимларда Доно кириб келади.*

**ДОНО:** И-йи, шу ердამидингиз Умида опа? Ҳамма палаталарни қидириб чиқдим. Йўқсиз! Сизга келишди. *(Елкасини қисиб секингина)* Қайнонасиман, деди. *(Умида кўрқиб кетади)*.

**УМИДА:** Йўқ, йўқ. Ҳеч қаердан тополмадим, денг. Еру кўқдан тополмадим, денг... *(Бироздан кейин)* Майли, бироздан кейин чиқаман, синглим. Ўзимни босиб олай. Албатта чиқаман. *(Йиғлаган кўйи ария айта бошлайди)*.

*Юқорида эса бўм-бўш бешиқлар у ёқдан бу ёққа уча бошлайди.*

Дил дардим кўзимдан тушмоқда оқиб,  
Наҳотки, яна бир умидим барбод.  
Турибман қоронғу дунёга боқиб,  
Наҳотки, шулар рост.  
Наҳот шулар рост?  
Хотирдан о, қандай ўчирмоқ мумкин,  
О, қандай яшамоқ мумкин айна пайт?  
Мен энди қайтадан яшашим учун  
Қайси дунёларга ёлборайин, айт?!  
Ўзимга бўйсунмай титрайди лабим,  
Юрагим қинидан чиқар беэга.  
Ўзимни увада бир буюм каби,  
Иргитиб юборгим келар кўчага.

*Шу пайт саҳнага Умиданинг қайнонаси кириб келади. Унинг шаҳди-шиддати, салябати қаттиққўл, рўзгорни ўз қўлига олган Фармонбибиларни ёдга солади. Умида ортга тисланади. Ранги оқарган кўйи титраб-қақшайди. Раъно Алиевна билан Доно секингина юриб, икки томонга бурилиб кетишади. Узоққа чўзилган қисқа сукунат.*

**УМИДА:** *(айбдорона бош эгади)* Ойижон, мени кечиринг.

**ҚАЙНОНА:** *(Оғир уф тортиб, Умидага ачиниб қарайди.)* Бўлди, куйинаверма. Одам боласи пешонада борини кўради. Мени тошбағир дема, ҳаммаси Худонинг иродаси.

**УМИДА:** *(Қайнонаси томонга қараб оҳиста қадам ташлайди. Қўлларини ёяди)* Ойижон, мени кечиринг, Ойиж-о-он...

**ҚАЙНОНА:** Биламан, сенга ҳам осонмас, ҳеч кимга осонмас. Ўғлим уч кундирик, туз тотгани йўқ. Бағрини ерга бериб, ўз ёғида ўзи қовурилиб ётибди. Ўғлимнинг сенинг доғинда куйиб қовурилишини истамайман, болам.

**УМИДА:** *(Йиғлаб қайнонасини кучоқлаб олади)* Раҳмат, ойижон. Лекин... Мен... Мен...

**ҚАЙНОНА:** Юрагим сув бўлиб, ҳеч кимга билдирмай, сенинг ёнингга келавердим. *(Қайнона оналарга хос мөҳр билан Умиданинг бошини силайди.)* Мен ҳам онаман, болам. Мен ҳам ўз боламни яхши кўраман. Бола кўришни қанчалар хоҳлашингни ҳам биламан. Мен бир нарсани тушундим: ўғлим сени жуда яхши кўраркан.

**УМИДА:** *(Қайнонаси бағридан чиқиб)* Мен уларнинг юзига қандай қарайман, сизнинг, уйдагиларнинг юзига қандай қарайман? *(Ерга ўтириб олиб уввос тортиб йиғлаб юборади)*.

**ҚАЙНОНА:** *(Умидани ўрнидан турғизишга уриниб)* Тур ўрнингдан, сенинг гуноҳинг йўқ, болам. Пешонанг шу экан. Унга кўнмай, иложимиз йўқ. Аммо умидингни узма. Ахир, исминг Умида эканлиги бекорга эмасдир... Юр, уйга кетамиз. Жуда бўлмаса, бола асраб оламиз. Ҳаммаси яхши бўлади.

*Қайнона-келин бир муддат бир-бирларига термилиб туришади. Сўнг бир-бирларини суяб, саҳнадан чиқиб кетишади. Саҳна қоронғилашади.*

## ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

*Орадан етти йил ўтди. Атроф нимқоронги. Четроқда Миршаб кўлидаги дубинкани ўйнаб, бир нарсани айтайми, йўқми, дегандай алфозда. Сочлари тўзиган, эзилган аёл панжара ортида қўл машинада қол ёки этак тикияпти. (Унинг нима эканлигини томошабинлар томондан аниқ кўриб бўлмайди) Янаям озиб, бир бурда бўлиб қолган. Саҳна ортида қушларнинг овози. Қурбоной қушларнинг овозига қулоқ тутиб, ўзига ўзи гапирган каби:*

**МАҲКУМА:** Яна баҳор келди. Яна қушлар овози... Етти йилдирки, мен баҳорни кўрганим йўқ. Баланд учаётган қушлардан узоқдаман. Чархи гардун мени чиғиридан ўтказавериб, ўтказавериб шундай тобладики, кўзларимда ёш қолмади, қорачиқларим қотиб қолгандай гўё. Бу тортган азоб-уқубатларим учун аллақачон ҳаёт билан видолашим керак эди. Лекин шу қадар ёлғиз, шу қадар ёлғизманки, ҳатто ўлим ҳам мени унутган. Мендан ҳазар қилади. *(Бир нуқтага тикилган кўйи хиргойи қила бошлайди).*

Эй кўнгул, раҳмат сенга ким ҳар неча кўрдинг жафо,

Олам аҳлидан вафо ҳаргиз таманно қилмадинг.

*Шу сатрлар икки марта такрорлангандан кейин Миршаб бехос ўрнидан туриб кетади ва айтиши мумкин бўлмаган гапни беихтиёр айтиб юборади.*

**МИРШАБ:** Қурбоной, сенга бир хушхабарим бор. Яхши хулқ билан намунали хизмат қилганларнинг ҳужжатлари кўриб чиқиш учун юқорига топширилган. Балки, сен ҳам яқин орада муддатидан олдин озодликка чиқарсан.

**МАҲКУМА:** Яхши хулқим ва намунали хизмат қилганим учун... *(ўзига ўзи мийиғида кулади)* Муддатидан олдин озодлик? Ташқарида... Мени кутиб турган бирор кимса борми?

**МИРШАБ:** Сендай ақлли аёл учун бундай тушкунлик ярашмайди. Сен чекингдаги қийинчиликни енгиб ўтдинг. Ўзинг биласан, ҳар ким ўз бошига ёққан қорни ўзи курайдди.

**МАҲКУМА:** *(эзилиб)* Энди қанча курамайин, бошимдаги қорлар кетмайди.

**МИРШАБ:** Умидсиз бўлма. Энди сени баҳор кутаяпти. Қор курашинга ҳам ҳожат йўқ. Қара, эшитяпсанми, қушларнинг овозини.

**МАҲКУМА:** *(Ўзига ўзи гапирган каби)* Барибир, менинг овозимни ҳеч ким эшитмайди. Ёлғиз қушнинг овози қаерга ҳам етарди? Мен яраланган қуш...

**МИРШАБ:** Сен оққушсан! Ҳали баланд-баланд осмонларга учасан. Осмон сеники бўлади. Ортинда эса палапонларинг...

**МАҲКУМА:** *(Худди ўзига келаётган каби)* Палапон? Яраланган қуш палапонларини ортиндан қандай эргаштиради? Яраланган қуш ўлаксахўр қушларга ем бўлмайдами? Палапонлари ташлаб кетмайдами, улоқтириб ташламайдими яраланган қушни? Қуш ўз уйига сиғмаса, кенг осмонга ҳам сиғмас экан.

**МИРШАБ:** Бўлди, энди ҳаммаси ортда қолди. Ўз уйинг бўлади. Ота-онанг, қариндошларинг, яқинларинг кучоғида бўласан. Нима дединг? Балки, ўғлингни топарсан-а?

**МАҲКУМА:** *(Жон ҳолатда ўрнидан туради)* Ўғлим! Ўғлим... Болам... Болажоним, қаердасан? Ёниб-ёниб тугадим. Юрагим кулга айланди.

*Йиғлаб ария айта бошлайди.*

Эрта келган қалдирғочми,  
Ёки учиб ўтдимиз гоз?  
Болажоним, қорнинг очми?  
Қаердандир келар овоз.

Етмай қолар гоҳ иродам,  
Гоҳ манзилсиз йўлга элтар.  
Энди менга бу дунёда,  
Болам, тирик бўлсанг етар.

Совуқмас-у, музлар танам,  
Күксимда ғам, күзимда нам  
Сени ташлаб қўймас Ватан  
Онанг ташлаб кетган билан.

## ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

Саҳна ёп-ёруғ. Туғруқхона байрамона кайфиятда. Врачлар, ҳамширалар у ёндан бу ёнга ўтиб юришибди. Кимдир неча кундан бери дарди қочиб кетган, күзи ёримасдан юрибди. Бурмали атлас кўйлақда бир аёл кўлида гул ва чақалоқларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномани кўтариб шодон юради. Врачми, ҳамширами, ким тўғри келса, қучоқлайди, қувончи ичига сигмайди. Таниганингиздай бу – Умида. Яқинда эгиз фарзанд кўрган. Бутун кўрган, кечиранларини унутган. Жудаям бахтиёр. Журналист Донохон эса аравадада тиббий кўрш учун борар ва эри билан туғилажак чақалоққа исм танлаш борасида тортишарди...

**ДОНО:** Дадаси, ҳечқиси йўқ, шу сафар исмини ўзим қўяманми, десам, ойижон ўша гапларида турибдилар... (Бироз жимликдан сўнг) Вой, мен нима ҳам дея олардим? Боламиз эртага ўртоқлари олдида уялмасин дейман-да, дадаси!

Доно саҳнадан чиқиб кетади. Ўзи фарзанд кўрган каби хуш кайфиятда Аъло кириб келади.

**АЪЛО:** Вой, Умида опа, хўжайинингиз ўртоқлари билан бутун туғруқхонани бошларига кўтаришяпти. Бу лимузинни қаердан топанлар? Нақд бешта машинани улаб кўйганга ўхшайди.

**УМИДА:** Биз, ахир, бу кунни роппа-роса ўн бир йил кутдик. Аълохон, янаям турмуш ўртоғимга мингдан-миг раҳмат, шунча йил айтишга осон. Тенгдошларимизнинг фарзандлари икки-учтадан бўлди. Мактабга боришяпти.

**АЪЛО:** Қўяверинг, Умида опа, сизам энди бирданига икки фарзандни катта қилиб оласиз. Менинг ҳам орзум – эгизак фарзанд кўриш.

**УМИДА:** Ният қилсангиз, етасиз, синглим. (Ичкаридан Марзия бир хил йўрғакланган икки чақалоқни кўтариб Раъно Алиевна билан чиқиб келади. Чақалоқлар йиғлайди. Умида шошиб қолади.) Вой, Раъно опа, энди нима қилдим?

**ВРАЧ:** Нима қилардингиз, эмизасиз-да! Қани, тезроқ уйларингга боринглар. Бўлмаса, ҳозир туғруқхонани кўчириб юборасизлар. У ёқда, ҳойнаҳой, дадаси ўртоқлари билан ҳовлини бошларига кўтарган, бу ёқда эса ўғлонлар ҳамма чақалоқларни уйғотиб бўлишди.

Умида ҳамма билан қайта-қайта хайрлашиб, чиқиб кетаётганда ташқаридан кириб келаётган бир аёл кўзига иссиқ кўринадидеки ва бир лаҳза тўхтаб, сўнг яна йўлида давом этади. Костюм-юбка кийган, бошига рўмол ураган Қурбоной (аввалги саҳналарда кўринган Маҳкума) тўғри Врач томонга юради. Бу пайт Врач стулга ўтириб, хурсанд ҳолда туғруқ варақасига нималарнидир ёзарди.

**ҚУРБОНОЙ:** Ассалому алайкум, Раъно опа, мени танимадингиз-а?

**ВРАЧ:** (Кўзойнагини олиб) Ваалайкум ассалом. Таниш кўринаясиз... Негадир кўзларингиз таниш жудаям.

**ҚУРБОНОЙ:** Эслайсизми, бундан етти йил муқаддам сизнинг кўлингизда...

**ВРАЧ:** Ҳа-а, сиз ҳалиги... ҳалиги аёлсиз (маҳкума деёлмайди), тўғрими?... Ҳалиги...

**ҚУРБОНОЙ:** Тўғри, ўша маҳкума аёлман. Яхши хулқим учун муддатидан олдин озод қилишди. Яхши одамлар бор бўлсин. Уларнинг кўмагида ишга жойлашдим. Тўппа-тузук ишлаяпман. Ҳаётимни бошқатдан яшаяпман, янгидан қурыяпман. Аммо бир нарса азоб беряпти, опа. Озодликда бўлсам-у, боламни кўролмасам... Бугун ишдан рухсат олдим, тўппа-тўғри сизнинг олдингизга келдим... Раъно опажон, болам қаерда?

**ВРАЧ:** (Мийғида қулиб, аммо ачиниб) Мен сизга айтгандим-ку...

**ҚУРБОНОЙ:** Мен сиздан боламни толиб беринг, деяётганим йўқ. Болам қаерда, деб сўраяпман.

**ВРАЧ:** Қонунан менинг айтишга ҳақим йўқ!

**ҚУРБОНОЙ:** Опа, қонунни мен ҳам биламан. Саккиз йил ичида ҳуқуқшунос бўлиб кетдим. Бугун кўп нарсаса ақлим етади. (Ялиниш оҳангида) Узоқдан бўлса ҳам боламини бир кўрсам дегандим. Илтимос, опа. Мен сизга айтганман-ку. Ҳалиям ўша сўзим – сўз! Болам маҳкума онаси борлигини билишини хоҳламайман. Узоқдан бир кўрсам бўлди. Ахир, сиз ҳам аёлсиз-ку! Наҳотки, менинг аҳволимга раҳмингиз келмаса, опажон...

*Врач яна йўқ ишорасини қилса-да, аммо унинг ҳолатидан қаттиқ эзилаётганини пайқаш қийин эмас. Қурбоний тушқун кайфиятда кета бошлайди. Шу пайт унинг ортидан Врачнинг ғамгин овози эшитилади.*

**ВРАЧ:** Қорақамишдаги биринчи Меҳрибонлик уйда (Раъно Алиевна ичкарига кириб кетади).

**ҚУРБОНОЙ:** (Унинг ортидан) Раҳмат, опажон... Раҳмат... (Томошабин томонга юра бошлайди).

*Меҳрибонлик уйининг майдончасидаги болаларнинг овози эшитилади:*

- Ҳов, Рональдо. Менга ошир...
- Мен Рональдо эмас, Миржалолман...
- Миржалол бўлсанг, нега гол урولмаяпсан?
- Менга қара... оёғимдан чалма...
- Ўзинг ғирром ўйнама.
- Кеча байрам муносабати билан ҳамма хоналаримизга компьютер совға қилишди.
- Интернет ҳам улашар эканми?
- Албатта. Интернет бўлмаса компьютернинг нима кераги бор?

*Боласи яхши шароитда яшаётганини ўз кўзи билан кўрган, унинг бахтиёрлигига амин бўлган онанинг хотиржамлигини тасвирлашга сўз ожиз.*

- Сен бу ерда нима қиляпсан?
- Ойимни кутяпман.
- Ойинг келмайди-ку?
- Йўқ, менинг ойим келади.
- Устоз айтдилар-ку: "Сизларнинг ойингиз ҳам отангиз ҳам Ватан", – деб.
- Тўғри, лекин менинг ойим, албатта, келадилар.
- Сени ойинг ҳеч қачон келмайди.
- Мана, бўлмаса сенга!
- Ай, кўлими қонатдинг.
- Яна шунақа десанг, қулогингниям узиб оламан. Менинг ойижоним, албатта, келадилар.


## TAMOM



## НАЗМ

### Одил ОҒА

Одил оға (Одилжон Умаров) 1968 йилда туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) нинг ўзбек филологияси факультетида ўқиган. “Илова” номли шеърлий тўплами чоп этилган. Айни пайтда, Бувайда туманидаги 9-умумтаълим мактабида ўқитувчи.



## ВИЖДОНИМ ОПИОҚ СОЧИҚ

### Шеър

Кўчага яланғоч чиққан кишини  
“Девона” атарлар, “эсини” атарлар.  
Йўқотган бўлса ким эсу ҳушини  
Унга йўқ чегара, таъқиқ, хатарлар.

Шеър ёзиши ҳам кўнгил кийимин ечиши,  
Эълон қилмоқ – кўз-кўзламоқ аъзойин.  
Ва туйғу номусин топтамоқ, кечиши –  
Оломон ўнгида қилмоқ сазойи...

\*\*\*

Юзинг кўзгусида  
Ўзимни кўриб,  
Мен ўзимни  
Ҳайдаб юбордим.

### Фарқимиз

Сенга мудом етмайди ёлгон,  
Мени қийнар ортиб қолган рост.

## Хат

Раҳмон ака Қўчқоровга

Раҳмон ака, омонмисиз,  
 Бугдоймисиз, сомонмисиз?  
 Яхшиликдан хайрият йўқ,  
 Балки, англаб ёмонмисиз?

Учта ўғил – учта пайкон,  
 Учда ҳам нури Раҳмон.  
 Қўзламишлар бари осмон,  
 Йўллаб илҳақ камонмисиз?

На тадқиқот, на мақола,  
 Кўринмайсиз, на баҳона?  
 Хайрат қилай деб ҳавола,  
 Ёзётирсиз романми сиз?

Замон – шамол, қўзғотдим,  
 Кўлдирдим, бўзлатдим?  
 Ё сизни ҳам ўзгартдим,  
 Ё ўзингиз замонмисиз?

Пайҳон асл адабиёт,  
 Хайрон асл адабиёт,  
 Ҳимояга борми сабот,  
 Хануз нутқи равонмисиз?

Хар манглайда турфа ишио,  
 Лек остида битта имзо:  
 Узоқ Жўра, Иқбол Мирзо,  
 Сиз Улугбек Султонмисиз?

Дунё баъзан ёруғ, кенгдай,  
 Гоҳо насткаш билан тенгдай,  
 Кетгим келар, сиз ҳам мендай  
 Фосиқларга нишонмисиз?

Кимга хоку кимга тогман,  
 Бироз бахтли, чала согман,  
 Тушунмайман, кўнгли догман,  
 Сиз ҳам дили хуфтонмисиз?

Яшаши – бир фан, ҳаёт – илм,  
 Ёв тарафдан тўхтаб зулм,  
 Тўю аза, байрам, ўлим,  
 Ўрф-одат деб сарсонмисиз?

Пойтахт бориб, қайтиб келдим,  
 Ожизлигим айтиб келдим.  
 Мен манзилга етиб келдим,  
 Абадият томонми сиз?

Раҳмон ака, омон бўлинг!..

## Илова

Эрта ёғиб қўйиб қор – доним сомонда қолди,  
Отмадим нега бир бор – ўқим камонда қолди.

Бу дунёнинг лойидан тегиб қолди этакка,  
Ёшлик – виждон беғубор қадим замонда қолди.

Яхшиларнинг ичида мен излаган одам йўқ,  
Бўлмадим батамом хор, илинж ёмонда қолди.

Ўйлардим, гар от солсам, ярим дунё меники,  
Шошини кўзлаган тулпор чарчаб довонда қолди.

Кесишга ва осишга хўп ўнгай мағрур бошим,  
Ҳар қадамда юзта дор, қандай омонда қолди?

Бошимга бало бўлди билганларим барчаси,  
Қалбга кирмади зинҳор, “Мусҳаф” жавонда қолди.

Ичим – шайтон уяси, “иймонсиз” дер билганлар,  
Биров дер мени “диндор”, номим талонда қолди.

Қирқ йил қалбни қамчилаб, қисмат қилди қонталаш,  
Чандиғи бўлсин тумор, заҳми товонда қолди.

Ҳар саҳар қайларгадир кетмоқ истайди кўнгиш  
Тўрт томоним ҳам девор, қиблам қаёнда қолди?

Қумда ётган балиқдай дунёга мос тушмадим,  
Ажрим Раҳим ва Қаҳҳор – Ўзи томонда қолди.

Хўп валақлаб биронта дардимни шарҳлолмадим,  
Баттар бўлди дил афгор, додим забонда қолди.

Эрта ёғиб қўйди қор...

\*\*\*

Бугун у ўзича совриндор, голиб,  
Чоптирар қарамай олдинга, ортга.  
Узоққа боради ўтириб олиб,  
Мен кетига тегиб ҳайдаган ортга.

\* \* \*

Бемаврид бошга кўнса, қировдан розимасман,  
Мендан аввалроқ сўнса, оловдан розимасман.

Ёр, сен-ла яшолмадик, онда сўроқдан ҳадик,  
Мен сени айро кўрса, сўровдан розимасман.

Қанотларим – номус-ор, идрок, фикр – кўш тулпор,  
Зулм – зулматга кўнсам, уловдан розимасман.

Мен ҳақда талай гумон, майли, қилинг имтиҳон,  
Фосиқни қилса хурсанд, синовдан розимасман.

Тишин қайраб ҳар бир ит, қопмоққа қилар таҳдид,  
Фар қолиб менга хурса, таловдан розимасман.

Сиз-ла орамиз очиқ, виждоним – оптоқ сочиқ,  
Даъвогар қози бўлса, тўловдан розимасман.

Мен – хожамга содиқ от, ҳақ учун жанг-эътиқод,  
Шу жангоҳдан юз бурса, жиловдан розимасман.

Мағлуб бўлсам мен яна, даъюс қилса тантана,  
Улардан олдин ўлсам, бировдан розимасман.

### Навоийман

Қарийб олти юз йилки, туркийлар ёдидаман,  
Ўзидан устун билган Бойқаро отидаман,  
Қалам тутган ҳар кўлнинг қайноқ ижодидаман,  
Асрларни назарга шмаган Навоийман.

Деҳлавий – порлоқ юлдуз бу назм осмонида,  
Низомий – йўлбарс панжа, енгиш бор имконида,  
Мен ҳам ўзни шер билдим бу “Хамса” майдонида,  
Мағлубият нелигин билмаган Навоийман.

“Хазойин ул-маоний” – сўзларга оро ҳислар,  
“Маъжolis ун-нафоис” – қурдим нафис маъжлислар,  
“Арбаъин” да – иккинчи умрин яшар ҳадислар,  
Худодан ўзга ёри бўлмаган Навоийман.

Туркий тилга ҳайкаллар қўйдим асарларимда,  
Халқ валий қароматин кўрди амалларимда,  
Лек Худога ишгадидим ёзган газалларимда,  
Охиратни ёд этиб, қулмаган Навоийман.

Яшишларга ёндайдим, ишим йўқ ёмонларда,  
Эзу сўз голиб бўлган ҳар қайси замонларда,  
Бобуришоҳ деган зот бор Андижон томонларда,  
Мактубин ўқиб ўзин кўрмаган Навоийман.

Орзудаги париваиш Гулимиди, Гулимиди?  
Балки, уни сўлдирган мен ҳақир булбулмидим?  
Яратганининг манглайга ёзгани ё шулмиди?  
Қисматдан ўқиб кўнгли тўлмаган Навоийман.

Жаҳонда бор экан то дил деган гўзал дунё,  
Унга зийнат бўлгуси шеър отлиг соҳир бино,  
Ёр итин тирногига қонидин қўйиб хино,  
Байтларда мангу яшар, ўлмаган Навоийман.

## НАЪМ



## Аҳмад ХЎЖА

1952 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Юлдузлар сеҳри”, “Сабоқ”, “Биз икки дунёмиз”, “Садоқат чашимаси”, “Сарбон ва карвон”, “Сайланма” каби китоблари чоп этилган.



## ХАЁЛ ~ РАНИҒИН ДУНЁ

\* \* \*

Қиш фасли,  
Табиат базми ажойиб,  
Ойнадай ярақлар музлаган йўллар,  
Шундай пайтлар кимдир йиқилар тойиб,  
Узатилар унга мададкор қўллар.

Ногоҳ, тойиб кетсанг бу қиш чоғида,  
Нечун хижил бўлмоқ ёхуд чекмоқ гам?  
Ҳикматларга тўла ҳаёт боғида  
Ижозат бор экан йиқилмоққа ҳам.

\* \* \*

Чексиз уммон аро мен сарсон кема,  
Бешафқат тўлқинлар судрар ҳар томон.  
Денгиз гарчи сокин,  
Гарчи ваҳима,  
Ҳар нечук, бағрида юрибман омон.

Мен унга измимни берганман бутун,  
Майлига, тебратсин мени тўлқинда.  
Телба бир кўнгилнинг эрмағи учун  
Қайларга элтмасин – ихтиёр унда...

...Мен қанча бўш келсам, қутурди денгиз,  
Начора, чидадим бунинг бариға,  
Гоҳида ёқасиз,  
Гоҳида енгсиз,  
Кирдим тўфонларнинг даҳшат қаъриға.

Бунда ҳам ҳар нарса кўрсатди қурбин,  
Неки бор, ўзича айлади фармон.  
Мен эса барининг раъйига юрдим,  
Зулматлар қаърида бўлганча сарсон.

Менга бирон маёқ сочмади зиё,  
На бағрига олди бирон бандаргоҳ.  
Не қилай,

беилож,

бежон,

бенаво

Манзилсиз йўлларда кездим саргардон.

Сўнг баҳри бемеҳр қилиб масҳара,  
Гўё ҳиммат билан кўнглим гашилади.  
Нагмакор тақдирнинг ўйинин қара,  
Кимсасиз соҳилга элтиб ташлади.

Мен унинг наздида ҳоридим-толдим,  
Гўё денгиз олди бор-йўқ қасдини.  
Лекин у билмайди,  
Мен англаб олдим  
Денгиз деганларин баланд-пастини...

\*\*\*

Хаёл – рангин дунё, нурдай оқ,  
Унда кечган ҳар он наизъали.  
Туш – рўёдир, саробдир, алдоқ,  
Ожизларга шафқат, тасалли.

Шундан, тунлар кезамиз жаҳон  
Учқур хаёл – қушларимизда,  
Учрашамиз сен билан, жонон,  
Баъзан ширин тушларимизда.

\*\*\*

Бегона боғларга қилгилу ҳавас,  
Ҳеч қачон улардан ахтарма нуқсон.  
Қадрдон боғингни яшинат ҳар нафас,  
Фақат ўз боғингдан умид қил эҳсон.

Ташивиш кўп,  
Ўзингдан ортмаган маҳал,  
Майлига, чекмагил дунёнинг гамин.  
Ўз боғин гуллатса ҳар ким, лоақал,  
Обод бўлаверар бу яхлит замин.

\*\*\*

Замон елаётир нур каби шитоб,  
Ажиб шиддат билан умр оқмоқда.  
Дўстим, қадаҳларга тўлдиргил шароб,  
Янги йил келмоқда, эшик қоқмоқда.

Бегубор гўдакдай шириндир дунё,  
Латиф рухорида кўринмайди доғ.  
Олам яралгандай қайтадан гўё,  
Башар поклигига қайтгандай бу чоғ.

Бугун ўйларим ҳам ғамлардан холи,  
Кўмиб кетган янглиғ хору хасни қор.  
Йўл бошида турган ўсмир мисоли  
Янги йилга айтар тилакларим бор...

...Мен кўп бор кўрганман деҳқон заҳматин,  
Чигит қадаганин такрор ва такрор.  
Бу йил ҳам яшириб зангор талъатин,  
Қайдадир тентираб юрмасин баҳор.

Хамирдек кўпчисин, бу олтин тупроқ,  
Ошиқ қалбдай ёнсин, замин юраги.  
Янги йил.  
Деҳқоним учун ҳам кўпроқ  
Жонажон қуёшдан зиё сўрагин.

Соз эрур ҳар неки билса ўз ҳаддин,  
Ўрнини билгандай ҳар битта юлдуз.  
Ўжар қиш олдида букмасдан қаддин,  
Ўз тахтида турсин, сўнггигача куз.

Янги йил, сенда ҳам кўрмайлик зинҳор  
Мунис оналарнинг қатра ёшини.  
Ўтган йиллар каби меҳр айла нисор,  
Маъсум гўдакларнинг сила бошини.

Сен омад, иқболдан бахш этгил дармон  
Ҳижрон азобидан зада дилларга.  
То боқа олсинлар улар ҳам шодон  
Кўм-кўк чечакларга,  
Алвон гулларга.

Бежиз даркор эмас отларга жилов,  
Юган солмасдилар бўлмаса ҳожат.  
Дунёга ўт қўймоқ истаса биров,  
Сен унга ато эт ақлу фаросат.


Эзгу орзуларим билмас ниҳоя,  
Сенга юрагимда тилаклар бисёр.  
Гарчи, ёлғиз истак қилмас кифоя,  
Фақат дуо билан соғаймас бемор.

Оламга қай тусли либос бичарсан,  
Қандай қўшиқларни ўтарсан айтиб?!  
Ҳамма йиллар каби сен ҳам кечарсан,  
Ҳамма йиллар каби келмасан қайтиб.

Замон чархпалаги айланар иштиб,  
Бир зум ортга боқмай умр оқмоқда.  
Қалбимда уйғотиб ранго-ранг хитоб,  
Янги йил келмоқда,  
Эшик қоқмоқда...



# НАСР



## Умид ХОЛЛИЕВ

1973 йилда тугилган. Бухоро Давлат университетининг физика-математика факультетини тамомлаган. Қорақўл туманида ўқитувчи бўлиб ишлайди.



## ТИРИКЛИК ИЗТИРОБЛАРИ

Қисса<sup>1</sup>

Озод руҳ

Бувимга дунёнинг охири қаерда? – деб савол берганимда ҳали мактабга бормасдим. Болалик тасаввуримда эса куёш ботадиган жой дунёнинг охиридек эди. Уйимиздан анча узоқда, кун ботиш томонда ғўза баргларини тўкиш учун дори сепадиган самолётларнинг қўналғаси жойлашганди. Менинг назаримда, куёш шу қўналғанинг орқа томонига бориб ботадигандек. Аммо мен ҳали у ергача бориб кўрмаганман, уйдан узоққа кетишга рухсат йўқ. Ўша вақтларда самолётни ёнгинасидан туриб томоша қилиш мен учун катта бахт эди-я. Бир куни қизиқишларим устун келиб ўзим учун жорий этилган қоидаларни бузишга журъатим етди. Самолётни яқиндан кўриш учун қўналға томон яёв ёлғиз ўзим йўлга тушдим. Манзилга етгунча анча тер тўкишга тўғри келди. Ҳозир ўйласам, ўшанда тўрт километрдан ортиқроқ йўл юриб борган эканман у жойга. Самолётларни жуда яқиндан томоша қилиб уларнинг катталигию, тузилишидан ҳайратланар эканман, бу ерда туриб ўзим учун ундан-да ҳайратланарлироқ яна бир нарсани кашф этдим. Бу янгилик шундан иборат эдики, куёш қўналға орқасига ботмас экан, ундан нарида ҳам худди бизники каби қишлоқлар бор экан! Уйимдан қараганда гўёки ҳозир тўхтаган жойимга ботадигандек кўринадиган куёш бу ердан қараганда ҳам ўшанча узоқликка ботадигандек кўринаркан. Босқичма-босқич синфдан-синфга ўтиб илм олиш каби умумий ўрта таълим шаклидаги мактаблардан бирининг ўқувчисига айланганимда олам ва одам ҳақидаги илк таассуротларим тубдан ўзгара бошлади. Энди мен қишлоқлар жамланиб туманларни, туманлар вилоятларни, вилоятлар мам-

<sup>1</sup> Журнал варианты

лакатларни ва ўз навбатида, мамлакатлар жамланиб қитъаларни, шу қитъалар эса ер қуррасини ташкил этишини билиб олдим. Ўйлаганимдек, ер текисликдан иборат эмас, яна бу кузатаётган оламим ер ва осмондангина иборат бўлмай, марказида қуёш жойлашган бу тизим худдики ер каби унинг атрофида ўз ҳалқалари бўйлаб айланадиган яна шундай саккизта сайёрадан иборат экан. Ергади ўлчамига қараганда жуда узоқ масофалар, мураккаб ҳаракатлар гўёки ўта моҳир механик томонидан ясалган улкан меҳанизмдек. Аммо бу ҳали коинотнинг чегараси эмас, Галактика деб номланувчи коинот ҳудуди бизнинг оламга ўхшаган шундай улкан тизимларнинг бир миллиардга яқинини ўз ичига оларди. Тасаввур қилишга ақл ожиз. Бири кетидан иккинчиси мўлтираб турадиган саволлар ҳам коинотнинг ҳудуди каби чексиз. Коинотнинг охири қаерда? Биз ёпиқ дунё ичидамизми ёки?..

Тасаввурларимнинг ибтидосида пайдо бўлган бу саволлар университетнинг фалакиётшунослик бўлимини тугатганимдан кейин ҳам жавобсиз қолиб кетаётганди. Кўпроқ ўрганишга интилганим сайин олам ва одам ҳақидаги турфа қарашлар ва тахминларга дуч келиб саволларим сафи кенгайиб бораверарди. Одам ҳақидаги жавобсиз саволларга “дунёнинг охири қаерда?” – деган жумбоқ пешқадамлик қилса, одам ҳақидаги баҳсларнинг бошида “инсон ҳаётининг маъноси нима?” – деган савол турарди. Мен гуноҳкорлиги туфайли жаннатдан ҳайдалган Одам Ато масканида унинг бир давомчи авлоди сифатида яшаб туриб бу саволларга жавоб қидирардим. Агар диний таълимотларга қулоқ тутадиган бўлсак, ер – маънога қайтиш учун танланган бир мўътабар, жазо ва тавба маскани. Бу қафасда ўзимни Одам Атога қисматдош бўлган тутқун эканимни англай бошлайман. Айни вақтда, меҳр ва раҳм соясида эканимни, бу соя панохидида умр ҳам менга ато қилинган бир ҳада эканини ҳис қиламан. Коинотнинг чексизлиги ҳақидаги саволларга жавоб топа олмаган тафаккурим билан инсониятга бу қафас ичра туҳфа этилган ҳадяларни титкилай бошлайман. Барибир, уларнинг энг аълоси онг дейман ўзимга ўзим, у – маънонинг бошланиши. Ерга боғланган моддий вужудда яшаб туриб табиатдан ташқаридаги онг билан боғлиқ ҳодисалар таҳлилига киришаман. Улардан фақат Оллоҳнинг ягона ва беҳожатлиги ҳақидаги таълимотни инкор эта олмайман, унга боғланишни истайман. Гарчанд, буни уйдлаш эҳтиёжлари моддий дунёга боғланган вужудда жойлашган руҳ учун осон бўлмаса-да. Назаримда, тараққиёт билан боғлиқ нарса ва ҳодисалар вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотади. Тараққиёт қанчадан-қанча олимларнинг меҳнат маҳсули, у синовнинг янгидан-янги усулларини юзага келтириверади. Аммо унда ҳам маънога ишора қилувчи ва инсонни ақлдан оздирувчи шубҳали фараз ва тахминлар тикилиб ётибди. Энг қизиғи, техник тараққиёт кўрсатадиган йўлнинг бу чекланган дунёмиздаги ваъда қила оладиган кафолати нолга тенг. Негаки, олимларнинг қилган буюк кашфиётлари табиатдан кўчириб олинган аниқ бир андоза. Тараққиётнинг ҳамма даврларида ўз “ихтиро” ва “кашфиёт”ларининг чеки бўлмаган. Лекин уларнинг ҳам ҳеч бирига нари борса, минг йил аввалги ва ҳозирги замон одамнинг ҳаётига бир хилда маъно бахш этадиган хусусиятни ато этиш бахти насиб этмаган. Қайтанга, у ривожланган сари ўз жозибаларига мафтун этиб, моддий дунёга янада маҳкамроқ боғлайди, хотирани йўқотиб фақатгина лаззатланишни бош мақсадга айлантиради. Одатда, ёлгон учун энг хавфли душман – хотира. Инсониятга тегишли хотираларнинг энг тубида эса дунёнинг ёлгонлиги ҳақидаги фалсафа ётади. Шундай қилиб, маънони инсон ақли билан ушлаб турилган тараққиётдан қидириш бе-самар эканлиги кўриниб қолади. Маъно қидириш бахти мени авлиёларнинг комиллик ҳақидаги ҳикматлари пойига етаклайди. “Бу синов майдонида икки нафсни хор тут – маъно шундай чекланганлик ичига яширинган”. Бу ўгитнинг ўзига маҳал қиладиган мукамаллиги шундаки, унинг амалийлашуви инсонларнинг ёвузликдан камроқ азият чекишларини таъминлайди. Ғойибона амрларга итоат этиб яшаш лозим эканини англаб, ўзимни хожали қулдек ҳис қила бошлайман, тақдиримга фазилатга эргашиб битилган, дея ўйлайман.

Болалик хотираларимни титкилар эканман, маънонинг бундай ҳикмат асосига қурилгани ҳақидаги ҳулосани анча илгари ҳам эшитганимни эслаб бошлайман. Эсимда: уйга келгандан кейин мактабда билиб олган илм мўъжизаларини бувимга айтиб мақтанардим. Бувимнинг мен учун шундай ҳаяжонли бўлган янгиликларни бепарво тинглаб туриб: “Булар барчаси Оллоҳнинг қудрати, болам”, деб қўйишлари гашимни келтирарди.

– Биласизми, буви, – дердим мен қизишиб кетиб. – Уйингизнинг шифтига қўлимни

кўтарсам етади. Ҳозир катта шаҳарларда юз қаватлик уйлар қурилаяпти.

— Оллоҳга содиқ қул бўлиб яшаш учун уйнинг баланд-пастининг аҳамияти йўқ, болам, — бошимни силарди бувим. — Инсон эзгу амаллар билан жаннатий бўлади.

Шундай қилиб, мен узоқ йиллар давомида илм сўқмоқ деб юриб келган йўлнинг адоғида бошини силаб турган бувимни кўриб ҳайратланардим. Ёнгинангда турган ҳақиқатни англаш учун, наҳотки, шунча йўл юриш лозим бўлса?

Бувим ҳақидаги хотираларга бериламан.

Куз фаслининг биринчи ойи, кун тиккадан оққан. Мактабдан қайтиб чой ичиб бўлганимдан кейин бувимнинг шинамгина уйда ухлаб қолибман. Ташриф буюрган меҳмонларнинг ғивир-ғивирдан уйғониб кетсам-да, сездирмасдан уларнинг суҳбатини тинглаб ётавердим. Бувимнинг янгаси удумларимизга амал қилиб, янги тушган неварани келинини бизникига бошлаб келибди. Тоза келин катта ҳаётни ибратли кекса аёллардан ўрганиши керак. Удум шундай мантиққа асосланган. Улар анча суҳбатлашдилар, ёш келинчакка кўпчилиكنинг камчилигига таъсир кўрсатиш усулидан фойдаланиб ҳалол яшаш учун керакли бўлган панд-насихатларни қилдилар. Кейин бувимнинг янгаси келинига "сен энди уйга қайтиб кечки овқат тараддудини қилавер, мен кейинроқ қайтаман", — деб жавоб бериб юборди.

Эшик ёпилиб, келини узоқлашганига ишонч ҳосил қилгач, овозини пасайтиргачна шароит танглигидан айта олмаш ичига ютиб турган воқеани бувимга сўзлаб бера бошлади. Суҳбат паст овозда катталарга хос қочириқлар билан ўтаётгани учун мен деярли ҳеч нарса тушунаётганим йўқ эди. Англаганим, суҳбат эридан талоқ теккан бир жувон ҳақида борарди. "Нафс қурсин, нафс, — бош чайқади бувим, — у инсонни хор қилади".

### Тўрт унсур

Тўрт-беш ёшлар атрофида эдим. Қишлоғимизга лезгин миллатига мансуб хунарманд ўз буюмларини сотишга келди. Асосан, ошхона жиҳозлари — қўлбола капкир, чўлпи, элак, пичоқ ва яна шунга ўхшаш нарсалар. У ҳовлима-ҳовли юриб ўз буюмларини намойиш этар, роса мақтаб, одамларни ўзидан нимадир сотиб олишга ундарди. Баъзан эса эски чойнак, челақ, самовар каби идишларни тузатиб ҳам берарди. У кўпинча бизга бобомерос бўлган ташқари ҳовлининг дарвозахонасида намат устига ўтириб олиб иш бошларди. Чол асбобларини ёйиб ишга киришган вақтда тенгкур ўртоқларим билан унинг атрофини ўраб олардик. Бизнинг диққатимизни тортадиган нарса шу эдики, бу хунарманд чол тунука қолдиқларидан биз учун ажойиб кўринадиган хуштаклар ясарди. Хуштакларни эса баъзида ўша вақтнинг пули билан ўн тийинга сотарди ёки бир донга бўшаган шиша идишга алмаштиради. Лезгин чол ўз тирикчилиги билан юрган бўлса-да, бувим уни меҳмон ҳисоблаб, ҳар сафар олдига чой, нон ва овқат чиқартирарди. Шундай бўлса ҳам, у ҳеч қачон шу ўн тийинлик хуштакни бизларга текин, шунчаки савобга бермасди. У ҳар сафар келганда мен ўн тийин олиш учун бувимнинг олдига югурардим. Бир сафар бувим менга хуштак олиб бериш билан бир қаторда рўзгор учун ёғоч дастали пичоқ ҳам сотиб олди.

Орадан бир неча кун ўтиб ошхонамизда ўша пичоқни кўлида ушлаганча хуноб бўлиб ўтирганини кўрдим. Бувим пиёз арчаётганди. Ҳар сафар пиёздан янги бўлак кесганида бўлакнинг пичоқ теккан томонига қора юқиб қолар, бувим бир пичоққа, бир пиёзга қараб нима қиларини билмай: "Нону туз берган одамни ҳам шундай аҳмоқ этадиларми", — деб жиғибйирон бўларди.

Ўшанда мен бувимдан пичоқ нима учун қорайиб қолаётганини сўрагандим. "Занглайдиган оддий темирдан ясаган-да", — деганди бувим. "Ўша чол келганда пичогини қайтариб беринг-да, пулингизни қайтиб олинг", деб маслаҳат бергандим мен.

Бувим индамасдан кўлимга пичоқни бериб буни ариқ ёқасига бориб покиза тупроққа суқиб олавер, тоза бўлади деганди.

Мен чопқиллаганча бувим топширган вазифани бажаришга киришдим. Не ажабки, тоза тупроққа бир неча бор суқиб олганимдан кейин пичоқ худди сотиб олинган вақтидагидек ярақай бошлади. Мен ҳаётда ўзим учун катталарнинг тажрибаси орқали ўтадиган битта сабаб олгандим. Қизиқишларим юзасидан бувимга саволлар бера бошладим.

— Буви, тупроқ ҳамма нарсани тозалай оладими?

– Йўқ, болам, тозаловчилар сафида сув ҳам бор.  
 – Сув ва тупроқ ҳамма нарсани топ-тоза қиладими?  
 – Улар тозалай олмайдиган нарсалар ҳам бор, болам, сен ҳали ёшсан, уларни тунмайсан.

Ҳовлимиз бир, мён бувим билан бирга эдим, бувимнинг амалларини кузатиб улғаярдим. Тинмай савол берардим. Саволларим эса содда ва болаларга хос.

– Буви, бизнинг уйимиз нега дадамларникидан паст?  
 – Шу уйда ҳам жаннатий бўлиб яшаса бўлади, болам. Дадангларни уйи кейинроқ қурилган. Ҳозир ҳамма шундай баланд қилиб қурапти.

– Буви, жаннат нима?  
 – Жаннат гуноҳ қилмайдиган одамларнинг охиратда борар жойи. Сен ҳам одобли бола бўл, катталарнинг гапига кулоқ сол, меҳнатдан қочма.

Бу ўғитлар деярли ҳар куни мавриди билан такрорланаварарди, менинг саволларимнинг ҳам чеки йўқ эди. Теварак-атрофимиз пахтазор, ҳар йили йигим-терим олдиндан дефолиация қилиш учун самолёт келади. Улар теварак-атрофимиздан кучли ҳидли кимёвий моддаларни пуркаб ўтади. Бола бўлсам ҳам биламан, самолётлар дори сепган даладаги гўзапояларнинг барги тўкилиб оплоқ пахта қолади. Аммо самолёт қандай ўчади, нима учун юқорида у жуда кичкина кўринади? Бу саволларга бувим ҳам тайинли бир жавоб қайтара олмасди.

### Манзил

*У улғу ва гўзал. Унинг дўсти дунёнинг гўзал одами.  
 Эслаб йўл юраман. Коинот – битта ишқ достони.  
 (М. Карим)*

Хошиш-истакларининг чеки йўқ инсон боласи шундай ачиқ қисмат эгасики, унинг охир-оқибат борадиган манзили ва унга элтадиган йўли олдиндан тайин қилиб қўйилган. Яна бир ҳидоятни қарангки, бу йўлда ҳар бир инсон ўзининг шахсий йўлбошловчисига эга экан. Бу ақл деб аталмиш, инсонга ҳис-туйғулари берадиган таассуротларни мулоҳаза қилиб умумлашган хулоса ҳосил қиладиган йўл кўрсаткич. Инсоният буни аллақачон унутган бўлса ҳам, манзилдан адашмаслик учун ақл деб белгиланган чегарадан четга чиқмасликка маҳкум.

Бу хулосалар бир қарашда жуда жўн ва такрорий қайтариқларга ўхшаб кўринади. Нотабиийлик ва меъёр бузилишларининг катта-кичик кўринишлари яшаш учун кураш тамойилига айланиб бораётган бу дунёда яшаш баттар изтиробли бўлиб, дунёнинг порлоқ келажаги ҳақидаги ишончни сусайтиради.

Мен ақлиман, дейди Ғарб. Шарқ эса уни инкор этиб, ўз донолиги ва иймонини кўз-кўз этади. Ўзларини ақлли ҳисоблаганлар бор илмларини кўпроқ қиргин келтира оладиган янги қуроқлар яратишга қаратадилар. Мақсадлари содда ва аниқ: бошқалар устидан ҳукмонлик қилиш, улар ҳисобига яшаш. Агар ер тақдир тўғрисида инсонлар тўқийтган башоратлар тўғри чиқса, ўз авлодлари яшаб қолишлари учун имкон қадар кўпроқ шароит яратиш. Уларнинг изтиробларини ўзлари ақлсиз ҳисоблайдиган халқлар фарзандларининг қабрлари ҳисобига қамайтириш. Гўёки олам зўрлар учун яратилгану улар бошқаларнинг қувончини тортиб олишга ҳақлидек. Буни оқлайдиган иборани ҳам топиб қўйганлар: “Чангалзор қонуни”.

Ҳайвонларга ато этилган қонунлар асосида яшасак, ақлнинг эзгу мақсади қани? Наҳотки, ақлимиз онгсиз жонзотлардан андоза олишдан бошқасига ярамаса? Аслида ҳам учинчи сузиш техникаси яратаётган олим улардаги нигоҳини кушлар ёки денгиз жонзотларига қаратиши кундек равшан-ку! Ақлнинг вазифаси фақат нафс эҳтиёжларига хизмат қилишдангина иборатмикан? Бундай оғир хаёллардан кейин гижиниб савол бераман ўзимга-ўзим. Ньютонча механика қонунлари мавжуд эмасмиди ёки қайси бир олим бир томчи сув ярата олди? Наҳотки, бундай шармандали ожизлик бизни ёвузликдан сақлай олмаса? Инсон фақат ёвузлик яратишга қодир ва шу яратувчилигини у ақл деб атайдими?

Калламга келган хулосадан ўзим чўчиб кетаман. Илмий таҳлилларга ўхшаб ке-

тадиган бундай хаёллар муттасил мени азоблайди. Дунёнинг юки сенинг елканга тушганми? – деган савол билан лоқайд бўлишга уринаман. Келажакка бепарво одамлардек чалғишга уринаман. Дунё жозибаси кучоқ очиб мени ўз бағрига олишга тайёр. Шарти ҳам оддий. Чўнтагинг қуруқ бўлмасин. Оғир хаёллардан қутулиш учун улфатлар даврасига қўшилишга ўзимни мажбур этарканман, бу мавжуд ҳаёт-ку, унда ҳам қандайдир ҳикмат бор, дея таскин бераман ўзимга-ўзим. Дўстларим катта одам бўлиб қолганимизни эслатиб ичкилик тўла қадаҳ узатадилар. Мен рад этаман ва улардан “абдий яшамочқимисан”, деган таънани эшитаман. Давра авжига чиққанда уларнинг суҳбатига қўшила олмай ўзимни бегонадек ҳис эта бошлайман. Уй-хаёллардан қочиб келганим “шодлик” дунёсига ҳам сиғмай қоламан. Кўнглим яна ёлғизлик тусай бошлайди. Тушкун кайфият билан уйга қайтар эканман, наҳотки ҳаёт тутуриқсизликлардан иборат бўлса, дейман. Аммо ҳақиқат дағал ва хунук бўлишини эслаб, бу шубҳамга ишонмай қўяман. Сабр керак инсонга, хотиржамлик унинг ортига яширинган. Сабр етишмай қолганда ҳаётнинг ёлғонлигини пайқаш қийинлашади. Ҳаёт, аслида, ростни ифодалайдиган мукаммал ёлғон, дея ўйлайман. Негаки, табиатдаги нарсалар, воқеа-ҳодисалар инсонга тегишли ҳодисалардек бениқсон эмас. Инсон табиатдаги нуқсонларни эса асосан ҳиссиётлар, янаям аниқ формулага эга лаззатланиш ҳиссиётлари келтириб чиқаради. Давр талвасасини кузатиб шунга амин бўламанки, ҳиссиётлар ўз сифатлари билан инсон онгда моддий дунё ҳақидаги тасаввурларни бўрттириб чин дунёдан чалғитади. Тоқат етмаса, кўзни юммасдан ҳақни англашнинг имкони йўқ. Тараққиёт эса ақл кўзи деган тушунчани ўтмишда қолган урфга айлантдириб бўлган. Замонада қисқа муддатли лаззатларга эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш кайфияти ҳукмрон. Гўёки охират макони сифатида тилга олинадиган жаннат ва дўзах деган сўзлар ўтмиш эртақларининг сарлавҳасига айланиб, Лут ва Мусо қавмининг шаккокликлари такрорланаётгандек.

– Жаннат ҳам, дўзах ҳам шу дунёда, нариги дунё бир чўпчак, – дейди дўстим ўз фикрини баён этиб. Ва ўз гапини исботлаш учун таъриф қилавериб мени ўша “жаннат”лардан бирига боришга кўндиради.

Санаторийдаги шароитлар билан мени таништирар экан, такрор-такрор:

– Жаннат бундан ортиқ бўладими? – деб қўяди.

– Ҳа, – дейман мен. – Фақат жаннатингни танлов шarti пул бўлгани ёмон-да.

– Шу арзимас қоғоз ҳисобига умринг узаяди, саломатлигинг тикланади, – гапидан қолмайди у ҳам.

– Инсон ҳиссиётлар амри бўлган шу қисқа муддатли лаззатлар учун имкон қадар узоқ яшашга интилиши керакми?

– Озроқ сабр қил, сенга инсон ҳиссиётлар қўли эканини исботлаб бераман, – дейди мени олиб келганидан пушаймон эканини яширмай.

Соғлигимдан шикоятим бўлмаса-да, узоқ яшаш илинжи ҳамда қизиқувчанлигим вазидан марказдаги шу номдор санаторийда қолишга рози бўламан. Дўстимнинг барча танишлари шу ерга йиғилади. Улар оддий одамлар эмас. Бири номдор шифокор, бири омадли савдогар, яна бириси дасти узун амалдор.

– Сиз фойдаланадиган тиббиёт асбобларининг физикаси, ишлаш принципи, баҳосини яхши биламан, озроқ электр энергия ва мутахассиснинг касбий маҳоратини эътиборга олмаганда бошқа яна нима сарфлайсизларки, беморга ташҳис қўйиш нархлари бу қадар қиммат? – савол ташлайман шифокорга.

У менга ўтмиш сарқитига қарагандек тикилади, аммо саволимга жавоб бергиси келмайди. Даврадагилар бесаранжомлана бошлайди. Улар ўз хотиржамлигига раҳна соладиган савол-жавобларга кўникаман. Ўртага ноқулай жимлик чўқади.

– Ҳеч биримизнинг ихтиримиз ўз қўлимизда эмас, биздан ҳам юқоридагилар бор, – вазиятни хаспўшлашга уринади амалдор.

Назаримда, у ўзини барчадан доно ҳисоблайди. Шифокор ўзини тиг устида ўтиргандек ҳис эта бошлайди. Хайриятки, амалдорнинг далда бўлгучи бундай “самимияти” шифокорни сал руҳлантиради.

– Тўғриси айтганда, сиз ҳақсиз, – дейди мингирлаб. – Лекин...

– Бу ерга бефойда нарсаларни муҳокама қилишга йиғилганмизми, бошқа мавзуга қуриб қолибдими? – луқма ташлайди дўстим умумий кайфиятни бузмаслик учун.

У ҳаддан ортиқ маишатпараст, ўзига хос фикрлайдиган йигит. Унинг таклифи-

дан кейин юмшоқлик билан мавзудан четланиш бошланади. Улар ўз қилмишларини оқлашга ишонтирадиган далиллар топиб бўяб-бежаб суҳбатни давом эттирадилар. Худдики, бор пулини ташхис қўйдиришга сарфлаб дори-дармонга пули қолмаган беморнинг аҳволидан ўша шифокорнинг аҳволи оғирдек.

Аслида, улар қийинчилик деб айтаётганлари бошқалар чўнтагидан ботил йўл билан ўзлаштирилган пулнинг ташвишларидан бошқа нарса эмас. Ҳиссиётлар ақлни хиралаштириб, изтироблар сари етаклайди. У олиб борадиган манзилда нажот эшиклари ёпилган.

– Кўрдингми? – дейди дўстим якка қолишимиз билан. – Лаззат истаган одам ўз ҳиссиётлари измида қанчалик жасоратли бўлиши керак. Яна сенга бир сирни очай, бундай тоифа одамлар жуда осон тил топишадилар. Улар ўзаро манфаатдор бўлиб турганларида инсоний фазилатларини шундай юксак даражада намоён этадиларки, беихтиёр дунё манфаат устига қурилган деб юборасан.

– Ҳа, – дейман мен. – Манфаат нафс эҳтиёжларидан келиб чиққанини унутмаслик керак фақат.

– Сен бунақа беъмани фикрларинг билан даврага совуқлик солмай жим тура олсанг, қанчалик ноҳақ эканингни англайсан.

Мен ёлғизлиб қолишим мумкинлигини ўйлаб, розилик билдираман.

Эртасига дўстим ва шериклари тушлик вақтига зиёфат уюштирадилар. Бу ерда барча шароит муҳайё. Санаторий соҳиблари даромадни кўпайтириш учун инсон майлларини ҳам назардан қочирмаганлар. Даврага шаҳарлик гўзал хонимлар ташриф буюради. Дастурхон етти иқлимдан келтирилган ноз-неъматларга лиқ тўлдирилган. Ичкилик суҳбатни қизитади. Эркаклар оғизларидан чиқаётган каломларига пулдан ғилоф кийдириб нар қушлар каби кериладилар. Аёллар эса эркаклардан таралаётган сўзларнинг ғилофига ишва билан тузоқ тўқийди. Барчаси қўлини меҳнатга урмаган танноз хонимлар.

Даврани тарк этаман. Сабаби кўринмаётган нарса эмас, кўринмаётган ҳақиқатдан кўркмаймиз, кўринаётган оний лаҳзанинг ихтиёрий қулга айланиш осон.

– Нега қочиб кетдинг? – дейди кечкурун дўстим. – Сенга ҳам аталгани бор эди.

– Мен бунақа ўтиришларни ёқтирмайман, – жавоб қайтараман кибр билан ва ботинимда дарҳол ўзимни сўроқ қиламан. Ҳақиқатда шундайми? Йўқ, сен зинодан эмас, ораларингда қарама-қаршилик пайдо бўлган одамларга ахлоқсиз бўлиб кўринишдан қочдинг! Бу тарбияланган нафснинг зинодан ҳазар қилиши эмас.

Кечки овқат вақтида суҳбат яна ўз-ўзидан ўша аёллар мавзусига кўчади.

– Мен унинг номига уй олиб қўйганман, – керилади савдогар. – Шаҳарга тез-тез қатнайман, менга керак-да бу.

– Тўғри, – деб унинг галини маъқуллайди амалдор. – Лекин уйни унинг номига расмиёлаштириб хато қилибсан. Аёлларга ишонч йўқ, уларнинг фариштаман деганига ҳам ишониб бўлмайди.

– Менинг маъшукам жуда садоқатли, – амалдорнинг фикрига қарши туради шифокор. Ва унинг фан номзоди бўлишига ўзи сабаб эканини айтиб қомати ва гўзаллигини таърифлай бошлайди.

Бундай бемаъни суҳбатлардан кейин ором олиш учун яна ўз хоналаримизга тарқаламиз. Хаёлан садоқат деган сўзнинг маънода қолиш чегараларини қидираман. Наҳотки, ўша аёлнинг ёши анча жойга борган илмий раҳбарига бўлган ҳирсий муносабатини садоқат деб бўлса.

– Нафс шундай гўзал қилиб кўрсата олади ёлғонни, – суҳбат бошлайди дўстим ўзига ётиш учун жой ҳозирлар экан. – Инсон қалби азалий гипноз таъсирида ёлғон ва иллатларга мойил қилиб қўйилган.

– Манзил сари йўлга отланган инсон бу фоний дунёни имкон қадар эзгу амаллар билан тарк этиши керак эмасми?

– Инсон энг зўр тақлидчи, бу ҳам азалий гипнознинг бир таъсири, – дейди дўстим.

– Ҳа, – дея унинг гапини маъқуллайман, – нафс ўз вирусини энг тез тарқатадиган касаллик.

– Нафс инсон хулқ-атворида иллат ҳосил қиладиган унсур.

Хаёлимни ер сайёраси ва унда ҳеч қачон бу қадар кўпайиб кетмаган инсонлар тақдири эгаллайди.

- Биз манзилдан адашмадикмикан?
- ...
- Дўстимнинг олдига саволни бошқача шаклда кўяман.
- Яратганнинг борлигига ишонасанми?
- Ҳеч шубҳасиз, – жавоб қайтаради у. – Аммо у кўрсатганидек яшай олмаяпман.
- Бу азалий сабрсизликнинг давоми эмасми?
- Худди шундай.
- Ахир, сабрли бўлишимиз учун бизларга қанча пайғамбарлар юборилиб, қанча илоҳий китоблар туширилмади.
- Охирги пайғамбарнинг дунёдан ўтганига ўн тўрт асрдан ошди. Ҳаёт жозибаси нақд, Яратганнинг ваъдаси эса насия.
- Демак, ҳали Оллоҳ ҳақидаги илмларимиз етарли эмас экан-да?
- Йўқ. Ундай эмас, масала ҳар бир илмнинг Оллоҳни англашга қаратилмаганида.
- Қўйсанг-чи, – дейман мен. – Ҳинд ведаларидан то ҳозирги замонгача Оллоҳни англаш учун қандай таълимотлар яратилмади. Яна нима керак одамзодга?
- Шайтонга хизмат қиладиган ҳаёт жозибалари ҳам ундан кам эмас, – дейди у.
- Ҳа, – дейман мен. – Аммо жазосиз қолган итоатсизлик ҳам йўқ.
- Гуноҳ эвазига жазо, савоб учун мукофот. Васваса ва синов майдони. Эзгулик маконида кутадиган Оллоҳ. Бу менга барча устунлик тескари кўтбда бўлган мавҳум ўйинни эслатади. Яъни Одам Ато билан бошланган эътирозларни эътирофларга айлантириш ўйини.
- Рухни озод қилишга интилаётган жоннинг изтироблари эмасми бу? Тириклик изтироблари қанақасига ўйин бўлсин?
- Билсанг, бу ерга ўша жон учун қайғуришга келганмиз, – дейди дўстим ва тумбочка устида турган коньякдан бир неча қултум ютиб юборади.
- Яна саволга тутаман.
- Менга инсонни ҳиссиётлар бошқаришини исботлаяпсанми?
- Эрталаб суҳбатлашаётган аёлинг ким эди? – саволимга савол қайтаради у.
- Бир журналист экан. Қаердан кўзинг туша қолди?
- Кўрмасликнинг иложи бўлмади, лекин ўзиям кетворган аёл экан-да.
- У юксак маънавиятли, иймонли аёл, яна адабиётшунос олима, – дўстимнинг таърифларини тўлдирман мен.
- У Бовари хонимнинг<sup>2</sup> ўзгинаси, – дейди дўстим дабдурустан. – Синаб кўришинг мумкин. Эсингдан чиқарма, аёллар мақтов ва эҳтирослар кули. Сен унинг ҳис-туйғулари билан бир ўйнашиб кўр, гапларим тўғрилигига ўзинг ишонч ҳосил қиласан.
- Менинг ишонгим келмайди. Аниқроғи, шу аёлни дўстим айтганидек бўлиб чиқишини хохламайман. Шундай бўлса ҳам, эртасига унинг эҳтирослари билан ўйнаша бошлайман. Хавотирланганимдек, у мени жеркиб ташламайди, аксинча, нозу карашма ва оҳанграбо лутфи билан мени ўзига янада қаттиқроқ боғлаб олишга уринади. Тунни унинг хонасида ўтказишга келишамиз. Бошқалар ҳам шундай қиляпти-ку, таскин берман ўзимга. Дўстимга бу тунда меҳмонга кетишимни айтиб, унинг барча таклифларини рад этаман.
- Мен ютқаздимми? – ёлғонга имкон қолдирмаслик учун кўзимга тикка қарайди дўстим.
- Сен ҳақсан, – дейман шалвираб.
- Ўз галабасидан хурсанд дўстим:
- Гуноҳқор бўлиш жуда осон, – деганча хонани тарк эта бошлайди.
- Бу борада сен мендан бешбаттарсан...
- Таъриф қилиб бўлмас даражада таҳсинга сазовор сабр, чексиз меҳр ва раҳм. Бу далилларни эслаш фикримни тамоман ўзгартиради. Дўстимга хонани тарк этишдан олдин бир гапни айта олмаганимдан афсусланаман. Ва энди у хонада бўлмаса-да, гуёки унга мурожаат қилгандек: "Инсоннинг гуноҳқорлигидан Оллоҳ ҳеч нарса ютқазмайди, ютқазса фақат инсон ютқазсади", – дейман гасп ва аламли овоз билан.
- Ҳаётда вақтга ўз жиловини тутқазмайдиган ягона нарса – хаёл. Хаёллар билан вақт ўтганини сезмай қоламан. Икки соат олдин кеч тушишини интиқлик билан кутаётган бўлсам, энди саросимага туша бошлайман. Нафс ва иймон ўртасида кураш бошлана-

<sup>2</sup> Гюстав Флобернинг шу номли романи қаҳрамони.

ди. Аммо ҳалиям танамдаги нафсга мойиллик мендаги қатъиятдан устунлик қияляпти. Қўл телефоним жиринглайди.

– Кутяпман.

– Ҳозир, – дейман шошиб ва эшик олдига чиқаман.

Хона эшигини кулфлаётган вақтимда яна телефоним жиринглайди. Бу энди бошқа овоз. У оромбахш ва осойишта.

– Алло, яхши дам оляпсизми, дадаси, соғ-саломатмисиз... Болалар сиз билан гаплашмоқчи.

Гушак болаларга тегиши билан уларнинг бири қўйиб, бири олиб чуғурлаша бошлайдилар. Катта қизим мен таътилда математикани ўрганапман, деса, кенжатайим менга нима олиб келасиз, деб сўрайди. Суҳбат яқунланиши билан шафқатсиз бир саволга рўпара бўламан. Интилаётган нарсанг нима ўзи, бахтми? Ҳаёт ортга тепмас қурол. Ҳозир майлингга қулоқ солиб гуноҳга ботсанг, кейин аввалги хотиржамлигингни қайта топа оласанми?

Кўз олдидан ҳаётда чеккан изтиробларим, вақт ўтиши билан жавобсиз қолдирилмаган хатоларим, сабрим ортидан етган хурсандчилик ва хотиржамликларим ўта бошлайди. Бувимнинг дастурхон устида бизларга қарата: "Болаларим, бу ўткинчи дунёда сабрли бўлинглар, Оллоҳ сабрли инсонларни севади", – дея насиҳат қилганини эслайман. Авлиёлар ўз ахлоқлари билан дунёнинг гўзал одамларига айланганлар. Менинг ҳам гўзал одамлар сафида бўлгим келади. Аҳдимдан тамоман қайтиб ширин энтикиб кетаман. Уйлайман, бувим мени ҳаётга тайёрлай бошлаганда ҳали гўдак бола эдим, ёшим улғайиб ҳаётдан завқ олиб яшаш учун курашар эканман, ҳар қадамда турфа кўринишда нафс қурбонларига айланган "ворис"ларга дуч келардим. Бу кўрганларим туфайли ҳар қандай ёмон амал ва ёвузлик пировардда ҳалоқатга маҳқум эканини англаб етганимда эса мен комил инсон сифатлари ҳақида қайгура бошлагандим. Бу учун кўпроқ бувимдан миннатдор бўлардим. Буни орадан анча йиллар ўтиб англаб етганимда эса энди афсусланишдан бошқа чорам йўқлиги алам қиларди.

Хонамга қамалиб олиб ўтмиш хотираларига берилар эканман, кейинчалик яна афсусланиб қолмаслигим учун тезда болалар олдига қайтишим шарт, деган қарорга келдим.

Эртасига дўстим ва шерикларининг хурсандчилиги ҳамда "Бовари хоним"нинг нафрат билан боқайтган кўзларига парво ҳам қилмай, жилла қурса, манзил сари бир қадам ташлаганимдан хурсанд бўлганимча хотиржам ҳолда уйга, болаларим олдига қайтдим.



## ДРАМАТИКУРА



### ЧОРШАЪМ

1955 йилда тугилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Шарқий кутб”, “Маҳак тош”, “Афанди алдамайди”, “Айро йўллар”, “Севгини соғиндим”, “Ошиқлик”, “Сайланма” китоблари чоп этилган.

## ИСМОИЛ СОМОНИЙ

Тарихий драма<sup>1</sup>

Иштирок этувчилар:

- Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний** – аввал Бухоро, сўнг Мовароуннаҳр, сўнг Хуросон амири.  
**Наср ибн Аҳмад** – Исмоилнинг акаси, Самарқанд ва Фарғона ҳукмдори.  
**Исҳоқ ибн Аҳмад** – Исмоилнинг укаси, шаҳзода.  
**Абу Абдуллоҳ (Абу Ҳафо Сағр)** – фикҳ олими, Бухоро уламулари пешвоси.  
**Симо ул Кабир** – Исмоилнинг сипоҳсолари, яқин дўсти, маслақдоши.  
**Амир ибн Лайс** – Хуросон ҳукмдори.  
**Исмат Марвазий** – Исмоилнинг вазири.  
**Фазл Марвазий** – Исмоилнинг дабири (котиб ва маслаҳатчиси).  
**Хусайн ибн Ало** – Исмоилнинг нақибни (соқчи бошиси).  
**Абу Муҳаммад Бухорхудот** – Бухоронинг собиқ ҳукмдорларидан.  
**Абу Ҳотам Ясорий** – Бухородаги энг йирик бой.

Жарчи, халойиқ, элчи, мулозимлар, иноқи калон, эшик оғаси, чошнагир, девонбеги, Тароз амири, мунший ва бошқалар.

<sup>1</sup> Қисқартириб берилмоқда.

## БИРИНЧИ ПАРДА

## Биринчи кўриниш

**Бухоронинг Регистон майдони. Тонг ёруғида Арк салобат тўкиб турибди.  
Жарчи овозини баландлатиб-баландлатиб саҳнага кириб келади.**

**Жарчи:** Уйғонинг, эй аҳли Бухоро! Фафлат уйқусида ётманг. Музаффарият, халойиқ, музаффарият! Регистонга жам бўлинг. Музаффарият! Хусайн ибн Тоҳир қочиб кетибди! Уйғонинг, эй аҳли Бухоро! Фафлат уйқусида ётманг!

**(Ҳар томондан халойиқ йиғила бошлайди)**

**1-киши:** Нима гап, тинчликми, биродар? Каллаи саҳарлаб нега бунча жар солаясиз?

**2-киши:** Яна уруш бошландими-а?

**3-киши:** Тўйгами ё азага хабар қиляпсиз, жарчи?

**Жарчи:** Хушхабар, халойиқ, хушхабар! Энди уруш йўқ! Хусайн ибн Тоҳир тунда қочиб кетибди!

**1-киши:** Вой, ростданми? Оллоҳга шукур-эй!

**2-киши:** Халқ бирлашса, тоғни ҳам талқон қилади, деганлари рост чиқди. Кечаги жангда тагин кўлимиз баланд келди. Қоронғи тушиб қолгани кўл келиб, саройга беркиниб олганди. Аттанг, қочиб кетгани чакки бўлибди-да. Бахти бор экан зангарнинг.

**2-киши:** Ажали етган бўлса, қочиб қутула олмайди.

**3-киши:** Рост айтасиз. Энди бу ёғига хушёр турмоғимиз, шаҳарни ўзимиз ҳимоя этмоғимиз зарур.

**1-киши:** Аммо бир томони борки, Бухоро тахти бўм-бўш. Унга кўз олайтириб турганлар қанча. Хусайн ибн Тоҳирнинг қочгани хабари Мовароуннаҳр тугул, Хуросонга ҳам етиб боради. Унда яна ёвлар қилич яланғочлаб келаверишади.

**3-киши:** Халойиқ! Қаранглар, устод Абу Абдуллоҳ келаяптилар!

**(Устодга йўл бўшатадилар)**

**Барча:** Ассалому алайкум, устод!

**Абу Абдуллоҳ:** Ва алайкум ассалом!

**1-киши:** Устод, хушхабар!

**Абу Абдуллоҳ:** Хабарим бор. Ҳозир огоҳ бўлиб бу ёққа ошиқдим. Халойиқ! Тезкорлик ила ҳаракат қилмоғимиз лозим. Йўқса, яна бирор босқинчи бошимизга битган бало бўлмасин!

**2-киши:** Биз ҳам худди шу ҳақда суҳбатлашиб турган эдик.

**Абу Абдуллоҳ:** Хўш, қандоқ қарорга келдингизлар?

**3-киши:** Ҳали бирор қарорга келганимизча йўқ. Аммо ўзимиздан бирор кишини шох кўтарсак, маъқул бўлармиди...

**1-киши:** Йўқ, шох бўладиган киши обрў-эътиборли, доно бўлмоғи керак. Менимча, бухорхудодлардан бировни қўйганимиз дуруст.

**2-киши:** Бухорхудотлар ҳокимиятни мустақкамлай олмаганлари учун ҳам тоҳирийлар чанғалиги тушиб қолгандик. Энди тахтни уларга берадиган бўлсак, эртага аҳволимиз танг бўлмайдами? Менимча, халифадан бировни шох қилиб юбориши учун Бағдодга мурожаат этмоғимиз маъқул.

**Абу Абдуллоҳ:** Халойиқ! Хуросонда тоҳирийлар салтанати тугади. Уларни саффаридлар қулатишди. Сўнги тоҳирий Хусайн Хоразмда, Бухорода ўрнашмоқчи бўлган эди, мана, охири вой бўлди. Бухородан ҳам қочиб кетди.

**1-киши:** Хуросонда ҳокимият тепасига саффаридлар келди дедингизми, устод? Улар ким ўзи?

**Абу Абдуллоҳ:** Саффаридлар раҳнамолари ака-ука мисгарлар Яқуб ибн Лайс бирла Амр ибн Лайсдир. Ҳозир Хуросон Яқуб ибн Лайс қўл остидадир. Хуросонга тобе бўлсак, аҳволимизда заррача ўзгариш содир бўлмас. Бошқа йўл тутмоғимиз лозим.

**1-киши:** Устод! Сиз раҳнамоимизсиз! Сиз нима десангиз, доимо бизга мақбул кел-

ган. Бу огир аҳволда ҳам биргина сиз тўғри йўл кўрсата олурсиз. Сўйланг!

**Барча:** Сўйланг, устод, сўйланг!

**Абу Абдуллоҳ:** Ён қўшни – жон қўшни деймиз! Самарқанднинг сувини ҳар куни ичамиз. Мана, Самарқандга, Фарғонага, Марвга ҳам сомонийлар ҳукмрон бўлгандан бери улар тинч-омон яшамқдалар. Нега? Чунки уларда сомонийларнинг тўрт ака-укалари тахтни эгаллаб турибди. Бировига хавф тугилса, қолганлари ёрдамга келиб бартараф этишади. Сомонийларнинг энг тадбиркори Самарқанд амири Наср ибн Аҳмаддир. Амир Насрга мактуб йўллаб, бизни ўз тасарруфига олишни ва лаёқатли амир юборишни илтимос қилмоғимиз лозим.

**2-киши:** Оқилона тадбир!

**Абу Абдуллоҳ:** Шунда элу юрт тинчиб, юртимиз яна обод бўлғуси, иншооллоҳ!

**3-киши:** Устод! Сиз бутун Бухоро аҳли номидан амир Насрга мактуб йўлласангиз, сўзингиз асло ерда қолмас. Тўғрими, халойиқ?

**Барча:** Тўғри, тўғри!

**Абу Абдуллоҳ:** Бу тадбирни тезда амалга оширмоқ даркор. Мен бугуноқ амирга мактуб ёзиб, ишончли кишилар билан жўнатурман. Илоҳо, бошимизга офтоб тегур! Қани, халойиқ, бир қўл очиб дуо қилайлик. *(Қуръондан оят ўқиб, дуо қилади)* Омин! Бухорои шарифни Оллоҳ таоло ўзи ҳар бир бало-қазолардан асрасин! Бошимизга саодатли бир амирни ато этсин! Элу юрт шод, мамлакат обод бўлсин! Оллоҳу акбар!

**(Барча дуо қилади, дуодан сўнг югуриб мулозим киради)**

**Мулозим:** Халойиқ, саройга югуринг, саройга!

**Барча:** Нима гап, тинчликми?

**Мулозим:** Бу хабардан ҳаммангиз хангу манг бўлиб қоласиз. Ҳусайн ибн Тоҳир биздан йиғиб олган гидрифи пулларини, дирҳамларини кумушга айлантирмоқчи бўлиб саройга уйиб ташлаган эди. Улим хавфидан кўрқиб, сарой деворини ёриб қочиб кетибди. Пулларни кўтариб олиб кетиб бўлармиди? Ҳозир бутун Бухоро пули саройда уюлиб ётибди. Ҳамма олиб кетяпти, сиз ҳам бенасиб қолманг, югуринг. Сарой тўла пул, пул.

**Барча:** Пул, пул, пул...

**(Ҳамма гала-говур солиб чиқиб кетади. Саҳна қоронгилашади.)**

**Иккинчи кўриниш**

Бухоро. Даргоҳ, яъни амирлик саройи. Ўртада безатиқли тахт. Ерга гиламлар тўшалган. Бир томонда ҳокиму ҳукамо, иккинчи томонда фозилу фузало саф тортиб турибди. Чеҳраларда байрамонга кайфият ила бир-бирлари билан сўхбатлашиб турибдилар.

**Абу Абдуллоҳ Исмоил Сомонийни бошлаб киради.**

**Абу Абдуллоҳ:** Марҳабо, амир! Бухоро тахти сизга мунтазир!

**Ҳамма:** Ассалому алайкум!

**(Барча амирга салом бериб таъзим этади)**

**Исмоил:** Ва алайкум ассалом! Эй аҳли Бухоро! Менга билдирган ишончингиз учун аввало, сизларга мен ҳам таъзим бажо айлайман. Бухоро учун бирга хизмат этурмиз! *(Таъзим бажо айлайди. Атрофда “офарин”, “амиримизга тасанно” каби хитоблар янграйди)* Устод! Гапнинг рости, аввалида Бухорога келишга кўнгул унчалик рўйхушлик бермаган эди. Сизнинг даъватларингиз ва тадбирларингиз бизга ишонч бахш этди. Энди кўряпмизки, янглишмаган эканмиз!

**Абу Абдуллоҳ:** Амирим! Бухородай улуг ва қутлуг заминга Оллоҳ назар солгандир. Шул боис ул фахрли ва шариф шаҳардир. Зарафшон дарёси минг йиллардан бери бу заминга зарларни ташийвериб, тупроқни олтинга айлантиргандир. Туркистондай муборақ ерлардан элу юрт келиб бу юртни янада обод айлаганлар. Еримиз ҳам, элимиз ҳам бир-бирига шу қадар муносиб тушганки, бунда фақат гуллаб-яшнамоқ муносибдир.

Фақат сўнги пайтларда бошимизга яхши шоҳ насиб этмаётган эди. Сизнинг ташри-фингиз ила Бухоро янада яшнагай, иншооллоҳ!

**Исмоил:** Иншооллоҳ! Биз ҳам шул ниятда бу оғир масъулиятни зиммамизга олишга журъат этдик. Ўзингиз устодлик қилиб турсангиз Оллоҳнинг инояти ила Бухорони тинч-тотувликда бошқарурмиз.

**Абу Абдуллоҳ:** Иншооллоҳ, иншооллоҳ!

**Исмоил:** Иншооллоҳ!

**Абу Абдуллоҳ:** Амирим! Энди бизнинг расм-русумларга бироз тоқат қилурсиз. Сизни бир бухороча кийинтириб, ўзимизники қилиб олайлик.

### (Ҳамма кулади)

**Исмоил:** То тахтга чиққунимизча инон-ихтиёримиз сизда. Бухорогаки олиб келдингизлар, энди бу ёғи ҳам бухороча бўлади-да.

**(Кулишадилар. Амир Исмоилга зар чопон, бошига тож кийгизиб, устидан олтин ва кумуш тангалар сочадилар)**

**Абу Абдуллоҳ:** Омин! Илоҳо амиримизнинг умрлари узун, тахтлари баланд бўлсин! Амиримиз келдилар, Бухорога бало асло келмасин! Оллоҳу акбар!

**(Барча омин қилади, амир Исмоил тахтга чиқади, “муборак”, “қуллуқ” маросими ўтади)**

**Исмоил:** Бухоро тахти бизга насиб этибдур, илоҳо, унга муносиб бўлиш ҳам насиб этсун!

**Абу Абдуллоҳ:** Иншооллоҳ насиб этур, амирим! (*Чошнағирга юзланиб*) Чошнағир! Амиримиз учун тайёрланган Бухоронинг машҳур қатигини олиб келингиз! (*Исмоилга юзланиб*) Амирим! Ҳар бир юртга борганда об-ҳавосига кўникмоқ учун ўша юртнинг қатигидан ичилур. Аммо Бухоронинг бир машҳур қатиги борки, уни Зармитан қатиги дерлар, ичсангиз батамом бухороликка айланурсиз. Сизга ўз қўлим билан тутқазай.

### (Чошнағир чинни косада қатиқ олиб киради)

**(Абу Абдуллоҳ косани олиб тўнкаради, қатиқ тўкилмайди, амир ҳайратда)**

**Исмоил:** Ажабо! Қатиқ тўла коса ағдарилса тўкилмайди? Бунда қандай сир бор?

**Абу Абдуллоҳ:** Барча сир унинг таркибидадур. Уни ичиб кўрмоқ ила синоатини билмоқ мумкиндр. Бу ҳам Оллоҳ мўъжизаларидан, амирим!

**(Амир Исмоил косани олиб тўнкариб кўради ва “ажабо”, “ажабо” деб ичади)**

**Исмоил:** Танимиз шу қадар баҳра топмоқдаки, бухороликларнинг бу қадар кучкуватга эга бўлиш сирларини энди билгандаймиз.

### (Чошнағир косани олиб чиқади)

**Абу Абдуллоҳ:** Бундай неъматлар Бухорода жуда серобдир. Улар танингизни кучкуватга тўлдирур. Рухингизни қувватлантирмоқ учун эса Бухоро санъатидан, фозилу фузалолари фазлидан, шоиру шуаролари назмидан бахраманд бўлмоғингиз лозим.

**Исмоил:** Биз бунга жуда орзумандмиз! (*Соқчибоши кириб Исмоилга таъзим қилади*) Не гап?

**Соқчибоши:** Амирим! Исёнчи Ромтин ва Баркад ўртасида бир тўда қароқчи йўлтўсарлар пайдо бўлиб, Бухорога ҳамла қилишга ҳозирланмоқдалар, деган хабар олдик.

**Исмоил:** Бухорога ҳамла қилишмоқчи? (*Тахтдан тушиб соқчибошига яқин келади*) Уларнинг сони қанча экан?

**Соқчибоши:** Тўрт минг киши, амирим.

**Исмоил:** Тўрт минг киши?! Бу оз куч эмас. Улар кимлардан ташкил топган, қуроллари қанақа?

**Соқчибоши:** Улар қишлоқлардаги бебош ва безорилардан жам бўлганлар. Қурол-яроқлари айтарлик эмас, қиличу болта-пичоқдан иборат.

**Исмоил:** Ёвга беписанд қараш улкан талофат олиб келади. Амр этамиз! Ҳозироқ қўшин жамланиб, қароқчилар маҳв этилсин! Йўлтўсарлар бошлиқлари қатл айлансин. Уларга йўл кўрсатиб турган раҳнамолари қўллари боғланиб Самарқандга жунатилсин. Жазони ўша ерда олурлар. Адашиб тўдага тушиб қолганлар афв этилсин.

**Соқчибоши:** Амрингизни бажо айлаймиз, амирим!

### (Соқчибоши чиқади)

**Исмоил:** Устод Абу Абдуллоҳ! Қанча орзуманд бўлмайдик, Бухоро санъати ва адаб аҳллари суҳбатидан баҳрамандликни кечиктирмақ зарурга ўхшайди.

**Абу Абдуллоҳ:** Начора, амирим, то юрт тинч бўлмас экан, кўнгилга шоду хуррамлик татимайди.

### Саҳна қоронғилашади

#### Учинчи кўриниш

**Даргоҳ – амир саройи. Исмоил Сомоний, Абу Абдуллоҳ ва бош мунший. Бош мунший қўлида қоғоз ва довод билан ёзув курсисида ўтирибди.**

**Исмоил:** Ёзинг! (*Юриб туриб айтади*) “Улуғ оғамиз Наср ибн Аҳмад ибн Асад ас-Сомонийга. Оллоҳ таолодан тахтларини янада сарбаланд айлашини тилаб маълум эта-мизки, паноҳлари соясида Бухорода тинчлик ва осойишталик қарор топтириш йўлида саъй-ҳаракатдамыз. Хусайн ибн Тохирни Жайхун ёқасида икки минг кишилиқ қўшини билан тор-мор айладик. Энди у бизнинг ерларга келишга журъат эта олмайди, деган умиддамыз. Бухорода раъият тинчлигини ўйлаб оғамиздан бир мадад зарур, дея илинждамыз. Бухоронинг бир гуруҳ олий амирлари ва боёнларини хузурингизга йўлладикким, Бухорода барқарорлик юзага келгунча уларни ўз хузурингизда сақласангиз. Шаҳримизда тинчлик қарор топган, уларни сўраттириб олиб, ҳожатларини раво этурмиз, ҳуқуқларини риоя қилурмиз.

Бизнинг бу тadbир оғамизга маъқул тушар, деган умидда беадад ҳамду санолар ила биродари Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний ”.

### (Бош мунший таъзим қилиб чиқади)

**Абу Абдуллоҳ:** Оқилона тadbир бўлди, амирим!

**Исмоил:** Бу тadbир сизнинг ва бизнинг дилимизда кечгани боис ҳам оқибати хайрли бўлишига ишонурман.

**Абу Абдуллоҳ:** Менинг ҳам сира шубҳам йўқ.

### (Иноқи калон Абу Муҳаммад Бухорхудот ва Абу Ҳотам Ясорийни бошлаб киради)

**Бухорхудот:** Ассалому алайкум!

**Ясорий:** Ассалому алайкум!

**Исмоил:** Ваалайкум ассалом! Аҳволларингиз қандай? Мол-мулклар, экин-тикин-ларга хавф-хатар етаётгани йўқми?

**Бухорхудот:** Худога шукур, юрда тинчлик барқарор бўла бошлади.

**Ясорий:** Айрим ёнган уй-жойлар, топталган экин-тикинларни ҳисобга олмаса, унча зиён кўрмадик. Аммо бу зиёнларни тўлашни талаб этган тақдиримизда ҳам амирликда маблағ топилармикин?

**Бухорхудот:** Амиримиз бизни бул мақсадда чақирмаган бўлсалар керак.

**Исмоил:** Тўғри топдингиз. Биз сизларни бошқа мақсадда чорлатган эдик. Модоми-

ки, молу мулкларингиз зарар кўрмаган ва бежавотир экан, сизларга бир масъулиятли вазифани юкламоқчимиз.

**Ясорий:** Масъулиятлари бош устига!

**Исмоил:** Сизлар Бухоронинг энг улуғ бойлари саналасиз. Маълумингизким, биз ҳар йили оғамиз амир Насрга беш юз минг дирҳам хирож тўлаб туришимиз лозим. Аммо уруш талофатлари боис бунча маблағни ҳозир йиғиб бериш иложсиз. Шул сабаб Самарқандга бориб, оғамиз ҳузурида амирлик номидан узр сўрасангиз. Бухоронинг бообрў ва бадавлат кишиларидан бўлганларингиз сабаб сизларнинг сўзларингиз ишончли бўлур.

**Бухорхудот:** Амрингизга буйсунамиз.

**Ясорий:** Биз ҳам амрингизни адо этмоққа тайёрмиз.

**Исмоил:** Ўзларингиз ила Бухоро улуғларидан ҳам олинг.

**Бухорхудот:** Тайёргарлик учун бир неча кун муҳлат берсангиз.

**Исмоил:** Рухсат. Сизларга оқ йўл!

(Иноқи калон Бухорхудот ва Ясорийни бошлаб чиқади. Эшик оғаси кириб таъзим қилади)

**Эшик оғаси:** Амирим! Девонбеги калон ҳузурингизга кирмоққа изн сўрайди.

(Эшик оғаси чиқиб, девонбеги калон киради)

**Девонбеги:** Ассалому алайкум, амирим! Бухорони ёвлар хужумидан ҳимоя этиш мақсадида подшоҳ Хотун даврида узундан-узун девор урилган. Уни Канпир девор ёхуд Канпирак деб атайдилар. Ҳар йили хазинанинг бир қисми шу деворни таъмирлашга кетур. Ёгин-сочин бошланмай туриб ҳашар ташкил этмоқ, жадаллик ила ишга киришмоқ зарур. Хазинадан маблағ ажратишга фармон берсангиз.

**Исмоил:** Ҳатто Чин девори ҳам кучли ёв йўлини тўса олмас. Шундай эмасми, устод?

**Абу Абдуллоҳ:** Шундай, амирим!

**Исмоил:** Мамлакат заиф бўлса, ҳеч қандай девору қалъалар ҳам дош бера олмайди. Амр этурмиз! Бу йилдан эътиборан “Канпир девор”ни таъмирлаш ишлари тўхтатилиб, унга сарф бўладиган маблағлар злу юрт фаровонлиги ва мадрасою хонақоғлар қурилишига сарфлансин! То тирик эканман, Бухоронинг девори мен бўламан!

Саҳна қоронғилашади

Тўртинчи кўриниш

Бухоро ва Самарқанд оралиғидаги Возбадин қишлоғи. Амир Исмоил ёлғиз. Фаромуш ҳолда безовта юриб сўзлар.

**Исмоил:** Ў, тақдири азал! Мен хавфсираб юрган пайт ҳам келди. Оға-ини орамиздаги ихтилоф охир-оқибат бизни рўбарўй айлади. Бир она қорнидан талашиб тушган икки ўғлон жангда масалани ҳал этса-я? Қандай кўргилик бу? Тарих менинг юзимга қора чаплашга ҳақли. Чунки мен кичикман. Нима бўлганда ҳам оғамга бўйин эгмогим лозим эди... Аммо бу бешафқат умр экан-да. Эҳ, устод Абу Абдуллоҳ ҳаёт бўлганларида оқилона йўл кўрсатган бўлур эдилар.

(Симо киради)

**Исмоил:** Симо! Дўсти қиёмат! Сўзланг, аҳвол қандай?

**Симо:** Қўлимиз баланд келяпти. Қуллардан ва маволийлардан йиғдириб келган лашқарингиз шижоати, тагин инингиз Исҳоқ ибн Аҳмаднинг Фаробдан ўз вақтида қайтиб келгани боис куч бизда устунлик қияпти. Худо хоҳласа, зафар кучажамкиз!

**Исмоил:** Оллоҳга шукур!

**Симо:** Бухоро ғозийларидан чиққан икки минг киши, қишлоқлардан йиғилган лаш-

кар ҳам даъватингизга муносиб жанг қилмоқдалар.

**(Ҳарбий бошлиқ бўлмиш нақиб киради)**

**Нақиб:** Амирим!

**Исмоил:** Сўйланг, нақиб, тезроқ сўйланг!

**Нақиб:** Фаргона лашкари енгилди. Абул Ашъас қочди.

**Исмоил:** Симо! Тезда жанг майдонига кириг. Оғам Насрга кўз-қулоқ бўлинг. Яна бирор қор-ҳол бўлиб, унга зарар етмасин. Тезда етиб боринг!

**Симо:** Хўп бўлади, амирим!

**(Симо чиқади)**

**Исмоил:** Сизга ҳам рухсат, нақиб, сиз ҳам ёрдамга шошилиг.

**(Нақиб чиқади)**

Э, Оллоҳ! Бизнинг бу қилмишларимизни афв эт! Асло бошқа замонларга, бошқа авлодларга кўрсатма! Эҳ, у ёнда самарқанду фарғоналиклар, бу ёнда эса бухорою хоразмликлар, у ёнда туғишган оғам, бу ёнда мен. Нақадар аянчли ҳол бу. Бу ҳол менга айна галаба қозонаётганда таъсир этаётгани ҳам ажабланарли. Жанг оқибатларини ўз кўзим билан кўрмоғим зарур.

**(Бир томонда Исмоил чиқиб, бошқа томондан эса қўлида ёстиқ тутиб, афтодаҳолда амир Наср ибн Аҳмад ва Симо кириб келишади. Амир Наср ёстиқни ерга ташлаб ёнбошлайди)**

**Симо:** Амиримга ҳозир хабар етуқурман, сал ҳордиқ чиқариб туриг.

**(Амир қўли билан “боравер” ишорасини қилади. Симо чиқади)**

**Амир Наср:** О, Исмоил! Бир пайтлар отамизнинг қули бўлган шу болани сипоҳсолари қилиб олибди. Жангга эса қулларни, яна озод қуллар — маволийларни солибдур. Уларга қурол бериб бўлуirmi? Эртага саройга бостириб кириб, ўзини тахтдан ағдарилмасе эди.

**(Исмоил, Симо ва бошқа ходимлар киради)**

**Исмоил:** Ассалому алайкум, оға! *(Келиб оғаси ёнбошлаган ёстиқни ўпади)* Ё амир! Худонинг ҳукми шу эканки, мени сизга қарши қўйди.

**Наср:** Мен бу қилган ишларингга ажабланаман. Ўз амирингга бўйсунмадинг?

**Исмоил:** Эй амир! Сиз фазилатда мендан улугроқсиз, менинг бу катта гуноҳимдан ўтиб, афв этасиз, деб умид қиламан.

**Наср:** Авваллари сенинг кўзларингга исён кўрар эдим. Бухорога амир этиб тайинлаганимда ҳам исён этмасми, деган хавотирда эдим. Мана, оқибати. Бухоро молидан ҳар йили беш юз минг дирҳам юбориб туришни сенга вазифа қилиб қўйган эдим-ку! Нега бажармадинг?

**Исмоил:** Эй, амир! Бухоро энди қаддини тиклай бошлади. Ёвлар ҳужумидан қуйган, харобага айлантирилган шаҳарни тиклаш, таланган, забун ҳолга тушган халқни оёққа турғазиш қайғусида бўлиб буюрган вазифангизни бажаролмай келдик. Буни афв этасиз, деб кутган эдик. Модомики, жанг юз берган экан, у бизнинг оға-инилигимизга заррача зиён етказмагай.

**Наср:** Эҳ, иним, иним. *(Ўрнидан туриб Исмоилга яқин келади)* Сен болалигингда ҳам меҳрибон, ишонувчан бола эдинг. Ҳали ҳам болалигинг қолмабди.

**Исмоил:** Эсингиздами, ёзининг ойдин-узун кечаларида богда ёнма-ён этиб хаёл сулар эдик. Улуғ салтанат тузиш орзуси билан яшардик.

**Наср:** Ҳа-ҳа, худди ҳозиргидек эсимда. Сен подшоҳ бўлсанг, бутун элатларни бирлаштириб, ислом дини гуллаб-яшнайдиган, эли фаровон мамлакат барпо этишдан

сўзлардинг. Сўйлай-сўйлай, охири, жимгина ухлаб қолардинг. Ўшандаги ҳолатинг шунчалар маъсум, шунчалар бегубор эдики... Бугун эса... эҳ... (Кўзига ёш олади)

**Исмоил:** Амирим! Сиз ҳам худди шундай фикру ўйда, орзу-ниятда эдингиз. Фикримиз бир ердан чиққанига шодланар, оламда биздан иноқ оға-ини йўқдек эди...

**Наср:** Аммо ичимда, мана шу танамнинг қаеридадир тафовут борлигини сезардим. Мен акаман, мен аввал амир бўламан, мен аввалроқ бу орзуларга эришаман... мен, мен, мана шу мен бугун мени менсиз эттириб турибди-ку. Йўқса, сени иним деб аяшим, аҳволингни била туриб бу қадар таъқиб этмаслигим, чўлма-чўл қувмаслигим даркор эди-ку. Бу тўкилган қонлар-чи? Уларнинг уволи охир-оқибат ёқамдан тутмагайми?

**Исмоил:** Эй, амир! Ўзингизни бу қадар хўрлашингиз ҳам ножоиз.

**Наср:** Ҳозир иқрор бўлиб турибманки, сен ҳақсан, иним Исмоил. Умримнинг қанча қолган-қолмаганини билмайман, аммо оламдан кўз юмар чоғимда сени Мовароуннаҳр ерларига амир этиб тайинлайман. Ўғилларимга ҳам сенга бўйсуншни васият қилиб қолдираман. Буни асло унутма, Исмоил. Энди эса мени Самарқандга кузатиб қўйсинлар.

**Исмоил:** Симо! Абдуллоҳ ибн Муслим ила навқар олиб оғамизни кузатиб борурсизлар.

**Симо:** Хўп бўлади, амирим!

### (Исмоил ва Наср кўзга ёш олиб хайрлашадилар)

**Наср:** Оллоҳ қайта кўришмоқни насиб этмаган бўлса, алвидо, иним. Сўзларимни асло унутма! Сенинг йўлинг ҳақ йўл, Исмоил! Бу йўлдан асло қайтма! Алвидо!

**Исмоил:** Хайр, оға! Хайр денг оға! Хайр...

## Парда

### ИККИНЧИ ПАРДА

#### Бешинчи кўриниш

(Амир Сомоний тахтада ўтирибди. Эшик оғаси кириб таъзим қилади)

**Эшик оғаси:** Амирим! Хуросон амири Амир ибн Лайсдан элчи келиб, ҳузурингизга кирмоққа изн сўрайдир.

**Исмоил:** Рухсат.

(Элчи кириб таъзим қилади)

**Элчи:** Ассалому алайкум! Хуросоннинг улуг амири, мусулмонларнинг пушти паноҳи Амир ибн Лайс аълоҳазратдан сизга мактуб етказиш бизнинг зиммамизга юклатилган.

(Элчи мактубини кичик иноқ олиб муншийга беради, мунший овоз чиқариб ўқийди)

**Мунший:** “Амирал мўъминин Амир ибн Лайс биллоҳдан амирал мўъмининнинг ғуломи Абу Иброҳим Исмоил ас-Сомонийга. Амр этурмизки, бизга бўйсунсин. Сўнгра биз қуйидаги ваъдаларни берурмиз...”

(Исмоил қўлини кўтариб ўқишни тўхтатади)

**Исмоил:** Элчига яна қандай хабарларни етказиш амр этилган?

**Элчи:** Балх амири ва Гузғонийён амирлари аллақачон Амир ибн Лайсга бўйсундилар.

**Исмоил:** Сизнинг хожангиз шу қадар нодонми, мени улар қаторида санабди. Улар менинг қулларим-ку. Менинг сизларга жавобим – шамшир! Мен билан хожанг ўртасида урушдан бошқа нарса йўқ. Қайтиб бориб унга айтинг! Уруш асбобини созласин! Ижозат.

(Элчи норизо аҳволда чиқади)

**Симо:** Амирим, Хуросон лашкарлари бизнинг қўшиндан бир неча баробар ортиқ.

**Исмоил:** Халқ улкан уммондир. Ундан қудратли куч ёлғиз Оллоҳдир. Бою камбағалга қурол-яроқ берурмиз. Жарчиларга буюрингиз. Бор овозда халққа етказсинлар. Десинларким: “Хуросон амири Амир ибн Лайс Мовароуннаҳрни эгаллаш, одамларни ўлдириш, мол-мулкларини талаш, болаларимиз ва аёлларимизни қул қилиб олиб кетиш учун келмоқда. Жангга шайланинг!” Иймоним комилки, унга жавобан Мовароуннаҳрдаги жами халқ “асирликдан кўра шарафли ўлим афзал”, дея жангга чиқур. Дабир Фазл Марвазийсиз, қандай маслаҳат берурсиз?

**Фазл Марвазий:** Амирим! Аввало, саффаридлар кимлигига эътибор қилмоқ лозим. Улар асли Сейистондан чиққан мисгарлар – ака-ука Якуб ва Амир ибн Лайсдур. Ҳозирлардан аскарлар йиғиб Хуросонни тоҳирийлардан тортиб олдилар. Энди бизга кўз олайтирмоқдалар. Аммо улар Мовароуннаҳрни эгалламагунча куч-қудратлари кучаймаслиги аён. Якуб ибн Лайс жасури лашкарбоши эди. Амир ибн Лайснинг заиф ерлари кўп. У ошқора ҳолда кучларини бирин-кетин Омуяга, Жайхун дарёси бўйига йиғмоқда. Мақсади аён.

**Исмоил:** Вазир Исмаат Марвазий?

**Исмаат Марвазий:** Амирим! Фақуллода ҳаракат қилмоқ лозим. Амир ибн Лайс барча кучларини бир ерга жамлашига йўл қўйиб бўлмайди. Вақт ганимат.

**Исмоил:** Сипоҳсолар Симо?

**Симо:** Вазир ва дабирнинг гаплари ҳақ, амирим!

**Исмоил:** Маъқул. Жангга шайланинг!

## Саҳна қоронғилашади

### ИККИНЧИ ПАРДА

#### Олтинчи кўриниш

Балхга яқин жой. Очиқ майдонда Амир ибн Лайс ухлаб ётибди. Икки хизматчи қилиб келади. Амир бойлигини олмоқчи эканлигини бир-бирларига имо-ишора қилиб тушунтиришади. 1-хизматчи қамчиси билан Амир ибн Лайснинг бурнига туртади. Амир чўчиб уйғонади.

**Амир ибн Лайс:** Кимсизлар? Бир кекса кишидан нима истайсизлар?

**1-хизматкор:** Кўринишингдан бой-бадавлат кишига ўхшайсан, кимсан ўзинг?

**Амир ибн Лайс:** Мени ўлдирманглар.

**2-хизматкор:** Ниманг бор?

**Амир ибн Лайс:** Ҳар бири етмиш минг дирхам қийматидаги бир неча марваридим бор. Мана, олинглар. Мана, узугимни ҳам бераман, олинглар. Кўзи қизил ёқутдан.

**1-хизматкор:** *(Узукни кўриб таниб қолади)* Ахир, бу Амир ибн Лайс-ку!

**2-хизматкор:** Хуросон амири Амир ибн Лайс, бир қошиқ қонимдан кечинг.

**(Хизматкорлар келиб амирнинг этагини ўпадилар.  
Атрофдан ғала-ғовур овозлар кела бошлайди)**

**Амир ибн Лайс:** *(хизматкорлар саросимага тушиб қолганини кўриб)* Менинг отимни миниб қочинг.

**(1-хизматкор секин қочади, ғала-ғовур қилиб одамлар киради ва амирнинг этигини ечиб оладилар. Сўнг бирдан ҳамма тум-тарақай қочади. 2-хизматкор амирни маҳкам ушлаб олади. Мулозимлари ила Исмоил Сомоний киради)**

**Исмоил:** Амир ибн Лайс? Сизга нима бўлди? Қандай аҳволга тушиб қолдингиз?  
*(Амир ҳолига қараб кулади)*

**Амир ибн Лайс:** Ҳа, энди мени Амир десалар, худди устимдан кулиб гапираётгандай туюлмоқда.

**Исмоил:** Сизга Амир дея исм берилган. Бу номга содиқ қолинг, амир!

**Амир ибн Лайс:** Исми жисмига монанд келмайдирган ўғлон ё бу дунёдан кўз

юммоғи, ё ўз исмини ўзгартириб, хилватнишин яшамоғи лозим.

**Исмоил:** Шукур қилинг, амир. Бу жангу жадаллар, зафар, мағлубият – барчаси тақдир ишидир. Сизнинг биродарингиз Якуб ибн Лайс ўрнак бўларлик даражада ботир эди. Аммо куч қаердалигини билмоқ ва унга таянмоқ лозим. Фақат оғангиз халифа билан бўлган жангда занжилар сардори Али ибн Муҳаммад Бурқанинг кўмагидан воз кечиши боис мағлуб бўлди. Бунга сабаб, биродарингиз қулликни сақлаш тарафдори эди. Тагин Оллоҳ таоло инон-ихтиёрига қарши бориб, куёшга сажда қилмоқ лозим, деб биларди.

**Амир ибн Лайс:** Энди бу гапларнинг ҳеч фойдаси йўқ. Мен оғам Якуб ибн Лайс асос солган саффаридлар сулоласига, бутун мисгарлар шаънига доғ туширдим. Энди жазога лойиқман.

**Исмоил:** Сизга жазони халифа амирал мўъминин Муътазид белгилайди. Бизни саропарда (*ўтовга ишора қилади*) ичида иззат-икромлар кутмоқда. Аммо мени сиздай амир қандай қилиб асир тушгани ҳайрон қолдирмоқда.

**Амир ибн Лайс:** Бу ҳам бир кўргилик экан, амир. Жангда енгилиб қочиб кетаётган эдим, отим чарчаб қолди. Отдан тушиб ухладим, уйгонганимда бошимда иккита хизматкор турганини кўрдим. Бири қочиб кетди, бири эса мени тутиб берди. Менда қирқ минг дирҳам бор эди, уруш вақтида мандан тортиб олдилар. Эллик фарсанг масофага чопиб бора оладиган от устида эдим. Отнинг оёқлари ариққа тушиб кетди, отдан йиқилиб, жонимдан умид уздим. Ҳалиги икки киши мени ўлдиришга қасд қилганларида ўзим билан турган кишига "Менинг отимга миниб қоч", дедим. У отга миниб олди, қарасам, от худди булутдек югуряпти. Англадимки, бу менинг давлатим кетганидан экан. Айб отда эмас экан.

**Исмоил:** Тақдирдан қочиб бўлмас. (*Хизматкорга қараб*) Амирнинг бойликларини қайтариб беринг.

### (Хизматкор марваридларни қайтариб беради)

**Амир ибн Лайс:** Сизнинг олийжаноблигингиз ҳақида кўп эшитганман, ҳозир ҳам тан бериб турибман. Мен ҳам сизга бир яхшилиқ қилмоқчиман. Мен Балхда ўн харвор – ўн эшакка юк бўлувчи олтин беркитганман. Буюринг, уни олиб келсинлар. Уларга эга бўлишга бугун сиз сазоворқоқсиз.

**Исмоил:** Ташаккур. Аммо ул олтинларни ўзингизга берурмиз. Биздан қандай тилагингиз бор? Айтинг.

**Амир ибн Лайс:** Менинг тақдирим сизга ҳам, ўзимга ҳам аён. Халифа Муътазид мени барибир омон қўймайди. У сиздан мени сўраттириб олиб, сизни Хуросон амири этиб тайинлайди. Бу – ойдай равшан. Менинг тақдирим энди унинг қўлида. Илтимо-сим шулки, менинг фарзандларимни яхши қарасинлар. Агар мени Бағдодга халифа хузурига олиб кетсалар, йўлда яхши муомалада бўлсинлар.

**Исмоил:** Бу истагингизни бажо айлармиз.

**Амир ибн Лайс:** Сиз Худо ёрлақанган, мен эса Худо қарғаган Амирман, амир...

## Парда

### ИККИНЧИ ПАРДА

#### Еттинчи кўриниш

Бухоро яқинидаги Зармон қишлоғи. Боғдаги улкан дарахт остида, сўрида бемор ҳолда Исмоил Сомоний ётибди. Атрофда мулозимлар. Исмоилнинг боши устида Симо. Тонг ёришиб келаётганидан хабар бериб қушлар сайрамоқда.

**Исмоил:** Хазон фасли. Барглар аста-секин дарахтларни тарк этмоқда. Умр ҳам мисоли бир япроқ. Чирт этади-ю, узилади-кетади. Қушлар эса сайрайверади, сайрайверади. Нима деб сайраркин улар, дўстим? Ҳадиси шарифни олиб мен хуш кўрадиган ривоятни ўқинг. Уни шу дамда яна тинглагим келяпти.

**Симо:** Хўп бўлади, амирим! (*Китобни олиб, керакли жойни топиб ўқийди*) Бисмиллаҳир-роҳманир роҳим. Салмони Форсийдан бир ҳадис ривоят қилинган. Салмоннинг айтишича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай деганлар: Жаб-

роил алайҳиссалом айтганки, кун чиқиш томонда бир жой бор, уни Хуросон, дейдилар. Унинг учта шахрини қиёмат куни ёқут ва маржонлар билан зийнатлаб келтирадилар. Улардан нур чиқиб туради. У шаҳарларнинг теварагида фаришталар кўп бўлиб, улар тасбиҳ, ҳамд ва такбир айтадилар. Келинни куёв уйига олиб боргандек, у шаҳарларни эъзоз ва икром билан маъшароҳга олиб келадилар. Бу шаҳарларнинг ҳар биридан етмиш мингдан байроқ, ҳар бир байроқ тагида етмиш мингдан шаҳид ётган бўлади ва ҳар бир шаҳиднинг шафоати билан етмиш минг киши азобдан қутулади.

Қиёмат куни у шаҳарларнинг ҳар тарафи: ўнг ва сўли, олди ва орқаси ўн кунлик йўл бўлиб, буларнинг ҳаммасида шаҳидлар туради.

Ҳазрати пайғамбаримиз сўрабдилар:

– Эй Жаброил! У шаҳарларнинг номларини менга айтинг!

Жаброил алайҳиссалом:

– Шаҳарларнинг бирини араб тилида Қосимий, форсчада Яшкард дейдилар. Иккинчисини арабчада Самарон, форсчада Самарқанд, дейдилар. Учинчисини арабчада Фохира, форсчада Бухоро, дейдилар, – деб жавоб берибдилар.

Шунда пайғамбаримиз сўрабдилар:

– Эй Жаброил! Нега Фохира деб атайдилар?

Жаброил дебдилар:

– Шунинг учунки, қиёмат куни Бухоро шаҳри ўзида шаҳидларининг кўплиги билан фахр қилади.

Шунда пайғамбаримиз хитоб қилибдилар:

– Эй Худо! Фохирага баракат бергин! Унинг халқлари дилларини тақво билан пок этгин! Ишларини покиза қилгин ва уларни менинг умматимга марҳаматли қилгин!

Ана шу маъни туфайли Бухоро аҳлининг раҳмдиллиги, иймони бутунлиги ва поклигига кун чиқиш ва кун ботиш гувоҳлик беради.

**Исмоил:** Кун чиқиш ва кун ботиш гувоҳлик беради. Симо! Бу нақадар улуг иноят. Шундай заминда яшаганимиз учун ҳам Оллоҳга беадад шукурлар айтмоғимиз лозим. Туришимга ёрдам бериб юборинг.

**Симо:** Уриниб қоласиз, амирим!

**Исмоил:** Тонг ёришяпти, Симо! Ҳозир куёш чиқади. Куёш чиқиш олди бундай ётмоқ ярашмайди. *(Исмоил Симо ёрдамида туриб саҳнага яқин келади)* Зармон қишлоғи Жўйи Мўлиённинг энг муборак жойидир. Дунёда бундай гўзал ерни кўрмаганман. *(Атрофга аланглайди)* Эсингиздами, Симо! Бир пайтлар шундай жойларга етишишни орзу этиб юрардим.

**Симо:** Худди кечагидай ёдимда. Сиз менга қараб: “Қанийди бир вақт келса-ю, Худой таоло бирор сабаб тугдириб бу ерларни сизлар учун сотиб олсам ва менга умр берса, бу ерлар сизларники бўлганини кўрсам”, дердингиз.

**Исмоил:** Чунки бу ерлар Бухоронинг барча ерларидан қийматлироқ, яхшироқ ва хушхавороқдир.

**Симо:** Сиз туфайли бу жаннатмакон жой мендек маволийларга – оозод қулларга вақф қилиб берилди ва Жўйи маволиён, деб аталди.

**Исмоил:** Кўпчилик халқ уни Жўйи мўлиён, деб атамоқда. Нақадар гўзал ном. Жўйи мўлиён бўйларида ўтириш завқи менга куч-қувват бахш этур. *(Ўйга толиб)* Ажаб тақдир экан, дўсти азиз Симо. Ота-боболаримиз Балхдан. Мен эса Фарғонада туғилдим. Самарқандда вояга етдим. Умрнинг қолган қисми Бухорои шарифда кечди. Бухоро тақдирини ўйлайман. Мен унга муносиб фарзанддай хизмат эта олдимми?

**Симо:** Тақдирингиздан асло нолиманг. Сиз туфайли Бухоро пойтахтга айланди. Тинч-тотувлик барқарор топди. Бухоро сиз сабаб равнақ топди.

**Исмоил:** Ташаккур, дўстим! Илтифотингиз учун ташаккур! Мен Бухоро девориман деб айтишга жазм этгандим. Шундай бўла олган бўлсам, армоним йўқ. Бухоро, Бухоро! Нақадар сеҳрли ном! Эшитганим бор. Бухоро номи суғдча – Тангри жамолидай юрт, деган маънони англатар экан.

**Симо:** Шундай, амирим! Бу – улуг, шарафли ном!

**Исмоил:** Қаранг, куёш чиқмоқда, куёш! Бу – Бухоро куёши! Оллоҳ жамолидай юртни ёритгани куёш чиқмоқда! Мени куёшга бошланг, Симо, куёшга!



## НАЪМ

### Одил ҲОТАМОВ

1950 йили туғилган. Тошкент Давлат университети  
(ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика  
факультетида таҳсил олган.

Унинг “Умр шами”, “Нихоҳлар”, “Дала йўли”, “Нафас”  
каби шеърӣ тўпламлари ҳамда “Юксакдаги дарахт” насрий  
китоби нашр этилган.



## СУРАТЛАР ШАКЛИ

\*\*\*

...Саҳфаларда чайқалар дунё,  
Дилга мезбон турфаранг сўзлар.  
Вужуд ва руҳ тенгиб, зим-зиё,  
Кечалардан исмингни излар...

...Еллар ифор сочар, тупроқ йўл,  
Чангдан ортиқ не берар танга.  
Севилганга қадрдондир ул,  
Ундан яқин севилмаганга...

\*\*\*

1. Шаклар сурати, суратлар шакли,  
Қаҳратон қаҳридан музлаган, қотган.  
Ҳаётга ташиналаб илдизлар шаксиз,  
Она-ер бағрига чуқурроқ ботган.

Суратларга сизмас кўнғил саҳроси –  
Ялдо кечасидай узун ингроқ, зор.  
Қоп-қора тўйгулар ошиб сафроси,  
Рангларга йўл бермас, кутку – нобакор...

...Ташиналаб илдиздай бағрингга ботиб,  
Поклана олсайдим, улугвор ҳаёт.  
Қаҳратонда қотган гулни уйғотиб,  
Самога ўрласа музаффар баёт.

Ранглар қатларида мўъжиза бисёр –  
 Рух ила пайваста бўлгани чоғи.  
 Ям-яшил бонг чалиб уйғонар баҳор,  
 Бошланар бойчечак, майса тўлғоги...

2. Шақлар сурати, суратлар шакли.  
 Маъно-мазмунидан фикр тўқисам.  
 Ўсмир Алишердай адашмай асли,  
 “Мантиқ ут-тайр”ни ёддан ўқисам.

Синдириб аламлар харсангтошини,  
 Бобур нигоҳида Тоғжамаҳал тарҳи.  
 Синдирар гофиллик зилдай лошини,  
 Аниқ аён бўлар фасллар шарҳи.

Яратган ишқида Маширабдай куйсам,  
 Қайта тирилтирса исмин нафаси.  
 Ҳолим баён этгач, қайтадан суйсам,  
 Мавлоно Румийдан қолган най саси.

Кўрашлар, қиёслар тинмагай асло,  
 Бедор тафаккурга келмагай малол.  
 Мангу жумбоқларни ечгайдир, аммо,  
 Одамзоднинг ўзи энг улкан савол...

\*\*\*

Пастак қулба – уйимда,  
 Ўйлайман дунёларни.  
 Ҳайдайман зил уйимдан:  
 Сароблар, рўёларни.

Келар айлабон шукур,  
 Улкан олам ҳам бўлиб,  
 Тонггача тушгай зикр –  
 Юрак жамулжам бўлиб.

\*\*\*

Қалбим аро ўтли түгёнлар  
 Ўтга солар жону жисмимни.  
 Менсиз ҳолдан тойган имконлар  
 Наҳот билиб чорлар исмимни.

Юлдузларин ёқади оқишом,  
 Ҳилол – орзу қалами билан.  
 Армонларга умрлар ош-нон,  
 Ошиқ ёнар алами билан.

Узун кеча. Соялар дилдош,  
 Қўшиқларим айтавераман.  
 Йнак қурти – энг содиқ сирдош,  
 Ўзлимга қайтавераман.

\*\*\*

Бахтдан кўзим ёшлаёлмайман,  
 Сидирганча кўлка, лошларни.  
 Йўлдан олиб ташлаёлмайман,  
 Товонимни тилган тошларни.

Боғланганман шунчалар ортиқ,  
 Минорадай ҳақиқатларга.  
 Юрагимни айлайман тортиқ,  
 Нур уммони – тариқатларга.

Тинсиз чорлар ям-яшил эпкин,  
 Яқинлашар юрсанг гар куйи.  
 Юзларимни ювади секин,  
 Бахтдан ортган бир томчи кўёши.

\*\*\*

Қирлар зинапоя осмон сари,  
 Тоғлар мангуликка тахтиравондир.  
 Боғларда шамоллар машваратлари,  
 Минг йиллик балхтўтлар ҳамон омондир.

Юрсанг, сурилгайдир уфқ кўздан нари,  
 Қайтмаган изларим қай йўлда йитмиш.  
 Олис болагим қизгалдоқлари  
 Томлардан даштларга аразлаб кетмиш.

\*\*\*

Ҳайрат асли тилсимланган ранг,  
 Туини ўннга йўйгайдир ҳилол.  
 Сир-синоат сандиги-жаранг,  
 Тафаккурдан топгайдир камол.

Ҳайрат асли бедор, тинсиз жсон,  
 Рух сувратин мусаввиридир.  
 Камалакка аталган эҳсон,  
 Чечакларнинг тасаввуридир.

Кишанларга азал кушанда,  
 Зиндонларга сизмаган шуур.  
 Унга ноил бўлсин ҳар банда,  
 Пешонасин силасин ишқ, нур.

...Ҳайрат асли...

Навоий



## НАЗМ

### ХУРШИДА

1967 йилда туғилган. ТДПУнинг филология факультетини тугатган. "Алдамчи тонлар", "Сизмагай жисимим жаҳонга", "Изҳор", "Таржима", "Самойнур" (сайланма) каби шеърӣй тўпламлари нашр этилган.



## ҲИҶОНИШ АЙЁМИ ҲИҶОТЛАР УМИД

\*\*\*

Келди дилга умид баҳи этиб баҳор,  
Иффор таратмоқда гулбоғлар ажиб.  
Исмингни энг латиф сўзларга ўраб,  
Аста пичирлайман беҳол, музтариб.

Сенга етолмайди тилакларим хуш,  
Сендан кетолмайди маҳзун хаёлим.  
Қушлар беролмайди юракка таскин,  
Сенсиз сайри боғлар гариб, малолли.

Баҳор – бу дунёга улашгувчи нур,  
Ишиқ куйин чалгувчи юрак тори-ла.  
Энг мушкул савдо бу – изҳори кўнгли,  
Дил муқим бешафқат сукут бағрида.

Ҳунчалайверсаю очолмаса гул,  
Висол не билмаса муҳаббат боғи?  
Борлиққа бор меҳрин сочганда баҳор,  
Юракни тирнаса ҳажер фироғи.

Ҳйғониш айёми уйғотар умид,  
Тўлдирар юракка туйғу, эҳтирос.  
Мен азиз исмингни гулларга ўраб,  
Бағримга босмоққа ҳақлиман, холос.

\*\*\*

Гоҳ унсиз, гоҳ секин пичирлаб кун-тун,  
Исмингни кўп бора айлагум тақбир.  
Айт, бошқа нимадан куч олмоқ мумкин,  
Аён-ку, бизларни боғламас тақдир.

Боумид, шукрона айтиб, юракда  
Улуғ ишқингни жим кўтариб юрмоқ,  
Кун сайин дардимга минг дарад кўшимоқда –  
Қаршингда беҳисдек жилмайиб турмоқ.

\*\*\*

Ашқдан бошқасига етмайди кучим,  
Аридан бошқа дилнинг йўқдир паноҳи.  
Питирлар кўксимда бенажот бир қуш –  
Қоқолмас қанотин, чиқмайди оҳи.

Мен яна бу қушга жафолар қилдим –  
Аросат тоғига чиқдим етаклаб:  
На орт, на олдинга ташлаймиз қадам,  
На ишқ, на ҳажрдан очолгаймиз лаб.

Асорат тоғидан инграр умидсиз,  
Кўзёшдан сўрайди туну кун имдод.  
Питирлайверади ожиз ва унсиз,  
Орзу осмонида қоқолмай қанот.

\*\*\*

Бедор кўзларимдан тўқилмиши сиришк,  
Ҳаста юрагимни қамраб олмиши гам.  
Ўртар ситамлари бениҳоя ишқ,  
Унсизлик қаърида инграйди алам.

Мендан ранжисманг ҳеч, мени мен эмас,  
Орияти осмон руҳим бошқарар.  
Сиздан беихтиёр йироқлагайман,  
Сизга ихтиёрин берса бошқалар.

Тотли, изтиробли бу ишқ, ниҳоят,  
Қай манзилга элтар тўйгуларимиз?  
Сиздан ранжисманг ҳеч, мендан ранжисманг,  
Рўшнолик кўрмаса орзуларимиз.

Ғайрат-шижоатдан матонатингиз  
Камол топган бўлса: тугал, синашита,  
Ишқ азобин унсиз ютмоқ бобида  
Менга етолмагай хуру фаришита.

Жисмимиз осмону ер каби айро,  
Руҳимиз илоҳий нур билан туташ.  
Ҳиссимиз ловулар ўт-олов ичра,  
Ишқимиз тўлғонар булутга уйқаш.

\*\*\*

Сиз тугилган кун эди кеча,  
Мен олисда сақладим сукут.  
Фикрингизча, бефарқликдир бу,  
Шундай кунни дил этган унут?

Пок ниятга буркаб заминни,  
Ой нурига боғладим тилак.  
Юлдузлардан йўладим ёғду,  
Руҳим эди сиз-ла муштарак,  
Руҳан сизни этдим муборак!

\*\*\*

Қолдим бунда беҳол, бенажот,  
Юрагимни кемирди алам.  
Дунё ғариб, дунё бедаво,  
Дил ярамга тополмас малҳам.

Айт-чи, менда борми нима айб,  
Сенмасмидинг олган дилимни,  
Этмабмидинг ўзинга шайдо,  
Парвариилаб кўнгил гулимни?

Айт-чи, борми менда бир илнж,  
Ер ҳеч маҳал етгайми кўкка?  
Забт айлабон аввал юракни,  
Ташладингуну кўйдинг сўнг якка.


Дил – музтариб, қайсар ва ожиз –  
Ишқисизликда айланар лоиға,  
Минг синов, минг иштибоҳ билан  
Кўнгил кўйса, кўяр кўёшга.

\*\*\*

Қалбимдан ёғилгай эзгу тилақлар,  
Дилимда саф тортар самимий сузлар,  
Ҳисларим қогозга тутинар ёрон,  
Ортингиздан боқар мастона кўзлар.

Сервиқор, ораста ўтасиз магрур,  
Боилари эгилгай аҳли киборнини,  
Беминнат қалбингиз меҳр уммони  
Дунёмни дахлсиз этгай губордан.

Андижон



## БАРҲАЁТ МЕРОС



### ГЕГЕЛЬ

(1770-1831)

*Йирик немис файласуфи, немис мухтоз фалсафасининг энг машхур вакили. Фалсафа ва илоҳиётшунослик фанлари профессори. Файласуфнинг “Эстетика”, “Тарих фалсафаси”, “Мантиқ илми”, “Ҳуқуқ фалсафаси” номли асарлари машхур.*

## ЭСТЕТИКА

(Санъат фалсафаси ёхуд бадиий ижод фалсафаси) <sup>1</sup>

### Хатти-ҳаракат

Ҳозирга қадар биз кўриб ўтган тадрижий ёндашувда биринчи босқични оламнинг умумий ҳолати, иккинчисини муайян ситуация, учинчи босқични эса хатти-ҳаракат ташкил этади.

Юқорида биз хатти-ҳаракатнинг ўзидан олдинги босқичга муносабатини текширган пайтимизда, унинг акция ва реакцияларга олиб келувчи шарт-шароитларни тақозо қилишини кўриб ўтдик. Бироқ шуниси борки, бу вазиятларнинг қайси бир нуқтасида хатти-ҳаракат бошланишини аниқ белгилаб бўлмайди. Бундай ҳолатда бир томондан бош омил бўлган нарса бошқа тарафдан ҳақиқий асосни ташкил қилувчи олдинги мураккаб (перипетий) ҳолатнинг натижаси бўлиши мумкин. Ўз навбатида бу сўнги ҳолат фақат пайдо бўлган коллизия ва бошқаларнинг маҳсулдан иборат бўлади. Мисолларга муружаат этайлик. Тавридда Агамемнон зотидан бўлган Ифигения ўз авлоди гуноҳларини ювиб, оиланинг бахтсизлигига чек кўяди. Бу ерда Диана томонидан Ифигениянинг қутқариб қолиниши ва уни Тавридга олиб кетилиши бутун ҳодисалар учун асос бўлиши мумкин. Бироқ бу вазият фақат аввалдан, яъни Авлидда Леда билан боғлиқ машхур тухум<sup>2</sup> воқеаси, яъни Еленанинг Парис томонидан ўғирланиши, Менелай ҳуқуқининг поймол этилиши билан боғлиқ талофат ва шу қабиларнинг оқибатидир. Бундан ташқари, “Ифигения Тавридда” асарининг сюжети Тантала уйида бўлиб ўтган бир қатор жиноятларни Агамемноннинг ўлдирилишига сабаб қилиб тасвирлайди.

Бу нарса Фива туркумидаги ривоятларда ҳам учрайди. Биз агар бу хатти-ҳаракатларни бутун тулақонлигига билан тасвирламоқчи бўлсак, бу фақат поэзиянинг қўлидан келишини эътироф этишимиз лозим. Бироқ вазиятлар дилгирлигини бу хилда

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши олдинги сонларда.

<sup>2</sup> Леда – юнон мифологияси образи, унинг уч эгизак боласидан бири бўлган Елена Зевснинг қизи ҳисобланади. Зевс оққуш образида Леда билан қўшилади; Леда бу иттифоқдан тухум туғади, шундан Елена дунёга келади.

умумэтироф этиш ва бутун воқеаларнинг тафсилотини бериш прозанинг қисматидир, аксинча, поэзия эса тингловчилардан тезда *in medias*<sup>3</sup> ҳолатига киришни талаб этади. Санъат ўз фаолиятини муайян хатти-ҳаракатнинг ташқи кўринишига оид воқеалар тасвирини беришдан бошламаслиги керак, гап шундаки, бу омили воқеаларнинг фақат зоҳиран табиий кечишига муносабатда восита ролини бажаради, холос. Хатти-ҳаракатни бундай асослаш воқеаларнинг эмпирик бирлигигагина тааллуқли бўлиб, унинг ҳақиқий мазмуни учун аҳамиятга эга эмасдир.

Турли-туман воқеаларни бирлаштирувчи нарса ўз характерида келиб чиқиб, бир шахсдангина иборат бўлиб қолса, бу зоҳирий бирликни фақат сирдан сақлаб қолиши мумкин. Индивидуни ҳаётини шарт-шароит, фаолият, хатти-ҳаракат ва тақдирлар шакллантиради, бироқ буюк ситуация ва буюк хатти-ҳаракатлар олдидаги унинг табиати, теран ақлий йўналиш ва қобилияти унга боғлиқ бўлмайди. Индивид бу хатти-ҳаракат жараёнида фақат номи ва ташқи кўриниши билан аввалдан қандай тасаввур этилган бўлса, уни шундай намоён қилиши мумкин.

Шунинг учун характернинг тугунини фақат эмпирик асослардан ахтариш етарли эмасдир. Бадийи асарда идрок этилувчи шарт-шароитларни, коллизияларни ҳосил қилувчи ва ечимини кўрсатувчи хатти-ҳаракатлар фақат руҳнинг индивидуал аломати ва эҳтиёжларига мувофиқ берилиши керак. Масалан, Гомер "Илиада"даги воқеаларни поэманинг мавзуси, яъни Ахиллнинг ғазабланишини тасвирлашдан бошлайди; олдинги ҳодисалар ёки Ахилл ҳаёти тарихини ҳикоя қилиб ўтирмайди, балки бундай тасвир орқали бизни конкрет конфликтлар билан тўқнаштиради, унинг юксак мақсадлари эса номаълум ибтидоий асос бўлиб қолади.

Бир бутун акция сифатида, реакция сифатидаги хатти-ҳаракат ифодаси бўлган жараёнлар ва улар ўртасидаги курашларни тасвирлаш поэзияда устуворлик қилади, бошқа барча санъатлар эса унинг тараққиётига хос айрим моментларни акс эттириши мумкин. Тўғри, бошқа санъатлар поэзиядан тасвирий воситаларга бойлиги, инсоннинг нафақат ташқи, шу билан бирга, имо-ишораси, оламга муносабати, шунингдек, нарса-ҳодисаларнинг ўзга туркумини акс эттириши билан устун бўлиши мумкин. Инсон ниманики гавдалантирмасин, фақат ҳаракатда ўзини намоён қилади, модомики, ҳаракат маънавий борлиқдан иборат экан, фақат маънавий гавдаланишини, нутқда эса ўта ёрқинлик ва аниқликни таъминлайди.

Одатда хатти-ҳаракатлар тўғрисида сўз борганда, уларнинг ўта ранг-баранглиги тасаввур этилади. Бироқ санъатда тасвирланган воқеалар ўз характери жиҳатидан доимо чегараланган бўлади, бинобарин, санъат фақат идея белгилаган ҳолатларнигина гавдалантиради.

Шундай экан, санъатда тасвирланадиган хатти-ҳаракатларга асосланиб, қуйидаги уч муҳим моментни қайд этишимиз зарур:

- умумий хоҳиш-истакни ситуация ва унинг конфликтлари ташкил этади;
- идеалнинг реакция туйғули дифференциялашуви унинг хатти-ҳаракати ва фаолиятида амал қилади. Бироқ, шу билан бирга, бу ҳаракатда қуйидагилар ҳам мавжуд бўлади: биринчидан, хатти-ҳаракатнинг мазмунини, унинг мақсадини ташкил этувчи энг умумий кучлар;

- иккинчидан, бу кучларнинг индивидларнинг фаол хатти-ҳаракатида намоён бўлиши;
- учинчидан, бу икки жиҳатнинг ўзаро бирлиги ва характер деб аталган нарсанинг вужудга келиш зурурияти.

### **А. Хатти-ҳаракатнинг умумий кучлари.**

а. Хатти-ҳаракатни тадқиқ этиш билан биз идеалнинг муайянлиги ва дифференциялашуви даражасига яқинлашиб келдик. Бироқ конфликтга асосланиб, бир-бири билан тўқнашувчи қарама-қаршиликнинг ҳар бири идеални ҳақиқий гўзаллик орқали акс эттириши ва ақлга мувофиқлаштириш билан ажралиб қолмаслиги лозим. Идеал бу баҳсда характернинг зиддиятли кучлари манфаати билан ўзаро курашмоғи керак. Ўз-ўзича хатти-ҳаракатланувчи инсоннинг зарурий мақсадлари шундай манфаатлар билан боғланган бўлади; маънавий мавжудликнинг қонуний ҳамда ақлга мувофиқ умумий ва абадий кучлари энг абстракт илоҳий ибтидоий асосни эмас, балки ягона абсолют идеяни юзага чиқарувчилардир, шу боис улар куч-қудрат ва аҳамиятга эга, муайян, алоҳида моментлар бўлиб кўринса-да, энг умумий ҳақиқатнинг ягона моҳияти саналади. Бу манфаатлар ўз муайянлиги билан ўзаро зиддиятли, тафовутдор бўлиб кўзга ташланса ҳам, муайян идеал сифатида юзага чиқиши билан ўз-ўзи учун муҳим ва мавжуд бўлади.

Санъатда улкан мотивларни ташкил қилувчи оила, ватан, давлат, черков, шон-

<sup>3</sup> *in medias* – ишининг моҳияти.

шуҳрат, дўстлик, табақа, қадр-қиммат, хусусан, ишқ-муҳаббат оламида ор-номус, каби абадий диний ва ахлоқий қадриятлар шундай хусусиятларга эгадир. Аҳамиятли жиҳатидан ўзаро ажралиб турувчи бу кучларнинг барчаси ўз-ўзида ақлга мувофиқдир. Инсон шунинг учун инсон саналадики, у инсоний руҳий кучларни тўла ботинан эътироф этилиши ва юзага чиқишига таъсир қилиш билан бирга, амалдаги қонунлар белгилаган ҳуқуқ тарзида ҳам намоён бўлиб қолмаслиги керак. Чунки юқорида кўриб ўтганимиздек, шакл тарқалдириши билан тушунчага зид туриши ҳам мумкин, бироқ ҳуқуқлар мазмунини адиқасидан у қисман ўзида ва ўзи учун қонуний адолатсизликни ҳам ақлга тақдирлади. Устида сўз бораётган муносабатлар фақат ташқи эмас, балки илоҳийлик ҳамда инсонийликни гавдалантирувчи, доимо инсоннинг хатти-ҳаракатлари орқали рўйбга чиқувчи субстанциал кучлар ҳамдир.

Шулар сирасига Софоклнинг “Антигона”сида тасвирланган ўзаро зиддиятли манфаат ва мақсадларни ҳам киритиш мумкин. Шоҳ Креон Фивага қарши курашда Эдипнинг ватанга хоин ўглини иззат-эҳтиром билан дафн этишни давлат бошлиғи сифатида ман этади ва бу ҳақда махсус фармойиш эълон қилади. Бутун шаҳар тақдирига алоқаси бор бу буйруқ маълум маънода адолатли эди. Шундай бўлса-да, Антигона акасига чексиз маънавий садоқати, меҳрибонлик ҳис-туйғусини намоиш этишга қарор қилади, дафнсиз қолган ака жасадининг кушларга ем бўлишига йўл қўймайди. Табиийки, оилавий аънаналар руҳида қарор топган мутелик туйғуси дафн қоидаларини адо этишни талаб қилади, шу боис Антигона Креоннинг буйруғини бажаришдан бош тортади.

6. Коллизияни турли йўллار билан ҳосил қилиш мумкин бўлса-да, реакция тутуриқсиз ва тартибсиз эмас, балки заруран ўз-ўзича ақлга мувофиқлик ва қандайдир ҳақ тариқасида ҳам юзага келиши мумкин. Масалан, немис шоири Гартман фон дер Ауэнинг машҳур “Бечора Генрих” поэмаси коллизияси қандайдир маънода ёқимсиз таассурот туғдиради. Мохов касалига чалинган асар қаҳрамони ёрдам сўраб салерн монархларига мурожаат қилади. Монархлар касални фақат одам юрагидан тайёрланган дори билан даволаш мумкинлигини, бунинг учун ўз ихтиёри билан бунга рози одам топишни маслаҳат беришади. Рицарни бутун борлиғи билан севган бахтиқаро қиз эса бунга розилик билдиради ва шу мақсадда рицар билан бирга Италияга йўл олади. Бу ҳодиса мутлақ ваҳшийликнинг ифодаси эди, бу вазиятда қизнинг сокин муҳаббати ва кўнгличан садоқати бизда бирор-бир туйғуни уйғотолмаслиги маълум. Тўғри, коллизия сифатида бундай қурбонликлар адолатсизлигини тасвирлаган асарлар антик шоирлар ижодида ҳам учраб туради. Масалан, бошида ҳақиқатан ҳам Ифигения қурбон бўлиши керак эди, кейинроқ у сал бўлмаса акасини ҳалок қилаёзади. Бироқ бу ерда қонуний конфликт бошқача кўринишда юз беради, шунингдек, юқорида кўрганга мувофиқ, унда қандайдир Ифигенияни ҳам, Орестни ҳам қутқариб қолувчи ақлга мувофиқлик мавжуд эди, шунинг учун ҳақиқатга зид бу коллизиянинг таъсири камайиб кетади. Сўнгра, тўғри, Гартман фон дер Ауэ поэмасида Генрих қизни қурбон қилмоқчи бўлганида, уни илоҳий қудрат касалликдан ўзи фориғ этади, қиз садоқати туфайли ўз муҳаббатига эришади.

Юқоридаги ҳолатда ижобий кучлар билан уларга терс, салбий, умуман ёмон ва ёвуз кучлар ўзаро қўшилиб кетгандай туюлади. Бироқ идеал тасвирда хатти-ҳаракатни реакцияга шунчаки олиб келувчи ноҳус кучларга мутлақо ўрин бўлмаслиги керак. Албатта, реал салбий ҳолатлар инкор тушунчаси, унинг ҳоҳияти ва табиатига мувофиқ келиши мумкин; агар ботиний тушунча билан мақсад ўз-ўзича арзимас нарса бўлса, ботиний хунуклик ташқи жиҳатдан гўзалликнинг ҳақиқий реаллашувига жуда оз имкон қолдиради.

Тўғри, эҳтирослар софистикаси характернинг устамон таъсирчанлиги ва фаоллиги орқали салбий нарсага ижобий мазмун киритишга уриниб кўриши мумкин; афсуски, бунда қаршимизда юзланувчи манзара фақат безатилган қабрни эсга солади. Нега деганда, мутлақ салбий, нурсиз ва саёз нарса бизни ё ботинан, ё буткул лоқайд қилиб қўяди ёки умуман ўзимиздан ўзимизни йироқлаштиради; бунда унинг қандайдир фаолиятнинг сабабчиси ёки бошқа шахс руҳиятини ифодаловчи восита бўлишининг аҳамияти йўқдир. Олам сарвари эса характернинг улугворлиги ва мақсадини тасаввур қилишда унинг асосида ётган қаҳр-ғазаб, бахтсизлик, зўравонлик, қатъиятни тушуниши ва ҳис этиши мумкин. Бироқ ҳамма вақт ёвузлик, ҳасад, кўрқоқлик ва пасткашлик ўз ҳолича жирканчлидир, шунинг учун иблис нафақат ярамас, балки эстетик жиҳатдан ҳам яроқсиз зот, сохта, ўта жозибасиз қиёфадир.

Қасоскор фуриялар<sup>4</sup> ва сўнги даврнинг шунга ўхшаш кўплаб кучлари ҳам ноэркин ва беқарор бўлиб, идеал тасвирлашга ижобий йўл қўйувчи ғайриихтиёрий

<sup>4</sup> Қадимги рим мифологиясида қасоскор маъбудлардан бири.

кучлардир. Тўғри, бундай предметларни санъатнинг алоҳида турлари, уларга хос мушоҳадавий усуллар ниҳоятда ранг-баранг тасвирланишини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳолбуки, ёвузлик, умуман нотавонлик ва бемаъниликдир, ундан фақат номаъқулчилик, бузгунчилик ва бахтсизлик юзага келади, санъат эса, аксинча, бизга ботинан ҳақиқий мутаносиб манзараларни тасвирлаб кўрсатиши лозим. Эзгулик ҳасад ва нафратдан чексиз даражада қабоҳат дардини тортади, ҳолбуки, ҳасад билан нафрат ботинан ярамас ва шармандали эҳтиросни қўллаб-қувватлайди, уни ўз манфаати-га бўйсундиришдан ҳам ҳазар қилмайди.

Айни шу сабаб антик замоннинг буюк шоир ва рассомлари ёвузлик ва пасткашликни тасвирлашга эътиборсизлик билан қараганлар; Аксинча, Шекспир "Қирол Лир" асаридега ёвузликни бутун жирканч томонлари билан тўлақонли тасвирлаган. Кекса Лир қиролликни ўз қизларига тақсимлаб беради, лекин икки қизининг ёлгон сўзларига ишониб, кечирилмас эҳтиётсизликка йўл қўяди ва тақсимотда камгап, лекин садокатли Карделияни бутунлай эсдан чиқаради. Бу, албатта, калтабинлик ва нодонлик эди, оқибатда катта қизлар ва куёвлар кўрнамалиги ва аҳмоқликлари уни ақлдан оздиради.

Француз трагедияси қаҳрамонлари эса бошқача хусусиятларга эгадир. Кўпинча улар катта ва эзгу мақсадлар билан гердайиш ва мақтанлини хуш кўради, ўз ор-номуси ва фазилатларига маҳлиё хатти-ҳаракат ва қилиқлари билан бизнинг бу мотивлар тўғрисидаги тасаввурларимизга ҳақиқатда путур етказиши. Энг янги замонда турли-туман ёқимсиз тутуруқсизликлар ифодаси бўлган ботиний беқарорлик, руҳий тарқоқлик модага айланди ва, масалан, Теодор Гофман<sup>5</sup> ёқтирган бу нарса разиллик йўли билан юморга, ҳазил тўла иронияга олиб келди.

В. Шундай қилиб, идеал хатти-ҳаракатнинг ҳақиқий мазмунини амалий субстанционал кучлар ташкил этиши мумкин. Бироқ идеянинг муҳим жиҳатлари реал хатти-ҳаракатларда амалий ифода топишига қарамай, бу кучлар бадий тасвирда умумийлик эмас, балки ўз эркин индивидуаллиги билан гавдаланмоғи лозим. Акс ҳолда, бу кучлар фақат умумий фикр ёки абстракт тасаввурлар ифодасидан иборат бўлиб қолади ва санъатда ўз аксини топа олмайди. Улар пуч фантазия маҳсули бўлмаган тақдирда ҳам, индивидуал тарзда муайянлик ва тугалланганликни гавдалантирмоғи зарур. Бироқ бундай муайянлик ташқи борлиқнинг икир-чикирига қадар чулғаб олинмаслиги, субъектив ботиний кечинма қадар чегараланиб қолмаслиги ҳам лозим, акс ҳолда, умумий кучларга хос индивидуаллик пировард мавжудликнинг чигалликлари билан бутунлай ўралашиб қолади. Шу боис умумий кучларнинг индивидуал қиёфаси муайянликлари маълум чегарада ўзини сақлаб туриши тақозо қилинади.

Биз бундай мустақил умумий кучларнинг гавдаланиши ва намоеън бўлишига юнон илоҳларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Улар қандай гавдаланмасин, ҳамма вақт ўзларини хушбахт ва шодиёна ҳис этади. Тўғри, улар ҳам индивидуал, якка илоҳлар сифатида бир-бири билан курашга тушади, лекин характер ва эҳтироснинг бутун ҳаракати, тадрижийлиги билан боғлиқ манфаат ва мақсадларга эришишда жиддий қиёфасини ўз ҳалокатини ҳис этиш маъносидега йўқотиб қўймадилар. Улар баъзан тўқнашувларга аралашади, баъзан муайян мақсадларни амалга оширади, бироқ кейинчалик яна бундай воқеаларнинг табиий рўй беришига ўзлари имкон беради ва ниҳоят, роҳат-фароғат оғушида Олимп юксакликларига қайтадилар.

Шундай қилиб, кўрамизки, Гомер тасвирлаган илоҳлар бир-бири билан сўқишади, урушади, жиддийлашади, шундай бўлса-да, барибир, ўз умумий моҳияти ва муайянлигини барча ҳолатларда қарор топтиради. Масалан, олишув авж олган, қаҳрамонлар якка жангга киришади, алғоз-далғовда айрим ҳодисаларни англаш қийинлашади, баъзилар кўздан йўқолади: кўз олдимизда фақат шиддатли жанг манзараси пайдо бўлади, энди умумкучлар, яъни маъбудлар жанги бошланади. Бироқ илоҳлар олдинги ўз мустақил ва осойишта ҳолатига қайтар эканлар, ўзларини бундай англашилмовчилик ва зиддиятлар таъсиридан холи тутадилар. Тасодиқлар индивидуал қиёфаларига таъсир кўрсатса-да, улар умумилоҳий ибтидо устуворлигини ўзларида сақлаб қолади, бутунлай индивидуаллик билан чулғаб олинмайди, ҳақиқатда ботиний субъективлик эмас, балки фақат ташқи образга айланади. Уларнинг конкретлиги эса илоҳий моҳиятли образларни юзага келтиради.

Муайян шарт-шароит ва воқеаларга алоқаси йўқ бу эркинлик ва осуда осойишталик уларга нафис индивидуаллик бағишлайди. Масалан, Гомер илоҳлари хатти-

<sup>5</sup> Гофман Эрнест Теодор Амадей (1776-1822) – немис романтик ёзувчиси.

ҳаракатларини конкрет воқелиқда инсоний ҳаётӣ мазмун ва манфаатларга мос амалга оширганларида ҳам уларни жиддий ва изчил юзага чиқара олмайди. Биз юнон олоҳлари тимсолида ҳар қандай илоҳга хос бўлиб, ҳамма вақт ҳам умумий тушунча мазмунидан ўрин топмаган бошқа яна кўплаб фазилат ва хатти-ҳаракатларини кашф этамиз. Масалан, Меркурий Аргусни, Аполлон эса кўпбошли аждар (гидра)ни ўлддиради, Юпитернинг ҳаёти ишқ-муҳаббат мोजаролари билан тўлиб-тошган, у Юнонани сандонга боғлаб кўяди ва ҳ.к. Шу ва шунга ўхшаш кўплаб тарихий ақидалар фақат табиий илоҳлар ҳақида бўлиб, рамзий ва мажозий маънода шунчаки қўшимча нарсалар ҳисобланади, уларнинг келиб чиқиши хусусида кейинроқ алоҳида тўталамиз.

Тўғри, кўпроқ ҳозирги замон санъати муайян, шу билан бирга, ўз-ўзича ботиний умумқучларни тасвирлашга ҳаракат қилади. Бироқ булар аксарият ҳолларда бизда шонсиз нафрат, ҳасад, рашқ, шунингдек, умуман камчилик, эътиқод, ишқ-муҳаббат, садоқат каби бемаъни ва илтифотсиз аллегориялардан ташкил топади. Ҳолбуки, бадиий тасвири берилган конкрет субъективлик бизда чинакамига қизиқиш уйғотиши лозим, шундай экан, уларни биз ўз-ўзича бундай абстракция эмас, балки инсон характерининг моментлари сифатида, ўзига хос ва яхлит образлар сифатида кўришни истаёмиз.

Фаришталар ўзларича ҳали Марс, Венера, Аполлон ва бошқалар ёки Океан ва Гелиосларга ўхшаб, улар эришган умумийлик ва эркинликка етиша олмайди. Фаришталар юнон илоҳлари давраси сингари тасаввурда яшаса-да, алоҳида ноиндивидуал ягона субстанционал илоҳий моҳияга хизмат қилади. Шунинг учун уларнинг ҳар бири мазмунан илоҳий индивид сифатида тасвирлашга муносиб объектив кучлар эмас, балки ё илоҳ билан бирга объектив ё инсоний характер ва хатти-ҳаракатнинг субъективлиги ва хусусийлиги тарзида юз беришни кўраемиз. Илоҳларнинг идеал тасвири эркинликнинг айна шундай маҳдудлашиши, индивидуаллашиши орқали намоён бўлади.

**Б. Фаолиятли индивидлар.** Юқорида кўрганимиздек, санъат учун идеаллик асосида илоҳлар идеалини тасвирлаш қийинчилик туғдирмайди. Лекин санъат конкрет тасвирий фаолиятни амалга ошириши биланок муайян қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Умумий кучлар, хусусан, илоҳлар ўз-ўзида ҳаракатчан ва даъваткор ибтидоий асосни ташкил этса-да, индивидуал фаолият кўрсатиш уларга эмас, балки инсонга хос қобилиятдир. Шунинг учун бу ерда биз ўзаро бир-биридан фарқ қилувчи икки жиҳатга дуч келамиз.

Улардан бири, кўриб ўтганимиздек, умумий кучларнинг ихтиёрийлиги ва шунга мос абстракт субстанционаллик, бошқаси эса, ўз хатти-ҳаракатини англаб, пировард ҳукм чиқарувчи ва уларни амалга оширувчи инсоний индивидлардир.

Абадий ҳукмрон кучлар инсон характерининг субстанционал томони бўлиб, унинг мавжудлиги ҳақиқатда ички сабабини ташкил қилади; бироқ, модомики, уларнинг илоҳийлиги бу ҳолатни индивид ва уни истисно қилиш тарзида намоён этар экан, бу – субъектга нисбатан ташқи муносабат демакдир. Зиддиятнинг илоҳлар билан одамлар ўртасидаги бу муносабатда очик-ойдин акс этиши жиддий мураккабликларни юзага келтиради. Бир томондан, илоҳлар иродасининг мазмуни инсоннинг индивидуал эътироси, қарори ва иродаси сифатида унга ҳам тааллуқли бўлиб намоён бўлади; бошқа томондан, алоҳида субъект илоҳларни ўзида ва ўзи учун моҳият, фақат унга тобе сифатида эмас, шу билан бирга, ҳаракатга келтирувчи ва белгиловчи асос деб тушунади. Шундай қилиб, баъзан бир ҳолат мустақил илоҳий индивидуаллик сифатида, баъзан эса инсон орзуси тарзида тасвирланиши ҳам мумкин. Бу нарса илоҳларнинг ихтиёрий эркинлигини ҳам, фаол индивидларнинг мустақиллигини ҳам чеклаб қўймайди.

Агар биз инсонларга амр-фармон бериш ҳуқуқини фақат илоҳлар измида қолдиргудек бўлсак, бу билан юқорида санъатда идеал асоснинг муҳим талабига, яъни инсоний мустақилликка путур етиши мумкин. Насронийлар диний тасаввурларида ҳам бундай мураккаб ҳолатлар учраб туради. Масалан, осмон руҳи худога даъват этгувчидир, дейишади. Бироқ бунда илоҳий руҳдан таъсирланувчи инсоннинг ботиний олами шунчаки султ ибтидоий асос, иродаси эса ноэркинликдан иборат бўлиб қолади, шу маънода инсонга илоҳийликнинг таъсири қандайдир унинг ирода ва эгамлиги билан белгиланувчи тақдири азалга ўхшаб кетади.

**а.** Агар биз фаол инсоннинг субстанционалликка нисбатан бўлганидек, маъбудлар билан кишилар ўртасидаги муносабатни ҳам унинг илоҳга нисбатан қандайдир зоҳирий қарама-қаршилиги тарзида тасаввур этадиган бўлсак, уларнинг ўзаро бу муносабатлари бутунлай соддалашиб кетади. Чунки бунда илоҳ фақат фармонбардор, инсон унга итоаткорга айланади. Инсонлар билан илоҳлар ўртасидаги бундай ташқи муносабатлар ҳатто буюк шоирлар эътиборини ҳам ўзига жалб этганлиги бежиз эмас. Масалан, Софоклда Одессея ёлгончилигини фош этган Филоктет Гераклини деус

ех масіна сифатида кўринмагунча ва ниҳоят, уни Неоптолемага кириш учун буйруқ бермагунча юнонларни лагерга жўнатишга тўсқинлик қилаверади. Тўғри, бу воқеанинг мазмуни етарли даражада далилланган бўлиб, бизнинг тахминимизга тўла мос тушади. Лекин хатти-ҳаракатнинг йўналиши, барибир, ташқи ва чегараланмагандир, шунинг учун Софокл ўз трагедияларида тасвирнинг бу усулидан фойдаланмайди, мабодо, яна бир қадам шу йўлдан олға борилса, илоҳлар ўлик машиналарга, кишилар эса ўзини ҳам инкор қилувчи ўзбошимча кўролга айланиб кетиши мумкин бўлади.

Шунингдек, илоҳларнинг инсоний эркинликка бундай ташқи таъсирини эпосда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Гермес Ахиллнинг олдига Приамни етаклаб боради. Апполон Патроклни икки қопқоғи орасига кучли зарб билан уриб ўлдиради. Таъкидлаш жоизки, индивидларнинг ташқи борлиги сифатида ҳам кўпчилик шундай мифологик аломатлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, Ахиллнинг онаси унга товоғича ўқ ўтмас ва ҳеч қандай енгилмас куч-қудрат ато этиш ниятида Стиксда сув остига туширади. Мантиқан ўйлаб қаралса ва тасаввур этилса, Ахиллнинг жасорат кўрсатиши учун бу ерда ҳеч қандай асос йўқ, чунки бундай вазиятда характернинг қахрамонлиги маънавий фазилатдан оддий моддий нарсага айланиб кетади. Тасвирнинг бу усулидан драмага қараганда эпос анча кенгрок фойдаланиши мумкин, унда қахрамонларнинг ботиний ҳаётидан олинган мақсад-муддаоларни акс эттирувчи лавҳалар кейинги ўринга суриб қўйилади ва ташқи ҳодисаларнинг силсиласи янада кучли ҳаракат қилишга имкон беради. Шундай экан, “шоирнинг қахрамони қахрамон эмас”, деган юқоридаги сохта ақидадан унга ёпиштирувчи соф ақлий рефлексия ўта эҳтиёткорлик билан гавдаланмоғи лозим. Кейинроқ кўрамизки, илоҳ билан одамлар ўртасидаги поэтик муносабатлар бу хусусиятларда сақланиб қолади. Бироқ эркин, аммо субстанционалликка алоқаси бўлмаган кучлар эпосда фантазиянинг мантиқсизлигини ва сохта оригиналликни намойиш қиладиган бўлса, бу муносабатлар бутунлай соддалашиб кетади.

6. Умумий кучлар мустақил ва эркин фаол кишиларнинг эҳтиросларига нисбатан қарама-қарши қўйилганда ҳам илоҳлар билан кишилар ўртасидаги ҳақиқий идеал муносабатлар бир-бири билан ўзаро тенглашади. Шу асосда илоҳларнинг мукамал мазмуни индивидларда ботиний моҳиятга айланиши, шундай қилиб, бу ташқи асос, бир томондан, ҳукмрон кучларнинг ўз-ўзича индивидуал гавдаланиши учун, бошқа томондан, унинг руҳи ва характери учун ички сабаб бўлиб хизмат қилиши лозим. Шунинг учун санъаткор бу икки томонлама тафовутларни ўзаро келиштириш ва уларни нозик ришталар билан боғлашдан иборат вазифани адо этиши лозим. У фаолиятли кишилар хатти-ҳаракатининг ботиний акс этиши, шу билан бирга, инсоний кечинмаларнинг умумий ва муҳим мақсадларини индивидуал образлар шаклида ифодалаб бериши керак.

Инсоннинг умумруҳий ҳаёти унинг ботинида мустақил ҳаракатланувчи ва ҳукмронлик қилувчи илоҳ қиёфасида юзага чиқиши керак. Бинобарин, илоҳлар айна шу йўл билан инсон қалбидан чуқур жой олади. Биз антик асарлар билан танишиб, Венера билан Амурнинг қалбни ўзига мафтун этиши тўғрисида фикр юритганимизда, авваламбор, Венера билан Амурнинг инсонга нафақат ташқи кучларнинг, айна пайтда ишқ-муҳаббат инсон қалбининг хусусияти, ботиний кечинмасини ташкил қилувчи руҳий ҳолати, эҳтироси эканлигини ҳам аниқлаб оламиз.

Кўпинча шу маънода антик трагедияларда эвменидалар<sup>6</sup> ҳақида сўз юритадилар. Биз фурий<sup>7</sup> қиёфасида бу ерда, авваламбор, жиноятчини зоҳиран таъқиб қилувчи қасоскор қариқиз (дев)ларни ҳам кўз олдимишга келтираемиз. Бироқ жиноятчи руҳида ўрнашган бу таъқиб ботиний фурийнинг айна шу даражадаги ўзгинаси ҳамдир. Софокл уни инсон руҳий кечинмаси маъносида ҳам ишлатган эди. У, масалан, “Колондаги Эдип” асарида Эдипнинг ўзига хос эринийлари<sup>8</sup> борлиги ҳақида, унинг лаънати ота билан ўғилларини ҳақоратловчи ҳис-туйғуларни ифодалашни ҳақида ёзган эди. Инсон учун илоҳларни фақат ташқи куч ёки унинг руҳий куч-қудрати деб ҳисобловчилар шу маънода, айна пайтда, ҳақ ва ноҳақдирлар. Ҳолбуки, маъбудлар ҳар икки ҳолатни ҳам гавдалантирувчилардир.

Гомер асарларида илоҳлар билан одамлар ўртасидаги хатти-ҳаракатлар доимо алмашиб туради; маъбудлар инсонга ёт иш бажаргандек бўлиб кўринсалар-да,

<sup>6</sup> Эвменида (эриния) – қадимги юнон мифологиясида адолатли жазо берувчи маъбуда, жиноятчиларни таъқиб қилади ва жазолайди, тавба қилган жиноятчиларга эса валинеъматлик қилади; Қадимги рим мифологиясидаги фурияга ўхшаш.

<sup>7</sup> Фурия – қадимги рим мифологиясида қасоскор уч маъбуддан бири.

<sup>8</sup> Эриний – қадимги юнон мифологиясида қасос ва жазо маъбуди; таазарру қилган жиноятчиларга муруват кўрсатувчи (эвменид).

моҳиятан унинг ботиний субстанциясини ташкил қилади. Масалан, "Илиада"да Ахилл ўзаро баҳсда жазавага тушиб, Агамемнонга қилич кўтармоқчи бўлади, бироқ Афина буни сезгандек орқадан келиб, унинг ялтироқ сочларидан маҳкам ушлайди. Ахиллнинг бу кечинмалари билан Ахиллга ҳам, Агамемнонга ҳам бирдай меҳрибон бўлган Гера юборган Афинанинг Олимпдан бу ерга етиб келиш ҳодисаси ўртасида алоқа йўқдек туюлади. Бироқ, бошқа томондан, Афинанинг тўсатдан пайдо бўлиши мисолида қаҳрамон қаҳр-ғазабни пассивлаштирувчи ботиний эҳтиёткорликнинг хусусиятини тасаввур этиш мумкин ва шу боис ҳам бутун ҳикоя Ахилл қалбида туғилган тугёнларни тажассум этишга қаратилади. Ахилл руҳиятидаги бу эврилишларни тасвирлар экан, Гомер бунга бир неча сатр багишлайди:

Ўткир қилич белида – яланғоч қилсамикан,

У билан Атридани тору мор этсинми ё,

Ғазабни ютсинми ё чек қўйсинми жаҳлига.<sup>9</sup>

Эпик шоир Ахилл қалбида тўлиб-тошган нафрат ва ғазабнинг ташқи ҳодисаси сифатида бундай ёт ботиний сиполикни, сусткашликни тасвирлашга бошида тўла ҳақли эди. Телемакнинг "Одессея"да тасвири берилган йўлдоши Афинанинг аҳволини ҳам айти шундай тушуниш мумкин. Ботинийлик билан зоҳирийлик ўртасида алоқа бўлишига қарамай, Телемак руҳиятидаги кечинмаларни тушуниш анчайин мураккабдир. Илоҳларнинг Гомер тасвирида берилган эркинлиги, шод-хуррамлиги ва уларни эъозловчи ирония шундай кўриниш касб этадики, бунга мувофиқ илоҳлар инсон руҳининг куч-қудрати, шу боис инсоннинг ўз эркини сақлаб қолиши маъбудларнинг эркинлиги ва жиддийлигини қайта бошдан барҳам топтиради.

Бироқ илоҳларнинг соф ташқи ҳаракатини субъективлик, эркинлик ва маънавий гўзалликка айлантирувчи бундай мукамал мисоллар кўплаб учрайди. Бунинг энг ҳайратомуз, энг гўзал намунаси сифатида Гётенинг "Ифигения Таврида" асарини тилга олиш мумкин.

Еврипиднинг шу номли асарида тасвирланган Орест Ифигения билан биргаликда Диана ҳайкалини ўғирлайди. Бу шунчаки оддий ўғирлик эди. Ҳодисадан хабар толган Фоант уларни тутиб келтириш ва ҳайкални қайтаришга буйруқ беради. Ниҳоят, тантана билан кириб келган Афина Орест зиммасига Посейдонга ғамхўрлик қилиш масъулияти ўзига юкланганлигини ҳисобга олиб, Фоантга буйруқни бекор қилиш юзасидан фармойиш беради, Посейдон эса Афинага ёқиш мақсадида Орестни узоқ денгиз саёҳатига олиб кетади. Шундай қилиб Фоант маъбуд раъйига бўйсунушга мажбур бўлади: "Азимкор Афина, кимки, маъбудлар сўзини тинглаб, уларга итоат этмас экан, ақлдан озади, ахир, қудратли маъбудлар билан бахслашиб бўладими?"

Бу ерда биз фақат Афинанинг расмий буйруғи, унга Фоантнинг шунчаки итоаткорлигини кўрамай. Гёте асаридаги Ифигения эса, аксинча, илоҳ даражаси қадар кўтарилди ва ҳақиқатга нисбатан ўз-ўзида, қалбида юксак ишонч билдиради. Шу маънода Фоантга мурожаат этади ва дейди:

Сирни билмоқ арбоблар ҳаққими? Ё,

Улар қўлидами тақдир тақдири,

Тутмоқ уни эҳтирос кучоғида?

Еврипид асаридаги Фоант Афина қистови билан ўз мақсадидан воз кечади, Гётенинг Ифигенияси эса бунга Афинага нисбатан ўзининг ўткир ҳиссиётлари ва тасаввурлари билан эришади:

Жасоратли умид руҳда сўнмагай!

Мўлжаллардан адашсам-да, мудҳиш ғам,

Мудҳиш маломатдан қочмагайман мен.

Эй маъбудлар, хоинмасман сизларга,

Кўмак беринг, халқ айтмоқчи – ҳақдирсиз,

Ҳақиқатни мен орқали шарафланг.

Фоант унга қарши:

Ўйлайсанки, Атрей, юнон –

Маҳв этган скиф – асов, баджаҳл,

Эшитгай ҳақ, инсонийлик овозин?

– дея эътироз билдирар экан, ўта назокат ва соф ишонч билан шундай жавоб қайтаради:

<sup>9</sup> "Илиада". Таржималар ўзимиз томонимиздан амалга оширилган – Маҳмуд Абдуллаев.

Ҳар ким уни эшитгайдир,  
Туғилмасин қайси осмон остида,  
Кимда ҳаёт, ишқ манбаи жўш урса –  
Пок бўлса.

Шоҳлик мартабаси улуғворлигига ишонган Ифигения одамгарчилик ва раҳмдиллик кўрсатишни истаб энди унга ёлбора бошлайди; унинг қалбига чуқур таъсир этиш йўлини излайди, ниҳоят, уни ром қилади ва инсонларча гўзаллик билан таъсир қилиб, ўз ватанига қайтиш учун ижозат олади. Зеро, бу жуда зарур эди, аслида унга илоҳнинг ҳайкали керакмасди, муғомбирлик ва айёрлик кўрсатмасдан ҳам бу ердан кетиши мумкин эди, шундай қилиб, илоҳнинг:

Ибодатхона ҳукмига зид

Келса синглинг Таврид бўйига,  
Қайтар юртга, қутиласан лаънатдан,

– деб жарангловчи дудмол ҳикматини Гёте инсоний кўникариш маъносиди ўта гўзал қилиб изоҳлайди, покиза сингли, муқаддас Ифигения эса маъбудда тимсоли ва оила ҳимоячиси сифатида намён бўлади. Орест Фонтга:

Бутун нафосатда, ёрқин нур ичра–  
Мен унда кўраман маъбуд қудратин  
– деса, *Ифигения бунга қўшимча қилади:*  
Олимпларнинг ҳукми шаҳрим тақдирин,  
Худди ҳайкалчага боғлаганнамо.  
У сени, Атридлар тарафдорини,  
Не-не аблаҳлардан сақлади омон,  
Қайғу-офатлардан асради сени,  
Аканинг бахтига, уй-жой бахтига.  
Ер юзин сақлашга қолмагач нажот,  
Шунда сен барчасин қайтардинг менга.

Ўзаро келишувдан туғилган бу оромбахш сўзлар, авваламбор, Орестга Ифигения руҳининг софлиги ва ахлоқий гўзаллигини намойиш этади. Тўғри, олдин ўйлаб-ўйламай иш тутган Орест ўзини энди руҳан тинчлантира олмайди, Ифигенияни тушунишга ҳаракат қилади, бироқ синглининг юксак соф меҳр-оқибати уни ботиний фурийнинг барча ғам-ғуссаларидан фориғ этади:

Сенинг қўлларингда мени зolim дард,  
Тирноқлаб сўнги бор олди қаърига.  
Даҳшатда қақшаган миям бамисли  
Илондай ястанмиш дўзах ғорида.  
Сен, эй, муқаддасан, ёруғ кунлардан,  
Яна қайта бошдан бахш этдинг роҳат.

Бу ерда поэтик асарга хос гўзаллик ақл бовар қилмас даражада ҳайратомуз ва юксак даражада ифодаланган.

Антик замонниқига солиштириб кўрилганда, насроний сюжетлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Гарчи насронийлик афсоналари ва умуман Исо, Мария ва бошқа авлиёларнинг дунёга келиши билан боғлиқ тасавурлар умумэътиқод предмети даражасига кўтарилган эса-да, шу билан бирга, ижодкор ҳаёл турдош соҳаларда жодугар, арвоҳ, алвасти ва шу каби фантастик мавжудотлар образини яратганлиги маълум. Агар фантазиянинг инсонга ёт бўлган кучларга, афсунгарликка, товламачилик ва итоаткорликка даъваткор бундай махсулотлари ҳақиқатга зид ботиний аҳд маъносиди тушунилса, табиийки, бадий тасвир номаъқул тўқима ва мантиқсиз тасодифдан иборат бўлиб қолади. Айни шу маънода санъаткор инсоннинг эрки ва мустақиллиги ҳимоясига устивор аҳамият бериши лозим. Бу соҳада Шекспирнинг ажойиб образлар яратганлиги маълум. Масалан, "Макбет" асарига башоратгўй алвастилар Макбет тақдирига бегона кучлар қилиб тасвирланган. Бироқ кейинчалик алвастилар улуғлаган нарсалар Макбет қалбидидаги сиру асрор ва сохта башоратни англатувчи орзу-истаклар бўлиб чиқади.

Шекспирнинг бош қаҳрамон Гамлетнинг ботиний ҳиссиётларини тасвирлаш мақсадида "Гамлет"га киритган объектив кўринишдаги руҳий ҳодисалари ҳам ўта гўзаллиги ва теранлиги билан ажралиб туради. Даставвал, Гамлет қандайдир фавқуллодда ҳодисалар таъсирига берилиб азоб чекаётган алфозда кўзга ташланади. Сўнгра отасининг руҳи (арвоҳи) пайдо бўлади ва қилинган жиноятни фoш этади. Бу сирдан кечикиброқ хабар толган Гамлетнинг теъза жиноятчига жазо беришини кутамиз, қасд олишга мутлақ ҳақдорлигига ишонч билдирамиз. Афсуски, у имиллашда давом

этади. Ҳолбуки, баъзи бировлар Гамлетнинг бу ҳафсаласизлиги учун Шекспирга эътироз билдиришган, трагедияда ҳаракат йўқлиги учун унга танбеҳ ҳам беришган эди. Афсуски, табиатан сустрлиги, ботиний кечинмаларга берилувчанлиги боис Гамлет бу ботиний мутаносибликни бартараф этишда қийин аҳволга тушади, ўта кўнгилчанлиги, дилгирлиги, рухий умидсизлиги, чуқур мулоҳазага берилувчанлиги сабаб фаол ҳаракат кўрсата олмас эди. Гёте ҳам характернинг жасорат даражасидаги юксаклиги трагедияда тасвирланмаганини таъкидлаб ўтган ва пьеса бутунлай шу рўҳда яратилган, деган фикрга асосланиб, ўз пайтида қуйидагиларни ёзиб қолдирганди: “Бу ерда эман (дуб) фақат нозик гуллар учун мўлжаллаб яратилган қимматбахо идишга ўрнатилади; эманнинг илдиэлари идишни қаппайтириб юборади ва оқибатда барҳам топади”.<sup>10</sup> Айтиш мумкинки, Шекспир Гамлет отаси арвоҳининг пайдо бўлишини тасвирлаганда анчайин ишончли белгилардаи фойдаланган. Гамлет ивирсиб юради, зе-роки, у шарпаларга кўр-кўрона ишонмас эди.

Афсуски, бу ўша –  
Минг тусга киргувчи руҳдир бу иблис.  
Чарчоқ, ҳоришимни олиб ҳисобга,  
Мени йўқ қилмоқни истарми ҳаргиз.  
Мен учун далилу исботлар керак.  
Мен бу томошани қилганда хаёл,  
Қирол иймониға қилдим ишора,  
Эшикка занжирни илганим мисол.

Шарпа бу ерда Гамлетни ўз домиға торта олмайди. Гамлет шубҳаларға бери-либ яшовчан бўлганлиги учун бирор чора кўришдан олдин ҳақиқатда жиноят содир бўлганиға ишонч ҳосил қилмоқчи бўлади.

**в.** Ниҳоят, биз антик муаллифлар мисолида нафақат ўзи, эрки, шу билан бирға, инсон қалбида ҳақиқатда мавжуд бўлиб, руҳиятининг теран нуқталарида ҳаракатланувчи умумий кучларни юнонча “пафос” сўзи билан белгилаб олишимиз мумкин. Бу сўзнинг айнан таржимасини бериш анча мушкул, бинобарин, “эҳтирос” (“пафос”) сўзи ҳамма вақт майда-чуйда, арзимас нарсалар ҳақидаги тасавурларни акс эттиради ва айни шу боис биз инсоннинг эҳтирослар қулиға айланиб қолмаслигини талаб қиламиз. Биз пафосни қандайдир тантиқлик ва шу кабиларға мойиллик билан боғланмаган, энг олий маънода, энг умумий маънода тушунишимиз керак. Сўзнинг юнонча маъносида олинганда, масалан, Антигонанинғ ўз акасига бўлган илоҳий меҳр-муҳаббати пафосдир. Шу маънода пафос ўз-ўзида барқарор руҳий кучлар, ақлга мувофиқликнинг мазмуни ва унинг эркин ҳукмидир. Масалан, Орест руҳнинг ботиний хатти-ҳаракати таъсирида туғилган шунчаки жунбушлик эмас, балки обдан ўйлаб, ишға солинган ва тўла англанган пафосға берилган ҳолда ўз онасини ўлдиради.

Шу боисдан биз маъбудлар пафосға эға, деяр олмаймиз. Улар алоҳида инсонни фақат муайян ишни адо этиш ва хатти-ҳаракат кўрсатишға чорловчи умумий моҳиятнинг ифодалаб, осойишта ва босиқ, мабодо, тортишув ва баҳсли вазиятлар юз берса, қандайдир уларға жиддий эътиборсиз ёки ялпи урушларни мажозий маънода тушу-ниб ўзларини намоён этадилар. Шу боисдан биз пафос тушунчасини фақат инсоннинг хатти-ҳаракатига нисбатан қўллаймиз ва бу билан унинг инсон “мен”и руҳиятини бойи-тувчи ва қамраб олувчи мантиқий мазмунини англаб оламиз.

**аа.** Пафос – санъатнинг ҳақиқий ҳолати, унинг чинакамиға бир бутун олами; пафосни гавдалантириш нафақат санъат асари, шу билан бирға, унинг ҳар бир инсон қалбида акс-садо берувчи нозик торларига чуқур таъсирини ҳисобға олиб, томоша-бинларда юксак идрокни тарбиялашда муҳимлигини ҳам таъкидлаш жоиздир. Ҳар бир инсон пафоснинг ҳақиқий мазмуниға хос муҳим ва ақлга мувофиқ жиҳатларни эгалла-ши ва эътироф этиши зарур. Пафос инсоний борлиқнинг куч-қудрат манбаи сифатида инсонни чексиз ҳаяжонлантиради, қалбини жунбушға келтиради.

Шу маънода ташқи шарт-шароит, табиий муҳит ва унинг манзаралари пафос ман-фаатларига бўйсундирилиб, қандайдир иккинчи даражали ва идеал хатти-ҳаракатни қўллаб-қувватловчи ҳодисалар тарзида гавдалантирилмаслиги лозим. Шунинг учун та-биатдан қандайдир рамзий маънода фойдаланиш маъқул иш бўлса-да, лекин пафос ҳақиқий бадий тасвирнинг предметдан келиб чиқиши керак. Масалан, ландшафт

<sup>10</sup> Гёте. Шейрлар тўплами. VII. – М.: 1935. с.248

рассомлиги тарихий жанрга қараганда унча аҳамиятли эмас ва у, ҳаттоки, муस्ताқил мавжуд бўлган тақдирда ҳам, барибир, умумий ҳиссиётнинг акс-садоси ва пафос кўринишини олиши лозим.

Кўпинча шунга асосланиб, санъат қалбга таъсир этиши керак, деган фикр билдиришади. Бу асосий принцип эътироф этилгудек бўлса, санъатда бу туйғу нима ни ҳосил қилиши керак, деган савол пайдо бўлади. Таъсирланиш умуман ҳиссий кўринишдаги хайрихоҳлик бўлиб, кишилар, айниқса, замондошларга жуда тез ва осон ҳукм ўткази олиши мумкин. Лекин ҳиссиётга керагидан ортиқча берилиш ҳам мутлақ аҳамиятсиз нарсасидир. Бинобарин, санъатнинг вазифаси пафоснинг ҳақиқий таъсири ни кўрсатишдан иборатдир.

**66.** Шунинг учун пафос на комедия, на трагедияда шунчаки ўйламай иш тутишлик ва субъектив миждовликни ифодаламаслиги лозим. Масалан, Шекспир тасвирлаган Тимон ҳақиқатда сирдан одамови инсон: собиқ ҳамтовоқлари билан дўстлари уни хонавайрон қилишди, пулга муҳтож бўлганда ташлаб кетишди; оқибатда Тимоннинг одамлардан бутунлай кўнгли қолади. Бу тушунарли ва табиий ҳол, лекин ўз-ўзини оқловчи пафос эмас. Шиллер ўсмирлик пайтида ёзган "Одамови" пьесаси образи ҳам замонасининг бемаъни хархашаларини тўлақонли акс эттиради. Шундай бўлса-да, асарда образи берилган одамови нафақат фикрли, ақлли, шу билан бирга, юксак олижаноб инсондир; у ўзи озодлик берган қрепостнойларга хайрихоҳлик қилади, шунингдек, бутун меҳр-муҳаббатини гўзал ва ёқимтой қизига бағишлаган зотдир.

Худди шундай зотлар қаторига Август Лафонтен романида инсон ирқи ва бошқалар тўғрисида ўзини телбанамо фикрлар билан азоблаб юрувчи Квинций Геймеран фон Фламанн образини ҳам қиритиш мумкин. Ваҳоланки, энг янги поэзиянинг жиддий камчилиги сохта фантастикани ўта жимжимадор қилиб тасвирлашда кўзга ташланади. Ҳолбуки, муаллиф фикрича, фантастика инсонга шундай жимжимадорлик билан таъсир кўрсатиши лозим, акс ҳолда, у соғлом инсоний руҳ учун аҳамиятсиз нарсага айланади, шундай қилиб, бундай курама мулоҳазалар инсонийликнинг ҳақиқий мазмунини бутунлай йўққа чиқаради.

Бироқ биз бунинг аксини ҳам айтишимиз лозим: ҳар қандай таълимот ва эътиқоднинг ҳақиқатидан ўрин олувчи жами нарсалар, наинки, айрим-айрим асосий эҳтиёжлар бу тушунчани ташкил этадиган бўлса, бадий таъсир учун ҳақиқий пафос бўла олмайди. Илмий билиш ва ҳақиқат шундай хусусиятга эгадир. Негаки, бошқа билимлар ўртасида муайян фан соҳаси ўрнини белгилаб олишда ўзига хос маданият, жиддий изланиш ва ранг-баранг тушунчалар ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бундай меҳнат турига қизиқиш инсон қалбини ҳаракатга келтирадиган кучлар эмас, балки ҳамisha кишиларнинг тор доираси билан чекланган бўлади.

Мабодо, бутун насихатомуз мазмуни билан соф диний таълимотларни ёритишга зарурият туғилса, уларни бадий талқин қилиш ўта мураккаблик туғдиради. Тўғри, ҳар қандай теран ақл диннинг умумий мазмуни билан, Худога эътиқод қўйиш ва бошқалар билан қизиқиши мумкин. Бироқ айна шундай эътиқод руҳида диний ақидалар мазмунини ёритиш, уларнинг чинлигини муҳокамадан ўтказиш асло санъатнинг иши эмас ва санъат буни изоҳлашда ўта эҳтиёткорлик қилмоғи лозим.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, биз ҳар қандай инсоний қалб пафоснинг жамики турлари, кишиларни фаоллаштирувчи ахлоқий кучларнинг сабабларини тушунишга қодир, деган хулосага келамиз. Дин ҳамisha кайфият, руҳий оламга тегишлидир, барчага бирдай юланч бағишлаб, ҳар бир инсон руҳиятини кўтаришга хизмат қилади. Негаки, дин илоҳийликни, ахлоқ ва унинг гайриоддий кучларини хатти-ҳаракатлар кўринишида ифодалаган. Диннинг мусоффо оламига зид ўлароқ, кўпроқ бу кучлар дунёвий ходиса ва инсоний хатти-ҳаракатлар соҳасига тегишли бўлиб келган. Қадимги халқларда бундай дунёвийлик ўз муҳим хусусиятлари билан маъбудлар тўғрисидаги тасаввурлар мазмунини ташкил этган ва шу боис хатти-ҳаракатни бадий таъсирлашда муносиб ўрин эгаллаган.

Агар биз бадий таъсир эришадиган пафос қандай ҳажмда бўлмоғи керак, деган савол қўйсақ, унда эркин ироданинг субстанциал моментлари миқдори арзимас, ҳажми эса аҳамиятсиз, деб жавоб беришимиз лозим бўлади. Айниқса, опера бу моментлар доираси чекли бўлиши ва уни сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратади, шу боис барчамиз муҳаббат, шон-шухрат, ор-номус, қахрамонлик, дўстлик, она меҳри, болаларга меҳр-муҳаббат, оилага садоқат ва шу кабиларда омад ва омадсизликлар билан боғлиқ ҳасрат-надомат ва хурсандчиликларни қайта-қайта эшитишимиз лозим бўлади.

**67.** Моҳиятан бундай пафос муфассал бўлиб, бутун тафсилотлари билан таъсирланиши зарур. Унда бой кайфиятнинг пафосга берилувчан бутун ботиний кечин-

малари кашф қилиниши, мақсадга бўйсунуши, интенсив эмас, балки экстенсив ва тўлақонли акс этиши керак. Айрим бадиий асарларда ботиний яхлитликнинг камлиги, бошқаларида характерни ёритишда устуворлик уларни бир-биридан ажратиб туради ва шу маънода алоҳида халқлар ҳам бошқалардан фарқ қилади.

Рефлексия ривожланиши билан фарқланиб турувчи халқлар бу соҳада ўз эҳтиросларини ифодалашга анча чечандир. Масалан, қадимгилар индивидларни руҳлантиришда ҳиссий рефлексия ёки қуруқ сафсатага эмас, балки пафосни теранлаштиришга одатланган эдилар. Шу маънода французлар анчайин кўтаринки кайфиятга эга бўлишган, эҳтирослари шунчаки оддий сўзлар йиғиндисидан иборат бўлган, улар туйғуларни ифодалашда биз, немислар каби сиподир, афсуски, биз туйғуларни ҳар томонлама ифодалашни ҳиссиётга ҳурматсизлик, деб баҳолаймиз. Германияда бир вақтлар французча риторикага тақлид қилган шоирлар, хусусан, ёш ижодкорлар табиийликка интилиб, фикрларини фақат ундалма, таъкидлар билан ифодалашга ҳавас қўйган эдилар. Ҳолбуки, ёлғиз “хайхот” ва “вой-бўй” ёки рақибни орқа-олдига қарамай таҳқирлаш, унга човут солиш билан мақсадга эришиб бўлмас эди. Фақат ундалмаларга суянувчи таъбир қалб соддалигига хос ёқимсиз қурб ва ифодавий усулларни аналгадирди. Ҳолбуки, моҳиятан бафос гавдаланувчи индивидуал руҳ ўз туйғуси билан тўлиб-тошмоғи, теранлашмоғи ва ифодаланмоғи лозим.

Бу соҳада Гёте билан Шиллер бир-бирига бутунлай тескари. Шиллер кўтаринки бўлса, Гётеда руҳ кам, тасвирда жонли усулдан кенг фойдаланади, хусусан, ўз лирикасида бир қадар сипо кўриниш ҳосил қилади; бошқаларга ўхшаган кўшиқлари ўз маъносини тўла-тўқис ифодаламаган тақдирда ҳам, Гёте фикрини сезиш қийин эмас. Аксинча, Шиллер пафосни ёрқин ва таъсирчан қилиб ифодалашга алоҳида эътибор беради. Шу жиҳатдан Клаудиус<sup>11</sup> “Вандсбек хабарномаси”да Вольтер билан Шекспирни бир-бирига қарама-қарши қўяди. Унинг фикрича, “улардан бири бошқаси учун ҳақиқат туюлувчи эҳтимолликдир”. Мэтр Аруэ эса: “Мен ҳақиқий мавжудман, Шиллер эса ўз мавжудлигини кечинмалари билан намоён этади”, деб айтган эди. Шундай бўлса-да, ҳақиқий санъатда гап эҳтимоллик табиий мавжудлик эмас, балки айни нимани гапириб тўғрисида бориши лозим. Агар Шекспир фақат кечинмалари билан гавдаланиб, Вольтер ўзини ҳақиқатда мавжудман деб ҳис этса, у ҳолда Шекспир ёмон шоирлар қаторидан жой олади.

Шундай қилиб, пафос конкрет ифодаланиши билан идеал санъат талабига бўйсунуши, тўлақонли ва яхлит руҳнинг пафоси сифатида тасвирланиши керак. Бу нарса бизни хатти-ҳаракатнинг учинчи жиҳати, яъни характернинг хусусиятларини қараб чиқишга даъват этади.

**В. Характер.** Бу ерда биз таянувчи нарса хатти-ҳаракатнинг умумсубстанционал кучлари бўлиб, улар пафос тарзида фаоллашмоғи учун инсоний индивидуаллик талаб қилинади. Бу кучларнинг ялпи мазмуни ўз-ўзи билан туташмоғи ва яқна индивид ҳамда алоҳидалик тарзида намоён бўлмоғи лозим. Инсон ўзининг конкрет маънавияти ва субъективлиги билан айни шундай бир бутунлиқни, характер тарзида эса яхлит инсоний индивидуаллиқни ташкил қилади. Шундай қилиб, маъбудлар инсоний пафос тусига қиради, пафос эса конкрет фаолият орқали инсонийлашади.

Шунга кўра, ўз яхлитлигининг моментлари сифатида характер юқоридоғи томонларни мувофиқлаштира экан, шу йўл билан ҳақиқий идеал бадиий тасвир асосига айланади. Бинобарин, идея идеал ҳиссий тасаввур ва мушоҳада, яъни фаол тимсол сифатида ҳаракатланади ва муайянлиги билан ўзига мутаносиб субъектив алоҳидалиқни яратади. Бироқ ҳақиқий идеал талабидан келиб чиқувчи эркин алоҳидалиқ бу томонларни нафақат умумий, шу билан бирга, конкрет ўзига хослик, ягона зоҳирийлик ва бирлик тарзида ўзаро сингиши орқали намоён этиши лозим. Субъективлиқнинг бу тўлақонли куч-қудрати идеяни ботинан барқарорлаштиради ва характер яхлитлигини вужудга келтиради. Биз шу маънода характерни уч, яъни, биринчидан, яхлит индивидуаллик, ботиний тўлақонлилик; иккинчидан, бу яхлитликнинг хусусий тарзда юзага чиқиши ва характернинг муайянлик сифатида гавдаланиши; учинчидан, бундай муайянликда характернинг ўз субъективлиги билан ўзи учун борлиқ сифатида (қандайдир бирлик сифатида) қўшилиши ва қатъий характер сифатида ўзини ботинан гавдалантириши томонидан қараб чиқишимиз лозим.

Тушунарли бўлиш учун энди бу мавҳум қоидаларни изоҳлаш ва тушунтиришга ўтамиз.

**а. Пафос тўлақонли индивидуаллик орқали намоён бўлиб, бадиий тасвирнинг ягона**

<sup>11</sup> Клаудиус Маттиас (1740-1815) – Асмус таҳаллуси билан ижод қилган немис лирик шоири.

предмети сифатида ўз муайянлиги доирасида қолиб кетмаслиги, балки фаол характернинг асосий жиҳатлардан бирини ташкил этиши лозим. Пафос сифатида олинувчи ҳақиқий инсон фақат Худони гавдалантирибгина қолмайди, руҳий олами буюклиги ва бепоянлиги боис ўзи орқали кўплаб маъбудларни тажассум этади, сийнасида уларнинг куч-қудратини пайваста қила олади; бинобарин, бутун Олимпни кўксига сиғдира олади. Шунинг учун қадимги ёзувчилардан бири "О, инсон! Оташин меҳр-муҳаббатнинг туфайли ўзинг учун сен маъбудларни яратдинг", деб хитоб қилган эди. Юнонлар маданийлашиб боргани сари улар топинувчи маъбудлар сони ҳам ортиб борганлиги тарихдан маълум, ҳолбуки, аввалги маъбудлар бир-биридан ўта соддалиги ва номукамаллиги, индивидуаллиги ва муайянлиги билан унча фарқ қилмасди.

Аслида, характер айна шундай тўлақонлилик билан кўзга ташланиб турмоғи керак. Бу масала билан қизиқишимизга сабаб шуки, характер бундай яхлитликини эгаллаб тўлақонли баркамол субъектга айланади. Характер мукамаллик ва субъективлик эмас, аксинча, эҳтироснинг шунчаки овуноғи қилиб тасвирланса, ўзига боғлиқ бўлмаган борлиқни ёки ақлга номувофиқлик, заифлик ва нотавонликини касб этиши мумкин. Нега деганда, индивидуинг заифлиги ва ожиз бўлишига сабаб шуки, унда бундай абадий кучларнинг мазмуни ҳақиқий моҳият, бундай предикатлар субъекти билан боғлиқ предикатлар тарзида юзага чиқмайди.

Бундай хусусият ва белгиларнинг жонли бирлиги, масалан, Гомер яратган ҳар бир қаҳрамоннинг характерида акс этади. Ахилл жуда ёш қаҳрамон, бироқ ёшлик шижоати унинг бошқа инсоний фазилатлари билан уйғунлашиб кетган. Гомер Ахиллни турли вазиятларда олиб тасвирлар экан, характерининг ранг-баранг жиҳатларини кашф этади. Ахиллнинг ўз онаси Фетидага меҳр-садоқати беқиёс; Бризеидани ундан тортиб олганларида юм-юм йиғлайди, ҳақоратланган ор-номуси охир-оқибатда уни Агамемнон билан тўқнашувга олиб келади, бу эса "Илиада"да тасвирланган кейинги ҳодисалар учун асос бўлиб хизмат қилади. У Патрокл билан Антилоханинг садоқатли дўсти, шунингдек, навқирон, жанговар, ҳаракатчан, қўрқмас ҳамда кексалар иззат-хурматини жойига қўядиган ўсмир; садоқатли Феникс ҳамisha унинг хизматига камарбаста, Ахилл Патроклни кўмиш маросимида мўйсафид Несторга юксак иззат-икром кўрсатади. Афсуски, Ахилл шу билан бирга, сержаҳл, жиззаки, қасоскор, марҳум Гектор жасадини Троя девори атрофида аравачада уч бора айлантириб, душманга шафқатсизлигини кўрсатади. Ахилл, айна пайтда, ўз шатерига қадам ранжида қилган мўйсафид Приамга сидқидилдан пешвоз чиқади, Приам томонидан кекса отасига қолдирган уйни миннатдорчилик билан эслайди, ўғлига азадор бу отага ёрдам қўлини чўзади. Ахиллга ҳақиқий инсон деб баҳо бериш мумкин. Алоҳида бу индивидуалги инсоний қиёфанинг бутун бойлиги ўз тўлақонлиги билан гавдаланади.

Гомернинг бошқа характерлари ҳам шундай фазилатларга эгадир. Одиссей, Диомед, Аякс, Агамемнон, Гектор, Андромаха ва бошқалар характернинг қандайдир мажозий абстрактлиги эмас, балки ҳар бири ўз-ўзича мустақил олам, тўлақонли, жонли инсонлардир. Лекин улар қанча кучли индивидуаллик бўлмасин, троялик Гаген ва ҳатто музикант Фолькер<sup>12</sup> шунча совуқ ва бечораҳолдир.

Характерга бўлган жонли қизиқишни фақат мана шундай ранг-баранглик уйғота олиши мумкин. Шу билан бирга, характери ҳали шаклланмаган болаларнинг барча нарсаларни бирдан ушлаб қуриб, вақт ўтгач, яна бошқаларини уйнай бошлагани сингари, бу тўлақонлилик тарқоқ, юзаки ва шунчаки ҳиссий кўринишли эмас, балки яхлит субъект билан қоршиган бўлиши лозим. Бунга қарама-қарши ўлароқ, характер инсон руҳиятининг ранг-баранг қатламларига сизиб кириши ва барқарорлашиши, бойитиши, айна пайтда, ўзгаришсиз ҳам қолиб кетмаслиги керак. Аксинча, у бундай манфаат, мақсад-муддао, аломат ва белгиларнинг бир бутун йиғилмасини ўзида тажассум этгани ҳолда, айна пайтда, барҳам топмаган субъективликини ҳам сақлаб қолиши зарур.

Бундай тўлақонли характернинг тасвири энг кўп эпик поэзияда, энг кам даражада эса драматик ва лирик поэзияда ўз аксини топади.

Б. Санъат бундай яхлитлик билан асло чекланиб қолмайди. Биз учун ўзига хос характер ва индивидуалликини таъминловчи талаблар асосида юзага келувчи идеалнинг муайянлиги муҳим аҳамият касб этади. Хатти-ҳаракат, айниқса, унинг конфликт ва реакциялари таъсирида образнинг чеклилиги ва муайянлигига нисбатан талаб янада ортади. Шунинг учун эпик образларга қараганда, драматик қаҳрамонлар ботинан пишиқроқ бўлади. Характернинг муҳим жиҳати бўлган мақсад, ҳукм ва хатти-ҳаракатлар пафос туфайли

<sup>12</sup> Зигфрид, Гаген, Фолькер – "Нибелиунглар ҳақида кўшиқ" образлари.

жиддий муайянликка учрайди. Бироқ индивидни чеклаш, руҳий таназул муайян пафоснинг муҳаббат, ор-номус каби абстракт кўринишларидан иборат қилиб қўйса, бу жиҳат характер устунлигига олиб келадики, оқибатда ҳаётийлик билан субъективлик барҳам топади, французлардаги сингари кўпроқ бемаъни ва совуқ нарсалар пайдо бўлади. Шунинг учун бу муайянликда характернинг асосий хусусиятларидан бири устунлик қилиб, ҳаётийлик билан тўлақонлилик бутунлай сақланиб қолиши, шундай экан, индивид ўзини турли қиёфада кўрсатиши, юксак маънавий бойлигини ҳар хил вазиятлар таъсирида намоён қилиши, турли ўзгаришлар орқали уларни ифодалашни мумкин бўлади.

Софокл тасвирлаган оддий пафосли фоживий образлар ҳам аини шундай ҳаётийлики ботинан намоён қилади. Уларни силлиқ қобикқа ўралган ҳайкалларга қиёслаш мумкин, ҳолбуки, характернинг ранг-баранглигини муайян даражада кўзга ташланиб турувчи ҳайкалтарошлик ҳам ифода этиши мумкин. Ҳайкалтарошлик фақат бир моментга ёпишиб олувчи эҳтиросга қарама-қарши ўлароқ, барча ботиний кучларни ўзининг алоҳида осойишталиги билан ҳолисона тасвирлашига қарамай, бундай абстракт муайянликда, мусаффо яхлитликда қолиб кетмайди, балки бевосита ўз гўзаллиги билан ранг-баранг муносабатларни шакллантирувчи ўзига хос бошқача маконлар мавжудлигини ҳам кўрсатади. Биз ҳайкалтарошликнинг ҳақиқий образларида барча кучларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган осойишта теранликини кўришимиз мумкин.

Биз характернинг ботинан ранг-баранглигини ҳайкалтарошликка нисбатан тасвирий санъат, мусиқа ва поэзиядан кўпроқ талаб қилишимиз ва буюк санъаткорлар шундай ранг-баранглики намоёниш этганлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Масалан, Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта" асаридаги Ромеонинг бош пафоси – муҳаббат. Бироқ биз бу пафосни унинг ота-онаси, дўстлари, маҳрамлари билан ранг-ранг алоқалари орқали ҳис этамиз. Яна кўрамикки, Ромео ўз шаънини ҳимоя қилишда Тибальдога дуч келади, уни дузлга чақиради; монахга олижаноблик кўрсатади ва ишонч билдиради, ҳатто ўзи заҳар харид қилувчи дорихоначи билан қабр чеккасида туриб суҳбат қуради; ҳамма ҳолатда иззат-ҳурмат соҳиби, олижаноб ва ўта таъсирчан инсон бўлиб кўзга ташланади.

Шунингдек, Жульетта ҳам ота-онаси, энагаси, граф Парис Патер<sup>13</sup> ва бошқалар билан турли муносабатда бўлади, барча вазиятларда ўзини бирдай тутиши интилади, унинг характери чегарасиз денгиз янглиғ теран ва бепоён туйғу, ишқ-муҳаббат эҳтироси билан чулғаб олинган, шундай экан, Жульетта ўз муҳаббати ҳақида: "Мен унга ўзимни қанча кўпроқ бағишласам, у менда шунча ортиб бормоқда, униси ҳам, буниси ҳам чексиз-чегарасиздир", деб баралла айта олиши мумкин.

Шунинг учун бадий асар ягона бир пафосни гавдалантириши лозим бўлса-да, бироқ пафоснинг тасвири берилган қиёфанинг маънавий бойлиги унда гавдаланиши керак. Конкрет шарт-шароитни ифодаловчи лирик асарларда пафос кўзга ташланиб турмас ҳам, лекин биз уларга ҳам бундай қатъий талаб қўйишимиз лозим. У ерда пафос комил руҳнинг ҳар томонлама, барча шарт-шароит ва вазиятларни акс эттирувчи ботиний ҳолати тарзида акс этмоғи зарур. Ҳар қандай предметни чулғаб олувчи, ўзаро ўтмиш билан келажакни боғловчи, ботиний ҳаётни рамзий ифодалашда ташқи шарт-шароитлардан моҳирона фойдаланувчи, теран объектни фикрлардан ҳайқимовчи ва уларда улкан, порлоқ, муносиб ва олижаноб руҳни намоён этувчи жонли сўзамолликлар, тасаввурлар – жамики буларнинг барчаси характернинг ички бойлигини кўрсатади, модомики, шундай экан, улар лирикадан муносиб ўрин эгаллашга ҳақлидир.

Ягона устивор муайянлик чегарасида бундай ранг-баранглик мантиқан ноизчиллик бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Модомики, навқирон ўсмирликнинг куч-қуввати, отаси ва дўстига раҳмдиллиги, кўнгилчанлиги олижаноб қахрамон Ахилл характерининг асосий фазилати ҳисобланса, унинг Троя девори атрофида шафқатсизларча Гектор жасадини судраб юриши қандай содир бўлиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Бундай ноизчилликлар Шекспир ижодида ҳам учраб туради. Маълумки, унинг ҳазил-мутуйибалари ўта топқирона бўлиб, гўзал юмористик руҳ билан сўфорилгандир. Модомики, шундай экан, қандай қилиб ўта заковатли одамлар ноўя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйиши мумкин, деган таажжуб туғилади. Абстракт ақл-идрок характерининг фақат бир жиҳатиғагина алоҳида урғу беради, инсон уни мутлақо ўзига тобе, ягона зарурий қоидага айлантиради. Бундай устивор бир томонламаликка зид барча нарсалар ақл-идрок учун оддий ноизчиллик саналади. Бироқ бундай ноизчиллик жонли характерни яхлитлигининг ақлга мутаносиблиги деб тушунувчилар учун, аини пайтда, ботиний из-

<sup>13</sup> Католик руҳонийси – тарж.

чиллик ва мувофиқлик ҳамдир. Ҳолбуки, инсон фақат турли-туман зиддиятларни ифода-далаш, шу билан бирга, уларни теран ҳис қилиш, ўзлигини йўқотмаслик, ўзига хослик билан ҳам ажралиб туради.

В. Шунга биноан характер субъективликка ўз хусусиятларини сингдириши, шу асосда муайян майлга эга бўлиши ва муайянликда ягона пафоснинг ўзгармас куч ва қатъиятини гавдалантириши ҳам зарур. Бордию инсонда бундай ягона ҳолат мавжуд бўлмаса, у ҳолда ботиний ҳаётнинг ранг-баранглиги барҳам топади ёки маънисизликка айлиниб кетади. Санъатда акс этувчи индивидуаллик эса ўз борлигини чексиз ва илоҳий даражада намоён қилиши зарур. Бу жиҳатдан идеал тасвирда жиддийлик билан қатъийлик характернинг муҳим моментини ташкил қилади. Юқорида кўрилганидек, характернинг жиддийлиги яхлит кучларнинг индивид фазилатларига сингиши, субъективлик билан алоҳидаликнинг ботиний мувофиқлашуви орқали юзага чиқади.

Афсуски, биз бундай талаб қўйишимиз билан энг янги санъатда кўпплаб ҳодисаларга нисбатан зид иш тутган бўлаемиз.

Масалан, Корнелнинг "Сид" асарида муҳаббат билан ор-номус ўртасидаги коллизиянинг ёрқин тасвири берилган. Бундай ўзига хос пафос табиий конфликтларни келтириб чиқаради. Унда дабдбали риторика билан таъсирчан монолог устуворлик қилса-да, ботиний кураш кўринишидаги бу пафос фақат алоҳида бир характерга тегишли бўлади, соғлом характернинг ботиний қатъияти ва бирлигига зид ўлароқ руҳнинг абстракт муссафоликдан мавҳум муҳаббат ва акс томонга иккиланишида акс этади.

Пафоснинг таъсирчанлиги бош қиёфада энг юксак даражада аниқ ва ёрқин намоён бўлса, у индивидуал қатъиятликка нисбатан шундай зид кўриниш олади, ўзини иккинчи даражали деб ҳисоблашга ва шунга ишонтиришга интилади, оқибатда гуноҳни ўзидан фориғ этади ва уни бошқаларга юклаш имкониятини юзага келтиради. Масалан, Расиннинг Федраси<sup>14</sup> Энона ишончига сазовор бўлади. Бунда характер ўз ташаббуси билан аниқ фаолият кўрсатади ва бошқаларнинг ўзи тўғрисида ўйлаш ҳамда унинг номидан иш тутишига йўл қўймайди. Модомики, шундай экан, ўз хоҳиши билан кимки бирор иш қилса, айб ва қилмиши учун жавобгарликни ҳам бўйига олмоғи керак.

Биз энг янги немис асарларида ҳам характерга хос бечарорликнинг бошқача кўринишларини учратишимиз мумкин. Бундай характерларнинг ботиний заифлиги узоқ вақт давомида Германияда кенг тарқалган сентементаллик таъсирида юзага келди. Бунга ишқ-муҳаббат хархашаларидан холи бўлолмаган Бертернинг носоғлом характери ёрқин мисол бўла олади. Бироқ Бертернинг эҳтирос ва туйғуларининг гўзаллиги, интим кечинмаларининг нозиклиги ҳамда руҳий раҳмдиллиги бизни ўзига мафтун этади. Унинг шахсий субъектив бемаънилиги таъсирида эса бундай заифлик кейинчалик эса бошқача тус олади. Шунингдек, бунга Якобининг<sup>15</sup> "Вольдемар" асарида тасвирланган хуш кайфиятни ҳам мисол сифатида келтириш мумкин.

Бу романда ўз руҳияти улуғворлигига ўта ишонувчан, саховат ва афзаллигига ортиқча маҳлиё қахрамоннинг фожиаси тўлақонли акс этган. Қахрамон қалбида воқеликка нисбатан илоҳий ва улуғвор муносабат ҳар жиҳатдан сохта бўлиб чиқади, қобилияти заифлигини ва борлигини ифодалашда ҳамма нарсага унинг аристократик нописандлигини яширин тутати. Ҳатто шу қадар гўзал руҳ ҳам чинакамига ахлоқий ва ҳаётий мақсадларини амалга оширишга ноқобил, руҳий қобиғи билан ўралашиб қолган ва диний ҳамда ахлоқий мулоҳазалар таъсирига берилган ҳолда ўта субъектив ҳаёт кечиради. Узи эътироф этганидек, афзаллигидан ортиқча кибрланишнинг қувончли ҳаяжонлари қаторига яна бошқаларга ботиний муносабатда шундай гўзаллик кашф этувчи, уни тушунувчи ва эъзозловчи чексиз ҳиссиётларни ҳам қўллаш мумкин. Мабодо, бошқаларда буни амалга ошириш учун лаёқат етишмаса, дафъатан гўзал руҳиятимиз қандайдир жунбушга келгандай ва ранжигандай бўлади, ўша захотиёқ унинг инсонийлиги, ҳамдардлиги ва муҳаббати барҳам топади. Унинг расмиятчилик ва беадабликни ҳис қилиши, буюк ва кучли характерлар ёнидан индамай бепарво ўтиб кетиши, арзимо шарт-шароит ҳамда ноқулайликларни англай олмаслиги, ҳар қандай тасаввур ва энг енгил-елпи ҳолатдан ҳам баттар укувсизлик бўлиб, руҳни ўта даражада умидсизлантиради. Бунда ғам, андух, хунобгарчилик, хафагарчилик ва умидсизликнинг чеки бўлмайди ва бундан ўзини, ўзгалар руҳини азоблаш, бесаранжомлик, ҳатто руҳнинг бу содда кечинмалари ночорлигини юзага чиқарувчи бағритошлик келиб чиқади.

<sup>14</sup> Федра – француз шоир-драматурги Жан-Батист Расин (1639-1699)нинг шу номдаги трагедияси.

<sup>15</sup> Якоби Флидрих Генрих (1743-1819) – немис ёзувчиси ва файласуфи.

Рухий ҳаётнинг бу ғайриоддийликлари бизга чуқур таъсир қилади албатта, ҳолбуки, ҳақиқий характер воқеий олам ва уни ўзлаштиришда улкан ва кучли интилишлар бўлишини тақозо қилади. Агар фикр билан ҳиссиёт энг олий, анчайин пок майлни, руҳнинг теран қатламларидаги илоҳий ибтидони намоеън этиб, фақат ўзи билан ўзи ўраллашиб қолса, уни бизга бутунлай пала-партиш тарзда тақдим этади ва бундай манфаат субъектив майл учун арзимас ҳолат саналади.

Рухнинг ўзига хос, юксак, гўзал фазилатлари бетайин тарзда мавҳумлаштирилиб, алоҳида мустақил кучлар тариқасида тушунилганда ҳам характерда бундай ботиний суфистанационал қатъият етишмаслиги бошқача ифодаланиши мумкин. Бунга тасвирлашнинг афсунгарлик, магнетизм, жоҳиллик, ғойибдан билиш, ойпарастлик касали ва бошқа ҳодисаларини киритиш мумкин. Бундай номаълум кучлар билан воқеий мавжудлиги нисбий тасдиқланган жонли натура ўртасида шундай боғланиш юзага келадики, оқибатда бу ерда, бир томондан, улар аини шу натуранинг ўзида акс этади, бошқа томондан, ички кечинмалари билан бегона, қандайдир нариги дунёга тааллуқли кўриниш ҳосил қилади, бу ёт ҳодисалар уларнинг ботиний ҳаётига раҳнамолик қилади ва уни бошқаради. Бу номаълум кучларда қандайдир билиб ва тушуниб бўлмас даҳшатли ҳақиқат акс этади.

Ҳолбуки, бундай қора кучлар бутунлай санъат соҳасидан ҳайдаб чиқарилмоғи зарур, бинобарин, санъатда ҳамма нарса ёрқин ва мусоффо бўлиши, модомики, шундай экан, ёвузликка ўрин қолмаслиги лозим. Санъатга бизнинг тушунчамиздан ташқаридаги кучларни олиб кириш фақат руҳнинг хасталигини кўрсатишга хизмат қилади, натижада поэзия фақат турмуш ва завқ-шавқсиз нарсага айланади. Поэзиянинг шундай турига Гофман ва Генрих фон Клейстларнинг “Шаҳзода Гомбургский” асарини киритиш мумкин. Ҳолбуки, идеалнинг ҳақиқий руҳи билан суғорилган характер мазмуни билан пафосни нариги олам ва ҳаммага маълум нарсалардан эмас, балки ўзининг мақсад ва интилишларидан саралаб олиши зарур,

Таассуфки, ғойибона билиш энг янги поэзияда ҳаддан зиёд чайналди ва сийқа мавзуга айланди. Бунга қарама-қарши ўлароқ, Шиллернинг “Вильгельм Телль” асарига тасвирланган мўйсифид Аттангаузеннинг ватан тўғрисида ўлими олдиндан қилган башорати унинг мантиқан юксак ифодаси ҳисобланади. Соғлом характерни коллизияга сингдириш мақсадида уни хаста руҳ билан алмаштириш ҳаммиша самарасиз усул бўлиб келган. Шунинг учун поэзияга ақлдан озиш мотивларини киритиш ўта эҳтиёткорликни талаб қилади.

Биз тасвир этилувчи характернинг яхлит ва қатъий талабларида зид бўлган ирониянинг энг янги принципларини ҳам беқарор тасаввурлар соҳасига киритишимиз мумкин. Бу сохта назария шоирларни характер билан ўзаро сиғишмовчи номутаносиб белгиларни ифодалашга даъват қилади, шундай экан, бунда характер ўзини ўзи сифатида хароб қилиши мумкин. Индвидид қандайдир интилиши билан даставвал кўзга ташлангудек бўлса, у ўз зиддига айланиб кетиши ва характер шу йўл билан яхлит муайянликни, нотавонликни ифодаламоғи керак. Бинобарин, ирония назарияси санъат фақат шу йўл билан ҳақиқий юксакликка эришади, деб ҳисоблайди, бинобарин, томошабин ўзининг ижобий манфаатлари билан чулғаниб қолмаслиги, балки ирония оламдаги барча нарсалардан юқори турганидек санъат ҳам шу юксакликни забт этиши лозим.

Бу назария тарафдорлари шекспирона характерларга ҳам шундай муносабатда бўлади. Улар фикрича, масалан, Макбетхоним ўлдириш тўғрисидаги фикрни юракдан маъқулагани учун эмас, балки уни амалга оширганлиги учун севилишга лойиқ рафиқади. Бинобарин, Шекспир тасвирлаган баттол характерларнинг юзаки улғуворлиги ва жиддийлигида ҳам қатъият билан муайянлик кўзга ташланиб туради. Тўғри, Гамлет ўз-ўзида қатъиятсиз, у нима иш қилиш эмас, балки уни қандай амалга оширишга шубҳа билан қарайди. Яна айтиш мумкинки, бу назарийчилар шекспирона характерлар нотавонлик ва дудмаллик, иккиланиш ва кайфиятдаги тутуриқсиз ўзгаришлар билан қизиқиш уйғотмоғи керак, деган фикр билдириб, масалага ойдинлик киритмоқчи бўладилар. Ҳолбуки, идеаллик ҳамма вақт идеянинг воқелигида, инсон бу воқелик билан субъект сифатида, ботинан барқарор бирлик сифатида алоқада бўлади.

Юқоридаги фикрлар санъатда қатъий характерли индивидуаллик тасвирланиши зарурлигини тасдиқлайди. Рухнинг ғоят мазмундор ва тўлақонли жиддий пафоси бундай характернинг бош фазилатини ташкил этади. Тасвирда нафақат пафос, шу билан бирга, пафос билан руҳнинг индивидуал ботиний олами ўртасидаги ўзаро қоришув ҳам ифодаланмоғи лозим. Аини пайтда, пафос инсон сийнасида қолиб кетмаслиги ва қандайдир аҳамиятсиз, арзимас нарса сифатида ҳам кўзга ташланмаслиги керак.

## УСТОЗ МАҲМУД АБДУЛЛАНИНГ ЖАСОРАТИ

Фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон фалсафа жамиятининг Фарғона вилояти бўйли раиси, кўп йиллар давомида Фарғона Давлат университетининг Фалсафа кафедрасига мудирлик қилган марҳум профессор Маҳмуд Абдуҳалимович Абдуллаев Ўзбекистонда егелешунослик илмига салмоқли ҳисса қўшган олимлардан биридир.

Фарғона вилояти, Фурқат тумани, Қизилқеъ қишлоғида таваллуд толган Маҳмуд Абдуллаев кейинчалик ФарДУда таҳсил олди. Маълумотига кўра филолог-тарихчи. У 1971 йилда “Қаҳрамонлик ва унинг ўзбек санъатида гавдаланиши” мавзусида номзодлик, 1994 йилда “Эстетик маданиятнинг миллий ўзига хослиги ва тараққиётининг асосий омиллари” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. “Эстетик маданият” (1991), “Истиқлол ва бунёдкорлик дастури” (1993), “Маънавий маданият тараққиёти масалалари” (1994), “Эстетик тафаккур тарихи” (1996), “Маданиятунослик” (1997), “Эстетик маданият: назарий-методологик жиҳатлар” (2007), “Шахс эҳтиёжи ва маънавият” (2010) каби монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар муаллифидир.

Гегель жаҳон фалсафасининг мумтоз сиймоларидан бири. Тили оғир, жумлалари мураккаб. Йил давомида журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган Гегелнинг шоҳ асарларидан бири – “Эстетика”ни ўзбек тилига таржима қилгани устоз олимнинг жуда катта жасорати эди. Таъкидлаш жоизки, таржимадан айрим боғлар ҳали устоз ҳаётлик пайтида “Фалсафа ва ҳуқуқ”, “Жаҳон адабиёти” журналларида чоп этилган. Аммо яхлит ҳолатда, жузъий қисқартишлар билан илк марта “Шарқ юлдузи”да босилди.


Жасорат деб айтишдан мақсад шуки, илмий доираларда яқин-яқинларгача ўзбек тилининг ифода имкониятлари ҳақида тортишувлар бўлиб турарди. Айниқса, чуқур фалсафий асарларни таржима қилиш тажрибаси кўп эмаслиги боис, кўпича бундай ишлар имконсиз бўлиб туюларди. Чиндан ҳам таржиманинг машаққатини бу ишга кўл урган одам билади. Илмий асарни таржима қилишдаги қийинчилик шундан иборатки, жуда кўп истилоҳлар рус тили орқали тилимизга мустаҳкам ўрнашиб олган, таржимон уларни четлаб ўтолмайди, биро жумлани ўзбекчага ўзгараётганда мавжуд ибора ва терминологиямизга мос тулишини таъминлаш керак. Хуллас, ана шундай катта машаққатлар билан таржима қилинган асар ҳали китоб шаклида дунё юзини кўрмасдан бурун таржимон вафот этди. У ҳали таржима устида ишламоқчи, кўнгли тўлмаган ўринларни қайталаб таҳрир қилмоқчи эди; Гегелни росткамага ўзбекча “сайратаман” деб жаҳд қилганди, аммо тақдир экан, иш охирига етмай қолди...

Бугун сиз ўқиб тугатган асарда айрим маромига етмаган жумлалар, Гегелни тўлиқ ифода этмаган фикрлар бўлса-бордир. Аммо бу омиллар ишнинг умумий қийматига соя солмайди, ҳарна бўлганда ҳам ўзбек илм-фани ва адабиёти жаҳон даражасидаги яна бир нодир асар билан бойиди! Фурсатдан фойдаланиб айтиш жоизки, тез кунларда таржима устидаги ишларни қайта кўриб чиқиб, яхлит китоб шаклида асарни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилишни кўзлаб турибмиз.

Маҳмуд Абдуллаев нафис шеърлар ёзар эди. Ардоқли журналимиз “Шарқ юлдузи”да унинг туркум шеърлари чоп этилган. Умуман, олим нашрнинг фаол муаллифларидан – турли йилларда сермазмун илмий-адабий, фалсафий мақола ва эсселари билан ўқувчилар эътиборини қозонган эди. Умуман, олимнинг 150 га яқин илмий мақолалари жамоатчиликка маълум.

Маҳмуд ака турмуш ўртоқлари Марямхон опа билан бир ўғил, уч қиз, ундан зиёд невараларни боқиб, зиёли, эл-юрт қорига яроқли инсон қилиб тарбияладилар. Бугун ҳам наинки Фарғонада, балки республикамизнинг барча вилоятларида Маҳмуд Абдуллаев мактабида таълим ва илмий изланишларига рағбат олган ёшлар талайгина. Ҳар йили кўкланда домлани яқиндан билган дўстлар, шогирдлар тўпланиб, устоз файласуф қабрига гулчамбар қўядилар, яхши ишларини ёд этиб, илмий суҳбатлар ўтказиб турадилар. Ҳа, илмда Маҳмуд Абдуллаев ёққан чироқ ҳали кўп вақт давомида порлаб туражак...

Беҳзод ҚОБУЛОВ,  
тадқиқотчи



НАСР



### Бахтиёр НУРИДДИНОВ

1972 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Ҳикоялари, мақолалари матбуотда эълон қилинган. Адабий сценарийлари асосида “Олис осмон”, “Ҳаётга қайтиш” сингари видеофильмлар суратга олинган.

## УНУТИЛГАН ХОТИРА

### Ҳикоя

Ўшанда улар шаҳарга кўчадиган бўлишди. Отаси “Орзуларим хаёлга айланишини хохламайман. Бетақрор истеъдодимни танамга қўшиб қишлоққа кўмишларини ҳам ис-тамайман”, деганди. Бу гапларни унчалик тушунмаган бўлса-да, негадир яшаб турган ҳовлиларини ташлаб кетгиси келмасди. Айниқса, маҳалладаги яқин ўртоқларидан ажралиш у учун катта йўқотиш эди. Янаям тўғрироғи, қўшни қиз – Ифорга ўрганиб қолганди. Буни ҳеч кимга айтолмаса ҳам, мурғак қалби дуқуллаб исён қиларди. Аниқ эсида. Воқеалар кўз ўнгида ҳануз бугунгидек жонланаверади...

...Йўл тараддуди кўрилганди. Жўнаб кетиш олди ҳамма атрофга бирма-бир терми-ларди. Қадрдон уй уларни қўйворгиси келмаётгандай эди гўё. У юргилаб Ифорлар-ниқига чиқиб кетди. Ортидан ота-онаси ҳам кириб келишди. Ифор алланечук бўлиб йўлақда турарди. У барисидан хабардор эди. Онаси ошхонада нималардир тайёрлар, яна алланарсаларни қоғозга ўраб ғимирларди. Уларни кўриб:

– Ҳозир чиқиб бормоқчийдим, – деди қўлларини сочиққа арта хижолатомуз.

– Биздан рози бўлинг. Яхши-ёмон гап ўтган бўлса, ёмонликка йўймайсиз, – деди онаси ўтира туриб.

– Қизиқмисиз, бу нима деганингиз? Ахир, яхши қўшниларимдан айриляпман-ку. Ҳозир йиғлавораман, – деди қўшни аёл онасини кучоқлаб.

Аммо бу гаплардан нима фойда. Ҳаммаси кўнгил учун қилинаётган мулозаматга ўхшайди. У Ифорнинг олдига борди.

– Кетяпсанми? – деб сўради у пичирлаб.

Истар-истамас бошини қимирлатди.

– Қайтиб келасанми? – беғуборларча сўради қизча.

– Билмадим, – деб жим бўлиб қолди. Бироздан кейин чўнтагидан унга атаб олиб

қўйган қип-қизил олмани чиқариб ўйнай бошлади. Буни қандай беришни билмай кавовланарди.

– Катта бўлсам, ёнингга келаман, – деди худди бир нарса эсига тушгандай шошиб.

– Бу менгами? – деди-да, Ифор унинг қўлидаги қирмизи мевани шарт тортиб олди.

У гапиришга улгурмади. Ташқарида ишчилар уларни чақириб қолишди. Ота-онаси апил-тапил ўрниларидан туриб, хайрлашишди. Онаси келиб унинг қўлидан тортиқлади.

– Ифор билан хайрлаш, – деди табассум билан.

– Яхши қолинглар. Шаҳарга ҳам боринглар, – деди отаси.

– Йўл узоқ. Буни қорнинг очганда еб опасан, – деб Ифорнинг онаси қоғозда ўроғлик егулик тутқазди.

У индамади. Кўчага чиққунча лом-мим демади. Худди бир нимадан хафа бўлгандек қовоқларини уйиб олди. Йўлда ўзини тутиб туролмади, йиглаб юборди. Нимага бундай қилганини ўзи ҳам тушунмасди. Онаси ҳолини кўриб:

– Нега йиглайсан? Ўлгани кетмаяпмиз-ку, ахир! – деди жеркиб.

– Унгамас.

– Нимага?

– Ифор олмамни қўлимдан тортиб олди, – деди ҳиқиллаб.

Отаси кулди. Онаси ўглининг бошини силади.

– Ўз холига қўй уни, – деди отаси.

Ўша-ўша Ифорни кўрмади. Вақт кутиб турмас экан. Йиллар ўз ҳукмини ўтказди.

Бугун тонгда – ун беш йилдан сўнг рўпарасида Ифорнинг анграйиб туришини ҳатто тасаввур ҳам қилмаганди. Ҳа-ҳа. Ҳаммаси худди шундай юз берганди. Кичкина қизи кўчада мева сотиб юрган аёлнинг овозини эшитиб хархаша қилмаганда, бу гапларни эсламаган ҳам бўларди. Қаршисида шууридаги каби шўх-шаддод, ерга урса, осмонга сапчийдиган чайиргина ўн ёшлар чамасидаги қизалоқ эмас, жувонлардек тўлишиб, ҳаётнинг захматлари кўзига эна бошлаган муштипаргина Ифор турарди.

– Холам яхшими? – сўради хижолат бўлиб, уч яшар қизини қўлчаларидан маҳқам ушлаганча.

– Ўтган баҳор хасталиқдан ўтдилар, – деди Ифор ва жим бўлиб қолди.

У сўраганидан пушаймон еди. Ярасига туз сепиб, дардини янгиллагани учун ўзини ич-ичида қойиб бошлади. Шундай бўлса ҳам, барибир, одоб юзасидан отасининг аҳволини сўраши лозим эди. Рисоладагидай қилдиам. У онасининг вафотидан сўнг отаси ўзини олдириб қўйганини, эси кирди-чиқди бўлиб қолганини айтди. Ифор оиладаги кенжа қиз эди. Опалари ҳақида сўрашга ботинолмади. Улар турмушга чиқиб, оила қуришган бўлса керак. Қолган гапларни ўзича тасаввур қилди. Сўрамай қўя қолди. Ифор яна жавоб беришга шай, термилиб турарди. У учун буларнинг бари аҳамиятсиз эди. Унинг ўтқир нигоҳларига чидай олмади. "Сўра сўрайдиганингни", деяётгандек эди гўё. У шаҳарга тирикчиликка тушган. Ҳар куни тонг саҳар боғларидаги мевалардан териб, олиб келади. Сотиб, рўзгор учун у-бу харид қилиб уйларига қайтади. Ҳаммасини икир-чикиритгача унга айтиши шарт эмас. Муҳими бошқа. Миясида фақат бир савол айланарди. Шунини бериш-бермаслигини билмай боши гаранг эди. Минг истиҳола билан охири:

– Болаларинг яхшими? – деди жиддий.

Ифор ярқ этиб қаради. Унинг бундай савол беришини кутмаган, шекилли. Истеҳзо билан мийиғида кулди. Оёқларига суйкалиб, бир нималар деб чугурлаётган қизчани даст кўтариб олди. У ёқ-бу ёқдан гапириб эркалаган бўлди. Ифор унинг бетамизларча сўровларининг барисига жавоб қайтаришга мажбур эмасди. Қизчани ерга тушириб:

– Энди отангинг олдига бор, – деди жилмайиб. Сўнг уларникига кўтариб кирган вазминроқ қутини тимирскилаб, узоқ кавлади. Ниҳоят, қидирганини топдими, каттакон бир қирмизи олмани олиб қизчага узатди. Бу ўша – унинг қўлидан тортиб олган олмага ўхшарди.

– Ойингга салом дегин, – деди дарвозахонадан чиқиб кета туриб.

У нима деярини билмай қараётган бўлиб турарди. Қизчаси қичқириб, айқоҳаннос солмаганида яна қанча бу ҳолатга чидаши мумкинлигини тасаввур қилди. Ичкаридан хотинининг овози келди.

– Ифор, сөнгә нима қилди, қизгинам? – деди чиқа солиб хотини.

Ифор, чақин ургандек кескин ортига үгирилди. Бирдан орқасига қайтмоқчи бұлди. Аммо бунга ҳожат йўқ эди. У индамай йўлида давом этди.


– Ким хафа қилди, а? Қизалоғим, – деди хотини қизининг ёнига келиб. – Ким берди бу олмани?..

Қизи эркаланиб Ифорни кўли билан кўрсатди. У кетиб борарди. Хотини қутидаги кип-қизил олмаларни кўриб яшнаб кетди.

– Мунча чиройли бўлмаса булар. Ҳаммасини сотиб олдингизми? – сўради хотини гўлларча.

Қути тўла қирмизи олмаларни кўриб унинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Ростдан ҳам улар кўзни қамаштирарди. “Булар ҳеч қаерда сотилмайди, сотиб олиш мумкин эмас”, дегиси келди. Хотини олмалардан кўлларига сиққанича олди. Сўнг қизини етаклаб ичкарига кириб кетди.


У Ифорни бироз кузатиб турди. Қутини олиб ортидан югурмоқчи бўлди. Бироқ кўтараётганда тугилган тугун ечилиб, олмалар ҳаммаёққа сочилиб кетди. У шошиқ уларни қайта қутига жойлади. Олмаларни кўтариб кўчага чиққанда Ифорнинг қораси ҳам йўқ эди. Аланг-жаланг атрофга қаради. Кўзи билан пана-пастқам жойларни қидирди. Кучоғида бир дунё олмалар. Уларнинг ҳар бирида ўзи каби журъатсиз болалик туйғулари яширин эди. Бири қадрдон уйини, бири дўстларини эслатса, яна бири Ифорнинг онасини, унинг йўлга ўраб берган ширинликларини ёдга соларди. Қирмизи олмаларнинг бари-бариси эса, Ифордек ифор таратарди. Уларни бирма-бир қарс-қарс тишлаб ейиш кераклигини ўйлаб ўкинди. Бу қанчалик азоб бўлмасин, уларнинг қисмати шу эди. Яна ким билади дейсиз?



*Муҳаббат ҳеч қачон таъма қилмайди.*

*У доимо улашади. У доимо изтироб чекади,  
аммо интиқом олмоқни ҳеч қачон ўйламайди.*

**Маҳатма Ганди**



# БАҲС

## “МУАЛЛИФ ЎЛИМИ” ГА СИЗ ҲАМ ОВОЗ БЕРАСИЗМИ?

(ёки асл ижод соғинчи)

**Умарали НОРМАТОВ**

1931 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетида таълим олган. Олимнинг беш юздан ортиқ мақолалари, эликдан ортиқ адабий-танқидий асарлари, дарслик, ўқув қўлланмалари чоп этилган. Жумладан, “Насримиз уфқлари”, “Етуклик”, “Қалб инқилоби”, “Қодирий боғи”, “Ўткан кунлар” ҳайратли китоблари замонавий ўзбек адабиётшунослигининг ютуғидир.



## АСЛ ИЖОДНИ АНГЛАШ БАХТИ

Журналнинг ўтган йилги сонларида “Янги авлод овози”, бу йил эса “Муаллиф ўлими”га сиз ҳам овоз берасизми? (ёки асл ижод соғинчи) мавзuida давом этган баҳс кенг адабий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Кузатишлар шундан далолат бераётирки, китобхонлар журналнинг галдаги ҳар бир янги сонини қўлга олганда айна шу рундаги бир-бирдан жўшқин хилма-хил талқинлар билан йўғрилган мақолаларни ўқишдан бошлаётганларини кўриб адабий танқидчилигимизда янги бир жонланиш, ўзгача тамойиллар юз бераётганидан огоҳ бўлиб чин дилдан қувонасан киши. Энг муҳими, ҳар икки баҳс ҳам шунчаки галдаги бир адабий-танқидий тортишув эмас, балки миллий адабий жараён, бадиий тафаккурда кечаётган янги тамойиллар, улар билан боғлиқ муаммолар, ечимини кутаётган жумбоқлар устида кетаётир. Бу борада бир вақтлар бўлганидек “коса тагида нимкоса” қидириш, бор гапни дангал айтишдан чўчиб, айланма йўллар қидириш, муросаю мадора усулини тутиш йўқ, чинакам ошқоралик, кўнгилда борини тўкиб солиш тажрибаси қарор топмоқда.

Каминани қувонтирадиган яна бир жиҳат қизгин баҳс-мунозаралар чоғида бир вақтлар бўлганидай мунаққидлар бир тараф-у, ижодкор – ёзувчи-шоирлар иккинчи тараф бўлиб бир-бирларига тош отиш удумидан бу гал асар ҳам йўқ. Ҳар икки тарафнинг адабий-танқидий савия-даражасидаги, эътиқод, маслак, мақсад йўлидаги муштараклиги кишини қувонтиради. Яна бир ижобий ҳол: мазкур баҳслар, шунингдек, ёзувчию мунаққидларнинг аксар адабий-танқидий чиқишлари биз аллақачон “қўлмиллатли совет адабиёти” доирасидан чиқиб, илғор жаҳон адабий тафаккури оқимиға тушиб олганлигимизни кўрсатаётир, ҳар иккала баҳс руҳи ва матбуотдаги қатор мақола, тадқиқотлар ҳам буни яна бир қарра тасдиқлаётир. Сўнги йилларда жаҳон модерн адабиётининг қўллаб баҳс-мунозараларига асос бўлган иккита ноёб намунаси – Ж. Жойснинг “Улисс” ва Сэмюэл Беккетнинг “Годони кутиш” асарлари она тилимизга моҳирона ўғирилди. “Годони кутиш” таржимаси сўнгида Назар Эшонқулнинг мазкур қисса ҳақидаги “Ўзини ўрганаётган одам” сарлавҳали теран мазмундор мақоласи илова қилинган. Гапнинг очиги, шу пайт-

га қадар мазкур асар ҳақида рус тилида чиққан кўплаб мақолалар билан танишганман, аммо ушбу мақола мутлоаси чоғи бу нодир асарнинг асл моҳиятини англаб етгандай бўлдим. Аминманки, фан доктори Жаббор Эшонқул “Годони кутиш” таржимаси чоғида у ҳақидаги кўплаб илмий тадқиқотлар билан танишган, бу ўта мураккаб, ноанъанавий асар моҳияти хусусида кўпдан бери модерн адабиёт дунёси ичида яшаб, қалам тебрати келаётган моҳир адиб Назар Эшонқул билан жиғдий баҳс-мулоқотлар олиб боргани аён ҳақиқат. Мазкур таржима шунчаки пьесанинг сўзма-сўз таржимаси эмас, бу беназир асар моҳияти устидаги узоқ давом этган изланиш, суриштирув, илмий тадқиқотларнинг ҳам ҳосилидир. Яқин ўтмиш тарихидан маълумки, шўро замонида “Улисс”га нисбатан таққ, таҳдид, жоҳилона ҳақоратлар ўтган аср охирига қадар давом этди, асарнинг янги таржимаси “Иностранная литература”да тўла ҳолда эълон этилгандан кейин ҳам унинг теварагида баҳс-мунозаралар тўхтагани йўқ, аммо энди уни қораловчилар билан бирга ҳимоя қилувчилар овози ҳам баралла янграй бошлади. Шуниси қувонарлики, 90-йиллар бошларида истиқлол шарофати билан ҳимоя қилди, мавзуга оид роман маъно-мундарижаси ҳақида ёрқин тасаввур берувчи тадқиқот ўзбек тилида рисола ҳолида чоп этилди. Афсус, шундан кейин ҳам “Улисс” ва унинг муаллифи устидаги баҳс-мунозара тўхтагани йўқ; ниҳоят, моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров таржимасидан кейин, қолаверса, ҳозирда фанда жаҳон адабиётида “Улисс”нинг юзлаб издошлари борлиги эътироф этилган бир пайтда ҳам қатор ижобий руҳдаги чиқишлар билан баробар, “Улисс” ва унинг муаллифи шайнига маломатлар ёғдириш давом этмоқда.

Ғарбу Шарқ адабиёти тарихи билимдон, устоз ёзувчи, адабиётшунос Маҳкам Маҳмудовнинг мазкур мунозара чоғида “Улисс” билан “Одиссея” орасидаги муштараклик хусусида айтилган айрим мулоҳазаларга кескин эътирозларини ўқиб ҳайрон бўлиб қолдим. Ахир, бундан илгирма йил бурун чоп этилган Тилаволдининг рисоласида “Одиссея” билан “Улисс” структураси бобма-боб қиёсий таҳлил этилиб, улкан адиб анъанавий замида туриб буюқ кашфиёт қилгани, “Улисс” қаҳрамонлари “Одиссея” қаҳрамонларидан фарқли ўлароқ, замондошларининг амалиётда эмас, руҳий оламида ғаройиб саргузашти силсилалари ўқувчини лол қолдирадиган тарзда бутун тафсилотлари билан таҳлил ва тадқиқ этилганлиги илмий кашф этиб берилган эди-ку. Гапнинг очиги, мен илк бор Ж.Жойсининг шу хил беқиёс бадий кашфиётларини, “Одиссея” билан “Улисс” орасидаги муштараклик ва фарқли жиҳатларни Тилаволдининг ўша рисоласи орқали англаб етганман. Орадан шунча йиллар ўтиб, Маҳкамжон қаламига мансуб мана бу танқидий мулоҳазаларни ўқиб ёқа ушлаб қолсан киши:

“Гомер “Одиссея”сида баъзи хаёлот манзаралари фонида жасур инсоннинг ҳақиқий саргузаштлари, кутилмаган фалокат, офатларни енгиб ўтган, табиат қудрати, ҳатто самовий қудрат билан баҳслашган, ақл қуввати билан циклоп-девни ҳам доғда қолдирган етук қаҳрамон фаолияти мантиқан асосли, табиий реалистик тасвирланган бўлса, Жойсининг уч қаҳрамони Леопольд Блум, Стивен Дедалус, Молли ҳеч қарга бормагани ҳолда, беш юз саҳифа давомида тинимсиз гап сотадилар, сўкинадилар, ҳеч қандай фалокатга учрамайдилар ҳам. Одиссейнинг долғали уммон ва денгизу оролларда оламнинг ярмини кезиб чиқшини Жойс қаҳрамонларининг у хонадан бу хонага ўтиши, Дублин шахрининг бир неча кўчасини айланиб кезишига қиёслаб бўладими? Асло! Дублин кўчаларида кезиш қаёқдаю, Ўрта Ер, Эгей денгизлари, Баҳри муҳитда долғали тўлқинларда сузиш қаёқда?” (Шарқ юлдузи”, 2014 3-сон, 164-бет).

Маҳкамжон бу гаплар билан чекланиб қолмай, ўнлаб, юзлаб тадқиқотчиларнинг янгича фикр-қарашларига зид ўлароқ мана бу гапларни ёзади: “Аслида эса, чиндан ҳам цитаталар тўпламига ўхшаш бу салмоқли ва қуроқ-ямоқли асарни “Одиссея”га ўхшатишни мен Гомернинг ҳам, унинг асарини ҳам ҳақоратлаш, деб биламан. Жойсининг “Улисс” романида “Одиссея”га ўхшашликни излаш тиканзорда сайроқи булбулу, анвойи гулларни излашдай гап” (164-бет).

Ўн йил “Улисс” оламида яшаган таржимоннинг “Улисс” пала-партиш ёзилган”, деган мунаққид даъвосига берган жавоби оддий ва мардона: “Улисс”да ҳеч қандай пала-партишлик, чалкашлик йўқ. Бу романда ҳар бир сўз, ибора, ифода, бадий фигуранинг ўз мақсадага йўналтирилган вазифаси, ўрни, таъсир доираси, бажарадиган эстетик маънолари беназир зарғарона адо этилган”. Бу – биринчи раддия. Иккинчиси эса мана бундай: “Одиссея”га мутубиқан унинг қўшиқларида акс этган мифологик воқеа-ҳодисаларга жўр ва маънодош бўлишни бадийий ният қилган. Асарни ёзаётганда бобларни шундай нисбий номлар билан атаган. Асар битганда улардан воз кечган...” Учинчи жиҳат: “Жойс инсон кечинмалари, ўй-хаёллари, кўзи билан кўриши, қулоғи билан эшитиши, нафас олиши, ранг-баранг ҳиссиётларини, ташқи олам, вазият тасвирларини бир вақт бирли-

ги ичига сиғдирган, айни тасвирланаётган дамда булар бари қандай кечса ва бу вақт ичида ички ва ташқи оламда қанчалар одми, жун ҳолатлар, ҳайратомуз ҳаракатлар юз берса, ҳаммасини шу муайян вақт бирлиги, макон ва ҳолат бирлигида тасвирда гавдалантиришни ният қилган ва фавқулодда амалга оширишнинг илоҳий йўқдай кўринган бадий натижаларга эришган." Бундан ҳам муҳими, "Психика, руҳий жараёнларнинг бениҳоя мураккаб ҳодисаларини сўз билан ифодалаш феноменини яратган ва усули қудрат кашф этган. Буларни замондош адиблар ва тадқиқотчилар "монтаж усули", "онг оқими" деганга ўхшаш тушунчалар билан атаганлар". Таржимон ижодий изланишлар жараёнида ўзича кашф этган яна бир муҳим жиҳат шуки, "романда воқеалар бадий фаросат билан қурилган жуда нозик бадий ассоциацияларда халқа-халқа ўзаро боғлиб боради. Замонлар Блум, Стивен, Молли сингари қаҳрамонлар ҳаёлида куюн каби олис тарихларга, олис тарихлар эса Ирландия миллий овозлик ҳаракатининг жуда мураккаб коллизияларига тинимсиз улаиб туради. Леопольд Блум Одиссей эмас. Жойс янги замон Одиссейи қандай қиёфага кирганлигини, унинг саргузаштлари энди нимфалару турли асотирий ҳодисалар ичида эмас, XX асрнинг миллий овозлик курашлари, оддий одамнинг оддий кундалик ташвишлари, оғриқлари, аламлари, умид-умидсизликлари, ҳаётдан, қисматдан тинмай маъно қидиришда кечаётганида кўрсатади. Стивен ҳам Ҳамлет эмас. Аммо ҳамлетчилик уни қанчалар ўртаётгани ҳар дамда сезилади".

Ниҳоят, мунаққид-таржимон шундай хулосага келади: "Жойс галати фикрловчи интеллектуал одамлар қиёфаларини кашф этади. Блум ва Стивеннинг чексиз кечинмаларида ахборий мажозлар силсиласи оқиб ётади. Авангардга наст назар билан боқувчилар ва осонгина тушунолмадик, деб юрувчилар ўзлари билмаган ҳолда замондан орқада қолиб кетадилар". Ниҳоят, хулосаларнинг хулосаси, ундан келиб чиқадиган бош сабоқ мана бу:

"Эски классик мезонлар изидан янги эстетик мезонлар санъатга кириб келганлиги, янги санъат дунёсини бино қилаётганидан беҳабар қоладилар. Адабиётчи учун орқада қолиш хайрли бўлмайди".

Биз истаимизми, йўқми Жойс, Беккет ва уларнинг жаҳон адабиётидаги юзлаб сафдош-издошлари тажрибалари аллақачон миллий адабиётимизга ўзига хос кўринишда, турли-туман шаклларда кириб келган, улар ўзгача миллий қиёфада намоён бўлаётки. Иброҳимжон шулардан бир нечасини катта қувонч билан эслатиб ўтади. Афсуски, кейинги чорак аср давомида адабиётимизда, аниқроғи, шеърят ва насрда модерн йўналишдаги жараёнлар, уларнинг ютуқ ва камчиликлари бор ҳолича кенг қўламда теран илмий таҳлил этилгани йўқ; баҳслар чоғи ўта бирёқлама кетиш, ҳар қандай модерн кўринишларини миллий адабиётимиз учун беғона, ёт ҳодиса атаб қоралаш, инкор этиш ёки, аксинча, бу йўлдаги изланишларда йўл қўйилган кам-қўстлардан кўз юмиб, ҳар боб билан бу йўлни ҳимоя қилиш жараёни ҳамон давом этмоқда. Ҳимоя, оқлов ҳам, танқид, қоралов ҳам теран илмий таҳлил, ишончли далил-исботларга асосланганига қадр топади. Биргина мисол. Йўлдош Солижоновнинг "Гўрўғли" романи қаҳрамони номи унинг бош ҳарфи билан аталиши, мавҳумот гирдобиди қолган шахснинг нажот излаб сар-сари кезиши жиҳатидан Кафка асарини эслатишни далил қилиб, асарни "Жараён"га тақлид, дея чиқарган хулосасига тўла қўшилиб бўлмайди. Ҳар икки асарда муайян муштаракликлар мавжуд эса-да, уларда акс этган давр, воқеа-ҳодисалар моҳияти, персонажлар қисмати, ифода тарзи, оҳанги ўзгача-ку! Шу ўринда беихтиёр "Ўткан кунлар"га оид Сотти Хусайн билан муаллиф орасида бўлиб ўтган баҳс чоғидаги бир ҳолат ёдга тушади. Мунаққид "Ўткан кунлар"га оид рисоласида романнинг "анча ери Жўржи Зайдоннинг "Армануса", "Ун еттинчи рамазон" романларига ўхшаб кетишини танқид қилади. Аммо мунаққид бу хусусда аниқ далил келтириш ўрнига мумжал гаплар айтиш билан чекланади. Қодирий мунаққид даволарини рад этар экан "**оқилон пайрави нуқат накунад**" (оқиллар нуқтага аҳамият қилмайдилар), деган форсий матални келтириш билан қифояланади. Назаримда, "Гўрўғли"ни тақлидда айблаш учун келтирилган далиллар етарли эмас. Бу хусусда биз ҳам устоз келтирган ўша матални эслатиш билан чекланамиз: "оқилон пайрави нуқат накунад".

Улуғбек мақоласида кўтарилган тақлид, кўчирмачилик, аналогия, таъсир, ўхшашлик, сайёр сюжет каби муаммолар орасида биргина "кўчирмачилик" (ёхуд "адабий ўғрилиқ") ни асло кечириб бўлмайди, кўчирмачилик, адабий ўғрилиқ ўз номи билан ўғрилиқ, гуноҳи азим. Бироқ тақлид, аналогия, ўхшашлик, сайёр сюжет масалаларига бироз эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ керак.

Ўтган асрнинг 60-йиллари Миллий университетда шоир, драматург Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" трагедияси муҳокамаси чоғи талабалардан бирининг асар ҳақидаги бир эътирози ва унга адиб берган жавоб сира эсимдан чиқмайди. Ўша муҳокамада талабалардан бири трагедиянинг финал қисми схематик чиққан, асар кўплаб трагедиялар қатори бош қаҳрамоннинг ўлими билан тугайди, дея эътироз бил-

дирди. Бу эътирозга жавобан адиб шундай деган эди: "Адабиётдаги, бадий асардаги схематизм иллатига мен ҳам қаршиман. Бироқ борлиқ-табиат, ҳаётнинг ўзи шундай схемалар асосига қурилганки, уни ўзгартириш одам боласининг қўлидан келмайди. Масалан, кун билан туннинг, йил фасллрининг алмашуви, одамзод умри; одам боласи туғилади, Оллоҳ берган умрини яшайди, сўнг ўлади. Укажон, Одам Атодан бери давом этаётган шу "схема"ни, қани, озгина ўзгартириб беринг-чи, мен бундай "ўзгариш"ни бажонидил асарга олиб кирган бўлардим".

Яна бир ҳаётда юз берган сабоқ бўларли ҳодиса. Бир вақтлар "Гулистон"да чиққан "Адабий ўхшашликлар хусусида" мақолам анча шов-шувларга асос бўлган эди. Унда икки – устоз ва шогирд адабиримизнинг (ҳар иккиси ҳам оламдан ўтган, улар руҳини безовта қилмаслик учун исми шарифларини тилга олмадим) бир мавзудаги икки қиссаси воқелари, мавзу, муаммолари, персонажлар қисмати ҳайрон қоларли даражада бир-бирига ўхшаш эди. Мен шу хусусда анча кескин танқидий мулоҳазалар айтган эдим. Кейинчалик суриштирувлардан аён бўлдики, бир-бирига бу қадар ўхшаш воқелар чиндан ҳам ҳаётда айнан шу тарзда юз берган экан, ҳар икки муаллиф ундан таъсирланиб, бир-бирларидан мутлақо беҳабар ҳолда бир пайтда айна шу мавзуда асар ёзганлар, улар олдинда-кейин матбуотда чиққач, ҳар икки муаллиф бир-бирларининг асарлари билан танишиб орадаги бу қадар яқинлик, ўхшашликдан огоҳ бўлиб лол қолганлар. Каминанинг танқидий мулоҳазаларидан сўнг кўнглимга яқин ҳар икки адабимиз бу қадар ўхшашлик учун мендан узр сўрадилар, кейинчалик бу асарларини қайта нашр этмадилар... Қаранг, ҳаётда шунақаси ҳам бўлар экан-да...

Адабиёт дунёси шундай бепоён, беқиёс, ғаройиботларга бойки, бир мавзу, бир муаммо, бир тарихий воқеа, тарихий шахс ҳақида ўнлаб, юзлаб муаллифлар биринини мутлақо такрорламайдиган оригинал асарлар яратаверишлари мумкин. Кейинги юз йилликда ўзимизда, хорижда битилган, битилаётган Амир Темури, Навоий, Бобур ҳақидаги сон-саносиз асарларни бир кўз олдимизга келтирайлик-а. Тўғри, бадий савия-даражаси ҳар хил, аммо уларнинг бирортаси иккинчисини даярли такрорламайди. Менимча, бугунги адабиётда тақлид, муайян ўхшашлик, ўзаро таъсир, боринги, сайёр сюжет ҳолатлари адабиётдаги, адабий жараёндаги у қадар хавфли иллат, фожиа эмас. Кўчирмачилик, тақлид, ўхшашликка қарши ўт очиб, уни фош этиш, думини кесиб бе-малол мумкин. Бироқ барча қаламкашни Оллоҳ берган қобилият, савия-даражасидан юқори кўтаришнинг эса асло иложи йўқ. Ҳар ким ўз имкони доирасида ижод қилади. Бунини унутмайлик, азизлар. Энг муҳими, ҳар ким ижод боғида ўз даражасига лойиқ яратган асари учун ўзига яраша баҳосини олмоғи лозим. Ўз имконияти, даражасини англаш ҳам ижодкор учун фазилат, бахт! Афсус, минг афсус, бунга эришиш, аслида адабий ҳаётдаги, жараёндаги энг мушкул жумбоқ. Адабий муҳитнинг соғломлиги кўп жиҳатдан айна шу адолатнинг қай тарзда рўёбга чиқиши, чиқаётганлигига боғлиқ. Ўртача асар билан қаламкаш ўқувчини ўз ортидан эргаштира олмайди, ўртача асар билан адабий жараён ҳеч қачон олға силжимайди. Беназир, бетиним изланувчи ноёб истеъдод, ёниқ илҳом, қалбларни ларзага соладиган ички дард, кишини ўй-мушоҳадаларга толдирадиган, ҳодисаларга янги томондан қарашга ундайидай беқиёс тафаккур, янгича талқинлар, ифода усуллари билан одамларни лол қолдирадиган, уларни янги бир згулик оламга олиб кирадиган истеъдод соҳибигина чин ижодкор номинга муносибдир. Орзу қилинган асл ижод намуналарини ана шундай чин, ноёб асл истеъдод соҳибларигина яратади. Асл ижод соҳиби эса ҳеч қачон сўнмайди, ўлмайди, муаллифи тани жонидан маҳрум бўлса-да, асарлари орқали яшайверади. Бунинг исботи учун узоққа боришга ҳожат йўқ. Шундоқ атрофимизда, қолаверса, тарихда мисоллар тўлиб-тошиб ётибди.

\*\*\*

Р. Бартнинг "Муаллиф ўлими" мақоласи теварагида салкам ярим асрдан бери давом этаётган қизгин баҳсларга муносабат тарзида унинг бугунги миллий адабиётимиздаги асоратларига оид қизгин мунозаралардан, очиги, умидимиз катта эди. Афсус, Улуғбек, Зухриддин, Маҳкамжон, Иброҳимжон чиқишларида ўртага ташланган нозик кузатиш, ўткир ҳаётий, илмий-адабий муаммо-жумбоқлар бу ёқда қолиб, гап-сўз оқими адабиётшуносликдаги, адабий таълим, илмий даража олиш жабҳасидаги қаллобликлар, жиноий ҳаракатлар, айна шу хил қилмиш-қидирмишлар оқибати ўлароқ "илмий тадқиқотлардаги муаллифнинг ўлими" томон бурилиб кетди.

Баҳс бошидаёқ Зухриддин Исомиддинов келтирган таълим, фан, илмий даража учун ёзиладиган диссертациялар билан боғлиқ ўта ошқора беҳаёларча таъмағирлик, қаллобликка оид далил-исбот, ҳаётий лавҳалар тавсифини ўқиб, рости ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Наҳотки, бир азамат толиби илм Зухриддиндек талабчан, ҳақиқаттўй таниқли олим, масъул лавозимларда хизмат қиладиган обрўли сиймо ҳузурига ке-

либ, уялмай-нетмай, "диссертация яшаш" хусусида ошқора арзи-додини тўкиб солса?! Ётиги билан изҳор этилган рад жавобидан сўнг ҳам таниқли олимнинг изидан қолмай ялтоқликни давом эттираверса, фаннинг бир даражасига эришиб, энди иккинчи поғонасига кўтарилиш пайига тушиб, яна ўша ялтоқликни давом эттираверса... Наҳотки шундай шармандали жиний ҳаракатга кескин раддия билдириш чораси топилмас?!

Азизлар, очигини айтмай, мен ярим аср Миллий университет даргоҳида доцент, профессор, 26 йил кафедра мудири лавозимларида, чорак асрдан мўлроқ филология бўйича илмий даража берадиган кенгаш аъзоси сифатида хизмат қилиб, бирор марта ҳам бунақанги ошқора шармандали ҳодисага дуч келган эмасман. Шу йиллар давомида 20 дан ортиқ фан номзоди, докторлиги илмий даражаси устида иш олиб борган шоғирдларга раҳбарлик, 50 дан ортиқ фан номзоди, доктори ишларига оппонент – тақризчилик қилиб ҳеч қачон бу жабҳада бу хилдаги ошқора таъмағирлик ёки кўчирмачилик ҳолатини кўрган эмасман. Тўғри, шу йиллар давомида мен аъзоси бўлган илмий кенгашда ёқланган 4 ёки 5 диссертация экспертлар томонидан уларда кўчирмачилик ҳолатлари борлиги аниқланган, муаллифлари илмий даражасидан маҳрум этилгани, уларнинг илмий раҳбарлари эса муайян муддат диссертацияларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан четлатилганлигини биламан. Шу воқеанинг ўзи қанчалар шов-шувларга сабаб бўлган, мазкур ишлар муаллифлари, қолаверса, раҳбарлари илмий доираларда бундай қилмиш-қидирмишлари учун ҳамкасблари юзига қаролмайдиган ҳолга тушган эди.

Энди талабаларнинг ёзма ишлари, илмий тадқиқотлар, диплом ишлари, ҳозирда эса малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертациялари масаласига келсак, бошқа ўқув даргоҳларидаги вазиятдан беҳабарман, аммо камина бевосита дахлдор Миллий университет ўзбек филологияси факультетида юксак талабчанлик, ошқоралик, ҳалоллик ҳамиша барқарор бўлган. Ғ.Каримов, А.Ғуломов, Ш.Раҳматуллаев, С.Долимов, М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, Л.Қанонов, Б.Қосимовдек етук олим, талабчан устозлар яратган илмий муҳитда ҳеч қачон қаллобикларга йўл қўйилмаган. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтмай: ярим аср давомида мен хизмат қилган даргоҳда каминанинг бўлғуси адабиётшунос талабаларга, Ш.Раҳматуллаев эса тилшуносларга "Илмий тадқиқот асослари" курсидан машғулотлар олиб борганмиз. Мазкур курс дастурида фандаги плагиатлик – кўчирмачилик мавзусига оид махсус соат ажратилган эди. Биринчи курсдаёқ плагиаторлик илм-фанда ғирт шармандалик – ўғрилиқ, жиноят экани талабаларнинг қулоғига қуйилар, билиб-билмай бу ишга қўл урган талаба курсдошлари олдида шармандаю шармисор этилар эди. Мабодо, диплом ишларида шундай ҳол юз бергудек бўлса, диплом иши бекор қилинар, раҳбар беш йил диплом ишига раҳбарлик қилишдан маҳрум этиларди. Бу масалада бирор кимса ўша "жабрдийда"ларни ҳимоя қилиб ўртага тушганини кўрган, эшитган эмасман. Муваффақият билан ёзилган, фанда янгилик дея баҳоланган диплом ишлари мақола, китоб ҳолда нашр этишга, мўтабагар тўпламларга киритишга тавсия этилар эди. Биргина мисол – каминанинг Озод Шарафиддинов раҳбарлигида ёзган "Ғафур Ғулом поэзиясининг эстетик принциплари" мавзусидаги диплом ишим факультет илмий кенгашининг тавсияси билан 1959 йили Давлат нашриётида чоп этилган мўтабагар китоб "Ўзбек адабиёти масалалари" тўпламига киритилган эди. Қаранг, университетдаги менинг энг сўнги шоғирим Саъдулла Қуроновнинг муваффақият билан ҳимоя қилган магистрлик диссертацияси "Ифода ва ифодавийлик" номи остида 2013 йили "Akademnash" томонидан китоб ҳолида чоп этилди, адабий жамоатчилик орасида қизиқиш уйғотди...

Демак, университетимизда ярим аср бурун мавжуд мўтабагар аънава бугун давом этапти...

Камина ана шундай кайфиятда юрган паллада "Асл ижод соғинчи" баҳси чоғи ҳамкасбларимиз томонидан куюнчақлик билан айтилган талабгар доирасидаги бугунги илмий муҳитга оид гап-сўзлар, очиги, мени ажаб бир ҳолатга солди. Дилимга энг яқин дўстим Йўлдош Солижоновнинг кўпдан буён кўнглида йғилиб қолган бу борадаги дардаламларни вулқондек отилиб чиқиб, норозилик учқунлари аланга олганини кўриб дилдан ачиндим. Унингча, "муаллиф ўлими"га сабаб бўладиган масалалар ичида энг хавфлиси, ҳозирги пайтда ниҳоятда оммавийлашиб кетаётгани бу кўчирмакашлик билан тақлидчиликдир... кейинги йилларда кўчирмакашлик, тақлидчилик, тайёр илмий, ижодий материалларни ўзиники қилиб олиш одат тусига кирди. Ажабланарли томони шундаки, шу каби иллатларни хаспўшлайдиган, уни қўллаб-қувватлайдиганлар ҳам топилмоқда... Бу иш билан шуғулланадиган кимсалар (аслида, кўчирмакаш ва тақлидчилар) ўзларини гўё тадбиркор деб санамоқдалар... Бундай тадбиркорлик эса адабиёт, фан ва санъатга катта зарар келтиряпти". Унингча, "Уларнинг айримлари ўзлари ўқиган чет эл китоблари ёки кўрган киноларидаги воқеаларни худди карта чийлагандек аралаштириб, қайта ҳикоя қилишга уста бўлиб кетдилар". Дўстимиз, яна олий ўқув юртларидаги бугунги ҳолатга

қайтиб надоматлар билан шуларни қайд этади: "...битирувчиларнинг айримлари тайёр лужмани ямламай ютиб, ҳеч нарса кўрмагандек семириб яшаш йўлини қидираётган кимсага ўхшайдилар..." Ҳозирга келиб, аввало, мавзулар ниҳоятда майдалашиб, бацкана-лашиб кетди. Иккинчидан, уларнинг мазмун-моҳиятида бир хиллик пайдо бўлди... Учунчидан, кўчирмақашлик авжига чиқди. Битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик диссертациялари билан танишсангиз, дарсликлар ва қўлланмалардан, интернет маълумотларидан тайёр кўчирилганлигининг гувоҳи бўласиз. Тўртинчидан, олий ўқув юртларида битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини ёзиб берадиган ишбилармон мутахассислар отряди шаклланди..." ва ҳ.к.

Энг ачинарлиси, мақола муаллифи бошдаёқ ўзгалардан, шахсан ўз ишидан кўчирилган магистрлик иши хусусида гап очганида, унинг гаплари на диссертантга ва на унинг илмий раҳбарига пашша чаққанчалик ҳам таъсир қилмайди...

Бунга чидаш мумкинми?! Бу ғирт шармандалик, қолаверса, жиноятнинг ўзи-ку! Биз адолатсизликларга дуч келсақ нола чекамиз, лекин ҳақиқат йўлидаги курашни охирига етказишга келганда сусткашлик, муросяо мадора йўлини тутамиз. Қонун, ҳақиқат муаллиф-дўстимиз томонида экани аён кўриниб турибди. Аммо адолатни рўёбга чиқаришга келганда хийла жангари, жасур дўстимиз ҳам сусткашликка, муросяога боряпти. Ҳамма бало ана шунда. Шундай вазиятларга дуч келганда беихтиёр камина ярим аср ҳамкорлик қилган – Ф.Каримов, Ш.Раҳматуллаев каби устозлар кўз олдимида гавдаланади. Улар қонун, ҳақиқат, адолат йўлидаги курашларда гоҳо вазиятга қараб эҳтиёткорлик йўлини тутган, аммо аҳдидан ҳеч қачон чекинган эмас, ҳар боб билан ҳақиқат тантанаси учун курашган ва аксар ҳолларда аҳдига эришган. Биргина мисол. Устоз Озод ака бир ёш истеъдодли ёзувчининг ўз даврида қалтис туюлган романи кўлёмасини "Жаҳон адабиёти"да чиқиши учун ҳамма чораларни кўрди, аммо тўсиқлар устига тўсиқларга дуч келаверди: охири, шу асар босилиб чиқса-ю, мени ишдан олишса бажонидил рози бўлардим, деган аҳди паймон билан уни нашр этишга журъат этди. Қарангки, асар журналда чиққач, устоз маломат эмас, таҳсинларга сазовор бўлди.

Ҳозир биз ўзга замонларда, адолат учун йўллар очик демократия, қонун устуворлиги замонида яшаётганимизни унутмайлик. Йймоним комилки, ўша қалтис вазиятда дўстим Йўлдошали барча нохушлик ва қийинчиликларни зиммага олиб адолат учун курашни поёнига етказганида, аминманки, ғалаба байроғи унинг қўлида бўларди, вазият бутунлай ўзгариб кетарди. Қолаверса, интернет, компьютер орқали бадийий ижод ва адабиёт илми соҳасида авж олган қаллобликлар устида гап борганда, айни шу жабҳадаги фирромлик, ўғриликларни аниқлаш, фош этишда айни ўша интернет ва компьютернинг беқийёс имкониятлари борлигини, улардан адолатни барқарор этишида фойдаланиш зарурлигини унутмайлик.

Қалтис вазиятларда қатъият, дадиллик, шижоат, амалий хатти-ҳаракатлар керак, азизлар. Шикоятлар, оҳ-воҳлар, нолишлар замони ўтди, амалий ишлар замонида яшаётганимизни унутмайлик. Курашганга завол йўқ. Қабохатлар, жиноятлар билан муросяо мадора ҳукм сурган муҳитда эса муросяо йўлини танлаган инсон ҳам ношуд-нотавон маҳлуқ билан баробар, дўстлар. Бу борада ҳушёр бўлайлик, инсонлигимизни унутмайлик.

Шу ўринда Ҳамидулла Болтабоевнинг мақоласида келтирилган информатика оламидаги ўта мураккаб чалкашликлар гирдобида адолат йўлидаги дадил амалий ҳаракатлар, нажот йўлини қидиришга уринишларни ибрат қилиб кўрсатишни истардим. Ношир укамизнинг нақд фойдадан, аллақачон кармонга тушган червонлардан воз кечиб, тайёр ҳолга келиб турган ночор китоб нашридан дадил воз кечиши бошқа ноширлар учун ҳам ибрат – ижобий намуна! Шундай қилса ҳам бўлар экан-ку, ахир! Аслида, ноширнинг бош вазифаси муаллиф учун ким эканини билиб бўлмайдиган, чаласаводларча битилган, муажмал, сохта, ясама, қурама асарлар билан муаллифи ярқ этиб кўриниб турадиган асл асарларнинг фарқига етиш, ўшандай асл асарларни қадрлаш, вақтида эсл асларига етказишидир.

Ҳамидулла укамиз мулоҳазаларига шуларни илова қилишни истардим, китоб бошига "масъул муҳаррир" фалончи деб ёзиб қўйилар экан, у чиндан ҳам китоб учун масъул жавобгар бўлиши даркор. Ҳозирги кунда номигагина эмас, Ваҳоб Рўзमतов, Маҳмуд Саъдий каби ҳар бир сатр, сўз устида муаллиф билан жанг олиб борадиган, қолаверса, бутун бошли адабий жараёнлардан хабардор чин маънодаги масъул муҳаррирларга эҳтиёж ниҳоятда катта. Чин масъул муҳаррирларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш керак, ишдаги масъулиятсиз муҳаррир эса ўз "таҳрири"дан ўтган ночор асар учун моддий ва маънавий жавобгарликни ўз зиммасига, елкасига оладиган бўлиши даркор. "Асл асар"ни қадрлаш, ҳимоя қилишининг йўли ана шундай!



### Рисоleta ХАЙДАРОВА

1966 йилда туғилган. Ёзувчи ва таржимон. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. Шарқий Европа адабиётидан қилган таржималари эълон қилинган. “Магнрура”, “Жавзо” номли китоблари чоп этилган.

## ХАЙРЛИЛИК ИСТАБ...

Мана, мунозара бошлангандан бери ўтган йил ҳам ниҳояланиб, яқун чиқариш, ҳулоса яшаш пайти келди. Улугбек Ҳамдам “Муаллиф ўлими”га сиз ҳам овоз берасизми? (ёки асл ижод соғинчи) мақоласида қаламга олган муаммо атрофлича ёритилдими, қайси жиҳатлари эътибордан четда қолди-ю, қай томонларига урғу мўлроқ кўйилди? Бу саволларга жавоб топиш учун ҳам баҳс иштирокчиларининг чиқишларидаги асосий фикрларни тезис шаклида эслаб ўтиш лозим.

**Маҳкам Маҳмудов:** Р.Бартнинг матнда “муаллифнинг ўлими” ҳақидаги фикрлари асосида поэтик санъат табиатини тушунмаслик ётади. Р.Барт келтирган матнда мен муаллиф йўқолган, “ўлган” деб ўйламайман. ...Бадий тасвирда муаллиф “ўлими” эмас, муаллиф шахси, истеъдоди ҳал қилувчи фазилатдир. Р.Барт келтирган мисолда муаллиф “ўлмайди”, аксинча, бундай тасвирда муаллиф – Бальзак кўринади.

**Йўлдош Солижонов:** Француз адиби Г.Флобер айтгандек, “ўзи кўринмаса ҳам асарнинг ҳамма ерида олам Худосидек ҳозир у нозир бўлиб туради”ган ҳақиқий муаллиф яшайди. Шундай экан, уни ҳеч қачон ўлимга маҳкум этиб бўлмайди.

**Ҳамидулла Болтабоев:** Агар бугунги иқтисодий (бозор) шароитдан келиб чиқиб, мана шу жиҳат (қундалик турмушимизга бир марталик рўзгор буюмларининг кириб келиши) адабиётга ҳам кириб келса борми, Худо курсатмасин, бир марталик романлар, шеърлар, драмалар... Адабиёт ва санъатни таназзулга олиб борадиган йўл шу бўлади. Бир пайтлар “роман ўқилиши” (кейинроқ Ш.Холмирзаев мақоласида кўтарилган “адабиёт ўладими?”) муаммолари маълум маънода сўнги даврга тегишли бўлиб, у Роман Барт мақоласида айtilган “муаллиф ўлими”га қариндош муаммолардан саналади.

**Зухриддин Исомиддинов:** Ҳеч бир яхши асар йўқ жойда бино бўлмайди, заминига қарасак, аллақайси асарнинг асарини сезиш мумкин ундан. Чунки адабий таъсирсиз, адабиёт тараққий этмайди.

**Курдош Қахрамонов:** Менинг назаримда, “муаллиф ўлими” тушунчаси фақат кўчирилиб, муаллифнинг номи алмашиши билан боғлиқ эмас. Чунки кўчирилса ҳам, асл матннинг ўзи ҳам сақланиб қолади-ку?!

**Иброҳим Ғофуров:** Ахлоқий, интеллектуал, мажозий, ривоят дискурсларини ажратиб изоҳлаб тушунтириш ҳозирги илмий танқиднинг энг биринчи вазифаси... Пост-модернизм ягоналашган дунёнинг тасвир ва акс эттириш усуллари сифатида пайдо бўлди. Ғарбнинг маданий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаб улгурди. Санъатнинг замонавий оқими ўз янги назариси, амалиётини, усулларини, тушунча-истилоҳларини яратди. У ўзини юқори интеллектуал, технологиялар ўта ривожланаётган, бош мия коэффицентлари дам-бадам аниқланаётган, инсон имкониятлари очилаётган юксак тараққиёт палласига жуда мослашган ва шу тараққиёт учун хизмат қилмоқда.

**Умарали Норматов:** Менимча, бугунги адабиётда тақлид, муайян ўхшашлик, ўзаро таъсир, боринги, сайёр сюжет ҳолатлари адабиётдаги, адабий жараёндаги у қадар хафли иллат, фожиа эмас. Кўчирмачилик, тақлид, ўхшашликка қарши ўт очиб, уни фол этиш, думини кесиш бемалол мумкин. Бироқ барча қаламкашни Оллоҳ берган қобилият, савия-даражасидан юқори кўтаришнинг эса асло илоҳи йўқ. Ҳар ким ўз имкони доираси-даражасида ижод қилади.

Кўриниб турибдики, ҳурматли иштирокчиларимиз “муаллиф ўлими” мажозининг бўлган кунда кўзга ташланаётган иккинчи бир қирраси — плагиатлик ва кўчирмакашлик каби иллатлар борасида кўпроқ фикр билдирдилар. ўзларини қийнаётган муаммоларни ўртага ташладилар. Демак, “Автор ўлими” (тўғрироғи, “муаллифнинг ўлими”, ammo чамаси “авторнинг ўлими” — постмодернизм тушунчаси муҳокамаларда қўлланаётган “муаллифнинг ўлими” ўзбекча тушунчаси билан баробар эмас, улар бошқа-бошқа нарсалар) деганда, кўпроқ кўчирмакашлик ва “кўчирмакаш”нинг муаллиф сифатидаги ўлими назарда тутилаётгандек”, деганда И.Ғафуров ҳақ гапни айтди.

Биз масаланинг бу жиҳатига ҳали яна тўхталамиз. Аввало, баҳс-мунозарарага дебоча бўлган мақоланинг ёзилишига туртки берган асарлар ҳақида.

Оноре де Бальзак “Сарразин” новелласини ёзганда унинг қаҳрамонлари постмодернистлар учун илҳом манбаи бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган, албатта. Ишонманки, Ролан Барт ҳам Бальзакни танқид қилиш ниятида эмас эди.

Аслида, Ролан Барتنинг “Муаллиф ўлими” эссесининг ёзилишига сабаб бўлган бу новелла улуғ француз ёзувчисининг кўп ҳам маълум бўлган асарлари сирасига қиради. “Сарразин” тасвирий-ифода услуби жиҳатидан ҳам, сюжет қурилиши жиҳатидан ҳам ёзувчининг бошқа новелла ва романлари билан ҳамоҳанг. Ҳақиқат бир воқеа ичида иккинчи бир воқеа ривожланади, биринчи воқеа бош қаҳрамон — ёзувчи тилидан биринчи шахс номидан баён этилади, иккинчи воқеа эса бош қаҳрамон томонидан бошқа бир кишига (аксарият ҳолларда аёлга) ҳикоя қилиб берилади ва турган гап, иккинчи воқеанинг ҳам алоҳида бош қаҳрамони бўлиб, новелла ёки роман мана шу қаҳрамон исми билан номланади. Р.Барт тилга олган аёл иккинчи воқеанинг бош қаҳрамони — Римга келиб қолган ёш француз ҳайкалтароши Сарразин ошиқ бўлган Замбинелла исмли гўзал актрисадир. Новелла сўнггида актриса, аслида, бичилган йигит эканлиги ошкор бўлиб қолади. Уша даврда Италияда саҳнага аёллар чққмас, аёллар ролини эса ўзига тахаллус қўйган ёш йигитчалар ўйнардди. Бундай “актриса”лар ўз “образ”ларига шу қадар киришиб кетадиларки, Рим театри қоидаларини билмаганлар уларни ҳақиқатан ҳам аёл киши деб ўйлайди. Сарразин Париждан келган эмасми, Рим ҳаётини билмайди, оқибат “образ”га кириб кетган одамни севиб қолади...

Менимча, Ролан Барт ўз кашфиётига мисол ва далил сифатида Бальзакка, айнан “Сарразин” новелласига бежиз мурожаат қилмаган. Новелладаги ифода услубидан ҳам кўра, қаҳрамонларнинг тақдирига боғлиқ баъзи жиҳатлар у ёки бу қирраси билан янгича назарий қарашларга мос келарди. Қарангки, Сарразин ҳайкалтарош сифатида идеал тана гўзаллигини излапти. Лекин ўз асарлари учун у шу пайтгача яхлит бир образни учрата олмаган эди. Шу боис ясаган ҳайкалларнинг оёқларини бошқа бир натурачидан, елкаларини бошқа бир аёлдан, қўлларини яна кимдандир кўчириб олган. Сарразин идеал тана гўзаллиги йўқ, ҳатто қадим юнон ҳайкалтарошлари ҳам маъбудаларнинг гўзал танасини ҳар ким-ҳар кимдан олиб жамланган умумлашма нуса асосида яратишган, деган тўхтамаг келган эди. Қарангки, Замбинелланинг ҳусни ҳар жиҳатдан тўқис, бенуқсон, юнон ҳайкалтарошлари яратган асарларнинг худди ўзи. Сарразин илҳом билан ишлаб, актрисанинг қатор ҳайкалларини яратади. Замбинелла ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари билан аёл кишидан умуман фарқ қилмасди. Шу боис Сарразинда заррача бўлсин, шубҳа туғилмайди, ҳатто Замбинелла унинг севишини рад этса ҳам, атрофдагилар Сарразинга истехзо қилсалар ҳам парво қилмайди. Ниҳоят, гўзал актрисанинг сирини фаш бўлгач, билсакки, унинг гўзаллиги ҳам йиғма экан. Ҳақиқат сийналари қайсидир суратдан кўчириб ясалган, елка ва билакларига қай бир хонимга тақлидан сайқал берилган, ҳатто хатти-ҳаракатлари ҳам аслзода зодагон қизларнинг юриш-туришига тақлидан ўзлаштирилган экан!

Ёзувчи Сарразин нигоҳи билан Замбинелланинг юриш-туришига назар солиб чиқарган хулосалари Р.Барт учун қатор саволлар билан масалага кирувчи йўл вази-фасини ўтайди. Эссени ўқиган одам ҳақиқатан ҳам ўйланиб қолиши аниқ: “Ким шундай деяпти? Балки, аёл қиёфаси остида бичилган йигит яширинганини сезмасликка уринаётган новелла қаҳрамонидир? Ёки ўз шахсий тажрибасига асосланиб аёл ҳақида мулоҳаза юртаётган шахс — Бальзакми? Ё аёл феъл-атвори ҳақидаги “адабий” тасав-вурларга амал қиладиган ёзувчи Бальзакми? Ёки бу умуминсоний ҳикматми? Балки, романтик психологиямикин?” (тарж. — Р.Ҳ.).

Кейин Р.Барт ўз саволига биз буни ҳеч қачон билолмаймиз, дея жавоб беради: У ёзувчи нуктаи назари жонсиз матн, анкироғи ёзувга келиб йўқ бўлиб кетади, деган тўхтамаг келади: “Ёзув — мавҳумлик, ҳар турлилик ва мужмалликнинг шундай бир жиҳатики, бунда бизнинг ўзига хослигимиз йўқолади, ёзув оқ-қора лабиринт бўлиб, бу ерда ҳар

қандай айнаият, биринчи галда, ёзаётган кишининг жисмоний айнаияти йўқолади”.

Р.Барт, таъкидлашларича, “янги танқид” тарафдорларининг “муаллиф индивидуи” ҳақидаги концепцияга таяниб иш кўришларига қарши мунаққидлар диққатини бадиий матн структурасига бурмоқчи бўлган (Ҳ.Болтабоев). Келинг, аввало, Р.Барт бадиий матн структурасини қандай изоҳлашни кўриб чиқамиз.

Унинг фикрича, матн ягона, илоҳий мазмунни (Худо-Муаллифнинг “хабари”) ифодалайдиган сўзларнинг бир текис занжири эмас, у кўп ўлчамли худуддир, унда турли хилдаги ёзувлар уйғунлашади ва баҳшлашади, лекин уларнинг биронтаси ҳам асос бўлиб хизмат қилолмайди, матн минглаб маданий манбаларга ҳавола қилинувчи цитаталардан тўқилган. “Ёзувчи... ҳамиша аввал ёзилганларга ва кўп мартаб ёзилганларга тақлид қила олади, холос (“Ҳамма нарса айтиб бўлинган. Хайриятки, ҳамма нарса ўйлаб бўлингани йўқ”), энди унинг ихтиёрида фақат ҳар хил матнларни аралаштириш, бир-бири билан тўқнаштириш қолган. Лекин бунда ёзувчи матнларнинг биронтасига ҳам таянмайди. Агар у ўзини ифода этмоқчи бўлса, барибир билиб олиши керакки, ўзи “бермоқчи” бўлган ички “моҳият” тайёр лугатдир. Бу лугатда сўзлар бошқа бир сўзлар воситасидагина тушунтирилади ва бу жараён бениҳоя давом этаверади”.

Р.Барتنинг назарида, энди муаллифнинг ўрнига скриптор келади. Скриптор постмодернистик матншуносликда анъанавий “муаллиф” тушунчаси ўрнига ўйлаб топилган тушунча бўлиб, у “ёзаётган” (инглизчадан рус тилига “пишущий” деб таржима қилинади) деган маънони билдиради. Скриптор ўзида кайфият, ҳиссиёт ёки таассуротларни эмас, фақат чексиз лугатни жамлаган бўлиб, шу лугат тўхтамай давом этаверадиган ёзувни ҳосил қилади. Файласуфнинг наздида, ҳаёт фақат китобга тақлиддан иборат, китоб эса белгилардан тўқилган бўлиб, у ҳам бирон-бир унутилган нарсага тақлид қилади. Бу жараён бениҳоя давом этаверади.

Тўғри, Р.Барт постмодернизм назариётчиларидан бири сифатида эътироф этилган. Лекин унинг “муаллиф ўлими” мажози постмодернизмнинг саккизинчи белгиси, “муаллифлик нуқтаи назарининг ўлиши” тушунчасига ҳамоҳанг бўлса-да, кўпроқ интертекстуаллик, цитатавийликни ифодалаб бериш йўлидаги мажоз (метафора) сифатида қўлланиб келинмоқда. Балки, бунга ушбу эссенинг постмодернизмнинг адабиётга татбиқ этилишидан аввал ёзилгани сабаб бўлгандир? (Эслатиб ўтамиз, постмодернизм атамаси адабиётга нисбатан 1971 йилда АҚШ олими Ихаб Хассан томонидан қўлланилган, постмодернизмнинг асосий белгилари ва постмодернизм пайдо бўлишининг фалсафий замини эса 1979 йилда француз олими Ж.Ф. Лиотарнинг “Постмодернистик аҳвол” (“Постмодернистское состояние”) китобида илк марта тавсифлаб ва белгиланган эди).

Р.Барتنинг эссеси, аввало, англиз тилида АҚШда чоп этиладиган “Aspen” журналида 1967 йилда эълон қилиниб, орадан бир йил ўтгачина, 1968 йилда француз тилида “Manteia” журналининг 5-сонида чоп этилган (Ҳ.Болтабоев эссенинг фақат Франциядаги нашрини дастлабки деб ёзади). Эссе кўпроқ ёшлар ўртасида оммалашган бўлиб, талабалар орасида Мишель Фуконинг “Муаллиф нима?” номли лекцияси билан биргаликда қўлбола китоб кўринишида қўлма-қўл юрган. Мишель Фуко ўз лекциясида Ролан Бартнинг эссеси ҳақида сўз юритмаса-да, муаллиф масаласига доир баъзи қарашларида Р.Барт билан яқдил эди. Таниқли француз адабиётшунослари Г. Лансон ва Сен-Бёв муаллиф нуқтаи назари борасида Р.Барт билан баҳсга киришганлар, Т.Д’ан, Л.Перроч-Муазес эса муаллиф, ўқувчи ва матннинг мантиқий алоқаси борасидаги қарашлари билан Р.Барт фарзларига эътироз билдирганлар. Мен ҳозир масалага ўта чуқур кириб, мазкур файласуфлар баҳсини таҳлил этиб, ҳар бирининг қарашларини изоҳламоқчи эмасман. Р.Барتنинг қарашлари жаҳонда ҳам баҳсталаб бўлганини қайд этмоқчиман, холос.

Ушбу француз файласуфининг қарашлари борасида “Шарқ юлдузи” да баҳс бўлаётган экан, бу ҳам бесабат эмас. Бугунга келиб, айнан Р.Барт эссесиде ақ этган кайфият бизга ҳам кириб келдики, бунга муносабат билдирмаса бўлмас эди. “Шарқ юлдузи” уюштирган мунозарада иштирок этган хурматли адабиётшуносларимизнинг чиқишлари шу кайфият натижасида юзага келадиган оқибатларга муносабат бўла олди. Журналимиз саҳифаларида кўтарилган муаммо юзасидан олти мақола, олти хил мулоҳаза чоп этилибди. Баҳс сабаб куюнчаклик билан билдирилган фикрларни ўқиган журналхон адабий танқид уйғоқ экан, деган тўхтамаг келиши аниқ.

Энди Р.Барتنинг “Муаллиф ўлими” эссеси ортидан келиб чиқувчи ва балки келиб чиққан оқибатларга тўхталсак.

“...Ўқувчи, – дея таъкидлайди файласуф. – бу тарихсиз, таржимаи ҳолсиз, руҳиятсиз

одамдир, у ёзма матн ҳосил қилувчи барча чизгиларни бир бутун қилиб жамлайдиган кимса, холос. Шунинг учун энг янги матн ёзувларини ўзини риёкорона тарзда инсон ҳуқуқлари учун курашчи қилиб кўрсатувчи қандайдир гуманизм йўлида айблашга уришиш кулгилдир. Классик мулоҳазага асосланган танқиднинг ҳеч қачон ўқувчи билан иши бўлмаган, унинг учун адабиётда фақат ёзадиган шахс бор эди, холос. Энди бизни бу каби антифразис (қарама-қарши, истеҳзоли маъноларда ишлатилган сўз) билан алдай олмайдилар. Муҳтарам жамият ўзи сиқиб ташлаётган, инкор қилаётган, янчиб ташлаётган ва йўқ қилаётган нарсани олийжаноб газаб билан, истеҳзоли сўзлар воситасида ҳимоя қилмоқда. Энди биз биламизки, ёзувнинг келажагини таъминлаш учун ёзув ҳақидаги афсоналарни итқитиб ташлаш керак – ўқувчининг туғилиши учун муаллиф ўлими билан ҳақ тўлашга тўғри келади”.

Бу М.Маҳмуднинг: “Эҳтимол, улар “Муаллиф ўлими” деганда фақат санъат аса-рида автор ўзи кўринмай, характерлар воқеа мантигига кўра ҳаракат қиладилар ва ўйлайдилар, демоқчи бўлсалар керак”, деган тахминига умуман мос келмайди. Назаримда, бу каби таъкид шу кунгача амалда бўлиб келган барча адабий таҳлил ва назариялар устидан чизиқ тортишдир. **Бу Р.Барт яратган “муаллиф ўлими” тушунчаси ортидан келиб чиққан биринчи оқибатдир.**

Мумтоз адабиётшунослик ёки мумтоз асосдаги танқид шу чоққача адабий аъна-налар, ижодкор услуги, майдонга келаётган асарларнинг концептини таҳлил қилганда, асарларнинг адабий ва ахлоқий қимматини белгиланганда, ёзувчи позицияси, адабий аънаналарни ахлоқийлик ва интеллектуаллик нуқтаи назаридан кўриб чиққанда бу ҳаракат ва уринишларнинг заминда бевосита ким ёки нима ётар эди? Ёзувчимиз? Менимча, шу чоққача бизда аслан ва билвосита ўқувчи манфаатлари бирламчи бўлиб келди. Қолаверса, ёзувчи асарини унинг руҳиятидан ажратиб олиш ёки ёзувчи руҳияти ва кайфияти, дунёқарашидан ташқарида кўриш ёхуд ёзувчига шу каби талабни қўйиш натижасида қуруқ, ҳиссиз асарлар яратилиш хавфи туғилмайдими? Ижодкор истай-дими, йўқми, унинг ижодида ҳаётдан олган таассуротлари ва олам, ҳаёт ва жамиятга доир қарашлари ва мулоҳазалари акс этмай қолмайди. Ўқувчи ҳам асарни ўқиганда шу таъсир остига тушади, лекин хулосаларни ўзи чиқаради.

Унутмайликки, феминизм ва жинсий (балки, шахвоний) озчилик деб аталувчилар ҳаракати (бу иборанинг мазмунини изоҳлаб ўтирмайман, менимча, шундоқ ҳам тушунарли) моҳиятини англаш билан шуғулланаётган муаллифлар Р.Барт тадқиқотларида қадимийлик, аънавийликка қарши қаратилган вайрон қилиш шавқини (буни рус тилида “пафос разрушения” деб аташди) кўришган. Улар Р.Барتنинг “Муаллиф ўлими” эссеси фақатгина турғун адабий-танқидий талқин ва қарашларга эмас, балки ўзликни англашга ҳам қарши қаратилган, дея ўқирадилар.

**Бу – эссе ортидан келиб чиққан иккинчи оқибат.**

Қолаверса, “Муаллиф ўлими”даги “Ёзувчи... ҳамиша аввал ёзилганларга ва кўп марталаб ёзилганларга тақлид қила олади, холос (“Ҳамма нарса айтиб бўлинган. Хайриятки, ҳамма нарса ўйлаб бўлингани йўқ”)” деган таъкид изланиш самарасиз эканлигини ўқтиради. Гўёки ҳамма нарса ихтиро қилиб бўлинган, ҳамма мавзу ёзиб бўлинган, мумтоз ижодкорларнинг ҳаммаси ҳам таржима қилиб, таҳлил этиб бўлинган. Энди фақат уларни қайта ишлаш, цитаталар келтириш, тўлдириш мумкин, холос. Сўнги пайтларда кўзга ташланаётган “муаллифни ўлдириш” (кўчирмақашлик, плагиатлик билан шуғулланувчи киши ўз руҳидаги муаллифлик қобилиятини, хусусан, ўзи ўғирлаган муаллифларнинг ишини ҳам ўлдиради, шу боис уни, балки шартли равишда “муаллифни ўлдириш” деб атаган маъқулдир?) тенденцияси ўзини худди шу каби ақидалар билан оқламоқчи бўлади. Ҳолбуки, бу яхшилик билан тугамайди. Бунга “Сарразин”нинг ниҳояси мисол бўлолади. Замбинелланинг ҳомийлари ҳайкалтарошни ўлдириб кетишади.

**Бу учинчи оқибатдир.**

Муаллиф ўлими билан глобаллашув ўртасида бевосита алоқа мавжуд, деб биламан. Глобаллашув умуммданият, умумқадрият ва ҳоказо тушунчалар асосига қурилганини инобатга олсак, моҳият анча ойдинлашади. Жаҳон маданияти гўё улкан саҳна мисол, унда на чегара, на ҳудуд бор. Ҳар бир миллий маданият бошқаси билан ўзаро уйғунликда, ўзаро таъсирда, ўзаро боғлиқликда ривожлана боради. Бу бир кўринишда маъқулдек. Чунки ўзаро таъсир ва синтез тараққиёт гаровидир. Лекин бу тараққиёт нималар ҳисобига рўй беради ва оқибати нималарга олиб келади, ҳамма гап шунда. Ўзаро синтез натижасида бир маданиятга хос белгиларнинг иккинчи бир маданиятга кириб келиши (кўпинча, Европа, асосан, қоришиқ бир “маданият”), ўзлаштирилиши ва

ундан мустақкам жой олиши, байналминал қарашлар ва тушунчалар, қадриятларнинг шакллана бориши ва бу қарашларнинг миллий адабиётларга кириб келиб жойлашуви ҳам борки, бу жараён анчайин хушёрликни талаб қилады. Чунки бунда миллийликка хос бўлган белгилар ва аънаналарнинг йўқ бўлиб кетиш хавфи ҳам бор.

**Бу энди “муаллиф ўлими” концепцияси ортидан келиб чиқадиган тўртинчи оқибатдир.**

Айтиш керакки, З.Исомиддинов, Ҳ.Болтабоев ҳамда Қ.Қахрамоновнинг чиқишлари аксаран мунозарада “муаллиф ўлими” (ёки “муаллифнинг ўлдирилиши”) мажозий тушунчасига янги мазмун сифатида татбиқ этилган кўчирмакашлик, плагиатликка бағишланди. Ҳ.Болтабоев мазкур иллатларнинг сабабларини бугунги кунда “мушкулни осон қилувчи” интернетнинг кенг кириб келаётгани билан изоҳлайди. Й.Солижонов эса бу иллатларни хаспўшлагша ахборот оқимининг кенгайгани имкон берди, деб билади.

Лекин бу каби иллатларнинг кенг илдиз отишига нималар сабаб бўлаётгани, бу каби иллатларга барҳам бериш йўллари ва умуман, барҳам бера оламизми ё йўқми, деган масала, таассуфки, охиригача очиб берилмади.

Иил бўйи давом этган мунозарада қатнашган ҳурматли олимларимизнинг чиқишларида Улуғбек Ҳамдам ўз мақоласида санаб ўтган атайинлик (ёки ўзга шакллари миллий адабиётга олиб кириш ҳаракати), аналогия, таъсир, муштарак шариоит ва ўхшаш ижод, ижодий таъсирланиш, аънана йўлида, сайёр сюжет аънана, “давом эттириш” тамойили, шаклан ўхшаш, мазмунан бошқа, муштарак мавзу, мимесис (ёки ҳаётга тақлид) тамойиллари атрофида кўплаб фикрлар билдирилдики, булар журналхонлар учун янгилик бўлгани аниқ. Мисол учун М.Маҳмуднинг мимесис ҳодисаси, таъсирланиш, З.Исомиддиновнинг Пушкин ва Чўлпон асарлари ўртасидаги ҳамоҳанглик, Чўлпон ижодидаги таъсирланиш ҳодисаси, Қ.Қахрамоновнинг ўхшашлик, Ҳ.Болтабоевнинг тақлид ва таъсирланиш, И.Ғафуровнинг муштараклик, таъсир, эрғаш, ўхшашлик тамойилига оид фикрлари (Лермонтов ва Ойбек шеърлари, Хемингуэй ва Шукур Холмирозев ҳикоялари, Франц Кафка ва Хуршид Дўстмуҳаммад асарлари мисолида)ни келтириш мумкин. Аммо У.Норматовнинг “Ҳар ким ўз имкони доираси-даражасида ижод қилады”, деган таъкиди тақлид, ўхшашлик ёки сайёр сюжет қабиларни бир қадар оқлаш деб тушунилиши мумкин. Дейлик, ёзувчининг имкон даражаси доимо қайсидир бир истеъдодли ижодкорнинг асарларидан илҳом олиб, бир нима яратишдан нарига ўтмаса, ёзган роман ёки қиссалари, ҳикоялари, борингки, шеърларида доимо кимнингдир нафаси, кимнингдир таъсири ёки рамзлари яшайверса, буни унинг имкон даражаси экан, деб кетавериш жоизми? Тўғри, домла айтмоқчи, “Энг муҳими, ҳар ким ижод бобида ўз имкони, даражасига лойиқ яратган асари учун ўзига яраша баҳосини олмоғи лозим”. Бу каби “ижодкорлар” ҳам ўз баҳосини олади. Аммо бу билан адабиёт, қолаверса, ўқувчи нима ютади? Аниқки, сўнги пайтларда Ғарбда шов-шув бўлган баъзи роман ёки ҳикоя, новеллалардан “таъсирланиб”, шулар руҳида, шуларга тақлидан “асар”лар “яратиш” аънана си пайдо бўлдики, агар У.Норматов келтирган тезиси дастуриламал қилиб олсак, шу “асарча”ларга йўл очиб берган бўламыз. Ҳолбуки, бу “асар”ларнинг аксарияти ўқувчига бирон-бир янгилик бериш у ёқда турсин, кўпроқ истеъдодсизликни яширувчи бир ниқоб вазифасини ўтамоқда.

Иштирокчиларимизга миннатдорлик билдирган ҳолда мунозарада кўтарилган яна бир масала – модернизм ва постмодернизм истилоҳлари ҳамда унинг бугунги кун адабиётига, адабий қарашларга таъсири масаласига ўтсак. М.Маҳмуд ва И.Ғафуровнинг бу масаладаги қарашларини гўё икки қутбга ўхшатиш мумкин. Шу боис икки ҳурматли олимларимизнинг мақолалари менда анчайин қарама-қарши мулоҳазалар уйғотди.

М.Маҳмуд, назаримда, модернчи ва постмодернчи ижодкорларга анчайин танқидий назар билан қараса, И.Ғафуров кўнгилчанлик ва хайрихоҳлик билан муносабат билдирмоқда. Ғарб эстетикаси ва адабиётшунослигининг ҳозирги даврида мумтоз эстетика даврида бўлмаган структурализм, проекция, модус, дискурсив, гоғлар диссоциацияси, инстертстуаллик, герменизм, модернизм, виртуал, креационал деган терминлар борки, буларнинг барчаси санъат табиатига бегона бўлиб, бадий фазилатларни, услубий рангинликни ифода қилолмайди”, дея ўқтиради М.Маҳмуд. “Пост-модернизм... ягоналашган дунёнинг тасвир ва акс эттириш усуллари сифатида пайдо бўлди. У ўзини юқори интеллектуал, технологиклар ўта ривожланаётган, бош мия коэффициентлари дам-бадам аниқланаётган, инсон имкониятлари очилаётган юксак тараққиёт палласига жуда мослашган ва шу тараққиёт учун хизмат қилмоқда”, дея таъкидлайди И.Ғафуров.

Менимча, шуни унутмаслик керакки, адабиёт ривожидида майдонга келган ҳар

қандай "изм" инсонни таҳлил қилишнинг турли усулларини таклиф қилаётган ҳаракат, уринишдир. Лекин қай бир "изм" бунинг уддасидан чиқяпти, ҳамма гап шунда. Дейлик, модернизмнинг асосий вазифаси инсон онги ва онг ости қаърига кириш, оламни идрок этиш ва қабул қилиш хусусиятлари, ўтмиш ва бугун тириклик лаҳзаларида қай тахлит акс этиши-ю, келажак қандай рангларда кўринишини тасвирлашдан иборат. Модернистлар ижодидоғи асосий усул "онг оқими" бўлиб, бу усул фикр, таассурот, ҳиссиётлар ҳаракатини гавдалантиришга хизмат қилади. Қаранги, модернизм икки аср алмашган бир паллада (XIX-XX аср) тугилиб, XX аср бошларида шаклланган бўлса, постмодернизм XX асрнинг иккинчи ярмида тугилиб шаклланди-ю, кейинги, XXI асрда бизни ҳаяжонга ва ташвишга соляпти. Модернизмда ўзгариш гоёси ҳаракатлантирувчи куч, янгиланиш эса асосий мақсад бўлган. Айниқса, "классик модернизм" даврида адабиётда замон, вақт тушунчаси қайта идрок этилди. Вақт тарихий тушунча бўлмади қолди, энди у кўпроқ психологик тушунчага айланди, у гўё ички бир оқим сифатида мушоҳада этилди (Франц Кафка, Жеймс Жойс ижоди бунга мисол). Воқелик ривожланиш мантики ва узвийлигини йўқотиб, парчаланиб кетди. Воқеалар энди парча-пурча ҳолида бўлиб, ўзаро эркин ва мозаика кўринишида бир-бирига боғланмаган, кўпроқ персонажларнинг онги воситасида тартибга солинадиган бўлди. Жеймс Жойс асарлари, хусусан, "Улисс" романи шу асосда ёзилган.

Постмодернизм эса модернизмга, шунингдек, жўн оммавий беллетристикага қарама-қаршилик сифатида майдонга келган. У ҳамма нарсани ўйин шаклига ўраб, оддий ўқувчи ва маърифатли ўқувчи ўртасидаги масофани текислаб боради. Албатта, бунда оддий ўқувчи маърифатлилик даражасига кўтарилмайди, балки маърифатли ўқувчининг даражаси кўйига туширилади. Постмодерн талқинларнинг кўпчилиги принципага таянади, дунёнинг ниҳоясизлиги ниҳоясиз талқинларнинг табиий натижасидир, деб ҳисоблайди, постмодернизм фалсафаси ҳақиқатлар кўп, дея таъкидлайди.

Бу икки "изм"нинг ўртасидаги фарқ, асосан, мана шулардан иборат. Энди М.Маҳмуднинг "XX аср модернчи санъаткорлар ўзларининг ижодини не чоғли янги ҳодиса деб баҳолашига қарамай, улар билиб-билмай ёки истаб-истамай, аввалги асрларда (ҳатто антик даврларда) мавжуд бўлган ижодий йўналиш, оқим, метод-усуллардан... илҳомланган ва фойдаланган", деган таъкидини кўриб чиқсак. Масалан, модернист Луи Борхес "Абадият тарихи", "Тўрт туркум" асарларида инсон ва тарих, абадиятга дахлдорлик масалаларини қаламга олади-да, аввал ўтган даврлардаги ижодий услуб ҳамда приёмлардан самарали фойдаланади. Луи Борхеснинг баъзи бир адабий тажрибалари кейинчалик тамоилага янги бир тамойилларга ҳам асос бўлдики, шулардан бирига тўхталиб ўтиш керак. Унинг "Пьер Менар" ҳикоясида (бу ҳикоя эссе билан ҳикоя ўртасидаги адабий бир тажриба десак, тўғрироқ бўлса керак) "Дон Кихот" ни қайтадан ижод қилмоқчи бўлган ёзувчининг кечинмалари қаламга олинади. Бош қаҳрамон бунинг учун испан тилини ўрганиш, Европанинг Ўрта асрлардан бошлаб XX асргача бўлган тарихини унутиш керак, деган тўхтама қалади. Лекин бу усул иш бермайди. Бош қаҳрамон Пьер Минар сифатида, ўз "мен"ини сақлаган ҳолда ёзишга аҳд қилади ва роман ёзилади. Кейин қарасаки, унинг ёзган романи Сервантеснинг "Дон Кихот"и билан сўзма-сўз тўғри келибди. Лекин ажабки, мазмунан тамоман янги эмиш. Бу асарни Л.Борхес 1938 йилда, ҳали постмодерн тугилмасидан аввал ижод қилганди. Лекин айнан шу ҳикоя бутун бир адабий оқимга асос бўлди. Бугун постмодернчилар мана шу ҳикояни ўзгача талқинда кўрмоқдалар. Яъни ўша "муаллиф ўлими"нинг таърифи: "Ёзувчи ҳамиша аввал ёзилганларга ва кўп марта лаб ёзилганларга тақлид қила олади, холос..."

Ёки унинг "Тўрт тўплам" новелласида ёзувчи сифатида ихтиро қилган "ёзув машинкаси" (ёзувчи бу усулни шундай деб атаган) усули эски матнлардан бетўхтов равишда янги матн ҳосил қилиб беради ва гўёки шу билан адабиётни ўлимдан қутқариб қолади. Айнан шу усул XX аср охирига келиб, ҳеч қандай истеъдоди бўлмаган кишиларга ҳам бемалол новелла ёки роман ёзиш имкониятини яратиб берди. Бу ҳам Р.Бартнинг мажозини эсга солади.

Модернизмнинг яна бир йирик вакили Жеймс Жойс "Улисс" романини Гомернинг "Одиссея"сига ўхшатганини таъкид қилган. Ёзувчининг бу таъкиди қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини англаш учун бу романни тўрт-беш қайталаб ўқишга тўғри келди. Очигини айтишим керак, ҳазм этишим жуда қийин кечди. Агар бош қаҳрамоннинг дарба-дарлиги жиҳатидан оладиган бўлсак, ўхшашлик бўлса бордир. Лекин Одиссейнинг дарбадарлиги билан Леопольд Блумнинг тентирашини солиштириш ўринли бўлармикин? Одиссей ҳар ҳолда олтин терини олиб келиш, шу билан отаси тахтини қайтариб олиш

умидада денгиз ва уммонлар оша сузади, қийинчиликларни елкасига олиб, циклоплар билан олишиб, нимфалар сеҳрини енгиб ўз мақсади йўлида курашади.

“Жойс янги замон Одиссейи қандай қиёфага кирганлиги унинг саргузаштлари энди нимфалару турли асотирий ҳодисалар ичида эмас, XX асрнинг миллий озодлик курашлари, оддий одамнинг оддий кундалик ташвишлари, оғриқлари, аламлари, умид-умидсизликлари, ҳаётдан, қисматдан тинмай маъно қидиришида кечаётганида кўрсатади”. И.Ғафуровнинг бу таърифида баҳссталаб ўринлар бор, назаримда. Блум ҳаётдан ва қисматдан маъно излаши нималарда кўринапти? Унинг руҳий саргардонлиги бадиият йўсинида қай тарзда тасвир этиляпти?

Мана, қаранг, Л.Блум майда одам, бир қадар омадсиз, журъатсиз. Унинг шеърлари-ни чоп этишмайди, ёш шоир сифатида тан олишмайди, сиёсат борасидаги қарашлари ҳам муваффақият қозонмайди, яхудийларни ёмонламагани учун қовоқхонада тўпланган ирланд ватанпарварлари унинг ортидан бўш банка отиб қувишади, хотини ўзига хиёнат қилаётганини билиб туриб ҳам бирон-бир қарорга келолмайди (ёзувчи бу ҳолатни қаҳрамоннинг ресторанданги мусиқа шовқини остида дилини тўлдириб келаётган турли ўйлардан қийналиб ўтириши орқали тасвирлайди), ўзига ишқ изҳор этиб мактуб йўллаган аёлга анча вақт сарфлаб, ўзича лаззатланиб рад жавоби ёзади. Майли, Жойс ғалати фикрловчи интеллектуал одамлар қиёфаларини кашф этган бўла қолсин (ибора И.Ғафуровники). Лекин “Блум ва Стивеннинг чексиз кечинмаларида ахборий мажозлар силсиласи оқиб ётиши”да бадиият кўринмайди, асарда руҳият таҳлиллари кам. Қолаверса, бош қаҳрамоннинг журнал кўтариб ҳожатга боришининг ўзини алоҳида боб қилиб романга киритишдан, Леопольднинг хотини Моллининг бузуқликларини унинг тилидан тасвирлаб, алоҳида боб сифатида ёзишдан адабиёт нима ютади? Агар ёзувчи антик давр адабиётидан бошлаб замонавий адабиётдаги мавжуд услубларнинг барини бир жойга жамлаб янгича, ўзгача бир услуб яратиш ниятида бўлса, бу бошқа гап. Романнинг охириги 18-боби, яъни эпизоднинг Молли тилидан, ҳеч бир тиниш белгиларисиз, пойинтар-сойинтар қилиб ёзилиши ҳам модернча бир услуб деб ҳам қабул қилайлик. Лекин булар бадииятни тасдиқ этолмайди.


Романнинг ўқувчиларга етиб бориш тарихига назар ташлайлик. “Улисс” Биринчи жаҳон уруши тугаган йили, 1918 йилдан то 1920 йилгача бир неча қисмларга бўлинган ҳолда АҚШда чоп этилган. Бу вайрон этувчи оғир урушдан кейинги тушкунлик йилларида, миллатлар асрлар давомида тикланган қадриятлари яқсон бўлиб, иқтисод, маданият ва маънавий инқирозга учраган бир давр эди (модернизм айнан шу даврда майдонни эгаллаганини унутмайлик). Тўғри, роман етти йил давомида ёзилган, у ёзила бошлаганда жаҳон уруши ҳали йўқ эди. Лекин айнан Биринчи жаҳон урушига олиб келган сиёсий кучлар етакчилигини кўлга кирита бошлаган, жамиятда тўфон олди димлиги ҳукм сураётган, тирикликда маъно йўқолган, жамият айниган каби пессимистик қарашлар қуртак ёзган, АҚШда эса Буюк депрессия йиллари ҳукм сураётган маҳал эди. Романда мана шу кайфиятлар таъсири сезилмаптими? Роман, балки шу боис ҳам дастлаб айнан АҚШда чоп этилгандир? “Улисс” романи ўша вақтда ўқилиб, ўз баҳосини олди. Ўша пайтда маънавиятда нималар юз бераётганини такрорлаб ўтирмайман, бу ҳаммага маълум. Шу боис бу романга эҳтиёж бўлган.

Биламизки, ўтган аср охирига келмасданок дунёда постмодернизм ўз умрини яшаб бўляпти, деган қарашлар чиққан эди. Ҳозирги даврни мутахассислар “постпост-модернизм”, яъни постмодернизмдан кейинги давр деб баҳолашмоқда. Чунки пост-модернизм ҳам бир маданий даврдан иккинчисига ўтиш босқичидир. Жаҳон адабиёти тарихига разм солса, бир адабий давр кетиб, ўрнига бошқаси келаётганда ораликда ўзининг хусусиятлари билан модернизм ва постмодернизмга ўхшаб кетадиган таълимотлар майдонга келганини кўраимиз. Шундоқ экан, ўткинчи бир давр маҳсулини “Одиссея” каби мумтоз адабиёт намунаси қаторида кўришимиз тўғри бўлармикин? Балки, бу асарга модернизм даври маҳсули, адабий таҳриба сифатида қараш ва мутахассисларга адабиёт ривожидида ўтилган бир босқич сифатида ўрганиш учун тавсия қилган ўринлироқдир?

Мен авангардга асло паст назар билан қарамоқчи эмасман. Агар у адабиётни бойитишга хизмат қилса, ибрат бўларлик назариялар ва қарашлар билан ўз ортидан эргаштира олса, нур устига нур. Адабиётга янги мезонларнинг кириб келиши хайрли ҳол. Лекин кириб келган мезонларнинг ўзи хайрли бўлмаса-чи? “Шарқ юлдузи” уюштирган мунозара миллий адабиётимизда буй кўрсатаётган мана шундай мезонларнинг хайрли ёки хайрли эмаслигини аниқлашни мақсад қилиб олган эди. Ўйлайманки, ўқувчилар ўзлари учун керакли бўлган маълумотларга эга бўлишди.



## НАЗМ



### Асрор МЎМИН

1954 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини тамомлаган. “Дил рози”, “Таваллуд”, “Севги тумори”, “Юрак”, “Севдим, севиладим”, “Қалбимда Алтомиш яшасин”, “Саққизинчи мўъжиза”, “Сиздан миннатдорман” каби шеърӣй китоблар муаллифи. “Шуҳрат” медали билан мукофотланган.

## ЎҒБОР ҚҲНДИРМАҒИНИ ПОЗА ПИҲИҒА

\*\*\*

Йўларда этмай ҳалак,  
Учратди бизни фалак,  
Кўрганда сени малак,  
Дилга тушиди мунир ишқ.

Порлади кўкда кўёи,  
Кўн бўйи бўлди сирдош,  
Тунлар ҳам кетмас нурпош,  
Дилга тушиди мунир ишқ.

Бошимни силар шамол,  
Шивирлаб сўрар аҳвол,  
Ушалди ширин хаёл,  
Дилга тушиди мунир ишқ.

Қалбимда очилди гул,  
Васфини куйлар булбул,  
Кўнглимга қўнма мушкул,  
Дилга тушиди мунир ишқ.

Муҳаббат голиб мудом,  
Садоқат топар иқром,  
Ҳаётда олай ором,  
Дилга тушиди мунир ишқ.

## Эгизаклар

## 1

Табиатда икки ўхшаш одам йўқ,  
Кошки эди шунги билмаган бўлсам.  
Бунча йиқитмасди мени айрилиқ,  
Дунёдан умидвор кетардим, ўлсам.

Минг бора таассуф, бошқа табиат  
Яратаолмайди сенигдай гўзал.  
Шу фикр хаёлимда чарх урди фақат,  
Ёримни соғиниб эслаган маҳал.

Сизларни кўрганда Фотима-Зухра,  
Сира ажратолмай танг қотиб қолдим.  
Гўё сизлар бир жуфт баргадаги нуқра  
Термилиб умидбахш хаёлга толдим.

Ўхшаш одамлар бор, ишондим тугал,  
Сизларни яратган танги табиат,  
Қачондир яратиб ёримдай гўзал,  
Яна ер юзига кўрсатгай ҳиммат!

## 2

Ёлғизлик ярашмас инсон наслига,  
Ҳар кимнинг ўз жуфти, эгизаги бор.  
Бағрингни очурсан висол фаслига,  
Сабр билан кутсанг, жуда интизор.

Ҳижронда умидсиз қолма ҳеч қачон,  
Муҳаббат, висол, Ҳақ барҳақ дунёда.  
Оқиом кўкка қара, порлар ёнма-ён  
Эгизак юлдузлар чексиз самода.

Юлдузларга қараб қилгин тафаккур,  
Коинот олдида ер битта зарра.  
Чин ошиқ-маъшуқлар айласин шукур,  
Уларга яқиндир кўзланган марра.

Фақат ҳар кунингни яшагин ҳалол,  
Губор кўндирмагин тоза тўйғуга.  
Ва шунда эгизак юлдузлар мисол,  
Албатта, етурсан ширин орзуга.

## \* \* \*

Ширин орзуларим! Яхши боринг, хайр!  
Сиз билан тенгма-тенг юра олмасман.  
Ҳижронда кўнглимга сизмаяпти сайр,  
Бироқ ортингиздан ҳечам қолмасман.

Ширин орзуларим! Дуода қўлим,  
Тезроқ мен кўзлаган манзилга етинг.  
Эҳтимол, менинг ҳам тушади йўлим,  
Сизга оқ йўл, ортга қарамай кетинг.

## \* \* \*

Таъвишим бошимдан ошиб турса ҳам,  
Қошинга чопарман таъвишли кунда.  
Сенинг гамларингни кўраман баҳам,  
Эҳтимол, ой чеҳранг ёришар шунда.

Майли, ёр қанот ёз ҳурлар боғига,  
Майли, мен чўкайин қувонч ёшимга.  
Шунча вақт чидадим ҳижрон доғига,  
Қанча таъвиши бўлса, ташла бошимга.

## Сарҳин

Бу гўлалар бир замон,  
Энг серҳосил, энг серсув жойда,  
Беўшиов шохлаган,  
Куланкаси майдон дарахтлар эди.  
Қуз келиб, сарин шамолда,  
Зарбоф либосидан тўкилди хазон.  
Барибир, тарки одат,  
Қуп-куруқ шохларини  
Чўзиб ҳар томон  
Ўтган-кетганларга ўқталди.  
Ҳаммасини жой-жойига қўйди вақт.  
Тубидан қирқилди, гўла қилинди,  
Ёқши учун терилди қатор.  
Энди улар айбларига иқдор,  
Сўрар истиғфор  
Ва лекин оловда қул бўлмоғи бор.

## \* \* \*

Искандар юришида кўприклар курса,  
Барчасин ёқтирган, ўтишган ҳамон.  
Аскар ортига йўл йўқлигин кўрса,  
Жанг чоғи тикади зафар учун жон.

Мен ҳам ёқдим барча ҳою ҳавасим,  
Сенга очмасимдан ишқ достонимни.  
Севаман чиққунча сўнги нафасим,  
Ширин висол учун тикдим жонимни.



## НАЗМ



### Умида ХУШВАҚТОВА

1952 йилда туғилган. Республика рус тили ва адабиёти институти (ҳозирги Жаҳон тиллари университети)ни тамомлаган. “Бардош қояси”, “Соғинч соҳиллари” каби шеърлий китоблари чоп этилган.

## МЕЪЗОНЛАР БОРЛИККА ШОРШИЛАН СЎРОҚ

### Ҳаёт устуни

Қалб тўла орзулар уммони,  
Зафарларга йўллар бетиним.  
Ечмоқ бўлсанг гар муаммони,  
Тантқи бўлгин, мард бўлгин, иним.

Мўҳаббатдир ҳаёт устуни,  
Бир ҳад бўлар ҳар не амалда.  
Жавоб бордир қайсидир куни,  
Ўз ҳаддингдан ошсанг агарда.

Ақлинг ёндош этгин ўзингга,  
Бўлма асло ўз нафсингга қул.  
Собит тургин берган сўзингга,  
Хоксорларга мурувватли бўл.

Меҳр сенга эргашиб юрсин,  
Қаҳр сендан бўлсин йироқда.  
Эзгуликлар нурланиб турсин,  
Сен қалбларга ёққан чироқда.

**Дил изҳори**

Суратимга боқиб, ўртаниб,  
Висол айёмини ўйлайсан.  
Муҳаббатнинг ўтида ёниб,  
Ишиқ азобин, дардин куйлайсан.

Кўнгил иши нозик, азизим,  
Йиқсиз ҳаёт қоронғу бир тун.  
Ёлғон эмас, астойдил сўзим,  
Гар қалбимни этолсанг мафтун,  
Насиб этар висол ҳам бир кун.

**Куз**

Япроқлар олтинранг, сокин ҳаммаёқ,  
Эриниб нурларин сочади қуёш.  
Мезонлар борлиққа тортилган сўроқ,  
Майсаларда шудринг гўёки кўзёш.

Ғамгин бир навонинг сирли огуши  
Ичиди ғарқ бўлар кўнгил ҳароси.  
Парвоздан толиққан орзулар қушин  
Қанотини суяр севги самоси.

Сирли шивирлайди бетакрор оқиом,  
Узоқ-узоқларга етаклар ҳаёл.  
Гўёки самодан кутади пайғом,  
Ёлғизликдан қалби эзилган аёл.

**Илк туйғу**

Ҳар куни йўлимдан чиқасан,  
Тасодифми ёки атайлаб?  
Кўз остидан сирли боқасан,  
Нигоҳингга меҳрингни жойлаб.

Ул нигоҳга беролмайин тоб,  
Китриқларим эгилар аста.  
Қалбда эса чарақлаб офтоб,  
Дил торини чертар оҳиста.

Ажиб ғавго ортар кўнглимда,  
Билолмайман, тинҳона сирин.  
Учрамасанг гоҳо йўлимда,  
Кўзим излар сени яширин.

**Армон дунёсида**

Армон дунёсида яшайман ёлғиз,  
сен менга армонсан,  
мен сенга армон.  
Сен борсан,  
мен борман,  
ахир, бормиз биз,  
мен сенга юланчман,  
сен менга дармон.

Согиниб яшайман, сени согиниб,  
мен менга кераксан,  
мен сенга керак.  
Согиниб яшайсан, мени согиниб,  
согинч гирдобида ўртанар юрак.

Кўникиб яшайман бир кам дунёда,  
мен сени топганман,  
сен топдинг мени.  
Бахтимиз қулмаган бўлса, мабодо,  
учраимас эдик биз,  
топмасдим сени...

**Согинч**

Вужудимга сачратиб олов,  
Йиқ офтоби чиқди йўлимдан.  
Ихтиёрим олди қўлимдан,  
Юрак қургур ёнмоқда дов-лов.

Қандай қилай, согинсам сизни,  
Боролмайман, манзиллар йироқ?  
Нелар кутар, билмайман, бизни,  
Кундан-кунга қийнайди фироқ?

Титраб ишқнинг изгиригинда  
Тоқатимиз тугар охири.  
Толе тонги отган кунинда  
Бизни кутар согинч соҳили.

**Қаиқадарё**



# НАСР



## Гулчехра АСРОНОВА

1968 йилда туғилган. Тошкент Аграр университетининг “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” факультетини тамомлаган. 2012 йили “Ота уйим оқиомлари”, 2013 йили “Осмонини топган куш” номли ҳикоялар тўпламлари чоп этилди. Ҳозирда Фарғона вилоят хотин-қизлар қўмитасининг “Ойдин” газетаси муҳбири.

## ДАРДИСАР

### Ҳикоя

Шом пардаси қуюқлашгани сари чолнинг кўнгли қоронғилашади. Ҳайҳотдек уйда бир ўзи, ҳатто мушукнинг ҳам қораси кўринмасди. Ташқарида қоронғилик ғира-шира, ичкари эса зимистон. Ўтирган жойида шом намозини ўқиб олгач, чироқни ёқишга уриниб кўрсамми деди-ю, фикридан қайтди. Нима кераги бор? Барибир, дили ёришмайди. “Узлари-ку, ярим тунда келишади. Наҳот биров-ярымга тайинлаб ҳам кетишмаган бўлса? – хаёлидан ўтди қариянинг. – Ахир, одам деганлари уйдан чиқиб кетаётиб итига ҳам суяк ташлаб кўяди-ку!”

Келиннинг опаси қиз чиқаряпти. Тўй ҳақида хабар келганидан бери оқсоқол билан ким қолиши устида можаро қилишади. Яхшиям кулоғи оғирлашиб қолган, ўйин-кулгига ўч набираларнинг оғир-аччиқ гапларини чала-чулпа эшитади:

- Барибир, орқаларингдан бораман!
- Овқатини олдига қўйиб кетсак-чи...
- Дадам қолсин!..

Айниқса, келиннинг оғзидан ўқдай отилиб чиққан ўша сўз... Келин, эри чиқиб кетган пайт, мен қолмайман деб хархаша қилаётган кенжатоийни тинчлантира туриб айтди ўша машъум сўзни. “Уфф, дардисар!” – деди, аниқ эшитди. Аниқ у ҳақда гапирди. Ҳозир бу уйда бу таърифга ундан лоийқ одам йўқ...

Отахон дардини ичига ютди. Оқ йўл талаб дуо қила-қила уйда ёлғиз қолди. Мана, энди қалбини қаёқдаги совуқ ўйлар ғижимлаб ўтирибди: “Қабрнинг ичи ҳам шунақа зим-зиё бўлса керак. Лекин унда ҳеч кимга дардисар бўлмайсан...”

Кимдир чақиргандек, дарвоза тарақлагандек бўлди. Чол тусмоллаб, қоп-қоронғи бўшлиққа қараб товуш берди:

– Ў-ўв!

Очиқ эшиқдан бировнинг шарпаси кўринди. Чироқ ёниб, кўзни қамаштирди.

Қаршисида бир кўлида нон тўнкарилган коса, иккинчисида чойнак кўтарган кўшни йигит Абдуқодир турарди.

– Ассалом алейкум, бобо. Мунча, қоронғида ўтирибсиз? – дея баралла гапириб кирди у.

– Ҳа... кўзим кетиб қопти, болам, – деб кўйди чол.

“Ҳарқалай, чора кўриб кетишибди-да”, – ўйлади шу дам. Йигит косани тоқчага кўйиб, дастурхон ёзишга унади.

– Мана бу овқатни иссиғида ичволаркансиз, бобо.

Чолнинг қулоғи нимагадир шангиллаб кетди. “Туриб-туриб очилиб кетяптими, нима бало. Бақирмасаям бўларди”.

– Раҳмат, болам, – деди, ҳамма нарса тайёр бўлгач. – Ке, бир пас ўтир.

Абдуқодир жуда боодоб йигит. Ҳурмат юзасидан этакроққа ўтириб, нон синдирди. Чойдан куя туриб, яна баланд овозда сўради:

– Ўзи соғлигингиз анча яхшими?

– Дуруст, – бош ирғади чол. Кейин нимагадир ҳасрат тугунининг бир четини очгиси келди. – Э-э, болам, одам жуда-а қариб кетсаям бўлмас экан. Ахир, тўқсондан ўтиб кетибман. Шукур, лекин осон эмасакан. Айниқса, кампирдан кейин... Ортимда қол, дердим доим Суйди холангга, кўрмайсанми энди. Булар довалатамиз деб дам у ёққа судрашади, дам бу ёққа. Билишмайдики, мени қийнашяпти, холос.

– Унақа деманг, бобо, – деди хижолатомуз бир оҳангда Абдуқодир. – Ҳали тузалиб кетасиз.

Чол маъюс жилмайди. Ғўр бола, ниманиям тушунарди.

У кетгач, яна ёлғиз қолди. Қани томоғидан овқат ўтса. Э воҳ, ёш бола бўлди-қолди-я! Шу ўғли Ғанижон ҳам болалиғида жуда чимхўр эди. Унга овқат едиргунча минг кўйга тушарди онаси иккиси. Тиззасига ўтқазиб олиб, чўпчаклар айтиб берар, кези келса, кўшиқ айтиб едирарди: “Мана буни еса, аяжониси хурсанд бўлади! Яшанг ўғлим, энди мени хурсанд қилинг!” Орада алқаб ҳам турарди: “Ҳали ўғлим ка-атта йигит бўлади, мени мошинасида олиб юради, ҳажларга олиб боради...” Бир гал Ғанижон “Катта бўсам, сизгаям овқат едириб кўяман”, деганида тоза кулишган эди.

Ўғли катта бўлди, у эса бола бўлиб қолди... Лекин унга овқат едириб кўйиш шарт эмас. Энди унинг озиғи – меҳр. Буни улар қаёқданам билишсин. Тушунишмайди. Боя айтиб ўғлига, жойимни боғдайи каравотга кўчириб бериб кетинглар, уй ичи дим, нафасим қисяпти деб. “Хўп” деб кутулди. Ҳозир шунча қийналмасди. Кейин юлдузларга термили-иб ётарди. Юлдузларга қараса, нимагадир енгил тортади. Худди кампирига ўхшайди улар, индамайгина тафтини олади.

Косадаги мошхўрдани бир-икки кавлади, димоғига урилган ҳиддан андак иштаҳаси кўзгалгандек бўлди. Татиб кўрди – мазалигина. Лекин кампирининг пиширганлари бошқача эди-да. Булар Суйди ишлатган масаллиқнинг тўрт бараварини солсаям, кўнглидагидек чиқмайди. Эҳтимол, ҳаммаси яхши-ю, ўзи инжиқ бўлиб қолгандир? Умуман, эркакнинг жуфтсиз қолиши жуда огир экан...

Овқатнинг қолган ярмини ёлиб кўйди. Одатига кўра ёстиғи остидаги дориларни пайпаслади. Бунисидан яримта ичши керак. Манавини қайноқ сувда эритиши керак эди... Чойнакни ушлади, совиб қолибди. Ўзи... шартми ичиш? Барибир, фойдаси йўқ. Тезроқ ҳаммаси тугагани яхши. Бу кўҳна жисми энди тупроқдан бошқаси суймайди...

Шу асно жимжитликка қулоқ тутганча узоқ ўтирди. Келишмади... Майли, бир амаллаб ташқарига чиқиб келса, ётиб олади. Тоқчага суяниб, қаддини ростлагунча қора терга ботиб кетди. Бунисиям майли, одам бўйи зинадан тушишни ўйлаб, юраги орқага тортди.

Пойгакда тўнқарилиб ётган калишини ҳассаси билан тўғрилаб кийди. Цемент зинадан паства қараб, ўзини худди осону фалақадгидек ҳис қилди. Мунча баланд қуришмаса-я, бу уй деганни! Ерда юргилари йўқ буларнинг.

Даҳлиздаги чироқ зинага қия тушарди. Чол аста қадам ташлади. Нимагадир оёғи ерни ҳис қилмаётгандек. Тавба, ҳар кун туппа-тузук чиқиб-тушарди, нима бўляпти унга?

Боши оғирлашди. Оёғи остидаги зиналар сон-саноксиз бўлиб кўрина бошлади. Қай бирига оёқ кўйса экан? Ё Раб, энди кўзи ҳам ҳунар кўрсатмаса гўрғайди! Бир зумга мувозанатини йўқотди-ю, навбатдаги пиллапоёга оёғи тегиб-тегмай бир томонга оғиб кетди.

– Во-ойй!

Чолнинг аянчли овози бу сафар зим-зиё бўшлиқни титратиб юборди. У ерда чалқанча ётганча, осмонга ҳайрат билан боқар эди. Ажаб, ҳеч қаери оғримаяпти. Бу яхшилик аломати эмасдир-ов. Хушдан кетгандир. Унда нега юлдузларни кўряпти?

Фурсат ғанимат. Ўзини билиб турганида ўнгланиб олиши керак, эртага уни деб болаларига гап тегиб турмасин тагин. “Бир ўзини ташлаб кетишган экан, йиқилиб ўлибди”, дейишса... Жуда хунук гап бу.

Чол минг уринмасин, қимирлай олмади. Наҳот қарийб бир асрлик ҳаёти шу қадар ожизлик билан тугаса? Наҳотки, сўнги дамда тиргагувчиси йўқ унинг?


Қариянинг ўнг чаккаси бўйлаб иссиқ томчилар оқиб ўтди. Наҳотки, бу... Майли, ҳамма нарсанинг охири бор, дунё бебақо.

“Тавба, юлдузлар илгари ҳам шунчалар кўпмиди? Ё ҳаммаси бошимга тўпландимикан? Ғуж-ғуж-а. Нурлари бирам қип-қизил... Ие?”

Чолнинг нурсиз кўзлари катта-катта очилди.

“Суйди? Кампирим тушмагур-ей, мунча баландга чиқиб олмаса! Қулаб тушса борми? Йўқ, унинг ёнида бўлишим керак. Ҳозир бораман, ҳозир. Ҳозир...”

Аста-секин хира торта бошлаган фалак чироқчалари қорая-қорая, ғойиб бўлишди...



# ТИЛИМИЗ ХАЗИНАМИЗ



## Абдулхамид НУРМОНОВ

1942 йилда туғилган. Фарғона Давлат педагогика институти (ҳозирги ФарДУ)нинг тарих-филология факультетини битирган. Филология фанлари доктори, профессор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими. “Гап ҳақидаги синтактик назариялар”, “Структур тилишунослик”, “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси”, “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси”, “Тилишунослик методологияси ва методлари”, “Ўзбек тилишунослиги тарихи”, “Тилишунослик назарияси” каби ўттиздан ортиқ монографиялар, ўқув қўлланмалари, дарсликлари, 300дан ортиқ илмий ва илмий аммабоп мақолалар муаллифи. “Шухрат” медали ва “Эл-юрт хурмати” орденлари билан тақдирланган.



## СЎЗ МУЛКИГА САЙР

Талабалик ва аспирантлик йилларимизда Эркин Воҳидовнинг номи ёшлар ўртасида жуда шуҳрат толган, шоирнинг, айниқса, “Ўзбегим” қасидаси эл ўртасида оғиздан тушмайдиغان бўлиб қолган эди. Шу даврларда мен Эркин Воҳидов қиёфасида, нимагадир, Алишер Навоийни тасаввур қилардим. Ҳазалларининг пурмаънолиги, оҳангининг сержилолиги Навоийни эслатаверар эди.

Мана, орадан ярим аср вақт ўтибдики, тасаввурим алдамаганининг гувоҳи бўлиб турибман. Бугун “Ёшлик девони”ни ўқиб, “Ғаройиб ус-сиғар”ни, “Сўз латофати”ни варақлаб, “Муҳокамат ул-луғатайн”ни хаёлимга келтираман. Бу икки шеърият даҳоси ўртасида қандайдир туташ нуқталарни кўриш қийин эмас. Алишер Навоий “туркийда гўзал асарлар ёзиш мумкин эмас”, деган ақидага ўзининг “Ҳазойин ул-маоний”, “Ҳамса” сингари асарлари билан чек қўйган бўлса, Эркин Воҳидов “ғазал ўз умрини ўтаб бўлди, ҳозирги воқелигимизни бу жанр орқали ифодалаб бўлмайди”, деган ақидани ўзининг девони билан чиппака чиқарган эди.

Форсиғўйлик таъсири ва анъанаси туфайли туркийзабон шоирлар ҳам форс тилида ижод қилаётган, натижада туркий тил латофати яширин қолаётган бир пайтда, Алишер Навоий бу тилнинг нафосатини ўз бадиий асарлари билан амалда намойиш қилиб берган ва туркий тилнинг форсийдан кам эмаслигини, ҳатто кўп ҳолларда ифода имкониятлари кенгроқ эканини “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида асослаб берган бўлса, Эркин Воҳидов шўролар юритган тил сиёсати натижасида ривожланиш имкониятлари чекланган тилимизнинг гамхўри сифатида майдонга чиқди ва бизни куршаб турган оламнинг турфа рангларини ифодалаш учун беқиёс катта имкониятлари мавжудлигини “Сўз латофати” асари орқали ёритиб берди.

Тил – миллат қалби. Тил бор – миллат яшайди. Шундай экан, миллатини севган ҳар бир инсон тилининг тақдирига бепарво қараб туrolмайди.

Тилимиз хазинасининг сергак посбонлари қатор изланишлари билан уни кўриқлаб, такомил учун курашиб келганлар. П.Қодировнинг “Тил ва эл”, А.Рустамовнинг “Сўз хусусида сўз”, Н.Маҳмудовнинг “Тилимизнинг олтин сандиги”, Аҳмад Аъзамнинг “Тил

номуси", Эшқобил Шукурнинг қатор мақолалари ана шундай асарлар сирасига киради. Бугунги ўзбек назм гулистони андалиби Э.Воҳидовнинг ушбу асари эл билан тил ҳақида эл тилида тиллашиши, тил жумбоқларини жонли тил билан ечиб беришга уриниши билан ажралиб туради.

Асар дур маржони доналаридек тизилиб турган 37 мақоладан иборат. Шулардан 28 мақола тилимизнинг хилма-хил муаммоларига, 9 таси ғазаллар таҳлилига бағишланади.

Алишер Навоий сўзни дуру гавҳарга, сўзловчини ғаввосга қиёслаган ҳолда, дарёдан гавҳар ғаввос воситаси билан жилва намойиш қилиши ва ғаввоснинг баҳоси гавҳарига кўра белгиланиши, сўз дури нотик воситаси билан сайқал топиши ва нотикнинг маҳорати ҳам сўзни жилвалантириш қобилияти билан белгиланишини, гавҳар қиймат жиҳатидан турли даражаларга – бир дирамдан юз тумангача бўлингани каби, сўз дури ҳам турли даражага эга бўлишини баён қилган бўлса, Э.Воҳидов сўзни забаржад, гавҳар, олтинга, шоирни заргарга қиёслайди. Заргар олтинни ҳавас билан кафтига олиб, ундан машаққатли меҳнати натижасида гўзаллик яратса, шоирлар сўзга меҳр қўйгандагина, таъсирчан мисралар ярата олади.

Сўз – гавҳар, олтин,  
Заргарликнинг машаққати кўп.  
Сўзни байтга қадашдан олдин  
Кафтингга қўй, тўйиб қара, ўп!

Сўзнинг пайдо бўлиши ҳақида антик даврдан буён баҳс-мунозаралар тўхтамайди. Қадимги юнон олимларининг бу масалада икки қарама-қарши ғуруҳга бўлинганликлари, бири ном билан у ифодалаган нарса ўртасида боғлиқлик мавжудлиги ғоясини илгари сурса, иккинчи ғуруҳ эса, аксинча, ҳеч қандай алоқа йўқлигини, шунинг учун бир нарса турлича номланишини баён қиладилар.

Афлотун ҳар икки ғуруҳнинг фикри бир ёқлама эканига танқидий ёндашган ҳолда, ном билан у ифодалаган нарса ўртасида табиий муносабат ҳам, шартли муносабат ҳам бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

"Ибтидо" мақоласида ҳам ана шу азалий ва абадий муаммо ўзбек тили матери-аллари асосида қизиқарли бир шаклда кўтариллади. Муаллиф **узум, ғужум, қултум, ютум, тузум қурум; тувак, чапак, қарсак, юрак, кўкалдош** сингари ясама сўзларда яшаш учун асос билан ясовчи қисм ўртасида мазмуний мувофиқлик, сабабийлик муносабати мавжудлигини тўғри таъкидлайди. Туб сўзлар нима учун шундай дейилиши, нима учун кўриш органини туркийлар **кўз**, араблар **айн**, форслар **чаши**, руслар **глаз** номлари билан юритиши, нега тошни бизнинг аждод **тош** дегани, бошқалар **хажар, санг, камень, стоун, штайн** атаганлигини баён қилиб, бу сир-синаот олами экани, у олисдаги юлдузлардек ноён қолаверишини яна бир бор тасдиқлайди ва кейинги мақолаларда ўқувчини сўзнинг сирли оламига сайр қилишга етаклайди.

Муаллиф сўзнинг шакли ва маъноси ўртасидаги муносабатнинг умуман эркинлигини маъқуллаган ҳолда, ундов ва тақлид сўзлар ҳамда улардан ясалган сўзларда бу икки томон ўртасида боғлиқлик мавжудлигини ишонarli далиллар билан исботлайди. Бу билан тилнинг пайдо бўлишида ундов ва тақлидларнинг маълум даражада роли борлигини, тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ундов, товушга тақлид назариялари тамоман пуч назария эмаслигини кўрсатиб беради.

Китобда баён қилинишича, қадимги аждодларимиз тоғдан шовуллаб тушган сувни **шовева, шар-шар** тўкилганини **шаршара** деб атаганлар. Қушларнинг **лак-лак** қилгани **лайлак** (аслида, лаклак), қағиллагани **қарга** бўлган. **Чугурчуқ, олашақшақ, какку, гулгул** (қурка), **булбул** сингари қуш номлари; **тўқмоқ** (тўқиллаб органи), **тақа** (туёқ остида тақиллагани), **занг** (зангиллаган кўнғироқ) сингари буюм номлари; **данг** (донг) (донгиллаган садо), **дангиллама** (донг чиқарган) сингари сўзлар ҳам товушга тақлидга боғланади.

Гарчи асар бошида адиб муқаддас китобларда баён қилинган аввал **кун** "бўл" сўзи яралган, деган фикрни келтирса ҳам, муаллиф кейинчалик тақлид назариясига шу қадар берилиб кетадики, неандертал одам, яъни росмана инсонга айланмаган ибтидий онг эгасининг биринчи сўзи тошни тошга уриб **чақ** этган товушга тақлиддан **чақ** деган сўз бўлган, деган фикрни айтади. Адибнинг фикрича, кейинроқ тош билан данак чаққан, ёнғоқ чаққан, боласига ҳам **чақ!**.. деб буюрган. Бора-бора тошдан ўт чиқариб

уни ҳам **чақ** деди. Кўқда **чақ** этиб ёнган олов ҳам **чақ** бўлди. Кейинчалик **чақмоқ**, **чақин**, **чақмоқтош** сўзлари пайдо бўлди. **Чақанинг** ўзи бир неча маънода қўлланилди: тош бир-бирига урилганда учган ери **чақа**, тошга қоқилганнинг оёқ бармоғи **чақа**, кўп гапирганнинг тили **чақа**.

Тош майдалаб **чақа** деган инсон учун ҳамма майда нарсалар **чақа** бўлди. Пул майдалаб **чақа** деди. Майда боласини **бола-чақа** деди. Энг майдаси **чақалоқ** бўлди.

Тараққиёт инсонга ақл-заковат берди. Заковатли инсон тош **чақишдан** гап **чақишга** ўтди, тошдан учқун чиқарган бўлса, гапдан ўт чиқарди. **Чақимчи**, **чақмачақар**, **чақимчилик**, **чақ** (1) илоннинг тишлагани, чаённинг найза санчиши; 2) гугурт чўпини ёндириш; 3) сўз мағзини тушуниш), **чақув**, **чақчақлашув** сўзлари ҳам ана шу ибтидоий **чақдан** келиб чиққанлиги айтилади.

Бу сўзларнинг ҳаммасида мазмуний боғланиш мавжудлиги кўрсатиб берилади. Ўзбек тилидаги **чақ** сўзи билан мазмунан боғлиқ бўлган барча келтирилган сўзлар юзасидан билдирилган фикрларга қўшилош мумкин. Лекин бу сўзни ибтидоий одамнинг биринчи сўзи бўлган, деган фикрини шоирнинг шахсий фантазияси, муболағалаштириш натижаси сифатида баҳолашга тўғри келади. Чунки ибтидоий одам дастлаб дунёнинг қайси тилида сўз айтган? Бу масала шу кунгача ечиб бўлмайдиган жумбоқ саналади. Бир вақтлар академик Н.Я.Марр инсоннинг дастлабки фонетик тили сорий тиллар (тўғрироғи, ўзи мансуб бўлган кавказ тиллари)даги тўрт элементдан (*сал, бер, ён, рош* сўзларидан) иборат бўлган, деган фикрни олға ташлаган эди. Агар ибтидоий одамнинг илк сўзи **чақ** бўлган деган шоир фикрига қўшилсак, дастлабки инсон ўзбек бўлган эканда, деган хулосага келинади.

Тил – бир уммон. У шевалардан, бошқа тиллардан оқиб келган жилғалар ҳисобига тўлиб-тошиб туради. Шунинг учун тилнинг луғат таркиби очиқ система, дейилади. Жамият тараққиётида янги-янги тушунчаларнинг дунёга келиши билан тилда уларнинг номлари ҳам пайдо бўлади. Ёки бир нарсанинг турфа номлари майдонга келиб, ифода имкониятларини кенгайтиради. Э.Воҳидов “Уч дарёдан сув ичган денгиз” мақоласида тилимизнинг ички ва ташқи омиллар асосида ривожланиб бориши ҳақида фикр юритади. Адиб “ўзбек тилининг буюк денгизи уч буюк дарё – туркий, арабий ва форсийдан сув ичиш баробарида эски лотин, хитой, хинд, мўғул, рус, Европа тилларидан баҳраманд бўлган”ини тўғри таъкидлайди.

Ана шу дарёлардан сув ичган ўзбек тилининг лексик имкониятлари гоёт кенглигидан адиб фахрланади. Хусусан, биргина “осмон” тушунчасининг ўндан ортик номининг камалак рангларидек товланиб туришини таъкидлайди. Масалан, **осмон**, **фалак**, **само**, **чарх**, **гардун**, **фазо**, **кўк**, **арш**, **давеор**, **мину** ва бошқалар.

Дарҳақиқат, бошқа тиллардан сўз олмаган бирорта тил йўқ. Барча тиллар ўзининг ички имкониятлари билан бирга, ташқи омиллар ҳисобига бой ва рангин экани. Тилимизга кириб келган арабий, форсий сўзларни соҳалар бўйича тасниф қилар экан, муаллиф диний, илмий, ижтимоий атамаларнинг кўпи араб тилидан, бир қатор иш қуролларимиз, **жомадон**, **ҳокандоз**, **дастшў**, **жомашу**, **дазмол**, **қоғоз** каби ҳунармандчиликка оид сўзларимиз, шунингдек, юксак шеърый услуга хос суҳанлар форс тилидан олинганини, айрим сўзларнинг ўзбекчаси ҳам, форсчаси ҳам тилимизда баробар ишлатилишини баён қилади. Масалан, арабча **Оллоҳ**, форсча **худо**, ўзбекча **тангри**; ўзбекча **юрак**, арабча **қалб**, форсча **дил**; арабча **исм**, форсча **ном**, ўзбекча **от**; арабча **лиссон**, форсча **забон**, ўзбекча **тил** каби. Буларнинг барчаси ўзбек тилидан мустаҳкам ўрин олиб, ўзимизники бўлиб кетган. Шу сабабдан тилимиз бой ва рангин экани, ҳеч бир бошқа тилда бўлмаган шаклдош сўзлар санъати – туюқ ўзбек тилида борлиги, ҳеч бир бошқа тилда йўқ аския, сўз ўйини бизда мавжудлиги таъкидланади.

Ўзбек тили, умуман туркий тиллар бошқа тиллардан сўз олиши билан бирга, бошқа бир қатор тилларга сўз ҳам берган. “Ой фарзанди” мақоласида туркий сўзларнинг дунё кезгани ҳақида фикр юритилади.

Келиб чиқиши можар бўлган америкалик турколог олим Андраш Бодроглигетти номини ўзбек тилшунослари яхши билади. Гарчи бу фамилия туркийчадан анча узоқ кўринса ҳам, Андраш домланинг ўзи Эркин Воҳидовга фамилиясининг соф туркча Бадр (ой) огли гетти сўзлари бирикувидан ҳосил бўлганини айтади. Шу насаб орқали туркий сўзларнинг дунёнинг тўрт тарафига тарқалгани ва туркий сўзларнинг тил эгалари билан биргаликда бошқа юртларга ёйилгани ҳақида файласуфона мушоҳада юритилади.

“**Бадр ўғли кетди**” насабини эшитиб, хаёл шоирни минг йиллар нарида Итил ва Ёйиқ соҳилларида яшаган, кейин Волга ва Урал деб аталадиган дарёлардан сув ичиб, бепоен кенгликларда от сурган ўзбеклар юртига олиб кетади. Халқимизнинг татар, булғор, моjar, ўрус эллари билан елкадош кун кечирган яйловлари кўз олдига келади. Хаёлан ўн минг йиллар олисда Сибирдан Аляскага кўчган туркий қабилаларнинг қўшиқларини эштади. Арабча **бадр**, форсча **моҳ**, ўзбекча **ой** бўлади. **Бадр ўғли**, **Моҳ ўғли**, **Ойбек** арабий, форсий, туркий маънодаги сўзлар эканини таъкидлаган ҳолда, инглиз адаби Редярд Киплингнинг Ҳиндистон мавзусида ёзган асарининг бош қахрамони **Маугли** номини ҳам адиб **маҳ ўғлига** боғлайди. Бир қарашда, бундай боғланиш ножиоздай кўринади. Лекин муаллифнинг тарихий, лингвистик ва мифологик асосларини ўқисангиз, бу боғланишда асос борлигига ишонч ҳосил қиласиз ва шоир фантазиясига қўйил қоласиз.

Тарихий асос шундаки, муаллиф Жавоҳарлал Нерунинг Марказий Осиёликлар дастлаб Ҳиндистонга тўрт минг йил муқаддам кўчиб кела бошлаган, деган фикрига таяниб, туркий қавмлар ҳам улар орасида бўлган, бу қавмларнинг қадимий ривоятлари, дostonлари ҳам Ҳиндистонга борган, деган хулосага келади.

Лингвистик асос шундаки, туркий **ой**, арабча **бадр**, форсча **моҳ** дейилади. Адиб фикрича, **ой** ёнида **бадр** ҳам, **моҳ** ҳам ишлатилган. **Маҳ ўғли** сўзидаги **ҳ** ундоши тушиб қолиб, **Маугли** деб талаффуз қилинган, деган гоияни илгари суради.

Мифологик асос шундаки, ривоятлар турк наслини бўри зотига боғлайди, она бўри эмизиб катта қилган, дейилади. Бошқирд шоири Мустай Карим ҳам ўз халқининг номини **Бош қурд**, яъни **Бош бўри** деб ишонч билан айтганини, **Мауглига** ҳам бўри оналик қилганини, демак, боғланиш борлигини баён қилади.

Муаллиф “Исмияминнинг исми Яминми?” мақоласида ҳам исм-насаблар этимологияси ҳақида фикр юритишда давом этади. Унда ҳазрати **Яъқуб** алайҳиссалом Роҳила исмли хотинидан кўрган фарзандининг исмини иброний тилида “ўн қўл” маъносини берувчи **Бенямин** деб қўйгани, бу номи Қуръони Карим тафсириларида **Ибн ямин** шаклида ифодалангани, Ғарбга бу ном **Бенжамин** шаклида тарқалгани, ўзбекчада **Иб-ниямин**, **Эмниямин**, **Исмиямин** шаклида ишлатилгани тўғри кўрсатилади.

“Кенгуру ва Белмес” мақоласида ҳам бошқа тилларга туркийдан ўтган сўзлар ҳақидаги фикр давом эттирилади. Унда инглиз сайёҳи Жеймс Кук Австралияда ўзига номаълум ҳайвоннинг номини сўраганда, улар инглиз тилини тушунмай бир-бирларига қараб **кенгуру** дейишгани, бу сўз, аслида, “тушунмадим” маъносини билдиргани, Кук эса бу ҳайвоннинг номи **кенгуру** экан деб дафтарига ёзиб олгани, натижада бу ном дунёга тарқалгани баён қилинади. Худди шунга ўхшаш ҳодисалар туркийлар билан руслар ўртасида ҳам мавжуд бўлганини **балбес** сўзи орқали очиб беради. Муаллиф рус тилидаги **балеан**, **ералаш**, **кавардак**, **пост**, **караул**, **есаул**, **калпак**, **штаны** сингари бир қанча сўзларнинг туркий эканини, уларнинг асл маъноларини тўғри ёритиб беради.

Асарда сўз маъноси, ундаги мазмуний ўзгаришлар ҳақида жуда қизиқарли материаллар берилади. Хусусан, “Маош ва ош” мақоласида ўзбек, араб, форс, ҳинд тилларида учрайдиган жаҳонгашта сўзларнинг қисмати, улардаги маъно ўзгаришлари ҳақида фикр юритилади. Мақолада таъкидланганидек, **маош** деганда биз бугун ойлик, иш ҳақини тушунамиз. Аслида, бу сўзнинг маъноси “тириклик, ҳаёт кечириш, яшамоқ” эканини, Алишер Навоий ҳам “**Маош айламоқ аждаҳо комида**”, дея бу сўзни худди шу маънода қўллаганини баён қилади. **Маош** сўзининг ҳозирги ўзбек тилидаги “иш ҳақи” маъноси асл “ҳаёт кечириш, яшамоқ” маъносининг тараққиёти, унинг ҳосиласи экани таъкидланади. Муаллиф фикрича, қадимдан давлат хизматидаги кишиларга маош тайинланган, яъни тирикчилиги таъминланган. Шу асосда Э.Воҳидов **маош** сўзининг “ҳаёт кечириш, тирикчилик” маъноси билан “иш ҳақи” маъноси ўртасида боғлиқлик мавжудлигини очиб беради. Бу сўз билан ўзақдош бўлган “яшамоқ” маъносидаги **маишат** сўзи бугун ўзбек тилида “айш-ишрат” маъносини билдиришини, урду тилида сўзлашувчи ҳиндлар эса бу сўзни “иктисод” маъносида қўллашини баён қилади.

Муаллиф дунёнинг турли тилларига тарқалган жаҳонгашта сўзларнинг ҳар қайси тилда бир-бири билан боғлиқ, лекин бошқа-бошқа маъно ифодалашига жуда қизиқарли фактлар келтиради. Жумладан, ҳинд тилида **камина** сўзи “тубан”, “пасткаш” маъносидида, **муҳбир** сўзи “айғоқчи”, “жосус” маъносида, **таклиф** сўзи “кулфат”, **ифлос** сўзи

“қашшоқ” маъносида ишлатилишини, **ифлос**, **муфлис** сўзлари мумтоз адабиётимизда ҳам “фақир”, “йўқсил” маъносида қўлланилганини таъкидлайди. Ўзбек тилида “парҳез” маъносида ишлатилувчи **диета**, аслида, юнон тилида “таом” маъносини билдирганини, қадимги Юнонистонда энг юқори давлат органи бўлган халқ мажлиси аъзоларига бериладиган иш ҳақи ҳам **диета** дейилганини баён қилади. Адибнинг мушоҳада доирасига тан бериш керакки, у ўзбек тилига кириб келган ва мазмунан тилимизда бир-биридан анча узоқ бўлган келиб чиқиши юнонча **диета** сўзи билан асли арабча **маош** сўзи мазмуний мундарижасида умумийликни кўради. Юнонча **диета** сўзининг “ҳаёт кечириш” маъноси ҳам, “тановул” маъноси ҳам, “маблағ” маъноси ҳам арабча **маош** сўзининг маъноларига мувофиқ келишини кашф этади.

“Бўйинбоғ десанг ўлармидинг”, “Зимистон”, “Қойил” сингари мақолаларда ҳам жаҳонгашта сўзларнинг ана шундай маънолари ҳақида фикр юритилади.

“Бўйинбоғ десанг ўлармидинг” мақоласи мазмунан Жалолиддин Румийнинг маънони тушунмасдан сўз шаклига қараб ўзaro ихтилофга киришган турли тил вакиллари ҳақидаги ҳикоятини эслатади. Бу мақолада ўзбек тилидаги “ётишга хосланган уй анжоми” маъносидаги **крават** сўзи турк тилида “галстук” маъносида қўлланилиши, бир сўзнинг икки тилдаги икки хил маъносини тушунмаган ўзбек ва турк тили вакиллари бу сўз орқали жанжал қилиш даражасига борганини жуда қизиқарли ҳикоят билан баён қилиб беради.

“Зимистон” мақоласида форсча “қиш” маъносидаги **зимистон** сўзининг қандай қилиб ўзбек тилида “қоронғулик, зулмат” маъносига ўтиб қолиши ҳақида гап боради. Қиш қандай қилиб **қоронғу**га айланганидан, бу икки сўз тамоман бошқа-бошқа тушунчаларни билдиришидан ҳайратга тушган адиб унинг сабабини қидиришга бел боғлайди ва жавобини:

*Ялдо кечаси бирдур, бир йилда бир ялдо,*

*Ё раб, бу нечук ялдо? Бир йилда икки ялдо!* – деган чистондан топади.

Чистоннинг маъноси: Ялдо кечаси бир йилда бир келади. Лекин бир ойда икки ялдо бор. Чистонга шоир шундай жавоб беради: Ёрнинг юзи – ой, икки ўрим сочи қоралиги ва узунлиги билан – ялдо кечаси. Бир ой юзли икки ўрим сочини ташлаб қўйса, бир ойда икки ялдо бўлади. Шундан адиб хулоса чиқарадики, қиш кечасининг узун ва қоронғулиги учун **зулматли тун**, **зимистон қоронғуси** дейилган, **яъни қиш қоронғуси**. **Зулмат қоронғусининг** қандай қилиб **зимистон** бўлиб қолганини тилда мавжуд бўлган сўзларнинг товуш томонини тежашга интилиш тамойили асосида тушунтиришга ҳаракат қилади.

Дарҳақиқат, инсон ўз амалий фаолиятида кам куч сарфлаб кўпроқ натижага эришишга интилади. Ана шундай интилиш тилда фонaцион воситаларни тежашда кузатилади. Сўзда ёки гапда маъно сақлангани ҳолда, товуш томони қисқартирилади. Масалан: 1. **Муҳаммад шариф**→**Мамашариф**→**Машариф**; 2. **Ўқиган одам – олим, ўқимаган одам – золим**→**Ўқиган – олим, ўқимаган – золим**. Келтирилган мисолларнинг биринчисида товушлар, иккинчисида сўзлар маънога таъсир этмаган ҳолда тушиб қолган. Тушиб қолган сўзнинг маъноси олдидаги сўзда сақланган.

Адиб тилдаги ана шу қонуният асосида **зимистон қоронғуси** бирикмасидан **қоронғуси** сўзи тушиб қолиши натижасида унинг маъноси **зимистон** сўзига юқланганини айтади.

Асли “совуқ” маъносини ифодаловчи **хунук** сўзининг ҳозирги ўзбек тилида “кўрсиз”, “бадбашара” маъносига ўзгариб қолишини ҳам худди ана шу тежаш тамойили асосида тушунтириб беради. Муаллифнинг фикрига кўра, аввалда **хунук** сўзи “совуқ” маъносида тўғри ишлатилган. Турқи совуқ одамни **турқи хунук** дейилган. Кейинчалик **турқ** сўзи тушиб қолиб унинг маъноси ҳам совуққа юқланган.

Асли “истак, хоҳиш” маъносини ифодаловчи **таманно** сўзининг ҳозирги ўзбек тилида “нозу карашма”, “танноз” маъносини ифодалашини ҳам фонaцион энергияни тежаш тамойили асосида **таманно аёл** “Истаги кўп аёл” бирикмасидан **аёл** сўзининг тушиб қолиши натижаси эканини изоҳлаб беради.

Ҳозирги ўзбек тилидаги “ювилган, артилган, пок” маъносидаги **тоза** сўзи асли “янги” маъносини, ҳозирги “уқувли, маънили” маъносидаги **тамиз**(ли), “уқувсиз, маънисиз(одам)” маъносидаги **бетамиз** сўзлари, аслида, “пок, ювилган” (тамиз), “ювуқсиз, нопок” (бетамиз) маъноларини билдирганини баён қилади. Бу фикрлар

адибнинг сўзга, унинг маъно тараққиётига нақадар синчковлик билан эътибор берганининг, нозиктаъб шоирлик билан синчков сўзшунослик қобилияти омухта бўлганининг ҳосиласидир.

Сўз маъносининг ўзгариши ҳақидаги фикрлар **ранг** сўзи мисолида ҳам давом этирилади. Ҳозирги ўзбек тилида “хийла” маъносидаги **найранг** сўзининг ҳам **ранг** сўзига боғлиқлиги форс тилида “ҳар ранг” маъносидаги **не ранг** араб ёзувидаги “ёй” ҳарфининг икки хил ўқилиши боис **найрангга** айланиши, бу сўзнинг “ҳар ранг” маъносининг “хийла, алдов” маъносига ўтишида “кўзни алдаб ҳар рангда тусланиш” белгиси асос бўлгани баён қилинади.

Ҳозирги тилимизда “олов” маъносидаги **алвон** сўзи асли араб тилида “ранг” маъносидаги **лавн** сўзининг кўплигидан юзага келганлигини таъкидлаб, **ранг** сўзининг турфа маънолари ҳақида баҳс юритади.

Муаллиф Навоий асарлари луғатида бу сўзнинг фақат бешта маъноси кўрсатилганини баён қилган ҳолда, ўзи форс тилида ёзилган “Канзул луғот”, “Мунтаҳобул луғот”, “Баҳрул жавоҳир”, “Луббул албоб”, “Кашфул луғот”, “Фирдавсул луғот” сингари ҳали Республикамиз олимларининг қалами етмаган ўттиздан ортиқ луғатлар хазинасидан ранг сўзининг ўттиз бир маъносини топади. Бу билан шоир ноёб шарқшунослик қобилиятини ҳам намоян қилади.

Адиб ҳозирги луғатшунос олимлар олдида ажодларимиз қолдириб кетган ана шундай нодир луғатларни нашр этиш ва улар бағрида яшириниб ётган, лекин бугунги кун воқелигини ифодалаш учун жуда зарур бўлган юзлаб сўзларни истифодага киритишдек долзарб вазифани кўяди.

Адиб **пул** сўзи форс тилида “кўприк” маъносини ифодалагани, унинг ўзбек тилидаги “қимматли қоғоз, купёр” маъноси билан форс тилидаги “кўприк” маъноси ўртасидаги боғлиқлиқни ҳам очиб беради: кўприк қирғоқларни туташтирса, қимматли қоғоз одамларни бирлаштиради.

Сўз маънолари тараққиётида бир сўзни тамомила қарама-қарши маънода ишлатиш ҳам тилимизда кўп учрайди. Бундай ҳодисага тилшуносликда **энантисемия** дейилади. Мазкур ҳодиса туркий тилларда қадимдан мавжуд бўлиб, Маҳмуд Кошғарийнинг ҳам диққатини жалб қилган эди. У **сучик** сўзини илгари “аччиқ” маъносида, кейинчалик “мазали” маъносида қўлланганини, **ўр** “чуқурлик” маъносини билдириши билан бирга “тепалик” маъносини ҳам ифодалаганини кўрсатган эди.

Адиб худди ана шундай ҳодисани **қалб** сўзида кўради. Унинг фикрича, тилимизда “икки қалб бор”. Улар шу даражада бир-биридан узоққи, туташмоғи сира мумкин эмас. Бири – инсон юраги, поклик, тўғрилиқ, олийжаноблик тимсоли бўлган **қалб**. Бошқа бири – **қалбаки**, **қаллоб** сўзларининг ўзаги, яъни эгрилик, алдамчиликни ифода қилувчи **қалб**. Муаллиф ҳазрат Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” асаридаги ғазаллар таҳлили орқали **қалб** сўзининг яна “қўшин маркази” ва “кофир” маъноларида ҳам қўлланганини аниқлайди ва юрак нима учун **қалб** дейилган, унинг қаллобликка, ёлғончиликка нима алоқаси бор? – деган саволга шундай жавоб беради: “Инсон онги шакллангандан бери ақл ва юрак ўртасидаги баҳс тугамаган. Одамзодни ҳиссиёт кўп алдаган. Ҳамма халқларда: “**Кўнгул кўчасига кирма**”, деган мазмундаги ҳикмат бор. Демак, юрак кўчасига кириб алданган одамлар унга **қалб** дея ном кўйибдилар.

**Қалб** сўзи ифодалаган қарама-қарши маънолар ўртасидаги бундай алоқадорликни топиш учун фақат Эркин Воҳидовча фикрлаш, Эркин Воҳидовдек мумтоз адабиётимиз сирларини англаш керак бўлади.

Муаллиф тилимиздаги асл маъноси ўзгарган сўзларга шунчалик синчковлик билан ёндашадики, **меҳнат**, **фуқаро**, **мард**, **мағуз**, **фан**, **пул**, **сиёҳ** сингари юзга яқин ана шундай сўзларни топади ва “Адаш, дедим, адашдим” мақоласида уларнинг рўйхатини беради.

Ҳозирги тилшуносликда сўзнинг товуш ўзгаришлари қаторида товуш алмашилиши ҳодисасига алоҳида эътибор қаратилади. Тилимиздаги бу ҳодиса ҳам адиб назаридан четда қолмаган. “Тескари тушган товушлар” мақоласида **айлан-айнал** шаклларида қўлланадиган сўз асли **айлан** экани, **кифт**, **қулф**, **авф**, **бўйра**, **киприк**, **ёмғир**, сўзлари, аслида, **китф**, **қулф**, **афв**, **бўрв**, **киприк**, **ёғмур** бўлганлиги, ҳозирги тилимиздаги **ёғмоқ**, **ёғин ёғмур** билан ўзақдош экани, **турпоқ турпоқ** сўзидан, **ўргилай ўргилайдан**, **ўғирлик ўғриликдан**, **Искандар Иксандардан**, **жўналиш**, **йўналиш**

йўланишдан, *тескари терскаридан* келиб чиққани баён қилинади.

Ҳар бир тилда халқнинг руҳи, миллий маданияти, ўзига хос дунёни кўриши, идрок этиш тарзи намоён бўлиш билан бирга, тиллар ўртасида образ яратишдаги шундай умумий жиҳатлар борки, улар умуминсоний тафаккур маҳсули сифатида юзага чиқади. Китобдаги "Инсон ва қорачиқ" мақоласида баён қилинган фикрлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Муаллиф *мардум* сўзининг "инсон" ва "қорачиқ" маънолари ўртасидаги боғлиқликини очиб бериш учун инглиз, рус, араб тили материалларига мурожаат қилади ва бу тиллар ўртасидаги ўхшашликдан ҳайратга тушади.

Адибнинг баён қилишича, араблар кўз қорачиғини *инсонул айн* (кўзнинг инсони) дейдилар ва бу тилда ҳам *қорачиқ* ва *инсон* бир сўз билан ифодаланади. *Мардум* сўзида "инсон" маъноси ҳам, "халқ" маъноси ҳам бор. Рус тилида (В.Даль лугатида) *зрак-чок*, *зеница* қаторида *человечек*, *мальчик* сўзлари ҳам бор. Бу маънолар ўртасидаги алоқдорликини адиб одамзоднинг кўзида унга тикилиб қараган одамнинг акси намоён бўлиши орқали изоҳлаб беради.

Муаллиф тилимиздаги *Меҳмон отангдан азиз*, *Устоз отангдан улуг* сингари қийёсий қурилмаларни *Меҳмон отангдай азиз*, *Устоз отангдай улуг* шаклидаги ўхшатиш қурилмалар билан алмаштириб ишлатилаётганини тил қонуниятидан келиб чиқиб, ҳақли равишда танқид қилади.

"Баркамол соддалик" мақоласи тилимизнинг баркамоллигини бошқа тилларга қийёслаган ҳолда ёритиб беришга бағишланади. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, тилларнинг баркамоллиги қоидаларнинг аниқ ва изчиллиги, истисноларнинг камлиги, ифода имкониятларининг кенглиги билан белгиланади. Ана шундан келиб чиқиб, мақолада ўзбек тилининг барча сатҳларида аниқ қоидаларнинг мавжудлиги ва бу қоидалар асосида минглаб нутқий ҳосилаларни яратиш мумкинлиги аниқ мисоллар орқали очиб берилди. Масалан, сўз ясалиши сатҳида қўшма сўзларнинг икки ва ундан ортик ўзакларнинг қўшилиши асосида ясалиши мумкинлиги (*сопол товоқ*, *кумуш қошиқ*, *тахта кўприк*, *темирўл*) ва бунинг афзал томонлари рус тилига қийёслаган ҳолда ёритилади. Хусусан, инглиз тилида ҳам худди ўзбек тилидагидек ясалган *футбол* сўзи ўзбек тилида *оёқ* ва *тўп* сўзларини бирлаштириш орқали транслитерация қилиниши мумкинлиги, лекин рус тилида *нога* сўзи билан *мячь* сўзи тўғридан-тўғри боғлана олмаслиги, уларни қўшиш учун *ногани* сифатга айлантириш, бунинг учун эса у боғланаётган сўзнинг род(жинс)ини билиш лозим бўлиши, бунинг эса аниқ қоидаси йўқлиги, охирида юмшатиш белгиси бор сўзларнинг ярми музаккар, ярми муаннас экани (*день* сўзи мужской, *ночь* – женский род, октябрь – мужской, осень – женский ва бошқалар) айтилади.

Ўзбек тилида [от+чи] қолипиди касб-хунар эгаси маъносини билдирувчи минглаб янги сўзларни ҳосил қилиш имконияти мавжуд бўлса, рус тилида бундай шахс номлари яшашнинг аниқ қолипи йўқлиги, *рабочий*, *писатель*, *лесник*, *моляр* сингари сўзларнинг ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида сўз ясалиш қолипи асосида ясалганини далиллайди.

Ўзбек тили грамматик маънони ифодалаш учун ҳам аниқ бир шаклга, масалан, йўналиш маъносини ифодалаш учун битта жўналиш келишиги шаклига эга бўлса, рус тилида бу маънони ифодалаш учун бир неча шаклдан фойдаланилади. Масалан, *Киевга* сўзи в *Киев*, *Украинага* сўзи на *Украину*, *уйга* сўзи *домой* шаклларидаги сўзлар орқали ифодаланиши баён қилинади.

Алишер Навоий диққатини тортган ва "икки мафъуллик феъл" сифатида таърифланган феълнинг орттирма нисбат шакллари, хусусан, *киймоқ* – *кийдирмоқ* рус тилида фарқланмаслиги, ҳар икки ҳолатда ҳам *одевать* шакли ишлатилиши айтилади.

Ўзбек тилининг яна бир фазилати – маънодош сўзларга бойлиги, муқобили йўқ сўзнинг ўзи йўқлиги, бу эса сўз қайтарилишларининг олдини олишга; шаклдош, кўпмаъноли сўзларга бойлиги сўз ўйини, аския санъатининг, шеърятда туюқ жанрининг ривожланишига имконият яратишини баён қилади.

Бу айтилган фикрлар Эркин Воҳидовнинг қийёсий тилшуносликнинг ҳам чуқур билмидони эканидан далолат беради.


Ҳозирги кунда фанлар тизимида гендерология алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу тилшуносликка ҳам таъсир қилиб, гендеролингвистика йўналиши пайдо бўлмоқда. "Хотин тили" мақоласи ана шу янги йўналиш бўйича ўзбек тили материаллари асосида


маълумот бериши билан қимматлидир. Унда фақат хотинлар тилида ишлатиладиган бир неча сўзлар, иборалар келтириладики, ўзбек лингвогендершунослигининг бундан кейинги истиқболи учун туртки бўлиб хизмат қилади.

Кишини тилнинг сирли оламига етаклайдиган, ўйлашга, чуқур мушоҳада қилишга чорлайдиган бундай кўпқиррали асарда айрим хаёлотга берилган ўринлар, баҳссталаб жихатлар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, муаллиф: “Кўксимизда уриб турган **юрак**, аслида, **юракми** ёки **уракми**? Юрак урадимми ё юрадимми? Мен ўзимча, **урак** дегим келади. Мантиқан шундай бўлиши керак. Лекин “Девону луғатит турк”да **юрак** дейилган”, деб адибнинг ўзи **юр** ўзаги фақат “юриш”ни англатмаслиги, умуман “ҳаракат” (**шамол юрди, ишимиз юрди, соат юрди, қон юрди** каби) маъносини билдиришини тасдиқлайди. Бизнинг назаримизда, туркий тилларда **журак – юрак – урак, жип – йип – ип, жилан – йилан – илон** сингари сўзлар бошқа-бошқа сўзлар эмас, балки бир сўзнинг туркий тилларнинг **қипчоқ – қарлуқ – ўғуз** гуруҳларидаги фонетик қонуниятини ўзида намоён қилишидир. Туркий тиллардаги бу қонуният ҳақида Маҳмуд Кошғарий шундай ёзган эди: “(Қарлуқларда) Ё билан бошланган от ва феълларни ўғуз ва қипчоқлар “алиф”га ёки “жим”га айлантирадилар ... Масалан, турклар (яъни қарлуқлар) **йилиғ сув** десалар, улар (ўғузлар) **илиғ сув** дейдилар”. Демак, **юрак, урак** турли ўзакли сўзлар эмас, балки турли туркий қавмлар тиллари ўртасидаги фонетик фарқланиш (жур – йур – ур)га эга бўлган бир сўзнинг кўринишларидир.

Умуман, мазкур китоб миллатимизга, унинг тилига чексиз муҳаббатнинг рамзидир. У нафақат сўз санъатига қадам кўяётган ёш қаламкашларга сўз қадрига етишда ибрат мактабини ўтайди, балки тилшуносларни ҳам сўз этимологияси, сўз маъноларининг кўчиши сингари бир қатор масалалар бўйича баҳс-мунозарага чорлайди. У тилимизнинг тилла сандигидаги дуру гавҳарларни қўлга олиб, салмоғини ўлчаб, ҳар бирининг пешонасидан ўпиб, улардан нутқимизда ўринли фойдаланишга ёрдам берадиган ва ҳар бир ўзбек хонадонининг китоб жавонидан жой олиши керак бўлган асардир.





# НАСР

## Матлуба УЛКАНБОЕВА

1990 йилда туғилган. Наманган Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган. 2011 йил ўтказилган “Келажак овози” республика ёшлар танловининг ғолиби. Ҳозирда НамДУнинг 2-босқич магистранти.



## ОЛВОЛИ

### Ҳикоя

Деразининг зарбли тарақлашидан уйғондим. Сездимки, опамнинг<sup>1</sup> кайфияти ёмон. Тезроқ туришим, хизматдаги аскардай “командир”нинг буйруғига шай туришим керак. Аксига олиб бошим зилдай оғир, кўтаргудек ҳолим йўқ. Кеча мактаб ҳашарида оқшомгача қолиб кетиб, опам буюрган уй юмушларини бажармаганим учун тузуқки-на насибамни олгандим. Устига устак, офтоб ўтган шекилли, кечаси кўнглим айниди. Ўрнимдан туришим жуда қийин бўлди. Сезиб турибман, ҳозир “жаҳон уруши” бошланади (Дадам ҳамиша шундай дейди).

– Қачон эди сен зумрашани турғизганим, жон-жонимга тегди сенлани ташвишинг. Отанг бошлиқ дангасасанлар. Билиб-билиб ишингни қил. Асабимни бузма, тери-перингни шилиб оламан!

Бошимнинг оғриғи аллақаяёққа йўқолди, пақирни кўтардим-у, кўчага чопдим. Бунақа тўполонлар мен учун янгилик эмас. Аммо бугун опам нима сабабдан бунақа қилаётганини тушунмадим. Менимча, опам дадам билан хафалашиб қолган. Йўқса, бунчалик “тутамасди”. Бундай вақтларда ҳаммадан ҳам менга қийин бўлади, чунки болаларнинг каттасиман, ундан кейин опам бақирди дегунча, миям тугилиб, бамисоли ёнғоқ бўлиб қолади. Ҳар куни қиладиган ишларимдан янглишиб, довдираб қоламан.

– Ирода-а-а? Яна қанча қоласан кўчада? Уйинг куйиб кўчада қолгур, имилдиқ!!!

Уйга кирганимда опам ҳамиша мушук боладай эрқалатадиган, айтгани айтган, дегани-деган арзандаг ум ҳамсибасини олган, шекилли, хиқиллаб ўтирарди. Опамнинг мени қўриб асаби бузилмаслиги учун янги соғилган сутни олдим-у, пилдираб бориб кегаги сутга қўшдим, кейин қозонни ўчоққа осдим. Сўнг молхонага югурдим...

– Ирода-а-а...

Яна нима қилиб қўйдим? Оҳ! Бунақа пайтларда қўлларим учига тупуриб, қулогимни ушлайман, ирими шунақа, кўп синаганман... Аммо... оғилхонадан чиқишим билан орақамга супурги билан би-и-р калтак тушди-ю... Алам қилиб кетди.

<sup>1</sup> Опа – она (шева).

– Нимага урасиз? – дея бақирдим овозим борича.

– Уйинг куйгур, ҳукизмия, сутни нима қилдинг, кеча пиширмай ачитганинг етмагандай, бугунгисиниям кўшиб қўйдингми? Ман ўзимга дейманми? Шуни қатиқ, сариёк қилиб ўзларинга едираман-у, жувонмар! Мен билмайман, бор, сутни топ!

Калтак оғриғига алам қўшилди-ю, қозонни кўтариб, кўчага мақсадсиз югурдим. Палакат босдим, ё пешонами, тошга қоқилдим-у, аввал қозон учиб тушди, кетидан мен гупиллаб йиқилдим. Оҳ, қиёмат энди бошланади...

Опам бошини чангалланганча, ерга ўтириб олди. Ранглари оппоқ, лаблари учади... Кўрқиб кетдим.

– Опа, мен билмабман...

Кўзлари юмуқ, овози шивирладими, пишиладими, ҳарқалай, жуда заиф чиқди:

– Билмай ўл...

Сутга беланган кўйи булоққа чопдим, кафтимда сув олиб келиб тутдим, рад этди.

Укамни йиғидан юлатдим: опамнинг яна қаттиқроқ жаҳли чиқиб қолмасин.

Бу орада опам ўрндан турди. На менга, на укамга, на сутни мириқиб ялаётган Бароқвойга қаради... Сўзсиз, руҳий хастадай судралиб уйга кириб кетди. Бироз фурсатдан сўнг кўлида кичкина тугун билан чиқди. Опам кўчалик кўйлагини кийганда жуда очилиб кетарди.

Шу пайт кўнглимга умид бериб, қўшнимиз Ҳай-ҳай хола чиқди.

– Саодатхон, қизим, нима гап, тинчликми?

– Келинг, Ойша хола.

Опам пиқиллаб йиғлаб юборди. Нега билмайман, менам қўшилиб йиғлай бошладим.

– Ҳай, ҳай, шайтонни суюнтирманг, болам! Бу турмуш, аччиғи бор, чучуғи бор. Жон болам, оғир бўлинг.

Менинг ҳам Ҳай-ҳай холага ўхшаган бувим бўлишини хоҳлардим. Опамгаям, дамгаям, менгаям насиҳат қилса, пинжиларига кириб эртақлар эшитсам...

– Нимасини айтасиз, хола, бу турмуш ҳар куни мушт деганимикан-а? Ё пешонам онамникидай шўрмикан?

– Ҳай, болам, иқболли аёлсиз! Икки жужуқингиз бор. Бу нима деган гап? Эрталаб Ҳусанбойни кўрувдим. Авзойи бузуқ. Ичим шиғиллади... чиқай дедим-у, сахарлаб киришга хижолат бўлдим.

– Эракк киши шу: захрини сочади-ю, гумдон бўлади. Мени айбим нима? Уй-жойим деб ҳиқ-ҳиқ қиламан, сўмни сўмга, тийинни тийинга уриб, йўқдан бор қиламан. Ё қулидан кириб, қосовидан чиққанимми айбим?

– Вой қизим-а! Узингизга ўхшамай қолибсиз. Бас, йиғламанг, сиқилманг...

– Сиқилмай бўладими? Кенжамми даволатишим керак, ун тугаяпти, ёғ йўқ! Бу киши бўлсалар, зўрга етганимизда, улфатларига ойликларидан зиёфат берадилар. Бойвачча! Уйимга бормаганимга тўрт ой бўлди! Мусофир бўлсам, мениям эгачи-сингилларимни кўргим келади. Мавриди бўлар деб, шу кишимни деб, чидаб юрибман-ку, ахир!

– Ҳай, Саодатхон... ўзини босинг...

– Озгина шакарим бор, балниссада бўлиб, анча ўтиб кетди. Компот қилишимиз керак эди. Шафтоли тугаса, олволи тугаса, ажалли уруғини компот қиламанми?

– Топилар, болам...

– Топувдим, хола, Ҳожимат раиснинг хотини Раҳбархонга озгина ёрдамим тегувди, олволидан обкетинг деб кўймади. Бориб бир пақир териб келинг, келишингизга нонушта тайёрлаб тураман, чойизни ичиб далага жўнайсизлар, дедим. “Унинг эшигига олволи деб бормайман”, – дейди. Нега бормайди? Пақир палон пул турса!

Компот сўзини эшитганимда, олволи компотининг ўзига хос таъмин туйдим. Опамнинг компотларидаки ширини дунёда йўқ эди. Опам ёз бўйи чумолидай йиғиб-теради. Биз қиш бўйи роҳатини кўраемиз. Баъзан опам бир пиёла ичиб улгурмасидан тугатамиз. Бунақа пайтларда жилмайибгина: “Ош бўлсин, болаларим”, деб кўяди.

Ҳай-ҳай холам уйчан кўзларини бўшлиққа қадади.

– Асли Ҳусанбой ёмон боламас, мавридини топиб айтмабсиз-да, қизим. Каллаи сахарда бировнинг эшигига бориш ноқулай, кейин...

Ҳай-ҳай хола пичирлағудай давом этди:

– Раисни Ҳусанжон хуш кўрмайди, анча йиллар бўлди, унда сиз ҳали келин бўлиб тушмагандиз, ораларидан анча-мунча гап ўтган. Ҳусанжонни биламан, ор-номусли бола! Оталари, Худо раҳмати Тўра буваям шунақа орли киши эди. Халқнинг нонини еганларни жини суймасди. Қондан ўтган, болам, сиз буни тўғри тушунишингиз керак.

– Номус, дейсиз. Шу номуснинг ортидан боламдан айрилай, дедим. Бирим икки бўлмайди, шу номуснинг ортидан...

– Ҳай, ҳай, балиқ билар, балиқ билмас, Холиқ билар, болам...

– Орли экан, номусли экан, нега қўл кўтаради? Бу сафар ўтиб кетди. Кетаман. Ана болалари, ана уйи...

– Ҳай, ҳай, биз калтак емабмизми? Шу яхши тоғанғизни феъли келса, қочгани жой тополмай қолардик. Тутволса, ўзиникиман-да, мандан бошларди. Оғир бўлинг, болам!

Опам энди йиғламас, юзида қатъий қарор қилгандагина ёйиладиган ифода, шахд бор эди. Ҳай-ҳай холам ялинди, биз йиғладик. Аммо опам ҳеч кимга қулоқ солмади. Фақат кетишидан олдин “Уканга қара, оч қолмасин, офтобда қолмасин”, – деди. Қўзлари шу қадар мулойим, меҳрибон эдики, ортидан чопдим:

– Опа, опажон кетманг... кетманг!

– Уйга қайт, ақлинг билан бўлларинг...

Аввал қайтмадим, кейин яна жинларини уйғотиб қўймай деб, ортимга қайтдим. Ҳай-ҳай хола билан уйни бироз йиғиштирдик, нонушта қилдик. Кейин, кеча келишилганидек, мен сигиримни “Орол”га, дадам ўқувчиларни олиб кетган далага олиб борадиган бўлдим. Укам Баҳодирни Ҳай-ҳай хола олиб қолди.

\*\*\*

Тушлиқдан кейин, катта саданинг тагида дам олганимизда дадамга бўлган ҳамма гапни айтиб бердим. Ҳай-ҳай холадақа бувим бўлса, яхши бўлишини ҳам айтдим. Яна ўзимнинг Норби бувим ҳақида сўрадим. Дадамнинг сеҳрли ҳикояларини эшитиб ухлаб қолибман. Уйғонганимда қуёш уфқдан икки қарич тепада осилиб турарди. Ёнимда бир пақир қип-қизил, оловдай ловуллаб олволи турибди. Дадам ўқувчи-хашарчиларни автобусда кузатди. Сўнг дадам иккимиз сигирим Маллавойни етаклаб уйга қайтдик. Кун бўйи ейишимнинг тайини йўқ, жуда оч қолгандим. Опамнинг кетиб қолгани эсимга тушди-ю, хўрсиниб қўйдим.

Кўчамизга Ҳай-ҳай холанинг келини сув сепган бўлса керак, Она заминнинг (Дадам шундай дейдилар: “Она замин ер юзидаги ҳамманинг онаси. Менинг ҳам, опангнинг ҳам, сенинг ҳам. Шунга унинг ҳиди оналарнинг ифоридай ёқимли”) ширин ҳиди таралар, садарайхон ифори билан омухталлашиб кишининг баҳри-дилини очарди. Мен бу ҳидни жудаям яхши кўраман.

Ховлимиз остонасида укамни кўтариб олган опам кўринди. Оҳ, сув сепган опам экан-да!

– Опажоним, ўзимнинг опажоним!

Юғурдим, бўғзимга нимадир тикилди, оёғим чалишиб, зўрға опамгача етиб бордим. Опамнинг бағрига кирган пайтим унинг қўйлаги ёқасига тикилган қалампирмунчоқнинг хидини туйдим-у, тани-танним яйраб кетди...

– Моможоним, оппоқ қизим!

Опам мени бағридан бўшатганда, дадам етиб келди. Опажоним дадамга қараганда, назаримда, кўзлари учқунлагандек туюлди. Дадам ҳам мулойимлашди...

– Мана, онаси, “закас”ингиз!

– Манам обкелдим шу савилни... Бизни уриштирган шу савил...

– Умрингиз узоқ бўлсин!

Сигиримни етаклаб кириб кетаётсам, қулоқ қурғур эшитиб қолди:

– Кетсам, борармидингиз излаб?

– Кетмасдингиз...

– Қайдан биласиз?

– Биламан-да!

– Мени ҳеч ким сизчалик билмайди, дадаси!

\*\*\*

...Ҳар гал ховлимизда шиғил пишиб ётган олволига қараганимда шу воқеа ёдимга тушади. У пайт бола эдим, 5-синфга кўчувдим, шекилли... Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтмади, дейсиз. Аммо негандир бу воқеа бошқаларидай хотирамдан “ювилиб” кетмади...

Олволи нордон, татиганда тукингни тикка қилади, у нўхотдан каттароқ, қип-қизил мева. Адабий тилда олча дейилади, биз эса шевада олволи, деймиз. Турмуш ҳам олволимикин, дейман-да, гоҳи ёқимли, кўнғил тусайди, гоҳи эса нордон... Чидасанг – яшайсан... Эрталабки жанжалимиз ёдимга тушди-ю, Сардор акамни кечириб юбордим. Бу турмуш: аччиғи бор, чучуғи бор...



## МУШОИРА

### ЭЗТУЛИККА ИҶФРИЛАН ҲАЁТИ

Абдуҷаббор ОБИДОВ

#### Куёш

Куёшга интилар ҳар бир гул, япроқ,  
Офтобнинг нуридан яшнайти борлик.  
Бир кеча уйингда ёнмаса чироқ,  
Зулумот кўнглиннга солади торлик.

Қай ерда ёқилса гулхан, ўт, олов,  
Доим давра қурган гуруҳ топилар.  
Ҳарорат қанчалик қадрдон ялов,  
Тафтидан қон жўшиб, мия лопиллар.

Заҳ, қиров кунлари ёруққа чиқиб,  
Офтобда мусича каби бир қатор,  
Ёш-яланг турмайди бежиз исиниб,  
Куёш ҳарорати ажиб, бетакрор...

...О, куёш! Сенингдек марҳаматли ким,  
Сенингдек қадрдон, саҳий тақдирдош?  
Сен – ўтти кашф этган буюк мунажжсим,  
Сен – олов, сен – яшин, қудратларга бош.

О, куёш! Ранг бериб, ранг олган ўзинг,  
Сержилло табиат айлагай таъзим.  
Қут-барақа сочар саҳардан кўзинг,  
Нурингдан нур олар дунёи азим.

#### Кечиккан гуллар

Иссиқ кунлар қайга чекинди,  
Ташиқарида шамол увиллар.  
Секингина маъюс силкинди,  
Кеч кузада очилган гуллар.

Баҳорда у зўрга қаддини  
Кўтарганди. Ёзда куч тўлди.  
Фурсат етди, кузда дардини,  
Балки, ёзиб айтмоқчи бўлди.

Ҳар ким ўзи билан овора,  
Назар ташлаб қўймас у томон.  
Нечук ўзгаларга бўлмади ёра,  
Нега чирой очмиш кеч кузак замон?

Қизиқиш кўп баҳорда гулга,  
Оддий ифор димоқни ёрар.  
Куз пайтида нечун кўнгилда  
Тароватга ҳавас йўқолар?

Эътибордан ҳамон мосуво,  
Ростласа-да қаддини кунлар,  
Не қилса ҳам ҳушламас дунё,  
Қисмати шўр кечиккан гуллар.

Муҳаббат ТУРОБОВА

### Чинор

#### Устоз Зулфия опага

Поёни йўқ катта бог эрур шеърият,  
Сердарахт, серҳосил, ранг-баранг ҳикмат.  
Бог тўрида ям-яшил бир тун чинор,  
Барглари зумраду шохлар салобат.

Ҳар гулнинг ҳиди бўлак, ифори бўлак,  
Айтар сўзин магизи, изҳори бўлак.  
Гўж-гўж шох-шаббадан тушганда соя,  
Кўнгилдан қуйилган алёри бўлак.

Чинорга қарайман – садоқат рамзи,  
Ёниб яшашилари саодат рамзи.  
Бардошини кўксига туг сифат илган,  
Ирода мустаҳкам – муҳаббат рамзи.

Вафо китобининг чароғбони ул,  
Меваси асал богнинг богбони ул.  
Қайнарбулоқ – ер-кўкни сероб айлаган,  
Иймон-эътиқоднинг чин покбону ул.

Юлдузлар – тун чироғи самода,  
Дарахтлар кўп, чинорлар кўп дунёда.  
Эл дилида номи яшар мангуга,  
Чинорларнинг маликаси танҳода.

## Совга

Сиз тутган бу нафис гулдаста,  
 Чаман боғлар ифорида нур даста,  
 Қўлга олдим, кўзим ўйнаб ҳавасда,  
 Чанқаган кўнгилга мадад бўлди ул.

Бўстонлиқнинг боғларига қуш бўлиб,  
 Райҳону наргислардан дилхуш бўлиб,  
 Учиб кетдим, қучиб кетдим туш бўлиб,  
 Чанқаган кўнгилга омад бўлди ул.

Ипак қатим капалак қанотида,  
 Нафис оҳанг тўрғайлар баётида,  
 Хушрўй базм қушларнинг ҳаётида  
 Чанқаган кўнгилга раҳмат бўлди ул.

Анҳорнинг юзида шода-шода дур,  
 Сувнинг мавҷларида ўйин тушодур,  
 Тўлқин елкасида товланиб биллур  
 Чанқаган кўнгилга роҳат бўлди ул.

Сиз тутган бу нафис гулдаста...

Ҳамид ЗИЁ

\*\*\*

Тун ёмғир қўйнида  
 юлдузсиз осмонми  
 мушфиқ заминми  
 менманми  
 эзлаётган  
 оғир оғир  
 ахир  
 нақдни йўқотиб қўймоқ  
 вақтни тўла англаб етмай  
 бахтни рўёга йўймоқ

Ўзини яширган тунни  
 изласа керакда кундуз  
 ҳаёлим оларсан шундоқ  
 ҳолбуки  
 тун ёмғир қўйнида

\*\*\*

Най қайтарар  
 дарду алам зоринг  
 интиққан лаҳзада

Най қайтарар  
 дарду алам зоринг  
 нолалар ҳаёлни силайди

Най қайтарар  
 дарду алам зоринг  
 сени излайди

## Бибисора ОТАЕВА

## Тўртликлар

Одобдан тугилар асли фазилат,  
Фазилатлик дўстдир – бебаҳо иззат.  
Аҳли одоб билан бўлсанг суҳбатдош,  
Гулни ҳидлагандек топурсан лаззат.

\* \* \*

Дерлар, қаноат қорин тўйдирар,  
Тавба гуноҳни букар, сўлдирар.  
Ул иккиси гўё шиғобаҳи дарахт,  
Суюянсанг, ул дарахт сиҳат келтирар.

\* \* \*

Андак хуш сўз бошини осмон этар,  
Қалбни беқиёс шодумон этар.  
Ҳасад томирини кесувчи қайчи.  
Фақат сиз эрурсиз, эй хушсуханлар.

\* \* \*

Умидвор бўла-бўла, ноумид қолмоқлик бало,  
Унутмайин ул гамни, юракка олмоқлик бало.  
Ўзинг, ҳар бандангни еткизгайсан муродига,  
Қилмагайсан ишқсизлик деган қусурга мубтало.

\* \* \*

Эшигимни очдим, баҳорга дилдан,  
Гул бўйли ҳаволар ёприлди бирдан.  
Наздимда, гулбўйлар бўлишиб гуллар,  
Баҳор боис, чиқдилар асирликдан.

\* \* \*

Интилмоқ, изланмоқ, азм этмоқ асл,  
Уларсиз бўлурми муродлар ҳосил?  
Чумолига қаранг, қочмас меҳнатдан,  
Шундан у хушибичим, соғликка восил.

## Ортиқжон ЖўРАЕВ

\* \* \*

Дединг, сениз менга дунё не керак,  
Сениз керак эмас менга ҳам олам.  
Севгинг дида, меҳрим қалбингда, демак,  
Иккимиз бир бутун жаҳон, маликам.

Севгини афсона дейдилар чоги,  
Ўткинчи туйғудан тўқилган достон.  
Бу нотаваон зотлар қалбининг чўғи,  
Ақида чўпчаги, малагим, инон.

Юлдузлар осмоннинг гавҳар, дуридир,  
Мухаббат ҳаётнинг қудрат жамоли.  
Бўлмаса, шул бирлик, сабоқат нури,  
Қайдан тўлишади олам камоли?

Дединг, сенсиз менга дунё не керак,  
Сенсиз керак эмас менга ҳам олам.  
Икки бутун бўлиб ягона тилак,  
Дунёга қут, чирой қўшайлик бекам.

\* \* \*

Осмон қулоғида дур – сирга ҳилол,  
Чарақлаб, чақнарди кўк тўла юлдуз.  
Севаман, демоққа бўлардинг малол,  
У дамлар, кўзларим олдида ҳануз.

Яна шул гўшадан ўтаятмиз, биз,  
Неча бор ёришиб, тўлишиди ҳилол.  
У дамги ниҳоллар дарахтдир, эссиз,  
Меҳринг юрагимда ҳамон навниҳол.

### Омоной РАББИМОВА

\* \* \*

Ойдин тун. Кўкдадир нигоҳим,  
Кўзимга тун оғир ботади.  
Олислаб бораркан севгининг оҳи  
Юракни чангаллаб ётади.

Ёзолмайман сенга дуруст хат,  
Ўтирсам-да йиллаб ва ойлаб.  
Сенга ёзмас сўзни эса бахт  
Юрагимга қўйгандир жойлаб.


\* \* \*

Кетар бўлсанг сафарга ҳар чоғ  
Япроқлар шивирлаб қолади.  
Жилгалар дегандек, тезроқ қайт,  
Ортимдан жимирлаб қолади.

Шунда гўзал, сирли табиат  
Ўзгача ранг, оҳанг олади.  
Эзгуликка йўғрилган ҳаёт  
Қалбга ажиб қўшиқ солади.

\* \* \*

Кўзларингиз қаролиги қарогимга жойланди,  
Кўтаролмай бундай юкни, китрик ерга бойланди.  
Боқолмадим сизга ортиқ – қароғларга шайланди,  
Ўртамизда бизга тортиқ – сирли наво айланди.



## ЖАҲОН АДАБИЁТИ

### Томрис УЯР



1941 йилда Истанбулда туғилган. Истанбул университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ижод оламига “Кристин” номли ҳикояси билан кириб келган. Ёзувчининг “Инак ва маъсума”, “Саккизинчи гуноҳ”, “Ўттиз ёшли аёл”, “Ёзги умидлар” (“Умид қишлари”) номли бир қатор ҳикоялар тўплами нашр этилган.

## ХИЛВАТДА КЕЧГАН УМРИМ

### Ҳикоя

Кампир титроқ қўллари билан шиша косадан ясама тишларини олиб, бир силкитиб оғизга солди. Кўнгил суҳбат истаиди, аммо ҳамма уйкуда.

“Тонг оқарпти... тун қўйнидан мовий булутлар сузиб чиқаяпти... Улар боққа чўкканда оёқда оғриқ туради. Буни ёшлар билмайди, аммо йиллар ўтавериш одатланиб қоларкансан киши, кўнгил булут келиб тонг отишини сезаркан. Бундан кўрқиш ўринсиз. Буни кексалик дейдилар, кексалик – янги кунни соатсиз қарши олиш дегани. Ҳар тонг шундай ўтади. Юмшоқ шиппақларимни оёққа илиб уйни айланаман. Чакиллаб томаётган жўмрақларни ёпаман, сув ичишсин деб идишларнинг қолқогини очаман, пишлоқнинг сувини тўкаман. Менинг оёқ товушим ҳеч кимни уйғотиб юбормайди. Гиламлардан, поллардан шундай юраманки, сас чиқмайди, ҳатто тошда юрсам ҳам овоз эшитилмайди. Кунни қарши олиш учун мен керак бўлардим. Агар мен бўлмасам, тонгни ким қарши олади? Ўрнимдан туришим билан қўлимга кўзгу оламан”.

Кампир кўзгуни олди. У кичкина, синиқ кўзгу эди; кўзгу орқасига чизилган суратда ёноғига катта хол қўйган пушти қўйлакли малика шаҳзода (нималарга қодира-а, Эгам?) билан рақс тушарди. Маликанинг қўйлаги чиройли, ёқасининг попуқлари оҳорли. Атрофиди заранг дарахти, қарангки, яшиллик ўртасида каттақон қора доғ. Худди дарахт шохлари куйдирилгандек. Кимдир паршонхотирлик билан сигарет ўчирган. Яқиндагина сандиқдан олган эди-я. Сандиқда кашталар ҳам бор эди. Нақшинкор кашталарига ҳам доғ теккан бўлса-я... Сандиқ доғлари курсин.

Ҳозир мана бу шаҳзоданинг енгидаги нақшинкор безакларни қаердан топиш мумкин? Айтишларича, ҳозир қўл меҳнатига ҳақ ҳам тўланмасмиш, бунақа нарсаларни тикишга вақт ҳам йўқ эмиш. “Илгари кунлар узундек туюларди, вақтни бекор ўтказмасдик, кашта тикардик. Мен буларни тикиш учун неча кун меҳнат қилганман, пардаларга ҳам безак берганман. Акроннинг онасига кашталарим маъқул келган эди. Балки, кўзгуни у бергандир. Кўрмана учун олтин соат”.

Кампир кўзгуга разм солиб, тимдаланган қип-қизил яраларни кўздан кечирди. У ҳар

куни эрталаб ясама тишларни оғзига солиб, кечқурун олар, лабидаги яралар эса кундан-кунга кўпайиб ғашини келтирарди. Кампирга ўзининг оғзи худди бировникидек туюларди. Чунки бир бурда нонни ҳам қийналиб чайнар, шу боис ҳам ясама тишларига боғланиб қолган эди. Юзидаги ажинларга кўниканидан уларга парво қилмай лабини секингина пайпаслади, сўнг хайратомуз маҳорат билан тишларини оғзига солди.

"О-о-о-о-оҳ" деди, яраларидан сўлак томди. Тишлар қарсиллади, қимирлади ва ниҳоят, жойига ўрнашди. Оғздан оққан сўлакни кўйлаги этагига артди. Кўзгуни жойига кўйди. Ҳали қиладиган ишлари кўп эди.

"Мен ҳеч ухлолмайман, балки жуда ҳам ухласам керак. Атиги икки соат. Уйқум енгил бўлгани учун ўзимни ухламагандек ҳис қиламан. Эшик калити тикқирласа ҳам тўриб чироқни ёқаман. Чироқ бош томонимда туради. Кўпинча кечалари ёлғиз қоламан. Ётоқдаги шифтга тикиламан, диван устига ташланган ёпинчикнинг гулларига назар соламан. Жавондаги игна-ипларни, соч тўгноғичларини, тугмаларни, зиракларни, тўлов қоғозларини тартибга соламан. Баъзида калит топиб оламан, шунда уни оппоқ конвертга солиб, устига "калит" деб ёзиб қўяман. Ҳамма уйкуга кетса-да, мен ухлолмайман. Чироқлар ўчирилади. Йў-ўқ, уларнинг ишларига аралашганим учун эмас, уларга кўшилмаслигим, бир оғиз сўз сўрамаслигим, кутганимни айтмаслигим уларга малол келади. Менга жаҳл қилишади. Ҳамма нарса менсиз ҳал этилади. Назаримда, сандиққа ташлаб қўйилган кашталарга ўхшайман. Яна уларни ўзимча ҳар кун қоқиб-силкаман.

Айвончага чиққанимда кўшни айвончалардаги қарияларга кўзим тушади. Бу пайтда улар ҳам уйғоқ бўлишади. Яширинча кулишамиз. Чунки баланд овозда ҳол сўраш айб ҳисобланади. Маҳаллани хавотирга солиши яхши эмас-да! Биз кексалар кам куламыз, тонгни қарши оламыз, айвончаларнинг бир четида ийманибгина ўтирамыз, ҳеч кимга юк бўлмаймыз. Ёшлар эса тонг ҳавосига эътиборсиз. Қанча умр кўрдик, айтишга осон. Лекин ўлим бизни алдамайди. Шунча йил яшасак-да, ҳали ҳам ҳаёт одатдагидек, бир хил давом этади..."

Айвонча эшиги ёпилганда хона ўзгача тусга кирди. Тутқичлари юлинган, жилосини йўқотган, бўёқлари шилинган жавонлар мунгайиб кўринди. Фақат сандиқ устига ёпилган пушти адёл, гулли ёпинчиқ уйга ҳаёт бағишлагандек туюларди. Кампир ёпинчиқни тўғрилаган бўлди, пешбандининг чўнтагидаги калитлар шодасини олди. Энг катта калитни ажратиб диван ёнидаги жавонни очди. Жавондан апельсин, нейлон тўрвага солинган тузсиз нон, тортмадан сочқича олди. Майда қадамлар билан чайқала-чайқала эшик томон юрди, даҳлизга кўз ташлади. Ҳамма уйкуда. Аста эшик кулфини тортиди, дадил қадамлар билан хона ўртасига келди, ҳеч ким уйғонмаганидан ҳайратланиб, этаги узун, тўп ўйнаётган кучукчалар сурати туширилган тунги кўйлагини ечиб, уй кийимини кийди. Енгил нафас олди. Энди уйғонишгандир.

Кампир ошхонага кирди, эҳтиёт шарт жўмрақларни буради, сув солинган идишнинг қопқоғини очиш яна эсларидан чиқибди, инқиллаганча пишлоқ солинган лағандаги сувни тўкди. Кўча эшиги олдига келганда тиззасини зўрга букиб, эшик орасида сиқилиб қолган газетага кўл кўзди. Бир кўлида лаган, бир кўлида газета билан хонасига кела бошлади. Амаллаб диванга ўтиргач, чарчаганини ҳис қилди. Газета саҳифаларига кўз югуртирди: "Қандай хабарлар бор экан?" "Тўр безакли кўйлак ва лама этикда гўзал оқшомда эди... қизиқиш билан таъқиб қилинмоқда... Анқара гуруҳида кўринди... хафа эмиш ва ҳар оқшом бошқа клубда таскин топармиш, дейишмоқда..." Пишлоққа санчқи урди, пишлоқ эзилиб кетди.

"Бўғзим ҳам торайган. Луқма ютолмайман десам, устимдан кулишади. Уйқусизлигимга ҳам инонишмайди. Балки, шунинг учун ҳам ҳушёрдирман, бедордирман. Лекин бўш ўтирмайман, бунга уларни ишонтиришим қийин. Ҳа, апельсин яхши мева, аммо жуда нордон. Ёшлигимда ота-онам нордон апельсин ейишимга қўйишмасди. Янгамизнинг уйи Адада эди. Лимон дарахти шунақаям кўп эдики... Ҳар кун мактабдан қайтаётиб апельсин ердик. Ёз оқшомлари Ақром ҳам келарди. Бизнинг давримизда учрашув деган нарса йўқ эди, десам ишониммайди. Ҳаммамиз битта хонада яшардик. Унаштирилдим. Кейин нимадир бўлди-ю, Ақром касалга чалинди, йўқ, вафот этди, ҳа, вафот этди. Хасталанди дея уйдагилар унаштирувни бузишди. Аммо Ақром кўп йиллардан кейин вафот этди. Кимгадир уйланибди, деб эшитдим. У баланд бўйли, келишган йигит эди, ҳар бир қадамини ўйлаб босарди. Энг яхшиси – шаҳзодаларга кўлда тикилган кашталарни сотиш. Улар тўр безакли либослар кийишади. Никоҳ кўйлагим тўр уқали оппоқ


эди. Ҳозир айтсам, ишонишмайди. Ўтган кун мени чўмилтиришди. Яхшилаб ювинглар, артинглар, дедим. Улар эса: “Ўзингиз қорайиб кетгансиз, танангизда кир йўқ”, – дейишди. Ёшлигимда оппоқина, нозиккина эдим, ҳозиргидек буришиқ-тиртиқ эмасдим. Ҳатто туққанимдан кейин ҳам қорним силлиқ, оппоқлигича қолганди. Ҳар бир аёл ўз эрини яхши кўради. Жумладан, мен ҳам... Дарвоқе, умримда пулдан қийналмадим. Ҳаммаси яхши ўтди. Болаларим менинг йўқлигимни ҳис қилишади, албатта, худди чолимнинг йўқлигини ҳис қилгандек. Баъзан негадир чуқур ўйга толаман. Ҳозир рўмолимни силкитишга ҳам ҳолим йўқ. Адада тушган суратларимда оёқларим бирам гўзал экан-а... У замонлар жавонларни истаган хонага кўчирардим, шу зайлда бугунгача етиб келибман. Энди юзларимнинг акси эртага ҳам ўзгармайди, чунки аллақачон ажинлар гижимлаб улгурган, мен таниган-билган одамлар ҳам худди шу аҳволда. Кексайдим, қартайдим, бундан энди чўчимайман. Бундан асло жирканмайман ҳам”.

Эрталаб келини – икки боланинг шошқалоқ онаси болаларни ювиб-тараб, едириб-ичириб мактабга кузатиб кўяди. Эпчил оёқлар машинага югуради. Кампир шовқинга чидолмагани учун ҳам соат бонгини эшитиши биланоқ эшигини ёпади. Ошхонадан пақир-пуқур қайнаётган чойгум овози эшитилади, жавонлар очилиб-ёпилади, иситилган нон ҳиди димоққа уради, санчқилар, пичоқлар шақир-шуқур қилади. Бу нима ғалаён! Буларни кўя турайлик. Жавонлар ҳаммаси бирданига очилмаса, нонуштага дастурхон шошилмай ёзилса, эрталаб пишлоқ ейилса бўлмас эканми? Сумкалар кечадан тайёрлаб қўйилса, қаламлар ҳам нутилмайдди. Аслида, шошмоққа ҳам на ҳожат?

Турк тилидан  
Пошшажон КЕНЖАЕВА таржимаси

*Агар инсон ҳақиқатан ҳам ухлаётган  
бўлсагина уйғотиш мумкин. Аммо ўзини ух-  
лаганга солаётган бўлса, бутун дунё гайратини  
сарф этсанг ҳам беҳуда.*

*Маҳатма Ганди*



## АДАБИЁТШУНОСЛИҚ

Тозагул МАТЁҚУБОВА

### ҒАФУР ҒУЛОМ ҲАЖВИЁТИ

#### Аннотация

Ушбу мақолада Ғафур Ғулом фельетонлари ўрганилган. Шу орқали ижодкор бадиий маҳорати таҳлил этилган.

#### Аннотация

В данной статье исследуются фельетоны Гафура Гуляма. Анализируется художественное мастерство писателя.

#### Annotation

In this article fennitons of Gafur Gulam were researched. With this way feature skill of the creator was analysed.

**Таянч сўзлар :** фельетон, очерк, ҳикоя, миллий матбуот, мақола, тахаллус, ҳажвий асар, ҳажвиёт, ирония, адабий жанр, дидактик адабиёт, публицистик рух, бадиий ижод, ижодий ният, эстетик концепция, поэтик маҳорат.

XX аср бошларида миллий матбуот ривожланган. Кўпгина шоир ва ёзувчиларимизнинг мақола, фельетон, очерк, ҳикоя, шеър ва бошқа жанрдаги асарлари вақтли матбуот саҳифаларида мунтазам нашр этилиб борган. Шу маънода, матбуот бир қатор ижодкорларимиз фаолиятида муҳим ўрин тутган. Ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Ғафур Ғулом ижодий тақомлида ҳам вақтли матбуотнинг ўрни ғоятда катта бўлган. У ўзининг 1924-1925 йиллардаги ижоди ҳақида тўхталиб: "...шоирлик аҳён-аҳёндаги эрмакларимдан эди. Бу пайтларда шеърдан кўра ҳажвий нарсалар ёзишга қизиқар эдим. Яна тўғриси, шароит шуни талаб қилар эди. "Муштум" журналининг ҳар сониди, деярли бирор асарим босилиб чиқар эди",<sup>1</sup> – дея эътироф этади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, "Камбағал деҳқон", "Қизил Ўзбекистон", "Янги Фарғона", "Янги йўл", "Янги қишлоқ", "Ер юзи", "Шарқ ҳақиқати", "Муштум" сингари вақтли матбуот нашрлари Ғ.Ғулом (айрим ҳолларда "Нуртой" тахаллуси ҳам қўлланилган – Т.М.)нинг 30-йилларгача бўлган даврдаги ижодий тақомлида муҳим ўрин тутган. Жумладан, "Муштум" журналида "Саодат" (1928) ҳикояси ва "Шоирлик носқовогидан бир отим" (1928) фельетонидан тортиб, "Атоқли қизиқчиларимиз меросидан" (1964) миниатюра-сигача чоп этилганлигининг ўзиёқ муаллиф мазкур нашрлар билан бутун фаолияти давомида ижодий алоқада бўлиб келганини кўрсатади. Демак, адибнинг: "Газетачилик менинг ижодий ўсишим учун университетлик ролини ўйнади",<sup>2</sup> – деган эътирофи айна ҳақиқатдир.

Ғафур Ғулом XX асрнинг 20-30-йилларида, биринчидан, давр талаби, иккинчидан эса, ўз қизиқишларига кўра, асосан, ҳажвий асарлар ёзиш билан машғул бўлган. Қолаверса, ўша даврларда яратилган ўзбек бадиий-публицистик жанри бўлмиш фельетонлар табиатан мавзу долзарблиги, ижтимоий-сиёсий йўсиндаги танқидий руҳи усту-

<sup>1</sup>Ғафур Ғулом. Кечмиш ва кечирмишларимдан. МАТ., Ўн икки томлик., Биринчи том. – Т.: –Б.16.

<sup>2</sup>Ўша асар. – Б.17.

ворлиги, ҳажвий-сатирик йўналишга мойиллиги, оммавийлиги билан ажралиб туради. Академик С.Мамажонов тадқиқотларида Ғ.Ғулумнинг бу даврдаги фелъетонлари қисман ўрганилган.<sup>3</sup> Аммо мазкур тадқиқот юзага келган даврига кўра муҳим аҳамият касб этгани ҳолда, истиқлол даври адабиётшунослиги буткул янгиланган мезонлари нуктаи назардан бирмунча оқсайди. Шу маънода, адиб фелъетонларини янгича қарашлар асосида ўрганиш зарурияти мавжуд.

Ғ.Ғулум ўз фелъетонларининг публицистик руҳини кучайтиришда фактларни муқояса қилиш, улардан таъсирланиб фикр-мулоҳаза ва хулосаларини баён қилиш, саволлар билан ўқувчиға мурожаат этиш, ўша саволларға жавоб бериш каби усуллардан фойдаланади. Масалан, *“Драматург кўлми, шоир?”* фелъетонидаги икки мусоҳибнинг савол-жавоблари, классик наср услуби асосиға қурилган. Жумладан, *“Эй савол бергувчиларнинг бахтлироғи”* сингари мурожаатлар ёҳуд: *“Мен бир шўрликда кўрилган бу ожиз истиқолани ювиш учун суҳандонлик майдонида нутқ дуддулиға миниб, тил ханжарини ўйната-ўйната, зердаги лекцияни чунонам бошлаб кетдимки, менинг сўздаги чобукдастлиғимдан, у ҳар икки қулоғи етмағандай, оғзини ҳам қаррақдай очиб, учинчи қулоқ ўрнида менға қаратиб тингламоқда эди”* каби баян тарзида ҳолатлар аниқлиги баробарида, мумтоз наср услуби ва Қайковуснинг *“Қобуснома”* си типидаги дидактик адабиётға хослик ҳам ёрқин намоён бўлади.

Ғ.Ғулум фелъетон жанрида ёзган асарларининг услубиға алоҳида диққат қаратади. Бу ҳол оҳанг ва интонацияда, сатирик бўёқлар қуюқлаштирилиши ҳамда кучли иронияда, жонли образлар яратишда, автор шахсиятининг намоён бўлишида, композицияда кузатилади. Ғ.Ғулум фактларни инсон образи саъжиясига сингдириш, хатти-ҳаракат ва қилиқлари орқали воқеликни кўрсатишға интилади. Жумладан, академик С.Мамажонов унинг *“Оёқ олишға қарайди”* фелъетони қаҳрамони Соттиев ва А.П.Чеховнинг Унтер Пришибееви, *“Классиклардан қачон сўз очар, эҳтиёт бўлинг оловлар сочар”* асари қаҳрамони шоирликни ғоятда саёз ва юзаки тушунувчи Сувонқул ҳамда А.Қаҳҳорнинг *“Адабиёт муаллими”* ҳикоясидаги Боқижон Боқиевлар ўртасидаги яқинликни кузатган эди.<sup>4</sup> Бизнингча, бундай ёвуқлик мавзуни кулги ёрдамида ёритиш, ҳажвий образ яратиш, воқеа-ҳодисаларни лўнда тасвирлаш санъатининг эгалланганлиги, ижтимоий муносабатлар ва маиший тўқнашувларнинг қаҳрамон характериға таъсири, Ғ.Ғулум айрим фелъетонларининг сатирик ҳамда юмористик ҳикоя жанриға яқинлиги сингари жиҳатларда намоён бўлади.

Жумладан, *“Классиклардан қачон сўз очар, эҳтиёт бўлинг оловлар сочар”*<sup>5</sup> фелъетони қаҳрамони Сувонқулни *“Тушунлиши оғир шеърлар”* битган Навоий, Фузулий, Муқимий, Лутфий, Хайём, А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, Л.Н.Толстой сингари талай кишиларнинг нима учун классик саналиши ғоятда ажаблантиради. Луғатларни титиб англагани шу бўладики, *“классик”* сўзи луғавий жиҳатдан *“катта шоир”*, дегани экан. Юқорида номлари саналганларнинг ким эканлигини билишға уриниб, шуни фаҳмлайдики, Пушкин – *“катта кўча”*, Толстой – *“ўйғон”*, Навоий – *“пиёда юрадиган бир оёқ яланг”*, Фузулий – *“эски мактабларда ўқиладиган бир китоб”*, Муқимий – *“Ҳапалак қишлоғининг сўфиси бўлмиш бир лакалов одам”* экан. Кўринадики, Сувонқул ҳатто Махмур ва Муқимийни ҳам фарқламайди. Шундай бўлса ҳам ўзини ғоятда билмдон санаб шоирлик ҳунариға астойдил берилади. *“Янги”* ёзган шеъру дostonларини кунига элликтача одамға ўқиб бериш билангина чекланмай, классиклар ҳақида лоф уриб, суҳбатдошини *“илмисиз”*ликда айблаб, унға *“танбех”* беришдан чарчамайди. Сувонқулдаги гурур ва мақтанчоқликни кўрсатиш орқали Ғ.Ғулум унинг нафақат адабиёт ҳақидаги жўн қоидалар, балки на ўтмишининг нодир адабий мероси, на ўзига замондош ёзувчилар ижодидан заррача хабардор бўлмаган, реал ҳаётдан ҳам мутлақо йироқ бир кимса эканлигидан кулади.

Демак, Сувонқул характери, қаҳрамон саъжияси, ҳаракат-ҳолатлари – адабиётни тушуниш даражаси ва ижодға муносабатияю нутқидан келтириб чиқарилади. Бу билан Ғ.Ғулум киноя ва кесатиқлар орқали бадиий ижод истаган кимса обрў-эътибор орттириш мақсадида тумшўгини суқиши мумкин бўлган жўн ҳунар эмас, балки ижодкорликка даъвогар кимса ҳеч бўлмаганда, ҳаётни, қолаверса, мумтоз қаламкашлар ва замондош

<sup>3</sup>Мамажонов С. Ғафур Ғулум прозаси. – Т.: “Фан”, 1966.

<sup>4</sup>Ўша асар. – Б: 8-9.

<sup>5</sup>Ғафур Ғулум. Классиклардан қачон сўз очар, эҳтиёт бўлинг оловлар сочар. “Муштум”, 1933., 16-сон.

адиблар ижодини теран билиши, адабий-назарий қарашларни чуқур ўзлаштириши лозимлиги ҳақидаги эстетик қарашларини илгари суради.

Ғ.Ғулум XX асрнинг 20-йилларида Ўзбек давлат кино трестидаги кадрлар кўнимсизлиги оқибатида юзага келган ҳўжасизлик, бошбошдоқлик, юлғичлик каби иллатларни *“Чайналавериб қирпит бўлган тўларсоқ”* (яъни сийқаланган катта суяк – Т.М.) фельетонида кескин фош этади. Муаллиф *“Бахт куёши”*, *“Чодира”*, *“Мохов қиз”*, *“Ўзбекистон хотинлари”*, *“Лотинлаштириш”*, *“Ит олмас”*, *“Маҷит гумбазлари остида”* каби фильмларни таҳлил этади. Уларни санъаткорлик маҳорати етишмаслиги, маҳаллий халқ ҳаётидан беҳабарлик ва шошма-шошарлик билан суратга олингани, нафосатдан йироқлиги боис танқид қилади. Муаллиф тили билан айтганда, *“санъат ҳемири”* эканлиги боис *“бахтсиз”*, *“бечора”*, *“ўтмас буюм”*га айланган бу фильмлар *“Чалпақка ўраб ташлаганда ҳам ит олмас”*дир. Зотан, уларда санъаткорлик, ижодий фикр, реал турмуш ўз ифодасини топмаган. Улар халқимиз урф-одати, маишати билан боғлиқ ҳақиқатдан мутлақо йироқ тасавурлар асосига қурилган. Бундан миллий ғурури ўртанган муаллиф: *“... ўзбекни оламга ошкор қилмоқчи экан – олган ленталарида ҳақиқатни, ҳақиқий типни бера олсин. Ҳақиқий ўзбек маишати, урф-одатини барқ урдириб кўрсатсин”*, – деган кескин талабларни ўртага ташлайди. Шунинг учун ҳам Ғ.Ғулум давлат кино трести олдига: *“Ўзида бўлиб кўзга кўриниб қолган уддабурон ёшларни тарбия қилсин. Иш берсин, бори тақир-туқур, беш-олтита ёлғондакам “мутахассис”ларни йиғиштирсин”*, деган ғоятда кескин талаблар кўяди. Айти пайтда, у муаммонинг ечимини ёш маҳаллий киномутахассисларни тарбиялашдагина кўрмайди. Ғ.Ғулум киношунослар олдига қўйган сценарийларнинг пишиқ ва мантиқий асосланган бўлиши зарурлиги, ёзувчиларнинг маҳаллий халқ ҳаётини теран билишлари лозимлиги, ишлаб чиқариш суръатлари орқасидан қувиш эмас, балки сифатга эътибор бериш кераклиги, режиссёрнинг виждони пок, эътиқоди мустаҳкам бўлиши зарурлиги ҳақидаги вазифалар ҳам ғоятда долзарб эди.

Ғафур Ғулум (*“Нуртой”*) ижодий такомилда вақтли матбуотнинг ўрни ғоятда бекиёсдир. У 1924-1925 йиллардан 1964 йилгача бўлган қирқ йиллик даврда ижодкорлик кредоси талаблари ва реал турмуш эҳтиёжларига кўра ҳикоя, фельетон, миниатюра сингари жанрларда, яъни ҳажвий йўсинда фаол ижод қилган. Газетачилик (*кенг маънода матбуот*) чиндан ҳам унинг ижодий ўсиши учун университетлик ролинини ўтаган.

Бизнингча, ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ адабиёт ва санъат аҳли, хусусан, давлат кино трести вакиллари олдига: поэтик маҳоратни ўстириш, миллат шаънини улуғлаш, муаммога пок виждон ҳамда мустаҳкам эътиқод билан ёндашиш, ижодий фикрга кенг йўл очиш, ҳаёт ҳақиқатига садоқат, бадий воқеликни мантиқий асослаш, истеъдодли миллий кадрларни тарбиялашдек кескин талабларни кўя олган Ғ.Ғулум шахси – феноменал ҳодиса. Бинобарин, унинг ижодий мероси, жумладан, ҳажвийёти ҳам барҳаёт.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғафур Ғулум. Кечмиш ва кечирмишларимдан. МАТ., Ўн икки томлик., Биринчи том. – Т.: 1989, Б.16.
2. Ғафур Ғулум. Классиклардан қачон сўз очар, эҳтиёт бўлинг оловлар сочар. “Муштум”, 1933., 16-сон.
3. Мамажонов С. Ғафур Ғулум прозаси. – Т.: “Фан”, 1966.
4. Бойбўлатов Ж. Ўзбекларнинг адабий мероси байроғи остида пантуркизм. “Шарқ ҳақиқати” 1930, № 180-183;
5. Байбўлатов Дж. Чигатаизм – пантуркизм. – Москва-Ташкент, 1932.
6. Абдулла Қодирий. Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан. Дирёи бакр, –Т.: “Янги аср авлоди”. 2007., Б. 299.

Ақром ДЕҲҚОНОВ

## “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР”ДА СЎЗ ТАЪРИФИ

### Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг сўзга нисбатан қанчалик масъулият билан ёндашгани хусусида сўз юритилади. Шеърнинг мартабаси баланд эканини шоир алоҳида таъкидлаб ўтгани айтилади.

### Аннотация

В статье речь идёт об ответственном отношении Алишера Навои к слову, подчеркивается ответственное отношение поэта к лексике в стихотворном произведении.

### Annotation

In this article we are talking about responsible Alisher Navoi words. It says that the poet is especially emphasized on the significance of the poetic works.

**Таянч сўзлар:** Навоий, “Ҳайрат ул-аброр” достони, сўз масъулияти, тил, ҳикмат, “Маҳбуб ул-қулуб”, шеър, сўздаги маъно.

Навоий “Хамса”сининг биринчи достони бўлган “Ҳайрат ул-аброр”да сўз таъриф-тавсифига бир боб бағишланган. Ушбу ўн тўртинчи бобнинг насрий сарлавҳасидаёқ шоир сўзнинг инсон вужудини ёритувчи ёруғ юлдуз эканини, инсон танаси бир маъдан бўлса, сўз ўша маъданинг қимматбахо жавоҳири эканини таъкидлайди: “Сўз таърифидаким, башар вужуди сипехрининг кавокиби жаҳонтоби ва инсон зоти маъданининг жавоҳири сероби дурур...”<sup>1</sup>

Яхши инсонларнинг бир-бири билан яқинлашувига уларнинг яхши сўзлари сабаб бўлишини, фазилатли одамларнинг ўзаро улфатликларига ҳам сўзларининг ёқимли экани восита бўлишини тасвирлайди: “...саъд кавкабларнинг бир-бири бирла қирони яхши асар кўргузуридин ва самин жавҳарларнинг “бир-бирига иқтирони дилпазир кўринуридин...”

Шундан сўнг Алишер Навоий инсонга Яратувчи томонидан берилган сўз неъматини таърифлашга ўтади. Сўзни гавҳарга қиёслайди, сўнг бу фикридан қайтиб, гавҳар ҳатто сўз учун садаф – идиш бўлишга ҳам ярамайди, деб сўз шарафининг нақадар юксак ва баландлигини айтади:

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,  
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.<sup>2</sup>

Чунки инсоннинг қалбидан чиқадиган сўз гавҳарининг жонсиз, қонсиз, ҳиссиз тошнинг ичида сақланиши сўзга нисбатан зулм бўлар эди. Шунинг учун Латиф Зот бу гавҳарнинг сақланиши учун инсоннинг қалбини ва оппоқ қоғознинг юзини макон қилди. Улуғ адибларнинг, буюк шоирларнинг қалб қаъридан чиққан сўз жавоҳирларини китоблар, яъни қоғоз ўз бағрида юз йиллаб, минг йиллаб сақлаб авлодлардан авлодларга етказмоқда. Алишер Навоий Яратувчининг инсонга ато қилган мана шу буюк неъматини

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Еттинчи том. – Т.: Фан, 1991. – Б.57..

<sup>2</sup> Бундан кейинги шеърый мисоллар ҳам шу асардан олинади.

ни эътироф этиб, шукрона келтиради. Шукрона келтириш эса шукрона келтирувчига айни неъматнинг зиёда бўлишини таъминлайди.

Навоий сўзнинг жонбахшлик сифатини таърифлар экан, унинг одамни ҳалок қилиш хусусияти ҳам борлигини таъкидлайди:

*Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,  
Руҳ дағи тан аро сўздин ҳалок.*

Айни мазмунни адиб “Маҳбуб ул-қулуб”да шундай ифодалайди: “Одаме тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонға сарафроз бўлур. Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдирки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур.

Айн ул-қузот тил шарафидин Масих гуфтор бўлди ва Хусайн Мансур тил суръати-дин дорға сазовор...”<sup>3</sup>

Зоҳирий кўриниши гўзал бўлган инсоннинг қалб гўзаллигини билиш учун уни сўзлатиш кераклигини, агар ўша одам ҳар қанча чиройли бўлса ҳам сўз неъматидан, сўз фасоҳатидан бебаҳра бўлса, жим ўтираверса, у билан деворнинг фарқи қолмаслигини айтади:

*Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,  
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.*

*Ғунча оғизлик санами нўш лаб,  
Сўздин агар айласа хомуш лаб...*

*Сурат ила бўлса маҳи осмон,  
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон...*

Хусну латофатда комил маҳбубанинг сўзи ҳам гўзал бўлса, ҳар бир айтган гапини фасоҳат ва балоғат билан, ақл мезонида ўлчаб тилга келтирса, бундай сўз инсоннинг юрак-юрагига етиб боришини шундай тасвирлайди:

*...Ойтса бу хусну малоҳат била,  
Нуктани ойини фасоҳат била.*

*Солғуси жинси бани Одамға ўт,  
Не бани Одам, бари Оламға ўт...*

Шундан кейин Навоий сўз таърифида ҳозиргача айтилганлар насрий, оддий сўзлашувдаги сўз хусусида эди, энди назмдаги сўз ҳақида сўз юритамиз, дейди. Назмдаги, шеърга солинган сўзнинг пояси ва мартабаси бутунлай ўзгачалигини таъкидлайди:

*...Мунчаки шарҳ этди қалам сўзга ҳол,  
Насридадур, назмда бор ўзга ҳол...*

Шоир сўзида давом этиб, назмий сўз билан насрий сўзни бир-бирига қиёслашда турли ташбеҳлардан фойдаланади. Тишлар оғизда ўз ўрнида турганда қанчалар гўзал бўлса, оғиздан суғурилиб олинганда ўша гўзалликдан асар ҳам қолмаслигини айтади. Оғизда тишларнинг терилиб туришини шеърдаги сўзларнинг тизилиб туришига ўхшатади. Атиргул ва чиройли дарахтлар боғда тартиб билан турганда хуш кўринишини, тоғда бетартиб ўсганда эса улар ўтин қаторида ҳисобланишини таъкидлайди:

*Ўрнида тишлар дури манзум эрур,  
Чун сочилур қиймати маълум эрур.*

*Варду шажар шоҳид эрур боғ аро,  
Лек ўтун силкидадур тоғ аро...*

Аммо назмдаги сўзнинг ҳам асли, моҳияти, даражасини белгиловчи жиҳати маъ-

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ҳафтинчи том. – Т.: Фан, 1998. – Б.94.

носи эканини шоир доимо диққат марказида тутати. Маъно аҳли назарига тушиши учун шеърнинг суврати, ташқи жиҳати гўзал бўлиши билан бирга, мазмун-моҳияти ҳам марғуб ва дилкаш бўлиши зарурлигини айтади:

*Назмки маъни анга марғуб эмас,  
Аҳли маоний қошида ҳўб эмас.*

*Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,  
Зимнида маъни доғи дилкаш анга...*

Алишер Навоий сўз хусусида юқорида ўзи айтиб ўтган фикрларига бутун умри, бутун ижоди давомида риоя қилди. У ўзи битган ҳар бир мисра, ўзи тузган ҳар бир жумлага алоҳида масъулият билан қаради.

Алишер Навоий таваллуди муносабати билан ўтказилган анжуманлардан бирида давримизнинг йриқ сўз санъаткорларидан бири шундай деган эди: "Одатда шеърда ҳам мусиқадаги каби бошланиши, аста-секин кўтарилиб авжга чиқиши ва охира охира пастлашиб тугаши бўлади. Бу хусусият деярли барча шоирларнинг шеърларига хос. Лекин Ҳазрат Навоий ўз шеърларини бирдан авж нуқтадан бошлаб, авжда давом эттиради ва авжда тугатади!"

Алишер Навоийнинг сўз масъулияти хусусидаги фикрларидан қуйидагича умумий ҳулосалар чиқариш мумкин:

1. Сўз инсонга ато этилган энг буюк неъмат, у туфайли инсон ҳайвондан афзал бўлди. Бошқа неъматлар каби сўзнинг ҳам исрофи бор. Уни исроф қилишдан сақланиш лозим.

2. Сўз воситасида инсоннинг фазилати, маънавий даражаси намоён бўлади.

3. Назмга солинган сўзнинг, яъни шеърнинг мартабаси насрий сўздан баланддир. Агар назмнинг сурати – шакли билан мазмуни бир-бирига мос равишда гўзал бўлса, у етук бадиий сўз даражасига кўтарилади. Навоийнинг барча шеърларида мана шу мувозанат сақланган.

4. Алишер Навоий ўз шеърларининг юксак бадииятини, даражасини жуда яхши англаган. Унинг "Муҳокамат ул-луғатайн"идаги қуйидаги сўзлари айни ҳақиқатдир: "Умидим улдур ва хаёлимга андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай..."

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Еттинчи том. – Тошкент, Фан, 1991.

2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн тўртинчи том. – Тошкент, Фан, 1998.

3. Рустамов Алибек. Ҳазрати Навоийнинг маънавий олами. – Тошкент, "Наврўз" 2014.

4. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихё ал-улум ад-дин. Илм китоби. – Тошкент, Мовароуннаҳр, 2003.

5. Навоий асарлари луғати. – Тошкент, Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

Нигора ШАРИПОВА

## “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТИНИДА ТЎҒРИЛИК ВАСФИ

### Аннотация

Мазкур мақолада Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги тўғрилиқ ва эгрилик ғоялари образлар асосида қиёсан таққосланган.

### Аннотация

В данной статье дается сопоставительный анализ основных образов поэмы “Хайрат ул-аброр” Алишера Навои исследуется конфликт идеи правды и лжи.

### Annotation

Comparison ideas of honesty and lie in the base of images of epic poem “Khayrat ul-abror” by Alisher Navoi is discussed in this article.

**Таянч сўзлар:** тўғрилиқ, эгрилик, ташбеҳ, тимсол, жанр.

Алишер Навоий “Хамса” сининг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр” дидактик руҳнинг устуворлиги, образлар ранг-баранглиги, ўша давр жамиятидаги бир қатор долзарб муаммоларнинг рўй-рост очиб берилиши билан “Хамса”нинг кейинги достонларидан ажралиб туради.

Навоий асарларига қизиқиш, композицион жиҳатлари, образлар тизими, ғояларини ўрганиш, шоир маҳорати ва илмий фаолиятини тадқиқ қилиш, шеърий асарларининг мукамал насрий матнини яратиш борасидаги изланишлар турли давр адабиётшунослигининг долзарб вазифаси ҳисобланган. Шу жумладан, “Ҳайрат ул-аброр” достони ўрганиш ҳам ўтган асрнинг бошларидан бир қатор адабиётшунос олимларнинг диққат марказида турган. Жумладан, Мақсуд Шайхзода ва Ойбекнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони, ундаги долзарб масалалар тадқиқига бағишланган илмий ишлари бугунги кун адабиётшунослигининг ғоят қимматли материалдир. Айниқса, “Ҳайрат ул-аброр”нинг илмий-танқидий матни борасида адабиётшунослар С.Мутталибов ва Порсо Шамсиевларнинг илмий тадқиқотлари аҳамиятга молик. Бундан ташқари, Абдуқодир Ҳайитметов (достоннинг насрий баёни матнини тайёрлаган), Нажмиддин Комилов, Абдурашид Абдуғофуров, Иброҳим Ҳаққулов ва бошқа бир қатор олимлар ижодида “Ҳайрат ул-аброр” ва унда инсонийлик масалаларининг тасвирланиши, бадиий тасвир воситалари, образлар тизими, муаллифнинг тимсол қўллашдаги маҳорати, моҳирлик билан очиб берилган.<sup>1</sup>

Ҳасос шоир мазкур асаридан инсонни ҳар жиҳатдан мукамаллаштириб борувчи бир қатор одамийлик фазилатлари тўғрисида тўхталиб ўтган.

“Комил инсон” тушунчаси борасида Навоийнинг ўз мезони бор. Навоий идеалидаги комил инсон – иймонли, халққа нафи тегадиган, халқ ғами билан яшайдиган, ҳунарли, камтарин, вафоли, қаноатли, бир сўз билан айтганда, барча инсоний хислатларни ўзида мужассамлаштирган шахс. Ҳақиқий инсонга хос бўлган фазилатлардан яна бири бу – ростлик, тўғрилиқдир. Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида мазкур мавзу тадқиқига алоҳида мақолат бағишлайди; ростлик, тўғрилиқ ҳамда ёлгончилик, эгрилик масалаларига кенг тўхталади.

<sup>1</sup> Қаранг: Шайхзода М., Асарлар, Олти томлик, Тўртинчи том, Ҳазал мулкининг султони, Тошкент, 1972; яна: Ойбек, МАТ, Ўн тўққиз томлик, Ўн учинчи том, Тошкент, 1979; Яна: Ҳайитметов А., Навоий даҳоси, Тошкент, 1970; Яна: Комилов Н., Турфа талқинлар, Ажрим қилувчи кўзу ёхуд рост билан ёлгон можароси// Навоийга армуғон, Тошкент, 2006; Яна: Абдуғофуров А., Буюк бешлик сабоқлари, Тошкент, 1995; Яна: Ҳаққулов И., Занжирбанд шер қошида, Тошкент, 1989; Яна: И.Ҳаққул, Абдият фарзандлари, Тошкент, 1990.

Навоий тўғриликини бир неча қирраларда кўради:

Биринчидан, **кўз ёки назар тўғрилиги**. Навоий фикрича “Ростдур ул ким, назари тўғридур”. Эгри кўзнинг одатини эса, бирни икки кўриш, вазиятни нотўғри баҳолашдир, дея эътироф этади:

*Кўзки эзрур эгри анинг хилқати,  
Бирни ики кўрмак эзрур санъати.*

Шоир мазкур фикрларини дostonнинг ўн учинчи мақолатида ҳам давом эттиради. Жамиятда шундай инсонлар ҳам борки, бундай кишиларнинг фикри, хаёллари бузуқ. Назари эгри бундай кимсаларнинг кўзига оддий тош – лаъл, садафнинг синиқлари – инжу, арқон – илон ва оддий игна – найза сингари кўринади:

*Лаъл ҳисобида тутар хорани,  
Инжу сонар борча садаф порани.*

*Ҳам кўринур игна синонча анга,  
Ҳам билинур ришта йилонча анга.*

Бировнинг дастурхонидаги “қурси патир” (юмалоқ патир)ни осмондаги “бадри мунир” (тўлун ой), деб бўрттиради. Бироқ улар атрофдаги ҳодисотларни шунчаки нотўғри кўриш билан кифояланмайди. Балки, шу эгри қараш орқали атрофдаги тўғри инсонларга нисбатан ҳасад нигоҳини шакллантирган:

*Улки хаёли бори фосид дурур,  
Борча салоҳ аҳлига ҳосид дурур.*

Иккинчидан, **қўл ростлиги, тўғрилиги**. Навоий талқинича, хатни тўғри ёзадиган кишилар ҳақиқий соғлом шахслардир: “Ростқалам халқ эзрурлар салим”. Шоир хатни тўғри ёзадиган инсонларни “Тенгри насиб айлаб анга шодлиқ”, дея таърифлайди. Шоир эгри қўл соҳибини икки маънода тушунади:

1) хатни эгри ёзувчилар, ёлғонни бўрттирувчи котиблар тимсолида;

Эгри хат соҳибининг ўзини ҳам тўғриликка одатланган дейиш душвор: “Эгри дурур хатки, эмас мустақим”.

2) ўғри-каззоблар тимсолида. Қадимдан халқимизда “қўли эгри” ибораси ўғри кишиларга нисбатан ишлатилиб, халқнинг уларга нафрати бисёр бўлган. Шунингдек, “Ўғри қўли кесилмагунча, ўғрилигини қўйма”<sup>2</sup> мақолида халқда бирор шахс ўғрилик қилганида унга қўлини кесиб ташлаш орқали жазо берилганига ишора бор. Шу аънанани Навоий ҳам ўз достонида тилга олади:

*Бўлса илик эзрилиқ ичра самар,  
Эл ани кесмакда туз этгай магар.*

Бир ўринда ўғрига “қўлини кесиш” орқали бериладиган жазони лойиқ кўрган шоир бир ўринда афв этиш, гуноҳларидан ўтиш орқали ҳам унинг зимистон қалбини маърифат ёғдуси ила равшан қилиш мумкинлигини уқтиради ва бундай юксак вазифани дostonнинг ўн учинчи мақолатида марҳаматли Айюб зиммасига юклайди. Шоир эътирофича, аслида, ўғри ҳам жамиятнинг аъзоси. Узоқ йиллар давомида халққа маънавий мададкор бўлиб келган Навоий ўғрига ҳар доим қаттиқ жазони лойиқ кўриши мумкин эмас эди. Ўғрини кечира билиш ҳам ўғри шахсиятидаги мудраб ётган тўғрилик хислатларини уйғотиши, уни ростлик водийсига муяссар айлаши мумкин.

Учинчидан, **тил ростлиги, тўғрилиги**. “Тил поклиги, аввало, инсон лисони – нутқининг эзгу, олижаноб ният, комил, нуктадон фикрлар, шоирона лутф – фасоҳатли сўз билан зийнатланган, ёлғон, риё ва қаллобликнинг турфа кўринишларидан холи бўлган, тўғри, мантиқли ва тамизли хусусиятларидан далолат беради”.<sup>3</sup> Навоий талқинича, фақат назмдаги ёлғон (муболаға)ни тушуниш, кечирish мумкин. Аслида, “сўз аро ёлғон киби йўқ нописанд”. Навоийнинг тўғрилик дунёсига интилаётганларга кўрсатган икки йўлининг биринчиси – инсоннинг сўзи тўғри бўлиши лозимлиги. Тил

<sup>2</sup>Ўзбек халқ мақоллари, Тошкент, “Шарқ”, 2005, 50-бет.

<sup>3</sup>Акрам Б., Фасоҳат мулкининг соҳибқирони, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1991, 61-бет.

тўғрилиги, ростгўйлик – комил шахс учун муҳим хусусият. Бу хусусиятни ўзида акс эттирилмаган инсон – ёлгончи. Навоийнинг ёлгончиларга муносабати аниқ: уларни ҳаттоки мусулмон санамаслик кераклигини айтади:

*Улки шиор айлади ёлгон демак,  
Бўлмас ани зру мусулмон демак.*

“Ҳайрат ул-аброр”нинг ўнинчи мақолатида ёлгончиликнинг фожиали якутини китобхонга теранроқ англатиш учун шоир дostonга “Шер ва дуррож” ҳикоятини киритади. Дуррож дўстлигининг шартларига содиқ қолмади: дўстини алдади, унинг сўзларига қулоқ осмади. Ҳаётининг энг мушкул нуқтаси – овчининг тузоғига тушганида “ҳамдаму ҳамрози” шернинг ёрдамга етиб келмаслиги ва ҳаётининг фожа билан ниҳоя топишига сабабчи қилиб шоир дуррож шахсиятидаги эгрилик, хусусан, ёлгончилик иллатини кўрсатади.

Алиф – араб алифбосидаги ҳарфлар ичида тик, адил ҳолатда ёзилгани учун мумтоз адабиётда бир қанча тўғрилиқни ўзида мужассам этган тимсоллар сифатида кела олади. Бу ўринда тўғри инсон тимсолини англатаётган – алиф тўғрилиқни шоир айлагани учун балолар орасида саргардон. Бунда шоир бало сўзининг арабча ёзилишига эътибор қаратиб, сўз сўнггида келадиган алифни бало ичида қолган инсонга менгайди. Алифнинг байтда тимсол сифатида олиб кирилиши ўз-ўзидан китобат (ҳарф) санъатини юзага келтиради ва шу орқали мавзу моҳияти аниқроқ ва таъсирчанроқ ифодаланади:

*Тузлук ила чун алиф урди сало,  
Кўрки они остига олмиш бало.*

Қалам – Навоий муносиб сайлаб, улуғлаган энг ибратли тўғрилиқ тимсолларидан бири. Шоир қалам таърифида тенгсиз сеҳр кучига эга, жарангдор мисралар битади. Уни “Нўғи нуқат нақши нигорандаси” (қаламнинг учи маъноли гапларни нақшловчи), деб улуғлайди. Қушга, илонга ўхшатиб туриб, бу ташбехдан қаноат ҳосил қилмай, ҳазина кўриқловчи буюк аждарга менгайди. Бироқ шу ўринда зуқко шоир шуурида “қаламнинг кўриниши тўғри, бироқ аждарда бундай хусусият йўқ-ку”, деган фикр акс этади. Ва шоир қалам учун энг мукамал ўхшашликни топа олади. Бу – Мусо пайгамбарнинг сеҳрли ҳассаси:

*Аждар эмаским, эмас аждар салим,  
Балки, дегил они, асоиу Калям.*

Навоийнинг ростлик, тўғрилиқ борасидаги фикрларини кўздан кечиришда, Навоий борлиқда тўғрилиқ учун тимсол танлаётганда унга акс ҳолатда турувчи эгрилик тимсолларини ҳам эътибордан четда қолдирмаганига гувоҳ бўлдик. Тўғрилиги туфайли доим “сарбаланд” найзага чирмаш, эгри бўлгани учун бўйни боғлоглиқ арқон; сўфийлар марҳаматиға эришган най тимсолиға қулоғи бураб созланадиган чанг; қоронғилиқни мунаввар этиб “базм маҳбубаси”ға айланган шамға эгри учиши туфайли умрнинг ҳалокатли якуни насиб этувчи парвона ёки борлиқни ёритса-да, эгрилиги учун ернинг тагидан паноҳ тоғувчи яшин; ҳазон кулфатидан мосуво доим яшноқ сарв тимсолиға чирмаш ўсгани туфайли юзи қаро сунбул ва ҳ.к. Мазкур тимсолларнинг барчаси жонли, қизиқарли ва шоир бадий маҳоратининг ёрқин намунасиدير.

Шоирнинг эгрилик иллатини характерлашда танлаган тимсолларини шартли равишда иккига бўлиш мумкин:

1. Эгри кўриниши нуқтаи назаридан инсонда салбий таассурот уйғотадиган, шоир энгил жазо бериш билан кифояланадиган предметлар. Булар: кўзбойлогич шишаси ва ясама соқоли, сунбул, арқон, чанг, чирмаш салла, илон ва ҳ.к. Бу предметларға бевосита ва билвосита боғлиқ жараёнларни уларға берилган жазо сифатида шарҳлайди. (Изоҳ: сунбулнинг барги қоралиги, чангнинг буралиб созланиши ва ҳ.к.)

2. Табиатидаги эгрилик қирралари туфайли энг огир жазоға лойиқ кўрилган тимсоллар. Булар парвона, ер ости (гўё қабр)дан макон тоғувчи яшин, дуррож ва ҳ.к.

Шоирнинг тенгсиз бадий маҳорати, “Хамса” асари, хусусан, “Ҳайрат ул-аброр” дostonини ёзишда тўллаган узоқ йиллик бой тажрибалари, бошқа ижодкорларда кам учрайдиган ноёб фикр ва хулосаларнинг кўплиги, бадий тасвир воситаларидан

моҳирона фойдаланганлиги, кенг аудитория истагини бирдек инobatта олганлиги, табиатда, кундалик ҳаётда учрайдиган оддий, халқона тимсол ва деталлардан маҳорат билан фойдаланганлиги шоир асарларининг таъсир кучини ошириб, халқимизда асрлар оша севиб ўқилишига сабаб бўлмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алишер Навоий. Ҳамса. 1-жилд// Ҳайрат ул-аброр. –Т.: Ф.Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006.
2. Акрам Б. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. – Т.: Ўзбекистон, 1991.
3. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Т.: Ф.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
4. Жалолов Т. Ғўзаллик оламида// "Ҳамса" талқинлари// "Ҳайрат ул-аброр. Т.: Ф.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979.
5. Комилов Н. Турфа талқинлар. Ажрим қилувчи кўзгу ёҳуд рост билан ёлғон жоҳари// Навоийга армуғон, – Т.: 2006.
6. Ойбек. МАТ. Ўн тўққиз томлик. Ўн учинчи том. – Т.: Фан, 1979.
7. Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. Ғазал мулкининг султони. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972.
8. Шарафиддинов О. Алишер Навоий. – Т.: Ф.Ғулум номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1971.
9. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008.
10. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Т.: Юлдузча, 1989.



## БҲЛОҚ ҚЎЗ ОЧДИ

### Эъзоа ОБИДЖОНОВА

1997 йилда туғилган. Марҳамат қишлоқ хўжалиги касб-хўнаар коллежининг 2-босқич ўқувчиси. У Андижон вилояти Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган “Бобур издошлари” тўғараги аъзоси.



## СОҒИНЧ ШҲЛА САЛОМИМ

### Ватан

Қўлларимни кўтариб кўкка  
Мен сен томон яқинлашаман.  
Эй, жсонимни ўстирган ўлка,  
Гулдан кўйлак кийгизган чаман.

Мусичанинг палатонидай  
Қалбим ичра потирлар дардим.  
Йиқилсам гар юзимдан ўлиб,  
Эркалайди тупроғнинг гарди.

Шамол билан кездим далангда,  
Тоғлар билан сирдош тутиндим.  
Вужудингга кузги жалада  
Сингиб кетди шўхликларим жим.

Гулдек асраб, гулдек эркалаб,  
Отамдайин ҳеч олмадинг тин.  
О, қўлимга кўзмунчоқ тақиб,  
Тетаноя қилдирган замин.

Ўтган йили “Шарқ юлдузи” журналининг обунаси муносабати билан Марҳамат туманига қадамим тушган эди. Уша маскандаги учрашувда коллеж ҳамда мактаб ўқувчиларининг ёзувларини эшитиш насиб қилди. Канглумда қайсидир жиҳатдан ўша туфроғнинг қадимий ифори шоён бўлди. Айниқса, ёзувга ҳаваси баланд, нигоҳида қалбий ҳазинлик ифодаси кўриниб турган Эъзоа Обиджонованинг шеърини тинглаб, кўзларимда ёш қалқди. Канглумда сукунат пайдо бўлди. Ёш шоиранинг дил тубидан сириқиб чиқаётган ҳаяжон ила туйғуси самимий нафосат, табиий ҳолат билан дилга йўналарди. Ана шу сира унинг туйғусини доимий давом эттираверсин.

Икром ОТАМУРОД

**Куз**

Куз..  
Япроқлар новдага хайр айтган кез,  
Ишқнинг дафтарига қўйилган нуқта.  
Бахтнинг боғларига меҳмон хазонрез,  
Ҳижронга тизилган режалар пухта.

Куз...  
Борлиқ – кафтингдаги бир ҳовуч олтин,  
Сўзсиз тентираган соқов тимсоли.  
Қиш оstonасидан бир қадам олдин  
Кечикиб ўралган борлиқ рўмоли.

**Ёмғир**

Ёмғир – эзгу тилак, содда, бокира,  
Осмоннинг заминга қилган изҳори.  
Кўнгиб ойналари тортганда хира,  
Ювиб кетай дея тўкилар бори.

Ёмғир – яхши ният, бутун насиба,  
Ҳазонрез боғларга элтувчи кўклам.  
Ёшариб кетгандай бўлади гўё,  
Ёмғирни қаршилаб олганда ўлкам.

Ёмғир – қулоқларга хуш ёқар хониш,  
Яшил япроқларга улашар эсилва...

**Қабристондаги ўй**

Тупроғи залворли маҳшар эшиги,  
Ўлуг уй, покликка яна бир қадам.  
Эсимда, қачондир мана шу ерда,  
Лолалар қўйнида қолганди энам.

Тупроқни боссам гар юрагим оғрир,  
Раббим меҳри кирган азим неъмат бу.  
Тасаннони қўшиб мизг раҳмат айтар,  
Меҳр кучоғимда тобланган туйғу.

Не оташ забонлар олтин тупроқнинг  
Қаърида ҳаловат топибди бу шом.  
Сукунат қўйнида ётибди маъсум,  
Отамнинг суюнчи – арслон бобом.

Хотира азиздир, хотира илинж,  
Қадамимиз кутиб ётар муштоқ йўл.  
Бу уйда қимнингдир отаси қутса,  
Қимнингдир онаси қутар қадоққўл.

**Қаишқадарё ўйлари**

Қаишқадарё яхши қол,  
Менинг узун сочлигим.  
Ўттиз кунлик шўхлигу  
Ўттиз кунлик ёйлигим.

“Қанглум” деган, кўнгли кенг,  
Авлиёлар беишиги.  
Мени ҳам шоир қилсин,  
Дарё, дарё қўшиғи.

**Салом**

Шамол, бориб тогдан ҳол сўра,  
Яхшиликкин қизгалдоқлари?  
Мени минг бир куйга ўраган  
Ўйғоқмикин зар бўлоқлари?

Согинч тўла саломимни айт,  
Қайноқ, чўқир тоишларни силаб.  
Учратсанг гар чўпон бобомни  
Ҳассасини қўйгин эркалаб.

Акам – тоғлар, бораман бир кун,  
Кучоқлайман тоиш қаддингизни.  
Олис шаҳар қўйнида бугун  
Сезаяпман, о, қадрингизни.

Яна тушар тупроқ кўчага  
Сиз согинган ўша қадамлар.  
Ўйчан нигоҳ билан ўтаман  
Қаришлайди қишлоқ, одамлар.

Шамол, бориб тогдан хабар ол,  
Яхшиликкин қишлоқ, одамлар?..

\* \* \*

Ҳув, ўша ўтмишдан келажаккача  
Умримизга сочиқ боболар хоки.  
Улар биздан рози бўлиши учун  
Ватанга муносиб бўлайлик токи...

Кулзуга тўлдириб, бахтга тўлдириб,  
Орзуга тўлдириб она маконни.  
Мағрур шукуҳ билан шу елкаларда  
Кўтариб яшайлик Ўзбекистонни!



### Комилжон РАҲИМОВ



1982 йилда туғилган. Бухоро Давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “IX – XI асрларда Бухорода тасаввуф тарихи ва унда Мустамлий Бухорийнинг ўрни” мавзuida тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Республика ва хориж матбуотида илмий мақолалари нашр этилган.

## ИШҚ ВА МУҲАББАТ ТАЪРИФИ

(Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-таарруф” асари мисолида)

XXI асрга келиб, инсон моҳиятини, унинг ҳаёти маъно-мазмунини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётгани ўз навбатида яна муҳаббат мавзусига мурожаат қилишни тақозо қилади. Аслида, бутун инсоният тарихи – инсоният маданиятларининг ҳамма қатламлари, инсон тақомилининг барча даражалари – табиий-биологик бўладими ёки руҳий эмоционал, ижтимоий-шахсий ёки маънавий-ахлоқий муҳаббат мавзуси билан боғлиқдир. “Ҳозирги кунда кечаётган антропологик инқироз инсоннинг ўз-ўзидан, бошқа инсонлардан, табиатдан, жамиятдан ва умуман космосдан бегоналашувининг кучайиб бораётгани ҳам муҳаббат мавзусини тадқиқ этишнинг долзарблигини янада оширади.<sup>1</sup>

Шунинг учун биз ушбу мавзуни – муҳаббат мавзусининг тарихий-генетик илдизларини, бунга боғлиқ бўлган баъзи тушунчаларнинг этимологик маъноларини, ўрта асрларда бу борада кечган баҳс-мунозараларнинг ўзига хос жиҳатларини, унинг назарий-ғоявий асосларини, ушбу мавзуга оид бўлган турли мутасаввиф ва файласуф алломаларнинг қарашларини ислом фалсафий тафаккурининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган тасаввуф таълимоти асосида илмий тадқиқ этишни лозим топдик. Хусусан, бунда шайх, имоми кабир, саййид, зоҳид номлари билан машҳур бўлган мутасаввиф аллома Абу Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-таарруф” асарини асос сифатида танладик.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Р. Б. Сабекя. Философия любви: основания самореализации человека: Фал. фан. док... ёз. дисс.автореф. – Уфа, 2007. – 46 б.

<sup>2</sup>Имомлар хожаси, зоҳидлар сарвари, донишманд фақиҳ Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мустамлий ал-Бухорий (вафоти – 434/1043 йил)нинг “Шарҳ ат-таарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф” китоби тасаввуф илмининг форс тилидаги манбаларининг энг қадимийси ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу мўътабар асар тасаввуф илмида қадимий ҳисобланадиган Абул Ҳасан Али ал-Хужвирий (вафоти – 465/1072 йил) каламига

Дастлаб манбаларни таҳлил этар эканмиз, “муҳаббат” сўзининг “ишқ”, “севги”, “меҳр” каби тушунчалар билан бирга қўлланилишини кўрамиз. Биз ушбу тадқиқотимизда ҳам имкон қадар фақат муҳаббат ва ишқ тушунчаларига тўхталамиз ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини, мазмун-моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

### 1. “Муҳаббат” сўзининг этимологияси ва маънолари

“Муҳаббат” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Баъзилар ушбу сўзни “муҳовибат” сўзидан олинган, дейишади. Бошқа баъзилар эса “муҳаббат” сўзининг “хубб” (*хум*) сўзидан келиб чиққанини тахмин қилишади. Уларнинг таъкидлашларича, *хум* тўлғанида унда бошқа нарса учун жой қолмаганидек, кўнгли ҳам муҳаббат билан тўлганидан сўнг, унда севмаган кишисига жой қолмамай. Яна бошқа баъзилар “муҳаббат” сўзининг “хабб” (*дон*) сўзидан келиб чиққани тўғрисида фикр билдиришади. Жумладан, “хабб” сўзи тўғрисида ҳар бир мағзли нарсанинг дони бор, дейдилар. Шундан келиб чиқиб, юракнинг ўртасини “хаббат ул-қалб” (*юрак дони*), дейдилар ва **дўст** (*севгили, суюкли, маҳбуб, маъшук*) ўша жойдан ўтса, ўшани “муҳаббат” деб атайдилар<sup>3</sup>.

Мустамлий Бухорий “муҳаббат” сўзининг маъноларини очиш учун Али ибн Муҳаммад Ал-Катоний фикрларига асосланади: “... муҳаббат бу ўзига севгили танлаб, унинг розилиги йўлида ўзини қурбон қилишни мақсад қилиб қўйиш ва севгилисининг муродини ўз муродидан устун қўйишдир. Чунки севгилига етишиш (гарчи, ҳақиқатда бу бирор нарсага эришиш бўлмаса-да) барча нарсага эришиш, севгилини қўлдан бериш эса (гарчи, ҳақиқатда бу билан бирор нарса қўлдан кетмаса-да) барча нарсани қўлдан бериш билан баробардир. Ва бу **ийсор** (*ўзини фидо қилиш, ўзини қурбон қилиш*) бир томондан саховат ва олижанобликдир, иккинчи томондан эса ихтиёр<sup>4</sup>ий бир нарсадир. Ҳақиқатда эса муҳибнинг ўзида ихтиёр бўлмамай ва муҳаббат ихтиёрийлик билан бирга келмай.

Яна бошқалар айтадиларки, муҳаббат ўзи яхши кўрган нарсасини ўзи яхши кўрган одамига қолдиришдир. Бунинг маъноси шуки, муҳаббат **ийсор** (*фидокорлик*) бўлмаган, балки истигно (*бениёзлик, эҳтиёжсизлик*) бўлган нарсани яхши кўрган кишисига қолдириш эмасдир. Чунки таркидунё қилиш муҳаббатдан белги эмас, балки ундан воз кечиш муҳаббатдан нишондир!

...Муҳаббатнинг яна бир маъноси муҳибни ўз манфаатидан воз кечишидир. Яъни муҳаббат ҳақиқий бўлса, муҳиб суйганидан ўз муродини эмас, балки ўзидан суйганининг муродини излайди. Зеро, халқ орасида ҳам шу нарса машҳурки, кимки бировни яхши кўрса, унинг муродини излайди. Агар муҳиб ўзидан суйганининг муродини изласа, ўша суйганини суйиши ростдир. Аммо агар муҳиб суйганидан ўз муродини изласа, демак уни суймайди, балки ўзини суйди. Бундай киши муҳаббатга даъвогар ҳисобланади, аммо муҳиб эмас. Барча даъвогарлар ожиздирлар, чунки кучлиларнинг даъвогарлик қилишга эҳтиёжлари йўқдир.

Бундан-да яхшироқ таъриф шундан иборатки, муҳаббат хос кишиларгагина тааллуқли ҳолат, **убудият** (*бандалик, бўйсуниш, қарамлик, қуллик*) эса умумий (*барчага тегишли*) ҳолатдир. Умумий ҳолат бўлган убудият мақомида агёр (*севмагани*) ва **дўст** (*севгани*)нинг ҳар иккаласи банд бўлиб, бандада ихтиёр йўқдир. Шахсий ҳолат бўлган муҳаббат мақомида ҳам муҳибда ихтиёр бўлиши амри маҳолдир. Демак, барча муродларидан воз кеча олишга тоқати етадиган ҳар бир киши муҳаббатга даъво қила олади. Аммо ҳар икки дунёда унинг бирор-бир муроди қолган бўлса, у муҳаббатга даъво қилиб ўтириши шарт эмас.

Иброҳим алайҳиссаломнинг тилига беихтиёр “бизга бу таомни мисрлик дўстимиз эмас,

мансуб “Қашф ул-маҳжуб”, Абдуллоҳ ал-Ансорий ал-Ҳиравий (1005 – 1088) қаламига мансуб “Табакот асу-суфия” каби асарларидан ҳам анча олдинроқ яратилганлиги кўпчиликка маълум бўлмаса керак. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтгиш жоизки, бу асар фақат кадимийлиги ҳамда тасаввуф ва ирфон йўналишида фундаментал асарлардан ҳисобланганлиги билан бирга, бизнинг замонимизгача сақлаб қолинган қўлёзма нусхаларидан бири форс тилидаги илк ёзма обидалардан ҳисобланади.

Исломиий тасаввуфи пайдо бўлиши аввалида ёзилган бу асар зоҳид ва орифлар шайхи ҳамда имоми Абу Бакр ибн Муҳаммад ал-Қалободий ал-Бухорийнинг ирфоний акидалар мўъжаз ва ихчам усулда баён этилган “Ат-тааруф ли-маҳаб ат-тасаввуф” (“Тасаввуф йўлини таништириш”) номли китобининг муфассал ва ҳар томонлама форсий шарҳдан иборат.

<sup>3</sup>Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлий Бухорий. Шарҳ ат-тааруф ли-маҳаб ат-тасаввуф / Муҳаммад Равшан таҳрири остида. –Техрон.: Интишороти асотир, 1363-1366 х.ш.

балки етти осмон ва етти заминнинг Худоси бўлган ҳақиқий дўст юборган", деган сўзлар келганини эшитмаганмисан? Етти осмон фаришталари "бир банданинг бундай даъво-ни қила олишига қудрати етармикан", дея ларзага тушдилар. Бу дунёдан барча мурод куйидаги уч нарса эди: мол-дунё, фарзанд ва нафс. Муҳаббат буларнинг ҳар учаласини унинг миясидан олиб ташлади, шунинг билан бир вақтда уни ушбу ҳар учала нарсага муб-тало қилди. У бу уч нарсага ҳам кўнгли боғламади, меҳмон келганида мол-дунёсини сарф-лади, пичоқ рўпара келганида фарзандини қурбон қилмоқчи бўлди ва олов дуч келганида нафсини (*танини*) унга ташлаб юборди. Шу билан унинг иймони синалди.

Кимки (муҳаббатга бўлган) даъвосини тасдиқлаш учун шундай қилган бўлса ва бун-га шундай далил-исботи бўлса, у муҳаббатга даъво қила олади. Кимдаки бундай да-лил-исбот бўлмаса, ёлғончилик қилиб ўтириш керак эмас".<sup>4</sup>

"Муҳаббат" мавзуси баён этилган асарларнинг деярли аксариятида унинг "илоҳий" – Худо ва бандалари ўртасидаги ҳамда "инсоний" – банда ва бошқалар (инсонлар, ватан, жамият, табиат ва ҳ.к.) ўртасидаги муҳаббатга бўлиб тадқиқ этилган. Буни "Шарҳ ат-тааруф"да ҳам кузатамиз: "Муҳаббат – ҳам Худонинг бандалари ўртасида ҳамда банда ва Ҳақ ўртасида юз берадиган бир ҳолат. Муҳаббатга ўншаган ҳар қандай ҳолатни ҳам илоҳий муҳаббатга тенглаштириш муносиб (*тўғри*) иш эмасдир.

Шундай экан, муҳаббатнинг тўғри таърифини билмоқликдан бошқа чора йўқ. Зеро, шундагина Ҳаққа нисбат бериладиган муҳаббат<sup>5</sup> билан Худонинг бандаларига нисбат бе-риладиган муҳаббат<sup>6</sup> ўртасидаги фарқи англаш мумкин. Бунга ортиқ шубҳа қилишдан ҳеч қандай маъни йўқдир. Яна шундай муҳаббат борки, уни қуфр дерлар ва яна шундай муҳаббат борки, уни иймон дерлар... Инсонлар ушбу икки хил муҳаббатни бир-бири билан адаштириб юбормасинлар ҳамда иймонни қуфр деб ва қуфрни иймон деб ўйламасинлар".<sup>7</sup>

Ислому мутафаккири Муҳаммад ибн Закариё Розий ҳам ўзининг машҳур "Тибби руҳоний" номли рисоласида ишқ ва муҳаббатга алоҳида бўлим ажратади ва ушбу мав-зуда мусулмонларга юно мутафаккирларининг қарашлари таъсирини айтиб ўтади: "Афлотун дейдики, ишқ икки турлидир: илоҳий ва инсоний. Биринчиси мақталган ва иккинчиси қораланган... Агар ишқ (илоҳий) бўлмаганда эди, жаҳонда комиллик, мукам-маллик, ҳаракат ва мутаҳаррак ҳам бўлмас эди".<sup>8</sup> Биз ушбу рисоламизда ҳам илоҳий муҳаббатни тадқиқот объекти сифатида танлаган ҳолда таҳлил этамиз. Муҳаббатнинг моҳиятини тушуниш, бизнингча, энг аввало, унинг даражаларини билишни тақозо эта-ди. "Шарҳ ат-тааруф"да ҳам инсоний, ҳам илоҳий муҳаббатнинг бир неча даража-лари борлиги ҳақида атрофлича баён этилган. Аввал Худонинг бандалари ўртасида бўладиган муҳаббат (инсоний) тўғрисида гапирсак.

## 2. Инсоний муҳаббатнинг даражалари

Муҳаббатнинг бир қанча даражалари бўлади. Улуғларнинг айтишларича, муҳаббатнинг етти юз минг даражаси бор. Муҳаббатнинг энг кичкина даражаси мувофиқатдир (унинг биринчи даражаси **мувофиқати табъ** (*кўнглига тўғри келиш, кўнглига ёқиш*))дир. Бунда киши кўнглига ёқадиган бирор нарсани кўрса ёки эшитса шу билан унинг кўнгли ором топади. Унинг энг умумий тавсифи шундан иборатки, севганини сендан рози бўлса, сен ҳам ўзингдан рози бўласан. Ёки севганини сендан ғазабланса, сен ҳам ўзингдан ғазабланасан. Шунингдек, мувофиқатнинг энг кичкина даражаси севганининг буюрганига норози бўлмаслик ва буюрганларининг барчасини жонига жойлашдир. Демак, муҳаббатнинг энг кичкина даражаси ана шудир.

Маълум муддат давомида ўша нарса кўнглига ёқиб юрганидан сўнг, муҳаббатнинг иккинчи даражасига майл қилади. Майл эса **нафс** (*тан, тана, жисм*)га тегишли нарсас-дир. Бунда нафс ўша киши ёки ўша нарса билан **суҳбат** (*мулоқот*) қилишга, у билан яқинлашишга мойиллик сезади ва бошқалардан узоқлашади. Унга қанчалик мойиллик кўрсатса, бошқалардан узоқлашиши шунчалик кучаяди.

<sup>4</sup>Абу Йироҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлиий Бухорий. Шарҳ ат-тааруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф / Муҳаммад Равшан тахрири остида. – Техрон.: Ингишороти асотир, 1363-1366 х.ш. – Б. 58.

<sup>5</sup>Муҳаббати ҳақим – азалдан мавжуд бўлган муҳаббат.

<sup>6</sup>Муҳаббати мӯддис – кейин яратилган муҳаббат деб ҳам номланган.

<sup>7</sup>Абу Йироҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлиий Бухорий. Шарҳ ат-тааруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф / Муҳаммад Равшан тахрири остида. – Техрон.: Ингишороти асотир, 1363-1366 х.ш. – Б. 58.

<sup>8</sup>Файласуф Рай. Муҳаммад ибн Закариё Розий / Таълиф: Дуктур Муҳаммад Муҳаққиқ. – Техрон. – Б.194-196.

Баъзилар ушбу даражадан сўнг учинчи даража **вудд** (*боғланиб қолиш*)га етадилар. “Вудд” сўзи, аслида, “вудди жуд” иборасидан олинган. Бу мақомга (*даражага*) етгач, унинг муҳаббати **таманно** (*ялғиниб-ёлвориб, орзу қилиш*) ва **шаҳват** кўринишини олади. Севганини кўриш, у билан бирга ўтириш, унинг гапларини эшитиш муҳаббатнинг бу даражасига хос ҳолатлардир.

Баъзилар учинчи даражадан сўнг тўртинчи даражага етадилар ва уни **муҳаббат** деб атайдилар.

Бу мақомда ҳам маълум муддат бўлгач, бешинчи даража – **валаҳ** (*хайрат*)га етади. Киши бу даражада хайратга тушиб, боши айланиб ўзини йўқотиб кўяди. Нимани кўрса, севганини кўргандай, нимани эшитса, севганининг сўзларини эшитгандай бўлади. Ўз боласини йўқотиб кўйган онани **волиҳа** (*ўзини йўқотиб кўйган, саросимага тушган*) деганларидек, (бу мақомга етган ошиқ ҳам саросимага тушиб, ўзини йўқотиб кўяди).

Бу даражадан ўтгандан сўнг, олтинчи даража – **ҳавога** етади. Бу сўз айнан ер ва осмон ўртасидаги (бўшиқни билдирувчи) ҳаво сўзидан олинган. Муҳаббатнинг бу даражасини ҳаво деб аталишининг маъноси шундан иборатки, бу бир ҳаво тозаллагич бўлиб, у ҳар қандай чангни тутиб қолади ва ундан ҳеч қандай губор ўтмайди. Бу даражага етганда ошиқнинг қалби шундай тозаланадими, унда заррача нарсага ҳам жой қолмайди.

Баъзилар ушбу олтинчи мақомдан ўтганларидан сўнг, еттинчи даражага етадилар. Бу даража **ишқ**дир. Ишқ ҳам муҳаббатдир, аммо ўз ҳаддидан ўтгандан кейин ишқ деб номланади. Худди саховат ўз ҳаддидан ошиб кетса, уни исроф деб атаганлари каби. “Ишқ” сўзи “ашақа” (*чирмовуқ ўт, печак ўт*) сўзидан олинган. Бу ўт дарахтга ўралиб, унинг рангини сарғайтиради, бунинг устига, ўша дарахтни ҳосилдан маҳрум қилиб, барглари ни тўқади ва дарахтнинг ўзини қуритади. Яъни унинг сўлдириш ва қуритишдан бошқа ҳунари йўқ. Ишқ ҳам ўз камолига етгач, кишидан қувватни олиб, унинг диққат-эътиборини фойдали нарсалардан чалғитади, овқат ейишга бўлган истагини сўндиради, севгани билан бошқалар орасига фарқ солади, севганидан бошқа кишилар билан суҳбатлашишдан совутади, унинг нафсидан барча маънони юлиб олади. Шу тариқа, ишқ ошиқни ё касал қилади, ё девона ва бора-бора бу дунёдан мосуво айлаб, уни ҳалок этади”.<sup>9</sup>

Демак, бундан ишқ-муҳаббатнинг олий даражаси эканлиги кўриниб турибди, – деб хулоса чиқармаслигимиз керак. Чунки муҳаббатни даражаларга бўлганда манбалардаги баъзи фарқларни кўраемиз. Масалан, калом илми олимлари пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг “ҳабибуллоҳ” сифатини шарҳлаганларида, муҳаббатнинг ўн та даражасини кўрсатиб ўтганлар: ал-алоқа, ирода, собаба, ғаром, мавадда, шағаф, ишқ, ат-тайм, ат-тааббуд ва хиллат. Бунда “хиллат”ни энг олий даража деб кўрсатганлар.<sup>10</sup> Шунингдек, аксарият тасаввуф манбаларида ишқни муҳаббат билан бирга ишлатилишини, синоним сифатида қўлланилганини кўраемиз. Инсоний муҳаббатнинг олий даражалари инсонни заифлаштириши (табобатда мижознинг ўзгариши ва савдонинг ошиб кетиши), касал қилиб, ҳалок этиши баён этилса, илоҳий муҳаббат ундан тубдан фарқ қилади, акинча, унга куч бағишлайди, уни камолга еткази.

Лекин инсоний муҳаббатнинг илоҳий муҳаббатга кўприк эканлигини таъкидлаш лозим. Буни тасаввуфшунос олим, профессор Нажмиддин Комилов мутасаввиф Абу Ҳомид ал-Ғаззолий қарашлари мисолида атрофлича тушунтириб беради: “Ғаззолий талқинига кўра, илоҳий муҳаббат билан инсоний муҳаббат орасида зиддият йўқ. Аксинча, илоҳий муҳаббат инсоний муҳаббатнинг ривожланиб камол топган кўриниши. Ҳамма гап қандай инсонларни севишда... Масалан, Шамсиддинга муҳаббат Румий учун Илоҳга муҳаббатнинг инсон кифоасидаги ифодаси эди”.<sup>11</sup> Шунинг учун улуғ алломаларимизнинг асарларида инсоний муҳаббат тимсолида илоҳий муҳаббат қуйланган ва мадҳ этилган.

Илоҳий муҳаббатнинг даражалари, ўзига хос жиҳатлари “Шарҳ ат-таарруф”да шундай ифодалаб берилади.

### 3. Тасаввуфда илоҳий муҳаббатнинг даражалари

Айтадиларки, муҳаббат (илоҳий) икки хилдир. Биринчидан, муҳаббат **хос** ва **ом** (оддий) кишиларнинг иқроридир. Бу иқрор **тавҳид** (*якка Худодлик*) ва **иймонни талаб**

<sup>9</sup>Абу Иброҳим Исмоил ибн Мухаммад Мусталлий Бухорий. Шарҳ ат-таарруф ли-маҳзаб ат-тасаввуф / Мухаммад Раваш тахрири остида. – Техрон: Интипороти асотир, 1363-1366 х.ш. – Б. 58.

<sup>10</sup>Шарҳи ақоиди Таҳовия / Мухаммад Носирдин ал-Албоний. – Т.: Мовароуннаҳр, 1992. – Б.175-176.

<sup>11</sup>Н. Комилов. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 51-53.

қилади. Шу нуқтаи назардан барча мўминлар муҳиб (севувчи) ҳисобланадилар. Иймон шартларига риоя қилишда хослар ҳам, омлар ҳам тенгдир.

Шу ўринда хос кишилар муҳаббати тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу **муҳаббати важд** (*важд муҳаббати, важд кўринишидаги муҳаббат*) бўлади, важд қалб хирқасидир. Бунда муҳибнинг қалби Худога бўлган муҳаббат билан шунчалик куюдики, уни таърифлашга тил ожиз. Оловнинг борлигини айтган киши ва оловнинг борлигини билган киши оловдан куйган киши ҳисобланмайди ва бундай киши бемалол барча ишни қила олади ва барча нарса билан шуғуллана олади. Аммо агар ўша киши оловда куйса, ҳеч ким унга яқинлаша олмайди.... Бу кўзга кўринмас нарсадир, сирдир. Сирни эса сўз билан таърифлаб бўлмайди, чунки сўз зоҳир, сир эса ниҳон нарсадир. Зоҳир ва ниҳон бир-бирига зид икки нарсалардир. Унга зид бирор нарсани топиш эса амри маҳолдир. Аммо бир-бирига зид нарсаларни белгиларига қараб аниқлайдилар.

Шундан келиб чиқиб айтиладики, муҳаббати важд унга (*муҳибга*) етган зарбадир. У бун билмайди ҳам, айтмайди ҳам. Бунинг белгилари шундан иборат бўладики, у на нафсни кўради, на халқни кўради, на керак нимарсаларни кўради ва на аҳволни кўради. У нафсни кўрмай қолгач, унда кибр, мурод, иштиёқ ва севганига хусумат ҳам қолмагай. У халқни кўрмай қолгач эса унда риё, ишонч, бошқалар билан суҳбат ва ишрат ҳам қолмагай. У керак нарсаларни кўрмай қолгач, унда бойлик, мол-дунё, буюклик ва ватан ҳам қолмагай. У аҳволни кўрмай қолгач эса **муҳаррад** (*бу дунёнинг барча нарсаларидан айрилган, ёлғиз*)га айланади, ҳар икки дунёда унинг ҳеч нарсага ҳоли қолмайди – на (Худога) хизматни кўради, на тоатни кўради, ўз ботинида на **маърифат** (*Худони билиш, таниш*)ни кўради ва на тавҳидни. Бошқалар бу хислатларга эга бўлмасалар-да, буларни кўрадилар. У бу хислатларга эга бўлса-да, буларни кўрмайди. Муҳаббати важднинг нишонаси шудир. Бу муҳаббатнинг тавсифи эмас, балки муҳаббат нишонасининг тавсифидир. Агар муҳаббат тавсифининг сифати шундай бўлса, айна муҳаббатнинг тавсифи қандай бўлар экан? Айна муҳаббатнинг тавсифини қилишга бирор кишига йўл йўқ экан, унда айна муҳаббатнинг ўзига кимга йўл бўлсин? Бунга (*муҳаббати важдга*) қандай эришиш мумкинлиги тўғрисида шундай дейилади: "Банданинг муҳаббати важди тўғри бўлиши ёки бу муҳаббатни ўз сиридан топиши учун бандани икки нарсага фарқ бўлиши керак: биринчиси – Ҳаққа қилиниши керак бўлган нарсани кўришга, иккинчиси – Ҳақ қиладиган нарсани кўришга. Бунда Ҳақ қиладиган нарса **миннат** (*бандани қарздор, бурчли қилиш*) ва Ҳаққа қилиниши керак бўлган нарса **убудият** (*бандалик, қуллик*)дир. Унга қараганида, Ундан бошқани кўришга, бандаликка қараганида, Ундан бошқа билан суҳбатлашишга мажзоли қолмағай ва ҳар икки дунёда ҳеч ким билан суҳбатлашмағай, ҳар икки дунёда ҳеч нарсдан кўрқмағай".<sup>12</sup>

Илоҳий муҳаббат тасаввуф адабиётида ишқ тушунчаси билан ифодаланишини кўраимиз. Алишер Навоий ҳам "Маҳбуб ул-қулуб" асарига ишқнинг "маротиб"лари борлигини айтиб, юқоридаги фикрларни янада тўлдирлади, яъни муҳаббатнинг икки эмас, уч турини қайд этади: нафсоний ишқ (авом ишқи), мажозий ишқ (хавос-хос кишилар ишқи) ва илоҳий ишқ (авлиёлар ишқи). Бу ўринда Навоийнинг "ишқ маротибдур" деган сўзига диққат қилишингизни истардик, зеро "маротиб" (мартабалар) сўзи тариқат аҳлининг истилоҳларидан бўлиб, у солиқнинг руҳий-маънавий тараққиёт даражасини белгилайди. Демак, ишқ – инсоний камолот даражасини кўрсатувчи фазилат (бун Ибн Синода ҳам ўқиймиз). Шундан ташқари, авом ва хавос тушунчалари ҳам тариқатга боғланади. "Авом" деганда, Алишер Навоий саводсиз, оддий халқни назарда тутмаган, балки умуман, илоҳиёт тажаллиётини қалбан ҳис этолмаган, борлиққа зоҳиран муносабатда бўлиб, жамиятнинг расму одатларини бажаришдан нари ўтолмайдиган кишиларни назарда туттади. Бундай кишилар қаторига билимдон муфтий, муллалару илми ботиндан беҳабар шайху зоҳидлар ҳам кирган. Шу каби, "хос кишилар" – аслзодалар табақаси, шоҳ-амирлар эмас. Ҳазрат Навоий мазкур истилоҳни кўнгил амрига амал қилиб, Тангри йўлида заҳмат чекувчи, дили ва тили Ҳақ ёдидан бўшамайдиган чин сўфийларга нисбатан қўллаган. Бу инсонларнинг кўнгил кўзгуси дунёвий Ҳирсу хавас губоридан тозалангани сабабли "пок кўзни пок назар била пок юзга" солиб, "пок мазҳар", яъни илоҳий жамол акс этган алоҳида одамларни севиш "воситаси била"... маҳбуи ҳақиқий (яъни Худо) жамолидан баҳра олмоққа мушаррафдирлар<sup>13</sup>.

<sup>12</sup>Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлий Бухорий. Шарҳ ат-таарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф / Муҳаммад Равшан таҳрири остида. – Техрон: Интишороти асотир, 1363-1366 х.ш. – Б. 69.

<sup>13</sup>Н. Камитов. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 194.

Ислому таълимотида илоҳий муҳаббат мавзуини янада яхшироқ англашимиз учун унинг ғоявий-назарий асосини кўриб чиқишимиз тўғри бўлади.

#### 4. Исломда илоҳий муҳаббат мавзуининг ғоявий-назарий асослари

Аслида, илоҳий муҳаббат тушунчасининг асосий манбаи ҳам Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар эди. "Оллоҳ таоло уларни, улар ҳам Оллоҳни севарлар" ("Бақара", 165), "Иймон келтирганлар энг кўп Оллоҳни севарлар" ("Бақара", 165) каби оятларда ишорат берилгани каби Оллоҳ таоло севади ва севилади. Оллоҳ таоло ўзини Ғафур, Вадуд, Қарийб, Мужиб, инсонга шох томиридан ҳам яқин бўлган каби қулларига нисбатан раҳмат, шафқат ва севгисига ишорат қилинган оятлар билан тавсиф этгандир. Шунингдек, ушбу оятларда Оллоҳ таоло севгисининг фақат айримларга эмас, балки бутун қавм ва миллатларни қамраб олгани мурод этилган. Қуръони каримда келган: "Албатта, Оллоҳ чин тавба қилувчиларни ва обдон покланиб юрувчиларни севади" ("Бақара", 222), "Албатта, Оллоҳ чиройли иш қилувчи (муҳсин)ларни севар" ("Бақара", 195) ёки "Зеро, Оллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди" ("Бақара", 190), "Оллоҳ (эса) бузғунчи (фосид)ларни яхши кўрмайди" ("Моида", 64) каби оятлар Оллоҳнинг севгиси ва нафратини ўзида ифода этади.

Илоҳий муҳаббат ҳақидаги ҳадислар эса, мқдор ва хосса жиҳатидан Қуръони каримда ворид бўлган ояти карималардан ҳам кўра кўпроқ. Сўфийлар ривоят этган ва саҳиҳ ҳисобланган ҳадиси қудсий бундай: "Қулим менга нофила (қўшимча ибодат)лар билан яқинлашади, токи мен уни севаман. Уни севсам, эшитадиган қулоғи, кўрар кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан". Ушбу ҳадисни ҳам Мустамлий ҳазратлари жуда чиройли услубда шарҳлаб берадилар:

"Худонинг бандага муҳаббати шундай бўладики, Худо ўша бандасини бошқа бандалардан фарқли равишда ўзига қаттиқ боғлаб қўяди. Бу ҳақиқатда Худонинг муҳаббати эмас, аммо муҳаббатдан нишондир. Яъни Худо кимнидир суйса, бошқа бандаларидан фарқли равишда уни шундай аҳволга солиб қўйган Унинг муҳаббати бунинг нишониси бўлмай. Бунда банда қулоғи билан Худодан бошқанин сўзини эшитмағай, кўзи билан Унинг оятлари ва ибротларидан бошқа нарсани кўрмағай, тили билан Унинг зикридан бошқа зикрни айтмағай, тани билан Ундан бошқа нарсага хизмат қилмағай ва мияси билан Ундан бошқа нарсани ўйламағай. Чунки муҳиб рашки бўлиб, рашк унинг сифатидир ва у ҳеч қачон ўз севганининг бошқа киши билан бўлишини истамас. Унинг муҳаббати қанчалик камайса, унинг рашки ҳам шунчалик камаяди ёки, аксинча, унинг муҳаббати қанчалик кўпайса, унинг рашки ҳам шунчалик кўпайгай".<sup>14</sup>

Абу Рузайн Оқилий Пайғамбар (с.а.в.)дан "Иймон нима?" деб сўраганларида, Улар шундай жавоб берганлари ривоят қилиниди: "Иймон Оллоҳ ва Унинг расулини ҳар нарсадан кўра кўпроқ севмоқдир". Бошқа бир ҳадисда шундай дейилади: "Оллоҳ ва Расулини ҳар нарсадан кўпроқ сева олманг кимса мўмин бўла олмайди". Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир дуосида шундай деганлари ривоят қилинади: "Оллоҳим, севгин билан, сени севганининг севгиси ва сенга яқинлаштирадиган хислатлар (хулқлар) севгисини менга насиб эт. Сенинг севгинги менга совуқ сувдан ҳам тотли қилиб бер".

Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар ислому таълимотида муҳаббат мавзуга асос бўлиши билан бирга, илк тасаввуфий йўналишларнинг илоҳий муҳаббат доирасидаги қарашларига хорижий маданиятлар таъсирини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Аслида, ушбу таъсирни муболага қилмаслик каби, уни умуман қабул қилмаслик ҳам мумкин эмас. Илоҳий муҳаббат хусусида мусулмонларга энг сезиларли таъсир кўрсатган маданиятлар янги афлотунчилик, монийлик ва насронийлик таълимотларидир.

Янги афлотунчилик таълимотининг<sup>15</sup> манбаи антик давр юнон файласуфи Афлотун қарашлари ҳисобланади. Афлотун муҳаббат ҳақида шундай деганди: "Менимча, одамлар муҳаббатнинг асл қудратини англаб етмаганлар. Агар улар буни тушунган-

<sup>14</sup>Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлий Бухорий. Шарҳ ат-тааруф ли-маъҳаб ат-тасаввуф / Муҳаммад Равшан тахрири остида. –Техрон.: Интишороти асотир, 1363-1366 х.ш.

<sup>15</sup>Христиан дини таълимотига нисбатан яқин таълимотлардан яна бири неоплатонизм фалсафаси бўлган. Неоплатонизм Александрияда вужудга келган. Бу таълимотнинг биринчи тарғиботчиси Аммоний Саккас (174-242) бўлган. У насроний оиласида воға етган. Насроний черковининг оталаридан бири Ориген ҳамда Плотин Саккадан таълим олганлар. III асрда бу таълимотнинг энг йирик тарғиботчиси Плотин (205-270) бўлган ва унинг Рим салтанатида ёйилишига катта хисса қўшган. Бу ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: *Йўлдошев С., Усмонов М. О., Каримов Р. Р.* Қадимги ва Ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. –Т.: 2003 й.

ларида эди, севгига атаб улугвор ибодатхоналар ва меҳроблар қуриб, қурбонлик келтирган бўлардилар. Лекин биринчи галда бажарилиши лозим бўлган бу вазифаларни ҳозиргача ҳеч ким адо этмади...<sup>16</sup> Ягона моҳият ва ҳақиқат сифатидаги Худо метафизик таълимот мазмунини ташкил этади. Худо билимнинг манбаи сифатида билиш назариясининг, ягона эзгулик ва гўзаллик бўлгани учун ахлоқ (этика)нинг, алоҳида қудрат ва меҳрибонлик эгаси бўлгани учун диннинг предметидир. Худо фақат чексиз борлиқ бўлиб қолмасдан, балки мукаммал муҳаббат ҳамдир. Неоплатончилар (янги афлотунчилар) шу тариқа назарий фикр юритганлар, лекин Худо уларда алоҳида моҳият сифатида тушунилмасди. Неоплатончиларда Худо ягона илоҳиётнинг эманацияси (нурланиши), табиий жараённинг зарурий натижаси бўлган.

Насронийлик фалсафасида илоҳий ишқ-муҳаббат назариясини мукаммал ишлаб чиққан илоҳиётшунос олим Аврелий Августиндир. Августиннинг бутун фалсафаси ягона, мутлақ ва мукаммал Худо ҳақидаги таълимотда мужассамлашган. Дунё илоҳий яратиш каби аҳамиятга эга эмас, у фақат шарпадир. Худосиз ҳеч нарсани қилиш ҳам, ҳеч нарсани билиш ҳам мумкин эмас. Табиатда ғайритабиий нарсанинг иштирокисиз ҳеч нарса содир бўлмайди. Августинда неоплатончилар монизмидан фарқли тарзда дуализм намоен бўлади. Августинда дунё – Худо иродасининг маҳсули. Неоплатончиларда Худо ва олам ягонадир.

Монийларнинг илоҳий муҳаббат ҳақидаги қарашларининг хулосаси шундай: Яхшиларнинг руҳлари энг буюк нурдан чиққан нуроний зарралардир. Зарра бўлган руҳ, мунтазам аслига томон тортилади ва яна унга қайтмоқни хоҳлайди. Бадан асоратидан қутулмоқ ва дунёвий зиндонни тарк этмоқ учун мунтазам равишда дунёдан қутулишга интилмоқ керакдир. Монийларнинг ушбу қарашлари илк ўрта асрларда Басра мадрасасининг вакиллари сезиларли таъсир кўрсатганини тадқиқотчилар баён қиладилар.<sup>17</sup>

Лекин ушбу маданиятларнинг ислом таълимоти, хусусан тасаввуф илми турли баҳс-мавуларининг ривожига кўрсатган таъсири, асл манбаларнинг Қуръон ва суннат олдидаги таъсири олдида жуда ҳам камдир.

## 6. Исломда илоҳий муҳаббат ҳақидаги баҳслар ривож

Ислом таълимотида илоҳий муҳаббат ҳақидаги назариялар мусулмонлар орасида турли маданиятларнинг илоҳиётни англаш, Оллоҳ-махлуқот орасидаги муносабатни тасаввур этиш ва англашнинг турли даражаларига асосланган қарашлари – нуқтаи назарларига кўра шаклланди. Оллоҳнинг севиши ва севилишига доир очиқ далолат берилган оятлар ва ҳадисларга қарамай, мусулмонлардан баъзилари Оллоҳнинг ҳақиқатдан севишини ва севилишини инкор қилдилар. Уларга кўра, шариятда бу мавзуда ворид бўлган баёнлар мажоз сифатида қабул этилиши керакдир. Оллоҳ талоо севмайди ва севилмайди. Чунки севгининг амалга ошиши учун илоҳиётга тесқари (зид) шартлар лозимдир. Шавқ, унс, муножот, мушоҳада каби махлуқотга оид бўлган ва Оллоҳни мағраба айбу нуқсонларда танзиҳ (поклаш) учун зарур ҳисобланган хусусиятлар бўлмаган севи ҳақиқий бўлмайди. Бу мавзудаги энг мўътадил қараш "қулнинг Оллоҳни севмоғи Унга итоат этмоғи ва қуллигининг давомли бўлмоғидир; Оллоҳнинг қулини севмоғи эса унга раҳмати ва икромидир" деган тушунтириш эди. Ва ёки баъзи мутакаллимлар айтганлари каби, муҳаббат Оллоҳнинг ўзини васф этган бир сифатдир, моҳият ва кайфиятига қараш учун иймон керакдир.

Калом мазаҳабларига энг яқин сўфийлардан бўлган Ҳужвирий ҳатто Оллоҳнинг қулини севишини ризо, ғазаб ва раҳмат каби бир сифатда қабул қилади. Бунинг маъноси Оллоҳнинг қулига инояти – дунё ва охиратдаги савоби, уни гуноҳ ва хатолардан сақлаши, юксак ҳол ва мақомлар бахшида этиши, қалбини ҳам фақат Ўзи билан машғул этишидир. Агар Оллоҳ талоо қулларидан бирига буларни насиб этса, шубҳасизки, уни севган бўлади. Қулнинг Оллоҳга бўлган севгисига келсак, бу ҳам қулнинг қалбиде севганига таъзим ва ҳурмат шаклида юзага келган бир хусусиятдир. Бунда қул доимо Оллоҳнинг ризосини истайди, зикр билан унсият этади, бошқа нарсани хотирламоқдан роҳат топмайди, халқ билан бутун алоқасини узади, фақат Ҳаққа йўналади.

Фақат баъзи мутасаввифлар Оллоҳ-қул севи муносабатида севгининг маъно ва хусусиятларини тан олмгани каби, аксарият сўфийлар ушбу севгини ўзларига

<sup>16</sup>96 мумтоз файласуф. Ҳақиқат манзаралари / Тўлповчи ва таржимон С. Жўраева. – Т: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 81.

<sup>17</sup>Бу ҳақида қаранг: *Абул Ало Адибий*. Тасаввуф. Исломда маънавий ҳаёт. – Истанбул, 1996. – Б.173-180 б.

багишланган, тажриба этиладиган реал ва ҳақиқий бир ҳолат сифатида қабул этганлар. Яъни шавқ, орзу, унс, муножот, яқинликнинг кайфи ва узоқликнинг ҳасрати каби севгининг зарурий жиҳатлари (мусталзимат) тажрибаларда идрок этиладиган реал ҳақиқатлардир. Улар севгининг Оллоҳ ва кули орасида ўзаро икки томонлама амалга ошадиган бир ҳодиса эканлигини тасдиқлаганлар. Яъни кулнинг Оллоҳга муножот этмоғи ва Унга томон ғайрат қилиши каби Оллоҳ ҳам кулига нисбатан шундайдир.

Ушбу баҳс-мунозараларни Мустамлий Бухорий қуйидагича баён қилиб беради: "Усул аҳли бу тўғрида шундай дейдилар: Худонинг бандага бўлган муҳаббати бандасига яхшилиқни иродат этишидан иборатдир, банданинг Худога бўлган муҳаббати эса унинг Худога қилган **тоат** (*бўйсуниш*)идан иборатдир. Аниқроқ қилиб айтидиган бўлсак, ташқаридан қараганда банда ўз Худосига қанчалик **мутеъ** (*бўйсунган*) бўлса (билингки), ўз Худосини шунчалик суйгувчидир. Худди шунингдек, Худо ўз бандасига қанчалик кўп яхшилиқни иродат этса, билингки, у ўз бандасини шунчалик суяди.

Кичикларнинг муҳаббати тоат ва **хизмат** (*ибодат*)га олиб келади. Бу муҳаббат қанчалик кучайса, тоатдаги иштиёқ ва берилиш ҳам шунчалик кучайгай. Шуниси маълум ва тушунарлики, хизматга машғул бўлиш хизмат қилинувчини (*Худони*) соғиниш ва кўмсашдан, тоат-хизматдаги иштиёқ ва берилиш эса хизмат қилинувчига бўлган боғланиш ва муҳаббатдан келиб чиқади. Демак, Худонинг бандалари Худо олдида шундай мавқеда бўладилар.

Шунингдек, Худонинг муҳаббати ва Худонинг адовати халққа **алам** (*қийналиш, дард-алам*) ва **роҳат** (*роҳат-фароғат, лаззат*), **меҳнат** (*қийинчилик, машаққат*) ва **неъмат** (*неъмат, бойлик*), **азоб** (*қийноқ, азоб*) ва **раҳмат** (*раҳмат, раҳм-шафқат меҳрибонлик, кечиримлилик*) бағишлайди. Ҳақ таоло азалдан ана шу сифатларга эга бўлган.

Энди **маърифат аҳли** (*орифлар*)нинг бу борадаги қарашлари тўғрисида сўз юритсак. Маърифат аҳли айтдиларки, бизнинг наздимизда, муҳаббат ва адоват усул аҳли айтган нарсалар эмасдир. Чунки маърифат аҳлининг айтишларича, банда маълум муддат Худога қилаётган тоатдан холи бўлади, аммо бир лаҳза бўлса-да, Худога бўлган муҳаббатдан холи бўлмайди, зеро Худога бўлган муҳаббатдан холи бўлиш куфр билан баробардир. Шундай экан, тоат муҳаббат эмасдир, балки тоат муҳаббатнинг таъсири натижасида келиб чиққан нарсадир. Чунки агар тоат муҳаббат бўлганида эди, гуноҳ адоват бўлган бўлур эди. Кўпчиликнинг фикрига қараганда, **мўмин** (*иймонли, мусулмон*) киши гуноҳ иш қилиб, гуноҳкор бўлса-да, ўз мўминлигини сақлар экан **адув** (*душман, ёв*) бўлмағай, балки муҳиб бўлиб қолгай. Шундай қилиб, тоатнинг муҳаббат эмаслигини билиб олдик. Аммо нутмаслик лозимки, муҳаббат тоатга сабаб бўлади ва банданинг тоати унинг муҳаббатидан келиб чиқади. Тоат айнан муҳаббатнинг ўзи эмас, балки муҳаббатнинг далилидир".<sup>18</sup>

Тасаввуф илмининг буюк намоёниси Абу Ҳомид Ғаззолий ҳам инсоннинг Оллоҳга бўлган муҳаббатини рационал (ақлий) асосини топишга ҳаракат қилиб, севгини беш қисмга бўлади: 1. Борлиқни севмоқ. 2. Борлиқ қарам бўлган нарсани севмоқ. 3. Бошқага икром этганни севмоқ. 4. Бевосита гўзал бўлган нарсани севмоқ. 5. Севган ва севилган орасидаги муносабатни севмоқ. Бу турларнинг камол ва ижмоси фақат Оллоҳ севгисида амалга ошади. Чунки кул борлиқни севса, унга бу борлиқни берган Оллоҳни ҳам севади. Унга икром этувчини севса, неъматларни эҳсон этган Оллоҳни ҳам севади. Гўзалликни севса, бутун гўзалликнинг манбаи ёки ҳақиқатда энг гўзал бўлган Зот – Оллоҳни севади.<sup>19</sup>

Шундан келиб чиқиб, ушбу сўфийлар муҳаббатulloҳни машруъ, мумкин, ҳатто реал ва тажриба орқали билинадиган бир ҳодиса деб ҳисоблайдилар.

Муҳаббат ҳақиқат, гўзаллик, поклик ва эзгуликка интилиш туйғусининг бирлигидан иборат экан, ушбу мавзунинг асосий масалалари, муаммолари, тушунчалари, таъмоилларини ўрганиш инсоннинг ўз-ўзини тўла-тўкига англаши, айни пайтда, ҳар бир инсоннинг ноёб иқомиятлари ва салоҳиятини юзага қиқаришга ёрдам беради. Шунинг учун ушбу мавзунинг ҳар томонлама ўрганиш долзарблигидан келгусида ўзининг тадқиқотчиларини кутмоқда, деймиз. Бизнинг таҳлил ва тадқиқимиз эса уммондан бир томчидир, холос.

<sup>18</sup> Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлий Бухорий. Шарҳ ат-тааруф ли-маҳзаб ат-тасаввуф / Муҳаммад Равшан таҳрири остида. –Техрон.: Интишороти асотир, 1363-1366 х.ш. – Б. 70.

<sup>19</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихё ал-улум ад-дин. 4 жилд. – Б. 294.



## БҮЛӨК ҚҰЗ ОҶДИ



### Моҳинур ҚОДИРОВА

1997 йил туғилган. Андижон тиббиёт коллежсининг “Ҳамишралик иши” йўналиши 2-босқич ўқувчиси. Ижодий машқлари “Андижоннома”, “Иқбол”, “Келажак”, “Холис”, “Ойдин ҳаёт”, “Адолат мезони”, “Асака ҳаёти” каби вилоят ва “Олтин қалам”, “Ёш куч”, “Дано ворд” каби республика газета ва журналларида чоп этиб келинмоқда.

## ЎМЛАР ЁМҒИРГА АЙЛАЙДИ ТАЪЗИМ

### Мунаввар тонг

Юракка тўкилиб тушди туйғулар,  
Осмоннинг тилида шўхчан бир овоз.  
Тупроқнинг юзига шудринлар қўнар,  
Бир ёмғир ёғиши гаройиб, холос.

Туннинг қулоғига шивирлар шамол,  
Тўзгитганча унинг жингалак сочин.  
Фалакнинг қаҳрига бўлишиб дучор  
Қушчалар кўзгалди ёзиб қулочин.

“Чиқ-чиқ-чиқ”. Уч, тўрт ва беш бўлди соат,  
Ҳатто, чанг-тўзондан ястанди замин.  
Табиат ёмғирдан олиб ҳарорат,  
Гуллар ёмғирларга айлайди таъзим.

Ниҳоят, борлиққа ёруғлик иниб,  
Чақалоқ соат ураверди бонг.  
Туннинг қарогидан мўралайвериб,  
Замин остонасига қадам қўйди тонг.

**Денгиз**

Яшил сув ичида чўмилар қуёш,  
Денгизнинг сатҳидан пастроққа тушиб.  
Ҳисларни етақлаб, шамол ялангбош,  
Юзурар оёғи шишиб, уюшиб.

Менга таниш эди ўша бандаргоҳ,  
Бу овоз, шовқину таниш туйғулар.  
Кенг, хувуллаб қолган денгизда ногоҳ,  
Туташиб кетади айро кўнгишлар.

Муҳаббат тугилиб ўшанда илк бор,  
Жўшқинлик мавжланган қалбимда маним.  
Дилим дарёсини кечганча такрор,  
Ўтмишдан акс берар соғинчим маним.

Ташаккур айтаман танги тақдирга,  
Сендек бахтни берган, дунёда тенгсиз.  
Бахтлиман ҳаёл-ла, сен билан бирга,  
Беқиёс соғинчдир бу мовий денгиз.

**Кутасан**

Мақтабнинг ҳовлиси, таниш йўлақлар,  
Совуқ нигоҳингга тикилар осмон.  
Ўрикнинг остида қолган юраклар,  
Изларинг гувоҳи чанг стадион.

Елкангдан ирғиб тушар хўрсиниқ,  
Қора кўзларингда чизасан ерни,  
Чунтагинг ичида қадрдон сурат,  
Изляяпсан кимни ёки қаерни?

Кутасан, уф тортиб, гоҳи-гоҳида,  
Қўлингда севимли оқ атиргуллар.  
Бир пайтлар биз эккан ўрик шохида  
Муҳаббат яроғи осилиб турар.

Бораман, кеч қолиб кечроқ бўлса ҳам,  
Меҳр-ла кўзимга боқиб турасан,  
Мен куттиришини хўп ёқтираман,  
Сен эса, кутишини яхши кўрасан.

**Боғишамол**

О, боғларингнинг шириш ифори,  
Димоғим ҳушлатиб, ўйнар юракни.  
Дехқон қизларингдек ишламоқ учун  
Мен кучга тўлдириб келай билакни.

Кенг далаларингда бошланган ҳаёт  
Сенда танидим-ку Ватан туйғусин.  
Менга камол тилаб, меҳрини берган,  
Ўша нав-нихоллар гуркираб ўссин.

Сен – ишончимнинг энг баланд тоғи,  
Бахт-ла, ўртоқлашиб ўтказган куним.  
Қайноқ бағрингда улгайди юрак,  
Сен – опам, сен – синглим, сен – ога-ипим.


Соғинавердим-ку, боролмадим ҳеч,  
Бетакрор боғинг-ла, ўтказдим ҳаёл,  
Меҳрим бўйинига тумор бўлсин-эй,  
Сенга кўз тегмасин, эй Боғишамол!

**Мажнунтол**

Тақдирнинг ҳукмига бошингни эгиб,  
Фаслларга аста ёнбошлаб беҳол,  
Шамоллар тебратган япроққа қараб,  
Неларни ўйлайсан, айт-чи, мажнунтол?

Узун сочларингнинг устида турган  
Мана бу губорлар ҳасратларингми?  
Қаддингни букиб олибсан нега,  
Ёки ҳув қуёшдан аразладингми?

Қайноқ меҳрингнинг оташларидан  
Жунбишига келди юрагим, алҳол!  
Сен каби бардошли эмасман, лекин,  
Тушларингга киргим келди мажнунтол!  
Менга қўлларингни бергин мажнунтол!



## ИЖОДХОНДА БИР СОАТ

### ХАЗИНА ҚАЛБНИНГ ЎЗИДИР

(Йўлдош Эшбек ва Абдумурод Тилавов сўхбати)

**Абдумурод Тилавов:** Йўлдош ака, адабиёт мисли бир уммон. Унинг ичига шўнгансангиз, турфа хил дуру марваридга дуч келасиз. Рухсат берсангиз, сўхбатимизни ана шу жавоҳирлардан ҳисобланган илми яқийн ва илми ладуннийнинг нима эканлигини тушунишдан бошласак. Умуман, бу илмларнинг адабиётга таъсири бор деб ўйлайсизми?

**Йўлдош Эшбек:** Бу саволга бир сўхбат давомида ва умуман ҳам жавоб бериш муш-



кул иш. Шундай бўлса-да, Худо қодир қилганича жавоб қайтаришга ҳаракат қиламиз, етишмаган жойларни алломаларимиз ёрдам бериб тўлдирдилар, деган умиддамиз. Келинг, яхшири, манбаларга мурожат этайлик: “Ишончли, мустақкам, соғлом, шубҳасиз ва қатъий ўлароқ билмоқ. Кўз билан кўрароқ, мушоҳада этароқ билмак. Масалан, узокда бир тутун кўрамиз. У ерда оташ (аланга, олов) борлигини илман биламиз, демакдир. Бу билим даражасига илм-ал яқийн, дейилади. Оташга яқинлашиб, кўзимиз билан кўрсак, бунга айн-ал яқийн билмак, дейилади. Агар барча ҳисларимиз билан олов борлигини англасак; ёқишини, куйдиришини, бошқа сифатларини ҳам биллиб олсак, бу илмимиз даражасига Ҳаққ-ал яқийн, дейилади. (Ҳаққ-ал яқийн: абд (қул)

**Йўлдош ЭШБЕК** 1950 йилда тугилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини тамомлаган. “Соғиниб яшайман”, “Юксак дарахтлар”, “Мангу масофа” каби шеърлий тўпламлари нашр этилган. Имом Ғаззолийнинг “Эй фарзанд”, Ўлжас Сулеймоннинг “Соғол китоб” ва бошқа адиблар асарларини ўзбекчага ўзгирган.

**Абдумурод ТИЛАВОВ** 1970 йилда тугилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Филология фанлари номзоди, доцент. Имом Аъзамнинг “Муснао”, Султон Валаднинг “Маърифатнома” асарини ўзбек тилига ўзгирган.

нинг сифатлари Ҳақ сифатларида фоний бўлиб, ўзи у билан илман, шухудан ва ҳолан бақо топмоқдир. О.Насухи; Исломиий-илмий-фалсафий "Янги луғат". Абдуллоҳ Ягин). Демак, яқийн илмининг уч турини кўрдик.

Энди ладунн илмига юзланайлик. Илми ладунний ғаройиб, сирли, нодир, ноёб бир илмнинг номидир. Ладунийат – Оллоҳ таоло хос тарзда ато этган ботиний эҳсонлардир. Адабиётга таъсирига келсак, бутун мумтоз адабиётимиз шу илмлар таъсиридадир.

**Абдумурод Тилавов:** Замондош ижодкорлар асарларида тасаввуф асари сезилиб турадими?

**Йўлдош Эшбек:** Албатта сезилади. Чунки бизда истиқлол туфайли бу соҳага ҳам ҳурлик берилди. Масалан, Нажмиддин Комил домла истеъдодли ва таниқли шоир Саъдулла Ҳакимнинг "Кўҳна нақл" китобига ёзган гўзал сўзбошида "Сўз жамоли" деган кўп маъноли, сирли шеърини таҳлил қилар экан, шундай ёзади: "Менимча, шеърдаги сир синопат, унинг таъсир кучи ҳам шунда: Англамоқда сир қолмаса, моҳиятда маъно ҳам бўлмайдми", дейди ва ҳикмат(афоризм)га баробар сўз айтади. Бу сўзни тасаввуфдан беҳабар одам айта олмайди. Домланинг бу марҳамати ҳам сир синопатлидир. Ва С.Ҳаким ижодига, хусусан, зикр этилган шеърига юқори баҳо беради: "Шу боис "Сўз жамоли" шеъри илоҳий бир сўз ҳақида бамисоли мадҳия каби жаранглайди ва ботиний, романтик туйғуларимизни мавжлантириб юборади".

**Абдумурод Тилавов:** Сир синопат фақат тасаввуфий асарлардагина мавжудми?

**Йўлдош Эшбек:** Йўқ. Лекин сирда сир бор.

**Абдумурод Тилавов:** П.Козло ва "Алкимёгар" асари-чи?

**Йўлдош Эшбек:** Ҳа, "Алкимёгар" бизнинг мумтоз асарларимиз сингари уловни кўнгли хазинаси томон бургани учун ҳам ўзбек китобхонларига манзур бўлди. Бу асарда Сир ва сеҳр бор. Сеҳр ҳам икки хил. Гўзалликдан сеҳрланиш ва сеҳрларнинг сеҳри. Инсон биридан туйғилади, биридан боғланади. Бадииятда ҳам шундай. Ҳатто янада нозикроқ. Гап ана шу нозикликни илгашда. Пауло Козло ҳозирги ёзувчиларнинг пешволаридан ва оммавийларидан. Тилимизда бир эмас, уч таржимаси бор. Ҳозир кўлимда истеъдодли шоир Азиз Саид таржимаси бор экан, шундан бир иккита мисол калтираман. Мавзудан чиқмасак-да, сал айланиб юриб ўтишга тўғри келади. Бу – наср. Лекин поэзия қоришиқ. Афсуски, баъзи асосий тушунчалар ҳам баъзан қоришиб кетади. Асосий қаҳрамонлардан Кимёгар тилидан: "Кимки ўз Тақдири Йўлидан кетаётган экан, ҳамма нарсени билади ва ҳамма нарсага қодир!" дейилади.

**Абдумурод Тилавов:** Сўзингизни бўлганим учун узр. Кучли инсон ким ўзи?

**Йўлдош Эшбек:** Бандаи ожизлигини билган, Яратгандан кўрққан киши жуда ҳам кучлидир. Инсон Тақдир Йўлидан чиқиб, ўзганинг Тақдир Йўлига ўтиб кетолмайди. Ҳамма ўз Тақдир Йўлидан кетади, барча мағлубият ва муваффақиятлар шу йўл ичида кечилади. Инсон тақдирни эмас, тақдир ичида баъзан мағлубият, баъзан муваффақият яратади.

**Абдумурод Тилавов:** У кўрқув қандай кўрқув?

**Йўлдош Эшбек:** Бу махлуқдан – итдан ёки одамдан кўрқувга кўп ҳам ўхшамайди. Инсон билиб-билмай, ошкор-яширин гуноҳ содир этган, йўлда-юзда, уловда ўзим, яқинларим юрамиз, эй Худо, бир кори ҳол бўлмаса эди, дея кўрқишига менгзайди. Олдинга кўйган мақсад чизигига бу кирмайди чоғи П.Козло қаҳрамонларида бу туйғу кўринмайди, лекин Сантягода махлуқдан кўрқув, ҳатто Алкимёгарда хавотир сезилиб турадики, кайфиятининг мана шу палласи босиб кетгандек. Бу инсон камолот даражасини белгилайдиган туйғудир. "Хазина қаерда бўлса, қалбинг ҳам шу ерда бўлади", – деган эди унга (Сантягога – Й.Э) Алкимёгар.

**Абдумурод Тилавов:** Буларни яхшироқ хис этиш учун аввал қалб-кўнгул, рух, илҳом нима – билиб олсак, тушунарлироқ бўлармиди?..

**Йўлдош Эшбек:** Тўғри. Лекин булар юқоридаги ладунн ва яқийн илмларидан ҳам нозик ва қалтис бўлгани учун ҳам ўтган улугларимиз бу мавзуда эҳтиётан фикрлашмаган маъқул, деганлар. Айниқса, тақдир, қазо, қадар мавзуси...

Имом Ғаззолий айтадики: "Қалб (кўнгул – Й.Э.) амр-фармон оламининг сиридир". Баъзи олимлар қалб-кўнгул маркази юрак деса, баъзи олимлар қалб маркази "димоғингиз чоғми" сўзи улуг ҳол сўраш эканини айтади. Шулардан келиб чиқиб, кўнгул-қалб юрак билан мустаҳкам боғлиқ эса-да, юракнинг айнан ўзи эмаслиги маълум бўлади. Яъни кўнгул тан аъзоси бирла боғлиқ эса-да, тан аъзоси эмас. Фикримиз-

га далил сифатида Хожа Абдулхалиқ ҳазратларининг “Санубар сувратлиғ гўшторога мажозан дил ва қалб дерлар”, сўзини келтириш мумкин.

“Янги лугат”га яна мурожат этсак: “Қалбдан мақсад санавбарий эт парчаси эмас, латифа-и Раббониядир” (Латиф – нозик, гўзал, майин, кўзга кўринмас, жисмсиз, яширин, сирли). Юрак ишласа, тўхтаса, жасад қай ҳолда бўлса, инсон ички оламида, маънавияти-маърифатида кўнгул моҳиятан шундай.

Энди тасаввуримиз яна бироз ойдинлашиши учун камина таржима қилган Фотима Темур кизининг “Тазкирот ул-авлиё”сидан кичик бир ҳикоя ўқиймиз:

Ҳазрат Алоуддийн Аттор дейдилар: “Дарвишларнинг бири бир куни мендан қалб қандай бўлишини сўради. “Қандай эканини билмайман”, дедим. У: “Мен қалбни уч кунлик ой каби кўраман”, деди. Буни устозим, жанобим ва шайхим Шоҳи Нақшбанд ҳазратларига айтдим.

– Бу – унинг қалбига оид, қалбига кўра (ёки бу қалб унга кўрадир), – дедилар. Тик турардик. Оёқларини оёғим устига қўйдилар. Бирдан ўзимдан кетдим. Бир орада (ёки бу орада) барча мавжудотни, Арши аълони қалбимда кўрдим. Ўзимга келгач:

– Кўрганларингизни айтинг, – дедилар. Айтдим. Ҳазрат Хожа:

– Кўнгул будир. У дарвиш айтгандай эмас. Оллоҳ таолога энг яқини кўнгул, кўнгулдай ҳеч нарса яқин эмас. Қалб – номъълум, сирларга тўла оламдир. Ҳар не ундан топилур. Кўрилгани каби қалб ҳар недан шарафли, бепоён бир латифликдир. Шундай бўлгач, киши уни қандай англай олур?! Шунинг учун ҳадиси қудсийда Оллоҳ марҳамат этади: “Еру кўқларга сағмасман, мўминнинг кўнглига сиғурман”. Бу теран сирлардандир, дедилар”.

Латифликка юқорида бир қадар изоҳ бериб ўтдик. Ундан ташқари латифликнинг яна илҳомбахш, ёқимли, ширин, теран, махфий, кўп лутф этувчи, деган маънолари ҳам бор. Кўряпсизми, кўп лутф этувчилик сифати – Оллоҳнинг сифатидир. Шунинг учун ҳам бу мавзуларда сўзлаганда жуда эҳтиёт бўлишимиз даркор экан. Чунки хавф бор – бу нарсалар махлуқми, махлуқ эмасми – кескин айтолмаймиз. Ўзимизга яраша сўнгсиз мулоҳазаларимиз бўлса-да, ошкор этиш бу ёқда турсин, баъзан ўйлашга, фикр юритишга кўрқамиз. Ишқ, илҳом кабилар ҳам сир, сирли, латифдир. Шулар кўнгулда бўлади. Илҳом ва ишқ билан кўнглингиз тўлганда, бепоён ички оламингиз ларзага келади, ҳеч кўрилмаган ширинлик ва бахт чидаб бўлмайдиган ҳолга сизни олиб келади. Бу Холиқнинг тажаллийсидир. Бу вуслатдир. Ҳазрат марҳамат этган кенгишлик, бепоёнлик деб билганимиз – миллиметрнинг миллиарддан бирдан камдир, балки миллиметрнинг миллиарддан бири бепоёнликдан ҳам сўнгсиздир. Балки, бу борада масофа аҳамиятсиздир. Чунки Оллоҳ таоло: “Еру кўқларга сиғмасман, мўминнинг кўнглига сиғурман”, демоқда.

**Абдумурод Тилавов:** Бироз маърифатланиб олдик. Энди баъзи асарлардан, масалан яна П.Козлодан савол бераман: “На сахро, на шамоллар, на куёш ва на одамзод ўзларини нима учун яратилганлигини билмайдилар”, дейилади унда.

**Йўлдош Эшбек:** Мўмин инсон нима учун яратилганини яхши билади. Яратган унга Китоб ва Пайғамбар (с.а.в.) юбориб, инсон ва жинни Ўзига ибодат этиши, Ўзини таниши учун яратганини билдирган. Инсон тақдирини, эртасини, оқибатини билмайди. Билганида, умидлар, ниятлар, мақсадлар, талпинишлар, интилишлар, орзиқишлар, антиқишлар, ҳаракатлар қаёқда қоларди?! Шуниси яхши эмасми? Шу билан бирга, “инсоннинг ўз ишида ихтиёри йўқ”, дегувчилар тарафдори ҳам эмасми. Яратган инсонга ихтиёр ато этган.

**Абдумурод Тилавов:** “Менинг қалбим изтиробдан кўрқади”, дейди Сантяго Алкимёгарга. Қаранг! “Ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун йўлга тушган бирор-бир қалб изтироб чекмайди, чунки ушбу изланишларнинг ҳар лаҳзаси Оллоҳ билан, Абдият билан мулоқотдир”. Шу ўринда сиз нима деган бўлардингиз?

**Йўлдош Эшбек:** Алкимёгарнинг жавоби сохта кўтаринкиликка, сохта юпатувга ўхшайди ва чигал. Бизда ақлий ва нақлий мезонимиз бор. Ҳар фикрни, ҳар сўзни шунга қўйиб қараймиз, ҳатто у мажоз бўлса ҳам. Бу изтироб ва кўрқувнинг қандайлиги ва қай тарафдан қарашга боғлиқ. Бу ухровий изтироб кўрқуви бўлса, ғоят гўзал. Даҳшатли бўлиши мумкин, лекин оқибати хайрли. Бундай изтироб кўрқуви изтиробнинг ўзидан даҳшатли эмас. Гўзал. Шу кўрқув туфайли ҳам инсон ўзини ўнглайди, яхши ишларга отланади ва қўл чўзади. “Ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун йўлга тушган қалб из-

тироб чекмайди". Яхши сўз. "Чунки ушбу изланишларнинг ҳар лаҳзаси Оллоҳ билан, Абадият билан мулоқотдир". Яхши. Фақат чигалроқ. Қоришикроқ. Изтиробдан кўркүв, изтиробнинг ўзидан даҳшатли бўлмаса ҳам, даҳшат бўлса ҳам гўзал. Ўзига, ўзгага изтироб етказишдан кўркүв – гўзал изтиробдир. Изтироб эса гўзал. Буни тушунган тушунади. Чунки изтироб мўминнинг даражотидир. Яъни даражани ва мартабани белгиловчидир. Мўмин инсон изтироби билан хотиржамдир. Изтироб – унинг қалбини обод, умид – хотиржам этади. Ҳз. Пайғамбар (с.а.в.) "Мўминнинг юзида табассум, қалби эса маҳзун бўлади", деганлар. Ана шу ҳазинлик, табассум – изтироб ва хотиржамликдир. Унинг улғу умиди бор. Бу умид ўхшашсиз. Фақат мўминлар умидига ўхшайди. Эшитган сўзимиз, ўқиган асарларимиз кўнглимиздан ўтади, агар кўнгили кўнгили бўлса, ота-боболар эътиқоди билан мустаҳкам бўлса, ўтаётган нарсалар сараланади. Йўқса, йўқ. Бу ҳам муҳим. Фақат эротик асарлар эмас, ақидавий зид ва ақидавий чигал чалкаш асарлар ҳам инсониятни паришон айлайди. Сантяго Алкимёгардан сўрайди: "Умр бўйи олтин излаган ва унга эришолмаган алкимёгарлар ҳам бор. Улар қаерда хато қилишган?" Алкимёгар жавоб беради: "Хатолари шундаки, улар фақат олтин излашган. Улар йўлда яширинган хазинани излашган. Йўлнинг ўзини эса айланиб ўтишган". Кучли жавоб.

**Абдумурод Тилавов:** Йўлдош ака, жуда улкан ва кенг инсоний англамда олиб қаралса, П.Козло ва қахрамонлари ҳозир келтирган сўзга ўзлари амал қилишмагандек.

**Йўлдош Эшбек:** Чунки ҳақиқат йўли бутун инсоният учун битта. Ният самимий, мақсад яхши бўлгани билан шу мақсадга эришиш мушкул. Фақат муваффақиятларга эришиш мумкин.

**Абдумурод Тилавов:** Бу катта муваффақиятлар мақсадларигача суриб бориб қўйиши ҳам мумкин-ку!

**Йўлдош Эшбек:** Йўқ. Бу муваффақиятлар даврийдир. "Алкимёгар" асари бадиий заиф эмас, нозик мажозий фикрларга бой. "Қалблар изтиробни ёмон кўради". Бу – тўғри. Лекин биз бошқачароқ қараймиз. Изтиробнинг мукофоти маълум бўлгач, бу дунёнинг ўзида ҳам мева бера бошлайди. Ва бошқачароқ қарашимиз тўғри эканлигига амин бўламиз. Изтиробсиз кўнгили, кўнгили эмас. Кўнгили – маънавиятнинг юраги дедик, юракдан фарқли ўлароқ кўнгилининг ("Алкимёгар" мўлжалга аниқ ололмаган) ўлмасдан мангу қоладиган дориси бор, бу оби ҳаёт ишқдир. Ишқи ҳақиқий. "Алкимёгар" айтганидек: "Кимки бу ал-иксирдан ичса, хасталик нималигини билмайди" эмас, кимки ичса, тузалиш нималигини билмай қолади, тўғрироғи, истамай қолади. Чунки бу иксир, бу оби ҳаёт дард ташналигини ёки ташналик дардини сўғоради. Юрак тўхтаса ҳам, кўнгили яшайди.

Ҳақиқий ошиқнинг вирди, оби ҳаёти, иксири – ишқи илоҳийдир. "Алкимёгар"га зид ҳолда, ошиқнинг бемор қалби шу ишқ билан тирик. Беморлиги – соғлиги, соғлиги – беморлиги.

**Абдумурод Тилавов:** "Хазина қаерда бўлса, қалбинг ҳам ўша ерда бўлади", деган эди Алкимёгар. Йўлдош ака, сиз нима деган бўлардингиз?

**Йўлдош Эшбек:** Аксинча, хазина қалбда бўлади. Қалб қаерда бўлишини билмайман. Менимча, ҳеч қаерда бўлмайди. Қалб ва хазина бир-бирида бўлади. Хазина қалбнинг ўзидир. Ул хазинада беқиёс бойлик бор. Мурод-мақсад ҳам, бахт ҳам, висол ҳам, ҳақиқат ҳам шудир. Мен "Алкимёгар"ни ўқийтган 22 миллион ўқувчининг ашаддийларидан эмасман. Ҳозиргидай зарурат бўлгандагина мурожаат этаман. Ва буюк бобокалонларимиз тақиб келган кўзойнак билан қарайман, бусиз ҳеч иложи йўқ. Қўргошинлар олтинга, олтин қўргошинга айланиб кетади. Қалб ва хазина ҳақидаги сўзга "Алкимёгар"нинг ўзида ҳам жавоб бор: қанча эски бўлса, шунча афзал, қанча такорланса, шунча гўзал.

**Абдумурод Тилавов:** Ижодкор илҳомига қандай таъриф берган бўлардингиз?

**Йўлдош Эшбек:** Олдингиздан икки йўл чиқди, дейлик. Ўннга дегани – илҳом бўлди. Бу – оддий одамларга узатилган ички илҳом. Ижодкор илҳомиде эса ҳол ва маъно бирлашади. Ижодкорнинг ички олами фаоллашади, тезлашади, хуш туйғулар лаззати тигизлашади, фикр ва маънолар қуйилади, ижодкор тоқат қилиб бўлмас гўзал ҳолга кириб қолади. Ва анормал ҳолда нормал ва ҳатто комил бир ишни адо этади. Бу ҳолатни сўфийнинг жазба ҳолига ўхшатиш мумкин. Илҳом, ишқ, жазба жўш уриб инсон кўнгилида кучайганда, оромбахш азоблар ёки азоббахш оромлар орқали чўққига кўтарилади.

**Абдумурод Тилавов:** Илҳом билан ёзилган миллий ва умуминсоний битта шеър

ўқисангиз.

**Йулдош Эшбек:** Ишқ вафодан сўзлаганларим,  
Бир кун бўлур сенга пушаймон,  
Ёдга тушар бўзлаганларим,  
Мен оламдан ўтганим замон.  
Қалтирарсан ажиб сезгидан,  
Ҳар бир сўзим кашф этар жаҳон,  
Жудо бўлдинг буюк севгидан,  
Мен оламдан ўтганим замон.  
Сен ёнимдан кета олмассан,  
Кўзларингда бўлгум намоён,  
Севгимни рад эта олмассан,  
Мен оламдан ўтганим замон.<sup>1</sup>

Кўплаб дунё олимлари баъзи (модерн) асарларни тушуниб бўлмаслигини, тушуниш шарт ҳам эмаслигини айтишган. Шунга яқин фикрни академик Лихачев ҳам Жойснинг “Улисс” романи устида сўзлаган. (Уэр, манба ёнимда бўлмагани учун сўзма-сўз келтирилмадим). Булардан ташқари ўзимнинг ҳам мустақил ақлий далилим бор, масалан, шундай асарлар мавжудки, мутолааи таассуроти – рангтавир кўргандай ёки мусиқа тинглагандай оромбахш. Асар фақат биз истагандек, фақат биз кўниқиб қолганимиздек бўлиши керакми? Тақдимот (2012 йил, 15 июнь) “ЎзАС”да, дунё ва рус адабиётининг билимдони Неъматулло Мамажоновнинг “Шеър ва шоир ҳақида” жуда зарур адабий ўйлари эълон қилинди: “Муҳими – янги, ҳали ишлатилмаган, фавқулдда, тасодифий, ёрқин ташбеҳ, қиёслашларни топиш. Бундан ҳам муҳими, шу образ ва ўхшатишлар маънога бўйсунishi, у билан яхлит бир бутунлиқни ҳосил қилиши керак”, дейилган унда. Келинг, шу сўзни Турсун Али шеърига тадбиқ этиб кўрайлик. “Йилга сигмай қолган олмалар” – тасодифийдир, лекин ёрқин ташбеҳ эмас. “Эски аравадай ўтади кунлар” ҳам эски, ишлатилган ўхшатиш ва қиёс, “маънога бўйсуниб, у билан яхлит бир бутунлиқни” ҳосил қилишти ёки қилмаяпти, деёлмайми. Маънога бўйсуняптими? Менимча, ҳозирча битта ёки бирорта маънога бўйсунмаётгани йўқ. Шу билан бирга, маъносиз ҳам эмас. Лекин қани ўша маъно? Бу ерда гап ташбеҳнинг фавқулддалигида эмас, балки ташбеҳнинг фавқулдда шеър даражасига кўтарилганида. Бундай шеърлар узоқ вақтларда бир-бир ёзилади. Бу шеър маънавий эҳтиёжнинг – сирнинг ўзи ҳақидаги сирли шеър, дея оламиз. Т.Алининг ўзи ҳам ўқиб ва ўқиш ҳақидаги сўзининг давомида ўз шеърининг шарҳига ҳам ёрдам бергандек ва шу ҳақдаги фикримизни қўлаб қўйгандек бўлади: “Ўқиганимда фақат қулоғимга эмас, вужудимнинг денгиздан-да теран жойларига қутилган нур – шуъла оқиб-оқиб киради”. Бу ўша юқорида айтганимиз – сирлар нури – нури асрордир. Ичимизни, кўнглимизни ёритиб, ёриштириб юборади. Гўзаликка ғарқ бўламиз. Сирлар нуридан баҳраманд бўламиз. Ўзини англаш эса мушкулдир. Гўзаллик нурига, сирлар нурига чўмиш сирнинг ўзини англашдан, ўқишдан кўра гўзалроқдир!

**Абдумурод Тилавов:** Энди узунроқ, кенгроқ, бирлаштириброқ шеър, ишқ, сир, шоир ва шуларнинг улуғлари ҳақида сўрайман.

**Йулдош Эшбек:** Севги, муҳаббат, ишқ – фарқли, бири бирининг ёки иккинчисининг, учинчисининг даражаси, дейишади. Буни инкор қилмаган ҳолда, биз деймизки, ҳаммаси бир-у, даражаси ҳар хил. Гап – нимани, кимни қандай севишда. Демак, севгининг исми ва сифати бор. “Муҳаббатдан муҳаббат бўлди пайдо. Муҳаббатсиз кишидан қоч, Ҳувайдо”. Сирнинг ҳам маъноси кўп. Яширин ҳақиқат. Яширин иш. Халқ орасида салбий маънолари ҳам бор. (Талофат кўрдим маъносиде, сир кўриб қолдим, дейишди). Ҳар кимга, ҳаммага айтилмайдиган нарса. Сақланадиган сўз. Муҳаббатуллоҳнинг қалбдаги мақоми – латифа (латифлик – латиф нуқта ва нукта). Инсон ақли эришмаган нарса. Ҳақ ҳикмати. Шеър бунақа бўлади ва бўлиши керак. Ишқ, сир ва шеър улуғлиги ҳақида шоирлардан мисоллар келтирдик. Булар таърифсиз мавзулар ёки таърифи шу қадар кўпки, келтирилмаймиз. Биз муҳтарам мунаққидларимиз назари кам тушадиган саноклигина шеърларни танлади. Бундай шеърлар мумтоз адабиётимизда, бошқа буюк шоирларимиз ижодида учраб туради. Негадир кўпинча бир хил номлар атрофида кечади. Илмда эса ҳаракат номлар атрофида эмас, асарлар атрофида кечади.

<sup>1</sup> Рауф Парфи.

Тўғрироғи, кечиши керак.

**Абдумурод Тилавов:** Яна шундай назардан четда қолган сирли, гўзал бир мисра келтирсангиз.

**Йўлдош Эшбек:** Бу – Абдул Жалилнинг “Ғам чўғининг япроғи” деган шеъри. Битта ёки яримта сатр шеър ҳам, сир ҳам, ишқ ҳам шоирда мужассам. Бари ишқдан туғилади:

Оппоқ “жой”га мук тушиб зикр этасан  
 зикр тушиб оқартасан ёки “жой”ни  
 бориб-бориб оққа сингиб кетасан  
 эслатасан кўкка сингиб кетган ойни  
 димоғинг чоғ бўлар яъни вақтинг хуш  
 келгандай бўлади орзунгдаги туш  
 кўргандай бўласан  
 қушманми дейсан  
 ё ўзим бахтманми  
 тушманми дейсан.

**Абдумурод Тилавов:** Сизнингча, виждон нима? Алоҳида таъриф бера оласизми? Шундай таърифнингиз борми?

**Йўлдош Эшбек:** Бор. Лекин дафъатан таърифласам, тушуниксиз чиқиши мумкин. Лугатларда айтилишича, виждон – масъулият туйғуси, инсоф, дин-диёнат, ишонч, шуур, ботил билан Ҳақни танимоқ ва ажратмоқ, инсон ичидаги яхшини ёмондан айириб билувчи, яхшилик қилишдан лаззат туювчи, ёмонликдан алам-огриқ чекувчи маънавий ҳисдир. Виждоннинг тўрт унсури ва руҳнинг тўрт хусусияти бор: ирода, зехн, ҳис, латифаи Раббония, ҳар бирининг бир ғояту ғояти (асосий юксак ғояси) бор, ироданики – ибодат, зехники – маърифатуллоҳ, ҳисники – муҳаббатуллоҳ, латифликники – мушоҳадатуллоҳдир. Тақво дейилгучи ибодати комила тўртловини ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга, мен яна виждон ва тақво унсурларига афсус-надоматни ҳам кўшган бўлардимки, кишини ёмонликлардан сақланиб туришига ёрдам бергучи туйғудир. Агар одамда виждон бўлса, бўлганда ҳам улғу бўлса, огримасдан, ўртанмасдан ҳеч иложи йўқ. Ва ўзга чораси ҳам йўқдир. Ана шу улкан огриқлар буюк ўртанишлар элни эл, юртни юрт, ватанни обод айлайди. Ана шу огриқлар ва ўртанишлар икки дунё саодатидир. Булар эса, аввало, виждонда бўлади. Шунинг учун бўлса кераки, валий зотларни, улғу шоирларни халқнинг, миллатнинг виждони деймиз. Улардан ибрат оламиз. Ҳазрати Фаридулдин Аттор “Тазкират ул-авлиё” (Авлиёлар китоби)да ёзадилар: “Ҳасани Басрий болалиқда билмай бир қабиҳ иш қилиб кўйган ва бундан доимо надомат чекар, шу қабоҳатни ёқасига ёзиб кўйган эдилар. Ёзувга ҳар гал кўзлари тушганда, шу қадар йиғлар эдиларки, ёзув хўл бўлиб кетарди”. Виждон ҳақида бундан ўтказиб ё бунга баробар айтиш биз учун мушкул. Бундай зоти шарифларнинг муборак маноқибларидан келиб чиққан ҳолда деймизки, виждон – валий, шоир, қаҳрамоннинг титилган кўнгли ёки кўнглининг илма тешиқларидир. Халқимиз: осилсанг, баланд дорга осил, дейди. Чунки бу ҳалокат эмас, дунёга келиш, туғилиш, улкан умид ва мўлжаллардир. Халқимиз ана шу улғу мўлжалу манзилларга буюк умидлар билан улкан қадамлар ташлади. Ҳар соҳада улкан муваффақиятлар ёр бўлмоқда. Иншаоллоҳ, бундан кейин ҳам юзи ёруғ, жаҳон халқлари олдида виждони покдир!

Жавобимга виждон байроғи “ғам чўғининг япроғи” (каби)дир, дея кўшган бўлардим. Чунки ғам-қайғу ҳам фаол, сирли туйғу экани Абдул Жалилнинг ҳам юксак сатри, гўзал иборасидан сезилиб туради.

**Абдумурод Тилавов:** Модерн ва миллийлик. Адабиётга ва инсонга таъсири ҳақидаги фикрларингизни баҳам кўрсангиз.

**Йўлдош Эшбек:** Бу – мураккаб. Инсонга таъсири десангиз ҳам бўлади, модерн инсонга, кейин адабиётга, сўнг турмуш тарзига яхши-ёмон, у-бу тарз ва даражада таъсир этади. Бу тескарисига санаянимизнинг охиридан бошига, масалан, турмуш тарзига ва кейин адабиётга ёки аралаш, деярли бир вақтда ўзаро таъсир рўй бериши мумкин. Албатта, биз миллий ва айни вақтда, умуминсоний асарларни ёқтираемиз. Лекин аввал ўзимизга қарайлик, сизу бизнинг устимиздаги кийим миллийми ёки миллийлашиб бўлди ми ёки энди миллийлашаётими? Агар ўзгараётган бўлса, қай вақтдан бошлаб ўзгараётми ва нима учун? Бу ўзгариш зарарми ёки фойдами, нафи борми? Мана шу

саволларга жавоб топсангиз, модерннинг адабиётга ва инсонга таъсири ҳақидаги саволнинг жавобига яқинлашасиз. Чунки ҳар икки ҳол ҳам руҳий янгилиниш ҳодисаси ва натижаси. Ҳар икки ҳол ҳам шунчаки кўнгилхушлик эмас, кийиниш ҳам, адабиёт ҳам миллатнинг маданий қиёфасини намоён этади. Шунингдек, албатта санъатнинг бошқа соҳасидаги асарлар ҳам. Адабиётимизда модерн таъсири кўнгилдагидек эканини кўпчилик эътироф этишди ва бу қувончли ҳолдир. Асар ҳам, миллийлик ҳам, бадиий савия ҳам жанрга, оқимга эмас, истеъдодга боғлиқ.

Миллийлик нима? Қисқа жавоб берадиган бўлсак, миллатга хос хусусият. Бу – кийинишда ҳам, кўшиқ айтишда ҳам, адабиётда ҳам акс этади. Адабиётимизнинг ахлоққа, ҳаёга “итоат” этиши унинг энг буюк миллий хислатидир. Адабиётда ҳам, меъморчиликда ҳам, умуман, санъатда миллийлик – жавҳари ибо, ахлоқ бўлган бадиий маҳоратдир. Албатта, ташқари таъсирини (ёмон таъсирини) қонун йўли билан тўсиш қандай натижаларга олиб келиши ҳақда дангалроқ бир нарса дейишим қийин. Мен буни адабиёт соҳасидагина эмас, умуман айтаяпман. Бу борада мен онг ва тафаккур бўшлиғи бўлмаслиги тарафдориман. Бу нима дегани? Бу, аввало, эътиқодий барқарорлик дегани. Бу фақат ёшлар учунгина эмас, барча учун, юртимиздаги барча соҳа вакиллари учун энг биринчи асосдир. Бу ҳам билим ва истеъдод билан амалга оширилади. Миллийлик либосдир – у миллат вакилининг ички дунёсини, ахлоқини акс эттиради. (Мухтарам муҳаррир, шу жойни қисқартирмасангиз, илтимос). Шўро даврида ҳам кавказ халқлари ўз исмлари, оталари исм (фамилия)ларини ўзларига хос қўшимчалари билан сақлаб қолодилар. Бу ҳам миллийликка киради. Бу борада ўша даврларда нисбатан катта халқ бўлганимиз учун қаршилиқлар ҳам каттароқ бўлган. Шукурки, энди қонунларимиз эркинлигимизни, миллийлигимиз ривожини таъмин этади. Ва талаб ҳам этади. Миллийлик ҳам тўла, комил намоён этиладиган гўзал хислатлардир. Албатта, унга бўладиган жаҳоний таъсирнинг нозиклиги ҳақида “Алкимёгар” устидаги сўзимизда тўхталдик. Жаҳон билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ. Лекин эътиқодни мустаҳкамлашнинг иложи бор. Бу соҳа истеъдодларга боғлиқ. Ва эътиқод хусусида матбуотда, айниқса, ойнаи жаҳонда кўп суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Чунки элни эл, юртни юрт айлайдиган бу фуқаронинг эътиқодидир. Миллийлик ҳам, умуминсонийлик ҳам эътиқод устида ўсади.

**Абдумурод Тилавов:** Тилакларингиз?

**Ўлдош Эшбек:** Ўзимга тилаганим барчага тилайман – икки дунё саодати, маънавий бойлик, тан сихатлик, тинчлик-хотиржамлик, кетмас давлат – бағрикенглик тилайман!



## БУ БУСҲОИ САҲНИДА

### Ғулом ШОМУРОДОВ

1937 йилда тугилган. Бухоро Давлат педагогика институтини (ҳозирги университетини) тамомлаган. “Шабнам жилваси”, “Ойдинда кезаман”, “Чақмоқ”, “Наволарим”, “Кўклам кўшиги”, “Ватан васфи”, “Олам ичра олам”, “Қалбим қатраси”, “Бобо шаҳрим”, “Рағзин руҳият”, “Заррин япроқлар”, “Марварид доналар”, “Соғинч соҳили” каби шеърӣ китоблари чоп этилган.



## ХАБАР ИҶҚДИР НОЗИК ШАЪБДИН

### Навоӣ газалига мухаммас

Зимистон ўтдию кетди, қани гулгун гулистоним,  
Соғиндим атрини аммо, таратмас ҳидни райҳоним,  
Шафақдин учди офтобу юз очмас кавкабистоним,  
Тун оқиом бўлдию келмас менинг шамъи шабистоним,  
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек эшоним.

Не тонг, ногоҳ қадам кўйса ғариб хонамга эшоним,  
Юзидин сочса инжулар кулиб гулюзли хандоним,  
Тугар балки, ётиб шунда юракда оҳу армоним,  
Не гам, кўргузса кўксим порасин чоки гирибоним,  
Кўринмас бўлса кўксим ёрасидин доғи пинҳоним.

Сўз айлаб доди Мажнундин, ўзим бўлдимку Мажнундек,  
Юрак йиғлар, кўринсам-да, зоҳирда шоду мамнундек,  
Қоронгудир куну тонгим, юрибман мисли тутқундек,  
Ғамидин дурри макнундек, сиришим оқти Жайҳундек,  
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашики ғалтоним.

Ўтиб жавзо, ўтиб мезон, хабар келмишидир ақрабдин,  
Билолмасмен, не важдан ҳам, не мақсаду не матлабдин,  
Хабар йўқдир нозик таъбдин, неча рўзу неча шаъбдин,  
Фалак ҳам тўлди кавкабдин, қуёш ҳам тушиди ашҳабдин,  
Келиб тушимас бу маркабдин менинг хуришду раҳмоним.

Бўлур дарё, қаранг тоғдин оқиб ирмоқчалар, эҳа,  
Агар эрса гадо, йўқсул, кулар тақдир – бўлур ул маҳ,  
Магар ҳозир зимистон тун, қуёш чиқса бўлур фараҳ,  
Жаҳонни зулмат этди чаҳ, бу зулмат ичра улғум ваҳ,  
Манга бўлсанг не Хизри раҳ, етиб, эй оби ҳайвоним.

Қуёш ишлаб, ёниб-чарчаб тоқи кўкдин тушиб кетмиш,  
Моҳи талъат бироз фурсат юзига хўп уна суртмиш,  
Шу муддатда булут айлаб, само юлдузни беркитмиш,  
Дема, кўктин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,  
Ул оё ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.

Манам, ою қуёшим деб, қўзим оламсен осмондин,  
Дарак йўқдир замин узра, дарак йўқдирку жонондин,  
Тўйиб кетмиш Ғулом шўрлик қуруқ афсона, ёлгондин,  
Навоий каби ҳижрондин, бу оқшом ўлдум афгондин,  
Ғамим йўқ бўйла юз жондин, етиб гар келса жононим.

### Бобур газалига мухаммас

Кўймагай эрдим кўнгил ёрга даруго қошки,  
Қилмас эрдим бунчалар зору тавалло қошки,  
Бўлмас эрдим қоши ёй дилдорга ошно қошки,  
Кўрмагай эрдим жамоли оламо ро қошки,  
Бўлмагай эрдим бори оламга расво қошки.

Ошиқ аҳлин қомати ҳам қалби пур армон эмиш,  
Ул парининг нози ҳам минг дараю фармон эмиш,  
Шул боисдан тортгани доимо ғам – афғон эмиш,  
Ишқ боғининг ниҳоли – ғам, бари – хирмон эмиш,  
Қилмагай эрдим бу гулишани тамошо қошки.

Аҳли ишқ аслан вобаста ақду қалба, дилга ҳам,  
Шул сабаб, бермаслик эрк шартдир сўнаксиз тилга ҳам,  
Шундай эрса, сув тошиб кетмас икки соҳилга ҳам,  
Қилмагай эрди кўнгил ишқни ҳавас, бил, тилга ҳам,  
Кечмагай эрди анингдек лафз асло қошки.

Куйладим ишқни ёниб, сарф айладим кўп сатру ҳарф,  
Билмади ул бевафо, айтганларим кетдику ҳайф,  
Сўндиролмай қалб ўтин, ошиди юракда чўгу тафт,  
Қоши ёлар кўйида умри шариф этгунча сарф,  
Қилгай эрдим масжиду меҳроб аро жо қошки.

Не юмуш этдим адо, бориға кўнгил тўлмагай,  
Ишқ изҳор айлабон, берсангда дил, ул келмагай,  
Мен Ғуломни қул билиб, ҳеч бир назарга илмагай,  
Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмагай,  
Ишқу васлу айш ила ишраттин илло қошки.

*Машираб газалига мухаммас*

*Олама ошкор эмас бу дарду пинҳоним менинг,  
Қон ютарман таҳ-батаҳ, йўқ дами шодмоним менинг,  
Бир куни жонла тугар, бу дили нолоним менинг,  
Ҳеч кима маълум эмас, ҳоли паришоним менинг,  
Осмонни тийра қилди оху афғоним менинг.*

*Гарчи, дилда ҳасрату кўнглимда гам-қайғу тугун,  
Орзуийм осмонида бағзида барқ порлаб чунун,  
Ваъда бергандай бўлур иқболу бахтдин инчунун,  
Мен нечук шод этмайин бул хаста кўнглимни бугун,  
Келди ҳолимни сўраб ул ишҳ жононим менинг.*

*Қайта жонландим кўриб, эй қоши пайвастам, сени,  
Қолмади гамдан нишон, қайга йўқотдинг сен они,  
Парвоз айлаб кўкда руҳ, кучяпти маҳкам, ул мени,  
Эй ситамгар, келгину эмди шаҳид этгил мени,  
Мавж урсин Карбало даштида бу қоним менинг.*

*Топмадим юксак самодин ё эсан ул – сабомисан,  
Қаҳқашонга ҳўп яқин зуҳалми ё зухромисан,  
Оймисан, кўёими ё бир ноён сиймомисан  
Чун Сурайё бормисан, афлокдин боломусан  
Бу фалакда кўрмадим, эй кўзи чўлпоним менинг.*

*Гар олисдан бўлса-да, мушкул бу аҳволимни кўр,  
Не савобу не гуноҳ, барча аъмолимни кўр,  
Истиқбол ҳам иқболим, заволу поймолимни кўр,  
Нозу истиғно била келгин, мени ҳолимни сўр,  
Термилиб доим йўлингда чашии гирёним менинг.*

*Умр ўтаркан, бил, Ғулум, йўлда турарсан, эй рафиқ,  
Хоҳ шодмон бўлсангу хоҳ гам ютарсан, эй рафиқ,  
Хоҳи секин юрсангу хоҳ тез югурсанг, эй рафиқ,  
Тобакай жабру ситам бирла юурсан, эй рафиқ,  
Чиқди, Машираб, ушбу гамдин бу азиз жоним менинг.*

**Бухоро**



Абдукамол АБДУЖАЛИЛОВ



Ўтқирбек ЙЎЛДОШЕВ

## “РИСОЛАИ ТИҶРИ АНДОХТАН” НАВОИЙГА ТЕГИШЛИМИ?

Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг дунё адабиёти хазинасига ўчмас бўлиб қўшилган назмий асарлари билан бир қаторда насрий усулда ёзилган асарлари ҳам мавжуд. Булар куйидагилар:

- “Насойим ул-муҳаббат”
- “Тарихи мулуки Ажам”
- “Тарихи анбиё ва ҳукамо”
- “Мезон ул-авзон”
- “Муҳокамат ул-луғатайн”
- “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”
- “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”
- “Муншаот”
- “Муножот” кабилар.

Навоийнинг 20 жилдлик “Мукаммал асарлари тўплами”нинг 16-жилдида унга

### ДАДИЛ УРИНИШ ВА ЖУРЪАТ МЕВАСИ

Ҳазрат Алишер Навоий ижоди кишиларни ҳайратга солишида, қалбларга маънавий қувват беришида ҳамини тенгсиз, ҳамини улугвор. Шоир асарларини тадқиқ қилиш асносида буюк мероснинг ҳали эътибор бериб улгурилмаган қирралари кашф этилмоқдаки, бу юқоридаги фикрнинг яққол исботидир. Аммо шу билан бир қаторда навоийшуносликда баҳсли, ечимини кутаётган масалалар соҳа мутахассислари зиммасига жиддий масъулият юклайди. Масалан, чуқур изланиш талаб қилинадиган муаммолардан бири Алишер Навоий асарларининг тўлиқ ва ишончли рўйхатини тузиш ҳисобланади десак, янглишмаган бўлаемиз.

Аслида, шоирнинг ижодий мероси бошқаларникига қараганда жуда яхши сақланган, заҳматқаш олимларимиз турли тазкиралар ва тарихий-адабий асарлардаги хилма-хил маълумотларни қиёслаш натижасида олинган аниқ илмий ҳулосаларни жамоатчиликка тақдим этганлар. Лекин азалдан халқ орасида Алишер Навоий асарларида бўлган катта эҳтиёж тўғрисида баъзи рисоаларни буюк шоирга нисбат бериш ҳоллари учраб турганлигини инкор қила олмаймиз. Шу маънода, шоир асарлари рўйхатини тузишда ҳамда асл

нисбат берилган "Рисолайи тийри андохтан" асари ҳам бор. Унда ўқ отишнинг фойда ва фазилатлари ҳадислар, ибратли ҳикоялар орқали ёритилган (2011 йил Алишер Навоийнинг 570 йиллигига бағишлаб нашр қилинган 10 жилдлик "Тўла асарлар тўплами"да бу асар учрамайди). Ушбу асарнинг Навоий қаламига мансублиги тўғрисида олимлар турлича фикр билдирганлар. Жумладан, рус олимлари Е.Бертельс, А.Семёнов 40-50-йилларда яратилган ўз тадқиқотларида уни Навоийнинг асари деб таъкидлашган. Аммо ўзбек олимларидан Ғ.Ғулом, Ҳ.Сулаймонов бу фикрга танқидий муносабатда бўлганлар. 1995 йилги "Тафаккур" журнаlining 3-4-сонларида навоийшунос олима С. Ғаниева асарнинг Алишер Навоийга тегишли эканини бир қанча мисоллар билан аниқлашга ҳаракат қилган. Шундай бўлишига қарамай, бу масала атрофидаги мунозаралар ҳозирги кунгача давом этиб келяпти. Биз мазкур мақолада "Рисолайи тийри андохтан" асарининг Навоий қаламига мансуб эмаслигини бир нечта далиллар ёрдамида асосламоқчимиз:

1. Алишер Навоий асарлари муқаддима қисмида асар номига, мазмунига, сўз юрийтилаётган мавзуга тегишли бўлган ишоралар мавжуд. Бу ҳолат асарларда алоҳида кўзга ташланиб, Навоийнинг ўзигагина хос услубини билдириб туради. Масалан, авлиёлар ҳақидаги "Насойим ул-муҳаббат" асарининг муқаддима қисми шундай бошланади: "Муҳаббат ва тавфиқ боғчаларининг шаббодаларидан авлиёлар қалбини очган, ҳақиқат ва футувват боғларининг хушбўйлари билан дўстлар кўнглини шод этган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин!" Бу жумлаларни ўқиган ўқувчи муаллиф ҳамд қисмидаёқ асарнинг номига ишора қилганини, асар авлиёлар ҳақидалигини англайди. Ёки аруз вази масалаларига бағишланган "Мезон ул-авзон" асарининг кириш қисми куйидагича бошланади: "Комил ҳамд ва вофир шукр ул сонигақим, инсон хилқати байтининг назмин аносир тўрт рукни била тузди ва бу байт аркониин икки мисра била манзум кўргузди. Ва жадид наът ва қариб дуруд ул нозимғақим, олам аҳли интизоми учун шарият мезонини адл авзони била рост келтурди, то ул ростлик цикли ҳашр мезонига мадад келтурди". Демак, Алишер Навоий "Мезон ул-авзон" асарининг ҳамд ва наът қисмларини ифодалашда аруз вазнига тегишли бўлган комил, вофир, жадид, қариб, байт, аркон, солим, авзон истилоҳларидан унумли фойдаланган. Бу ҳолат асарга ўзига хос жило ва зەб бағишлаши билан бирга, фикрни теранроқ англаштишга кўмак бўлган. Агар биз ўрганаётган "Рисолайи тийри андохтан" асари Навоийга тегишли бўлганда эди, муаллиф асар муқаддимасидаёқ унинг мазмуни, номига оид ишоралар қилган ёхуд сўз ўйинларидан фойдаланган бўларди. "Рисолайи тийри андохтан" анъанавий Шарқ услубига хос ҳамд ва наът билан бошланиб, унда биз юқорида келтирган ҳолат кўзга ташланмайди.

2. Алишер Навоий асарлари тили ўз даврининг олим ва шоирлари тилидан мураккаброқдир. Бу фикрни муаллифнинг назмий ва насрий асарларига бирдек тегишли, дея оламиз. Навоийнинг ўз давридаёқ асарлари учун тузила бошланган лугатлар ҳам шундай хулоса қилишимизга асос бўлади. "Рисолайи тийри андохтан" асаридаги сўз қурилиши анча кейинги даврларга хос. Қиёс учун асардан мисоллар келтирамиз.

• "Доим ошuftа хотирға келур эрди ва паришон хаёлға эврилур эрдиким, ул китоб алфози форсийдур. Арабийға пайваста ва иборати ишорат аҳли тилига вобаста

*манба ҳисобланган қўлёзмалар билан ишлашда мутахассислардан катта билим, ишга масъулият билан ёндашиши, тақдим этилажак ҳар бир маълумот устида жиддий иш-лаш талаб этилади. Устозларимиз П.Шамсиев, И.Султонов, Ҳ.Сулаймонов, А.Қаюмов, А.Рустамов, С.Ғаниева, А.Ҳайитметов, С.Эркинов ва бошқа кўп олимларимизнинг меҳнатлари бу борада биз учун тажриба мактаби бўлиб хизмат қилишини мамнуният билан таъкидлаймиз.*

*Кейинги йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети талабалари ўртасида Алишер Навоий шахсияти, ижоди ҳамда фаолиятига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Ёш-ларимизнинг буюк даҳо ижодига астойдил қизиқишлари, шоир асарларини синчиклаб ўрганишига киришаётганликлари ўзбек навоийшунослигининг ёруғ келажакига умид ва ишонч уйғотади. Ёш навоийшунослар шоир асарлари моҳиятини тушуниб, ҳис қилиб, бадий эҳтиётдан таҳлил этишга эътибор бераётганликлари алоҳида аҳамиятга мо-лик ҳодиса, деб ўйлаймиз. Улар ўз изланишларини турли илмий конференцияларда маъ-руза шаклида тақдим қилаятилар, устозлар маслаҳати билан камчиликларни бартараф*

ва ул тиллар вукуфидин бахраварлар ва ул иборат ва ишоратдин бохабарлар ул алфоздин ўз қобилиятлари хурдида ва иштиголлари муқобаласида нафъ топарлар ва фойз олурлар" ("Насойим ул-муҳаббат" асаридан).

• "Андоқ ривоят қилурким, Пайғамбар (а.с.) саҳобалар бирла бир кун борур эрдилар. Саиди Ваққос фарзандларига ўқ отмоқ ўрготур эрди. Ҳазрати Пайғамбар (а.с.) замоне нишонагоҳга боқиб турдилар. Боякбор бир йигит пайдо бўлди. Илигида ўқ ва ёй. Бу йигит келиб бир ўқ отти, эрса Пайғамбар (а.с.) хурсанд бўлди" ("Рисолайи тийри андохтан" асаридан). Асарлар тилидаги фарқ икки жиҳатда кўринади:

1. Гап қурилиши. "Насойим ул-муҳаббат" асаридаги парча биргина аралаш мураккаб қўшма гап кўринишида келиб, унда боғловчилар, уюшқч бўлаклар, форсий-арабий изофалар, қўшма ва тўлиқсиз феъллардан кенг фойдаланилган. Рисоладан олинган парча эса, бир неча содда гаплардан ташкил топиб, ҳозирги замон ўқувчиси учун ҳам тушунарлидир;

2. Услубият. Алишер Навоий ўз асарларида сифатловчи ва қофиядош сўзларни қўллаб, оддий гапни ҳам юксак санъат даражасида айта олган. "Рисолайи тийри андохтан"да бу каби жиҳатлар умуман кузатилмайди.

3. Ислом динининг ақида ва руқнларига бағишланган "Сирож ул-муслимин" асаридан маълумки, Навоий Қуръон ва ҳадис илмидан етук даражада хабардор бўлган. Шундай экан, Алишер Навоийдек дину давлат пешвоси ўз асарларида ростлигига нисбатан шубҳа уйғотувчи ҳадисларни келтириши мумкинми?! Йўқ, албатта! Ўқ отиш ҳақидаги рисолада юқоридаги каби ҳадислар бир неча ўринда келади. Улар куйидагилар:

1. Саҳобалар таажжуб қилиб сўрдиларким: "Ё Расулulloҳ, тийрандозлиқнинг савоби не миқдордур?" "Расулulloҳ буюрдиким: "Агар тийрандозлиқнинг бийик савобин айтсам, халқ бор тижоратдин қолгайлар. Ва ўқ отмоқдин бошқа иш қилмагайлар. Аммо

*этишга интилятдилар, тенгдошларининг муносабат ва мулоҳазаларига ҳам асосли жаъвоб бермоқдалар.*

Алишер Навоийнинг "Рисолайи тийри андохтан" асари ҳақидаги мазкур мақола муаллифлари ҳисобланган Ўзбек филологияси факультети 4-курс талабалари Абдукамол Абдуҷашилов ҳамда Ўткирбек Йўлдошевлар ўз тенгдошлари ўртасида Алишер Навоийга бўлган муҳаббатлари билан ажралиб туришади. Ушбу мақола талабаларнинг анъанавий илмий конференциясида маъруза шаклида тақдим қилинган, яъни устозларнинг ўткир нигоҳидан ўтган десак, хато бўлмайди. Мақола учун танланган мавзу биз юқорида айтиб ўтган масалга, яъни Алишер Навоий қаламига мансуб асарларни аниқлаш муаммосига бевосита алоқадор ҳисобланади.

"Рисолайи тийри андохтан" асари шоир асарларининг 20 жылдик мукамал асарлари тўпламидан ўрин олган эди. Бироқ мазкур рисоланинг айнан Алишер Навоий қаламига мансуб эканлиги ҳамон олимлар орасида баҳсли масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Талабалар Абдукамол Абдуҷашилов ҳамда Ўткирбек Йўлдошевларнинг мазкур мақоласи айнан шу муаммога бағишланганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Албатта, қўтарилган масала жиддий. Навоийшунос олимлар ҳам бу борада аниқ тўхтамга келишмаган. Лекин бу ерда эътибор бериш лозим бўлган нуқталар борки, уларни эътибордан соқит қилмаслик керак: биринчидан, ёшларимиз Алишер Навоий ижоди билан жиддий қизиқиятти, ҳатто соҳадаги муаммолар ҳақида ҳам ўз хулосаларини билдиришга журъат топмоқдалар, бу жасоратни қўллаб-қувватлаш, керак бўлса, рағбатлантириш, ривожлантириш керак. Иккинчидан, бу қизиқишлар замирида илмга бўлган муҳаббат, касбга нисбатан чуқур эҳтиром мужассам. Асосийси, улар бефарқ эмас. Қолаверса, ишда эътироф этишга арзишлик жиҳатлар ҳам анчагина. Масалан, ёш муаллифлар асар матнини жиддий ўрганганимиз. Рисола билан боғлиқ илмий адабиётларга мурожаат қилишган, рус олимлари Е.Бертельс, А.Семёнов, ўзбек навоийшунослари Ғ.Ғулом, Ҳ.Сулаймоновларнинг муносабатларини таҳлил этганлар, уларни умумлаштиришга уринганлар, ўз фикрларини исботлаш учун шоирнинг насрий асарлари услубларини "Рисолайи тийри андохтан" билан қиёслайдилар, асосийси, ушбу митти тадқиқотнинг муайян даражада асосланган илмий хулосалари мавжудки, уларга бефарқ қараб бўлмайди.

Илиқ сўзларимиз талабаларимизнинг ушбу тадқиқоти ҳар томонлама мукамал, профессионал деган маънони аниқламайди албатта, унинг ютуқлари баробарида баъзи камчиликлари ҳам бор, аммо яхши рағбат ёшларимизга келажакдаги катта, кенг қамровли ишлари учун қанот бўлади, деган ишончдамиз.

*Д.Юсупова,  
филология фанлари номзоди*

бир соат ўқ отмоқ савоби билан ўттиз йиллик тоатнинг савоби баробардир”.

2. “Ҳар мўминким нишонга ўқ отса, Худойи таоло анга беҳиштилар савобин бергай. Ва агар нишонга тегса, беҳиштнинг эшигин анга очиб, хурни анга нақд қилгай”.

3. “Ҳар ерниким масжид қилур бўлсалар қирқ йил бурун фахр қилур эрмишким, мени масжид қиладурлар, деб. Ва ҳар ердаким ўқ отар бўлса, саксон йил бурун фахр ва мубоҳат қилур эрмишким, мени нишонагоҳ қилиб бир куни ўқ отгайлар”.

4. Алишер Навоийнинг насрда ёзилган форсча “Муфрадот” асари муаммо жанри хусусиятлари ва уни ечиш усулларига бағишланган бўлиб, қолган барча насрий асарлари туркий тилда битилган (Баъзи асарларининг ҳамд ва наът қисмлари арабча бўлиб, улар бундан мустасно). Алишер Навоий туркий тилда битилган асарларида ҳеч қандай асосий форсча жумлалар, гаплар келтирмайди. “Рисолайи тийри андохтан” асарининг хотима қисми эса бутунлай форсчадир. Мазкур асарни Навоий қаламига мансуб деб ҳисоблаган рус шарқшуноси Е. Бертельс уни форс тилида ёзилган, дейди. Ваҳоланки, бу асар туркий тилда ёзилган. Бундан шундай фикрга келиш мумкинки, Е. Бертельс асар билан тўлиқ таниш бўлмаган.

Агар биз юқоридаги фикрларимизни тизимли ҳолатга келтирадиган бўлсак, қуйидаги вазият юзага келади:

– “Рисолайи тийри андохтан” яхлит бир тизим ҳолида яратилган эмас. Унда Навоий асарларига хос бўлган тузилиш кўзга ташланмайди;

– Рисолада Навоийнинг насрий асарларида учрайдиган сўз ўйинлари, турли ишоралар, фикрни санъат даражасида етказиб бериш қабилар кузатилмайди;

– Асарнинг тил хусусиятлари Алишер Навоий асарлари тилидан узоқ. Буни гап қурилиши ва услубиятида кўриш мумкин;

– “Рисолайи тийри андохтан” да саҳиҳ ёки носаҳиҳ эканлиги аниқ бўлмаган ҳадислар келтирилган. Бу эса Навоий асарларига хос ҳолат эмас;

– Асарнинг кириш қисми анъанавий арабча ҳамд ва наът билан бошланиб, асосий қисм туркий тилда, хотима эса форсчада ёзилган. Бу ҳолат Навоий ижодида учрамайди.

Хулоса сифатида шунни айтмоқчимиз: Навоийга нисбат берилган “Рисолайи тийри андохтан” асари унинг қаламига мансуб эмас. Бизнингча, бу рисола XVII-XVIII асрда Бухоро амира Абдулазизхон даврида яшаган номаълум ижодкорга тегишлидир.

### **Абдукамол АБДУЖАЛИЛОВ**

1988 йилда туғилган. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг 4-босқич талабаси. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

### **Ўткирбек ЙЎЛДОШЕВ**

1992 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг 4-босқич талабаси. “Мўмтоз адабиётда шеърини ўлчовлар” мавзусида изланиш олиб бормоқда.



## ИҲТИМАС МЕНИ БОҒИМ



### Чўлпон ЭРГАШ

1937 йилда тугилган. Тошкент Давлат (ҳозирги ТДСМ) санъат институтини битирган. Шоирнинг “Тонг юлдузи”, “Умид чироғи”, “Баҳор орзулари”, “Сехрли кўнгироқ”, “Ой чодир тикмоқда”, “Карвон келар”, “Орзунинг оғир киприклари” сингари шеърӣ тўпламлари нашр этилган. Шоир 2010 йилда вафот этган.

## ИҲЛИФИДА ЗОРИҚТИРМА

### Орзу

Шундай сўз топсамки,  
Уни эшитган,  
Тополса йўлини адашган маҳал.  
Таслим бўлиб менга ул парипайкар,  
Кириб келса ўзи, қулиб, эшикдан.

Шундай куч топсамки,  
Она еримиз  
Қуёшга яқинроқ турса чинакам.  
Кўйиб, кул-кул бўлса, айрилиқ, алам,  
Дарё бўлса қалблар, тамом эриб муз.

Ва мен у дарёда –  
Чарх уриб ҳар ён,  
Чагиллаб яшасам, чағалай мисол.  
Катта очиб ҳар жон кўзларини, лол,  
Қанот боғлаб, мағрур, урсалар жавлон.

**Майли, де, майлими?**

Сенга ошиқаман, кўксим сўкилиб,  
Бўйинга бўйтумор муштакдай юрагим.  
Ойни тополмасдан, бағри тўкилиб,  
Саргардон кўёшдай изгиб юрардим.

Осмонларга отгин шубҳаларимни,  
Кўнглимга чироқ қил ишонч, майлингни.  
Согинтириб ёлғиз онам бағрини,  
Сени топганимни айтсам, майлими?

“Билгин-у, билмаган у-бу демасин,  
Набира меҳрига тўйин мен ҳам,  
Қанча тотли бўлса ўрик меваси,  
Мағизиндан ҳам ширин”, дер онам.

Кел, бир қувонтиргин ўша камтирни  
Икки қўли кўкда ўтиб кетмасин.  
У ичимдагини топиб гапирди,  
Оҳини ўзига ўзинг етказгин!

Хувуллаган шундай ёлғизлик курсин,  
Ёлғиз чақмоқ тошдан чиқмайди олов.  
Бир ўзинг йиғламоқ у ёқда турсин,  
Кулсанг ҳам кулгили, эшитса биров.

Дилим хонишини чизиб дафтарга,  
Куймаган жонингни куйдирсам, дейман.  
Ичим тўлиб кетди қизик гапларга,  
Кулдиргининг бўлиб, куйдирсам, дейман.

Сенсиз мени ҳамма хўрлаётгандай,  
Йиғлагим келади кечалар ёлғиз.  
Бирдан асрий зулмат тонги етгандай,  
Пиртираб кўзларинг, хўп де, бир оғиз.

**Ҳазил**

Ногоҳ келар доимо:  
Ҳар фалокат, ҳар бало.  
Мен кутардим ҳаммавақт,  
Қандоқ келдинг, о, зебо?!

**Жавзо кечаси**

Дераза пардалари учади.  
Дераза пардалари  
кўтарилиб тушади.

Ойнадан бошимни чиқариб,  
Оқайтган булутларга қараб қоламан.  
Муздек шамол урар кўкрагимга.  
Кўксим кўтарилиб тушади.  
Дераза пардалари учади.  
Ёмон иссиқ бўлди кун бўйи,  
Доим шунақа:

Булут босар кўкни шамол билан,  
Бирдан совиб қолар ҳаво кечга бориб,  
Ёмғир бўлар,  
Довул бўлар кучли  
шундай иссиқдан  
кейин.

Миқ этмай туради  
боягина қоққан  
қозикдек,  
Энди қара,  
Яйрашини қара дарахтларнинг.  
Улар ҳам гўё  
Пешиндаги иссиқ ёдига тушиб,  
Бошини тебратар шамолда,  
Доим шунақа.

Бир шамол турсамни,  
Сел куйиб берсамни довул билан.  
Онасининг келар пайти етган  
Семург  
боласидай  
Энтикаман, юрагим ҳовлиқа.

Қайдадир осмоннинг четида  
Нимадир ярқ этди,  
Гумбурлади кейин.  
Дераза пардалари учади қаттиқ,  
Кўтарилиб тушади.  
Оқайтган булутларга қараб турибман,  
бир илинж билан.

Юлдузлар худди  
Сой тоиларидек  
Гоҳ кўринар, гоҳо кўмилар.  
Булутларнинг ихтиёри кимда экан?  
Булутларнинг ихтиёри шамолдамикан?  
Шамолларнинг ихтиёри кимда экан?..

Эҳ... қўлим калта-да, қўлим калта-да!..  
Негадир юрагим ҳовлиқар.  
Кўксим кўтарилиб тушади,  
Дераза пардалари учади...



### Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

1935 йилда туғилган. Тошкент Давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ)нинг тарих-филология факультетини тамомлаган. Таниқли педагог, таржимон, филология фанлари доктори, профессор. Дўстлик ордени совриндори. Олимнинг “Тасаввуф алломалари”, “Авесто” файзлири, “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” каби 30 дан зиёд китоблари эълон қилинган.

## ФОРСИЙ ТИЛДАГИ АДАБИЁТНИНГ ЗАБАРДАСТ ТАРЖИМОНИ

Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги ихтисослашган илмий кенгаш менинг номзодлик диссертациямга Ўзбекистон фан арбоби, Халқаро Фирдавсий мукофотининг совриндори, нозиктаъб адиб Шоислом Шомуҳаммедовни расмий оппонент қилиб белгилади. Эртаси куни диссертациянинг бир нусхасини йўлланма хат билан олиб, Тошкент Давлат университетининг Шарқшунослик факультетига йўл олдим. Факультетга бориб, иккинчи қаватга кўтарилиб, деканатни топдим. Қабулхонадаги котиба:

– Домла ҳузурларида одам кўп, кутиб туринг, – деди. Бир оздан сўнг ичкаридан 4-5 киши чиқишди. Котиба ўрта бўйли, ораста кийинган, бароққош одамга ишора этиб, “шу киши” дегандай ишора қилди. Нимтавозеъ билан салом бериб, илмий Кенгаш йўллаган хатни узатдим. Кўздан кечиргач:

– Э, Ҳамиджон, сизмисиз, – деб кўлимдан ушлаб ичкарига олиб кирдилар. Ҳолаҳвол сўраб, диссертацияни варақлаб кўргач:

– Яхши мавзуну танлаган экансиз. Мендан устозингиз Натан Муродович Маллаевга салом айтинг, тақриз 15 кунда тайёр бўлади, – дедилар.

Ҳақиқатан ҳам, ўн беш кундан кейин борсам, тақриз икки нусха тайёрланиб, имзо ва муҳр ҳам босилганди. Унда диссертация анча изчил, синчковлик билан таҳлил қилинган, юқори баҳоланган эди. Ўша онда мен ўзимни ғоятда бахтли сездим. Зероки, Республикаимизнинг нуфузли дорилфунуни декани, ўзбек шарқшунослигида ўзига хос мактаб яратган машҳур олимнинг юксак баҳосига сазовор бўлгандим. Шу-шу Шарқ донишмандларига хос камтар, ботамкин, ҳамиша очиқ кўнгил, фанимиз дарғаларидан бири Шоислом Шомуҳаммедов билан устоз-шоғирд бўлиб қолдик: у киши илмий тадқиқотларимга йўл-йўриқ кўрсатган, докторлик диссертациямга ҳам ҳакамлик қилган, китобларимга ўз мулоҳазаларини билдирганлар.

Бир куни устозни муборак саксон ёшлари билан зиёрат қилиб, дилкаш суҳбатларидан

бахраманд бўлиш мақсадида Кўкча даҳасидаги 1-Оқсой маҳалласида жойлашган ҳовлиларига бордим. Бир пиёла чой баҳона ҳузурбахш суҳбат қургандик ўшанда:

### **Бобонгизнинг соқол-мўйловидан ёш томарди**

**– Устоз, Сиз Ўзбекистон шарқшунослари сардорисиз. Илмнинг шу соҳасини танлашингиз табиий бир ҳолми ёки тасодифми?**

– Менинг шарқшунос бўлишим тасодиф эмас. Зероки бобом, отам, тоғаларим, онам – барча оила аъзоларимиз зиёли одамлар бўлишган. Тоғам Ҳорун Сулаймонов ҳамда онам Шарофат аялар чинакам “Навоийхон”лар эдилар. Улар “Чор девон”ни араб алифбосида ўқишарди, мен эса баъзи ғазалларни лотинчага кўчириб, ёд олиб юрардим. Навоий асарларининг ўша нусхаларини машҳур шоирлар Ҳамид Олимжон, Уйғун ҳамда Амин Умарийлар нашрга ҳозирлашганди. Навоий асарларида арабча ҳамда форсча сўз, ибора, атама, бирикмалар, бадиий тасвирий воситалар жуда кўп эди. Менинг онгимга “араб ва форс тилларини билмаган одам Навоий асарларини тўла тушуниб етмас экан”, деган тушунча сингиб қолди. 1939 йили ҳарбий хизматга чақирилдим. Тошкентдаги пиёда кўшинлар ҳарбий билим юртини тугатгач, фронтга жўнатишди. Жангда ярадор бўлдим. Госпиталларда даволаниб бўлгач, Термиз чегара заставасига бошлиқ қилиб тайинландим. 1947 йили ҳарбий хизматдан қайтиб, Тошкент Давлат университетининг Шарқшунослик факультетига “Эрон-афғон филологияси” ихтисослиги бўйича ўқишга кирдим.

Кунлардан бир кун бувим ҳузурларига чорлаб, буюк шоир Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”сининг нодир қўлёзмасини бериб, шундай васият қилдилар:

– Болам, бу кўп муқаддас китоб, эҳтиёт қилинг. Бобонгиз уни ўқиганларида соқол-мўйловларидан кўз ёшлари оқиб турарди.

Мен бисотим – кутубхонами ўзим учун қадрдон бўлган Тошкент Давлат Шарқшунослик институти кутубхонасига инъом этганман. Ўша нусха ҳозир ҳам шу кутубхонада сақланмоқда. Демак, шарқшунос бўлиш менинг асл зотим – қонимда бор экан.

– Олтмишинчи йилларда Сиз форс-тожик адабиёти тарихини жиддий ўрганишга киришиб, кўплаб тадқиқотлар, бир қанча шоирларнинг ўзбек тилида илк бор анча мукаммал таржимаи ҳолини яратдингиз. Ўнлаб форсигўй адиблар асарларини таржима қилиб, чоп эттирддингиз ва шундай жараёнларга бош-қош бўлдингиз. Бу катта ижодий ҳодиса маънавий эҳтиёжмиди ёки замона тақозосимиди?!

– Дорилфунунни тугатгач, кафедрага ишга олиб қолишди. Ана ўшанда бутун орзуларим амалга ошгандай бўлди, Навоий ҳамда форсий тилдаги бадиий ижод дурдоналарини жиддий ўргана бошладим, таржималар қилиш, улар асосида мажмуалар, гулдасталар тузишга киришдим. Бу орада Шарқ адабиёти ихтисослиги бўйича филология фанлари номзоди деган унвоннинг ҳам соҳиби бўлдим. 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб биринкетин “Эҳсон Табарий” (1959), “Ҳақиқат излаб” (1961), “Умар Хайём” (1962), “Абдурахмон Жомий” (1963), “Форс-тожик адабиёти классиклари” (1963), “Саъдий Шерозий” (1964), “Малик уш-шуаро Баҳор” (1967), “Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм” (1968), “Амир Хусрав Дехлавий” (1971) сингари рисоаларим, монографияларим, кўплаб мақолаларим, таржималарим алоҳида китоб шаклида чоп этилди; форсий тилдаги адабиёт ихтисослиги бўйича фан доктори (1969) деган илмий даражани олишга муваффақ бўлдим. Ҳамма китобларимдаги таҳлилга жалб этилган мисолларни асл дастхат матнлардан кидириб-топиб, ўзим ўйрганман.

Ўша йиллари Тошкент бадиий адабиёт нашриёти ҳузурида “Шарқ халқлари адабиёти” тахририяти ташкил қилинди ва уни бошқариш ҳам менинг зиммамда бўлди. Бутун фаолиятимни Шарқ адабиётини, хусусан, форс-тожик адабиёти инжуларини ўзбек халқининг маънавий мулкига айлантиришга сафарбар этдим. Натижада, улуг шоир Рўдакийдан тортиб, деярли барча классик форсигўй шоирларнинг ижодий мероси таржима қилиниб, чоп этилди; кўплаб мажмуалар тузилди. 1958 йили Тошкентда дунё шарқшуносларининг Халқаро Конгресси бўлди. Бизнинг нашриёт араб, форс, ҳинд, хитой, япон, уйғур, ветнам ва бошқа халқлар тилларида ана шу Конгрессга атаб 57 номда гулдаста чоп этди. Бу ва бошқа ишларда машҳур шоирлар Хуршид, Муинзода домлалар, Васфий ва Жуманиёз Жабборовлар билан ҳамкорлик қилганмиз.

– Устоз, узр, сўзингизни бўлдим, – Умар Хайём рубойилари Сизнинг таржимангизда 12 марта қайта нашр этилган. Бунинг сеҳри нимада?

– Аслини олганда, бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Зероки, Умар Хайём рубойилари мазмунан чуқур, ғоявий жиҳатдан теран, шаклан содда, равон, ҳаммабоп. Мен таржимада аслиятнинг ана шу хусусиятини асрашга ҳаракат қилганман. Айрим таржимонлар шоир рубойиларига ўта эркин ёндашиб, бадий сайқал бериб, “оригиналлаштириб” ўгирадилар. Натижада, аслиятдан йироқ “янги” рубойий вужудга келади. Бир куни зиёли бир дўстим ўғлининг никоҳ тўйига таклиф этди. Базмда келин-куёвни табриклаш учун мени ўртага қорлашди. Сўз орасида кимдир: “Домла, Умар Хайём рубойиларидан ўқиб беринг”, деб луқма ташлади. “Ёддан билмайман”, деб қутулдим. Даврани бошқараётган суҳандон йигит шоир рубойиларидан ўндан зиёдини ўқиб, мени ҳижолатдан қутқарди. Шундай, яхши шеърнинг таржимаси ҳам аслиятидек халқ билан ҳамшиша ҳамроҳ юради.

Қайси бир йили бўлимимиз Ҳофиз Шерозийнинг девонини нашр этишни режалаштирди. Аммо муносиб таржимон масаласида бир тўхтамага келолмадик. Маслаҳат Хуршид домлага келиб тўхтади. Мен у кишини қидириб Муқимий театрига бордим. “Устоз ишдан бўшаб кетганлар”, дейишди у ердагилар. Кейин билсам, адиб “мафқураси бузук” ижодкор сифатида адабий эмақдошлик вазифасидан четлаштирилган бўлиб, “Маданият” колхозида боғбонлик қилиб юрган эканлар. Боғларига қидириб бориб, муддаомни айтдим. Охири-оқибатда Ҳофиз девони Хуршид домла таржимасида эълон қилинди. Аслиятини эса машҳур ҳаттот Абдуқодир Муродий домла кўчириб бердилар. Ҳофиз девонидан бир нусхасини ўша вақтдаги Ўзбекистон Марказқўмининг Мафқура бўлимига элтиб бердим. Ана шу таржима баҳона Хуршид домлани тез орада Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтига илмий ходим қилиб ишга олишди. Буюклар руҳини эъзозлаган одам асло кам бўлмайдди.

Ҳаёт ҳам мураккаб, ҳам қизик. Зероки, баъзи асарларнинг яратилишида турмушдаги бирон бир туртки ёки бирон киши сабаб бўлади. Кунлардан бир кун халқ шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов “Шоҳнома” дунёдаги деярли барча тилларга тўла ё қисман таржима қилинган. Аммо, устоз, бу шох китобнинг ўзбекча шеърӣ таржимаси йўқ. Шу чун бу ишни ўз зиммангизга олсангиз, деган истак билдирди. Ҳақиқатан ҳам бу шох китоб икки марта наср ва назмда ўзбекчалаштирилган бўлса ҳам, тугал шеърӣ таржимаси йўқ эди. “Рустам ва Сухроб”нинг Мирий варианти оригинал асар. Шундан сўнг мен “Шоҳнома” таржимасига тараддуд кўра бошладим. Бундай қарасам, ушбу улкан ишни бир ўзим уддалашим мушкул кўринди. Натижада, бу хайрли юмушга доимий ҳамкорларим, форсий тилдаги шеърӣянинг билагонлари, атоқли шоирлар Жуманиёз Жабборов, Назармат ҳамда Ҳамид Ғулумларни жалб этдим. Бир неча йиллик заҳмат туфайли “Шоҳнома”дек улкан китобнинг уч жилдлик шеърӣ таржимаси ўзбек китобхонлари қўлига етди. Асар илм-адаб аҳли томонидан илиқ кутиб олинди ва тез тарқалиб, ноёб китобга айланди. Ундан кейинги йилларда “Гуманизм – абадийлик ялови” (1974), “Ҳазиналар жилоси” (1981), “Эпос”, “Форс-тожик адабиёти тарихи” (1987), “Шох китоб ва унинг муаллифи” (1991), “Жаҳонни мафтун этган адабиёт” (1992) сингари китобларим, кўплаб янги таржималарим эълон қилинди; қомусларда, тўплам ва журналларда чоп этилган мақолаларим, Шарқ шеърӣяти поэтикасига доир тадқиқотларим ҳам анчагина. Кўриниб турибдики, буларнинг барчаси шеърӣятга, бадий адабиётга меҳрим, маънавий эҳтиёжим тақозоси экан. Ҳатто ёзган рисоаларим ҳамда таржималаримнинг айримлари замон руҳига жуда ҳам ёпишиб тушмас, ҳамоҳанг эмасди.

### **Адабий жараёнга нега кеч қўшилгансиз?**

– Билишимча, Сиз бадий ижодга, адабий жараёнга анча кеч кириб келгансиз. Бунинг боиси нимада?!

– Аслида, мен адабиётга эрта кира бошлаганман. Яъни ўрта мактабда ўқиб юрганимдаёқ шеър машқ қилиб юрардим. Бир куни Шчорс, Чапаев ҳамда Лазолар ҳақида халқ қаҳрамонлигини мадҳ этувчи шеър ёздим-да, болалар газетасига жўнатдим. Орадан кун ўтмай, редакциядан “уч қаҳрамон ҳақида битта шеър ёзибсиз”, деган танбеҳнамо жавоб келди. Шундан сўнг ўзим шеър ёзиб, ўзим ўқиб юрадиган, баъзан “ошиқ” дўстларимга бир байт, икки байт ёзиб берадиган бўлдим. Сизнинг саволингизда

ҳам маълум маънода жон бор. Зероки, тўққиз йиллик ҳарбий хизмат, ёш сал улғайганда олий ўқув юртига ўқишга кириб, жон-жаҳдим билан фанларни, Шарқ тилларини ўрганишга киришиб кетишим ҳам адабий жараёнга кечроқ келиб қўшилишимни тақозо этган.

Узлуксиз илмий изланишлар, Жаҳон адабиёти намуналаридан бир неча минг байт таржима қилишим қалбим тўридаги кўҳна эҳтиёжни уйғотди, жунбушга келтирди. Табиий иқтидор, кўп йиллик тажриба ўз ҳосилини бера бошлади, бир қанча ибратомуз ҳикоятлар, рубоийлар, шеърлар, газаллар битдим. Улар "Вақт" (1968), "Рубоийлар" (1968), "Гулбоғ" (1972), "Гулбоғ сайри" (1978), "Одам борки" (1982), "Гулбоғ насими" (1991), "Дурдоналар" (1998) номи билан китобхонлар ҳужмига ҳавола қилинган. Мен Фафур Ғулом, Миртемир, Юнус Ражабий, Иброҳим Мўминов сингари кўплаб адабиёт, илм, санъат алломалари билан ҳамкорлик қилганман, ошно бўлганман. Улар ҳақидаги эсселарим "Фидойилар ва рубоийлар" (2003) номли китобимдан ўрин олган.

**– Шогирдларингиздан кўнглингиз тўладими? Шарқшунослигимизнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим.**

– Қирқ беш йилдан зиёдки, олий ўқув юртларида талабаларга дарс бераман, аспирантлар, докторанту тадқиқотчиларга раҳнамолик қиламан. Демак, шогирдларим жуда бисёр. Улар орасида академиклар, профессорлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳам бор. Шогирдлар ҳақида гап кетса, ушбу рубоий эсимга тушади:

Шогирдлар ҳам мисли болалар:  
Бор-йўгингни сендан оларлар.


Баъзилари кўкка кўтарса,  
Баъзилари лойга қорарлар...

Худого минг қатла шукурким, менинг барча шогирдларим кўкка кўтарувчилар, эъзозловчилар бўлиб чиқишди. Ҳаммалари менинг йулимни тутишган. Ватанимиз шарқшунослигига улкан ҳисса қўшиб юришибди. Уларнинг ҳам мендек пири бадавлат бўлишларини, шогирдлари эса, менинг шогирдларимдек садоқатли ва меҳрибон чиқшини истаيمان. Шарқшунослик – мураккаб фан. Зероки, Шарқ халқлари ибтидосида турганимиз XXI аср тарихида ҳам муҳим ўрин тутди. Дунё тамаддунида уларнинг нуфузи тобора ошмоқда. Буларнинг бари адабиёт ва санъатда ҳам ўз инъикосини топади. Уларнинг ҳаёти, иқтисодиёти, маърифати, бугунги интилишларини ҳар томонлама идрок этиш лозим. Ҳозир имкониятлар кенгайиб, шароитлар яхшиланиб бормоқда. Интернет тизимининг ўзи бу имконият нақадар улкан эканлигини кўрсатмоқда. Демак, шарқшунослигимиз юксалиб бориши, шубҳасиз. Унинг ютуқларини Ватан истиқболига хизмат қилдириш шогирдларнинг келгусидаги вазифаси, деб биламан.

2006 йили устоз рубоийлари Умар Хайём рубоийлари билан бир жилдда (Нашр учун масъул – Минҳожиддин Ҳайдар, Тузувчи – Алишер Шомуҳаммедов) нашр қилинди. Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида ушбу китобнинг тақдимоти бўлди. Минг афсуски, Шоислом Шомуҳаммедов бетобликлари туфайли бу тадбирда қатнаша олмадилар. Атоқли адиб ва олимлар бу "беназир ижодкор"нинг адабиётимиз, шарқшунослигимиз тараққиётидаги улкан хизматлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Камина ҳам адиб Шомуҳаммедов ижоди ҳақида, хусусан, ҳикоятлари ҳақида бир нималар гапиргандай бўлдим. Шундан сўнг "Кўпни кўрганлар хузурда" рўкнига олдинги сўхбатларимни тўлдириб бергим келди.

Лекин ўғиллари "ҳозир мавриди эмас, яна сим қоқарсиз" деб учрашувни орқага сурдилар. Ҳайҳот, замонамизнинг буюк алломаси мана орамизда йўқ. Аммо у киши илмий асарлари, бадий ижодлари, энг муҳими, фақат Шомуҳаммедовга хос маърифатга йўғирилган яхши хислатлари билан бизга ҳамиша ҳамнафас. Зероки, устознинг севган устози буюк Ҳофиз Шерозий: Кимдаким бу оламда яхшилик-ла умргузаронлик қилган бўлса, у мангу тирикдир, деганлар.

Профессор Шоислом Шомуҳаммедов илмий, ижодий фаолиятининг илк давридан бошлабқ форс-тожик адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиш, бу адабиёт намояндлари ҳақида илмий ҳамда илмий-оммабоп асарлар яратган толмас адиб, забардаст шарқшунос бўлган. Унинг ижодий бисотида форс адабиётига доир тадқиқотлар муҳим ўрин тутар экан, улар барча замонларда ёш ўзбек шарқшунослари учун дастуруламал ва манба сифатида хизмат қилаверади.



## ТАҲЛИЛ

**Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ**

*1969 йилда тугилган. ТВДПнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Огаҳий маснавийлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Ҳозирда Ангрен шаҳар академик лицейида ўқитувчилик қилади. Учта илмий рисоласи, юздан ортиқ адабий-илмий ва танқидий мақоласи чоп этилган.*

**КИРМА АҒЁР БАЗМИҒА**

*(Жуманиёз Жабборов мухаммаслари ҳақида)*

Инсоният бадий тафаккури, ақл-заковати, зеҳн ва идрок қуввати гоҳо шундай гўзал санъат ҳодисасини қозоғга туширадими, беихтиёр катта талантнинг лирик воқелик ёхуд кечинма жараёнини тўлалигича англаши, ўз онги ва қалбига сингдириши, боз устига, ўз ҳолича ҳам тугал мазмун ифодаловчи асарни яна давом эттириши, унинг гоёвий-бадий камолотини мустаҳкамлаши, эҳтимол икки, уч ҳисса орттириши мумкин. Ушбу даъвони бизнинг ўзбек адабиётимизда анъанавий тахмисчилик, назира, тазмин, татаббуъ ва бошқа издошликнинг шу каби шакллари исбот этади. Агар гап мумтоз ғазалларга тахмис боғлаш анъанаси ҳақида кетса, беихтиёр кўз ўнгимизда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон ва албатта, яна бир Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов жонланади. Жуманиёз Жабборов мухаммасга айрича меҳру-садоқати билан ажралиб туради. Унинг бир қатор ғазаллари, Навоийнинг уч, Фузулий, Атойи, Муқимий ва Фурқатнинг биттадан ёзган ғазалига боғлаган мухаммаслари, ўз ғазалига тахмислари, мустазод, маснавий, туюқ, рубоий ва фардлари XX аср сўнги ва янги аср аввали ўзбек шеърятининг бебаҳо бойлиги бўлиб қолди.

Жуманиёз Жабборов фалсафий-бадий мушоҳадаси кенг, лирик қаҳрамон табиатининг нозик қирраларигача чуқур ҳис қиладиган, лирик воқеа, замон ва макон сарҳадларини, шунингдек, анъанавий образларнинг ички психологик ҳолатларини онгли равишда инobatга олиб, воқеа ривожини бадий гоёга, поэтик мантиққа буйсундирган ҳолда қалам тевратедади. Арузда қалам юритишининг жуда кўп мураккаб томонлари бор. Айниқса, ғазалга тахмис боғлаш жуда оғир ва мураккаб ижодий жараён. Негаки, тахмис бир кишининг ижодий маҳсули эмас. Тахмис боғловчи ғазал муаллифининг измида бўлади, унинг кўрсатмасидан бир сония бўлсин четга оғолмайди. Шундай қилса, санъат ҳодисасига зиён этади. Тахмисчи ғазал муаллифининг гоёвий концепцияларини чуқурроқ идрок қилса, унинг ўртага қўётган идеялари ҳозирги замон шоирининг дунёқарашига, ижодига мос тушса, шу билан бирга, шоир ўз иқтидорига, қаламининг қудратига ишонса, тахмис боғлашга киришади. Аксинча, бўлмайди. Ўзида

ижодий салоҳият, "аруз"га хос жасорат сезмаган шоир тахмис учун бош қотирмайди.

Ж.Жабборов муайян ўтмиш шоирининг ғазалига тахмис боғлар экан, ўз мисраларини тайёр асар бинотида устидан шундай мустаҳкам терадики, натижада XV ёхуд XVII асрда қаламга олинган ўша мавзу, ғоя ва муаммо ҳали-ҳануз ўз қийматини йўқотмаган, аксинча, тахмис боғловчи назарида ўша бедаво дард янада кучли ёлқинга айланган.

Шоир озар элининг даҳо санъаткорларидан бири Муҳаммад Фузулийнинг машҳур "Ўлдан сўр" радифли ғазалига тахмис боғлаган. Ошиқнинг маъшуқасига дардли мурожаати, дил афғони каби жарангловчи бу таниш нолалар Ж.Жабборов қаламида икки ҳисса таъсир қувватини намоён этади. Гўё Фузулийнинг лирик қахрамони маъшуқадан вафо расмини бажармоқ учун икки шарт қўйиб "ёлворса", Ж. Жабборов бу шарт рўйхатига яна уч талабни қўшиб, санъат ҳодисасининг бадий-ғоявий тароватини мустаҳкамлашга эришади:

*Тирикман то хаёлинг бирла, биздан энди йўл бурма,  
Кириб ағёр базмига, ниҳоят бизни ўлдурма,  
Ғубори мақдамнинг бўлсин бизим бу кўзлара сурма,  
Лабинг сиррин келиб гуфтора мандин ўзгадан сўрма,  
Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўлдан сўр.*

Муҳаммаснинг сўнгги бандида шоир лирик қаҳрамон висолга эришиш иштиёқида риёзат чекаётганини, жононга эришиш учун жондан кечишга тайёр эканлигини, модомики ўзи шундай вафо расмини тутган экан, маъшуқадан ҳам шуни талаб этишини ғоят гўзал тасвирлайди. Анъанага хос сўнгги бандда тахмис боғловчининг тахаллусига ҳам дуч келамиз:

*Висол шайдолари бир кун бўлур ёр васлига восил,  
Машаққат чекмайин кимдур қилибдур муддао ҳосил.  
Ниёзий иштиёқингда риёзат бандасидур, бил,  
Муҳаббат лаззатидин беҳабардир зоҳиди гофил,  
Фузулий ишқ завқин завқи ишқи вор ўлдан сўр.*

Ж.Жабборов улғ Навоийнинг "Гулоб ичра", "Наврўз" ва "Қизил, сориг, яшил" радифли ғазалларига тахмис боғлаган. Улар орасида "Қизил, сориг, яшил" (бу ғазалга шоир Ж.Камол ҳам жуда яхши тахмис боғлаган) радифли ғазал поэтик ғоя, фалсафий негизи билан сўз даҳосининг энг оғир, мураккаб ғазалларидан ҳисобланади:

*Хильатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,  
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.*

Навоий айтадики, жонон қизил, сариқ ва яшил тусли кийим кийиб, кўзимни яшнатади. Шу боис менинг оҳимдан чор атроф ранги ҳам шу уч хил рангда товланмоқда. Бу ерда Навоий маъшуқасининг фақат ташқи белгисини тавсифлаб қўя қолмаган, балки "шуълаи оҳим" дейиш билан ўзининг, бинобарин, маъшуқанинг ҳам руҳий ҳолатини тасвирлашга эришган. Ж. Жабборов ҳам табиат, атроф-муҳитнинг шу уч ранг асосида жилланиши фонида ошиқнинг ички психологик ҳолатини қуюқроқ чиқишга эришган. Яъни тахмис боғловчининг ўтли ноласи, ғазал муаллифининг "шуълаи оҳи" билан туташиб, бир пардада жўровоз бўлиб, ўқувчи руҳиятига ўзгача қайғу, ғамгинлик бағишлайди. Натижада, ўқувчи ошиқнинг изтироб исқанжасидаги руҳий ҳолатининг туб сабабларини маъшуқанинг ўзига оро бериб, ошиққа парво қилмаслиги билан изоҳлашга мажбур бўлади. Мана, юқоридаги "оҳ"нинг узвий асоси, бошланиш қисми. Уларни яхлитликда ўқийлик:

*Кўзларим полдир қўриб бўстон қизил, сориг, яшил,  
Неки бўстон, дашт ила майдон қизил, сориг, яшил,  
Йўқ, тамоми ер била осмон қизил, сориг, яшил,  
Хильатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,  
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.*

Ж.Жабборовнинг Атойи қаламига мансуб “Ул санамким...”, Муқимийнинг машхур “Навбахор”, Зокиржон Фурқатнинг “Сурмадин кўзлар қаро...” деб бошланувчи машхур ғазалларига битган мухаммаслари шоир адабий-эстетик оламнинг ниҳоятда кенглигини, ғазал муаллифи билан ижодий муносабатга киришишда муайян анъанавий мезонларга изчил амал қилишини, ўз ҳолича ҳам яратилгандан бери таъб ва шеър аҳли эътиборини қозонган мукамал асарни ривожлантириши, такомиллаштириши, мантиқий далиллаши, ўтмиш анъаналарга садоқат кўрсатиши билан бирга тахмис боғловчининг юксак таланти, иқтидори ва қувваи хофизасидан дарак беради.

Муқимийнинг машхур “Навбахор” ғазалида баҳор фаслининг беқиёс таровати, она табиатнинг яшил либосга бурканиб, “жўралар, ўртоқлар”ни дам олиш учун ўз бағрига чорлаши, унинг киши руҳиятига ором, хуш кайфият улашиши кўтаринки руҳда тасвирланса, ўша маънога кўшимча равишда Ж.Жабборов мисраларида “бир дилоро” мадҳи тилга олиниб, ошиқ мислсиз табиат қўйнида ўша гўзал билан сайр этиш истагини билдиради. Негаки, бунга табиатнинг ўзи гул очиб, ўзгача ҳусн таратиб, имконият тайёрлаб қўйган:

*Неча гулрўлар ичидан бир дилоро сайлайин,  
Ишқ розин айтгали эмди ўзумни шайлайин,  
Фикри мумтоз, ҳусни зебосин яна мадҳ айлайин,  
Рух очиб кўздан ниҳон бўлса паридек, наълайин?  
Айрилиб ҳушу ақлдан телба бўлмай соғлар.*

Зокиржон Фурқатнинг юқорида тилга олинган ғазалида эса шоир бирдан маъшуканинг кўзи, юзи, қоши ва кўлини васф этишдан бошлайди. Тахмисчи эса васф этилаётган маъшук жамолини табиат манзараси ва ўз иштироки воситасида мадҳ этиш орқали дастлабки икки байтнинг поэтик салмоғини анча кенгайтиради. Шу орқали тасвирнинг янада кўркам, салобатли, жонли ва таъсирли чиқишини таъминлашга эришади. Аввал Фурқат матлаъсини эслайлик:

*Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин поларанг,  
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.*

Биринчи мисра унчалик изоҳга муҳтож эмас. Унда сурма туфайли маъшук кўзларининг янада кўркамлашуви, хино туфайли қўлларнинг лола рангига монандлиги тасвири берилган. Иккинчи мисрадаги маъно биринчисининг узвий давоми. Байтда ёр жамоли таърифи келтирилган. Ғоза – қизил рангли бўёқ. Ҳозирги қизларнинг қизил упасига жуда ўхшаш. Қадимда хотин-қизлар турли байрамларда пардоз учун шундай кукунсимон моддадан фойдаланишган ва у ғоза деб юритилган. У бетнинг икки чеккасига думалоқ шаклда сурилган. Тоб – юзнинг шу қизилликда товланиши, жилланиши. Яъни Фурқат айтмоқчики, бу гўзалнинг кўзлари сурмадин қаро, қўллари хино туфайли лола рангига ўхшайди. Ғозадан юзлар жилвали, қошлар эса ўсма туфайли таранг тортилган.

Ж.Жабборов эса бу гўзалнинг кимлигини, қаердан келганини, ҳатто қандай либосга бурканганигача аниқ-тиниқ тасвирлаш заруриятини туяди ва юқоридаги икки мисра устидан ўзининг мана бу мисраларини “пайванд”лайди:

*Келди ногоҳ боғ тарафдан хуш садоли бир жаранг,  
Ул томон пешвоз югурдим, ҳайрат ичра ҳангу манг,  
Бир келинчак сайр этарди, худди чақмоқдек башанг...  
Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин поларанг,  
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.*

Мухаммаснинг сири, сеҳрли нуқталаридан бири шуки, унинг таркибидан бемалол тахмисга асос бўлган ғазал байтларини ажратиб ўқиш, таҳлил қилиш ҳам мумкин. Аммо тахмисчи қўшган учликларни мухаммас таркибидан тортиб олиб, ўқиб ҳам бўлмайди, таҳлил қилиш имконияти ҳам йўқ. Ўзгача айтганда, мухаммас бандлари фақат ғазал байтлари билан яхлитлик, бир бутунлик касб этади. Шунинг учун ҳам мухаммас ғазал

муаллифи тўпламига эмас, бевосита мухаммас боғловчининг тўпламига кирази. Бу мумтоз адабиётимизнинг анъанавий белгиларидан бири.

Ж.Жабборов ғазал ва мухаммасларида “Ниёз”, баъзан эса вазн тақозосига кўра “Ниёзий” тахаллусини қўллайди. Унутмаслик лозимки, шоир, дейлик, тахмисчи ўзининг шеърий лақабини ўзини таништириш учунгина мисра бағрига қистирмайди. Ҳар қандай тахаллус маъно-моҳияти билан ўша ғазал ёки мухаммаснинг гоъвий-бадий мазмуни билан уйғун келиши лозим. Буни мумтоз поэтика билан шуғулланган бошқа олимлар ҳам тушунтириб берганлар. Ж.Жабборовнинг мумтоз жанрдаги асарларида, хусусан, тахмисларида тахаллус муаллифнинг, шу билан бирга, ғазал муаллифнинг етакчи гоъвий нияти билан пайванд ҳолда дарж этилади. Шу билан бирга, шакл жиҳатдан ҳар икки шоирнинг адабий унвонига ҳам ишора қилади. Анъанага мувофиқ тахаллус худди ғазалдаги сингари мухаммаснинг сўнги бандида қаламга олинади. Мана, юқоридаги тахмиснинг сўнги банди:

*Қай қуни тақдир менга бул бахтни кўзгу айлади,  
Жумла ошиқ, эй Ниёз, бахтини орзу айлади,  
Зарра шафқатни қачон сенга парирў айлади,  
Жаврларким, Фурқат, ул шўху жафожў айлади,  
Бунчалик жабру ситам қилмас мусулмонга фаранг.*

Зокиржон Фурқат маъшуқага қанча лутф-эҳсон кўрсатмасин, у “жаврлар” билан “жафожўлик” қилаверади. Шу жумладан, ўша парирў ошиқ Ниёзга ҳам зарра шафқат кўрсатмайди. Ниёз – эҳсон, инъом демакдир. Бу ўринда шоир ўз қалбини, вафосини ўша санамга ҳада этса-да, ул жафожўдан заррача вафо эҳсонини қабул қилолмайди. Худди шу бадийий гоъ тахмисчи тахаллусига вобаста ҳолда ниҳоятда кўркам тасвирланган.

Пифагор айтадики, “ҳақиқий шоирда бастакорнинг нозик диди, мусаввирнинг ўткир нигоҳи, файласуфнинг кенг дунёқараши бўлиши лозим”. Шу жиҳатдан, Жуманиёз Жабборов шеъриятида буюк олим талаб қилган жиҳатлар аниқ балқиб туради. Бу даъвони халқ шоири қаламига мансуб мухаммасларнинг юқоридаги таҳлили ҳам исбот қилиб турибди.



## БОЛАЛАР ДҶНЁСИ



### Оллоберган ПЎЛАТ

1935 йилда туғилган. ТДПУнинг филология факультетини тамомлаган. “Кўнгироқча”, “Ғунчалар кўшиғи”, “Ажасбовур болалар”, “Жалолиддиннинг шамшири”, “Кўшлар хониши”, “Кўлоллар кўшиғи”, “Она кўшилок соғинчи”, “Ғунчалар”, “Турналар учганда”, “Аму тўлгонади” каби китоблари чоп этилган.

## МУНАВВАР ЭТИДИ КИЯТОБ

### Хайр, боғча

Оқ ювиб-тараб бизни,  
Қолдирмай кўнглимизни,  
Эркалатиб асрадинг,  
Кўчиб ҳар биримизни.

Ҳа, ўсди бўйимиз ҳам,  
Ақлимиз, ўйимиз ҳам,  
Ўқиб, билим олишининг  
Вақти етди чинакам.

Ўстирдинг, бериб туз-нон,  
Мисли она – меҳрибон,  
Бир умр миннатдоримиз  
Сендан азиз боғчажон.

Кўйдик кўксимизга кўл,  
Бизга тилагин: “Оқ йўл!”  
Саф тортяпмиз мактабга,  
Хайр, боғча омон бўл!

**Чигирткалар**

Күеиш ботиб, гар чўкса шом,  
Олай демай сира ором,  
Овозин эттириб давом  
Чириллашар чигирткалар.

Кулоқ осмас улар сўзга,  
Бермай уйку сира кўзга,  
Оламда ҳеч йўқдай ўзга,  
Чириллашар чигирткалар.

Тиним билмас бу қандай зот,  
Оқиом бўлса гўёки шод,  
Тун уйқумиз қилиб барбод,  
Чириллашар чигирткалар.

**Пичинг қилманг акаси**

Келиб кўнғач бутоққа  
Миттигина чуғурчүк:  
– Қай бирингиз йирикроқ, –  
Дедим, – сенми ё чумчүк?

Гапларимни ўзига  
Олгандайин қаттикроқ,  
Жаҳл аралаиш бирдан  
Деди менга ўша чоғ:

– Ҳамма қуидай қанотли  
Кўҳликкина бир зотман.  
Пичинг қилманг акаси,  
Ўз тошимга мен ботмон.

**Атиргулим**

Ўстирган атиргулим  
Бўлганидан энг хушбўй,  
Дер боғимга кирса ким:  
– Бунча чиройли, хушрўй.

Бўлмаган кам мафтунни  
Гулларимнинг ҳидига,  
Эккандим-да, уларни  
Сайлаб боғим дидига.


**“Алифбе”ни ўргандим**

“Алифбе”ни ўргандим,  
Ўқиб, ёзаман равон.  
Гап очиги, қолмади  
Талаффузимда нуқсон.

Билим олишига энди  
Маҳкам боғлайман белни.  
Билим йўлидан юриб  
Қунтга боғлайман йўлни.

Зиё тараркан, дилим  
Мунаввар этди китоб.  
Билим доим сочар нур  
Мисли кўкдаги офтоб.

**Хоразм**



*Хамдам АБДУЛЛАЕВ*



*Бекнойша РАХИМОВА*

## УЧ УСТОЗ ЭЪТИРОФИ

**40-50 йиллик Хоразм маданияти тарихини Юнус Юсуповсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.**

**Матёқуб Қўшжонов**

XX аср ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигининг машхур намояндalари сифатида танилган, устозлик мақомига эришган адиб ва олимлар силсиласида академик Ойбек, Матёқуб Қўшжонов, филология фанлари доктори, профессор Натан Маллаевлар фахрли ўринга эга. Улар шахсиятидаги ибратли қадриятлардан бири – бадий ва илмий истеъдод соҳибларига, фидойи изланувчиларга эътибори ва сабоқларидир. Бу фазилатнинг ёрқин ифодаси устозларнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, хоразмлик ижодкор Юнус Юсупов – Айёмийга (1907-1983) муносабатда аяқол кўринади ва у ҳозир ҳам кўпларга ўрнак бўла олади. Бу ҳол Ю.Юсуповнинг заҳматкаш адабиётшунос, Хоразм маданияти тарихининг билимдони, иқтидорли шоир ва драматург сифатидаги салкам ярим асрлик меҳнатининг ҳолис баҳоси эди. Дарҳақиқат, ўз ижтимоий-ижодий фаолиятини 1925 йилдан бошлаган Айёмий вилоят ёшлар ташкилоти, маданият, театр-эстрада, ёзувчилар бўлими, матбуот муассасаларида раҳбарлик лавозимларида самарали ишлади.

Айёмийдан салмоқли ижодий мерос қолди. Бу мерос бадий ва илмий-публицистик характерда бўлиб, кўплаб шеърлар, ўнга яқин драма ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти тарихига доир бир неча тадқиқотлар, мақолаларни қамраб олади. Турли мавзуларда ёзилган шеърларининг ҳаммаси чинакам санъат намунаси бўлмаса ҳам улар муаллиф бадий диди ва маҳорати тақомилида муҳим омил бўлди, Ватан ва халққа садоқат туйғусини ифодалашга хизмат қилди. Айёмий ижодий иқтидорининг бир қирраси драматургияда кўринди. Унинг оғзаки ижоддан рағбатланиб ёзган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” драмаси республикаимиз театрларида намоийш этилди. Хоразм вилоят

театри репертуаридан мустаҳкам ўрин олган "Мавлоно Огаҳий", "Республика ўт ичида", "Маузерли қиз", "Тун ва ноҳун", "Қизлар исёни" драматик асарлари унинг Тошкентда чоп этилган "Мавлоно Огаҳий" (1971), "Қалбимда давроним" (1978) номли тўпламларидан жой олди.

Табиики, муаллифнинг ўзига хос ижодкор сифатидаги ўрни ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ўрганиш соҳасидаги хизматлари билан белгиланади. Унинг бу борадаги изланишлари қамровли бўлиб, Хоразм адабий муҳитининг деярли барча бошқичларига дахлдор, лекин асосий қисмини XVIII-XIX аср бошларидаги адабиёт муаммолари ташкил этади.

Айёмий адабий мероснинг толмас тўповчиси, фидойи мухлиси ва матншунос тадқиқотчиси эди. Муҳими шундаки, шахсий бисотидаги бирламчи манбалар, қўлёзма, тошбосма девон ва бошқа асарларнинг кўпчилиги илк марта топилган ва таҳлил этилган битиклардир. Муаллиф ўзининг 1940 йилда "Гулистон" журнаlining 9-сонига босилган "Аваз Утар ўғли" сарлавҳали мақоласи билан авазшуносликка асос солди, Аваз, Мунис сайланма асарларнинг нашрга тайёрловчиси ва сўзбошилар муаллифи бўлди, умрининг охиригача давом этган илмий изланишларида 20 дан зиёд хоразмлик адиблар ҳақида маълумотлар тўплаб, уларни турли даражада тадқиқ қилди, китоблар ёзди. Бу китоблар академиклар Ойбек, М.Қўшжонов, Н.Маллаевнинг сўзбошилари билан чоп этилгани бежиз эмас.

Айёмий илмий салоҳиятининг юзага чиқишида Ойбек домланинг рағбат ва ёрдами катта бўлди. Бу ҳақда муаллиф "Ўт қақнаган сатрлар (1983) китобида шундай ёзади: "Бахтимга академик Ойбек ишларимдан хабардор бўлиб қолди. Хоразм адабий муҳити ҳақида асар яратишга мени ундади ва рағбатлантирди. Кейинроқ домла Ойбек иш тугалланганини кимдандир эшитиб, асарни ўқиш учун сўраб қолди. Домла бу кезларга келиб хасталикка чалинган эди. Мен каттагина қўлёзмани ўқишга бериб, домлани қийнаб қўймасмиканман, деган хаёлга бориб олиб бормадим. Домла ҳар учрашганда ўша ишни сўрарди. Бир кун кўришиб қолганда, аҳволи яхши эканлигини, роман ёзаётганини, менинг қўлёзмамни ўқишга иштиёқи борлигини айтиб, албатта олиб келишимни тайинлади, уни ўқиғач тақриз ёзиб бердилар. Ойбек домла ишни нашрга тавсия этар экан, унда тахрирталаб ўринлар борлигини алоҳида таъкидладилар".

Айёмийнинг "Адабий меросимиз тарихига доир" деб аталган ушбу қўлёзмасига ёзилган тақриз Ойбек танланган асарлари 13-томига киритилган (406-407-бетлар). Унда асарнинг умумий тавсифи ёритилиб, ўн тўрт бобдан иборат экани, Паҳлавон Маҳмуднинг давридан XX аср бошигача яшаган ўн тўрт шоир ижоди тўғрисида қимматли маълумотлар, "тарихий материаллар, воқеалар, фактлар гоят кўп"лигини алоҳида таъкидлайди ва ишнинг айрим жиҳатларини янада мукамаллаштириш зарурлигини уқтиради. Диққатга лойиқ яна бир жиҳат шундаки, муаллифнинг "Ўт қақнаган сатрлар" китобига устоз тақризнинг бироз мухтасар варианты сўзбоши ўрнида берилди. Қуйида Ойбек фикрларининг моҳиятини ифодаловчи ушбу тақриз матнини келтириш билан чекланамиз: "Юнус Юсупов (Айёмий)нинг Хоразм адабиёти тарихи ҳақида ёзган "Адабий меросимизга доир" асарини варақлаб кўрар эканман, менга ёқиб қолди. Сўнг мен бу асарни бовдан охиригача тўла ўқиб чиқдим. Аввалдан мен Хоразм адабиётини бир қадар ўрганганман, бу асардаги шоирларнинг кўпининг ижоди билан танишман. Аммо бу асар менга шу жиҳатдан ёқдики, Юнус Юсупов (Айёмий) чуқур, кенг тадқиқоти натижасида гоят кўп тарихий материаллар, воқеалар, фактлар тўплаган. Шоирларнинг жафо ва машаққатга тўла ҳаётлари, уларнинг бошидан кечирган фожиа, воқеа, хонларнинг жабр-зулми, ҳаётий манзаралар, лавҳалар кўп йиғилган. Айниқса, хонларнинг зулмини кўрсатадиган фактлар жуда кўп. Бу жиҳатдан асарнинг қиммати жуда зўр.

Мен бу асарни гоят керакли деб топаман. Юнус Юсупов (Айёмий) классик адабиётни яхши билган, тарихни чуқур ўрганган адабиётшуносдир. Асар материалларга бой бўлишига қарамасдан, лозим бўлса озгина қисқартирилиши мумкин, балки тахрир процессида қисқартиб бўлар. Шу асарларнинг адабиётини, тарихини яхши, мукамал биладиган бир муҳаррирга тахрири топширилса, албатта асарни баъзи такрорлардан тозалаш, силлиқлаш мумкин бўлади (ортиқча қайтариқлар кўли). Асар кунт билан тахрир қилиниши лозим, айниқса, кириш боби кўпроқ меҳнат талаб қилади. Яна такрор айтаманки, асарнинг қиммати жуда катта. Бундаги бой материаллар ёш олимларимиз учун катта манба бўла олади. Асарнинг албатта босилишини тавсия қиламан. Ойбек. 1964".

Бир минг саҳифадан иборат асар ҳақидаги ушбу тақриздаги холис танқид ва

фойдали маслаҳатлардан руҳланган муаллиф кўлэзма устидаги ишни давом эттирди, унга сайқал бериб, ҳажмини бироз ихчамлаштирди, қайтариқ фикрлар ўрнига таҳлилларни бирмунча кенгайтди, илмийликни чуқурлаштиришга, ўзи айтганидек, “айрим мақолаларнинг “сувини сиқиш”га ҳаракат қилди. Энг муҳими, асарни мушайрак икки китоб шаклида нашр эттирди. Уларнинг биринчиси 1967 йилда “Хоразм шоирлари” номи билан чоп қилиниб, унга Ойбек назарда тутган “адабиётни мукамал биладиган муҳаррир” қилиб талабчан олим Н.Маллаев танланди. Натан Маллаев кўлэзма умумий мазмунини сақлаган ҳолда баён тарзи ва услубга даҳлдор ғализликларни жиддий таҳрир қилди ҳамда Ойбек фикрларини қувватлаб, 25. VI, 66. санаси билан рақамланган сўзбошида “китоб Хоразм заминиде этишган шоирлар бисотини тўплаш ва тадқиқ этишда янги бир одимдир”, – деган фикрга келди ва 9 шоир ҳақида баҳс юритилган бу асар, айниқса, Сўфи, Мирзо, Рожий, Баёний, Мутриб, Чокар, Муғанний, Партав ижодларини ўрганишда янги саҳифалар эканига алоҳида ургу берди. Қувончлиси шундаки, зукко ва синчков муҳаррирнинг бу битик “адабиётнинг серғайрат муҳибю Юнус Юсуповнинг кўп йиллик изланишлари, заҳмати ва собитлиги замирида вужудга келган китоб”лигини эътироф этиши якуний хулоса вазифасини бажарган.

Иккинчи китоб юқорида қайд этилган “Ўт чақнаган сатрлар” бўлиб, унда яхлит кўлэзманинг илк қисмлари, XVIII асргача бўлган даврга мансуб адабий материаллар, шоирлар мероси умумий шарҳ тарзида ёритилган. Асосий эътибор адабий портретлар талқинига қаратилган. Булар – Нишотий, Андалиб, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Комил Хоразмий, Роғиб, Муғаннийлар бўлиб, биринчи китобдаги Сўфи ва Аваз ҳақидаги фикрлар янги маълумотлар ҳисобида бойитилган ва кенгайтирилган ҳолда баён этилган. Китобдан ўрин олган ҳар бир шоир ҳаёти ва ижодига оид фактлар, бирламчи манбалар, ҳали илм аҳлига маълум бўлмаган нодир аслият намуналари эканлиги асар оригиналлигини оширган. Шу боис XIX аср ва XX аср бошларидаги Хоразм адабий муҳити, хусусан Аваз, Сўфи, Мутриб каби шоирлар ижодига бағишланган кейинги даврдаги кўпчилик тадқиқотларда ҳам Айёмий изланишларига мурожаат этилиши тасодифий эмас. Зеро, бу материаллар Ойбек домла айтмоқчи, “ёш олимларимиз учун катта манба” бўлганининг исботидир.

Айёмийнинг “Қалбимда давроним” шеърлар, драмалар тўплами атоқли танқидчи М.Қўшжоновнинг “Зулматга – қаҳр, зиёга – мадҳ” сарлавҳали салмоқли сўзбоши билан очилади. (У мунаққиднинг “Қалб ва қиёфа” китобига ҳам киритилган). Бу сўзбоши-мақолани Ю.Юсупов ҳаёти ва ижодининг мазмун-моҳиятини ҳолис баҳоловчи умумлашган тавсиянома дейиш мумкин. Табиийки, унда шеърят, драматик асарлар, бадий иқтидор талқинлари устуворлик қилади. Устоз танқидчининг, хусусан, саҳна асарларда драматургнинг ўзига ҳослигини кўрсатишга эътибор бериши бежиз эмас. Чунки драмалар асосан тарихий мавзуда ёзилган бўлиб, Айёмийнинг ўтмиш воқеалари, машҳур шахслар ҳақидаги қарашлари билан уйғунлашиб кетган. Бу жиҳатдан уларни икки гуруҳга ажратиб таҳлил қилинган. Биринчиси – ижодкорлар ҳақидаги драмалар бўлиб, Огаҳийга бағишланган “Мавлоно Огаҳий”, Комил Хоразмий тўғрисидаги “Тун ва ноҳун” драмалари характерли экани алоҳида таъкидланади.

Бу асарларда давр воқеалари, тарихий сиймолар шахсияти ва ижоди синтезида ифодаланиб, Огаҳийнинг буюк шоир, таржимон, Комил Хоразмийнинг маърифатпарвар, тадбиркор, давлат арбоби, шоир ва санъат билимдони сифатидаги образлари ишонарли яратилгани қайд этилади. XX аср бошида эрк ва маърифатни қуйлаган Хонимжон ва Онажон номдор халфаларнинг жасорати ҳақидаги “Қизлар исёни” драмаси муаллифининг ютуғи, дея эътироф этилди.

Танқидчи “Республика ўт ичиди”, “Маузерли қиз” драмаларини яна бир гуруҳга киритиб, улар 20-30-йиллардаги ўтиш даврнинг муҳим ижтимоий масалаларига бағишлангани ва халқчил руҳ, ҳаққоний талқин билан долзарблик касб этганини юқори баҳолайди. Қуйидаги фикрлар устоз олимнинг драмалар хусусидаги умумий хулосасидир: “Драмаларнинг ҳаммаси Хоразм ўлкасининг шонли тарихий материаллари асосида яратилган. Уларга хос иккинчи бир хусусият ҳам бор: улар бир мақсад, аниқ эстетик гоёни тарғиб қилади”.

Ҳар учала устознинг Айёмий илмий-бадий ижодиёти ҳақидаги эътирофлари моҳияти бир нуқтада мужассамлашади. Бу – миллий, адабий-маданий меросга меҳр, уни излаш ва ўрганишда собитлик ва фидойлик, умуман ўтмиш маънавий қадриятларини англаш, эъзозлаш ва тарғиб қилиш тамойили бўлиб, бугунги кунда ҳам аҳамиятга моликдир.

### Нилуфар УМАРОВА



1972 йилда туғилган. Қариши Давлат университетиининг филология факультетини тугатган. "Орзуси бир дунё аёлнинг кўнгил розлари", "Дуоғўй ёмғир", "Хайл кўзлари" шеърый тўпламлари ва "Туйғулар тилмочи" адабий рисоласи chop этилган. Қариши педагогика коллежи она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

## ТУЙГУЛАР ТИЛМОЧИ

### Эссе

Туйғу – сезим ҳосиласи. Туйғусиз ёзилган санъат асари эшиксиз ва туйнуксиз қасрга ўхшайди. Бу қасрдан бошпана изламоқ ўз исмининг маъно-мазмунини англаб етмаган ва жон таслим этаётган киши ҳолатини эслатади. У фоний дунёда елиб-югуриб нима топди? Наҳот ўлимни хушлаш учун туғилган бўлса? Ғалати тасаввурлар қўнини кўнгил бухронини тўзгитиб юборади. Энди тасаввур идрокка "чанг солади" ва ўша эшиксизу туйнуксиз қаср деворидан эшик очади. Туйғусиз – тасаввур сари йўл йўқ. Тасаввурнинг махражу сувратини уйғунлаштириш учун тасвир ҳалқасини узгуччи ечим зарур. Бу куч идрок ёхуд заковат қувватидадир. Моҳият ана шу қувватдан сўнг шаффофланади. "Тасаввурни янгиламай туриб, на метафорани, на сўзни янгилаб бўлади" (Назар Эшонқул).

Дафъатан куйидаги манзара шеърят муҳибини аросат дайрида вазнсизликка солади. Чунки ўз Қадри билан хайрлашаётган ва саёқ сафарнинг адогига етолмаган лирик қаҳрамон ўз манзилдан бошпана изляпти. Озод ўйларини ўзи тузоққа ташляпти. Ҳатто чавандознинг шиддати саёзлашган дарё сингари сўник.

Куёшга кафтини тутган адирлар  
Совуван шахтимга беролмас ҳиддат.  
Хайр, эй, тилмочсиз қолган сатрлар,  
Сизга ҳам етишмас аввалги шиддат!  
...Наҳотки, уфқлар сингари узок  
Ҳисларим тилмочи – номаълум меҳр.

Номаълум меҳр – ҳислар таржимонимикин? Нега меҳр учун таржимон талаб этаяпти шоир. Ахир, инсон ўзини севишдан нафратлана олган кун узок-узокларга бош олиб кетгиси келади-ку! Узидан узоклашиш қалб сари қўшин тортиш эмасмикин? Тасаввуфда чекиниш тупроққа (хокисорликка) ёвуқлашиш, дея талқин этилади. Демакки, лирик қаҳрамон ўзининг ҳаётидан маъно топмагач, исёнга чоғланапти.

Тилмоч тополмадим сизга, ҳисларим,  
Азиз туйғуларим, бугун алвидо!  
Ҳатто тушунолмас ёру дўстларим,  
Демак, мен қандайдир хаёлга фидо.

Бу мисралар таассурот хулосаси эмас, балки тасаввур шамига уриляётган парво-

насифат ҳислар қандайдир хаёлга жонфидолигию ва аксинча, атрофнинг қоронғи манзарасидан ўқинаётган кўнгилинг видолашувига ундовчи ургудир. Аслида, шеър шу йўсинда бошланиб, лирик қаҳрамонни не-не талотумлар тўфонидида чирпирак этмади, инсон узлат сари чекинганда уни ёру дўстлари ҳам тушунолмайди. Узлат – ўзликни англаш илдизидир. Меҳрсиз яшаш – жонли ўлим ва бу ўлим ўчоғида одамлар танаси жасадга айланиши, фақат бу жасадни қабрсиз эканлигига ишора қилади шоир. Шеърятдаги ишора бармоқ учларидан из олиш каби жонли ашёдир. Туйғусиз яшаш ёлғон ҳаётдир. Рост яшаш эса изтироб алангасида ёниш ила баробар. Ўтли хисларига видео айтганларгина яшашни рад этади. Нега энди? Ўт – жаҳолат аждаҳоси. Ўт балоси ҳар қандай покиза туйғуларни ўз домига тартади ва жизғанақ этиб куйдиради. Туйғусиз олам оч ва йиртқич саҳродир. Қолаверса, шеър харитасига муҳит таназзулининг чизиқлари муҳрланган. Исёнга чоғланаётган одамнинг тилмочсиз ҳислар қуюнидаги видоси узлат водийсини ёруғликка кўмади. Узлат – номаълум меҳрнинг тилмочсиз туйғуларга уйғунлигидир. Лирик қаҳрамоннинг матлаби ҳам ана шу маконда сайр этмоқдир.

Ҳаётдан ўттиз бир ёшида кетган истеъдодли шоир Назар Шукурнинг “Зарқалам” нашриётида чоп этилган “Сен қайтмасанг” сайланмаси мундарижасидан ўрин олган бир шеъри таҳлилига маълум маънода ёндашдик, холос. Таниқли мунаққид, профессор Қозоқбой Йулдошнинг китобга ёзган сўнгсўзидаги куйидаги жумлаларга эътибор берайлик: “Назар Шукур оригинал поэтик назарга эга шоир эди. Шунинг учун ҳам у олам ҳодисаларини мутлақо бетақор йўсинида идрок этади ва тасвирлай билади”. Бу чин гап. Шоир покиза туйғулар таржимонидир. Унинг шеърятисида шаффоф Сўзга бурканган туйғулар шабнамлардай порлайди.

Назар Шукур ижодида халқона оҳангларга йўғрилган шеърлар анчагина. “Умрим йўлларида” шеъри бунга мисол бўла олади.

Қорлар кўмди ортимдан тизилган йилларимни,  
 Аёз урди қанчалаб аяган гулларимни,  
 Баъзан топдим, баъзи пайт йўқотдим йўллариимни,  
 Қачон борсам ёнига дўстан ширин ош бўлди,  
 Қай бировнинг дастидан еганим-да тош бўлди.

Шеър анъанавий йўлда битилган. Мисралар табиий равишда куйилган. Аслида, ўз сўзини айтмоқчи бўлган шоир учун бирон бир оқим баҳона бўла олмайди. Муҳими, илоҳий лаззат улашгучи шеърда жозиба ва ҳарорат бўлади. Халқ оғзига ижодининг содда, аммо сермаъно ёмбисидан баҳраманд бўлиш ҳар қандай шоирга ҳам насиб бўлавермайди. Оддийликда самимият бор, самимиятда соф туйғу ва ички моҳият мужассам. “Ҳайитгул афсонаси” шеъри тарихий қимматга эгадир. Унда икки ўзбек қавми ўртасида кураш мусобақаси ўтказилади. Бир қавмнинг полвонлари рақибларидан енгилгач, эл оқсоқоллари ташвишга тушишади. Аммо имкон изланган йўл топилади деганларидек, Ҳайитгул деган аёлни эркакча кийинтириб кураш майдонига туширади. Ҳайитгул рақибларнинг энг кучли полвони курагини ерга теккизади. Афсона замирида ҳақиқат мужассам. Қадимий ўйин – кураш шоир назаридан четда қолган эмас. Шеър халқ урф-одатларига эскилик саркити деб қаралган йиллари ёзилганлиги навои аҳамиятлидир. Эл оқсоқолининг ўрни, халқимизнинг ор-номуси кучли эканлиги ҳам эътироф этилган.

Шу ўринда шоирнинг “Най” достони хусусида тўхталиб ўтсак. Профессор Қозоқбой Йулдошев: “Назар Шукур дostonларида ҳам тасвир воситаларини оригинал қўллаш орқали эпик кўламли туйғуларнинг ишонарли тасвирини беролган. Чин истеъдод қисмга бутуннинг белгисини маҳорат билан жойлай олади. Бу ўринда ҳам шу ҳол номён бўлган”, дея дostonнинг мазмун мундарижасига ички сезим билан баҳо беролган.

Най – қадимий соз. Аскарлар жўнаётган эшелоннинг най каби кўзғалиши бироз ғалати бўлса-да, уни ботинан уйлаганда нақадар уйқашлигини англайсиз. Эшелон ўлим сари аскар йигитларни олиб кетаяпти. Жонсиз предмет ичида жонли тўлғоқлар ўзаро ҳамоҳангликка эга. Эшелоннинг хўрсиниқни ифодаловчи ҳаракатига най навои жўрлиги бир бутунлиқни ташкил қилган. Икки қарама-қарши ҳаракат бир параллел чизиққа туташган. Най тилга кирганда эса:

Куй эмас, Навоий ғамин тизими  
 Қайтарди Ҳиротга Астрободдан.  
 Барибир, ахтариб юртнинг исини  
 Унинг соғинчлари тушмасди отдан.


Най тилга кирганда йиғларди Бобур  
 Тонгданок юзланиб Андижон сари.  
 Лопиллаб қоларди ватансиз қабр,  
 Найнинг кўзларидан оқарди бари.

Найнинг кўзи бу – наво. Наво Навоийга ҳам, Бобурга ҳам замондош. Эшелонда урушга кетаётган аскарларгаям таниш. У шаклини ҳам, мазмунини ҳам ўзгартирмайди. У – тарих. Тарих муҳрида қотган муҳит янгиланмайди. Инсониятни олис аждодлар қавми билан ёш авлодни фақат куй бирлаштиради. Достон ана шундай оҳанг ва мазмунга курилганлиги билан қимматлидир.

Назар Шукур мустабид шўро тузумида яшаган. Дахрийлик довули кўпган даврда фикр эркинлиги фалажланган. Аммо унинг шеърлятида соғлом фикр нафаси уфуриб туради. Идрок қалб меҳробию кўнгил Хизр чашмаси каби соф туйғулар силсиласидан тиниқ жаранглайди. Оҳанг афсунлашидан чўчиган шоир ўқувчини тасаввур кўзгуси сари юзлантиради. Сўзлар баҳор эпкинидан зрийётган қор каби шаффофланади. Шаффофлик вужудга илоҳий нурдек сингади ва руҳият манзараларини ёриштириб юборади. Бу истеъдоднинг кучидир. “Яссавий мақбараси” шеърляда бу манзаралар янада ёркинлашади. Гап туркий тилнинг улуғлиги ҳақида кетаяпти. “Энасой бандига битилган ҳарфлар”ни шамоллар ўқиганлигию осмон, ой, юлдуз ўрганганлигини мустабид тузум куйчиларига эслатмоқда шоир. Чунки ёзувлар мақбара пештоқига битилган.

Бу тилда кўшиқлар айтди ярим ой,  
 Шарт йиртиб тун деган чимматларини.  
 Шомгача куйлади қуёш ҳоримай  
 Ёд айтиб Яссавий “Ҳикмат”ларини.

Шоирнинг жасорати муҳаббатга уйғун, нафратдан баланддир. Қўрқув салтанати иншосига елимдай ёпишган ёлғон оҳангга жўр бўлишдан ўзликни асраш туйғуси Илоҳнинг қудратидан эканлигини қалбан англайсиз. Шу боис ҳам шоирлар Сўз оламининг сарвари сифатида асрлар оша биз билан ҳамнафас яшайди. Назар Шукур ҳам ана шундай мақомга эга шоирдир. Унинг ижодини яқиндан ўрганмоқ фойдадан холи эмас. Чунки юлдузлар олис кўк тоқидан порлоқ нур сочиб мангуликдан дарс ўқийдилар, йўлчи юлдуз бўлиб йўл кўрсатадилар. Буни қум бўрони кўчган саҳролардан омон-эсон ўтиб келган карвонлар – фалак каромати тўхфаси эканлигини тушунганлар, туйғулар таржимони бўлмиш қалб соҳиблари англаб етганлар.



## ШАҲОН АДАБИЁТИ МАНЗАРАСИ



### Ошиқ БАЁНИЙ

Турк бахшилик (ошиқлик) адабиётининг ёрқин намоёндаларидан бири. 1938 йилда Туркияда тугилган. Ижод оламига 1965 йилда “Бабиалида сабоҳ” газетасида эълон қилинган “Дағлар” (“Тоғлар”) шеъри билан кириб келган. Ошиқ Баёний 19 август 2005 йилда автоҳалокатга учрайди ва оламдан кўз юмади.

## СЕЛ ЯНГЛИГДИР БУ ҲАЁТНИНГ ОҚИШИ

### Бир нафас

Ўзидан бир дунё мол-мулк истасанг,  
Сиҳат-саломатлик тила бир нафас.  
Биз мурод олиш-чун келдик узоқдан,  
Ниҳоят бағримга босдим бир нафас.

Сел янглигдир бу ҳаётнинг оқиши,  
Ақл дастгоҳида тўқирку нақини,  
Кўзга кўринмас, йўқдир йўлдоши,  
Соҳиб бўл, учирма елга бир нафас.

Қалб урар, қон покларан нафасдан,  
Беҳуда сарфлама ибрат ол сасдан,  
Бир қуш мисоли учар-кетар қафасдан,  
Гар учса тўтилмас, илло, бир нафас.

### Сенинг

Сенинг ёшларингни артмоқ муродим,  
Сенинг шу гирёнинг маҳв этди мени.  
Сенинг оғушингда сени қидирдим,  
Сенинг шу қўлларинг маҳв этди мени.

Сенинг нозларинг бу – аразлашларинг,  
Сенинг оқ кипригинг, камон қошларинг,  
Сенинг гўзал сарвдек қадду қоматинг,  
Сенинг қора зулфинг маҳв этти мени.

Сенинг шубхаларинг менда бир қараш,  
Сенинг суқунатинг пинхон бир талаш,  
Сенинг рўмолингда камалак оташ,  
Сенинг ёноқларинг маҳв этти мени.

Сенинг оҳу каби сурмали кўзинг,  
Сенинг зулфларинг-ла яширин юзинг,  
Сенинг дудогингдан сузилган сўзинг,  
Сенинг шу тилларинг маҳв этти мени.

Сенинг рўмолчангда нозик бир нақшинг,  
Сенинг ўқтин-ўқтин сирли боқилиннг,  
Сенинг Баёнийдан хуркиб қочишинг,  
Сенинг шу ёлларинг маҳв этти мени.

### Ёмгир

Ўрмонни кесибон, ёқсак биз агар,  
Булут биздан ранжир, кўл бўлар ёмгир.  
Яхшиликни ҳимоя қилолмасак гар,  
Тупроқлар судралар, мил бўлар ёмгир.

Осмондан ерга сочилар шафқат,  
Ерда қадр топар юксалар қат-қат,  
Денгизлар гавдаси – булутлар қанот,  
Кипригингга кўнғач, сел бўлар ёмгир.

Тўгонлар қуриб, гар, экинлар эксак,  
Жаҳолатнинг қўлларини қайирсак,  
Тоғларга, тошларга дарахтлар эксак,  
Самолар намланар, кўп бўлар ёмгир.

Булоқлар – томири эмасми ернинг,  
Баёний қуйлаган гўзал бу элнинг,  
Гар олдини тўссак, тез оққан селнинг,  
Порлоқ нурлар учун манбадир ёмгир.

### Кўнгил шаҳри

Бино айлаганим – кўнгил шаҳрини  
Тамалига сабр тошидан отдим.  
Шу оламнинг тотилмаган қаҳрини,  
Заҳматини тўзим ила беркиддим.

Деворини тўғри, текис қурганда,  
Деразадан дўстлик ели эсганда,  
Пойдеворга ҳузур қадам босганда,  
Адоват-ла, кибрни ташқари отдим.

Виждон масканига адолат қуриб,  
Хур фикрнинг қатъий қарорин суриб,  
Ҳатто, нафси қамаб, кишанлар уриб,  
Ғийбат-ла, гаразни эзиб йўқотдим.

Қусур бағишламоқ осондир тилга,  
Кўшиқ қурмоқ истаркан ҳар бир кўнгилга,  
Кўиниси ҳам бўлдим мен Каъба ила,  
Кунда тез-тез Меърож томонга кетдим.

*Дарахт эддм, богга, тоғ ва тошларга,  
Илм-ла санғат яратдм, кезмам бекорга,  
Қўл узатдм инсонларга, иқрорга,  
Шу усулда инсонликни Ҳақ этдм.*

*Сенлик, менлик дея нафс талашганга,  
Жаҳолат-ла янглиш йўлга тушганга,  
Ирқни, тилни, динни сўроқ этганга,  
Бирлик мактабида ҳаёт ўргатдм.*

*Баёний, сендадир сенинг ёдгоринг,  
Сени, сен изла, топ, будир санғатинг,  
Ойдин бўлсин дея юксак қурбатинг,  
Ой-ла ва юдузлар-ла қадрини ёпдм.*

### **Ошиқман**

*Ғам-қайғу келди кўзёшим тўлдириб,  
Булбул гулга, мен бир гулга ошиқман.  
Очилмаган йўлларни ҳам очаман  
Булбул гулга, мен бир йўлга ошиқман.*

*Ҳаёт карвонини бошдан кечирдм,  
Э, воҳ, қўлдан қанча фурсат қочирдм,  
Ҳаёт дарахтига кўнгил учирдм,  
Булбул гулга, мен бир шохга ошиқман.*

*Баёний дер, Ҳақни қидириб топдм,  
Дарёлардан кечиб, уммонга чопдм,  
Кўнгил арасини гулларга тақдм,  
Булбул гулга, мен бир болга ошиқман.*

**Турк тилидан Жумали ШАБАНОВ  
таржимаси**

## КЕЛГУСИ ЙИЛ СОНЛАРИДА ЎҚИЙСИЗ:

### Шеърят

Эркин Воҳидов. Дафтарда қолган сатрлар. Туркум.  
Омон Матжон. Янги шеърлар.  
Ҳалима Худойбердиева. Шеърлар.  
Фарозат Камол. Янги шеърлар.  
Ҳалима Аҳмедова. Туркум шеърлар.  
Йўлдош Эшбек. Кейинги йиллар битиги.

### Наср

Наби Жалолиддин. “Чўлпон”. Роман.  
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. “Муҳокама”. Роман.  
Муҳаммад Толиб ас-Сиддиқий. “Матлаб ут-толибин”. Рисола.  
Рюноске Акутагава. “Лойхўрак ови”. Ҳикоя.  
София Андреевна Толстая. Буюк тақдир эгаси.

### Драматургия

Миразиз Аъзам. “Қадр”. Киносценарий.  
Усмон Кўчқор. “Имом Бухорий”. Пьеса.


### Адабиётшунослик

Янги адабий суҳбат. Адабиёт – олдинда ёнган чироқ.  
Иброҳим Ғафуров. Зулфия сиймоси.  
Маҳкам Маҳмуд. Волтерга раддия.  
Баҳром Рўзимухаммад. Кепатог ортидаги сеҳрли диёр.

### Ўлмас мерос

Ибн Сино. Тайр қиссаси. Рисола.  
Имом Ғаззолий. Рисолат ут-тайр.  
Жалолиддин Румий. Мактубот.  
Шамс Табризий. Мақолот.  
Бертельс. Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти.  
Эрих Фром. Инсон қалби.  
Франсиско де Кеведо. “Ҳар нарса ва яна кўплаб бошқа  
нарсалар ҳақида китоб”. Рисола.

Xp10800



*Ҳақим Мирзаҳмедов. Қиш тонги*

**Энг яхши бадиий ва илмий асарлар танлови –  
2014 йил ғолиблари:**

**Адабиётшунослик:** *Маҳкам Маҳмуд. Тақлид, тасвир,  
илҳом ва истеъдод.*

**Публицистика:** *Тоҳир Малик. Саодатли келажак умиди.*

**Драматургия:** *Усмон Азим. Тонг отган тарафларда. Пьеса.*

**Наср:** *Алишер Мирзо “Қаллахоналик йигитча”. Роман.*

**Назм:** *Одил Ога. Виждоним оппоқ сочиқ. Шеърлар.*